



Шарқ юлдузи

Ойлик
адабий-бадиий,
ижтимоий-сиёсий
журнал

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи

10

1988

57 -йил чиқиши

Бош редактор

Ўткир ҲОШИМОВ

Редколлегия:

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ

Саид АҲМАД

Мурод МУҲАММАД ДУСТ
(бош редактор ўринбосари)

Омон МУХТОРОВ
(проза бўлими мудир)

Умарали НОРМАТОВ

Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА

Хайриддин СУЛТОНОВ

Зоя ТУМАНОВА

Туроб ТУЛА

УЙҒУН

Ўлмас УМАРБЕКОВ

Носир ФОЗИЛОВ

(масъул секретарь)

Тўлапберган ҚАИПБЕРГЕНОВ

Азиз ҚАЮМОВ

Ҳамид ҒУЛОМ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

УШБУ СОНДА



Ҳаср



Сайд АҲМАД

ЖИМЖИТЛИК

Роман

...тоғликларнинг ўз ўжар қонунлари бўлади. Харсанг тошлардан уй тиклайдилар. Ҳар баҳор селлар уйларини бузиб вайрон қилиб кетади. Лекин табиат қанча ўжар бўлмасин, улар қайсарлик билан яна кулба тиклайдилар. Бу ердаги эркинлик, кенглик кўнгилларга қанчалик эзгулик солмасин, барибир улар ўжарлик одатларини ташлаёлмайдилар. Бутун умрлари тошлар, селлар билан олишиб ўтади.




Шеъримат



Одил ИКРОМОВ

ЕРНИ ЕРИБ ЧИҚАР ТОҚАТЛАР ТУБИ

Шеърлар

Букун юрагимдан қочган оҳимга,
Елиб-етолмадим бесару сомон.
Бахт банги элитган қушдай, бошимга
Оёғини тираб турибди осмон.





Эркин Воҳидов

БИЗДАН КЕЙИН ҲЕЧ БИР АВЛОД ҚАЙТА ҚУРМАСИН

Олғир учун қайта қуриш —
Бир қозон шўрва,
Элдан бурун коса олиб
Чопмоқ бўлади.
Худбин учун қайта қуриш —
Каттакон кўрпа,
Бир амаллаб ўз устини
Ёпмоқ бўлади.

Жоҳил учун қайта қурмоқ —
Найза урмоқдир,
Энг қобул, энг пок юракни
Нишонга олиб.
Бизнинг даврон келди дея
Димоғи чоғдир,
Биладики, тош биллурдан
Ҳамиша ғолиб.

Қайта қуриш —
Сафсатабоз учун бир чолғу,
Унга эски оҳангларни
Тез жо қилади.
Бир хил тинғир-тинғирини
Чалабериб у,
Энг табаррук қўшиқни ҳам
Расво қилади.

Бюрократга қайта қуриш —
Дорбозлик демак,
Мувозанат лангарини
Қаердан тутсин.

Бугун омон, эрта тамом,
Ширин жон ҳалак,
Тарих ортга қайтмас,
Шўрлик нимани кутсин.

Қайта қуриш —
Омади йўқ шоирга — кудук,
Искандарнинг шохи бор деб
Секин айтади.
Бу кудукда қамиш унмас
Гапдан фойда йўқ,
Фақат қорин шишганини
Ёзиб қайтади.

Бу бошлиққа қайта қуриш —
Шахмат ўйини,
Ҳар кун шахмат доналарин
Қайта терар у.
Коллегия эслатади
Девлар тўйини,
Нечта жонни янчганидан
Рапорт берар у.

Кўр тутганин қўймас экан,
Эшитганин — кар,
Бу одамнинг миясида
Беш-ўнта шиор.
Коммуна деб атар бўлса
Очликни агар,
Принципга содиқ —
Очдан ўлар бахтиёр.

Бу олимни —
Замбаракка ўхшатиш мумкин,
Орқа билан жангга кирар —
Сабаби аён.
У орқага қараб туриб
Ўтмишнинг мулкин
Тўпга тутса
Қолар тарих ўрнида тўзон.

Ҳаммадан ҳам кимга қийин?
Нодонга қийин.
Қайта қуриш нодон учун
Қоронғи зиндон.
Ақл ишлатмоқ керак энди,
Ўрганмаган ул,
Бундан кўра калтак еган
Минг марта осон.

Дерлар: урсанг эти қотар,
Гар сўксанг — бети,
Одамзод ҳам айланар ер
Курраси билан.
Бу кас аввал орден билан
Мақтанар эди,
Бугун эса мақтанади
Фурраси билан.

Ҳар оғизга бир-бир куйдик
Биз аччиқ дори,
Ўзимиз-чи? Ўзимизга
Не қайта қуриш?
Биз учун у олбир!
Оғрик тишлар қатори,
Миямизда занглаб қолган
Михни суғуриш.

Қайта қуриш — кетмон,
Бир вақт пастдан юқори
Қазилган у терс ариқни
Ўрнига буриш.
У бульдозер.
Манманликдан топилган бари
Иллатларни кечаги кун
Жарига суриш.

Хўжакўрсин қабристонини,
Ёлғон мазори,
Эгасизлик гўрин яшаш —
Бу қайта қуриш.
Олам аро уч мингинчи
Йиллар сардори,
Ватанга мос ўрин яшаш —
Бу қайта қуриш.

Мен учун у деразадан
Кирган шамолдир,
Бу шамолдан қоғозларим
Афтодаҳолдир.
Улар учар, мен ортидан
Қараб тураман,
Шеърим, энди мен ҳам сени
Қайта қураман.

Кунлар кўрдик,
Остонада турган истеъдод
Бизнинг кўрган у кунларни
Қайта кўрмасин.
Шундай қайта қурайликки,
Энди умрбод,
Биздан кейин ҳеч бир авлод
Қайта кўрмасин.

Эски ҳаммом, эски тос

Қайта қуриш хусусида
Олам узра жарангос,
Давраларда баҳслар қизгин,
Баҳсларда зўр эҳтирос.
Кўп орзулар топди ҳаёт
Кўзгусида инъикос,
Аммо бизнинг томонларда
Ҳали фақат гап холос,
Ҳаёт эса ўша-ўша:
Эски ҳаммом, эски тос.

Аввалгидек йил бошида
Йил режасин бичамиз,
«Бажарамиз» қасамини
Кўк чой каби ичамиз,
Сўнг ўн бир ой сусткаш умр
Дарёсида кечамиз,
Йил сўнгида: «ҳайда-ҳайда»,
Ой сўнгида: «бос-ҳа, бос!»
Қоидамиз ўша-ўша:
Эски ҳаммом, эски тос.

Биз мажлиссиз яшолмаймиз,
Мажлисга ҳам план бор,
Мажлис дема — кураш! Сени
Пийпалашга гилам бор,
Содда бўлма, у гиламга
Тайёргарлик билан бор,
Чап беришни, чалишни бил,
Жавоб зарбин ўрган хос.
Ишни бўлса... иш маълум гап:
Эски ҳаммом, эски тос.

Кимга керак ташаббускор,
Билгувчи йўл-йўриқни?!
Ташаббускор ишни бузар
Кутмай юксак буйруқни.
Бизлар эсак — камтар одам
Қовуштириб қуллуқни,
Жим турамиз, биламиз-да,
Жим туришга бор асос.
Бизга асли жуда маъқул:
Эски ҳаммом, эски тос.

Қандай асос, дерсиз. Раҳбар
Сўзи доим сўз бўлган,
Унга «қарши», «бетараф» йўк,
Овоз доим юз бўлган,
У истаса икки беш қирқ,
Икки ўн тўққиз бўлган,
Тарихга боқ, раҳбарингни
Шаҳаншоҳга қил қиёс,
Аъёнлару гумашталар:
Эски ҳаммом, эски тос.

Кимки баланд учмоқ бўлса,
Бўлса ҳам у отамиз,
Асло парвоз қилдирмаймиз,
Оёғидан тортамиз,
Амаллаймиз, бўйнига бир
Маломатни ортамиз.
Деймиз, сени биз эҳтиёт
Қилмоқдамиз, Мирғиёс,
Баланд учма! Тинч сенга шул:
Эски ҳаммом, эски тос.
Бозоримиз ўша бозор,
Олой, Эски Жўвамиз,
Мақол ўша, пул бўлса гар
Чангалдадир шўрвамиз,
Бир тўрва пул билан тушсак,
Тулиб чиқмас тўрвамиз,
Баракалла эпчил йигит,
Қандингни ур, Саидваққос,
Касбинг ўша, нафсинг ўша:
Эски ҳаммом, эски тос.

Дўконимиз ўша дўкон,
Унга ҳам ҳеч ривож йўқ,
Пул чангаллаб, кўнгилдаги
Мол топишга илож йўқ,
Турмуш дерлар, бола-чақа,
Кимда ҳам эҳтиёж йўқ,
Ҳар юлғичга қуюқ салом,
Ҳар ўғридан илтимос,
Ҳолатимиз ўша-ўша:
Эски ҳаммом, эски тос.

Содда, мўмин одамлармиз,
Кўнгилда йўқ киримиз,

Олам ҳайрон, англолмас не
Бу юввошлик сиримиз.
Биз жим турдик, ўлди Орол,
Битди Аму, Сиримиз,
Авлодларга қолар бўлди
Заҳарланган ер мерос,
Дод фарёддан не наф, амал —
Эски ҳаммом, эски тос.

Фарзандларни биз не учун
Келтирамиз дунёга?
Ақлу қалбин, умру бахтин
Тўлдирмасак зиёга,
Туғдирмоғу туғмоқ биздан,
Қолган умри худога,
Яна бахтли болалиқдан
Солурмиз айюҳаннос,
Наҳот бўлгай эртамиз ҳам:
Эски ҳаммом, эски тос.

.
.
.

Бизга ишдан ҳеч гапирманг,
Гап сотишга устамиз,
Юк тортишмас, бировларга
Юк ортишга устамиз,
Ўлганларнинг орқасидан
Тош отишга устамиз,
Тиригида деймиз-фақат
Пайғамбарлик сизга хос,
Ялтоқилик ўша-ўша:
Эски ҳаммом, эски тос.

Дилимизда гапимиз кўп,
Айтган билан битмайди,
Лекин дардлар чорасига
Гапнинг ўзи етмайди,
Бундан буён аравада
Жим ўтириш кетмайди,
Йўқса, тарих бир кун биздан
Олажакдир алқасос,
Насибамиз бўлгай мудом:
Эски ҳаммом, эски тос.

ДИАГНОЗ

Қишлоқ докторининг айтганлари

Ҳамма билар:
Тиббий илмда,
Оврүподан анча йироқмиз.
Ҳамма бало, менинг наздимда,
Диагноз кўйишга нўноқмиз.

Дейлик,
Бемор бошида оғриқ,
Бу — чарчоқдан.

Ким дер: дам олгин?
Юборамиз, текширмай ортик,
Думбасидан тўртта аналгин.

Касал кўриб,
Айтамиз — буйрак!
Нақ Луқмоннинг ўзи сингари.
Улигини сўнг ёриб кўрсак,
Илма-тешиқ чиқар жигари.

Э, жигарнинг иши кўп нозик,
Қишлоқда йўқ, асли, соғ одам.
Дейлик,
Тўғри диагноз қўйдик,
Тепки еймиз райком тоғадан.

«Сиёсий онг қани, — дейди у,
Дехқон соғлом!
Дехқон — чавандоз!
Далада йўқ заҳарлик дору,
Диагнозни шамоллаш деб ёз!»

Сарик касал кўпми? Камайтир.
Чорани мен айтмай ўзинг топ.
Мен эмас, сен докторсан, ахир,
Ўқиш керак газет ва китоб.

Не ёзилган анов шиорда?
«Пахтазор — бу жанггоҳ», бўлсин ёд!
Дард саналмас ёмғиру қорда
Пахта териб орттирилган бод.»

Шундоқ.
Бизлар тиббий илмда,
Овруподан анча йироқмиз.
Ҳамма бало, менинг наздимда,
Диагноз қўйишга нўноқмиз.

Ҳолимиз шу,
Не узримиз бор?
Бизнинг хато завод деган сўз.
Аслида-ку, жамият бемор,
Кимлар қўяр унга диагноз?

Уни даво қилгувчи кимлар?
Не савдолар бордир бошида —
Биз сингари ношуд ҳакимлар,
Зўр тағолар турса қошида.

Жарроҳ тиглик фузало бир кун,
Айтмасин-да, ўтиб замонлар:
— Бу юрт дарди бошқа эди-ку,
Ҳайф сизларга, жоҳил луқмонлар!

Қўғирчоқлар

Қўғирчоқ эмасмиз, дердилар аввал,
Ошкоралик даври бўлиб тобора —
Энди улар ўйин кўрсатган маҳал,
Иплари кўриниб турар ошкора.

Уятчанлик

«Тоифалар» китобидан

Бу қалтис дард,
Зийрак бўлинг,
Белгиллари аендир:
Бош сал эгик, қўл кўкракда,
Тил сучук, юз алвондир.

Уларга кўп дуч келганман,
Кўнглим дарҳол сезади.
Уятчанлар одоб билан
Юрагимни эзади.

Мана унга қаранг!
Хушрўй,
Мўмингина боладир.
Порахўрмас, қўлингизни
Қайтаролмай оладир.

Содда йигит туғилмаган
Ўғли учун уй олди.
Лекин кўчиб боргани йўқ,
Ўз уйи бор, уялди.

Дўкандор ҳам кўп уятчан.
Қизил қоғоз қасдида
Бош кўтармас.

Икки кўзи
Пештахтанинг остида.

Бу — отадир,
Аслида у
Оталикка яролмас.
Дада, дея чопиб келган
Боласига қаролмас.

Ҳамкасбим бор —
Соҳиб зиё,
Эл дардини туёлган.
Лекин ҳақ сўз айтмоққа у
Катталардан уялган.

Бу амалдор кўтарилган
Кимларгадир суялиб.
Трамвайда юрмайди ҳеч
Халойиқдан уялиб.

Унга сира иш тушмасин,
Бағринг қонга бўялар.
«Хўп» дегани тортинади,
«Йўқ» дегани уялар.

Мулойим зот сеҳргардир,
Нақд қурбони бўларсиз.
Кулиб туриб пичоқ урса
Раҳмат айтиб ўларсиз.

Уятчанлик эга шундоқ
Киши билмас қувватга.

Бир уятчан бутун элни
Қўяолар уятга.

Биз улардан кулсак, ичда
Улар биздан кулади.
Бу касални йўқ қилмасак
Жуда уят бўлади.

Амалдорнинг ўлимига

Дод, минг дод,
Мен йўқотдим азиз кишимни!
Ўлмай ўлгур,
Битирмасдан кетди ишимни!

* * *

Амалдорлар талашиб ўрин,
Бир-бирининг қуритар шўрин.

Тентак бермай тентакка тўрин,
Қуритади тентакнинг шўрин.

Шахматчилар излашиб зўрин,
Бир-бирининг қуритар шўрин.

Олим топиб олимнинг ғўрин,
Касбдошининг қуритар шўрин.

Қассоблар-ку, ҳаммадан бурун
Танишининг қуритар шўрин...

Шоирлар-чи? Бериб қалб қўрин,
Шеър ёзмоқнинг ўрнига, кўринг —

Ўлмай туриб талашиб гўрин,
Бир-бирининг қуритар шўрин.

Ажаб эрмас

(Завқиёна)

Бу кунлар катта йўлда
Бир доvon бўлса ажаб эрмас,
Муқаррар ортида йўл
Кенг, равон бўлса ажаб эрмас,
Фаровон юрту олам,
Тинч жаҳон бўлса ажаб эрмас,
Биз этган барча орзулар
Аён бўлса ажаб эрмас.

Не ишлар кечди бошлардин,
У кунлар қайтмагай зинҳор,
Улуғвор танга энди
Номуносиб тўн бичилмас тор,
Унут бўлгай чекилган дард,
Жароҳат, кулфату озор,

Кўнгилда қолмагай ҳеч доғ,
Ғубордан тоза бўлмоқ бор,
Булут даврон шамолида
Ниҳон бўлса ажаб эрмас.

Сен эй, сен она юртим,
Кўхнаю ёш Ўзбекистоним,
Ҳамиша сен ўзингсан
Боиси ашъору дostonим,
Ғурурим, номусим, шодлик, ғамим,
Ободу пайҳоним,
Кўтар бошингни мағрур,
Ҳақлисан, шавкатли деҳқоним,
Бошингда шиша янглиғ
Осмон бўлса ажаб эрмас.

Қадим туркий мақол бор:
Бел қолар, беткай кетар, дерлар,
Умидли бу жаҳонда:
Эл қолар, беклар кетар дерлар,
Қолар дўстлик, садоқат,
Таънаю кеклар кетар, дерлар,
Оқар оққувчи дарё,
Хас-чўпу чирклар кетар, дерлар,
Бу кунлар эътиқодга
Имтиҳон бўлса ажаб эрмас.

Яқин икки минггинчи йил,
Ёруғ юз бирла киргаймиз,
Саховат тўла дастурхон,
Нону туз бирла киргаймиз,
Салим имон аталган
Йўлчи юлдуз бирла киргаймиз,
Ҳақиқатга, адолатга
Очиқ кўз бирла киргаймиз,
Ки Завқий орзу этган
Замон бўлса ажаб эрмас,
Қариган чоғда Эркин
Навқирон бўлса ажаб эрмас.

Матмусанинг қўшиғи

Беиш қолди Матмуса,
Энди не қилув керак?
Бир товуққа албатта,
Ҳам дону ҳам сув керак.

Бекор қолсанг ёстиқ ҳам,
Ёнбошингга ботади.
Телевизорга токай
Термилганча ётади?

Оинаи жаҳонда
Куйламаган оғиз йўқ.
Ўйлаб кўрса ўзидан
Ўтадиган ҳофиз йўқ.

Ўйлади, аввал бошни,
Сўнг ёнбошни қашлади.

Тўртта одам йиғилса
Қўшиқ-айтабошлади.

Эшитарми одамлар,
Эшитмасми, иши йўқ?!
«Боғ аро»ни кўтарар,
Бас, дейдиган киши йўқ.

Ўзи бўлар маҳлиё
Ўзи айтган куйларга.
Таклиф бўлса, бўлмас
Бораверар тўйларга.

Матмуса келган ердан
Қочар бўлди одамлар,
Тунлар қулоққа ёстиқ
Босар бўлди одамлар.

Оқсоқоллар дедилар:
Бир иложни ўйлайлик.
Матмусани қишлоққа
Тўра қилиб қўяйлик.

Бўлса катта амалдор,
Курсиси баланд бўлса:
Мажлис, қабул, нутқ, сафар...
Хуллас доим банд бўлса,

Балки қўшиқ айтишга
Вақти қолмас, улгурмас.
Амалидан уялиб
Ҳофизликни эп кўрмас...

Келишдилар, Матмуса
Энди қишлоқ тўраси.
Кўпайиб қолди, кўринг,
Қадрдони, жўраси.

У курсида ўлтирар,
Қўлни қўйиб белига.
Яна ҳам қийин бўлди,
Донишқишлоқ элига.

Кимки бирор иш билан
Ҳузурига киради —
Матмуса арз эшитмас,
Қўшиқ айтиб беради.

Чидаб сукут сақлаган
Марҳаматга эш бўлур.
Қўшиғини мақтаган
Албат иши беш бўлур.

Оқибат Матмусанинг
Қасали баттар бўлди.
Саҳар бошлаб ашула
Кечгача айтар бўлди.

Оқшомлари гузарда
Авжни олиб туради.
Эшитсанг-ку хўбу хўб,
Эшитмасанг — уради.

Тўра бўлгач, бошқа хил
Овозларни йўқотди.
Мени кулги қилди, деб
Хўрозларни йўқотди.

Донишқишлоқда энди
Бошқа бирор қўшиқ йўқ.
Биргина Матмусанинг
Қўшиғига тўсиқ йўқ.


Одамлар ижирғаниб,
Ўқчиб қулоқ солдилар.
Илож қанча, охири
Ўрганиб ҳам қолдилар.

Ҳатто кўмсаб, ноёб деб,
Сўйлар бўлди халойик.
Матмусага ўхшатиб
Куйлар бўлди халойик.

Қарсақ, олқиш, мадҳия
Авжга чиқиб басма-бас,
Халқ деди: бизга энди
Бошқа қўшиқ керакмас.

Ҳаммамиз бу қўшиқнинг
Фидойиси бўлармиз.
Уни айтиб яшадик,
Уни айтиб ўлармиз.

Алқисса, булбули йўқ,
Хўрози йўқ ул маъво —
Донишқишлоқда ҳамон
Янграб ёлғиз бир наво.



Саид Аҳмад

ЖИМЖИТЛИК

Роман

БИРИНЧИ ҚИСМ

Бир танда икки одам

Чўққилар жилвасига кўпам маҳлиё бўлаверма,
болам. Бу тоғда қашқирлар бор...

I

Одам боласининг кўзидан ёш чиқмаса қийин экан. Юрак-бағрини ўртаган аламлар шу кўзёши билан чиқиб кетади. Кимки фарёд уриб йиғлаёлмас, кўзидан ёш чиқазолмас, аламларини ичига ютса — дардга чалинади. Шунинг учун кексалар, алам ўртаган кишига йиғла, кўнглингни бўшат, дейдилар. Бу гапда ҳикмат кўп.

Афсуски, Толибжон йиғлолмасди. Унсиз, кўзёшисиз йиғларди, холос. Мана шу унсиз йиғи Толибжонни оёқдан йиқитди. Сал кунда қоп-қора сочлари оқ каптарнинг патидек бўлиб кетди.

Толибжонни ҳукумат касалхонасига жойлаштиришди. У ётган палатада энг катта раҳбар Шавкат Раҳимовичнинг қил ўтмас дўсти, машҳур колхоз раиси терим олдидан ўзини «ремонт» қилдиришга ётганди. Кунларнинг бирида Шавкат Раҳимович дўстини йўқлаб келди. Шунда у Толибжонни кўрдию ранги оқариб кетди. Бир муддат серрайиб турди-да, ундан ҳол-аҳвол сўраб ўтирмай, дўстини қўлтиқлаб, ташқарига опчиқиб кетди.

Орадан икки кун ўтиб Толибжонни шаҳарнинг оддий касалхонасига ўтказиб юборишди.

Асаб касали ёмон дард бўлади. Толибжон шовқинга чидамайдиган, гап кўтармайдиган бўлиб қолди.

У ўйлаб-ўйлаб олис қишлоғида қолган ўгай синглисини эслади. Толибжон синглисини кўп йиллардан бери кўрмаган. Эри нима иш қилади? Нечта боласи бор? Буни билмасди. Ҳар қалай ўзи туғилиб ўсган қишлоқ. Болалигини эслатадиган гувала деворлар билан қуршалган кўчалар, чўмилган жимжит сойлар, олисда садафдек чақнаб турган чўққилар, ям-яшил ўтлоқлар кўнглига таскин берар-ку!

У ана шундай ўйлар билан йўлга отланди.

Етим қишлоқнинг қоқ ўртасидан катта сой оқарди. У қишлоқ этагига етганда ёйилиб, ўртасида ўнлаб оролчалар ҳосил қилади. Толибжон болалигида ўртоқлари билан сув кечиб, оролчаларда қумга кўмилиб, соатлаб осмонга қараб ётарди. Уша пайтларда осмон жуда ҳам кўм-кўк бўларди. Оппоқ булутлар сут кўпигидек бўлиб, қишлоқ устидан шошилмай тоққа қараб сузиб ўтиб кетишарди. Қамишлар орасидан қурбақаларнинг қуриллаши, ўрдакларнинг ғақ-ғақ товушлари келиб турарди.

Толибжон кўкка қараб ётиб, бир зумда дунёни хаёлда айланиб чиқарди. Кечалари осмонни тўлдирган юлдузларнинг имлашларига тикилиб тонгни кутарди...

Мана ҳозир, у ўша ёшлиги ўтган сой кўприги устида турипти. Энди у яланг-оёқ, танини офтоб куйдирган, шўх, олов бола эмас, сочлари оқарган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган Толибжон эди. У тошларга урилиб оқаётган сувдан болалигини қидираётганга ўхшарди. Бу сойда, бу оролчаларда қанчадан-қанча хаёллари қолган. Шу соҳилларда у балоғатга етди. Шу оролчаларда не-не буюк орзулар оғушида маст бўлган. Ниҳоят жимжит сертупроқ кўчаларда кезиб, муҳаббатнинг бир умр унутилмас, қўшиқдек кўнгилни яйратувчи, ғазалдек юракка қуйилувчи, тушдек туманли онларини кечирган. У кунлар энди қайтмас бўлиб олисга, жуда олисларга учиб кетди.

Толибжон омонат ёғоч кўприк устида шундай, ҳам ширин, ҳам юракни ўртовчи ҳислар оғушида гарангсиб турарди.

Кечга яқин Толибжон қадрдон ва лекин унутилган уйини топиб келди.

У қишлоқдан чиқиб кетаётганда синглиси тўлишиб, бетларидан, боқишларидан балоғатнинг аллақандай таърифга сўз бермайдиган дақиқаларини кечираётгани сезилиб қолган бўй қизалоқ эди. Синглиси Толибжоннинг хотирида шундайлигича қолган. Ҳозир қандоқ бўлиб кетганикин, деб ўйлади Толибжон.

Эшикдан журъатсиз қадам ташлаб ҳовлига кирди.

Мотоциклини ёнбошлатиб филдирагига ел бераётган тўққиз ёшлардаги бола нотаниш кишининг ҳовлига кирганидан ҳайратланиб, мой бўлиб кетган қўлларини латтага артиб ўрнидан турди.

Ҳовлининг нариги бурчида уч-тўрт бола ерга чўнқайиб ўтириб, нимадир қиляпти. Айвонда ҳовлига орқа ўгириб, бир кампир чой ичяпти. Толибжон ҳовлини, уйни, айвонни бир онда кўздан кечириб чиқди. Бирдан юраги шув этиб орқага тортиб кетди. Синглиси бошқа ёққа кўчиб кетган бўлса-я! Булар бегона кишилар бўлса-я!

Бола унга яқин келди, салом берди.

— Зайнаб опанинг уйлари шуми? — деб сўради Толибжон.

— Ҳа, шу. Келинг, тоға.

Толибжон енгил тин олди.

— Сен Зайнабхоннинг кимлари бўласан? — деди тутилиб Толибжон.

— Неваралари бўламан.

Айвонда чой ичиб ўтирган кампир овоз берди:

— Ҳой, ким билан гаплашяпсан, болам?

Бу овоз Толибжонга таниш эди. Юраги бир ҳаприқиб кетди. Чамадонини ерга қўйиб айвон томонга жадал юрди. Гурс-гурс қадам товушидан кампир ўрнидан турмоқчи бўлди.

Кампир тўқсондан ошган, ҳалимдек ҳилвираб қолган. У Толибжоннинг ўгай онаси эди. Толибжон қишлоқдан чиқиб кетганда пайғамбар ёшидан ошган эди. Тирик экан. Толибжон кела солиб энгашдию унинг бўйнидан қучиб, бир дақиқа сўз тополмай энтиқиб, туриб қолди.

— Ҳой, кимсан, болам? Ҳидинг димоғимга таниш.

Кампирнинг кўзи ожиз эди. У Толибжоннинг елкаларини тимирскилаб силаб кўрди. Таниёлмади.

— Мени диққат қилмай ўзинг айтақол, болам! Кимсан? Ҳидинг Толибгинамнинг ҳидига ўхшаб кетяпти.

Йиғлаб кўзидан ёш чиқазолмаган Толибжоннинг ўпкаси тўлиб кетди. Ҳиқиллаб туриб бирдан ҳўнграб юборди.

Кампир унинг бошини силаб, пешонасини юзига босиб секин деди:

— Қаёқларда юрган эдинг, болагинам? Кўзим очиқ пайтларда қаёқларда эдинг, тентагим?

Толибжоннинг кўзларидан ёш қўйилиб келаверди, қўйилиб келаверди.

Кампир уни бағридан бўшатиб ҳовли томонга қиққирди:

— Нима қилиб турибсанлар, аягни чақирмайсанларми? Дадаларингга хабар қилмайсанларми? Югур, поччангга чоп, тоғам келди, деб айт.

Бир ҳовли бола дупир-дупир қилиб тўрт тарафга югуриб кетди.

— Ҳа, умрингдан барака топкурлар, жуда шўх-да, булар.

Кампир нимчасига ўраб қўйган чойнакни бери суриб пиёлага чой қўйди.

— Қанисан, болам? Манави чойни ич. Долчин солиб дамлаганман. Ич, ич! Толибжон кампирнинг кўлидан чойни олди. Ҳўплади. Онаси ўша пайтда ҳам шунақа чой ичарди. Ҳалигача ўша одатини ташламапти.

У пиёладаги хушбўй чойни ичиб бўлгунча ҳовли одамга тўлиб кетди. Бошига дурра танғиган ёши қирқнинг нари-берисидаги хотин ҳаллослаб келиб Толибжонга ўзини отди.

— Акажон! Бормисиз, акажон!

Бу унинг синглиси Зайнаб эди. Ака-сингил бир-бирларига мўлтираб тикилиб қолишди.

— Тинч-омонмисан, синглим. Мана, келдим.

Болалар уларнинг ҳолатини кузатиб туришарди. Зайнаб акасини бағридан бўшатиб болаларга қаради.

— Нима қилиб турибсизлар. Бу тоғанглар-ку! Чақиринглар дадангларни? Поччангниям чақиринглар.

Болалар аллақачон хабар етказиб бўлишган экан. Бирин-кетин куёв билан бола кўтарган қизи кириб келишди.

Зайнаб бир қизини узатган, унинг икки боласи бор эди.

Зайнабнинг эри келди. Толибжон билан бел олишиб кўришди. Кейин чорбоғдан қўй судраб чиқиб кампирдан фотиҳа сўради. Кампир узоқ пичирлаб юзига фотиҳа тортди. Куёв Толибжоннинг оёғи тагига келиб қўй бўғзига пичоқ тортди.

Кеч кириб қишлоқ уйларида чироқлар ёнди. Қўни-қўшнилар бири лаганда чучвара, бири ширгуруч, бири сомса кўтариб кирди. Куёв кампирни кўтариб, олиб келди-да, сўрига ўтқазди. Зайнаб акасининг елкасига янги тўн ташлаб, бошига янгигина тахтакачдан чиққан дўппи кийдирди. У тўғрига ўтириб олиб акасидан кўз узмасди. Гоҳ кулади, гоҳ мўлт-мўлт ёш тўкиб йиғлайди.

Уят, андишадан юраги эзилган Толибжон на йиғлашини биларди, на кулишини.

Зайнаб кечаси Толибжонга сўрига эри билан ёнма-ён жой солиб берди.

Куёви чарчаган экан, бирпасда пиш-пиш қилиб ухлаб қолди. Аммо Толибжонни ҳадеганда уйқу ололмади.

Осмон худди болалигидагидек тиниқ. Саноқсиз юлдузлар бир-бирлари билан имлашади. Улар Толибжонни ҳам кўк бағрига чорлаётганга ўхшайди. Тоғ ортидан кўтарилган баркашдек ой бир гала булутни ҳайдаб чиқди. Толибжон киприк қоқмай осмонга тикилиб ётибди. Кеча шу қадар жимжитки, ҳатто кекса қайрағочда мудраган чумчуқнинг инига сиғмай типирчиллагани ҳам эшитилади.

Шу сокинликни бузиб, қайдадир кучли портлаш бўлди. Унинг даҳшатли овози тоғ кўкрагига қадалиб акс садо қайтди. Шу хил портлаш яна бир неча марта такрорланди. Толибжон кўрпани елкасига тортиб ўтириб олди.

Зайнаб эрталабки нонуштага ҳамир қориб, ҳовли бетида у ёқдан-бу ёққа ғимирсиб юрипти. Сал ўтмай осмонга сутранг нур пуркаб чақин қақди.

Электропайванднинг ўткир нури азамат теракларнинг учини шам пилигидек бир дам ёндириб, ўчирди. Қайдадир кўтарма краннинг ғийқиллагани, қўнғироқ чалгани эшитилди. Бу товушлар Толибжоннинг асабини бузмасди. Қайтага қандайдир ҳаловат, юпанч бераётганга ўхшарди. У яна шунақа чақин чақишини кутиб ётди. Йўқ, бошқа чақин чақмади.

Толибжон ўй-ўйлаб кетди.

У институтни тугатганда қишлоққа бир келиб кетди. Аспирантура йиллари қишлоққа келишнинг сира иложи бўлмади. Негадир онам ўгай, синглим ўгай, деган фикр уни бу оиладан нарига итарарди. Бунга маълум сабаблар ҳам бор эди. Зайнабнинг бўйи чўзилган сари ўгай она Толибжон билан икковининг бошини қовуштириб қўяман, бегонага кетмасин, дерди. Она зимдан шунга тайёргарлик кўрарди.

Толибжон олти ёшлигида онаси ўлган. Дадаси болам онасиз ўсмасин, деб хотинининг йилини ўтказиб тўрт яшар қизи билан қолган бир бева хотинга уйланган эди. Уша бева хотин мана шу кампир, қизи шу Зайнаб эди. Бирга ўсиб катта бўлган синглисига айланишга Толибжон асло рози эмасди. Ана шу гап бўлгандан кейин Толибжон қишлоқдан кетиб қолганди.

Ўқишни тугатиб қишлоғига қайтмаган Толибжонга онаси бир хат ёзганди... Ушанда у: «Болам, нега келмайсан, Зайнабни бўйинингга осиб қўймасдим-ку!» — деган эди.

Толибжон эндигина уйланган, обкомда бўлим бошлиғи бўлиб ишларди. Бир сўзлилиги, ўжарлиги бировга ёқиб, бировга ёқмай юрарди. Комсомол уни шунақа қатъий, бир сўзли қилиб тарбиялаган эди. Тўғриси, фикрида собит Толибжон партия сафига ўтаётганда кекса коммунистлар: «ҳамиша шундай бўлинг, ҳақиқат йўлидан асло чекинманг» деб кафолат беришганди.

Ушанда Сталиннинг шахсига сиғиниш оқибатлари бутун мамлакат миқёсида тугатилиб бораётган, одамларда ҳаётга буюк бир ишонч пайдо бўлган пайтлар эди. Аммо майда «шахсчалар» тирик эди. Улар «халқлар отаси»га садоқатларидан воз кечолмасдилар. Айниқса лавозимларга ўрнашиб олган бир неча «шахс фарзандлари» мамлакат бўйлаб эсган тоза шабадани ўткинчи, мавсумий бир гап деб билардилар.

Ана шундайлардан бири республика тепасига мустаҳкам ўрнашиб олди. У ниҳоятда қаттиққўл, раъйига терс юрадиганларни, бир гапини икки қиладиганларни аямасди.

Толибжон бўлаётган ишларни билиб, баъзан тажанг, баъзан исёнкор табиятини куч билан босиб юрарди.

Уша кезлари Биринчи — Шавкат Раҳимович, профсоюзлар лидерини шундай бадном қилдики, инсон боласи бунақа хўрликларга чидай олмасди. Уни ўз кизига ўйнаш, деб гап тарқатди.

Йўриғига юрмаган профессор Нурматовнинг уйига бульдозер солиб текислатиб ташлади.

Толибжон бу ишларга гувоҳ эди. У ўзига ўзи: шунчалик қонунсизликларни кўра-билатуриб индамасам, қандай коммунист бўлдим, ахир, деб куйинарди. Охири унинг ичидаги исён портлаб юзага отилиб чиқди.

Область партия конференциясида сўз олиб, Шавкат Раҳимовичнинг кўзига қараб туриб бор гапларни айтди. Ёр-биродарларини атрофига тўплаётганини, бўйсунмаганларни бадном қилаётганини, бутун мамлакат бўйлаб шахсга сиғиниш оқибатлари тугатилаётган бир пайтда республикада янги бир шахс пайдо бўлганини очиқ-ёриқ айтди.

Ушанда қизиқ бир ҳолат рўй берганди. Зал бўйлаб гулдурос қарсақлар янграб кетди. Бу қарсақ товушлари қайдан чиқаётганини билиб бўлмасди. Одамлар стул тагига қўлларини тиқиб қарсақ чалардилар. Аммо уларнинг юзларидан, кўзларидан қарсақ чалаётганлари сезилмас эди.

Орадан уч ой ўтиб Толибжонга Шавкат Раҳимович «меҳрибон»чилик қилиб, уни «Она-Ватан топшириғи» деб чет элга жўнатиб юборди.

Толибжон уч йил Мозамбикда яшади. Уша ерда бир фарзанд кўрди. Мисрга борганда ўғли йўлга кирди. Уша ерда то овози дўриллаб иягига тук оралагунча яшашди.

Толибжон мажбуран жаҳонгашта умр кечирарди. Йигитлик кучи, илми, қобилияти бегона юртларда қолиб кетди. У неча марта Ватанга хат ёзиб, она юртига қайтиб келиш истагини билдирди. Рад жавобини олди. Эр-хотин маслаҳатлашиб бегона тузум, бегона ахлоқ ҳукм сурган юртларда ўғлиларининг тарбияси ўзгариб қолишидан қўрқиб уни Ватанга жўнатишди. Сал фурсат ўтмай боласидан, ўз ихтиёрим билан армия хизматига кетдим, деган хат келди.

Боласи эл хизматига яраб қолган онанинг қувончи узоқ чўзилмади. Уни

вабо олиб кетди. Бегона юртда, боласи дийдоридан узоқда армон билан кўз юмди.

У кўп машаққатларни бирга кечирган хотинини бегона элда қолдирди.

Толибжон Ватанга қайтганда ўғли армия хизматини ўтаётган эди. Унга онаси ўлганини айтмади. Дардини ичига ютиб, қулай бир пайтда айтарман, деб юрганди. Айтолмади, ўғли чегарада, хизмат вазифасини ўтаб турган маҳал ҳалок бўлди.

Мана, Толибжоннинг кўрган-кечирганлари, саргузаштлари...

Ҳозир у она қишлоғининг осмонида чақнаган юлдузларга тикилиб, ўтган кунларини эслаб ўтирипти.

Эрталаб бошига офтоб келганда уйғонди. Онаси ожиз кўзларини белгисиз тарафга қадаганча пешонасини силаяпти. Неваралари атрофини тўлдириб, аввал ҳеч қачон кўрмаган тоғаларига қимирламай тикилиб ўтиришипти.

— Турақол, болам, турақол, — деди кампир.

Толибжон она овозидан маст эди. Болалик йилларидагидек унинг бағрида эркалангиси, юзларини юзларига қўйиб ишқалангиси келди. Бутун хўрликларини, аламларини тўкиб солгиси келди. Атрофда мунчоқдек кўзларини қадаб, ажиб томошага маҳлиёдек турган жиянлари олдида ҳисларга эрк беришдан ўзини тийди.

Куёв ишга кетиб бўлган. Тоғ чўққиларида офтоб нури ялтираб турарди. Толибжон то ювиниб келгунча, кампир невараларини жавраб-жавраб кўчага чиқариб юборди.

Кексалардек доно камдан-кам бўлади. Она ўғлининг дилида нимадир борлигини, ичини нимадир кемираётганини сезиб турарди.

— Болам, билиб турибман, ичингда ўт ёняпти. Нима гап бўлди? Айт!

Толибжоннинг томоғидан чой ўтмади. Кучаниб зўрға ютинди.

— Келинимни сўрамадим. Болаларингни сўрамадим. Ўзинг оғиз очмаганинга сўрамадим, болам.

Толибжон титраб-қақшаб жавоб берди:

— Келинингиз жуда узоқ юрт тупроғида қолган.

— Болаларинг қани? — деди кампир яна.

— Ўғлим чегарада ҳалок бўлди.

Бу гаплар Толибжоннинг кўксини куйдираётган оловлар орасидан аланга бўлиб чиқди.

Кампир бир қўли билан шолчага тиралиб олдинга сурилди. Қўлини ҳавода пайпаслаб ўғлини топди. Пешонасидан силади.

— Бу дунё шундоқ, болам. Олам яратилибдики, бировга бахт, бировга алам келади. Чидайсан. Чидамай иложинг қанча. Кечадан бери сени ўйлайман. Ичингда нималар бўлаётганини кўр бўлсам ҳам кўриб турибман. Бахтингни тупроққа кўмиб кепсан. Қандоқ қиласан, болам. Ҳализамон куёвинг келади, бирга тоғларни айланиб кел, ғуборинг тарқайди. Бор, болам, бор.

Кампир ўтирган сўрига офтоб келиб қолганди. Бу сўридан энди то кечгача офтоб кетмайди. Толибжон онасини кўтариб айвонга олиб келди. Енгил, қушдан ҳам енгил бўлиб қопти. Қандоқ полвон хотин эди. Юрса ер титрарди. Толибжоннинг эсида: онасининг ўнг қўлида битта кумуш билакузуги бўларди. Билакларининг гўштдорлигидан билакузуги кўринмай кетарди. Ўша қўллар энди жуда ингичка, жуда нимжон бўлиб қопти.

— Долчин чойимни ҳам опкелиб бер, болам.

Толибжон сўрида устига нимча ёпилган чойнакни келтириб онасининг олдига қўйди.

— Энди бор, бир айланиб кел. Шошма, эсим қурсин. Утир.

Кампир Толибжоннинг хотинига, ўғлига қуръон бағишлади. Юзига фотиҳа тортгандан кейин, энди боравер, деди.

Толибжон жимжит қишлоқ кўчаларида анча айланиб юрди. Биронта бекорчи одам учратмади. Болалигида чўмилган сойга қараб йўл олди. Туфлисини ечиб шимини тиззасигача кўтариб сув кечиб оролчага чиқди.

Сув ҳамон бир текис оқар, сал нари бориб тошларга тегиб сапчиб ўтарди.

Толибжон қумга чалқанча ётиб сўнгсиз осмонга тикилди. Бу унинг болалик осмони эди. Болалик излари тушган, гўдаклик ўйлари қолган бу сокин оролчадан асло кетгиси йўқ эди.

Кун терскай томонга ўтиб, тоғларнинг сояси узун тортгандагина ўрнидан турди. Назарида кўнглига тугилиб қолган жами андуҳларини шу сувларга оқизгандек енгил тортди.

Бу фароғат ва сокинлик маскани, уни туққан она қишлоқ эди.

II

Эрталаб нонуштадан кейин болалар ивирситган сўрини йиғиштираётган Зайнаб кўча эшиги олдида ғийжиллаб машина тўхтаганидан қўлидаги супургини четга улоқтириб, эшикка қаради. Эллик ёшлардаги, Будённийникига ўхшатиб мўйлов қўйган киши кирди. Унинг орқасидан яшик кўтарган йигитча инқиллаб келарди. Ҳовли этагида куйманаётган болалар баробарига қийқириб юборишди:

— Катта эна, тоғам келдилар, Мирвали тоғам келдилар.

Айвонда панжарага бағрини бериб ўтирган кампир ўрнидан турмоқчи бўлиб кўзгала бошлади.

Мирвали деб аталмиш йигит шошиб бориб кампирнинг елкасидан беозор босди.

— Қўзғолманг, эна, қўзғолманг. Севиниб қолдингизми, эна. Толибжон келиб бағрингиз бутун бўлиб қолдимми?!

Кампир тимирскиланиб Мирвалининг елкасига қўл ташлаб кўришган бўлди.

— Вой нимасини айтасан, болам, ғойибим ҳозир бўлиб, уйим тўлиб қолди. Энди оёғимни узатиб кетаверсам ҳам бўлади. Дийдорини кўролмаяпманда, бу кўз ўлгур дунёни зимистон қилиб қўйди. Келганинг жуда яхши бўлди-да, болам. Толибжонгинамнинг ичи тўла дардга ўхшайди. Энди ўзинг уни бағрингга ол. Ўкситма. Ҳар қалай юртнинг тепасидаги одамсан.

Мирвали уёқ-буёққа аланглади.

— Дайдининг ўзи қани? Қайси гўрга ғойиб бўлди?

Атрофни ўраб турган болалар баравар жавоб қилишди:

— Тоғам пастда, оролчада ўтириптилар.

— Вой, чақир уни. Мирвали тоғам келдилар, деб айт.

Болалар қимирлашмасди. Мирвалининг орқасидан яшик кўтариб келган йигитнинг яна киришини кутиб, эшикка қараб туришарди. Сал ўтмай йигитча — унинг шофёри, қоп орқалаб кирди.

— Зайнаб, анави нарсаларни ўзинг сарамжонлаб ол, — у шундай деб шофёрига юзланди. — Қоғоз қопдагини ҳам олиб кир.

Зайнаб хижолат тортиб норози оҳангда деди:

— Кеча акамнинг оёқларига жонлиқ сўйгандик. Бекор овора бўпсиз-да.

Мирвали унинг гапига парво қилмай эшик томон юра бошлади.

— У дайдини ўзим топиб келаман. Зайнаб, синглим, қумғонда битта чой қайнатворгин.

— Гапингиз қурсин, директор, шу пайтда ким қумғонда чой қайнатади.

Кампир гапга аралашди:

— Хўп дегин, болам, дарров хўп дегин. Қумғон чойини соғингандир-да.

Мирвали болаларни эргаштириб чиқиб кетди. Шофёр мен нима қилай, дегандек машина олдида унга қаради.

— Қовунларни ретранцилаторда ишлаётганларга обор. Бирон соатларда қайтиб кел. Шошма, кетмай тур, — деди у нимадир эсига тушгандек. — Озроқ кутиб тургин. Ҳозир келаман.

У шундай деб пастликка қараб кетган илонизи йўлдан ўзига-ўзи тормоз бераётгандек, ўнг оёғига қаттиқ тиралиб, буталар орасидан жарлик томонга кетди. Бу паст-баландликда кунига неча марталаб бир-бирини қувиб ўйнаган болалар кучанмай, шамолдек унинг атрофида айланиб пастликка чопишарди.

Мирвали ўзига-ўзи танбеҳ бергандек ўйларди: машинада юравериби пиёда юришни унутдимми? Худди тормози бузилган машинадек пастликка мункиб кетяпман!

Унинг бу жарликка келмаганига ҳам беш-ўн йил бўлган чиқаров. Катта йўлдан ғириллаб ўтиб, ғириллаб қайтаверган экан. Баъзан кампирдан хабар олгани келганда ҳам бу томонларга қарамаган эди. Шу топда, оролчалар кўрина бошлаганда ўт-олов болалигини унутиб юборганини пайқаб қолдию юраги қисилди.

Ахир бу жойлар, оролчалар, отлиқнинг бўйини кўрсатмайдиган қамишлар орасидан потирлаб кўтариладиган ўрдаклар, тонггача шовқин соладиган бақаларнинг қуриллашлари, сувларнинг шовуллаши, тошлар орасидан чиқиб ювилиб топ-тоза бўлиб кетган қумларни лойқалатмоқчи бўлган балиқларнинг кумушдек товланишлари, туш пайтида бирдан жимжит бўлиб қоладиган, тунлари аллақандай базм қиладиган бу оромгоҳ энди унга бегона бўлиб қолгандек, нега келяпсан, бизни унитгансан-ку, деяётгандек бўларди.

Мирвали асли бу қишлоқдан эмасди. Унинг отаси Рихсивой селда оқиб ўлган, Мирвали кенг ҳовлида шумшайиб бир ўзи қолган эди. Унинг онаси Мирвали олти ёшлик пайтида туғолмай нобуд бўлади. Боламни ўкситмайман, деб Рихси ака уйланмайди. Мирвалининг ҳолидан кампир, Толибжоннинг ўғай онаси, хабар олиб туради. Ҳар қалай сингисининг боласини ташлаб қўймайди. Холаси уни ўз уйига кўчириб олиб кетмади. Тоғ сўқмоқларидан кунига икки мартадан қатнаб, иссиқ-совуғидан хабар олиб турди. Бу орада ўзининг ҳам чоли вафот қилиб каловлаб қолди.

Мирвали бўйига етиб рўзғорни эплайдиган бўлиб қолганди. Кампир ниҳоятда сабрли-қаноатли эди. Олдинги эридан қолган етим қизи Зайнаб, кейинги эридан қолган Толибжон, сингисидан қолган Мирвали. У мана шу уч етимчани оёққа турғизиш ҳам қарзим, ҳам фарзим, деб биларди. Бу тоғли юртда бу хил фидойи хотинлар озмунчами, дейсиз.

Мирвали шу топда, болалиги қолиб кетган оролчаларга яқинлашар экан, ана шуларни ўйларди.

Орқасидан келаётган бола ёлғизоёқ йўлдан чиқиб тошлардан сакраб-сакраб олдинга ўтди.

— Тоға, телевизоримиз ишламай қўйди.

— Ишлайди, энди ишлайди,— деди хаёли бўлинган Мирвали.— Эрта-индин ишлайди.

Аввалги кун кечга томон келган сел ретранслятор вишқасини ағдариб юборган, тоғнинг бу тарафидаги хонадонлардаги телевизорлар кўрсатмай қўйганди.

Мирвали тош тепасига чиқиб атрофга аланглай бошлади. Бу ердан етти орол бемалол кўриниб турарди. Аммо биронтасида Толибжоннинг қораси кўринмасди.

— Тоға, мен топиб келайми?

— Қаердалигини биласанми? — деди у болага қараб.

— Биламан, кечаям шу ерга келиб шаршара олдида ўтириб йиғлаганларини кўрганман.

Кампирнинг ўртоғини ичи тўла дард, дегани Мирвалининг эсига тушди.

— Йўл бошла, жиян, мени ўша ёққа олиб бор.

Бола уни шаршара томонга бошламай ёлғизоёқ айрилишидан чап томонга бошлади.

— Шаршара бу ёқда-ку,— деди ажабланиб Мирвали.

— Билмасакансиз-ку, тоға. Шовва бу ёқда.

Дарҳақиқат улар сал юришгач, ўн беш метрча баландликдан тушаётган шаршара олдидан чиқишди. Демак, тоғ селлари йўлини ўзгартирибди-да, деб кўнглидан ўтказди у. Шу пайтгача тоғнинг бу пучмоғига бирон марта ҳам келмаганидан ажабланди.

Шаршара гувуллаб тушар, йўл-йўлакай қоя тошларга урилиб тўзон бўлиб кетар, сув тўзонлари йигирма-ўттиз метр кенгликни тумандек ўраб оларди.

— Тоғам шовванинг нарёғида ўтирадилар.

Улар ҳўл, бақатўн қоплаган сирпанчиқ тошлардан сакраб-сакраб, шовваннинг нариги томонига ўтишди. Толибжон шаршарага тикилганча қимирламай ўтирарди.

— Энди сен кетавер, жиян. Биз ҳозир борамиз.

Бола орқасига чигирткадек сакраб югуриб кетди. Мирвали бола орқасидан бир дам илжайиб қараб тургач, Толибжон ўтирган харсанг тош томон юра бошлади.

Толибжон ҳамон қимирламай шаршарага тикилганча ўтирар, сачраган тўзондан елкалари ҳўл бўлиб кетган, иякларидан тиззасига сув томаётганини ҳам сезмас эди.

— Хо, дайди,— деди унга яқинлашиб қолган Мирвали.

Толибжон сув шовқинидан унинг овозини эшитмади. Мирвали, ҳой, карми-сан, нима бало,— деб яна қичқирди.

Толибжон бошини кўтарди. Одам бўйи пастликда ўзига қараб илжайиб турган нотаниш шоп мўйлов кишига ҳайрон бўлиб, ўтиришини ҳам, туришини ҳам билмай тикилганча қолди. Мирвали ҳам қизиқ аҳволга тушди. Толибжон деб ўйлаган одами бегонага ўхшаб кўринди. Лекин унинг қаеридир Толибжонни эслатарди. Кўзи, ҳа, икки кўзи Толибжонники эди. Одам боласи йиллар ўтган сари ўзгараверади, аммо кўзлари ўша-ўша, ёшлигидагидек ўзгармай тураверади. Бу ўша Толибжон эди. У ҳам Мирвалига қараб аввалига уни танимади. Толибжон шунча юрт кезиб, қанча савдоларни бошидан кечириб, негадир бирга ўсган, бирга қояларга чирмашган дўстини бирон марта бўлсин эсига олмаганидан афсусланди. Шунинг учун бўлса керак, турқи-тароватини ҳам унутиб юборганди. Барибир унутмаганда ҳам Мирвали у кўрган болалигидаги Вали эмасди. У вояга етиб, тўлишиб, ёшлигига ўхшамай кетганди. Айниқса шоп мўйлови уни жуда бошқача кўрсатарди.

— Вой, Толиб ака, ўзингизмисиз? Мени танимаяпсизми? Мен Валиман, Мирвали чатоқман.

Толибжон ўрнидан турди-ю, бирдан тош устидан сакраб Мирвалини қучоқлаб олди. У қадрдонини бағрига босаркан, бирон оғиз сўз айтишга тили айланмасди. Шу топда ҳам қувонч, ҳам буюк бир андиша тилини танглайига ёпиштириб қўйганди.

Наҳотки, бирон марта уни эсламадим, наҳотки шундоқ қадрдон учун юрагимнинг бир бурчида жой тополмадим. Менам одам бўлдимми? Ҳатто она ўрнига она бўлган, йўлимга кўз тикиб кўр бўлган бир муштипарни бирон марта йўқламадим?

Мана шундай ўйлар уни гунгу-лол қилиб қўйганди.

Одамзод қизиқ бўлади. Уй ўйлаб тополмаган, хаёлингга минг уринганинг билан келтиролмаган умрингни ё азоб, ё қувонч, ё андиша пайтларида лоп этиб бир дақиқада кўрасан. Ўтган умринг кўз олдингдан жуда тиниқ, жуда аниқ бўлиб ўтади. Ва шу дақиқада, ўтган умрингга баҳо бериб улгурасан.

Мана шу тоғ чўққисида бир чўпон оёғи тагидаги тош кўчиб пастга қулаб кетади. Пастда пичан ғарами бор экан, ўшанга тушиб омон қолади. То у пичан ғарамига тушгунча энди ўлдим, деб ўйлайди.

Чўпонлар унинг тирик қолганига севиниб, ранги бўздек оқариб кетган чўпондан:

— Улишинг нақд эди. Яхшиям пичан устига тушдинг. Ростини айт, то ғарамига тушгунингча хаёлингдан нималар кечди? — деб сўрашади.

— Дадамни кўрдим, аям билан гаплашдим, болаларим билан видолашдим. Хотиним тўртта етим билан қандоқ яшайди, деб ўйладим. Муни қаранглар, милтиқ ўқланганча тош устида қолганди, шу эсимга келди, болалар билмасдан тепкини босворса битта-яримтага тегиб кетадими, деб кўп ташвиш тортдим. Абдусаттор ўлаётганда васият қилиб, икки минг сўм берган эди, қизимни узатишганда ўзинг бош бўласан деб, шу гапни ҳеч ким билмасди. Угай отаси билса пулни қисташи мумкин эди. Шу пул қиёмат қарз бўлиб бўйнимда қолиб кетадими, деб ёмонам эзилиб кетдим...

Бу гапга биров ишонди, биров ишонмади. Кўпчилик чўпонни ёлғончига чиқазган эди. Аслини олганда, у рост гапни айтганди.

Бундай дақиқаларда бутун бир умр кўз олдингдан ўтади.

Толибжон ҳам шу топда бутун болалигини кўриб улгурган эди.

Мирвали Толибжоннинг кўнглидан нималар ўтганини сезиб турарди. Шунинг учун ортиқча гинахонликка ўтмай ўзини гўёки яқинда ажралишиб яна топишгандек тутди.

— Оббо, дарвеш-ой, оббо дарбадар-ой, от айланиб қозиғини топгандек яна юртингни қўмсаб келсан-да. Ажаб қипсан. Энди қочиб бўпсан. Бўйнингга арқон солиб ишлатаман. Ундан кейин...

Мирвали бирдан сергакланиб гапи оғзида қолди. Ахир, Толибжон ундан катта эди-ку. Уша кезларда уни ака дермиди? Сизлармиди ё сенлармиди? Ҳозир сенлаганим малол келган бўлса-я! Ҳар қалай интеллигент одам. Чет элларда дипломатлар билан гаплашган, катта охурдан сув ичган.

— Юринг, эшикка борайлик, ўша ерда гаплашамиз.

Толибжон энди анча ўзига келган, паришонлиги ҳам тарқаган эди.

У Мирвалининг болалик йилларини энди аниқ кўз олдига келтира бошлади. Жуда шўх бола эди. Муштлашишга ўч, ўтганнинг ўроғини, кетганнинг кетмони-ни оладиган симобдек беқарор эди. Энди қуйилиб қолгандир.

Иккови индамайгина тепаликка чиқа бошлашди. Шаршара овози аста-секин эшитилмай қолди. Орадаги жимликни бузиш учун Мирвали мўйловини силаб гап қотди:

— Бир йўқлаб борган эдим, тополмадим.

Толибжон ҳайрон бўлди: мени қаердан йўқлаган бўлиши мумкин?

— Қачон? — деди Толибжон.

— Бунгаям беш-олти йил бўлиб қолди. Мозамбикка борган эдик. Ўша ерда мутахассисларимиз пахта экишяпти. Менам ўн кун туриб келдим. Ўшанда сизни шу тарафда деб эшитиб қолдим. Қидирдим, тополмадим. Асвон томонга кетди, дейишди. У томонларга йўлим тушмади.

— Ўзбеклар у тарафларда кўп. Ирригаторлар, агрономлар бор. Учрашиб турардик. Кўришолмабмиз-да. Миср эҳромларини кўрсатардим.

— Кўрдим,— деди Мирвали.— Мисрга борганимда кўрдим. Зўр жойлар экан. Ўша эҳромларни одам боласи қўл билан қилганига ишонгинг келмайди.

Гап билан бўлиб улар тепаликка чиқиб олганларини билмай қолишди. Эшик олдида Зайнаб уларни кутиб турарди. Шофёр бола ухлаб қолган бўлса керак, кабинанинг очиқ эшигидан икки оёғи чиқиб турарди.

— Мунча ҳаяллаб кетдинглар. Қумғон неча қайнаб, неча совуди. Аям улар қани, деб жуда шошириб ташладилар.

Мирвали шофёрни уйғотиб кабинадаги рация трубкасини кўтарди. У ким биландир гаплашиб «Қайнарга жой қилинлар, меҳмон боради», деб тайинлади-да, Толибжон кетидан ҳовлига кирди.

Ҳовлига кўлоблаб сув сепилган, ҳаммаёқ ораста эди. Сўрига гилам тўшалган. Айвонда ўтирган кампирни Мирвали кўтариб сўрига олиб келди.

— Қудратингдан ўргилай, худо, кўзимни олганингга яраша оёғимни тинч қўйсанг бўлмасмиди. Тимискиланиб бўлса ҳам омонатингни олгунингча юриб турардим.

Мирвали кампирга тегажоғлик қилди:

— Шунча юрдингиз бўлди-да. Манави неварачевараларингизни кўзи, оёғи сизники. Тўқсонни уриб қўйдингиз-ку, яна нимани кўрмоқчисиз. Кўраве-риб, жамики нарса ёд бўлиб кетгандир.

— Шундоқ дейсан-ку, болам, бу ёруғ жаҳоннинг жамолига ким тўйибди-ки, мен тўйи.

Зайнаб кетма-кет уч чойнак чой келтирди.

— Манавуниси ойимга, долчинли. Манавуниси акамга, кийик ўти дамланган. Манаву тўқсон беш бизга, директор.

— Кийик ўтидан ичиб туринглар, болаларим, меъдани тоза қилади,— деди кампир ўз чойнагини тимирскиланиб топаркан.— Ҳой қизим, овқатинг пишган бўлса опкелақол, акаларингни қорни очгандир. Атайлаб қовоқ манти қилдик, Толибжон болам, сен борган тарафларда ҳам ошқовоқ бўларканми?

Толибжон елкасини қисди.

— Шунга эътибор бермаган эканман. Ошқовоқ емаганимга ҳам кўп йиллар бўлиб кетди.

— Ҳим,— деди кампир афсуслангандек.— Шаттан чиқиб кетганингдан кейин емаган экансан. Ҳа, болам, яшамабсан-да. Умрни сувга оқизиб кепсан.

Толибжон нима дейишини билмай бош эгиб ўтираверди.

— Вали, болам. Энди Толибжонни сенга топширдим. Туғилган ерларини айлантри. Юртини кўрсин. Дилидаги ғуборни ёз.

Овқатдан кейин Мирвали кампирдан дуо олиб ўрнидан турди.

— Толиб энди мени ихтиёримда. Кечқурун келмаса хавотир олманг, эна.

— Йўқ, йўқ, кечқурун уйда бўлсин. Мен ҳали дийдорига тўйганим йўқ. Кечқурун куёв келади. Неваралар келади. Уй тўлиб кетади-я.

— Ҳўп, хўп. Майли, келади.

Мирвали билан Толибжон чиқиб кетишди. Сал ўтмай кўчада машина гуриллади. Кетаётган машина орқасидан югурган бир гала боланинг қийқириғи, ба-

қириб-чақириши эшитилди. Кампир ташқарига қулоқ соларкан, ҳа, умрингдан барака топкурлар-а, деб қўйди.

III

Машина ўнгири оралаб кечагина сел суриб туширган харсанг уюмлари олдида тўхтади. Мирвали пастга тушиб қўлини пешонасига соябон қилиб худди арра билан қирқилгандек тик қояга қаради. Эллик метрли телевешка қоянинг қоқ белида фил хартумидек буралган илдизга илиниб қолган эди.

Толибжон ҳам кабинадан бош чиқариб ўша томонга — неча тонна оғирликдаги вишкани панжасида ушлаб турган илдизга ҳайрат билан тикилди. Шамол сал тебратса у пастга шитоб билан қулаши аниқ эди.

— Бу илдиз паровозни ҳам кўтаради, оғайни,— деди Мирвали Толибжоннинг кўнглидан ўтган фикрни пайқагандек.— Эртага альпинистлар келади. Вертолёт ҳам чақирилган. Ўзимизнинг болалар ҳозир вишка оёғи тираладиган супачага бетон қуйишяпти. Ун минутлик сел, биласанми, қанча зарар келтирди. Уч юз тўқсон етти эчкини нобуд қилди. Тўққиз кўприкни суриб кетди. Тўртта қишлоқчадаги юз саксон хонадоннинг телевизорини ўчирди. Бузган йўлларини айтмай қўяқолай. Табиатнинг бунақа телба ўйинларига бас келиб бўлмайди.

Толибжон кабинадан чиқди. Қоядан тўкилган тошларда эчкига ўхшаб сакраб-сакраб юрган машинада силкинавери бели оғриб кетган эди. Қаддини ростлаб, атрофга назар ташлади. Емғир ювиб ўтган пастликлар кўм-кўк. Гиёҳларда заррача ғубор йўқ. Ўнгирига кириб қолган дайди шамол чиқиб кетишга йўл тополмай айланар, гиёҳларни силкитарди. Шамол теккан гиёҳларнинг астари кумуш рангга кирар, шамол тегмаган беткайи тиниқ яшил тусда қимирламай турарди. Майсаларнинг бу кўриниши ҳозиргина дастгоҳдан тушган беқасамга ўхшаб кетарди. Зум ўтмай, шамол йўлини ўзгартириб ўнгирининг бошқа бир ерида худди шундай манзара ясарди. Баъзан шамол буралиб-буралиб гирдоб кўтармоқчи бўлади, қоя тошларга тегавериб мадори кетганидан кейин сокин ҳовузга тош тушгандек, майсалар бетида яшил ҳалқалар ясаб тинчиб қоларди.

— Толибжон, бирпас дам олиб тур, биз юқорига чиқиб бетончи болалардан хабар олиб қўяйлик,— деди Мирвали ён соатига қараб,— агар хоҳласанг биз билан юр.

Толибжонни машина қоқиб қўйган эди. Шу ерда кутишини айтди.

Шофёр билан Мирвали юқорига чиқа бошлашди. Толибжон уларнинг альпинистлардек тошларга тирмашиб, илдизларга осилиб кўтарилишларини анча пайтгача томоша қилиб турди. Охири улар харсанг тошлар орқасида кўринмай кетишди.

Толибжон ҳозир Мирвали олиб қараган қопқоғига ёқут қадалган ён соатни танирди. Бу соат унинг отасидан қолган эди. Кампир она ҳар сандиқ очганда уни Мирвалига кўрсатиб, катта бўлганинда тутасан, дерди. Аммо Мирвалининг сабри чидамай кампир йўғида сандиқ титиб, соатни олар, уч-тўрт кун болаларга мақтаниб юрарди. Толибжон кўнглида, ҳали ҳам ўша соат бор экан-да, деб қўйди.

Бугун у билан кўришгандан бери тили танглайига ёпишиб қолгандек журъат билан бирон гап айтмади. Унча-мунча айтган гапининг ярми ичида чайналиб қолиб кетарди. Аслида Толибжон ёшлигида ҳам одамовироқ эди. Тенгқурларига ортиқча аралашмас, бир чеккада китоб ўқиб кунини кеч қиларди. Кампир унинг бу феълидан кўп ранжирди. Вой боламе, мундоқ ўртоқларингга қўшилсанг-чи, ҳадеб китобга тикилиб ўтираверасанми, деб уни зўрлаб, кўчага чиқазиб юборарди.

Тоғ болалари жуда шўх, жангари бўлади. Нариги қишлоқ болалари билан муштлашгани атайлаб довон ошиб боришарди. Кўйлак-иштонлар дабдала бўлиб, бирининг боши ёрилиб, бирининг кўзи кўкариб, кечага томон қайтиб келишарди. У ёқдан еган калтаги камлик қилгандек дадаларидан ҳам яхшигина шапалоқ ейишарди. Аммо муштлашишга тўймаган бу болалар яна тоғ ошиб қасдларини олиб қайтишарди. Айниқса Мирвали гапга кирмайдиган «қулоқсиз» бола эди. Айтган гапини қилмай, ураман деганини урмай қўймасди. Хўллас, Толибжон ёшлик пайтларини кўз олдида келтириб Мирвалининг ғуррасиз ё оқсоқланмаган, тимдаланмаган пайтини эслолмади. Ундан ташқари, муштдек боши

билан ургутлик бир тожик қизини яхши кўриб қолиб, довон ошиб ҳадеганда ўша ёққа кетиб қолаверарди. Уз қишлоғидан нарига қиз бермайдиган ургутлик тожикларга унинг бу бемаънилиги малол келганидан бир-икки ушлаб олиб, калтаклашган ҳам эди. Ушанда ҳам Мирвали товба қилмаган. Эртасига ой энди кўтарилган паллада ўша қизни опқочиб келганди. Вали ўшанда энди ўн иккида эди. Қиз эса тўққиз-ўн ёшларда экан. Сочлари жамалак, узун чакан кўйлаги тўпиғича тушган бир гўдак эди.

Кампир каловлаб қолган эди. Ҳарчанд қизни обориб қўйишга қистаса ҳам ўғли кўнмас, қизнинг яқинига одам йўлатмасди. Кампир яхшиликча гапириб кўрди, бўлмади, йиғлаб ялинди, бўлмади. Қизнинг ҳам кетгиси келмасди. Кампир ўша кеча ётмади. Тиқ этса эшикка қараб қизни бағрига босиб, ўтириб чиқди. Ҳали тонг ёришмаган эди. Девор орқасида от дупури эшитилди. Отлиқларнинг тожикчалаб гапиришидан юраги ўйнаб кетди. Девор нахрасидан тупроқ тўкилиб, икки-уч йигит ўзини ҳовлига гуп-гуп отди. Мирвали ухламаётган экан, бужир тутга тирмашиб томга чиқди-ю, чорбоққа ўзини отди.

Бўлаётган тўполондан қўшнилари ўғониб кетишди. Бир зумда ҳовли одамга тўлди. Қизнинг уруғлари болангни топиб берасан, деб кампирга ўдағайлар, кампир нима дейишини билмай дир-дир титрарди.

Тонг отар маҳали қизни олиб кетишди. Аммо эртасига ҳам, индинига ҳам Валидан дарак бўлмади. Кампир йиғлар, кимга арз қилиб, кимдан мадад сўрашини билмас эди.

Тоғ одамлари сержаҳл бўлади. Жаҳл устида уни бир бало қилиб қўйишмадимикин, деб ташвишга тушиб қолди. Ушанда ҳам Толиб ҳеч нарса билмагандек бир чеккада китоб ўқиш билан овора эди. Кампир умрида унга қаттиқ гапирмаганди. Угайлигим ботмасин, деб ҳамиша болам-бўтам дерди. Аммо бугун чидамади. Тепасига шахт келиб қўлидан китобни тортиб олди.

— Ҳа, китоб ҳам ўлсин, одамдан азиз бўлмай. Дунёни сув босса тўпиғингга чиқмайди-я. Тур ўрнингдан, қидир у ярамасни.

Толиб ўтирган ерида дўнғиллади:

— Юргандир, дайдиб. Келади. Оч қолиб, силласи қуриб қайтиб келади.

— Вой унга бир бало бўлган. Бор, қидир, суриштир. Мунча меҳри қаттиқ бўлмасанг.

Толиб истар-истамас ўрнидан туриб кўчага чиқди. Қаёққа боришини, кимдан сўрашини билмасди. У тахминан сой ёқалаб кетаркан, ҳуштак овозини эшитди. Овоз қай тарафдан келганини билмай аланглади. Бу жойларда овоз чиққан томонни аниқлаш қийин бўлади. Овоз тошларга урилиб акс садо беради. Толиб аланглаб турганда ёввойи pista тагидан тош думалаб йўлга сочилди. У шошиб ўша ёққа қаради. Pista шохларини қайириб, Вали унга тикилиб турарди. Унинг кўйлаклари йиртилиб кетган эди.

— Бу ёққа кел, Толиб,— деди у қўл силкиб.

Толиб мушқули осон бўлганига севиниб тепаликка чиқа бошлади.

— Келавер, келавер. Қўрқма, манави шохни ушла.

Толиб бир-бирига чирмашиб кетган шохлар тагидан эмаклаб унинг олдига борди.

— Аҳмоқ,— деди ғазабланиб.— Бу нима қилганинг?! Отанг бўлганда таъзирингни бериб қўярди.

— Ишинг бўлмасин. Нон-понинг борми? Жуда қорним очди.

— Баттар бул, кўйлақларинг дабдала бўлиб кетибди-ку.

— Ҳе, қўявер. Чўпонларнинг ити талаган. Кечаси эчкиларни эмгани бораман-да. Эмавериш ҳам жонимга тегди. Нон бўлмаса сут билан одам тўймас экан. Жон ака, нон олиб кел.

Толиб жаҳл билан уни силтаб ташлади:

— Уйга юр. Онам йиғлаб ўтирипти.

— Борсам уради. Бормайман,— деди Вали.

— Сендан калтак ўтармиди. Ундан кейин онам қаттиқ урмайди, шунчаки пўписа қилади. Юрақол.

— Эртага бораман. Улай агар, эртага бораман. Бормасам одам эмасман. Бормасам бетимга туф, дегин. Сен нон опкелгин. Кечаси Ургутга бориб келади-ган зарур ишим бор.

— Э, ишинг қурсин. Яна ўша Гулбининг олдига борасан-да. Билиб қўй, ушлаб олишса чавақлаб ташлашади. Улар билан ҳазиллашма.

Вали мақтанганнамо керилиб жавоб қилди:

— Ушлаб бўпти. Мени тутадиган ҳали онасининг қорнида.

— Барибир нон опкелмайман. Тепага яна қайтиб чиқиш осон эканми.

— Бўлмасам ҳу пастдаги жийда қавагига тиқиб қўй, ўзим тушиб оламан.

Толиб э, бор-е, деб қўл силтади-ю, яна эмаклаб писта шохлари орасидан чиқди.

У уйга қайтиб келганда кампир ўчоқ бошида ўтирганча аламини Зайнабдан оларди:

— Етим қўзи асрасанг оғзи-бурнинг мой этар, етим ўғил асрасанг оғзи-бурнинг қон этар, деб шуни айтади-да. Ҳой, нега серрайиб ўтирибсанлар, эчкиларни қайириб келмайсанларми, елини тўлиб кетди-ку. Худойи таолонинг мендан бошқа етим боқадигани йўқми? Мунча пешонам шўр бўлмаса...

Толибнинг оёқ товушини эшитиб кампирнинг оғзидаги оғзида, бўғзидаги бўғзида қолди.

— Ҳой, бирон гап топиб келдингми?

Толиб жавоб ўрнига ҳадеб илжарди.

— Дурустроқ гапир, ўзини кўрдингми?

— Кўрдим. Эртага келади.

— Вой, нега эртага келаркан, бугун келсин.

— Келолмайди, жудаям зарур иши бормиш.

— Дурустроқ гапирсанг-чи, ўз кўзинг билан кўрдингми, гаплашдингми, овозини ўз қулоғинг билан эшитдингми? Ростини айт.

— Бир-икки марта ёлғон гапирганмидим,— деди зарда билан Толиб.

Толиб бола бўлиб бирон марта ёлғон гапирмаган эди. Кампир унинг бу одадини яхши биларди. Ҳозир Валининг соғ-саломатлигини эшитиб юзига нур югургандек бўлди.

Толиб бошқа гап айтмай айвонга бориб китобини қўлига олди. Қош қорайиб кела бошлаганда ичкарига кирдию чой яшигидан қилинган нон қутидан иккита кулча олиб қўйнига тиқди. Бу унинг умрида биринчи марта ўғирлик қилиши эди...

Мирвали қаҳри қаттиқ, унча-мунчага кўзига ёш чиқмайдиган бола эди. Қўшниси Раззоқ буқачининг ошхонаси шифтига доимо йигирма-ўттизта қази осиглиқ бўларди. Мирвали баъзи-баъзида девор ошиб битта қази ўғирлаб чиқарди-да, сойга тушиб, эски пақирда қайнатиб, болалар билан ерди. Бир гал девор ошиб тушганда Буқачининг ити талаб, кийим-бошларини бурда-бурда қилиб юборган эди. Мирвали шу итдан қасд олиш пайига тушди. Ҳар куни деворга миниб олиб, итга суяк ташлар, нон ташлар, қассобхонага атайин бориб, олиб келган ичак-чавоқларни берарди. Охири ит унга ўрганди. Раззоқ буқачи самоварга чиқиб кетган пайтларда Мирвали итни эргаштириб сойга олиб борар, «ўйнатар»ди.

Мирвали бир куни болаларни тўплаб, юрларинг, сенларга «картинка» кўрсатаман, деб қолди. Болалар унга эргашиб сойга тушишди. Раззоқ буқачининг ити ёввойи жийдага оёғидан боғлиқ турарди. Ит негадир арқон билан эмас, усти оқ қобиқли электр сими билан боғланган эди.

Мирвали «ҳозир картинка кўрсанлар», деб сим ипни ечиб учини жийданинг айрисига ташлаб тортди. Ит оёғидан осилганча кўтарила бошлади. Охири у одам бўйи кўтарилганда кейин Мирвали сим учини жийда танасига маҳкам қилиб боғлади. Ит типирчилар, вангилларди. Мирвали қўйнидан гугурт чиқазиб, бир парча қоғозни ёндирди-да, итнинг бўйнига тутди. Худди керосин сепилгандек итнинг жунлари лоп этиб ёниб кетди. Олов ичида қолган ит даҳшатли улди. Энди у каттакон машъаладек ловуллаб ёнарди. Салдан кейин итнинг овози ўчди, қимирламай қолди.

Ушанда Толибжон икки кўзини панжалари билан беркитиб орқа ўгириб олган эди.

Мирвали каклик боқарди. Тўрт-бешта каклик доим ҳовлида донлаб юрар, уни кўрганда югуриб олдига келарди. Шу какликлардан биттасини Уста Долимининг мушуги олиб қочди. Мирвали пайт пойлаб мушукни тутди. Икки кўзига мих тиқиб, қўйиб юборди.

Мушук алам билан миёвлар, қаёққа қараб юрса ўзини бир нимага уриб оларди. Ё бўлмаса ариққа тушиб кетарди. Унинг бу ҳолидан Мирвали мазза қилиб куларди.

Ўша куни Мирвали кўр мушукни кечгача «ўйнаб», кейин девордан Уста Додимнинг ҳовлисига отиб юборганди.

Болалигидаги ўша воқеаларни эслаб Толибжон жиддийлашди. Эслайдиган шунча гаплар бор экан, нега узоқ юртларда юрганимда биронтасини эсламадим? Бугун атрофимда парвона бўлаётган қадрдон жигарларимга айтгулик бирон гапим йўқми?! Унинг кетидан гуноҳкордек эргашиб юрибман. Йўқ. Унга тавба қилишим керак. Онамга тавба қилишим керак. Ҳамма-ҳаммага ялиниб, гуноҳимдан ўтишларини сўрашим керак.

У шундай хаёллар билан банд экан, пастки сўқмоқда қуриган гиёҳ шитирлагандек бўлди. Туллаб жунлари эски пўстакка ўхшаб кетган бир кийик энди йўлга кирган икки боласи кетидан хотиржам келарди. Кийикчалар жуда нимжон, ҳар қадам ташлаганда қаламдек оёқлари титраётганга ўхшарди.

— Ҳе, жонворе, толеингга бирон овчи йўлингга тўсмасин-да, бу нимжон гўдакларинг билан қаяққа қочасан?!

Кийик бепарво ўт чимдиб келар, баъзи-баъзида ияги билан болаларини орқасидан туртиб юришга ундарди.

Телевишка осилиб турган қоядан майда тошлар шитирлаб тўкилди. Толибжон беихтиёр юқорига қаради. Вишка илдиз тугунини сал ёзиб ярим метрча пастлаган эди.

Толибжон ўгирилганда кийик икки боласи билан аллақаяққа кетиб бўпти.

Мирвалилар анча ҳаяллаб кетишди. Толибжон машина кабинасидаги рациянинг: «олтмиш етти, жавоб беринг» деб тинимсиз жаврашидан директорни қидиришяпти, деб ўйлади. Аммо ўзи трубкани олиб жавоб қилишга ботинмай машина атрофида юраверди.

Бирон соатлар чамаси вақт ўтиб Мирвали илдизларга осилиб қайтиб тушди. У устини қоқаркан, вой ярамасларе, вой аблаҳларе, ҳали сенларга кўрсатиб кўяман, деб дўнғилларди.

— Боятдан бери рация тинмай жавраяпти,— деди Толибжон.

Мирвали кабинага бош суқиб трубкани олди.

— Мени ким сўради, суриштир-чи! Кеча айтган эди-ку, ҳадеб тайинлайверадими. Менга бетон заводини ула! — у бир оз кутиб турди-да, жавоб бўлиши билан бақира бошлади.— Сенларда калла деган нарса борми? Телевишкага нега қуруқ семон юборасан? Сув йўқ жойда қуруқ семонни пишириб ейдими? Раствор юбор, деб неча марта айтганман. Менга ўргатма! Самосвал Бақатошгача бемалол келади. Лехковой келган жойга самосвал келолмайдими? Э, миянж курсин! Юқорига пақирлаб арқонда тортишади. Мундоқ, масъули деган нарсани сезасанми! Эрталабдан бери ўн бир киши пашша кўриб ўтирипти. Ҳозироқ жўнат! Гапни чўзма! Эртага сен ярамас билан бир гаплашиб кўяман. Дуррак!

У шундай деб трубкани қарсиллатиб жойига ташлади. Унинг бу зардасига шофёри, ҳой-ҳой, трубкада нима айб, деб юборди.

Мирвали узр сўрагандек Толибжонга қаради.

— Хизматчилик, баъзан шунақа қайнаб тураман.

— Ҳали ҳам ўша ёшлиқдаги қизишиб кетишларинг бор экан.

Бу Толибжоннинг энди биринчи марта ҳадди сиғиб, ийманмай айтган гапи эди.

Мирвали қўл силтади.

— Тарки одат, амри маҳол, деган гапни эшитганмисиз. Сут билан кирган жон билан чиқади. Ҳали кўп кўрасан, муштлашишлар ҳам бўлади. Ке, қўй, кетдик.

Яна машинага чиқишди. Йўл ўйдим-чуқур, филдирак тошлардан сакраб машинани тинимсиз силкитар, Толибжон гоҳ ўнг ёнбошига, гоҳ чап ёнбошига сурилиб, бу оғир йўл азобига кўниколмасди.

— Чарчатиб қўйдим шекилли,— деди анча жаҳлидан тушган Мирвали.— Қишлоқда ҳали кўп турасанми? Ё яна жуфтакни ростлаб шу кетганингча соқолинг кўксингга тушганда келасанми?

Толибжон иккиланмай жавоб қилди:

— Кўраман-да. Бу жойларга жимжитлик қидириб келдим.

— Нима?! — деди ҳайратланиб Мирвали.— Жимжитлик дедингми? Вой сени қараю. Жимжитликни мен бор жойдан қидиряпсанми? Топиб бўлсан. Тавба, дунёнинг ишлари зап ғалати-да. Мен жимжитликни қувиб юрибман, бу бўл-

са қидириб юрипти. Жимжитликни одамзод ўлганда топади. Гўрга кирганда!.. Менга қара, сени сизлайми, сенлайми? Сизласам бегонага ўхшаб қоласан, сенласам дилинг оғрийдими, дейман.

— Менга барибир. Яхшиси сенлаганинг дуруст,— деди Толибжон.

— Бўпти. Эрталаб куёвингни идорада кўрувдим, келганигни ўшандан эшитдим. Қайнағам келди, дейди. Шу ўйлайман, шу ўйлайман, отингни тополмайман. Далавой кал дадангни танирди, ўшандан сўрадим. Эсида бор экан, Толиб эди шекилли, деб қолди. Қара, одамларни эсидан ҳам чиқиб кетибсан. Палончи одам сўйган, палончи мачитга ўт кўйган, деб эслашади. Сени нима қилган, деб эслашсин? Бу ёмон, ошнам. Юртингда унитилсанг, бундан даҳшати бўлмайди. Қайтиб келганинг жуда яхши бўлди. Одамларнинг эсидан чиқмайдиган кўп ишлар қиламиз. Кўнглингга келмасин, гапнинг сирасини айтдим. Албатта чет элларда кўп ишлар қилган бўлишинг мумкин. Мен бунни айтаётганим йўқ, Туғилган юртда ҳам, бир нима қилиб қўйишинг керак.

— Одам ўлдирайми, мачитга ўт қўяйми? — деди Толибжон пичинг билан.

Мирвали, э, боре, деди кабина деразасидан ташқарига тупурар экан.

— Шу машина менинг уйим,— деди кейин.— Баъзан кечалари машинада ухлаб тонг оттираман. Биласанми қанча ерим бор? Билмайсан. Мана шу тоғларнинг икки тарафидаги адирлар, макрит чўлидан очилган ерларнинг ҳаммаси меники, менга қарайди. Уйдан бир чиқиб кетганимча ҳафталаб келолмайман.

— Болалигингда ҳам уйга сиғмай тоғ-тошларда санқиб юрардинг.

Мирвали кулиб юборди.

— Ёмон эди-а! Онам бечорани кўп қийнаганман. Ярим кечалари тоғларда юраверардим. Бўрилар еб кетмаганига ҳайронман.

— Бўри боласини ҳам боққан эдинг шекилли.

— Вей, бўри боласини инига кириб опчиққанман-а. Қип-қизил жинни эдим.

— Ургутнинг қора қишлоғидан қиз олиб қочганинг эсингдами?

Мирвали жимиб қолди. У аллақандай хаёлларга берилгандек кўзларини юмиб ширин бир хўрсиниб қўйди.

— Оти Гулби эди. Гулбиби. Ўзи ҳам гулдек қиз эди-да. Бечора ота-онаси мендан безор бўлиб чироқчилик бир жувозкашнинг ўғлига зудлик билан тўй қилиб бериб юборди. Муни қара, яқинда тасодифан кўриб қолдим. Невара-чеваралик бўлиб кетибди. Яхшиям уйланмаганим. Жуда хунук кампир бўпти. Сайловчилар билан учрашувга борган эдим. Президиумда ўтирсан қишлоқ советининг раиси Чори Ашир туртди. Қулоғимга шивирлаб, олтинчи қаторнинг ўн биринчи жойида ўтирган хотинни танияпсанми, деб қолди. Қараб танимадим.

— Ўша Гулбиби бўлади.

— Жуда хунуги чиқиб кетибди-ку,— дедим кўзларимга ишонмай.

Чори Ашир кулади.

— Сени келишингни айтгандим. Тағинам бу пардоз қилиб келгани,— дейди.

Машина нотекис йўллардан коптокдек сакраб-сакраб охири кенг, текис асфальтга чиқди.

— Гулбибини опқочишимга сен сабабчи бўлгансан, Толиб. Биласанми, шунини?

Толибжон ҳайрон бўлди.

— Нега мен сабабчи бўларканман?

— Эсингдами, менга битта китоб ўқиб берган эдинг. Бэла деган қизни биттаси опқочарди. Ушанга ҳавасим келган эди-да.

«Қайнар» йўлида ГАИ инспектори самосвал капотига бағрини бериб нимадир ёзаётган эди. Мирвали шофёрга тўхтат, деб буюрди. Машина инспектордан беш-ўн қадам ўтиб тўхтади. Кейин орқалаб юриб унга бараварлашди.

— Нима гап?

— Қоидани бузди,— деди инспектор Мирвалининг бетига қарамай.

— Қанақа мелисасан? Қўйвор!

Инспектор менга буйруқ берадиган қанақа валломат экан, бир гаплашиб қўяй, деган ғурур билан орқасига ўгирилди. Угирилдию дафтарчасини ёпиб унга честь берди.

— Ўртоқ директор, қоидани бузгани учун талонини тешмоқчиман.

Мирвали қошларини чимирди.

— Майли, сен унинг талонини тешасан, мен пост ГАИдаги телевизорни опкетиб, складга топширвораман. Келишдикми?

Инспектор тушунмади. Ҳайрон бўлиб елкасини қисди.

— Инсофинг борми, ўзи? Телевишкага семон раствор олиб кетяпти-ку. Одамлар дунёда нима гаплар бўлаётганини билолмай хуноб. Тез қўйиб юбор. Иккинчи бунақа ўзбошимчалик қилмайди,— Мирвали шофёрга юзланди.— Даюс, йўлингга қараб юрсанг ўласанми? Қачонгача инспекторларга катта бошимни кичик қилиб ялинаман. Бор, тез обор. Агар яна қоидани бузсанг, шофёрлик гувоҳномаггни ўзим йиртиб ташлайман.

Мирвали шофёрга ҳайда, ишорасини қилди. Машина серпантин тоғ йўлидан текис борарди. Толибжон машинанинг ёмон йўллардан юриб силкитганидан бели зирқираб оғрирди.

Офтоб тоғнинг бу томонига ўтган. Пастликлар кўм-кўк, ғубордан холи толларнинг барглари шаффоф эди. Ёнғоқзорлар, жийдазорлар панасидаги сой шовқини эшитилмас, бу ерларда фақат машина моторининг гуриллаши ҳоким эди.

Йўлни эчкилар подаси тўсиб чиқди. Эчки ҳар қалай жуда зийрак ҳайвон бўлади. Кўй подаси бўлганда чўпонни қийнаб юборарди. То машина калласига дўқ этиб урилмагунча тикка келаверади. Эчки бўлса машина қораси кўриниши билан ўзини четга олади. Шофёр бир-икки сигнал бериши билан эчкилар подаси йўлнинг чап томонига ўтди. Мирвали уларга аллақандай меҳр билан қарарди.

— Бу жониворларни кўпайтиргунча она сутим оғзимга келган.

Анча жойгача жим кетишди. Ун минутлар чамаси вақт ўтганда Толибжоннинг бўйнига иссиқ нафас теккандек бўлди.

Мирвали унинг елкасига бошини ташлаб пиш-пиш қилиб ухларди. Толибжон майли, ором олсин, деган ниятда қимирламай ўтираверди.

Рация чўзиб-чўзиб гудок берди. Шофёр трубкани олиб, яна босиб қўйди. Кимдир манқа товушда тинмай алло, алло, деб қичқирарди.

IV

Нурмат тоға шийпонда мудраб ўтирарди. Ҳар гал пастликдан машина товуши эшитилиши билан кўзини очиб директор келмаяптимикан, деб алангларди.

Кундузи совхоз марказидан, меҳмон келади, у-буларни тайёрлаб турунг, деб масаллиқларни ташлаб кетишган эди.

Бу шийпонни адирнинг тепасига ўтган йили Мирвалининг ўзи қурдирган, фақат — азиз меҳмонларнигина олиб келарди. Нурмат тоға шийпон орқасидаги ярим гектарча жойга селитрасиз, қўй қийи солиб қовун-тарвуз экарди. Ойда-йилда бир келадиган меҳмонни кутишдан ва шу полизга қарашдан бошқа Нурмат тоғанинг иши йўқ эди. Кунни кеч қилиш учун от думидан тузоқ ясаб полиз пушталарига ташлаб қўйган. Кунига тўртта-бешта бедана илиниб турарди. Нурмат тоға жуда озода, миришкор одам бўлганидан шийпонни гулдек тутуди. Ундан ташқари, у жуда пазанда эди. Келган меҳмонлар у пиширган таомларни мақтаб-мақтаб ейишарди.

Бугун Мирвали меҳмон олиб келади, жуда яқин қадрдони эмиш, яхшироқ тайёргарлик кўринг, деб тайинлашганидан у «тишининг қавагида асраб» юрган беданаларни зиралаб товоқча босди. Полиздан саралаб-саралаб қовун-тарвуз узиб, сояга ташлаб қўйди. Аммо ҳадеганда Мирвалилардан дарак бўлмасди. Охири у шийпон устунига суяниб пинакка кетди. Машинанинг кучли сигналидан чўчиб кўзини очди.

Семон тротуарнинг нариёғида ҳаворанг «Волга» келиб тўхтади. Ундан бўйнига бир эмас, иккита фотоаппарат осган, яқинидаги одамга ҳам бир кўзини қисиб қарайдиган одати учун мерган деб лақаб олган Расулбек Умаров тушди. Нурмат тоға бу одамни унча хушламасди. Ёлғонни кўп гапирарди. Бировни алдаб кетишга уста, ўз манфаати учун отасини аямайдиган Расулбекни Мирвали нечунким ўзига яқин қилиб юрибди, деб ҳайрон бўларди.

Расулбек шийпон олдига келиб энсаси қотиб турган Нурмат тоғага бир кўзини қисиб узоқ тикилди.

— Хўжайин келмадимми?

Нурмат тоға индамай ичкарига кириб кетди. Унинг бу хил муомаласидан жаҳли чиққан Расулбек орқасидан ичкарига кирди.

— Бу қанақаси бўлди, бобойка...

Нурмат тоғанинг кўзларидан ўт чиқиб кетай деди.

— Оғзингга қараб гапир. Уша сен билган ўрисчани мен ҳам биламан. Бобойка деганинг нима деганинг.

— Ҳа, энди сиз ўрисчага мендан уста бўлишингиз ҳам керак-да. Турмаларда юриб уста бўлиб кетгансиз. Менга қаранг. Эртага нозик меҳмон келади. Беш-ўнта бедана тутиб патини юлиб кўйинг. Мен багажникда кўчқор олиб келганман. Индушка ҳам бор. Сўйиб каллапочасини ажратиб, тандир кабоб қиласиз. Арча шохларини ҳам олиб келганман. Зира ҳам бор. Индушкадан жаркоп қиласиз. Беданадан табака.

Расулбек қилинадиган ишларни тайинлагунча шофёр думбаси тирсиллаб турган қора кўчқорни шийпон устунига боғлаб, қўлтиғидаги ғули-ғули товуқни қаерга қўйай, деб фармон кутиб тарарди.

— Директор менинг буйруғимсиз ҳеч ким меҳмон кутмайди, деб тайинлаган,— деди Нурмат тоға.

— У киши билан ўзим гаплашаман. Йўқ демайдилар.

Шу пайт машина қисқа-қисқа сигнал бериб тепаликка чиқиб келди-да, худди шийпон пиллапояси олдида тўхтади. Кийим-бошлари чанг бўлиб кетган Мирвали билан Толибжон тушишди.

— Ия, сен бу ерда нима қилиб юрибсан,— деди Мирвали, Расулбекка қараб.— Қўй зўр-ку.

Расулбек уни қўлтиқлаб четроққа чиқишга ундади.

— Гапиравер, бу ерда бегона йўқ. Меҳмонинг борми?

— Абдуғани ака меҳмон олиб бораман, юқорига жой қилдириб қўй, деб тайинлагандилар,— барибир пичирлаб тушунтирди Расулбек.— Меҳмон Тошкентдан, нозик одам. Ҳаммамизга ҳам фойдаси тегадиган катталардан. Сельхозтехника республика базасининг бошқарувчиси Ҳожимурод Холматов. Сиз уни яхши танийсиз. У ҳам сизни танийди. Колхозда пайтларида жуда кўп портретларини қилиб берганман. «Ҳурмат тахтаси»га илғорларнинг сувратларини ишлаб берганман. Абдуғани ака илтимос қилиб қолдилар, йўқ деёлмадим. Селитр дейсизми, трактор дейсизми, техника детали дейсизми, олдини бизга берадилар. Озиб-ёзиб бир тушиб қолган ишлари экан, йўқ деёлмадим.

Дарҳақиқат область сельхозтехника бошлиғи Абдуғани Исмоилов совхоз нимани сўраса йўқ демай беради.

— Бўпти, меҳмонни яхшилаб кутинглар. Нурмат тоға қарашиб юборадилар.

Нурмат тоға гапга аралашди:

— Болам, мени бу ишга аралаштирма. Мен сенинг ҳурматинг учун бу ерларда юрибман. Меҳмон кутишга ҳолим ҳам, хоҳишим ҳам йўқ. Сенинг йўринг бошқа. Ул, десанг ўламан...

Тоғанинг бу хил гапларига Мирвали ҳайрон бўлмади. Феъли шунақа, деб қўя қолди.

Мирвали Ҳожимурод Холматовни яхши биларди. Аммо у билан сира борди-келди қилмаган. Ўз ишига ниҳоятда пишиқ бу одам ҳар қандай катта ишларни қилганда ҳам орқасида из қолдирмасди. У кўп ревизияларни кўрган. Кўп қийин қистовлар ичидан омон-эсон чиқиб кетганди.

Ҳожимурод ҳеч қачон ҳужжат аралашадиган пулга кўз олайтирмасди. Агар бир жойга битта юз сўмлик, ёнига битта бир тийинлик қўйиб, қайси бирини оласиз, деса Ҳожимурод албатта бир тийинни оламан, дейди. У сўмдан тийинни афзал кўрарди. Тийин миллионнинг ота уруғи, деб биларди.

У ўн икки йил жуда катта колхозга раислик қилди. Колхоз йилига давлатга саккиз минг тонна пахта сотади. Аммо Ҳожимурод ўн минг тоннага етқазди. Аслини олганда унинг пахтаси етти минг тонна ҳам чиқмайди. Бу ёғига пахта заводидан уч минг тонна сотиб олади. Завод икки районнинг пахтасини қабул қилади. Авжи терим қизиган паллаларда завод кунига ўн етти минг тоннага етқазиб пахта қабул қилади. Аммо тарозибонлар, лаборантлар, пахта ифлос экан, деб уч процентини, нам экан, деб тўрт процентини чегиради, хулласи бир тонна пахта етти юз килога ўтади.

Шундай қилиб заводда кунига икки минг тоннага яқин ортиқча пахта йиғилиб қолади.

Ҳожимурод заводдан пахтани килосига тўққиз тийин тўлаб колхозга ўн тийиндан ўтказди. Шунда Ҳожимуродга бир тийиндан тўпланиб, ўттиз минг сўм қолади. Колхоз топширмаган уч минг тонна пахтанинг ҳар килосига заводдан эллик олти тийиндан пул олади. Шунда бекордан-бекорга колхоз кассасига бир миллион етти юз олти миш минг пул тушади. Шундан тўққиз юз минг сўми заводдагиларга қолади.

Бу ҳам майли, давлатга ошиқча пахта сотгани учун Ҳожимуроднинг колхози қўшимча пул олади. Планни ошириб бажаргани учун раис, бош бух, бош агроном олти ойлик маош билан мукофотланади.

Ҳожимурод ана шу пулларни тийиндан топади. Бу ишларга на ҳужжат аралашади, на бирон қоғоз. Оғизда топилган бойлик булар.

Ҳожимуроднинг ҳужжатсиз пул топадиган яна битта усули бор. У ҳар йили гектарчиларга йигирма гектар ерга пиёз эктиради. Улар билан колхоз орасида расмий равишда ҳар гектар ердан тўққиз тоннадан пиёз топширишга шартнома тузилади. Улар вақтинча колхозга аъзо қилиб олинади. Аслида бу миришкор гектарчилар ҳар гектар ердан йигирма беш тоннадан пиёз оладилар. Ҳожимурод улардан ҳар гектар ер учун беш минг сўмдан пул олади. Йигирма гектар учун юз минг сўм кассасига киради. Бундан ташқари, колхоздан оладиган маошлари ҳам Ҳожимуродга қолади. Улар ведомостга қўл қўйиб, индамай кетаверадилар.

Ҳеч қандай ревизия бу ишни тополмайди.

Тийиндан миллион ясайдиган бу одам ҳозир кўтарилиб катта лавозимни эгаллаб турипти. Республика колхоз-совхозларига бериладиган кимёвий доридан тортиб, тракторгача, сеялкадан тортиб экскаваторгача, бульдозердан тортиб машина баллонгача, мойли бўёқдан тортиб сув қўшиб ичса бўладиган тоза спиртгача унинг қўлида.

Битта колхоздан шунча пул топган одам бу жойда қандоқ ишлар қилаётганикин?

Лекин бугунги зиёфат Ҳожимурод учун бир умр эсдан чиқмайдиган сабоқ бўлишини Мирвали билади. Аммо Нурмат тоға меҳмоннинг кимлигини ҳали билмайди. Билса ана унда қиёмат бўлади.

Мирвали кутилмаган ҳангомаларга ўч эди. Бугун бу тоғларда нимадир бўлади, кимдир қувади, кимдир қочади.

Расулбек Мирвали билан хайрлашиб жўнаб кетди.

— Бу нима қилганингиз, тоға? Яхши бўлмади-ку,— деди гинахонлик билан Мирвали.

— Шу болани жиним суймайди. Кўрарсан, бир кун сенга панд бериб қўяди. Одам сотиш одатим йўқ эди. Бир айтиб қўяй. Кечалари келиб кийик овлайди бу ярамас.

— Йўғ-э, — деб юборди Мирвали. — Кийик овлайди? Вой ярамас-эй!

— Шундоқ, болам. Қўли эгри. Ҳаром одам.

Мирвали жаҳл билан у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Толибжон бир чеккада унинг тажанглигини кузатиб турарди.

— Бу кийикларни қаёқлардан олиб келганман, биласизми? Ўттиз кийик боласидан икки юз қирқ кийик қилдим. Энди эркинликка чиқди бу жониворлар. Тўрт йил сим тўр орасида боқилган. Вой ярамас-эй. Вой аблаҳ-эй. Ўз кўзингиз билан кўрганмисиз ё тахминий гапми бу?!

Тоға чақимчилик қилганидан хижолат тортиб, паст овоз билан рост, деди. Кун билан тоғу-тошларда кезиб ниҳоятда чарчашган эди. Қорин ҳам очган. Мирвали Толибжондан узр сўрагандек, деди:

— Кечирасан, ўртоқ. Қизишиб кетдим. Ахир, тоға, шу гапни ваҳлироқ айтмайсизми. Ўласи қилиб дўппослардим. Майли, аввал қоринни тўйдирайлик, бошқа гап кейин бўлади. Қани, нимангиз бор, тоға?

Ўтир, Толиб.

Иккови айвондаги сўрига ўтиришди. Тоға устига дока ёпилган дастурхон бетини очди.

— Манави бошқа гап. Ол, Толиб. Бугун шу жойда маза қилиб ётамиз. Бирпасдан кейин мен идорага ўтиб келаман. Унгача сен ёнбошлаб атрофни томо-

ша қиласан. Мана шу тоғларда санқиб юриб, дам олишга, меҳмон кутишга шу жойни танлаганман. Пастга қарагин. Бутун бир қишлоқ оёғинг тагида. Битта умрингдан барака топкур одам түрт чинор экиб кетган экан. Ана шундан бу ернинг оти Чорчинор бўлиб кетган, дейишади.

Толибжон пастга қаради. Арчазорлар, ўрикзору олмазорлар орасидан сой буралиб-буралиб оқар, кўм-кўк барглр орасидан қизил тунука, шифер томлар кўриниб турарди. Бир томон тоққа қараб кетган илонизидек асфальт йўл, бир томонда адирлар ошиб йўқ бўлиб кетадиган, орқа адир қиялигида яна пайдо бўладиган шағал йўллар, ҳали ўриб олинмаган буғдойзорлар, гоҳ ёйилиб, гоҳ сиқилиб оқаётган дарё.

— Чиройли-а? — деди завқланиб Мирвали. — Кечаси кўрсанг, эҳ-ҳе, сон-саноқсиз чироқлар ёнади. Осмон юлдузга тўлиб кетади. Улай агар, қўл узатсанг юлдузга етади. Бу жойларнинг ҳавосида ғубор йўқ. Чанг, тўзон, завод дудларидан, машиналар пуркайдиган бензин газларидан холи. Шунинг учун кечаси ой экан-ку, юлдузга қарасанг ҳам кўзингни олади.

Толибжон унинг гапларини хаёлида тасаввур қилиб кўради. Тезроқ қоронғи тушақолса-ю, юлдузларни кўра қолса.

Нурмат тоға бир лаган бедана жаркопни ўртага қўйди.

— Қиттак-қиттак қиламизми, оғайни? Тоға, опкелинг анавундан.

Толибжон ичмаслигини айтиб қайтарди.

— Умуман ичмайсанми ё ҳозир кўнглинг хоҳламай туриптимми? — деди Мирвали.

— Кечроқ. Шундоқ тоза ҳаводан мацца қилиб нафас олай, — деди Толибжон.

— Бу гапинг ҳам дуруст. Ол, овқатга қара. Нурмат тоғам роса пазанда. Аммо феълли одам. Жинига ёқмаган киши билан чой экан-ку, совуқ сув ҳам ичмайди.

— Бояги муомаласидан билгандим. Одам деган мана шунақа принципиальный бўлиши керак. Анави Расулбек менга ўтиришмади.

— Аферист у. Ёмонам шайтон одам. Любойни алдайди. Баъзи бир дефицит запчастларни топишга иш бериб туради, деб ёнимга олгандим. Аммо-лекин суврат олишга ёмонам уста-да. Пойтахтдан келган фоточилар ҳам унга тан беришади. Дом культурада виставка очган. Шуни ўрнига сени мўлжаллаганман. Бир ишлаб берасан.

— Э, йўғ-э, — деб юборди Толибжон. — Бирон йил ишга ярамайман.

— Ярайсан. Ярайсан, ошнам. Ўзим ёрдам бераман. Бурнингни ерга ишқаб ишлатаман. Чет элларда юриб, кўзи пишган одамсан. Ҳў анави кунгайдан, — у қўли билан тоғ оралаб кетган йўл бошини кўрсатди, — ана шу жойдан тирсак сойни бўғасан. Сувни манави текисликка ҳайдаймиз.

Толибжон бир дам ўйланиб қолди.

— Бўлмасов. Ахир, бу сувлар тоғ этагидаги қанчалаб ўрмону ўрмончаларни суғоради. Қуритиб қўясан-ку.

— Сен ақлли одамсан. Область миқёсидагина эмас, республика, мамлакат миқёсидан чиқиб, халқаро миқёсда иш кўрадиган қўли узун, фикри кенг одамсан. Қандоқ қилсак, қандоқ бўлишини ўйла. Сих ҳам куймайдиган, кабоб ҳам куймайдиган йўлни топ. Экинлар ҳам, жонворлар ҳам сув ичсин, ўрмонлар ҳам қуримасин. Хўш, қалай?

— Улимдан бошқа ҳар ишга чора топилади. Ўйлаш керак.

— Ана, ана, — деди Мирвали, — энди каллангни мотори қизиди. Ишлат, яхшилаб ишлат. Ўйла. Менга сув керак. Сув бўлса бир йилга қолмай юз минг гектар ер очвораман. Миллион керакми, ўн миллион керакми, пулим бор. Ҳисобни катта ол.

Толибжон кўзларини юмиб ўй-ўйлаб кетди. Ўрнидан туриб кунгай томонга қаради.

— Ахир, бу тоғлар арчаси билан, дўланаю-ёнғоқзорлари билан гўзал. Ҳавосининг ҳам тиниқлиги шундан. Тоғда кун кўрадиган паррандаю-даррандалар қайдан сув ичади. Бу ёғини ҳам ўйлаш керак, оғайни. Кунгай тарафда қор тез эрийди. Тошлар орасига сув сингмай гиёҳлар ҳам эрта баҳордаёқ қуриб қовжираб қолади.

Мирвали Нурмат тоға билан овқатланиб ўтирган шофёрга қаради.

— Мунча имиллайсан. Чаққон-чаққон е. Марказга тушамиз. Эртага сенга оддих бераман. Дамингни оласан. Бугунча чидаб бер, бола.

Шофёр бола лунжидагини ютмаёқ сочиқни қўлига олди. Совуб қолган чойни битта симиришдаёқ бўшатиб машина олди борди.

— Бўлмасам мен кетдим, — деди Мирвали Толибжонга қараб. — Сен дамингни олиб, яхшилаб ўйла. Ҳе, бола, мен келгунимча калланг бўш турмасин. Хўпми?

Толибжон кула-кула хўп, хўп, дедим-ку, деди қўлини кўксига қўйиб.

Мирвали машинага ўтириб жўнаб кетди. Толибжон то у келгунча бирпасгина ором олмоқчи бўлди.

— Идиш-товоқларни йиғиштириб, ювиб сарамжон қилмагунимча зерикмай ўтирасиз-да, меҳмон, — деди Нурмат тоға ундан узр сўрагандек.

Толибжон ҳам шуни кутиб турганди. Сўрига чиқиб бурма болишни бағрига тортиб пасгга, қишлоқ устида сузиб юрган, хонадонларнинг кечки овқатга ёққан ўтининг нимранг тутунларига қараганча жим ўтираверди. Атроф жимжит. Тоғ орқасига ўтиб кетган қуёш адашган булутларга тиф урган, кечки шабада шийпон ёнидаги эндигина қаддини ростлаган одам бўйи нимжон мажнунтолларни силкитиб ўйнади. Ҳаво беғубор. Чанг қўнмаган гиёҳлар барглари ҳафсала билан артиб қўйилгандек йилтирарди.

Толибжон ёшлигида ҳам шунақа, вақтини уйда, китоб ўқиб ўтказганидан, Мирвалига ўхшаб тоғ-тошларни кезмасди. Тоғларнинг бу хил пучмоқлари унга бегона эди. У чўққиларга чиқмаган, ўнгирларда кезмаган. Бир ювош уй боласи эди. Шунинг учун ҳам ҳозир у ёшлигини эслаганда бу тоғлар, чўққиларни кўз олдига келтиролмасди. «Одамови» бўлиб ўсган Толибжон тоғларнинг қанақалиги-ю, ҳавосининг қаймоқдек майинлигини энди билаяпти. Унинг бу жойларда муҳаббати ҳам қолмаган. Биринчи севги лаззати бу жойлардан олисда ҳеч қандай романтик туйғуларсиз кўнгилга кирганди. Бошқа йигитлар сингари гулгулзорлар, булбул хонишлари, байту-ғазаллар ишқига аланга ташламаган. У онг билан, ақл билан севганди. Бу хил севги вақт ўтиши билан аёл кишининг бағрини ўртайди. Кўп армонлари дилида қолиб кетади. Умрда бир мартагина бериладиган ишқ аталмиш туйғуми, ҳиссиётми ҳалигача таърифи кашф қилинмаган муҳаббат роҳатлари умрбод ёдда қолади. То сўнгги нафасда ҳам юрак торларини бир чертиб ўтади.

Толибжон хотинини севарди. Фақат яхши оила бошлиғи, покиза, ақлли, ҳалол бўлгани учун, саранжом саришта уй бекаси бўлгани учун ва ниҳоят, ажойиб бир ўғил туғиб бергани учун севарди.

Йиллар ўтди. Арзанда ўғил ҳам, ажойиб уй бекаси ҳам оламдан ўтиб кетишди. Толибжон якка бўлиб қолди.

У Санобар билан йигирма йил яшади. Шундан ўн саккиз йилини чет элларда ўтказди. Қаерда бўлса хотини унинг ёнида эди. Кирини ювиб, овқатини пишириб, кунлару-йилларни унга термулиб ўтказди. Толибжон унга бирон марта бўлсин қаттиқ гапирмади. Бошқаларга ўхшаб сенламади. Сизлаб яшади.

Уни министрлик иши билан СССРга чақиришганда боласи билан Санобар ўзга юртда қолар то келгунича элчихонага қатнаб қачон келишини суриштирарди. Толибжон қайтишда янги чиққан пластинкаларни олиб борарди. Санобар Она-юрт овозини мана шу грампластинкалардангина эшитарди.

Бир кун Толибжон ҳориб-чарчаб ишдан қайтаётганда Санобар пластинка қўяётган эди. У қўшиқ сеҳрига шунчалар берилиб кетган эдики, Толибжоннинг кирганини ҳам сезмади. Кафтини иягига тираганча икки кўзи жиққа ёш, бир нуқтага тикилганча қимир этмасди. Толибжон унга халақит бермаслик учун оёқ учида юриб, ичкари хонага кириб кетди. Ниҳоят қўшиқ тинди. Толибжон йўталиб, унинг олдига келди. Санобар ҳали ҳам қўшиқ сеҳрида эди.

У дастурхонга овқат қўйганда ҳам, чой узатаётганда ҳам маънос эди. Шунда Толибжон унинг юртини соғинаётганини, ҳар галгидан кўра қаттиқ соғинаётганини сизди. Толибжон илгарилари ҳам Тошкентга бир бориб келасизми, деб сўрарди. Санобар Она-юртини қанчалик соғинган бўлмасин, уни ёлғиз ташлаб кетишга кўзи қиймас, усиз қийналиб, мунғайиб қолишини ўйлаб рад жавобини берарди. Санобар фидойи хотин эди. Уйим, эрим, болам, дейдиган хотин эди.

Тоғ шамоли ўт-ўланларни силкиб ўйнаётган, кун билан қизиган тошларни ялаб совутаётган завол маҳали Толибжон гўри олисда, энди ҳеч қачон бориб

кўриб бўлмайдиган юртларда қолиб кетган хотинини эсаяпти. У қандоқ хотин эди-я!

Ўғли бўйига етган сари келин кўриш орзусида ширин хаёллар сурарди. Магазинма-магазин кезиб келинига сарполик харид қиларди. Ҳатто келиннинг никоҳ куни киядиган лозимига зар жияқлар ҳам олиб қўйганди.

...Искандарияда соҳил бўйлаб сайр қилиб юришганда етаклаб келаётган ўғлининг кўзи илиниб хархаша қила бошлади. Толибжон болани кўтариб олди. Бола дадасининг елкасига бошини қўйганча пиш-пиш ухлай бошлади.

— Ўғлингиз сиздан бир минут ҳам ажралмасам дейди. Ишдан келгунингизча минг марта дадам қачон келади, деб сўрайди.

Толибжон ҳам ўғлини жон-жонидан яхши кўрарди. Ишдан келиши билан уни ўйнатар, то ухлагунча турли эртақлар айтар, бузилган ўйинчоқларини тузатиб берарди. Шундай кезларда Толибжон ёнида хотини борлигини ҳам унутар, бирон оғиз гап айтмаган оқшомлари ҳам бўларди.

Ўшандай кунларнинг бирида Санобар ўпкаланиб деди:

— Менга қаранг, дадаси. Бу уйда шу болангиздан бошқа одам йўқми?

Толибжон гапнинг маъносини дарров тушунди.

— Шу биттагина болангиздан мени қизғанияспизми?

— Йўқ, айтаман-да. Менга қаранг, бир очикчасига гаплашайлик. Мени ҳам яхши кўрганмисиз?

Толибжон бепарво жавоб қилди:

— Яхши кўргандирманки, сизга уйланганман-да. Шу пайтда ишқи муҳаббат қаёқдан эсингизга келиб қолди?

— Ахир, мен аёл кишиман.

— Буни биламан, — деди Толибжон.

Ана шундай кейин ҳафсаласи пир бўлган Санобар ичкари уйга кириб кетди, бирпасдан кейин унинг пиқ-пиқ йиғлаган овози эшитилди.

Толибжон ичкарига кириб уни юпатмоқчи бўлди. Бошига қўл узатиб сочларини силамоқчи бўлди. Қўлини қайтариб олди. Умрида ҳеч қачон хотин эркалатмаган эди.

— Санобар, қўйинг, қўйинг, мени биласиз-ку, худо урган тўғри одамман. Унақа байту-ғазаллар айтишни билмайман. Ахир, шунга ўрганмаганман. Албатта сиз менга дунёда энг яқин, энг қадрдон одамсиз. Умримни сиз билан ўлаўлгунча боғлаганман. Сиздан бир кун ажрасам туролмайман.

Ўша кунлар энди Толибжоннинг дилида армон бўлиб қолди.

«Бағримга босиб эркаламайманми? Сочларини силамайманми? Жони мени ичимда, мени жоним уни ичида эди-ку. Наҳотки, шу муҳаббат бўлмаса?!»

Толибжон уни ниҳоятда қаттиқ севганига энди иқрор бўляпти. «Ўзи тириклигида шу гапларни айтсам бўлмасмиди? Энди айтаманми? Йўқолгандан кейин, бир умр қайтиб келмайдиган бўлиб кетгандан кейин айтяпманми, бу гапларни?!»

Нурмат тоғанинг йўтали унинг ўйларини тарқатиб юборди.

— Ухлаётганмидингиз, меҳмон? Қўйинг, завол пайти ухламанг. Тушга ёмон нарсалар киради. Кўнгилга дилни вайрон қиладиган ўйлар келади.

Толибжон қаддини ростлаб ўтириб олди. Кеч кириб атрофни қоронғилик босган. Тоға ҳали шийпон чироғини ёқмаганидан узоқ-яқиндан милтираган шуълалар кўриниб турарди. Толибжон пастга қаради.

Пастлик каттақон қишлоқ эди. Сон-саноқсиз чироқлар маржони жимирлаб кўзни оларди.

Пастлик йўлдан гоҳ адир ёнбағрини ёритиб, гоҳ ҳавога сутранг нур ирғитиб тепа томон икки фарасини ёққанча машина ўрмалаб келарди.

— Мирвали келяпти, — деди Нурмат тоға ўрнидан туриб.

Машинанинг икки чироғи қоронғуликда икки нурли коптокдек сакраб-сакраб келарди.

* * *

— Нурмат тоға ғалати одам экан, — деди Толибжон машина дўнг оша ялангликка чиққанда.

Губорсиз тоғ ҳавоси ҳаддан ташқари тиниқ эди. Юлдузлар жуда яқинда чақнаётгандек, машинанинг олд ойнасига тушган ой ёруғидан йўлни дуруст илғаб бўлмасди. Олис-олисларда тошга урилаётган шаршара товуши ҳам худди икки қадам наридан эшитилаётгандек эди.

Руль бошқариб бораётган Мирвалининг хаёли бир дам бўлинди. Кейин Толибжоннинг сўроғига жўяли бир жавоб қилиш учун фикрини жамлашга уринди.

— Нурмат тоғани ғалати одам дединг. Тўғри, ғалати одам. У бировга ишонмайди. Ҳаммадан шубҳаланади. Эртага нима бўлади, уни сира-сира қизиқтирмайди. Кўрган кунига кул тортиб юрипти. Мен уни битта нарчасига тан бераман. Ҳалол одам. Аммо кўнгли тош бўлиб кетган. Феъли айниб турганда ҳеч кимни аямайди. Дунёда яккаю-ягона, сўққабош одам у. Дунёда суянган бирдан бир одами — мен. Жазаваси тутиб турган пайтида мен. қўйинг, бўлди тоға, десам таққа тўхтайди. Бошини эгиб, ичкарига кириб кетади-ю, кечгача чиқмай ўтираверади. Э, сен билмайсан, Толиб, бу одамнинг ичи тўла дард. Чидаб юрипти. Авваллари бу одам бир кунмас бир кун ўзини нобуд қилиб қўяди, деб хавотир олардим. Кейинчалик сири-асрорини олганимдан кейин бу хил одамлар ўз жонига қасд қилмаслигини билдим. Бу одам асли паландаралик бўлади. Кредит техникумида ўқиб юганимда бизга пул оборотидан банкда практика олиб борарди. Илми у қадар бўлмаса ҳам тажрибаси зўр эди. Ҳисоб-китоб масаласида ҳозирги электрон ҳисоблаш машинаси чиққунча областнинг ҳисоб машинаси шу эди...

Шағал тўкилган йўлда икки кийик боласи имирсилаб борарди. Машина фараси кўзини олиб иккови бир-бирига қапишиб қимирламай қолишди. Мирвали тормозни босди, машина шағалларни суриб секинлашди. Шу пайт харсанг тош орқасидан сакраб чиққан она кийик ташвишланиб болаларининг олдини тўсди. У қарши келаётган машинани писанд қилмай ҳужумга тайёр турарди.

Шунда Толибжон бу жониворнинг болалари олдидаги буюк бир фидойилигидан ҳайратда қолди. Беихтиёр Мирвали бошқараётган машина рулига ёпишди. Машина чайқалиб кетди, сурилиб йўл четида тўхтади. Чироқ нури ҳам чайқалиб энди сўнгсиз ўнгирларни туман пардасида ёритарди. Мирвали пастга қулаб кетишдан қўрқиб, рулни чапга бурди. Фара йўлни ёритганда кийиклар ғойиб бўлганди.

— Зоя, — деди ички бир ҳаяжон билан Мирвали.

Толибжон унинг бу гапидан ҳеч нарса тушунмади.

— Зоя, бу кийикнинг оти. Бир ярим ой бўлди, кўтондан чиқариб юборганимизга. Хайрият, болалапти. Икки йил сим тўр кўтонда боққанмиз. Энди кетмайди. Бу тоғларнинг гиёҳини чимдиган кийик асло кетмайди, ошна. Сен ҳам бу сойлар сувини ичиб катта бўлгандинг, келдинг-ку.

Иккови ҳам анча жойгача индамай кетишди. Толибжон она кийикнинг ҳаяжонли, безовта кўзларини ўйларди. У энди тоғларда кийик кўпайиши, чўққиларга файз киришини ўйларди.

Бугун эрталаб ҳам Толибжон телевишка тагида шу кийикларни кўрганди.

— Кетиб қолмасмикин бу кийиклар? — деди Толибжон.

— Йўқ, кетмас. Жуда болалигида олиб келгәнмиз. Одамга ҳам унча-мунча ўрганган... Ҳа, гап Нурмат тоға тўғрисида эди-я, ҳозир айтиб бераман. Бошидан ўтганларни кино қилса ҳам, китоб қилса ҳам бўлади. Жуда кўпни курган бобой бу.

Мирвали машина тезлигини пасайтириб аста ҳикоясини бошлади.

Нурмат тоға тинчгина банкда булбулнинг қафасидек тор кассада пул олиб, пул бериб кунини ўтказиб юрарди. Районда эмас, бутун областда ном чиқазган колхознинг Ҳожимурод деган раиси тинчини бузади. Ишга таклиф қилади. Ҳол-жонига қўймай, банк бошқарувчисининг ҳам розилигини олиб, колхозга кассирликка олиб кетади. Бошида улар жуда иноқ ишлашади. Раиснинг зиёфатлари усиз ўтмайдиган бўлиб қолади. Бирон йил ўтгандан кейин Нурмат тоға колхознинг ички сирлари-ю, раиснинг иш тутиш йўлларини билиб олади. Баъзи қонунсиз харжларга кўникмай юради. Кейинчалик бу ишлар оддий бир нарсага айланиб қолади. Кассир халқига иккита раҳбарнинг имзоси бўлса бас. Ҳар қанча пул бўлса бераверади. Раис билан бош бухгалтернинг имзоси билан пул олиб келади. Шу имзолар билан тегишли одамларга санаб беради. Қиладиган

иши шу. Улар раис билан ота-боладек бўлиб кетишади. Раис «зарур» бўлиб қолиб беш мингми, ўн мингми сўраса, тилхатсиз бераверадиган бўлиб қолади. Эртаси ё индини раис бухгалтерия орқали олган пулларни ҳужжатлаштириб қўяди.

Кунларнинг бирида раис уни кабинетига чақириб, ўттиз минг сўм тайёрлаб қўйишини тайинлайди.

— Шунча пулни нима қиласиз? — дейди ажабланиб, Нурмат тоға.

— Куёвга битта ҳовли олиб бермоқчи бўлиб юргандим. Ҳозир телефон қилишди. Ўттиз мингга битта яхши ҳовли савдосини пишитиб қўйишипти. Уйдаги пул хотинда эди. Индинга Шоҳимардондан келади. Келиши билан жойига қўйиб қўямиз. Банкка бориб йиригига алмаштириб келсангиз дуруст бўларди. Шунча пулни дўппайтириб олиб юрмай.

Нурмат тоға йўқ дейишини ҳам, ҳа дейишини ҳам билмай чайналиб туриб қолади.

— Ишонмаяпсиз чоғи, — дейди раис аччиқланиб, — ё тилхат ёзиб берайми?

Нурмат тоға раисга неча марталаб ўн минг, ўн беш минглаб пул берган, бирон марта тилхат сўрамаганди. Раис ҳам айтган кунни ё пулни қайтариб берар, ё бўлмаса бухгалтерия орқали расмийлаштириб орани очиқ қилиб қўярди. Шундоқ одамга ишончсизлик қилишга Нурмат тоғанинг кўнгли бўлмайди. Айтган вақтида ўттиз минг сўмни идорага келтириб беради.

У уйига қайтаркан, дили сира ёришмайди. Раис келгунча ревизия босса нима бўлади? Бухгалтерни хабардор қилиб қўйсинмикин? Йўғ-е, раис билса дили оғрийди. Ахир у унақа одам эмас. Ҳалол. Уйлай-уйлай нима бўлса ҳам бош бухгалтерга бир оғиз айтиб қўймоқчи бўлади. Аксига олиб у ҳам Қаршига зарур иш билан кетиб қолган экан. Эртага албатта айтаман, деб ўзини овутади.

Кечаси билан минг тўлғониб, тушлари бузилиб тонг отдиради. Эрталаб бухгалтернинг олдига кирганда ёнида одам бор экан, чиқиб кетгунча кутиб туради. Эзмароқ одам экан, пенсия олиш учун қанақа ҳужжат керак, аввал қаёққа бораман, кимга учрашаман, деб роса чўзилади. Охири, ишини битқазиб чиқиб кетади. Бухгалтер Нурмат тоғага қарайди.

— Жуда хунук иш бўлди-да, аксига олиб областга чақириб қолишди. Раисни кузатгани чиқолмадим. Сиз чиқдингизми, тоға?

Нурмат тоға ҳайрон бўлади. Чақирса овоз етадиган жойга икки кунга кетган одамни ҳам тантана билан кузатиладими? Армияга кетаётган бўлмаса, съездга делегат бўлиб кетаётган бўлмаса.

— Индинга қайтиб келадиган одамни кузатиб қўйиш шартми? — дейди ажабланиб, Нурмат тоға.

— Индинга қайтадиган? — дейди бухгалтер уни масхара қилгандек. — Худо хоҳласа йигирма тўрт кундан кейин қайтадилар. Тошкентда бир кун бўлсалар жами йигирма беш кун. — У чўтга йигирма беш деб тош ташлайди. — Қайтишда у ёқ—бу ёқни айлансалар, яна беш кун. — У яна бешта тош ташлайди. — Хотин киши билан курортга борган одам вақтида қайтолмайди.

Нурмат тоға ўрнидан сапчиб туриб кетади.

— Нима?! Курортга?!

Унинг вазоҳатидан бухгалтер кўрқиб кетади.

— Сизга нима бўлди? Утиринг! Ия, ия, рангингиз ғалати бўлиб кетди-ку. У шошиб стол тортмасидан аллақандай таблетка олиб унга узатади.

— Тилингизни тагига ташлаб олинг...

Унинг гаплари Нурмат тоғанинг қулоғига кирмайди, боши ғувиллаб, кўзлари тиниб, ҳолсизланиб курсига ўтириб қолади.

— Доктор чақирайми? — дейди бухгалтер, телефон трубкасига қўл узатаркан.

Нурмат тоға пешонасига шапиллатиб уриб, гандираклаганча чиқиб кетади.

Нима гап бўлганлигидан хабари йўқ бухгалтер ҳайрон бўлиб, орқасидан чиқади. Тоға йўл четигаги скамейкада бошини чангаллаганича букчайиб ўтириб қолади.

Бухгалтер унинг тепасига келиб аста шивирлайди:

— Тоға, туринг ўрнингиздан, одамлар кутиб қолди. Пул оладиганларни жўнатворинг. Ишдан қолишмасин, ҳаммаси далага кетадиганлар.

Тоға бошини кўтариб маъносиз кўзларини қайга яширишни билмай, яна ерга қарайди.

— Пул йўқ. Бир тийин ҳам йўқ. Ҳаммасини раис супуриб кетган. Индинга қайтиб бераман, деб ўттиз минг олиб кетди.

Бухгалтернинг ранги оқариб, тиззаларидан дармон кетгандек гавдасини кўтаролмай қолади. Кейин ўзига келиб, ишончсиз бир товушда дейди:

— Йўғ-э, раис унақа одам эмас, бировни алдамайди. Иситмангиз йўқми? Довдирамаяпсизми? Ҳушингизни йиғинг.

Тоға бошини сарак-сарак қилиб, бир уҳ тортади.

— Сенки ишонмадинг, бу гапга энди кимни ишонтираман? Мени тириклайин гўрга тикдиларинг.

Бухгалтер шошиб ичкарига кириб кетади. Раиснинг уйига телефон қилади. Келини уйда экан, раиснинг қайси курортга кетганини сўрайди. Келини аниқ жавоб айтолмайди.

— Феълларини биласиз-ку, бир жойда узоқ туrolмайдилар. Менимча, путёвкасиз кетишган. Аямни асаблари бузилиб, бўлар-бўлмасга йиғлайдиган бўлиб қолгандилар. Бир айлантириб келаман, деб олиб кетдилар. Қайси томонга кетганларини билмайман. Телефон қилсалар, айтарман сизга.

Энди бухгалтер ҳам ташвишга тушиб қолади. Қаергадир телефон қилади, ким биландир ниманидир гаплашади. Хуллас, эртасига контроль ревизион бошқармадан уч киши келиб, кассани печатлайди-ю, ревизия бошлайди. Кечқурун ёнбошига «Милиция» деб ёзилгай машина Нурмат тоғани олиб кетади. Беш кунгача тоғани ана шу машинада олиб келиб бухгалтерияга опкириб кетишар, кечқурун яна машинада олиб кетишарди. Олтинчи куни уни идорага опкелмай қўйишади. Тергов бошланганмиш, деган гап чиқади. Йигирма кундан кейин тўлишиб, ранги тиниқиб раис сафардан қайтади. Район прокуратурасида уни тоғага юзма-юз қилишади.

— Ўтган ойнанинг йигирма еттинчи куни колхоз кассири Нурмат Холматовдан ўттиз минг сўм пул олганмисиз? — деб сўрайди терговчи.

Раис ҳайрон бўлган алпозда бир терговчига, бир Нурмат Тоғага қарайди.

— Қанақа ўттиз минг? Шунча пулни нима қиламан? Нега оламан?

Нурмат тоға у билан юзма-юз қилишганига севинганди. Раис пул олганини айтади, бу ишнинг хато бўлганини уларга тушунтиради, деган умид юрагининг бир чеккасида йилт этганди. Раиснинг жавобидан ҳанг-манг бўлиб қолади. Сапчиб ўрнидан туриб кетади.

— Ахир, куёвимга участка олиб бераман, пулим хотинимда эди... индинга қайтиб бераман...

Терговчи унинг гапини бўлади:

— Ўтиринг! Рухсатимсиз гапиришни ман қиламан. Хўш, — дейди у раисга — демак, пул олганингизни инкор қиласиз?

— Олган бўлсам тилхатимни кўрсатсин. Шунча пулни тилхатсиз, ҳужжатсиз, гувоҳсиз бериб бўладими? Ахир, у ёш бола эмас-ку.

— Тилхат олганмисиз? — дейди терговчи тоғага.

— Йўқ.

— Нега?

— Бу одамга ишонардим.

— Тушунарли, — терговчи бошини сарак-сарак қилиб нималарнидир ёза бошлади. Кейин имзо чекинг, дея тоғага бир варақ қоғоз узатади.

Тоға гаранг эди. Кўзи тиниб, қўли қалтираб тергов қоғозига имзо чекади. — Тамом! Ревизия бошқа камомад тополмаган. Бошқа ҳужжатлар тўғри расмийлаштирилган. Ревизия материаллари билан сизни таништирганман. Бошқа саволиш йўқ. Ишни энди судга ошираман. Агар терговнинг боришидан норози бўлсангиз, мана қоғоз бош терговчига арз қилишингиз мумкин. Раис, сизга рухсат, судда ҳам бир-икки марта безовта қилишади. Чақирув қоғози олишингиз билан албатта келишингиз керак.

Раис албатта, албатта, деб чиқиб кетади.

Йигирма кундан кейин суд бўлади. Тоғани растратачи сифатида ўн икки йилга ҳукм қилишади. Мол-мулки мусодара қилинадиган бўлади.

Шу билан умрини тинчгина, бир маромда ўтказаяётган одамнинг ҳаётида кескин бурилиш бўлади.

Бу орада уйидаги нарсалари мусодара қилинади. Ҳовлиси сотилади. Хотини битта тугунча билан уйдан чиқиб кетади. Шу кетганча қаёққа кетганини суриштирадиган одам бўлмайди. Ун икки йил ўтиб Нурмат тоға озиб-тўзиб, букчайиб қайтиб келади. Уни илгари кўрганлар энди таниёлмайди. Қариган, соқоллари оқариб кетган...

— Гаплашсанг, гаплари ҳам анчагина узук-юлуқ, — деди Мирвали. — Баъзан гапидан адашиб кетиб, сўраган нарсанг қолиб, бошқа нарсани айтади. Савоб бўлар-ку, ҳам тоғ ҳавосида соғлиғи тикланар, деб шу ёққа олиб келдим. Шийпонни супуриб-судуриб юради. Пастликка пича қовун эккан, селитрасиз. Тузоқ қўяди, бедана илиниб туради. Баъзи-баъзида ўзи билан ўзи сўзлашадиган одати бор. Қулоқ солсанг, бирон маъно чиқмайди. Нима деётганини ўзи билса керак. Бир куни тоғдан жуда чарчаб келдиму мана шу шийпон айвонидаги раскладушкага ётиб магнитофон қўйдим. Юнус Ражабийнинг чоргоҳини мириқиб эшита бошладим. Нурмат тоға шийпон зинасига ўтириб қимирламай ашула охиригача эшитди. Чўққиларни ўраган булутларга, пастликда эчкилар подаси кўтарган тўзонга тикилганча юм-юм ёш тўкарди. Ашула тингандан кейин ўрнидан турди-да, ёш тўла кўзлари билан менга қараб:

— Болам, мен боримда бу ашулани қўйманг, — деди.

У шундай деди-ю, шийпон орқасига ўтиб кетди. Бирпасдан кейин ўрнидан туриб шийпон панасига ўтдим. Тоға харсанг тош устида муштдек бўлиб ўтирар, қимирламас эди. Тоғанинг дарди бедаво. Ичини куйдирган чўғ ўтсиз тутаб бутун вужудини жизғанак қилаётгандек эди...

Толибжон бу гапларни жимгина эшитаркан, эрталабдан бери кўзига телба бўлиб кўринган тоға энди адолатсизлик, шафқатсизлик қурбони, ифлос, жирканч қўллар ғижимлаб ташлаган аянчли бир кимса сифатида намоён бўлди.

Толибжон ҳаётнинг аёвсиз зарбаларига дуч келган, омадсиз ҳаёти каловлатиб қўйган, безовта асрнинг шиддаткор сершовқин бўронларидан қочиб тинчгина бир кунжи кавак излаган одам эди. Энди тоғанинг кечмишини эшитиб дунёда шундай чорасиз одамлар ҳам борлиги уни ҳайратга солди. У тоғанинг дарди олдида ўзиники ҳеч гап бўлмай қолганини сеза бошлаган эди.

Рацияда, ўртоқ Рихсиев, деган овоз тўхтовсиз эшитила бошлади. Мирвали трубкани қулоғига қўйиб қичқирди:

— Эшитаман, эшитаман. Гапиравер. Нима гап?

— Эшитяпсизми, ўртоқ Рихсиев. Эртага пионер лагеридан биринчи смена қайтади. Завгар автобус бермаяпти. Расулбексиз беролмайман, дейди. Расулбек меҳмон кутгани Шаҳрисабз аэропортига чиқиб кетган. Нима қилай?

— Гаражни менга улаб бер. Ўзим гаплашаман...

Рация анча пайтгача қитирлаб, гувиллаб турди. Кейин хотинчалиш овоз келди:

— Гараж жужурниги эшитади.

— Мен директор Рихсиевман. Пионер лагеридан болаларни олиб келиш учун уччала автобусни тайёрлаб қўйинглар. ГАИга телефон қилиб тайинланглар. Ҳозироқ ўзинг телефон қил. ГАИсиз автобус бир қадам ҳам жилмасин. Тушундингми? Йўқ, аввал айт, айтганларимга тушундингми? Бўпти. Иккала цистерна бензин ташияптимми? Соляркани ташиб бўлдимми? Яхши. Бўпти, ишингни қил!

Мирвали трубкани жойига қўйди. У гаплашаётганда машина жуда секинлаб қолганди. Бирдан газ берди. Машина силкиниб олдинга интилди. Фара қияликларни ёритиб шлагбаум олдида тўхтади. Ўткир нурдан кўзи қамашган қоровул кафти билан нурни тўсиб машина номерига қаради. Кейин шлагбаум ходасини кўтара бошлади.

— Келдик, — деди Мирвали сим тўр билан ўралган ялангликка киришгач. — Бу ер дунёдаги энг чиройли жониворларнинг макони.

Толибжон қоронғида кийикларни кўриб бўлармиди, дегандек ҳайрон бўлиб атрофга қаради. Дарҳақиқат, ҳаммаёқ қоронғи, баланд дўнглик ой нурини тўсиб турганидан ҳеч нарса кўринмас эди.

— Сўрига жой қилинг, — деб буюрди Мирвали қоровулга.

Қоровул машинадаги юкларни тушира бошлади. Рулда ўтиравериб Мирвалининг бели қотиб кетган эди. Керишиб, суякларини бир қисирлатиб олди.

Нурмат тоға колхозда кассирлик пайтида кўп зиёфатларни кўрган, ноз-неъматларга тўлган дастурхон безаб қанча-қанча меҳмонларни кутган эди. Аммо Расулбекдақа дастурхон безайдиган мезбонни сира кўрмаган эди.

Какликлар ҳозир чўққиға чиқиб кетган, на тузоққа илинади, на ўқ билан уриб бўлади. Хонадонлардаги ўрганган какликлардан беш-олтитасини сотиб олиб дўлма қилди. Тоғ райҳонию жамбилларини қиймага қориб, какликнинг қорнига жойлаб, ип билан тикиб чиқди. Икки кун ичида тузоққа илинган беданаларни Нурмат тоғага патини юлдириб, зиралаб қозонга бостириб қўйди. Эринмай пўстдумба қиртишлади. Ярим пақир олчанинг данагини ажратиб холодильникка қўйди. Эрталаб сўйилган қўйнинг калла-почасию, ичакларини машинада уйга жўнатди. Шоферидан хасип билан калла гўшти соат бешга тайёр бўлсин, деб қайта-қайта тайинлади.

Кун тоғ орқасига ўтиши билан столга дастурхон ёзиб мева-чеваларни қўя бошлади. Ҳали у столни ясаиб улгурмаган ҳам эдики, чўпон йигит «Москвич»-да тўрхалта тўла балиқ олиб келди. Балиқларни унинг ўзига тозалашни топшириб бедана бостирган қозонни газга қўйди.

Пастликда — дарахтлар орасидан иккита «Волга» кўриниши билан Расулбек ноз-неъмат билан тўлган стол устига пашша қўнмасин деб дока ёпди-да, кабоб учун манқалга ўт қалаётган Нурмат тоғага қаради.

— Сал дурустроқ кийиниб олинг, сто восьмойларга ўхшаб юрманг, меҳмонлар олдида, — деди.

Нурмат тоға қаддини ростлаб ўрнидан турди.

— Хотиржам бўл, Бек. Меҳмонларингни олдига бормайман.

У шундай деб сўрига ташлаб қўйган тўнини қўлтиғига қисиб шийпон орқасига ўтиб кетди.

— Тавба, бу одамга битта гап кам, иккита гап кўп. Жинними ўзи. Одамови бу ярамас чол.

Нурмат тоға унинг гапини эшитмади. Пастликка тушиб ўзининг чайласига қараб кетди.

Шийпон олдидаги ялангликда иккита «Волга» олдинма-кетин келиб тўхтади. Ундан биринчи бўлиб ёши олтмишларга яқинлашиб қолган оппоқ юзли, бақбақаси галстугининг тугуни устидан тошиб чиққан, салобатли бир киши тушди. Расулбек югура солиб унинг истиқболига чиқди ва у билан икки қўллаб кўришди.

— Зап кепсиз-да, устоз. Эрталабдан бери кутаман.

— Оббо сен-эй, — деди меҳмон. — Зўр боласан-да.

— Шогирдингизман-да, Ҳожи ака, — Расулбек ялтоқланиб меҳмонларга йўл бошлади.

Ҳожи ака билан область ва район сельхозтехника бошлиқлари, райпо мудирлари ҳам бор эди.

У меҳмонларнинг қўлларига сув қуйиб сочиқ тутди. Кейин стол устидаги докани олиб ўтиришга таклиф қилди.

Ҳожи ака ясатилган дастурхонга қараб ҳайрон бўлиб қолди.

— Вей, усталда одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса бор-а. Зўрсан, Бек.

Меҳмонлар ўтиришгач, Расулбек буғи чиқиб турган каклик дўлмани ўртага қўйди.

— Битта илтимос, — деди у айёрча кўз қисиб, — Ҳаммасини еб қўйманглар. Ҳали бундан ҳам зўрлари бор.

Ўртага кабоб келди. Пўстдумба келди. Охири бедана табака тортилди.

Угра кесишда дунёнинг бирон мамлакатада Шаҳрисабз билан Китоб пазандаларига тенг келадигани бўлмайди. Улар кесган уграни ғалтак ип ёнига қўйсангиз қайси бири ип, қайси бири угра билиб бўлмайди.

Мана шу Расулбек ана шунақа уста пазандалардан бири эди.

Совхозга чет эл делегатлари келганда угра ичиб туриб, бу машинада қирқилганми ё қўлда, деб сўрашганди. Қўлда кесилганини айтишганда биронтаси ишонмаган.

Ўшанда Мирвалининг буйруғи билан Расулбек бир зувала хамир қориб

меҳмонлар олдида угра кесган. Кейин уградан биттасини олиб игнанинг тешигидан ўтказган эди.

Ҳожи ака ҳар гал таомни оғзига солганда, Расулбек шаънига ҳамду санолар ўқирди. Пазандалигини астойдил мақтарди.

— Вей, бу ҳунарни қайдан ўргангансан, палакат. Жуда зўр экансан-ку.

— Ҳали шошманг, Ҳожи ака. Тоғ жилғасидан тutilган ой балиқни еганмисиз, емагансиз. Ана энди ейсиз. Чарвига ўраб димланган жигар еганмисиз, емагансиз. Ҳали хасип бор, калла гўшти бор.

Ҳожи ака ёйилиб кулди.

— Бўктириб ўлдирмоқчимисан. Нафасим тикилиб қолди. Энди жиндек дам бер. У ёқ — бу ёққа юриб овқатни ҳазм қилайлик.

— Маъқул, маъқул. Ҳазми таом учун ҳам тадбир белгилаб қўйганман. Ўзлари полизга бориб тушган беданаларни териб оладилар. Бунинг гашти бошқа бўлади. Нима дейсиз, маъқулми?

Ҳожи ака ёғли қўлларини сочиққа артиб ўрнидан турди. У ичмас эди. Шунинг учун ҳам ҳамроҳлари ноқулай бўлмасин, деб шишаларга қўл урмай одоб сақлаб ўтиришган эди, ўрниларидан қўзғолишмади. Ҳожи ака нари кетиши билан шишаларга қўл узатишди.

Атроф жимжит. Кечки шаббода ғир-ғир эсади. Тоғнинг соя тарафи тўқ яшил тусга кирган. Чўққиларнинг қилт учи худди қилич дамидек чақнаб турипти. Шундоқ пастликда, худди оёғинг тагига узала тушгандек катта қишлоқ ястаниб ётибди. Қишлоқ ўртасидан кесиб ўтган сойнинг шовуллаши эшитилмас, фақат дарахтзорлар, харсанглар орасидан буралиб-буралиб ўтиши ажиб бир манзара ҳосил қилар эди.

Расулбек Ҳожи акани шийпон орқасига, Нурмат тоғанинг чайласига бошларкан:

— Ҳу ўша қовун полизида тузоққа илинган беданалар сизга интизор бўлиб ётишибди, — деди.

— Бўлди, бўлди. У ёғини ўзим топиб оламан. Сен ишингни қилавер.

Расулбек итоаткорона қўл қовуштириб орқасига қайтди.

Ҳожи ака сўқмоқдан битта-битта босиб полиз томон юра бошлади. Чайлада икки тиззасини қучоқлаб Нурмат тоға узоқларга тикилганча қимирламай ўтирарди. Ҳожи ака чайла олдидан ўтаркан; «омонмисиз, бобой» деб қўйдию пайкал томон кетаверди.

Боятдан бери қимирламай ўтирган Нурмат тоға фавқулудда бир ҳаяжон билан сесканди. Таниш овоз уни сергаклантирди. Пайкал томон кетаётган киши орқасидан тикилиб қолди.

Уша, ўшанинг ўзи. Ҳожимурод бу. Нурмат тоға нима қилишини билмай беихтиёр ўрнидан турди. Бу пайт Ҳожи ака жўяклардаги лой тузоқларга илинган беданалардан бир-иккитасини олиб қўйнига солиб улгурган, ажиб бир чаққонлик билан жўякдан-жўякка сакраб тузоққа энгашарди.

Нурмат тоға ундан кўз узмай туриб қолди. Ниҳоят, Ҳожи аканинг шодон овози эшитилди:

— Бобой, битта халта келтиринг. Қўйним беданага тўлиб кетди. Питирлаб гашимни келтиряпти.

Нурмат тоға ҳушёр тортди. Чайла устунига илиб қўйилган қўштиғ милтиқни қўлига олди. Тиззасида букиб ўқлади. Кейин Ҳожи ака энгашиб бедана олаётган пайкалга келди.

— Халта келтирдингизми? — деди Ҳожи ака унга қарамай.

— Ҳа, — деди тоға.

Ҳожи ака унга ўгирилиб қаради-ю, ҳанг-манг бўлиб қолди. Чолнинг қўлидаги милтиқнинг учи унга тўғрилланган, чолнинг икки кўзидан ўт чақнарди. Ҳожи ака эсанкираб ҳозиргина тузоқдан олган беданани қўйиб юборди. Бедананинг биттаси Нурмат тоғанинг олдидан париллаб учиб ўтди.

Ҳожимурод қалт-қалт титрар, қўйнидаги беданалар питирларди.

— Мен сени қидирмадим, — деди босиқ, бўғиқ овоз билан Нурмат тоға. — Жазоингни худо берсин, дегандим. Йўқ, сен худога ҳам чап бердинг. Ажал тортиб, ўз оёғинг билан олдимга келдинг. Имон келтир... Имон келтир. Ҳозир ўласан. Ал-қасос-ул-минал ҳақ, дейдилар.

Ҳожимуроднинг тили калимага келмасди. Нима дейишини, нима қилишини

билмасди. Қаршисида милтиқ ўқталиб турган одамга айтгулик бирон гапи йўқ эди. Ҳеч қандай узр, ҳеч қандай илтижо уни шу топда ўлимдан олиб қололмасди. Ҳожимурод шунча йил яшаб, шунча чиғриқлардан бутун чиқиб бунақа танг аҳволга тушмаган эди. Бирон кун келиб унга рўпара бўламан, деб хаёлига ҳам келтирмаганди.

Мана шу Ҳожимурод билан Нурмат тоға тўрт йил бирга ишлашган.

Колхоз оғизга тушган хўжаликлар, Ҳожимурод эса пичоғи кескир раислар қаторида юрарди. У райком секретари билан прокурордан бошқа раҳбарларни раҳбар қаторида кўрмасди. Бошқаларни идора олдидаги ҳужрада нон-чай билан кутиб юборарди.

Ҳожимурод жуда тадбиркор, ҳар иш қўлидан келадиган киши эди. Бухгалтериядами, омбордами бирон чатоқлик бўлиб қолса, бирпасда тўғриларди. Келадиган ревизорлар актни Ҳожимурод айтгандек қилиб ёзишарди. Айниқса, гўшт топшириш пайтида у кассадан ўн-ўн беш минг сўм олиб ферма мудури билан бозорга бориб мол харид қиларди. Моллар машинага бозордан ортилганча тўппа-тўғри тайёрлов конторасига жўнатиларди. Ҳужжатлар эса беш ой олдин сотиб олинган, боқишга мунча ем, мунча хашак кетди, деб расмийлаштирилларди. Бу орада молни кўрмаган молбоқарга ҳам беш ойлик маош ёзиларди. Нурмат тоға кассир бўлгани учун бу ишларнинг барчасидан хабардор эди.

Мана, қанча вақт ўтиб иккови яна юзма-юз келиб туришибди.

Ҳожи ака чиқмаган жондан умид, дегандек чолни инсофга келтирмоқчи бўлди.

— Бола-чақамни уволига қоласиз, — деди у титраб-қақшаб.

— Мени бола-чақамнинг уволи нега сени тутмади? Йўқ, сени мазза қилиб, роҳат қилиб ўлдираман. Қани, ечин. Еч кўйлақларингни. Бўл, ечинмасанг ҳозир тепкини босаман.

Ҳожимурод шошиб кўйлагини еча бошлади. Этаклари тагидан бир гала бедана париллаб учиб чиқди-да, полиз этагига бориб тушди.

— Еч! Шимни ҳам еч. Еч деяпман!

Ҳожимурод бир сўз демай шимини ҳам ечди. Нурмат тоға кўйнидан гугурт олиб унга ирғитди.

— Ёқ. Ёқиб юбор!

— Бу нима деганингиз. Ахир яланғоч қайга бораман?

Тоға яна милтиқ учини унга тўғрилади.

— Қимирлама! Энди сенга кийим-бошни кераги йўқ. Узлари кафанлаб кўмиб кўйишади.

Ҳожи шартта ўзини ерга отди. Эмаклаб у томон кела бошлади.

— Мени кечиринг. Кечиринг. Гуноҳларимни оқлайман. Ўша ўттиз минг сўмни тўлайман. Эллиқ минг қилиб тўлайман.

— Пулни-ку, тўлайсан. Сенга пул чўт эмас. Қурбонлар умрини нима билан тўлайсан? Азоб-уқубатда йўқолган навқирон умримни нима билан тўлайсан? Сарсон-саргардон бўлиб, ўлиб кетган хотинимнинг умрини нима билан тўлайсан? Йўқ бўлиб тўзиб, патарат топиб кетган оиламга қанча ҳақ тўлайсан? Кийимларни ёқ. Бўлмаса тепкини босаман.

Ҳожимурод чўккалаб ўтириб кийимларини бир жойга тўплади. Қўллари қалтираб гугурт чақди. Уни кийимларига оборишдан олдин, раҳми келармикан, деб Нурмат тоғага зорли қаради. Тоға милтиқ учи билан кийимларни кўрсатди. Шундан кейин Ҳожимурод ёниб турган гугурт чўпини кийимларига тутди. Гугурт чақилган кийим-бош анча вақтгача тутаб турган эди, шаббода эсиши билан лоп этиб гуриллаб кетди. Ҳожи худди ташлаган пўстига тикилган бешиктебратардек ёнаётган кийимларига маъюс қараб турарди.

Шийпон томондан маст йигитларнинг пойма-пой қўшиқлари эшитилади. Шу топда Нурмат тоғанинг ичида ўт ёнарди. Бу ўт аста ўрмалаб унинг бутун вужудини қахраб олди. У нима қилаётганини, нималар деётганини идрок қилолмасди. Унга биргина истак, қаршисида турган шу яланғоч одамдан даҳшатли ўч олиш истаги ҳокимлик қиларди.

Ҳожимурод эса у билан учрашув, қачондир рўпара келиб қолиш тўғрисида сира ўйламаганди. Уни мутлақо унутиб юборганди. Тўғри, баъзи-баъзида Нурматни эмас, хотинини эслаб қўярди. Ҳар гал эсига келганда, этлари жимирлаб, кўзлари қоронғилашиб кетарди.

Беш йил бўлди, хотини ҳам кўринмай кетди. Илгарилари у шаҳарда пайдо бўлиб қолар, сочлари тўзғиган, бир қарашдаёқ телбалиги билиниб турадиган бу аёл ҳар куни эрталаб Ҳожимурод ишга кетадиган пайтда эшиги олдида кутиб турарди. У кўриниши билан қўлини қибла томонга чўзиб узоқ дуойи бад қиларди.

— Худоё худовандо, шу одам хонавайрон бўлсин. Шу эшикдан лопиллаб тобутлар чиқсин. Шу уйдагилар оқ киймасин, қора кийимдан боши чиқмасин. Э худо, борлигинг рост бўлса, шу одамни бахтиқаро қил. Умри хорликда, зорликда ўтсин. Омин!

Ҳожимурод бу телбадан тезроқ қутулиш учун шошиб ўзини машинага урар, шофер ҳам мотори гуриллаб турган машинани ўқдек учириб олиб кетарди. Хотин машина орқасидан тош отиб қоларди. Кечқурун ишдан қайтар маҳали уни яна эшик олдида кўрарди. Яна ўша этни жимирлатадиган қарғиш.

— Худоё худовандо, шу одам хонавайрон бўлсин.

Шу топда Ҳожимуроднинг кўзига сочлари тўзғиган телба хотиннинг алам тўла кўзлари кўриниб кетди.

Хотин тўрт-беш кун уни қарғаб-қарғаб йўқ бўлиб кетарди. Орадан икки-уч ой ўтиб яна пайдо бўларди-да, хумордан чиққунча қарғаб кетиб қоларди. Беш йилдан ошди, у келмай қўйди, Ҳожимурод аста-секин уни ҳам унутиб юборди. Аммо баъзи-баъзида эсига тушиб қолар, кўнгли алланечук бўлиб, уйқуси қочарди. Шундай кезларда қоқ ярим кечаси кўрпани елкага тортиб, босиб-босиб чекарди.

Офтоб ўчаётган маҳал икки одам бир-бирига бақамти келиб чурқ этмай турарди. Бирининг ичи тўла алам, дард. Бири эса бутун бир хонадонни вайрон қилган, энди қасос онлари келганда тақдирга чап бериб бўлмаслигига ақли етиб бу дунёдан умидини узиб лолу ҳайрон турарди.

Нурмат тоға милтиқ учи билан юр, деб ишора қилди. Ҳожимурод қимирламади.

— Юр!

— Қаёққа? — деди қалтираб Ҳожимурод.

Нурмат тоға жавоб ўрнига милтиқ учини унинг бошига тўғрилади. Ҳожимурод сеҳрлангандек ихтиёрсиз орқасига тисарилди.

— Пастга қараб юр! — деб буюрди Нурмат тоға.

Нурмат тоға энди бу одам устидан мутлақо ҳоким эди. Энди бу одам унинг қўлида. Ёт деса ётади, тур деса туради. Ҳожимуроднинг бу ночор ҳолати унга роҳат бағишларди. Ҳар бир қалтираши унинг кўнглидаги аламларни томчима-томчи чиқазиб юбораётганга ўхшарди.

Улар шу алпозда дам тез, дам секин пастликка тушишди. Ҳожимурод ялангоёқ тошлардан юролмай қийналар, гоҳ оёқ учида, гоҳ товони билан юриб ҳолдан тойган эди.

— Менга қаранг, — деди Ҳожимурод. — Бўлди-да энди. Мендан нима истайсиз. Майли, пул керак бўлса пул олинг, мол-мулк керак бўлса, майли, олинг. Энди бас, қўйиб юборинг.

Нурмат тоға индамади. Юр, деб ишора қилди. Ҳожимурод тошлардан сакраб-сакраб яна юрди. Улар шу алпозда юриб тубсиз жарлик ёқасига келишди. Ҳожимурод энди ҳаётдан умидини узганди. Ҳозир бу ярамас жар ёқасида пешонамдан отади, жарга қулайман, ўлигим бўриларга ем бўлади, деб ўйлади. Шарт бурилди-ю, ўзини Нурмат тоғанинг оёғи остига ташлади.

— Ёлвораман. Сабийларимга раҳм қилинг. Умрим бўйи қулингиз бўлай.

Унинг бу ёлворишлари Нурмат тоғага заррача таъсир қилмасди. У ўн беш йил саргардонликда хор-зор бўлиб дийдаси қотиб кетганди. Унинг устига, дарбадарлигига, хор-зорлигига, хотинининг телба бўлиб ўлиб кетишига сабаб бўлган одам шунинг ўзи эди. Нурмат ундан шафқат тилаганда юзини ўгирган эди. Дунёдаги пасткашларнинг энг пасткаши шу тобда яланғоч, афтодаҳол бир алпозда қаршисида турарди.

Офтоб ўчди. Тоғ ўнгирлари бир дам сукутга чўмди. Чигирткалар ҳам чирилламас, гиёҳлар ҳам шитирламас. Кўнгилни эзувчи, кўкракдан босувчи бир қоронғилик ҳоким эди. Одамлар айтган завол пайти шумикин?

— Жўна энди, — деб буюрди Нурмат тоға.

Ҳожимурод орқасига шошиб бурилган эди, Нурмат тоға жеркиб берди:

— Орқага энди йўл йўқ. Жарликка тушасан. Уша тарафдан қаёққа бўлса кетаверасан.

Жарлик ваҳимали эди. Ҳожимурод иккиланиб турмади. Нима бўлса ҳам унинг қўлидан қутулиш учун жар томонга туша бошлади.

— Орқага қайтмайсан. Шу ерда тонг отгунча ўтираман. Қайтдинг, отаман.

Ҳожимурод ўлимдан қочгандек ўзини ўнгирга урди. Оёқларининг қонаб кетишига қарамай чағир тошларни босиб харсанглар орқасига ўтиб кетди.

Ҳозир Нурмат тоға турган йўлдан бошқа орқага қайтадиган ёлғизоёқ йўл йўқ эди.

Нурмат тоға ўжар, қайсар, жаҳлдор одам эди. Умуман, тоғликларнинг ўз ўжар қонунлари бўлади. Харсанг тошлардан уй тиклайдилар. Ҳар баҳор селлар уйларини бузиб вайрон қилиб кетади. Лекин табиат қанча ўжар бўлмасин, улар қайсарлик билан яна кулба тиклайдилар. Бу ердаги эркинлик, кенглик кўнгиллариға қанчалик эзгулик солмасин, барибир улар ўжарлик одатларини ташлаёлмайдилар. Бутун умрлари тошлар, селлар билан олишиб ўтади. (Наинки одамлар, ҳатто гиёҳлар, дарахтлар ҳам қайсарлик билан табиатга ўчакишиб яшайдилар. Селлар дарахтларни илдизи билан қўпориб ўнгирларға улоқтиради. Лекин бу қайсар дарахтлар илдизлари ерга тегиши билан селларға ўчакишиб яна япроқ ёзаверадилар.) Тоза ҳаво, тошдан-тошға урилиб пишиб тушадиган сув, ғубор қўнмаган гиёҳлар, то уфққа сингиб кетадиган кенгликлар улар кўнглиға аллақандай эзгу туйғулар солган. Улар дўстликни муқаддас тутадилар. Дўст учун, яхшилик учун жонларини ҳам аямайдилар. Аммо...

Аммо хиёнат ўртаға тушса жон-жонининг аллақаерида яшириниб ётган ваҳший куч қалқиб юзаға чиқади. Уни ҳеч қандай тўсиқ қайтара олмайди. Бу тоғликлар қонуни!

Нурмат тоға ҳам ана шундай ваҳший куч ихтиёрида эди. У ўжарлик қилиб алламаҳалғача йўл пойлаб ўтирди. Ой кўтарилди. Чигирткалар тинимсиз чириллади. Қайдадир бўри улиди. Осмони-фалақдан қизил чироғи бир ўчиб-бир ёниб самолёт унсиз учиб ўтди. Ўзи йўқ бўлиб кетгандан кейин овози гуриллаб тоғу-тошни ларзаға солди.

Нурмат тоға орқаға қайтаркан, шу ишим тўғри бўлдими, деб ўзига-ўзи савол бермади. У ўтган умри, болалари, хотини олдидаги қарздан бир оз бўлса ҳам узилгандек ўзини енгил сездди. Калласига ҳеч нарса келмади. Ҳеч нарсани ўйламади ҳам.

Ҳожимурод орқасига қарамасди. Қараса Нурмат отиб ташлайдигандек эди. Ҳар минут, ҳар секунд ўқ узилишини кутарди. Ҳозир варанглаб ўқ отилди-ю, Ҳожимурод умриға якун ясайди. Тоғу-тошларда жасади бўриларға, шоқолларға ем бўлади.

У туғилиб эсини танигандан буён қандай яшади, нималар қилди? Одамдек яшадими? Бирон дардмандға дардкаш бўлдими? Йиқилганни кўтариб қўйдими? Йиғлаган етимнинг кўз ёшини артдими? Бирон муҳтожнинг мушқулини осон қилдими?

Хаёлидан ўтган бу саволларға жавоб тополмади. Ўзини юпатиш учун хайрли ишларини эсламоқчи бўлди.

Маҳалла мачитиға янги тобут ясаиб берди. Маҳалла аҳли унинг бу ишини аскияға олди. Бирон одам қазо қилса, Ҳожимуроднинг тобутини олиб чиқинглар, деб унга эшитдириб пичинг қилишадиган бўлди.

Йиқилиб бели синган бева опаси бир йил гипсланиб касалхонада шифтға термулиб ётди. Ҳар гал эшик очилганда укам келяпти, деб умидвор бўлди. Ана шу ногирон опаси оламдан ўтганда тобут олдиға тушиб, вой опамлаб кўз ёшини дарё қилиб оқизди. Уч йил бўлди, не-не меҳрибончиликлар қилган опасининг қабри ғариб бўлиб, қовжираган ўтларға кўмилиб ётибди.

Ҳожимурод ўйлаб-ўйлаб биронта қилган хайрли ишини тополмади. Кўз олдиға одамларға қилган жабри, ноҳақлиги келаверди.

Ногаҳон ўлим кутаётган одамнинг хаёлиға нималар келмайди, ҳозир ўқ узилади. Шу билан тамом!

Уйи, болалари, ортдирган давлати кўз олдиға келди. Наҳотки шуларнинг ҳаммасидан бир дақиқада маҳрум бўлсам?!

Орқа томонда нимадир шитирлади. Тош думалаб қарсиллади. Бу товуш унга худди кимдир милтиқ ўқлаётгандек туюлди. Нурмат милтиқни энди ўқлади, деб ўйлади Ҳожимурод.

Нурмат!

Ким у? Ҳожимурод унга нима ёмонлик қилган?

У ўзига-ўзи беихтиёр шу саволни бердию сесканди. Жавоб излашга юраги бетламади. Агар жавоб изласа ўзидан-ўзи нафратланиб кетади. У ўзини-ўзи ёвуз деб аташга журъат қилолмасди. Начора. Бир дақиқадан кейин оламдан ўтади. Ҳеч бўлмаса ўлими олдидан қилган гуноҳлари учун тавба қилиши керак-ку.

У Нурмат тоғанинг бошига кулфатлар солди. Ўттиз минг сўмга туширди. Қаматди. Уй-жойи мусодара бўлди. Қўлидаги боласи билан хотини уйдан ҳайдаб чиқарилди. Аламда ўртаниб хотини телба бўлиб қолди. Нурматнинг ўзи умрини қамоқларда сарсон-саргардонликда ўтказди. Энди умри тоғу-тошларда девонавор ўтмоқда. Шуларнинг барига Ҳожимурод сабабчи. Пулга ўчлиги, ҳаромдан ҳазар қилмаслиги, мол-дунё, пул олдида ҳар қандай муқаддас нарсани оёқости қилишдан тоймаслиги сабаб бўлди.

Бу хато эмасди. Пасткашлик ҳам эмасди. Бу ваҳшийлик, жирканчлик эди!

Атрофни қоронғулик босди. Шу топда Ҳожимуроднинг кўнгли ҳам, тоғу-тошлар ҳам, тошлар орасидан қайнаб чиққан аждар мисол илдизлар ҳам қопқора эди.

Ҳожимурод тойиб йиқилди. Осмон йўлини тўсган тоғлар ортидан ҳали кўтарилмаган ойнанинг дока орқасига чироқ ёққандек ожиз шуъласи таралиб келарди. Ҳожимурод ўзига-ўзи савол бериб анчагина йўл юриб қўйганини сезмаганди. Нурмат тоғанинг қораси кўринмасди. Демак, Нурмат уни таъқиб қилмаган. Уша жойда қолган.

Ҳожимурод ўлим хавфи чекинганини сездию бирдан бўшашиб, оёқ-қўлидан дармон кетди. Ерга тиралиб, ҳарчанд ўрнидан турмоқчи бўлади, кучи етмайди. Шу йиқилганича чалқанча ётиб, осмонга қаради. Кўзлари хира тортганидан юлдузлар бир-бирига чаплашиб кетгандек бўларди. Атроф ваҳимали эди. Қайдадир сой гувиллайди. Тепадан думалаган тош гувиллаб, пастликларга шағал суриб тушади. Яқингинада ёввойи мушукнинг этни жимирлаштирадиган жуда хунук миёвлaши эшитилди. Ҳали у томонда, ҳали бу томонда унинг кўкимтир кўзлари ёниб, ўчади. Одам оёғи тегмаган фақат махлуқлар маконида пайдо бўлган Ҳожимурод уларни безовта қилганга ўхшарди. Айниқса гала-гала мушукларнинг бағиллаб миёвлaши, папирос чўғидек ўчиб-ёнаётган кўзлари Ҳожимуроднинг этини музлатиб юборарди. Нима бўлса ҳам бу худо қарғаган жойдан кетиш керак. Аммо қаёққа? Атроф тоғ, қоялар. Нажот йўли қайси томонда?

У тубсиз ўнгир оғзида қалтираб қай тарафга боришини билмай ҳайрон турарди. Бу хил туришдан фойда йўқлигини билиб боши оққан тарафга қараб кетмоқчи бўлди. Қовжираб қолган бута шохини куч билан синдириб унга таянганча юқорига кўтарилла бошлади.

Узоқдан шуъла кўринди. Назарида гулханга ўхшаб кўринди. Энди у йўлни ўша тарафга қараб олди. Шуъла узоқ эмас эди. Кимдир яқиндагина гулхан ёқиб ташлаб кетганга ўхшайди. Катта харсанг тагида бир бўйра эни жойда чўғлари ҳали ҳам милтираб турарди. Ҳожимурод энгашиб чўққа тикилди. У чўққа ўхшамасди. Қўлидаги таёқ билан чўғни титиб кўрди. Ажаб, таёқ учи тегиши биланоқ чўғларнинг ҳаммаси бирдан сўнди.

Ҳожимурод гулхан деб ўйлаган жой йилтироқ қуртнинг уяси эди.

У мутлақо ҳолдан тойди. Юришга мадори қолмай, ясси това тошга узала тушиб ётиб олди. Пешонамга битгани шу экан, қандоқ қилай, деб тақдирга тан бердию бошини тирсагига қўйиб кўзини юмди. Куни билан офтоб қиздирган тош ҳали ҳам иссиққина эди. Нимадир чиқиллаётганини эшитди. Нима бу? Соатми?

Ҳожимурод ҳали кийим-бошини ечганда соатини олмаган эди. Ўз ташвиши билан бўлиб билагида соати борлигини сезмаган экан.

Ой ҳали унча баланд кўтарилмаган. Соатнинг фосфорли миллари неча бўлганини кўрсатиб турипти. Ун иккидан ошипти.

Ҳожимурод иссиққина тошга ўтириб мудрай бошлади. Юмшоқ тўшакларга ботиб ухлайдиган одамга яйдоқ тошда ётиш осон эмасди. У ҳали бу ёнбошига, ҳали у ёнбошига ағдарилар эди.

Жони узилган одамдек, тоғ бағридан ҳарорат кетди. Тонгга яқин баданни

узиб оладиган музга айланди. Ҳожимурод қалтираб ўрнидан турди. Ҳаво салқин, муздек эди. Ҳожимурод титраб-қақшаб юқорига чиқа бошлади. Гиёҳларга тушган шудринг томчилари ҳам муздек.

Унинг боши айланиб кўнгли беҳузур бўла бошлади. Кўзи тиниб тепасидаги тоғлар гир-гир айлана бошлади. У мувозанатини йўқотиб ёнбошига гурс этиб йиқилди.

Ана шундан кейин нималар бўлганини билмайди. Ёнбошига иссиқ ўтганда кўзини очди. Кимдир уни пўстинга ўраб гулхан ёнига ётқизиб қўйган эди.

Ҳожимурод қаердалигини, нималар бўлганини билмасди. Бошини кўтариб, атрофга қаради. Офтоб чарақлаб терак бўйи кўтарилиб қолган. Сон-саноксиз оппоқ эчкилар тинмай маърашарди. Олтмиш ёшлардаги серсоқол бир чол таёғига кўксини тираб унга қараб турарди.

— Тирикмисан? — деди у ҳассада кўксини узиб. — Кимсан ўзинг?

Ҳожимурод елкасига пўстинни тортиб унга ҳайрон қаради.

— Бу тарафларда шир яланғоч нима қилиб юрибсан, широғим?

Ҳожимурод қуруқшаб қолган лабларини аранг жуфтлаб жавоб берди:

— Қароқчилар талаб кетди, ота.

— Биз тарафларда қароқчилар жўқ эди-ку. Бу товларда игна ҳам жўқолмайди.

Эчкилар орасида хайт-хайт деб юрган йигитча чолнинг олдига келди.

— Уловларни товга ҳайдайми?

— Шошма, болам. Манов меймонга томоқ бер.

Йигитча заранг косада эт олиб келди. Гулханда вақирлаб қайнаётган қумғонга чой ташлаб белбоғидан суви қочган нон олиб Ҳожимуроднинг олдига қўйди.

Ҳожимурод ниҳоятда очиққан эди. Ҳеч қаёққа қарамай пишиллаб лунжига овқат тикарди. Бирпасда заранг косадаги гўшт тугади.

Янги дамланган чойни босиб-босиб ичдию аъзойи бадани терга ботди.

— Энди не қилмоқчисан? — деди чўпон чол.

Ҳожимурод билагидаги соатни ечиб дастурхон устига қўйди.

— Ота, бир меҳрибончилик қилинг. Мана шу соатни яқин орада магазин бўлса топшириб, ярим баҳосига олса ҳам майли, менга кийим-бош харид қилиб келинг. Уйимга яланғоч бормай.

Чол чўпон йигитга қаради.

— Улим, жўқ дема. Бир пусрмон боласи экан. Пат-патингни миниб пастга тушиб чиқ. Қуруқ чой ҳам тугаган. Туз ол, қанд ол. Гугурт олиш ҳам эсингдан чиқмасин.

Йигит ўтов орқасидан мотоцикл етаклаб чиқди-да, дастурхон устида ялтираб турган соатни олиб ҳавас билан тикилди.

— Зўр соат экан. Увол-ку, сотиш.

— Соат одамдан қимбат эмес, — деди чол. — Бор, меймонни айтганини қил.

Йигитча мотоциклини патирлатиб ёнбағир бўйлаб кетган ёлғизоёқ йўлда бир зумда кўздан ғойиб бўлди. Моторнинг гуриллаши анча вақтгача эшитилиб турди.

Мотоцикл орқасидан юрган ит тилини осилтириб қайтиб келди.

VI

Асқарали уйғониб ёнига қаради, хотини йўқ. Ташқарига чиққандир, деб бир оз кутди. Ундан дарак бўлмади. Гугурт чақиб табуреткадаги соатига қаради. Иккидан ўтибди. Ўрнидан туриб чироқни ёқди. Ташқарига чиқмоқчи эди, останада иягига тиралиб ўтирган хотинини кўриб ҳайрон бўлди.

— Сенга нима бўлди? Эт-бетинг оғриётгани йўқми?

— Йўйўқ, — деди чўзиб Салима. — Мош ўлгурдан дарак йўқ.

— Э, шунга ухламаяпсанми. Юргандир дайдиб. Ҳозир авжи мов маҳали, кавалери олиб кетган уни. Тур, кириб ёт. Шамоллаб қоласан.

Асқарали шундай деб ичкарига қайтиб кирди-да, тўнини олиб чиқиб Салиманинг елкасига ташлади.

Улар тоғда биринчи марта баҳорни кутишарди.

Ҳаво анча салқин эди. Тоғ ўнгирларида ҳали қор эримай қотиб ётибди. Тонгга яқин ариқлар бетини тухум пўстидек юпқа муз қоплайди.

Салима шу Мош мушугига ўрганиб қолган. Уни кўзини очмаган вақтида боқиб олган. Бу ёққа келаётганларида ўзлари билан олиб келишган эди.

Икки йилдирки, Мош улар хонадонининг ҳақиқий аъзоси бўлиб қолганди.

Ун кундан бери Мошнинг юриш-туриши бошқача. Кечалари полни тимдалар, дераза рафига чиқиб олиб ташқарига интиларди.

Бу тоғларда ҳамма нарса бошқача. Гиёҳдан тортиб жонворлари-ю, қурт-кумирсқаларигача шаҳарниқига ўхшамасди. Тоғ мушуклари ёввойилашиб кетган, одамга яқин келмасди. Миёвлаши ҳам аллақандай йиртқичлигидан дарак бериб турарди.

Уй атрофида ана шундай ёввойи мушуклардан бири ўралашиб қолди. Кечалари одамнинг этини жимирлаштирадиган хунук миёвлар, баъзан ўзини деразага урарди. Ушандай пайтларда Мош ҳам безовталаниб каравотдан столга, столдан тоқчага сакраб чойнак-пиёлаларни жаранглатиб тушириб юборарди.

Бу хил нотинчлик жонига теккан Асқарали жаҳл билан эшикни очиб юборарди. Шунда Мош ташқарига ўқдек отилиб чиқиб кетарди-ю, тонг маҳали фангиб эшик тимдаларди. Асқарали уни сўкиб-сўкиб яна ичкарига киритиб юборарди. Мош куни билан ухлар, идишига қуйиб қўйилган сутга қайрилиб ҳам қарамасди.

Ҳар куни қоронғи туриши билан яна ёввойи мушукнинг хунук миёвлаши, Мошнинг безовталиги бошланарди.

— Шу мушугингни қопга солиб дарёнинг нарёғига ташлаб келаман, бу нима, бирон кун одамга ўхшаб ухлаёлмайман.

Салима, ҳой, ҳой, бу шаҳдингиздан қайтингов, бир-икки кунда тинчиб қолади, деб уни шаҳдидан қайтарарди. Аммо Мош ўзини деразага уришдан тийилмасди.

Ана шундай чиқиб кетишларнинг бирида Мош уйга қайтиб келмади.

Бир кун кутишди, икки кун кутишди, ундан дарак бўлмади.

Салима қўриқхонадан қайтиб келиши билан уй атрофини бир-икки айланиб, Мош, Мош, деб чақирарди, келмаганига афсусланиб ичкарига кирарди. Эри Асқарали куни билан тоғнинг кунгай томонида бўлади. Кундузи тоғнинг бир машина сиғадиган шағалли йўли ёқасидаги икки хонали уйларида ҳеч ким бўлмайди.

Салима эри фронтдан келгандан бери мана, неча йиллар ўтибдики, бирор йил бўлсин, ёзда бирга бўлолмайдилар. Отставкага чиққан майор Асқарали баҳор келиши билан «Москвич»нинг орқасига тиркалган кажавага асалари уяларини ортиб тоққа кетиб қоларди. Бундан икки йил олдин Салима отпускасини эрининг ёнида ўтказиш учун бу тоғларга келади. Соч-соқоли ўсиб, бетлари шамолларда қорайиб кетган эрини кўриб аввал таниёлмайди.

Майнинг ўрталари эди, ўшанда. Тоғнинг кунгай томонлари лолаю лолақиз-ғалдоқлар билан қопланган. Гўё тоғнинг бир томонига қип-қизил бахмал ёпиб қўйгандек. Тошкентда ўриқлар аллақачон данак қотириб қолган, бу ёқларда бўлса, энди гуллаяпти. Ёнбағирларда худди биров атайлаб савсар сиёҳ тўкиб юборгандек чучмўмалар шамолда силкинади. Осмонни бир зумда қоп-қора булут ўрайди-ю, шитирлатиб ёмғир қуяди. Зум этмай яна чарақлаб офтоб чиқади. Чўққининг гоҳ у томонида, гоҳ бу томонида кўксовга ўхшаб момақалди роқ гумбирлайди.

Асқаралининг чодирини шамол буйдалайди. Чодир тепасига осилган тош фонар тинимсиз силкинади.

Салима етти кун эри билан тоғнинг телба ўйинларини томоша қилиб, шу нотинчлик ичида ўзига аллақандай ҳаловат топгандек бўлди. Эрининг ҳадеганда тоққа қараб кетишининг сабабларини англай бошлади. Нафас олганда ўпкани яйратадиган тиниқ ҳаво, атрофда ибтидоий даврлардан то шу кунгача шакли-шамойилини ўзгартирмаган тошлар, гиёҳлар уни ўзига мафтун қилиб қўйди.

Салиманинг бу жойлардан кеткиси келмай қолди.

— Ёнизда қолардим-у, уй ўлгурдан кўнглим тинчимайди-да. Бу ҳаволарга сира тўймайман.

Салима кетиш тарадудини кўраётган пайтда совхоз директори Мирвали Рихсиев келиб қолди. У баъзи-баъзида Асқаралининг олдига келиб у ёқ-бу ёқ-

дан гаплашиб ўтирарди. Аслини олганда, гаплашгани эмас, мумиё ўғриларини, каклик овлайдиганларни қидириб келарди.

У машинадан тушиб чодир олдида ўтирган аёлни кўриб у ёқ-бу ёғини тутатгандек бўлди.

— Ия, ия, ўртоқ майор, келин аям кептилар-у, бир оғиз айтмапсиз-да.

— Келганига уч кун бўлмай кетаманга тушиб қолди.

— Йўқ, йўқ, — деди Мирвали. — Кетқазмаймиз. Тоғларни кўрсатамиз. Э, бу тошларни сувини ичкан одам макатиллодан қайтиб келади. Кийикбулоққа олиб чиқдингизми?

— Эркак одам чиқолмайдию у ёққа, бу қандоқ чиқсин. Ўзингиз нима қилиб юрибсиз, директор?

— Сизнинг олдингизга келаётгандим, — деди у ёлғон гапираётганига ўзи ҳам хижолат тортиб. Гапнинг бу ёғини тўғрилаш учун тайинли баҳона излаб бир дақиқа тек қолди. — Шу бир ўртоғим бор эди. Билмайман, аллақандай дардга чалинибди. Асаларининг сути керак, топиб берсин, деб, менга одам юборипти. Сиздан сўрасаммикин, деб келаётганим, шу. Хабарингиз борми, йўқми, тоққа кўтондаги кийикларнинг ярмини қўйиб юборгандим. Ана шу асаларининг сутини сўраган ўртоғим атайин Қирғизистонга бориб аллақайси ўрмон хўжалигидан бу кийик болаларини топиб берганди. Мен ҳам яхшилигини қайтарай дегандим.

Боятдан бери жим ўтирган Салима гапга қўшилди.

— Кийиклар қочиб кетади-ку. Атрофини ўраш керак. То бу тоғларга ўргангунча маълум муддат керак.

Мирвали ялт этиб унга қаради.

— Келин ая, сиз кийиклар феълини қаёқдан биласиз?

Асқарали жавоб қилди:

— Ахир, бу кийиклар бўйинча мутахассис-ку. Паразитология институтида тоғ кийиклари устида илмий иш қиляпти.

Мирвали икки тиззасига шатиллатиб уриб, ўрнидан туриб кетди.

— Ана холос. Ўзи асли худо деган боламан-да. Шунақа одамни қидириб юрсам, ўзи оёғи билан олдимдан чиқиб ўтирипти-я. Энди, келин ая, ҳеч қаёққа кетмайсиз. Шу кийиклар сизники.

— Йўғ-э, — деди Салима иккиланиб. — Илмий ишимни чала ташлаб кетаманми? Яна бир йилдан кейин зашшитама бўлади. Тажрибаларим охирига етмаган.

— Тажрибани шу ерда қиласиз. Ҳамма шароитни яратиб бераман.

— Институтдагилар кўнмас. Илмий раҳбарим бунга рози бўлмайди.

— Рози қиламиз. Сиз, келин ая, шу кичкина қўриқхонамизни институтнинг базаси деб тушунинг. Директорингиз академик Мамажоновми? Ўзим гаплашман. Кўндиришни менга қўйиб беринг.

Салима бу одамнинг қўлидан нималар келишини билмасди. Бир айтди қўйди-да, деб ўйларди.

Асқарали унинг Марказқўм аъзолигини, Олий Совет депутатлигини, яқин орада яна бир марта қаҳрамон бўлиши аниқлигини айтмаган эди. Борди-ю, директор айтганча бўлсин. Аммо бу тоғлар баҳору ёзларда қандоқ чиройли бўлмасин, куз бўронларию қиш қаҳратонлари қандоқ бўлишини у билмайди. Тоғма-тоғ ошиш, тошларга тирмашлаб, югурик кийиклар кетидан санқишни хотин боши билан эплай олармиди?

Хулласи, Салима унга тайинли бир гап айтмади. Аммо Мирвалининг гўё ҳамма нарса ҳал бўлгану фақат Салиманинг иш бошлаши қолгандек ишонч билан гапириши уни ҳайрон қолдирди.

Салима Тошкентга қайтиб келгандан кейин отпускази тугамаёқ, директор чақиртирди.

— Гап мундоқ, — деду у жиндек ранжиган оҳангда. — Биз билан ишлашни хоҳламасангиз ҳам биз сиз билан ишлашни хоҳлаймиз. Майли. Шундоқ қилишни кўнглингиз истаб қопти, биз нима деймиз. Ёрдам берамиз. Ташлаб қўймаймиз. Илмий ишингизни бориши тўғрисида ҳар ойда отчёт бериб турасиз.

Салима директорнинг нима деяётганига ақли етмай ҳайрон эди.

— Нима деяпсиз, домла? Ҳеч гапдан хабарим йўқ.

— Ия, ия, ҳамма ишни қилиб, ўзингизни гўлликка солманг. Ўртоқ Рихсиев

бутун Иттифоққа овозаси кетган одам. Осмонга қўлини узатса, юлдузни узиб оладиган арбоб билан ишлаш катта бахт. Мирвали Рихсиев зўр одам.

— Мен у кишига тайинли бир гап айтганимча йўқ эди.

— Мен ҳам тайинли гап айтмаган эдим. Президент билан ишни биткизиб қўйипти. Президент чақириб, совхозда институтнинг базасини очишни буюрди. Илмий ходим сифатида бу ишларни бошқаришни сизга топширди. Хотиржам бўлинг, синглим. Узимизда штатда турасиз. Илмий ишингизни ўша ерда, базада давом этдирасиз.

Мана шундай қилиб, бир оғиз гап айтиб Салима қўлга тушди-ю, тоққа келиб қолди. Директор гапида туриб қўриқхонага яқин жойга зудлик билан уч хонали уй қурдириб берди. Салима шаҳардан уй анжомларини олиб келмади. Бунга ҳожат ҳам йўқ эди. Ҳамма нарса совхоз ҳисобидан тайёрлаб қўйилган эди. У фақат қадрдон Мош мушугини олиб келди-ю, ишга шўнғиб кетди.

Қўриқхона тахминан ўн беш гектар жойни эгаллаган. Атрофи сим тўр билан ўраб олинган эди. Салиманинг маслаҳати билан жой танланди. Шу сим тўр ичида булоқлар ҳам, терак бўйи тош тепалар, яссиликлар, ўр-қирлар ҳам бор эди.

Мана, ҳа-ҳу дегунча икки йил ўтай деяпти, Салиманинг тоққа келиб қолганига. Бу орада кийиклар икки юз ўнтага етди. Саксондан ортиғи тўсиқдан чиқарилиб, тоққа қўйиб юборилди. Фақат, фақат Салиманинг диссертацияси чўзилиб кетди.

Шу топда, Салима остонада Мош мушугининг келишини кутиб ўтираркан, кўп нарсаларни дилидан ўтказди. Эрининг узоқ муддат армияда хизмат қилиб, ногирон бўлиб қайтгандан тортиб ўзининг қариганда илмий ишга қўл ургани, эрга текканидан бери неча-неча ёзларни эрсиз ўтказганигача бир-бир эслади. Ёши бир жойга бориб қолгандагина Асқарали билан ёзу-қишни баробар бирга ўтқаза бошлагани, шаҳарнинг серҳашам ҳаётидан кечиб, тоғу-тошларда юришигача хаёлидан ўтди. Ўтди-ю, бироқ афсусланмади. У кечираётган ҳаётдан рози эди.

Ичкаридан Асқаралининг хурраги эшитилди.

Ҳаммаёқ жимжит. Чўққи теплсда яримта ой муздеккина бўлиб аста сузади. Аллақайда уйқусираган каклик томоқ қоқади. Тоғ кўлларида тунлари жавлон урадиган ёввойи ўрдаклар овчи хуркитгандек бирдан ғақиллаб яна жимиб қолишади.

Салиманинг оёғига нимадир, юмшоқ бир нарса теккандек бўлди. Қараса, жунлари буйдаланган Мош оёғига суйкаларди.

— Ҳа, ярамас, қаёқларда юрибсан? Ўн кун йўқ бўлиб кетдинг-а.

У шундай деб, мушукни олиб, тиззасига қўйди. Унинг қулоқларидан қон томар, бўйинларидаги оппоқ жунларида қон қотиб қолган эди.

Салима мушукни кўтариб уйга олиб кирди. Эрини уйғотиб юбормаслик учун коридор чироғини ёқиб косага сут қўйиб, мушук олдига қўйди. Мош сутга қайрилиб қарамади ҳам, ҳурпайиб олганича кўзларини юмди-ю, хуриллай бошлади. Салима унга анча вақтгача ачиниб қараб турди. Шу пайт ташқаридан ёввойи мушукнинг хунук миёвлаши эшитилди. Мош кўзини очмади. Илгарилари бу товушни эшитганда у ўзини қаёққа қўйишини билмай, безовталанар, чиқишга йўл излаб эшикларни тимдалар, деразага зарб билан ўзини урарди-ку. Нечукки, энди индамай, хотиржам хурилляпти.

Тонг отгунча ёввойи мушук миёвлаб, Салимани ухлатмади. Жаҳли чиққан Асқарали милтиқ кўтариб ташқарига чиқди. Мушук бу хил овчиларни кўравериб, кўзи пишиган экан шекилли, қочди. Асқарали сўкиниб, ичкарига кириши билан яна ўша товуш. У алам устида коридор бурчагида ҳурпайиб хотиржам ётган Мошни гижгагидан сиқиб ушлади-ю, ташқарига улоқтирди. Аммо Мош то у уйга қайтиб киргунча ичкарига ўқдек отилиб кириб оларди. Ташқарида мушукнинг кўнгилни оздирувчи миёвлаши тинмасди. Асқарали яна милтиқ кўтариб чиқди. Дуч келган томонга қўш оғизнинг иккала тепкисини баробар босди. Тоғ-тош гумбирлаб, адирларда анча вақтгача акс садо бериб, айланиб юрди-да, охири йнда.

Барибир, тўша тунда уларни ёввойи мушук ухлатмади. Аммо Мош ҳеч нарса бўлмагандек бемалол хуриллаб ухларди. Ўн кун у ўзи учун янги бир оламда безовта кунларни ўзказди. Ўн чоқли ёввойи мушуклар қуршовида тоғ

чўққиларига чиқди. Унгирларда улардан яшириниб бир зумгина ором олар, яна аллақандай қондошлик руҳи уни улар ҳузурига қайтариб чиқарарди. Унинг ёнига бир мушук келса, бошқаси у билан рашқдан, аламдан ваҳший қиёфага кирар, то қонга беланиб, инграмагунча олишиб, охири буталар орасига қочиб кириб кетарди. Яна жанг, яна тошдан-тошга думаланиб қулашлар. Даҳшатли миёвлашлар бошланарди. Охири жунлари пўстакдек тақир бўлиб кетган, бу тоғларда жами ёввойи мушукларга сардорлик даъвогари ола мушук зўр чиқиб, Мошни эгаллаб олди. Уни етаклаб энг баланд чўққига олиб кетди. Қанчадан-қанча ишқий ўйинлар бўлиб ўтди. Мош ҳам унга кўниккандек эди. Орадан тўрт-беш кун ўтиб уни кўнгли истамай қолди. Пайтини топиб қочишнинг пайига тушди. Аммо ола мушук унинг йўлини тўсар, аямасдан дуч келган жойидан тишлаб тошдан-тошга судраб юрарди. Мошнинг тимдаланмаган жойи қолмади. Жунлари юлиниб ола мушукнинг тирноқларида қолди. Мош у билан олишмасди. Ола ниҳоятда йиртқич, раҳмсиз мушук эди. Чарчаб, ҳурпайиб мудраганда ҳам Мошнинг жиндек қимирлаганини сезиб, дарров кўзини очиб, унга ёмон қараб кўярди. Оланинг кўзлари кечалари худди батарея чироғидек равшан ёниб турар, тунда унинг кўзларига қарашга юраги бетламасди. Авваллари бу кўзлар унга аллақандай ҳузур бағишлаган бўлса, энди даҳшатга солар, вужудида нафратли бир титроқ кўзғатарди. Мошнинг ундан кўнгли қолганди. Ҳиссу-ҳирслар ўрнини ўзи ҳам ҳали идрок қилмаган алланима эгаллаётганини биларди. Оналик дебочаси томирларида кезаётганидан беҳабар эди.

Аммо Ола ҳамон унга ҳокимлик қилишни истарди. Мош уйни, иссиқ бурчагини қўмсади. Тинч ётиб бирон кун ором олсам, ҳамма нарсани унутиб ухласам дерди.

Яна ёввойи мушуклар галаси ёпирилиб келиб Мошни талаша бошлашди. Қонли жанглар бошланиб кетди. Киши кўнглига ваҳима солувчи хунук миёвлашлар, тошдан-тошга думалашлар пайтида Мош буталар орасига кирдию қочди.

Мана, у қадрдон уйининг иссиққина бурчагида хуррак отяпти.

Тонг ёришар маҳали Оланинг овози тинди. Асқарали, хайрияте, овози ўлгур ўчди, деб кўрпани бошига тортди.

Ёнбағирлардаги қорлар эриб, майсалар қиёқ чўзди. Баҳор шамоллари эсиб тоғу-тошларни уйғотарди. Какликлар пастликлардан чўққи томон кўча бошладилар.

Ҳар куни эрталаб тоғнинг эскирган тўни янгиланиб борарди. Офтобнинг ҳам тафти баландлаб қолди. Жилғаларда сувлар пастликларга шитоб билан чулдираб оқа бошлади.

Ҳар куни ҳали у гиёҳ, ҳали бу гиёҳ кўз очиб, қандай қилиб баҳор кирганини билмай қолишди.

Бу орада Мош бир эмас, тўртта бола туғди.

VII

Бу жойларнинг тонглари қандоқ бўлишини Толибжон шу пайтгача билмаганди. Чўққининг нарёғи Китоб томонларда аллақачон кун ёйилган, дала-тошда офтоб деҳқоннинг яғринини қиздирган маҳал бу жойларда, Омонкўтон ўнгирларида ҳали кўр ойдинга ўхшаш нимқоронғулик ҳукм сурарди. Фақат осмон оппоқ. Тундан узилиб қолган қоронғулик аста-секин эриётганга ўхшайди. Ажаб, бу пайтларда дарахтларнинг сояси бўлмайди. Агар фото аппаратда бирон ниманинг суратини олсанг, ҳеч нарса чиқмаса керак. Ахир, сурат соя билан нур бир-бирига йўл бермаганда пайдо бўлади.

Толибжон ана шундай пайтларда баланд бир тош тепасига чиқиб олисларга тикиларди. Пасти-баландлар, бағрини ерга бериб ётган филга ўхшаш баҳайбат тошлар шаклини йўқотган. Илондек тўлғонган сой ҳам энди йўққа ўхшайди. Фақат гувиллаган овози эшитилади.

У рассом Урол Тансиқбоев асарлари нусхасини журналлардан қирқиб олиб, сақларди. Чет элларда юрганда шу она-юрт манзараларига узоқ-узоқ тикилиб хаёлларга толарди. У шу топда қараб ўтирган манзаралар суратларда кўрганларига ўхшамасди. Бунда нур билан соя ўйини йўқ эди. Унинг бу кўраётганлари буюк кашфиётга ўхшарди. Шунча ёшга кириб ҳали бу тўғрида сира

ўйлаб кўрмаган экан. Энди у нур билан соянинг буюк қудратига имон келтирди.

Чўққилар устида икки бургут сокин сузарди. Тоғ орқасида бош кўтарган қуёш унинг қанотларида чақнайди. Гўё осмони фалакда икки бургут ёнаётганга ўхшайди.

Мана шу икки бургут офтобни чўққига тортиб чиқараётгандек эди. Ҳадемай бургутлар орқасидан қуёш чўққига чиқди. Чиқдию олам нурга тўлиб кетди. Азамат чинорлар пастликларга узун-узун соялар ташлади. Шудринг босган това тошлар ялтиради. Тоғ ёнбағирлари худди азамат тимсоҳ терисига ўхшаб кетди. Шаршаралардан сув эмас, нур тўкилаётгандек... Атрофдан қушларнинг чуғури-ю, олислардан чўпонларнинг ҳайт-ҳуйти эшитила бошлади.

Толибжон ҳар тонг ана шу манзараларни томоша қилгани чиқади. Тиниқ, чанг-ғубордан холи, шаффоф ҳаво, ҳеч қандай таърифга сиғмайдиган кўри-нишлардан Толибжон ҳузур қиларди.

Унинг таранг тортилган асабларига сокинлик ҳаловат, ором берарди. Толибжон ана шу жимжитликни қидириб келганди. Уни топди. Она юртидан, туғилиб ўсган сўқмоқларидан топди.

Сўқмоқ бошида жиянининг қораси кўринди.

— Тоғаааа! Катта энам қақиряптилар. Чойингизни ичармишсиз!

Толибжон ўрнидан туриб юқорига чиқа бошлади. У энди сўқмоқдан чиққанида жияни диканглаб чопиб кетди.

— Тоға, мени тутинг, тутиб бўпсиз.

Толибжон орқасидан югурди. Етолмади. Бола анча жойга бориб тўхтади.

— Етолмадингиз, етолмадингиз!

— Жиян, жуда чопағой экансан.

Толибжон тош девор оралиғидаги қийшайган эшикдан ичкарига кирди.

Болалар каттакон хом олма гирдига чўп тиқиб чархпалак яшашган экан, суви тошлар орасидан сизиб чиққан ариқчада пилдираб айланяпти. Этагини липпа уриб олган Зайнаб ўчоқ четига оёқ тираб сут пиширяпти. Куёви айвон устунига осиб қўйилган кафтдеккина ойнага қараб соқол оляпти.

Зайнаб ўчоқдан чўғларни тортиб, заранг чўмиқда сопол косага сут қуйиб Толибжонга узатди.

— Ака, қайноққина бир ичиб олинг.

Айвонда яқиндагина тандирдан узилган икки кулчани рўмолига ўраб ўтирган кампирнинг овози эшитилди:

— Ҳой, бола. Ичиб ол. Эрталабки соғилган сутнинг ҳикмати кўп. Сен юрган юртларда сут толқонни сувга қориб беради дейишади. Бунақада сутнинг сутлиги қоладими. Дарров ичиб ол, болам. Ҳалқумингни куйдириб-куйдириб ич. Асло томоқ оғриғи бўлмайсан. Шундоқ қил, болам.

Толибжон тик турганча сут ҳўплай бошлади. У кўп йиллардан бери бунақа ширин сут ичмаганди. Кампир айтганча бор. У юрган юртлардаги дўконларда порошокдан қилинган сут сотиларди. Таъми ҳам бошқача эди.

Ҳали болаларнинг ҳаммаси уйғонмаган. Кечқурун, тоғам билан ётаман деб хархаша қилгани чойшабга бурканиб ухлаб ётибди. У кеча алламаҳалгача Толибжоннинг бўйнидан қучоқлаб: эртақ айтинг, тагин айтинг, деб қўймаганди. Эртақ ярмига келмаёқ пиш-пиш ухлаб қолганди. Зайнаб келиб ўз ўрнига обориб ётқизганини ҳам билмаганди. Унинг ёнгинасида иштончанг биттаси ўтирипти. У ҳали бет-қўлини ювмаёқ каттакон кунгабоқарни тимдалаб писта чақяпти. Ёстиқ, кўрпа-тўшак усти писта пўчоқларига тўлиб кетган. У ҳар замон Толибжонга қараб илжайди. Толибжон шу топда бориб болани ўпиб-ўпиб олгиси келди.

Зайнаб бола тепасига келиб, уят-уят, деди. Ҳамма ёқни пўчоқ қилиб юборибсиз-ку, қани, турақолинг, ўрнингизни йиғиб олай, хўжайин!

У шундай деб болани кўтарди. Кўтардию иштонсиз орқасига беозор шапиллатиб урди.

— Боглабсиз-ку, хўжайин. Тоғангиз кўрса уят қилмайдими? Энди кул сеппиб офтобда қуришиб оламизми?

Бола қилган иши гуноҳлигини билмай илжайди. Бир чиройли илжайди. Беғубор, ширин илжайиш эди бу. Бу нораства, беғуноҳ гўдак илжайиши эди. Зайнаб унинг қорнидан кўтариб ариқ бўйига олиб кетаркан, юзларидан чўлп-

чўлп ўпарди. У болани бай-байлашига қарамай бақиртириб ариқда жилдираб оқаётган муздек сувда орқасини ювди. Бола бу жабр-зулмдан қутқаришни сўрагандек тоғасига умидвор қарарди.

Ҳаммаёғи шалаббо болани кўтариб айвон томонга ўтаркан, Зайнаб акасига гап қотди:

— Бу киши шунақалар. Ҳар куни аҳвол шу.

Айвонда ўтирган кампирнинг овози эшитилди:

— Ҳой, Зайнаб, сенга неча марта айтиш керак. Болани қовуғига қўчқор ёғи суртиш керак. Нега айтганимни қилмайсан?

Зайнаб ҳали уйғонмаган яна бир ўғлини кўтариб айвонга обориб ётқизди. Кейин сўридаги ўринларни бир четга тахлаб, супириб олди. Жой қилди. Толибжон онасини кўтариб сўрига опкелиб ўтқазди. Кампир ҳамон рўмолига ўроғлиқ иссиқ нонни қўлидан қўймасди. Толибжон уни кўтарганда бутун вужудидан иссиқ, жизза солинган седанали нон ҳиди анқиб кетди.

Нонушта пайтида жанжал чиқди. Болалар тоғам билан ўтираман, деб хар-хаша бошлашди.

— Ҳой, тоғаларинг битта. Сенлар кўпсанлар. Қайси биттанг билан ўтиради.

— Мен билан, мен билан.

Иккитаси икки ёнига, биттаси тиззасига ўтирди. Жой тегмагани қовоқ-тум-шуғи осилиб тескари қараб олди.

— Мен сизни тоға қилмайман. Сизни ёмон кўраман. Дадамни тоға қиламан.

Толибжон ҳузур қилиб кулди.

— Сенга самолёт опкелиб берганман-ку.

— Керак эмас, керак эмас.

Толибжон охири уни ўнг тиззасига олиб ўтиришга мажбур бўлди.

Кампир уларга танбеҳ берарди:

— Ҳой, нега бунақа қиласанлар. Тоғанг чойини ичиб олсин.

Кампир рўмолини ечиб седанали нонни тимирскиланиб ўғлининг олдига қўйди.

— Иссиққина еб ол. Атайин седана септирганман. Седана емаганинга ҳам кўп йиллар бўлгандир. Аксига олиб седана ўлгур бир отим носча қолган экан.

Ҳаммаёғни седана ҳиди тутиб кетди. Яна жанжал чиқди. Болалар тоғамни нонларидан еймиз, деб чувиллашди. Зайнаб бир чимдим-бир чимдим ушатиб уларнинг қўлига берди.

— Энди қолганини тоғанг есинлар. Хўпми, опоқ болаларим.

Йўқ, болалар талашиб-тортишиб нонни улоқ қилворишди. Толибжон зўрға бир бурдагина еб қолди. Кампир яна гапга тушди:

— Кунда еган оч, йилда еган тўқ, деб шуни айтади-да. Ҳой, куёв тўра, Хартумнинг бозоридан бир қадоқча седана опкелиб беринг.

— Хўп, хўп, — деди куёв бўшаган пиёлани дастурхонга қўяр экан.

Куёв ниҳоятда камгап йигит эди. Тонг отгандан то нонушта тугагунча ундан чиққан гап шу, кампирнинг седана олиб келинг, деганига жавоб, хўп, хўп, дегани бўлди.

У қачонлардир Тошкентда зооветеринария техникумида ўқиган, колхозга ветврач бўлиб келганди. Бу орада колхоз совхозга айланди; у ўша-ўша, ветврач.

Илгарилари Усмонали дўхтирнинг қўли-қўлига тегмасди. Ҳали мол фермасида, ҳали яйловга чиқиб кетган қўйлар сурувида, ҳали тоғда ўрмалаб юрган эчкилар орасида. Бора-бора совхозга битта ветврач камлик қилиб қолди. Ўттиз минг қўй, ўн икки минг қора мол, минг-минглаб эчкини битта ветврач эплаёлмасди. Бир тоққа чиқиб кетганича, Усмонали ойлаб қолиб кетарди. Соч-соқоли ўсиб, қорайиб, озби-тўзиб қайтиб келардию икки кун ўтмай яна, Усмонали дўхтир керак бўлиб, чақириб кетишарди. Энди бунақа ветврачлардан тўртта. Зоналарга бўлиб олишган. Усмонали фақат эчкиларга қарайди. Ҳафтанинг беш кунини тоғда ўтқазиб, икки кунгина уйда бўлади.

У уйдалик пайтида ҳовлининг кемтикларини тузатади, лой қориб деворларнинг нураган жойларини сувайди. Гувала қуйиб офтобга териб қўяди. У қуйган гувалаларда албатта болаларнинг оёқ излари бўлади. Бошқа жой қуриб қолгандек болалар атайлаб гувалани босиб ўтишади. Усмонали уларга инда-

масди. Босилган гувала тепасига келиб қараб турарди-да, бир илжайиб ўтиб кетарди. Арқонни елкага ташлаб, ўроқни олиб пастликка тушиб кетар, кечга томон бурни ерга теккудек бўлиб ўт орқалаб чиқарди. Уларни ҳовлининг офтобрў жойига ёйиб яна пастликка тушиб кетарди.

Усмонали дўхтир икки кун уйда бўлса, шу икки кун ҳеч ким унинг овозини эшитмасди. Баъзан тоқати-тоқ бўлган Зайнаб аламини тўкиб соларди:

— Ҳой, менга қаранг. Уйда йўқ пайтингиз-ку, майли. Нега бор пайтингизда ҳам йўққа ўхшаб юрасиз? Ахир, шу ер ўлгурда ишлаганингизга йигирма йил бўлай деяпти. Қўл остингизда ишлайдиганлардан биттаси герой бўлди. Чўпонларнинг кўкраги орденга тўлиб кетди. Нега сизга биттагина медаль ҳам бермайди?!

Усмонали дўхтир бошини сарак-сарак қилади.

— Медални нима қиламан?

— Нима қиламан эмиш. Сиз ишдан бошқа нарсани билмайсиз. Ҳозир давру-даврон кимники, гап билганники. Мажлисда гапирадиганларники. Сиз миқ этмайсиз. Ҳеч мажлис-пажлисда гапирганмисиз?

Усмонали дўхтир яна бошини сарак-сарак қилади.

— Гапириб нима қиламан?

— Уйда қандоқ бўлсангиз, ишингизда ҳам шундоқсиз. Одам тилини унутиб қўйгансиз. Моллар тилини биласиз.

— Ҳой, ҳой, — дейди кампир айвондан. — Оғзим бор, деб ҳар гапни айтавермайди одам деган. Эркак одамни вазифаси топиб-тутиб келиш. Топганини уйга ташиса, рўзғорингизда камлигинг бўлмаса, болаларингни усти бут, қорни тўқ бўлса, яна нима керак сенга, болам.

Кампир гапирётганда Усмоналининг юзи ёришиб кетади. Худди унинг ичидаги гапни айтаётгандек бошини қимирлатиб туради.

Болаларнинг ҳам дадаси билан унчалик иши йўқ эди. Болалар эркалатмайдиган, ўйнатмайдиган кишиларга суйкалишмайди. Келганда дадам келди, деб севинишмайди ҳам, кетганда кетди, деб куйинишмайди ҳам. Усмонали тоғдан ёнғоқми, дўланами, равочми орқалаб келганда унга томон гур югуришарди, холос. Тоғларда улар истаган конфетлар, тешик кулчалар, самокату-велосипедлар бўлмасди. Болалар уни уйга овқат ташийдиган, уй ишини қиладиган киши деб билишарди.

Шунинг учун ҳам Толибжонга болалар шундоққина ёпишиб қолган эди.

Усмонали дўхтир бугун тоққа кетади. Шу кетганича беш кун келмайди. Зайнаб тонг саҳарда, акаси чиқиб кетаётганда тандирга ўт қалаётган эди. Бешўнта кулчани саватга солиб, шамолласин деб айвон шифтидаги илгакка осиб қўйди. Эрининг кийим-бошларини дазмоллаб қийиққа тугди. Орасига совун, сочиқ солиб қўйди.

Эшик олдида ёнбошига «ВЕТВРАЧ» деб ёзилган «РАФ» автобусчаси тўхтаб, икки марта сигнал берди. Болалар гурра ўрниларидан туриб кўчага югуришди. Толибжон куёвини кузатиб чиққанда автобус ичи ёғиз-ёғиз бола эди. Ҳатто қўшни болалар ҳам чиқиб олишган эди. Усмонали дўхтир кетиш олдидан гуноҳқорона илжайиб деди:

— Сиз билан дурустгина гаплашолмадим. Хафа бўлманг, ўзим шунақаман. Тоққа чиқинг, зап чиройли жойларни кўрсатаман. Улуғбек эккан чинорни, юлдузларни кузатиш учун қурдирган тош супани кўрсатаман. Шундоққина Омонқўтон ёнидаги сўқмоқдан борамиз.

Ичида болалар чувиллашаётган машина зарб билан қўзғалиб икки чети қоядан қулаган тошлар қуршовидаги йўлдан гуриллаб кетди. Машина муюлишга келганда зарб билан тўхтади. Болалар бир-бирларини итариб пастга тушишди. Улар кўчани шовқинга тўлдириб, қувлашганча ким ўзар ўйнаб келишарди.

Акаларини излаб остонага эмаклаб келган кенжа ўғил оғзидаги биттагина тишини кўрсатиб Толибжонга талпинди. Толибжон худди капалакни қанотидан ушлаётгандек авайлаб уни кўтарди. Бағрига илиққина теккан бола тани уни сескантирди. Вужуди титраб кетди.

Бу илиқ вужуд дунёнинг роҳатлари ичида ҳеч нарсага тенг кўриб бўлмайдиган буюк бир роҳат эди.

Болалар терлаб, ҳансираб қайтиб келишди. Ёши каттароғи Толибжоннинг олдига келиб, давай, «зув зувакам» ўйнаймиз, деб қолди.

— Бу қанақа ўйин? — деди ҳайрон бўлиб Толибжон.
 — Ҳу анави тошгача нафас олмай «зув» деганча чопиб бориш. Боргунча ким нафас олса ютқизади.
 — Бўпти, — деди Толибжон.
 Уртанча жияни унинг енгидан тортди.
 — Ўйнаманг, тоға. Буни нафаси жуда узун. Эллиқда санагунингизча ҳам сув тагида туролади.
 Бола шарт қўйди:
 — Ким ютқизса йигирмата ёнғоқ беради.
 — Менда ёнғоқ йўқ. Ютқазсам нима қиламан?
 — Белингиздаги қайишингизни берасиз. Бўптими?
 — Бўпти, — деди Толибжон болаларча ўйинга қизиқиб.
 Бола нафасини ичига узоқ ютиб тош томонга «зув»лаганча югуриб кетди.
 У тошга етиб шу «зув»лаганча яна қайтиб келди ҳамки, нафас олмасди.
 Боланинг ранги оқариб, кўкраги ичига тортиб кетганди.
 — Бўлди, бўлди, жиян. Энди навбат менга.
 Толибжон ҳам нафасини ичига тортиб тош томонга қараб югуриб кетди.
 Унинг «зув»лаганини болалар эшитиб туришарди. Толибжон тошга етмаёқ нафас олиб юборди. Болалар чувиллашиб ютқаздингиз, ютқаздингиз, қайишни ечинг, дейишарди.
 Толибжон белидан камарини ечиб болага узатди. Бола камарни баланд кўтарганча чопиб кетди. Бошқалари кўчани чангитиб унинг орқасидан югуришди. Кенжа жияни ҳам эмаклаганича уларга томон кафти билан тупроқли ерни тап-тап уриб борарди.

VIII

Толибжоннинг қиладиган иши йўқ. Эрталаб туриб тонг отишини томоша қилади. Қайтиб келиб онаси билан ўтган-кетганлардан гаплашади. Куни билан жиянларини эргаштириб сой бўйларида айланади. Болаларга турли ўйинчоқлар ясаб беради. Уларнинг телба-тескари гапларидан завқланиб, ўз болалигини эслайди.

Ишга ўрганган одамнинг бекор қолиши бир фожиа эканини Толибжон энди билди. Шундай диққат бўлган кунларнинг бирида Толибжон кечаси хонтахтага бағрини бериб КПСС Марказий Комитетининг парткомиссиясига хат ёзди. Биргина танқиди учун салкам йигирма йилдан бери сарсон-саргардон бўлиб юрганини, партия аъзоси бўлатуриб биронта фойдали иш қилишига имкон беришмаётганини бирма-бир ёзди. Китоб шаҳар почтасидан заказной қилиб жўнатди. Унинг бу хил кайфиятини кампир сезиб юрарди. Бир кун у Толибжонни ёнига чақириб бир гап айтди:

— Зерикиб қоляпсан, болам. Эрмакка бўлса ҳам бирон ишнинг бошини тутсанг бўларди. Бунақа зерикиб ўтирсанг бир кун эмас, бир кун яна дайдиб кетиб қоласан. Шундан қўрқаман. Менинг ҳам беш кунлигим борми-йўқми, мени тупроққа қўйиб, кейин қаёққа кетсанг ўзинг биласан.

Толибжон, ҳеч қаёққа кетмайман, эна, ота-онам ўтган ерларда яшамоқчиман, деди.

— Балли, болам. Шунча дарбадар кезганинг бўлади.

Толибжон қачондан бери айтолмай юрган гапни энди очиқ айтишга аҳд қилди.

— Тошкентда бир рўзгорга етадиган юким бор. Олиб келсам, дегандим. Бу жойга ўзларингиз сиғмай қолибсиз. Мен қайга сиғаман. Шу атрофдан чоғроқ бўлса ҳам бир бошпана олсам, сизга яқинроқ жойда яшасам дейман. Мирвали марказдан уч-тўрт хонали жой бераман, дейди. Мен оддий, содда умр кўрмоқчиман. Ҳашаматли, дабдабали умрни кечириб бўлдим. Сиз қатори, қўни-қўшниларингиз қатори яшамоқчиман.

Унинг гапи кампирга маъқул келди.

— Шу, болам, Мирвалига жудаям элакишаверма. Қўли очиқ, дали-ғули бўлгани билан юртга маъқул келмайдиган қилиқлари кўп. Унга қўшилиб сен ҳам бадном бўлиб қолма. Елғизлик қурсин, болам. Елғизлик умрни эговлаб кетади. Бирон мўмин-қобили учраса бошингни икки қилиб олсакмикин?!

— Йўқ, эна, — деди Толибжон. — Умримни буёғини якка ўтказмоқчиман. Хотиним билан ўғлимнинг хотираси мени ёлғиз қўймайди. Ҳамма вақт бирга.

— Ўзинг биласан. Қаришинг бор. Иссиқ-совуғинг бор, ётиш-туришинг бор. Ёнингда биттагина ҳамдамнинг бўлса дегандим-да, яна ўзинг биласан. Қариб боши ёстиққа етганда хотин киши ҳар ерга сиғиб кетаверади. Мана, мен сиғ-япман-ку. Эркак қариганда ҳеч бир кунжи-кавакка сиғмайди... Шу яқин ўртадан ҳовли оламан, дейсан. Қандоқ бўларкин? Ахир, бу уй, бу ҳовли отангдан қолган. Сенинг жойинг. Куёвга айтай, анави этакка том солсин. Сен ўз уйингга ўзинг эга бўл.

Толибжон онасининг сўзини қайтарди.

— Эна, бу гапингиз менга маъқул келмади. Бу уй Зайнабники. Шунча бола билан яна том солиш унга оғирлик қилади. Агар сиз рози бўлсангиз ҳовли этагига бир уй, бир айвон қуриб ўша ерда яшай. Сизни ҳам ўша уйга олиб ўтаман. Бирга яшаймиз.

Кампир жимиб қолди. Елкалари силкинардию кўзида ёш кўринмасди. Ажаб, кўрмайдиган кўзга ёш ҳам келмас экан.

Кампир эшитилар-эшитилмас пичирлади:

— Умрингдан барака топ, болам. Ўғил, ўғил экан. Шунинг учун ўғил туғилган уйда тўй бўлиб кетади. Бери кел, пешонангдан бир ўпиб кўяй. Эзилиб адоёй тамом бўлган энангни бошингга кўтардинг.

Толибжон энгашиб кампирнинг кўкрагига бош қўйди. Кампир унинг бошини силади. Елкаларини силади.

Толибжон жуда олисда қолиб кетган гўдаклик йилларига қайтиб боргандек эди. Ўз онаси бағрида эркаланаётгандек эди.

Кампир уни бағридан қўйиб тимирскиланиб чойнак қидира бошлади. Толибжон унга долчинли чой қўйиб узатди. Кампир бир-икки хўплаб пиёлани ёнига қўйди.

— Энди бундай қил, болам. Кийиксовди момомга бормаганимга ҳам кўп йиллар бўлиб кетди. Ҳар йил етти тангадан атаб ташлаб қўйганман. Шу атаганларимни обориб Кийиксовди момомни зиёрат қилиб кел. Биладан, сен янгича одамсан. Бунақа ишлардан ҳазар қиласан. Мен учун бор, болам. Беш-тўрт кундан бери даданг тушимга киряпти. Кийиксовди момом ҳам тушимга киряпти. Узим боролмайман. Оборсанг ҳам йўлига чидамайман. Ҳеч бўлмаса, мен бўлиб бор.

Толибжон хўп, деди. Эрта билан болаларни етаклаб бориб келишини айтди.

У Кийиксовди момо тўғрисида болалигида кўп афсоналар эшитган. Узоқ-яқиндан зиёратчилар келиб жонлиқ сўйиб, тавоб қилишларини ҳам эшитган. Аммо ўзи бориб кўрмаган эди.

Кенжа ўғлининг бўйнига сочиқ бойлаб, қайчи билан сочини олаётган Зайнаб гапга аралашди.

— Эна, билиб гапиряпсизми? Акам у ерга борсалар гап-сўзга қоладилар. Райком у ерга одам қўйган. Ким келса рўйхатга олиб ўтиради. Борманг, ака.

— Яхши одамни хотирласа нимаси ҳукуматга малол келаркан. Кийиксовди момом авлиё бўлмаса, чорёрлардан биттаси бўлмаса...

Толибжон онасини юпатди:

— Бораман, эна, бораман.

Сочиққа тушган ўғлининг сочларини тугиб ичкарига опкириб кетаётган Зайнаб акасига борманг, дея яна таъкидлади.

Зайнабнинг ташвишланишига ҳам асос бор эди. Яқинда ферма мудир Кийиксовдига бориб эчки сўйиб қон чиқазгани учун партиядан ўчирилиб ишдан олинган эди. Райком бир неча марта ғазаб қилиб келиб Кийиксовди мақбарасини бузиб ташламоқчи бўлди. Кексалар уни отанг яхши, онанг яхши, деб зўрға қайтаришганди.

Толибжон кечаси Кийиксовди афсонасини ўйлаб ётди.

Қадим-қадим замонларда, Луқмони Ҳаким ўтган даврларда Зарафшоннинг икки қирғоғида Катта Қобу билан Кичик Қобу деган қалъалар бўлган экан. Ҳар бир қалъада ўн беш мингдан одам яшаган экан.

Иккала қалъа шунчалар мустаҳкам эканки, юз йил давомида биронта кўчманчи қўшини уларни забт қилолмаган экан. Қалъа деворлари тепасидаги

дарчалардан камон андозлар дарёдан келганини дарёда, қуруқдан келганини қуруқда ўққа учираверарканлар.

Иккала қалъа бир хонликка итоат қиларкан. Хоннинг амри-фармонларини бўйин товламай адо этаркан. Хулласи, иккала қалъа аҳли бир-бири билан аҳил, бир онанинг боласидек яшаркан.

Босқинчилар нима бўлса ҳам бу аҳил одамларни бир-биридан жудо қилиш, ораларига низо солиб, кейин босқин қилишга аҳд қилишипти.

Уларнинг бу режалари ҳам оға-ини бўлиб кетган қалъа аҳли ўртасига низо соллолмапти.

Босқинчилар ўйлаб-ўйлаб қалъага вабо тарқатишни кўнгилларига тугиб қўйишипти.

Бир неча саҳройи савдогар қиёфасида Катта Қобуга мол олиб кирипти. Улар ҳайдаб келган зотдор сигирларни қалъа аҳли талашиб-тортишиб сотиб олишипти.

Орадан уч кун ўтиб, шу сигирларнинг сутини ичган одамлар бирма-бир ўла бошлабди. Ун кунга қолмай бутун қалъага вабо тарқаб кетибди.

Кичик Қобуга бу хабар етиб, хон ташвишга тушиб қопти. Бу фалокатнинг олдини олиш чораларини ўйлай бошлапти. Вазирларни ҳузурига чақириб маслаҳат солибди. Шунда бир доно вазир Ургут тарафда бир муқаддас булоқ бор. Атрофи минг йиллик чинорлар билан қуршалган. Икки минг ёшли бир чинор қавагида табиб кампир яшайди. Фақат шу кампиргина вабонинг давосини билади, депти.

Хон шу кечасиёқ кампирга чопар юборипти. Борган чопарлар бўлган воқеани оқизмай-томизмай кампирга айтиб беришипти. Кампир қатор ўсган чинорлар қавагидан биттадан еттита хум олиб уларга берипти. Кейин шундай депти:

— Ҳар бир хумдаги суюқликни юз сатил сувга қўшинглар. Қалъанинг етти дарвозасида исириқ тутатиб одамларни тутундан ўтқазиб ташқарига чиқаринглар. Чиқаётганларида шу дори қўшилган сувдан бир ҳўпламдан ичиринглар. Молларни алоҳида дарвозадан чиқаринглар. Уларга ҳам шундай қилиб дори ичиринглар. Қалъада қолган жамики озик-овқатни куйдириб юборинглар. Қалъадаги уйларнинг ҳаммасида исириқ тутатинглар. Ташқарига чиққан аҳоли уч кунгача қалъага киритилмасин. Унгача халқ кичик Қобуда яшаб турсин.

Чопарлар еттита хумни хуржунларига солиб, йўл-йўлакай адирлардан исириқ териб қалъага қайтиб келадилар. Хонга бўлган воқеани айтиб берадилар. Хон кампир айтган ишларни тўхтовсиз адо этишга фармон беради.

Вабо тарқаган Катта Қобудан ўн беш мингга яқин одам ташқарига олиб чиқилади. Қалъа ичида исириқлар тутатилади. Иттифоқо шу кеча жала куйиб, бўрон бошланади. Ташқарига чиққанлар орасида қариялар, бетоблар, гўдаклар бор эди. Улар селу жалалар, бўронларга дош беролмайдилар. Аммо кичик қалъанинг дарвозалари беркитилади. Бизга ҳам вабо юқади, деб ҳеч кимни ичкарига киритишмайди.

Хоннинг қўшинлари Катта Қобуда яшарди. Улар ўз қариндошларининг бу хил юзсизликларидан беҳад ғазабга келишади. Қилич-қалқонлар, найзалару ой болталар билан Кичик Қобуга ҳужум қилишади.

Бу тўполонларни олисда кўчманчи босқинчилар қўшинининг сардори томоша қиларди. У ўз қўшинига, биронтаг ҳужум қилмайсан, найза отмайсан, улар ўзларини ўзлари қириб тамом қиладилар, дейди.

Беш кун омонсиз жанг бўлади. Кечалари қилич-қалқонларнинг жаранглаши, одамларнинг дод-фарёдлари эшитилиб туради. Тонг отгунча саҳронинг олис-олисларини Кичик Қобудаги ёнғиннинг шувъласи ёритиб туради.

Олти кун деганда қилич-қалқонлар овози эшитилмай, қалъа жимиб қолади. Кўчманчилар қўшини қалъага келганда биронта тирик жонни кўрмайди.

Иккала қалъа ичи ўликларга тўлиб кетган, еру деворлар қонга беланган эди.

Одамларнинг бу ноҳақликларидан дили оғриган табиб кампир бош олиб тоғу тошларга чиқиб кетади. Мана шу Замбуруғ қоя тагида харсанг тошлардан ватан тикиб, одамлардан олисда танҳо яшай бошлайди.

Бу кимсасиз кампир ялангликка эрта баҳор ўзига етарлича қилиб буғдой сепаркан. Яна арпа сепаркан. Ҳосилни ўриб олгандан кейин қўл тегирмонда тортиб ун қилиб оларкан. Шундоққина эшиги тагидан оқадиган жилғада ғиж-

ғиж балиқ сузиб юраркан. Кампир куни билан эчкисини эргаштириб тоғлардан гиёх териб, кундузлари хилма-хил дорилар тайёрларкан. Баъзан кечалари ҳам ой тўлган пайтда баргларнинг товланишига қараб энг ноёб гиёхларни топаркан. Тоғдаги паррандалару-даррандалар унга ўрганишиб қолишган экан. Илон-чаёнлар уни чақмас экан. Бўрилар унинг ёнидан бемалол ўтиб кетавераркан. Айиқлар ҳам унга даф қилмас экан.

Тоғ ёнбағирларини қалин қор босган пайтларда кампир эшиги олдидаги охурга турли овқатлар тўкиб қўяркан. Хўраксиз қолган кийиклар шу ердан тамадди қилиб кетаркан. Эшиги очиқ қолган пайтларда какликлар уйнинг ичига бемалол кириб дон чўқийверар эканлар.

Бир томон ёнғоқзор, бир томонда пистазор... Кампир гўшт емас экан. Нон, ёнғоқ, жийдаю туршаклар, олма қоқиқлар унинг овқати экан.

У овчиларни ёмон кўрар экан. Кампирнинг қарғишидан қўрқиб овчилар бу томонларга келишга қўрқишаркан. У қарғаган одам ё майиб, ё бирон тузалмас дардга чалинади, деб ўйлашаркан. Унинг кулбасига узоқ-узоқ юртлардан табиблар келиб, у тайёрлаган дориларни олиб кетишаркан. Кампир улардан пул олмас экан. Улар кампирга туз, кийим-кечак опкелиб дорига алиштириб кетишаркан.

Мана шу кампир тонг саҳарда тоғда гиёх териб юрса ўнгирдан қандайдир ғалати овоз эшитилибди. Буталарни қайириб ўнгирга энгашиб қараса, бир кийик қопқонга тушиб типирчилаётган эмиш. Жониворнинг қопқонга илинганига анча бўлган шекилли, у ҳолдан тойган, қопқон қисган оёғидан қон оқармиш. Кампир гиёх тўла саватини ўнгир четида қолдириб пастга тушади. Куч билан қопқонни айириб кийикнинг оёғини чиқазиб олади. Кийикнинг туришига мажоли йўқ эди. Кампир унинг у ёқ-бу ёғига қарайдию бирдан ғалати бўлиб кетади. Кийик ҳомиладор экан. Дўппайган қорни лип-лип учармиш. О, жонивор, ой-кунинг яқинга ўхшайди, деб ўйлабди кампир. У кийикнинг қорнини беозор силабди. Нимадир типирчилаётгандек бўлибди. Дока рўмол тагидан танғиган пешонабоғини ечиб, кийикнинг ярадор оёғини танғиб боғлабди. Чўққида ялтираётган офтоб нури сирпаниб ўнгирга тушади. Баданига иссиқ ўтган кийик силкиниб ўрнидан турибди-да, бир дам қимирламай қоп-қора кўзларини кампирга тикиб, кейин аста-секин юриб ўнгирдан чиқиб кетибди. Кампир унинг кўзларида аллақандай миннатдорлик аломатини сезгандек бўлибди.

Кампир беш-ўн кунгача унинг кўзларини унитолмайди. Маъюс қоп-қора кўзлар нималарнидир ифода қилмоқчи бўлганди. Бу жониворнинг тили бўлсаки, айта қолса. Шу кўзлар, шу бегуноҳ маъсум кўзларда халоскор инсон боласига айтадиган аллақандай гап бор эди.

Орадан беш-ўн кун ўтиб, кампир ўша кийикни, сўқмоқда ўт чимдиб юрганида, кўради. Энди у ёлғиз эмасди. Орқасида нимжонгина, юрганда титраб турадиган ингичка оёқлари зўрға гавдасини кўтараётган кийикчаси бор эди.

— Ҳа, жонивор, кўз ёрибсан-ку! — дейди пичирлаб кампир.

Ҳамма кийик бир кийик. Уларни бир-биридан фарқ қилиш қийин. Кампир унинг ўша кийик эканини оёғига бойланган латтадан билади. Унинг ярадор оёғида ҳали ҳам пешонабоғ танғилганча турарди.

Кампир оёқ остида ўсган ўтдан қисимига сиққанча юлиб, кийик томон юра бошлайди.

— Ма, жонивор, ма! — Кийик ундан қочмайди. У тутган ўтга бўйнини чўзиб келаверади.

Кампир уни бўйнидан силайди. Тиз чўкиб оёғидаги латтани еча бошлайди. Кийик индамай туриб беради.

Эртасига кампир Замбуруғ чўққида бир отлиқнинг қорасини кўради. Ажаб, бу томонларга овчи йўламас эди, бу ким бўлди экан, деб ўйлайди кампир. Хўркиган кийиклар пастликка қараб қочади. Нотаниш кимса отига қамчи босиб кийиклар орқасидан қувади. Бир ош пишгунча вақт орасида ўша отлиқ сўқмоқдан эгар қошига кийик боласини ўнгариб, кампирга қарамай ўтиб кетади.

Кампир ҳанг-манг бўлиб қолади. У ўзини бу ердаги жондорларнинг соқчиси, деб биларди. Мен борман, бу томонларга овчи йўламайди, деб ўйларди. Овчига эргашиб она кийик югуриб борарди. Елини тирсиллаб, тўлишиб кетганидан дуруст чополмасди. Орқа оёқларини кериб ўтириб қолар, кучаниб ўрнидан

турарди-ю, яна югурарди. Энди отлик кетиб бўлган, сўқмоқ адоғи чанг-тўзондан кўринмас эди.

Ўша куни то қоронғи тушгунча кийик йўлга қараб умидвор ётади. Сахар пайти яна келади. Яна ўша томонга қараб ётаверади. Кампир унинг аҳволига чидаёлмайди. Енига боради. Кийик кўзларида юм-юм ёш билан унга маъюс боқади. Кампир унинг бўйнидан, елкаларидан силайди. Аста шохидан тортиб, туришга ундайди. Кийик итоаткорона ўрнидан туриб, кампирга эргашади. Кийикнинг елинлари шишиб кетганди. Кампир уни эшик олдида қолдириб ичкаридан пақир олиб чиқадида, чўкка тушганча пов-пов соға бошлайди. Ҳар гал кампирнинг бармоқлари елинига текканда кийикнинг баданлари дириллаб, териси лип-лип учарди. Бўғзидан қуйилиб чиқаётган хўрсиниқ кампирнинг елкаларига иссиқ тегарди.

— Ҳа, жонивор, оппоқ сутинг ўз болангга буюрмади-я!

Елини бўшаган кийик енгил тортиб аста сўқмоққа қараб кета бошлайди. Кампир пақир тўла сутни тоғорага қуйиб, кулба орқасига қўяди.

Айниқса ёз ойларида кампирнинг юмушлари жуда кўп бўларди. Ўт ўриб офтобга ёяр, қуриганларини ғарамлаб томга босарди. Эртаки арпани ўриб, донини шопирарди.

Тоғни қалин қор босиб жониворлар емиши қор тагида қолиб кетган палларда кампир томдан хашак олиб тушиб, уйи атрофига ёйиб ташлар, тўрт-беш бўйра эни қорни кураб ерни очарди. Унга дон сепиб ташларди. Оч қолган тоғ ҳайвонлари ана шу хашакларни егани келишарди. Какликлар, ёвойи каптарлар бир-бирларини ҳуркитиб дон чўқишарди.

Бу жониворлар кампирдан ҳуркишмасди. Унинг олдида бемалол юраверинишарди.

Кампир бўтқа тўла тоғорани сўқмоққа опчиқиб ичига оғир тош ташлаб қўярди. Агар шундай қилмаса ҳайвонлар овқат талашиб тоғорани ағдариб юборишарди. Овқат исини туйган ёвойи мушуклар, шоқоллар ва бошқа ҳайвонлар бир зумда ёпирилиб келишарди-ю, бўтқани еб яна ғойиб бўлишарди.

Боласидан айрилган кийик ҳар тонг кампирнинг эшиги олдида пайдо бўларди. Кампир унинг елини бўшагунча тизиллатиб, соғиб оларди. Баъзан кунига икки мартадан келадиган пайтлари ҳам бўларди. Кампир уни силаб, жонивор, келавер, елининг тўлдими, олдимга келавер, дея соғиб уни енгиллатарди.

Бу хил келишлар кийикка одат бўлиб қолади. То сутдан қолгунча келиб-кетиб юради. Кейин кун оралаб, ҳафта оралаб келадиган бўлади. Чўққиларга ёққан қор аста ўрмалаб пастликларга ҳам оппоқ рўйжасини ёзганда кийик келмай қўяди. Қиш чилласи анча оғир келди. Қор сўқмоқларни тизза бўйи босди. Жониворлар хўраксиз қолди. Кампир уйи атрофини кураб дон сепар, қучоқ-қучоқ хашак ташиб йўлга ёярди. Эрталабгача уй атрофида туёқ дупурлари, кийикларнинг пишқириб олган нафаслари эшитилиб турарди. Бир куни тонг маҳали кампир ташқарига чиқса, икки кийик курт-курт хашак чайнапти. Улардан бирини кампир дарров таниди. Унинг олд ўнг оёғида тери шилиниб жун ўсмай қолган жойи бор эди. Таниш кийик ёнида шохлари буралиб кетган бақувват кийик қочишни мўлжаллаб сергак турарди.

— Жониворгина-я, жуфт топибсан-ку, — дейди у овоз чиқазиб.

Кийик ундан чўчимаёди. Жуфти тисарилиб сал нари кетади.

Бутун қишлоқ кампирнинг кийик соғишини билиб олган эди. Баъзан у кийик соғадиган маҳалда дарахтлар, тошлар орасидан қараб туришарди. Айниқса кийикнинг ўзи тоғдан тушиб кампирга ўзини соғдириб, яна чўққиларга чиқиб кетиши ҳаммани ҳайрон қолдирарди.

Ана шундан кейин, кампирнинг номи Кийиксовди она, Кийиксовди момога айланган эди.

Кийиксовди момо салкам юз ёшда оламдан ўтади. Бутун қишлоқ мотам тутиб уни ўзининг тош кулбаси ёнига кўмиб, сағана кўтаради.

Уни кўмаётганларида оломон тепасида қушлар фарёд уриб чирқиллаб айланишади. Кийиклар оломонга яқин келиб, юм-юм кўзёш тўкадилар. Айиқлар тошлар устига чиқиб, ўкириб-ўкириб йиғлайдилар.

Қушлар тоғлардан анвойи гуллар уруғларини тумшукларида опкелиб қабр устига сепадилар. Эрта баҳор келиши билан қабр устида кимхобдек бўлиб гуллар очилади.

Кийиксовди момонинг қабри қадамжога айланади. Бу тоғларга келганлар унинг қабрини тавоб қилмай кетмайдилар. Бу қабр яқинида овчилар ҳам ўқ чиқазмайдилар. Табиатнинг сокин, валекин бениҳоя гўзал масканига турли томонлардан сўқмоқлар очилади...

Бу афсонами, ҳақиқатми, Толибжон билмасди. Ёшлигида эшитганлари афсонадан кўра ҳақиқатга яқин эди. У олис юртларда юрган кезларида Кийиксовди момо воқеасини эслаб турарди. Ҳар гал эслаганда қоя тошлар қуршовидаги қадрдон қишлоғини кўргандек бўларди. Қушларнинг чуғурини, булоқлар жилғасининг шилдирагини эшитгандек бўларди. Кийиксовди момо афсонаси унинг таржимаи ҳоли билан қоришиб кетгандек эди.

У Аншан металлургия комбинати қурилиши пайтида қўлига Чеховнинг ҳикоялар китоби тушиб қолади. Унда кийик овчиси тўғрисида бир ҳикоя бор эди. Бир овчи кийик отади. Ўлжасини елкага олиб, тоғ сўқмоғидан келаётганида орқадан қандайдир ожиз туёқ товушини эшитади. Угирилиб қараса ҳозиргина отган ва ўлигини елкалаб келаётган кийикнинг боласи эргашаётган экан.

Бу воқеа Толибжонга жуда қаттиқ таъсир қилганди. Ҳикояни ўқиб бўлиб, анча пайтгача ҳаяжонини босолмай юрганди. Бу ҳикоя ўша олис Хитой шаҳрида унга Кийиксовди момо афсонасини эслатиб қўйган ва бир неча кун она-юртини соғиниб, шу томонларга талпинган эди.

* * *

Катта Ўзбекистон тракти тоғ бурама йўлларидадан ошиб Китоб шаҳрини оралаб ўтади. То Китобга етмай чап томонда катта йўл бор.

Бу жойда автобус кутган йўловчилар кўп бўлади. Улар Варганзе, Паландара, Ҳазрат Башир томонларнинг кишилари. Унг томонга кетган чоғроқ йўл Қоплонбоп қишлоғига бориб қадалади. У ёғина йўл йўқ. Фақат ёлғизоёқ сўқмоқлар, холос. Олисда кейинги пайтда ўзлаштирилган Макрит далалари кўзга ташланади.

Машина Ҳазрат Башир бурилишига келганда Толибжон кабина томини тапиллатиб урди. Шитоб билан келаётган машина асфальт йўлда ярим метрча сурилиб бориб тўхтади. Асфальт бетида бир қадамча қора узунчоқ из қолди. Толибжон пастга сакраб тушдию чўнтагидан пул излай бошлади. То у пул чиқазгунча шофёр моторга газ бериб, жўнаб қолди.

Қоплонбоп орқали борса совхоз марказига яқин чиқади. Агар магистраль йўл билан кетса камида йигирма беш километр йўл босиш керак эди. Қоплонбоп билан борганда атиги етти километр юрса етади. Аммо бу йўлдан машина боролмайди. Ёлғизоёқ йўлдан отда, эшакда бориш керак. Ёш-яланг велосипед, мотоциклда қатнайди.

Толибжон келгандан бери бу йўлдан ўтмаганди. Ёшликда юрган йўлларни қўмсаб, бола пайтида дадаси билан неча марта келган Қоплонбопни кўриш ниятида эди.

Қоплонбопнинг қоқ ўртасида Нуқрасой шитоб билан оқиб ўтади. Бу сув тоғдан шаршара бўлиб қўйилади-ю, тўппа-тўғри Қоплонбопга оқиб келади. Бу ажиб сўлим қишлоқдан бирон километр пастликда Дукат қишлоғи бор. Авваллари иккаласи бир қишлоқ бўлган эди. Аҳоли ўртасига низо тушиб, бир-биридан ажраб кетишган. Қоплонбоплилар ниҳоятда соғлом, чиройли бўладилар. Эркаклари ғоз қоматли, қора соқол, ҳар қандай ишни ҳам эплаб кетадиган кишилар. Қизлари бамисоли кийикнинг ўзи. Кўзлари катта-катта, қоп-қора, киприклари юзини тўсгудек. Кўкракдор, бўйинлари узун. Юрганда қоматларини эгмай дадил юрадилар.

Дукатлилар унинг акси. Ранги заҳил. Қомати букик кишилар. Аёллари битта фарзанд кўрибоқ қариб қоладилар. Юзлари сарғайиб, ажинга тўлади. Қадлари букилиб қолади. Эркаклари қирқ-қирқ беш ёшлардаёқ меҳнатга ярамай кўяди.

Авваллари қоплонбоплилар Дукатга қиз берардилар. Узатилган қизлар дардга чалиниб қолавергандан кейин, қоплонбоплилар улар билан қудачилик қилмай қўйишган.

Толибжон Нуқрасой ёқалаб келаркан, шуларни ўйларди. Нега бунақа? Иккови ҳам Нуқрасойдан сув ичади. Боди-ҳавоси ҳам бир. Толибжон илгари бу тўғрида ўйламасди. Негадир, ҳозир шу томонга келаётгани учунми, бунинг сирини билгиси келди.

Қоплонбоп шу ерлиларнинг таърифи билан айтганда, ер юзининг энг сўлим жойи. Самарқандда саратон ҳарорати қирқ даражага чиққанда Қоплонбопда мўътадил ўттиз икки даражада қимирламай туради. Ёз ойлари Қоплонбопни одам босиб кетади. Ҳамма хонадонлар уйларини ижарага қўйишади.

Аслини олганда, қишлоқ турган-битгани тошдан иборат. Бу жойда боғ ҳам қилиб бўлмайди, деҳқончилик ҳам. Жами меҳнатга яроқли эркаклар арраю-пойтешасини кўтариб Самарқанд, Каттақўрғон тарафларга устачилик қилишга кетадилар. Баъзилари Тошкентга кетадилар. Тошкентда ким кўп, янги иморат курадиган кўп. Айниқса ер қимирлагандан кейин синчли уйга ишқибозлар кўпайиб кетган. Қоплонбоплилар синч иморат қуришда тенги йўқ эди. Шунинг учун ҳам улар тўрт-беш киши бўлиб яхлит иморатни байлашиб олишади. Пойдеворидан то томигача битқазиб уйнинг калитини эгасига бергунча ҳамма ишни ўзлари бажаришади. Қишлоқда қари-қартанглару аёллар қолишади. Улар то эркаклар пул топиб келгунларича ижарадан даромад қиладилар. Бу жойларда самоварларга, ошхоналарга одам сиғмай кетади. Дор келади. Кўз бойлоғичлар, найрангбозлар, тош кўтарадиган полвонлар, тоғдан ҳатто айиқ ўйнатадиганлар ҳам келишади. Шаҳрисабз, Китоб маржонийчилари қишдаёқ келиб ўнгирларга хашакка ўраб муз кўмиб кетишарди.

Қоплонбоп аҳолиси ижтимоий фойдали ишлар билан деярли шуғулланишмасди. Шунинг учун ҳам район катталари на клуб, на маданий-маиший бино қурган. Биттагина тепасига «ОМЕХТА» деб ёзилган магазин бор, холос. Унда саноат моллари ҳам, озиқ-овқат ҳам сотилади. Ҳатто велосипед билан китоб ҳам шу дўконда.

Ёз ойлари сайл бошланганда Зарафшон воҳасининг турли жойларидан келган одамларни учратиш мумкин эди. Уша кезларда бозор қизирди. Ёймачилар, қулфми, сичқон тутадиган қопқонми, изолентами, сақичми, чекичми, ипга ўтқазилган шода ўрик мағизими, зирами ёйиб ташлашарди. Улар ёзиб қўйган клёнкада тўтиё, аччиқ тош, қалампирмунчоқ, сурма, укпаргача бўларди. Бир томонда тўн бозори, бир томонда пичоқ, жун пайпоқ бозори, бир томонда дўппи, ранг бозори...

Бу томони Тошкент, у томони Душанбагача Қоплонбоп тўнига ишқибоз кўп. Ипак сатиндан жуда ҳам майда қивик қилиб тепчилган тўн учун атайлаб Термиздан, Қаршидан харидорлар келарди.

Айниқса ранг бозори жуда гавжум бўларди. Тоғдан тушган чўпонлар ҳар қанча ранг бўлса бирпасда талаб кетардилар.

Улар эчкилардан тараб олинган тивитларни, тиззагача чиқадиган пайпоқларни тўқийдиган жун ипларни бўяш учун ранг харид қилардилар.

Бешик, беланчак, қиз сумак, ўғил сумак, ип ўрайдиган урчуқ, заранг чўмич, ўроқ бозори қозондек қайнарди.

Икки-уч жойда магнитофон ванғиллайди. Аллақайда, тўйдами, базмдами ёзиб олинган, насихат қўшиқларга харидор кўп эди...

Эҳ-ҳе... Қоплонбоп бозорида нималар бўлмасди. Қарсиллатиб сақич чайнаган қизлар, самолёт тасвири туширилган чодир тешигидан каллани чиқазиб қўйиб суратга оладиган фоточилар... Брига кавказча бешмет кийдириб, бирининг елкасига ёғочдан ясалган бешотарни осиб қўйиб суратга олади. Ёш келин-куёвлар бир-бирларига бошларини тегизиб туриб, тилла тиши борлар кулиб туриб, қўл соати борлар кафтини иягига тираб туриб суратга тушадилар. Новвойларнинг қўли-қўлига тегмайди. Кабобпазлар олдида ёш-яланг ғужғон ўйнайди. Чойхоналарда ошхўрларга қозон етишмайди. Қассоблар кунига нечталаб қўй сўйиб, етқизишолмайди. Янги сўйилган қўйнинг гўшти совумай туриб талаш бўлиб кетади.

Неча юз йилдан бери Қоплонбоп шундай гавжум яшайди. Ундан икки-уч километр наридаги, худди шу Нуқрасой оқиб ўтадиган, сердарахт Дукат бундай пайтларда жимжит бўлади. У томонга ҳеч ким бормайди.

Қоплонбопнинг боди-ҳавоси беқарор эди. Саратон пайтида ҳам осмонни булут ўраб бирпасда шатир-шутур жала қўйиб беради. Одамлар ўзини панана уради. Йўллардан, тепаликлардан қўйилиб келаётган бўтана селлар ўтиб кетгунча бошпана тополмаганлар чопон ёпиниб ўзларини қайга уришни билмай зир югуришади.

Тоғ ёнбарига қалдирғоч уясидек қилиб уйлар қуриб ташланган эди. Сел-

лар уларнинг бир-икки бўйра эни келадиган ҳовличаларида нимаики бўлса пастга — Нуқрасойга оқизиб кетарди. Бундай селлар келганда ахлатхоналар ҳам тўлиб-тошиб, отхонаю молхоналарда уйилиб қолган гўнлар ҳам Нуқрасойга оқиб тушарди.

Тоғ ўнгирларидаги олис қишлоқ кишилари худди шундай сайл пайтларида бозор қилиб кетардилар. От, эшак миниб келган чўпонлар болаларига ҳалволар, хўрозқандлар олиб кетишарди. Йигитлар севгилиларига хина, сурма, рангли шиша қадалган зираклар, узук харид қилишарди.

Саратоннинг тафти қайтиб ариқ бўйлари зах тортганда, сувлар тиниқиб осмонда мезон иплари сузган пайтларда Қоплонбоп жимжит бўлиб қоларди. Қишлоққа биров кирмас, йўловчилар айланма йўлдан ўтиб кетаверардилар. Куз салқинида кечаси билан карахт бўлган пашшалар офтоб деворларни илитганда яна тирилиб қовун пўчоқларини талайдилар. Олисга, пул топгани кетган эркаклар ҳам бири қоп орқалаб, бири чамадон кўтариб Қоплонбопга қайта бошлайдилар. Ҳар куни болалар сўқмоққа чиқиб, дадаларини кутадилар.

Йилнинг бундай пайтида Чироқчининг Чияли бозори авжга чиқади. Бу бозорда ваҳимачиларнинг гапига қараганда самолёт ҳам сотилар эмиш.

Толибжон Қоплонбопга кирмай сўқмоққа чиқди. Олисда қишлоқнинг шовқини эшитилиб турарди. Бир неча жойда баробарига қўйилган магнитофонда ҳар хил кўшиқ таралаяпти. Дорбоз киндикка келган бўлса керак, дўмбиранинг бир маромда дириллаши эшитилади. Бу шовқинларни карнайнинг ват-вати босиб кетади. Толибжоннинг ёнгинасидан янги сўйилган қўйнинг ўпкасини судраб бир ит ўтиб кетди. Соч-соқоли ўсиб кетган ялангоёқ бир йигитни тўртбеш киши ушла, ушла ўғрини, деб қувлаб келарди. Уғри Толибжонга рўпара келишдан қўрқиб, сўқмоқдан ўннга бурилди-ю, сойга ўзини отди. Орқасидан қувиб келганлар пастга тушишга журъат қилолмай сўқмоқда тўхтаб қолишди. Милиционер ҳуштагини чуриллатганча қолаверди. Уғри сойнинг ҳар ер-ҳар ерида дўмбаийиб турган ҳўл това тошларга оёқ тираб, нариги қирғоққа чиқиб, қўлидаги тугунни баланд кўтарди-ю, чап қўли билан киндигидан пастини кўрсатиб масхара қилди. Кейин тошлар орқасига ўтиб, йўқ бўлиб кетди. Қувиб келганлар уни сўкиб-сўкиб, орқаларига қайтдилар.

Толибжон Дукатга кирмай шағал тўкилган йўлга чиқди. Йўлнинг бир томони адирга туташган тошлоқ, паст-баландликлар, бир томони текис пахтазор эди. Бу ерларга Нуқрасойдан электрнасосда сув тортиларди. Олисда ёнма-ён ўсган, ҳар баҳор пиллачилар каллаклаб кетадиган кекса тут тагида беш-ўн одам ўраллашиб туришарди. Толибжон бунга унча аҳамият бермади. Яқин келганда уларнинг нимадандир дарғазаб бўлиб турганларини билди. Йўл четида бўғзига пичоқ тортилган бир буқача жон таслим қилаётган бўлса керак, орқа оёғини ҳар замон бир ожиз силкитиб кўярди. Одамлар жим. Толибжон ҳайрон бўлиб бир буқачага, бир одамларга қаради. Ҳеч кимдан садо чиқмади. Толибжон тутга суяниб афтода бир аҳволда ўтирган хотинни кўрмаган экан. Унга кўзи тушди-ю, кўнгли алланечук бўлиб кетди. Озғин, ранги сарғайиб, юзига бемаҳал тушган ажинлар бу хотиннинг дукатли эканини билдириб турарди. Толибжон тинмай папирос тутатиб турган йигитдан сўради:

— Нима бўлди?

— Нима бўлганини кўрмаяпсизми? — деди йигит. — Ғўзани пайҳон қилди, деб директор бўғзига пичоқ тортворса бўладими. Невараси армиядан келишига сўймоқчи бўлиб боқиб юрган эди. Ноинсофликни қаранг-а!

Хотин индамас, жон таслим қилаётган буқачага маънос қараб ўтирарди. Кексароқ бир одам гап қотди:

— Нима қилиб анграйиб турибсанлар, қони ивиб қолмай туриб сарамжон қилиш керак. Қони ичида қолса, гўштини еб бўладими?

Буқача бўғизлангандан кейин кўп уринган бўлса керак, жунлари тупроққа қоришган, йўл четлари, гиёҳлар усти, ҳатто тутнинг бужур танасига ҳам қон сачраган эди.

Одамлар бири унинг оёғидан, бири шохидан судраб тут тагига олиб келишди. Шоп мўйловли йигит белбоғига осилган қиндан пичоқ чиқариб йўл четидан энгашиб тош танлай бошлади. Охири у истаган тошни топиб бир туфладию, пичоғини қайрашга тушди.

Катта йўлда кетаётган Мирвали узоқдан ғўза орасида юрган молни кўра-

ди-ю, машинасини шағал тўкилган йўлга буриб, тут олдига келади. Бир хотин тутга суянганича ухлаб қолган. Буқачаси бемалол ғўзани пайхон қилиб, хом кўсақларни еб юрипти. Икки кўзи қонга тўлган Мирвали ухлаб қолган хотинни бир тепади. Хотин кўзини очиши билан тепасида ғазабга тўлган директорни кўриб дағ-дағ титрай бошлайди. Тепки еган жойининг оғриғига ҳам эътибор бермай, алам билан ўрнидан туриб директорга тик қарайди.

— Нима гуноҳ қилдим, ярамас?

Мирвали кўли билан ғўза орасида юрган буқачани кўрсатади. Хотин мудраб қолганда арқон қўлидан чиқиб кетганини билади-ю, тили калимага келмай ғўлдираб қолади. Директор ғўза орасидан буқачани ҳайдаб чиқади. У этигининг қўнжидан пичоқ чиқараётганда хотин кўлига ёпишади.

— Жон укам, ундай қилманг. Бола-чақангизни роҳатини кўринг. Бундай қилманг. Неварагинамнинг келишига атаганман. Онамдан қолган зирагимни, узугимни сотиб олганман буни. Етимгинамнинг келишига боқяпман, жон укам...

— Бу биринчиси эмас. Ун кун олдин ҳам ғўзага кирган. Ушанда ҳам армиядаги неварангни писанда қилиб ялингандинг.

— Қандоқ қилай, жон укам. Касалман. Дармоним йўқ. Утирсам мудраб кетяпман. Бу дунёда омонатга ўхшайман. Кетарман ҳам, тинчиб ҳам қоларсан.

Хотиннинг титраб-қақшаб ёлворишига қарамай Мирвали пичоқ яланғочлаб буқача томон юра бошлади. Бу орада йўловчилар кўпайишиб қолганди. Одамлар ўртага тушиб кўришди. Директор юмшамади. Хотиннинг чирқиллаб турганига эътибор бермай тут баргига интилган буқачанинг шоҳидан қайириб туриб, бўғзига пичоқ тортиб юборди. Бўғзидан повиллаб иссиқ қон отилаётган буқача ўйноқлаб ўзини тут танасига зарб билан урди. Шағал йўл устига отилиб тушди-ю, шалвираб осилиб қолган бошини ўнглаёлмай ҳали ўзини ўтга отар, ҳали тупроққа мункиб кетарди. Одамлар ўзларини четга олиб, телба бир алпоздаги молнинг азоб чекишига алам билан қараб туришарди.

Хотин Мирвалининг қаршисига келиб ёқасига чанг солмоқчи бўлди. Мирвали кўлини қайириб ташлади. Хотин яна интилди.

— Худоё, у дунё, бу дунё икки юзинг қаро бўлсин. Урушда шаҳид бўлган эримнинг арвоҳи ёқангдан тутсин. Умринг қамолларда ўтиб кетсин, — шундай дея туриб у тиззалади-ю, икки кўлини осмонга кўтарди. — Омин!

Мирвали ерга бир тупуриб машинасини гуриллатганча кетди.

Орқадан ғазаб билан қараб турган мўйловли йигит баланд овозда, даюс, деди. Кейин шундай гап айтганидан кўрқиб, ёнидагиларга қаради. Улар, бу гапни сен айтмадинг, биз эшитмадик, дегандек, кўзларини олиб қочишди.

Толибжон ҳозир идорага бораман, бунақа ноинсофлик қилгани учун Мирвалига қаттиқ-қаттиқ гапираман, деган ниятда шахдам юриб совхоз маркази томонга қараб кетди.

Мирвали идорада йўқ эди. Уни дам олгани меҳмонхонага кириб кетди, дейишди.

Мирвали кундузлари шу ерда овқатланиб, душга тушарди-да, бирон соат мириқиб ухлаб оларди.

Меҳмонхона кичкинагина, сердарахт боғча ичида эди. Деворлари тошдан тикланган меҳмонхонада катта бир зал уй бор. Унда бемалол етмиш чоғли меҳмон кутиш мумкин эди. Жавонларда қимматбаҳо биллур идишлар, хитой, япон, немис чинчилари териб қўйилган. Жавон тортамаларида тилла суви берилган вилка-қошиқлар қалашиб ётибди. Деразаларга атлас парда тutilган. Бурчакда япон телевизори. Бир бурчида қўш колонкали радиола.

Деворларда Расулбек олган фотосуратлар. Тоғ, дарё, чўл манзаралари ниҳоятда усталик билан туширилган. Бу суратларнинг деярлик ҳаммасида Мирвали бор. У чўпонлар даврасида. У пенсионер отахонлар билан. У минбарда нутқ сўзламоқда...

Бу ерга деярли ҳеч ким кирмасди. Фақат жуда баланд даражали меҳмонлар келганда шу жойда кутилади. Мирвали қаҳрамон бўлганда табриклагани келганларни шу жойда кутганди. Министрлар, марказком секретарлари, пойтахт мухбирлари учунгина бу хонанинг эшиги очиларди. Баъзан Мирвали кеч-қурунлари Расулбек Чияли бозоридан топиб келган антиқа видеокассеталарни қўйиб, ҳиринг-ҳиринг кулиб, томоша қиларди. Бу ленталарга кўпинча ахлоқсиз, кўрганни бировга айтса айб бўладиган воқеалар ёзилган эди.

Бирон рахбар одам Мирвалига танбех бердими, уялтирдими, ҳар қалай кейинги пайтларда видео йўқ бўлиб қолди.

Меҳмонхона тўғрисида шигил ҳосилга кирган нокзор. Орқа томон узумзор. Йўлкаларга мусулмон ғиштига ўхшаш чор бурчак сопол плиталар ётқизилган. Икки четида анвойи гуллар очилиб ётибди. Ҳаммаёқ тоза. Йўлларда бирон-та барг кўринмайди. Боғда ишлайдиганлар битта барг тушса, битта, иккита тушса, иккита, дарров супуриб олишади. Ошхонада ҳамма вақт, қоқ ярим кечадами, сахар пайтидами Мирвали меҳмон бошлаб келса, бир ошнинг харажати тайёр турарди. Мирвали холодильникка тушган гўшти емасди. Шунинг учун ҳамма вақт янги сўйилган қўйнинг битта сони марлига ўралиб толда осифлиқ бўларди. Ошхона орқасидаги катакда куркалар, бир ойлик жўжахўрозлар боқиларди.

Ошхонанинг ўнг томонида катта-кичик иккита тандир. Каттасида меҳмонлар келганда, кичигида ҳар куни нон ёпиларди. Мирвали тамаки пояси ёқиб қиздирилган тандир нонини яхши кўрарди. Шунинг учун тандир ёнида боғ-боғ тамаки поялари уюб қўйилган.

Толибжон боққа кирганида Мирвалининг шофёри қўнжларига қон сачраган этикни водопровод крани олдига чўнқайиб ўтириб юваётган эди.

Толибжон тепасига келиб, ўзи қани, деб сўради. Шофёр бош кўтармай жавоб қилди:

— Дам олгани кириб кетдилар. Бирон соат ухлаб оладилар.

Толибжон уйғонгунча уни кутишга аҳд қилди. Дастёр йигит тол тагидаги дастурхон ёзилган столга патнисда у-бу қўйди. Чой олиб чиқиб Толибжонни ўтиришга ундади.

— Овқат тайёр. Сузиб келай, а?

У жавоб кутмай пилдираганча ичкарига кириб кетди-да, тарелкада қовурилган гўшт опчиқиб қўйди.

Толибжон очиққан эди. Ортиқча мулозамат кутмай ея бошлади.

Мирвали чўмилганда ич кийимларини алмаштирган шекилли, меҳмонхона бекаси татар опа дорга майка, труси ва сочиқ ёйиб кириб кетди. Шундан кейин у елкасига ип йигирадиган дастгоҳни қўйиб бир этак тивит билан қайрағоч тагига ўтди. Бир оздан кейин дастгоҳнинг муттасил ғувиллаётган ари овозини эслатадиган товуши келди.

Толибжон овқатдан сўнг босиб-босиб кўк чой хўпларкан, бояги шахтидан анча тушгандек эди. Қонга беланган буқача, тут танасига суянган рангпар хотиннинг ёш тўла кўзлари сал нари кетди.

У ўрнидан туриб беихтиёр татар опа ип йигираётган томонга юра бошлади. Толга суяниб, опанинг ишларига қараб турди. Опа бир қўлида бир сиқим тивит, бир оёғида чарх тепкисини босади. Пилдираб айланаётган урчуқ тивитни хўплаётгандек ўзига тортиб ўрарди. Толибжон бу ишга шунчалик берилиб кетдики, опанинг тепасига келганини ҳам билмай қолди. Опа бош кўтариб унга қаради.

— Ну, синга қизиқ што ли? — деди у ҳайрон бўлиб.

— Сиз ишингизни қилаверинг, опой. Бир оз томоша қилай, — деди Толибжон.

Шу топда Толибжон болалигида онасининг чарх йигиришини эслади. Эчкидан тараб олинган тивитлар тўпланиб қолганда айвонга чарх олиб чиқиб, ип йигирарди. Ўнг қўлида чарх айлантириб чап қўлида урчуққа тивит етқазиб бериб турарди. Бу ҳам худди шундай. Фақат бунда парракни тепки босиб айлантирилади.

Толибжоннинг миясига ярқ этиб бир фикр келди. Орқасига ўгирилиб шофёрни излай бошлади. Шофёр бола ювиб, артилиб ялтиратилган этикни меҳмонхонага опкириб кетаётган эди.

— Мирзажон, ичкаридан битта винтальатор олиб чиқинг, — деди.

Ичкарига кириб кетган Мирзажон шнурини ерга судраб винтальатор олиб чиқди. Толибжон унинг қўлидан олиб у ёқ-бу ёғига қаради-да:

— Отверкангизни опкелиб манави парракни чиқозиб ташланг, — деди.

Мирзажон ҳайрон бўлиб елкасини бир қисди-да, зум ўтмай багажникдан отверка, омбир келтириб бирпасда парракни чиқазиб олди. Толибжон Опойнинг фартуги чўнтагидан чиқиб турган бўш урчуқлардан бирини сўраб олди. Шофёр билан иккови уриниб паррак ўрнига урчуқни ўрнатишди. Ҳозиргина

Толибжон овқатланган столни кўтариб қайрағоч тагига олиб келишди. Унинг бужур танасига электр разеткаси ўрнатилган эди. Толибжон винтелятор вилкасини розеткага тиқиши билан урчуқ пириллаб айлана кетди. Кўзлари қувончдан яшнаб кетган Толибжон ҳаяжон билан Мирзажонга қаради. У қойил, каллангизга қойил, Толиб тоға, деб юборди. Уларнинг қилаётган ишларини кузатиб турган Опой яқин келиб ҳайрон бўлиб қолди.

— Мана, опой, ишингизни осонлаштирдик. Қани, озроқ тивит олиб келинчи.

Опой тивит олиб келиб бир бармоқчасини чўзди-да, лаби билан учини ҳўллаб урчиққа ўради. Кейин винтелятор тугмасини босди. Урчуқ айланиб унинг кўлидаги тивитларни ҳўллаб ўрай бошлади. Бир зумда қисим тўла тивит урчуққа ўралиб бўлди.

Опой яна тивит олиб келди. Винтелятор урчуғи зум ўтмай уни ҳам ўраб ташлади. Улар ўқови бу ишга шунчалик берилиб кетишган эдики, ичкаридан Мирвали чиққанини, келиб ёнидан қопқоғига ёқут ўрнатилган занжирли соатига қараб битта урчиққа неча минутда ип ўралиб бўлишини кузатиб турганини сезмай қолишган эди.

— Бу иш кимнинг калласидан чиқди? — деди Мирвали шофёрига қараб. У боши билан Толибжонни кўрсатди.

— Каллангга қойилман. Ўқиган одамсан-да, калланг ишлайди. Биласанми сен ҳозир нима ўйлаб топдинг? Ҳазина топдинг, совхоз учун юз минглаб пул топдинг. Дукату қоплонбоплиларга жарақ-жарақ пул топдинг.

Совхознинг санаб, саноғига етиб бўлмайдиган оқ эчкилари бор. Улардан йилига бир марта тивит тараб олинар, икки марта жун қирқиларди. Олтмиш тоннадан ортиқ тивитни совхоз давлатга сотарди. Мирвали ҳозир шу тик турганича хом чўт қилса бу йил эчкилар сони икки баробар ошади. Эчки кўп туғадиган жонвор. Улардан тараб олинадиган тивитларнинг бир қисмини ип йигириш учун олиб қолса бўлади.

Мирвали дўстини бағрига босиб, уни ичкарига судради. Иккови қоғоз-қалам олиб ҳисоблашга тушиб кетишди. У жуда тўғри, аниқ ҳисоб қиларди.

— Менга қара. Қоплонбоддан совхозга сариқ чақалик фойда йўқ. Улар бизни эмиб ётишипти. Эркаклар эрта баҳорда кетиб, кузда қайтиб келади. Хотинларнинг қиши билан қиладиган иши йўқ. У жойларга на экин экиб бўлади, на бир гиёҳ ўстириб. Нима дейсан, ўша ердаги қаровсиз ётган масжидни цехга айлантирсак. Мана шунақа винтеляторлардан икки юзтасини олиб келиб уларга ип йигиртсак... Хўш, қалай? Агар шу иш яхши натижа берса рўмол тўқийдиган цех очамиз.

Мирвали шундай деб деразадан бош чиқариб винтеляторда ип йигираётган Опойни чақирди.

Опой ишини тўхтатиб дераза тагига келди.

— Менга қаранг, битта рўмолни неча кунда тўқиб битқазасиз?

Опой бир оз ўйланиб туриб жавоб қилди:

— Ну бўш вақтимга қорий. Сплошной заниматса этсам икки кунда бир рўмол бита.

— Битта шунақа тивит рўмол бозорда неча пул туради?

— Чиялининг бозорида юз эликка бера. Государство жетмишга сота.

Мирвали яна қоғоз-қаламга ўзини урди.

— Кўрдингми, ошна. Агар шу ишни йўлга қўйсак Қоплонбод билан Дукатли хотинларнинг итини туваги олтидан бўлиб кетади. Эрлари ҳам дайдиб кетиб қолмай, бола боқадиган бўлиб қолади, — Мирвалига бир янгиликнинг учини чиқариб қўйсанг бўлди. У ёғини ўзи илиб кетаверарди.

Иккови ташқарига чиқиб Опойга, бир соатда йигирган ипни кўрсатишни сўрашди.

Телефон жиринглади. АТС қизлари Тошкентдан телефон қилишганини, Соғлиқни сақлаш министри Деҳқонободга кетатуриб тўхтаб ўтмоқчи бўлганини айтишипти. Мирвали кийингани ичкарига кириб кетди. У қайтиб чиқиб Толибжонга, ишинг бўлса эртага гаплашайлик деди-ю, шошиб идорага чиқиб кетди.

Толибжон у кетгандан кейингина нима учун келганини эслади. У буқачаси бўғизланган хотиннинг аламини олмоқчи эди. Бўлмади.

Толибжон гаражга телефон қилиб биронта бўш машина бўлса Етим-қишлоққа обориб ташласин, деб илтимос қилди.

IX

Мирвали идорадан чиқиб машина кутиб турган эди, чинор тагида хаёл суриб ўтирган аёлга кўзи тушди. Аввалига у биронтаси ўтиргандир-да, деб кўя қолди. Умуман, унинг ҳозир тоғ йўлига чиқиб министрни кутиб олишга унчалик хоҳиши йўқдек эди. Министр шу йўлдан Қашқадарё томонга ўтиб кетади. Лекин унинг айтадиган гапи бор. Дукатлиларнинг аризаси юзасидан гаплашмоқчи. Мирвалига қолса умуман дукатлиларни бу жойдан кўчириб юборса. Ҳаммаёққа касал таркатади, бу маразлар. Илгарилари ҳам улар махсус медпункт, кичикроқ — йигирма-ўттиз койкали больница қуриб беришни талаб қилишган. Шу тўғрида гап очган облздрав бошлиғини Мирвали қайириб ташлаган эди. Мана, дукатлилар яна бош кўтариб қолишди. Ариза ёзмаган жойи қолмаяпти. Редакциялар-ку, хатга тўлиб кетган. Аммо Мирвали унча-мунча амалдорларга сўзини бериб қўядиганлардан эмасди. У фақат биринчини тан олади. Биринчи эса уни ўғлим, деган. Шундоқ бўлгандан кейин ким унга тик кела олади.

Чинор тагида ўтирган аёл ўрнидан туриб бу томонга қаради. Мирвали уни таниди. Бу Жайрона эди.

Мирвали уни илгари бир кўрган. Бу қиз Тошкентда интуристда таржимон. Аввалги йили у совхозга араб аёллари делегациясини бошлаб келганди. Мирвали унинг қадди-қоматига, сутга чайқалгандек оппоқ юзи, зулукдек қошларига, чақнаб турган кўзларига боқиб жинни бўлай деганди. Шу қизга ўзини ўктам кўрсатиш учун, унинг эътиборини қозониш учун дастурхонга ноз-неъматларни тўкиб ташлаганди. Шу қизни деб делегациядаги аёлларнинг ҳаммасига қимматбаҳо совғалар берганди. У қизни четга чақириб, унга алоҳида совға тайёрланганини айтиб меҳмонхонага олиб кирган. Чўнтагидан бриллиант кўзли зирак чиқазиб бу сизга, бошқалар кўрмасин, деб тайинлаган. Қиз ҳарчанд йўқ, деса ҳам қўймай зиракни сумкасига солиб қўйган эди.

Ташқарига чиқишди. Араб аёллари патнисни тапиллатиб уриб рақсга тушишарди. Мирвали Жайронани билагидан ушлаб даврага тортди. Қиз бояги совғадан қувонганиданми, ё ўзи шунақа шўх, қувноқми, ҳарқалай қўймичи устидан шол рўмол бойлаб, бир рақсга тушиб кетди. У белидан пастини силкитиб ўйнаганда араб аёллари ҳам четга чиқиб қолишди. Мирвалининг назарида даврадан бел силкитиб ўйнаётган Жайрона унга икки-уч марта миннатдор илжайиб қўйгандек бўлди.

Уша куни делегация аъзолари совхоз боғида тунаб қолишди.

Мирвали Жайронадан бир нафасгина боғда сайр қилишни сўради. Қиз ҳам йўқ демади. Иккови чироғи ўчирилган боғда алла-паллагача гаплашиб айланиб юришди. Жайрона очиққина қиз экан. Иккови айланиб яна қайтиб келишди. Ҳаммаёқ жимжит. Ошпаз ҳам, меҳмонлар ҳам донг қотиб ухлашарди. Мирвали бир қадаҳдан коньяк ичишни илтимос қилди. Қиз бош чайқади.

— Келинг, Жайрон, бундан кейин кўришамизми, йўқми. Шу учрашувимиз учун, шу ойдин кеча учун, шу эсиб турган қаймоқдек тоғ ҳавоси учун биттадан ичайлик.

Жайрона унинг гапини қайтаролмади. Қаршисида қадаҳ ушлаб, ёлбориб турган йигит республиканинг энг атоқли, энг ўктам, пичоғи кескир, қўли узун кишиларидан эди. Кўксиди Олий Совет депутатлиги нишони, «Олтин юлдуз». Жайрона қадаҳни қўлига олиб, сиз учун, танишганлигимиз учун, деди. Икковлари ичиб юборишди. Мирвали яна қадаҳларга қўйди.

— Энди бўлди,— деди Жайрона.— Буёғи ортиқчалик қилади, Мирвали ака.

— Ундай эмас, сиз мен учун ичдингиз. Аслида мен сиз учун ичишим керак эди. Келинг, сиз учун ичайлик. Она Ўзбекистонимизда бир беқиёс гўзал қиз борлиги учун, ўша беқиёс гўзал қиз — сиз эканлигингиз учун, мендек бир бенаво, нотавон, тоғу-тошларда санқиб юрган дайди йигитга сиз билан ёнма-ён туриш бахти насиб қилгани учун кўтарамиз.

Мирвали гапираётганда қиз қийқириб кулар, э, оширвордингиз-ку, деб ожизгина эътироз билдириб турарди. Ичиб юборишди. Мирвали шундан кейин

уни қўлтиқлаб ой ишкомлар орасига парча-парча оқ нур тўкиб турган йўлдан юриб кетди. Узоқдан Мирвалининг нималардир деяётгани, қизнинг бемалол қийқириб кулаётгани эшитилиб турарди.

Тухум қилмайдиган товукқа дон бермайман, дейдиган Мирвали ўша оқшом доғда қолди. Бу қиз у сепган донни чўкиб қочганди.

Ушандан бери Мирвали Жайронани кўрмади. Неча марта кўриш истагида Тошкентга борганда интуристга кирди, аммо уни учратолмади. Бир борганида уни Японияда, яна бир борганида Лондонда, дейишди. Мана ҳозир у ўз оёғи билан бу ерларга келиб турипти.

Жайрона Мирвалини кўриб, ёнига кела бошлади. Мирвали ҳам беихтиёр у томонга бир-икки қадам ташлади.

— Э, бахайр, келинг, келинг...— Мирвали бошқа гап тополмай унга махлиё бўлганча туриб қолди.

Шу ўтган икки йил орасида Жайрона яна тўлишипти. Қарашлари мастона. Унинг тўлғаниб келаётган гавдасида эркак зотини довдиратадиган аллақандай бир сеҳр бор эди.

— Келинг, келинг,— деди яна Мирвали.— Биз томонларга қайси шамол учирди.

Жайронанинг келганига анча бўлган шекилли, ҳорғин кўринарди.

— Укамдан хабар олгани келгандим,— деди у паст овозда.

Мирвали ҳайрон бўлди. Укаси бу ерда нима қилади?

— Укам университетнинг геология факультетида ўқийди. Бир ярим ойдан бери шу тоғларда...

— Э, бўлди, бўлди,— деди Мирвали.— Улар тоғда дайдиб юришипти. Қачон келдингиз? Самолётдами, поезддами?

— Автобусда,— деб жавоб берди Жайрона.

— Уни қаранг-а! Жуда чарчагандирсиз? Укангиз узоқда. Тоғлар орасида. Яхшиям менга йўлиқдингиз, бўлмасам, у томонларга боролмай сарсон бўлардингиз. Бугун ўнг ёнбошингиз билан турган экансиз.

Ювиб, яхшилаб артилган оппоқ «Волга» улар ёнига келиб тўхтади. Одатда Мирвали «Жигули», «Нива» машиналарида юрарди. «Волга»ни фақат Тошкентдан келадиган меҳмонларни кутгани чиққанида юргизарди. Бугун Соғлиқни сақлаш министрини кутиш учун шофёрга атайин «Волга»ни тайёлашни буюрган эди. Мирвалининг фикри бузилди. Ичида шайтон васваса қилди. Ўз оёғи билан келган ўлжани қўлдан чиқазмайман энди, деди-ю, машинадан тушиб унга илҳақ бўлиб турган шофёрга юзланди.

— Меҳмон кутишга бошқа машина чиқади. Сен манаву синглимни Маржонсойга ташлаб келасан.

Мирвали шофёрни четга чақириб:— Жуда ҳам тез юрма. Мени Майдонтол олдида кутиб тур. Орқа пардани тушириб қўй. Тушундингми?— Кейин у кабинага чиқаётган Жайронага эшитдириб,— магнитофонга яхши ленталарни қўйиб, зериктирмай олиб кет,— деди.

Мирвалининг юраги дукиллаб урарди. Гўё унинг бутун ўй-хаёллари ҳозиргина жойидан қўзғолган машинада кетгандек эди. У эсини йиғиб орқасига қайтди-ю, телефон олдида чой ҳўплаб ўтирган навбатчига нимадир деди. Кейин телефон трубкасини олиб боғни улашни буюрди.

— «Нива»ни боққа олиб кир. Абдулазизга айтаман у-бу солиб қўяди. Орқага икки канистр бензин ташлаб қўй. Ҳозир ўзим боққа ўтаман.

Мирвали идорани айланиб боғ томон кетди. Боғ жимжит эди. Ошхонада кечки овқатга тайёргарлик кўраётган ошпазни Аблаз, деб чақирди.

Абдулазиз қўлларини фартуғига арта-арта югуриб чиқди. У директор меҳмонни бошлаб келди, деб ўйлаган бўлса керак, андак саросимада эди. Унинг бу ҳолатини Мирвали сизди.

— Меҳмон бу ерга келмайди. Бошқа жойда кутадиган бўлдим. Нимаики пишган нарсанг бўлса, Расулбекнинг машинасига бос. Аяма, мўлроқ бўлсин.

Бу пайт Расулбекнинг «Жигули»си ҳовуз олдида келиб тўхтаган эди. Расулбек билан Абдулазиз коробкаларга жойланган нарсаларни «Нива»га таший бошладилар.

Унгача Мирвали меҳмонхонага кириб, «Олтин юлдуз» ва депутатлик нишонни қадалган костюмини кийиб, ўзига оро бериб чиқди.

— Бўлдиларингми?— деди у амирона.— Анавундан бир-икки шиша ташлаб қўйдингларми?

Абдулазиз хотиржам бўлинг, дегандек кўз қисиб қўйди. Шофёр рулга ўзим ўтираман, деб ўйлаган экан, «Нива» кабинасига кириб буйруқ кута бошлади. Мирвали унинг ёнига келиб, туш, ўзим минаман, деди. Шофёр ҳафсаласи пир бўлиб пастга тушди. Мирвали кетар олдида:

— Комутатордаги қизларга айтиб қўй, мени ким сўраса, эрталаб тоққа жун қирқимига чиқиб кетган, қачон қайтишини билмайман,— десин,— деб тайинлади.— Ия, зарур гап эсдан чиқибди-ку, телефонни олиб кел!

Телефон сими узун, ўн-ўн беш метр келарди. Абдулазиз югуриб бориб телефонни кўтариб келди. Икки кафти билан ушлаб кабинада ўтирган Мирвалининг трубкини олишини кутарди. У трубкини кўтариб, Турғуновни ула, деб буюрди. Бир оздан кейин,— менга қара, мен министри кутгани чиқмайман. Ўзинг чиқ. Ҳозирок йўлга туш. У нима деса директор билади, албатта айтаман, деявер, бўптими? У ёғини ўзинг келиштирасан. Мен тоққа чиқиб кетдим...— деди.

Трубкини шақиллатиб ташлади-ю, моторга газ берди.

Майдонтолга бурилганда, узоқда оқ «Волга»га кўзи тушди. Демак, кутиш-япти. Унинг юраги дукиллаб ура бошлади. Тезроқ етиб борақолсаю, тенги йўқ, беқиёс гўзал қизнинг ёнгинасида ўтирса. У газ педалини охиригача босди. Машина гўё ҳавога кўтарилиш олдидан тезлик олаётган самолётга ўхшарди. Ғилдираклари ердан узилиб яна тушар, яна ердан узилиб худди ҳавода сузаётгандек бўларди. Мирвали «Волга» яқинига борганда бирдан тормоз берди. Машина тошу-шағалларни анча жойгача суриб бориб, ғийқиллаб тўхтади. У пастга тушиб машина моторини титкилаётган шофёрдан сўради:

— Нима гап?

— Тортмаяпти,— деди шофёр.— Нима бўлганини билолмаяпман.

Мирвали уни жеркиб ташлади:

— Сенга неча марта айтганман, трамблерни алмаштириб ол, деб. Бу аҳволда тепага тортолмайди. Яхшиям келганим, бўлмаса қолиб кетаркансизлар,— у шундай деб узр сўрагандек орқа ўриндикда ўтирган Жайронага қараб олди.— Сен қайтиб кетавер, ўзим обориб қўяман. Расулбекнинг машинаси ўтмадими?— деб сўради Мирвали.

— Утди, мунча ҳовлиқади-я, шунақаям чангитди-ки, йўлни кўролмайд қолдим. Икки-уч минут чанг босилишини кутиб тўхтаб турдим.

Шофёр изза бўлган бир алпозда багажникдан пакетларни олиб, «Нива»нинг орқасига эҳтиётлаб қўйди. Жайронанинг ранги оқариб кетган, гапиришга ҳам мадори йўқ эди. У эрталаб нонушта қилганича туз тотмаган эди. Мирвали унинг аҳволини кўриб, дарров пайқади.

— Очикқанга ўхшайсиз. Ўтиринг, сал юриб овқатланиб оламиз.

Жайрона машинага чиқди. Мирвали моторга аста газ берди. «Нива» тоғ томонга бир текис ўрмалаб борарди. Тераклар куршовидаги сайхонлик кўринди. Мирвали машинани тўхтатиб орқа юкхонадан букланадиган стол ва икки стулча олиб ўрнатди. Кейин боя Абдулазиз олиб чиққан кастрюлкани столга олди. Сумкадан нон, қошиқ ва санчқилар олиб, бирпасда дастурхон тузатди.

— Қани, Жайронахон, бир тамадди қилиб олайлик.

Жайрона ортиқча илтифот кутмай келиб ўтирди. Кастрюлкадан тарелкага сузилган қовурмадан ҳовур чиқиб турарди. Жайрона олинг-олингни кутмай ея бошлади.

— Қитдек-қитдек қиламизми, а?— деди Мирвали.

Жайрона бош чайқади.

— Келинг, озроқ, йўл азобини босиш учун.

У шундай деб, машина юкхонасидан бир шиша арман коньяги ва иккита пиёла олиб столга қўйди.

— Қани, ўзингиз очасизми, ё ўзим очиб берайми?

Жайрона нима дейишини билмай, оғзида овқат билан унга ҳайрон қараб турарди. Мирвали шишани олиб оғзидаги зар қопқоғини чиқарди-да, қул-қулатиб икки пиёлани тўлдирди.

— Вой, мен бунча ичолмайман, ака.

— Кўнглингиз кўтарганча-да, синглим,— деди унинг бўш келганидан дадилланиб Мирвали.

Уни қўярда-қўймай, икки-уч бўлиб ичирди.

— Ана энди, чарчоқ ҳам унитилади, иштаҳа ҳам очилади.

Унинг гапи тўғри чиқди. Жайронанинг чарчоғи босилгандек бўлди. Иштаҳаси ҳам очилгандек эди. У тўйиб қовурдоқ еб олгандан кейин, Мирвали шиша тагига бостириб қўйган салфетка қоғозга қўлларини, лабларини артиб ўрнидан турди.

— Кечирасиз-да. Бу қиз мунча очофат экан, деб ўйлагандирсиз. Жуда ҳам очикқан эдим. Қорним тўйиб, энди уяляпман.

Жайрона институтни қизил диплом билан битириб, уч-тўрт йил чет элларда ишлаб келди. Араб, инглиз, форс тилларини худди ўз она тилидек яхши билади. У туристик саёҳатларда таржимон бўлиб, кўп мамлакатларни кезган. Тортинчоқлик, ийманиб ўтириш унга бегона эди. Европаликларнинг кўп қилиқлари унга шундоққина ўтиб қўя қолганди. У чет эл туристларини Самарқандгами, Бухорогами олиб борганда уларга қўшилиб тиззадан юқори шорти кийиб олар, орқаси ботиқ креслоларда оёғини чалиштириб ўтираверарди. Бунини у уят деб санамасди. Мирвали унинг хипча бели, оппоқ томоқларига суқланиб қарар, қиз эса унинг бу қарашларига парво қилмасди. Чунки у йигитларнинг бу хил қарашларига ўрганиб кетган эди.

Теракзор орқасидан сой оқарди. Мирвали уни қўлтиқлаб ўша томонга бошлади.

— Мана, қаранг, шунақа тиниқ сувни кўрганмисиз. Йўқ, йўқ, яхшилаб қаранг, нимани кўряпсиз? Балиқларни кўряпсизми?

Сойда оқимга қарши бир қарич, бир ярим қарич катталикдаги балиқлар пилдираб сузишарди.

Улар балиқларни томоша қилгани пастга тушишди. Жайрона тошга қоқилиб кетмасин, деб Мирвали уни белидан ушлаб олган эди.

— Ия, бу маринка балиғи-ку.

— Ҳа,— деди Мирвали,— бизда уни Ойбалиқ дейдилар. Қаранг, ранги ҳам ой рангида. Олиб ерга ташлаб қўйсангиз, ярим доира бўлиб питирлайди. Худди яримта ойга ўхшайди.

Мирвали балиқ тутмоқчи бўлиб иккита тошга оёғини тираб энгашди. Ораликдан беозор сузиб ўтаётган балиқларга чанг солди. Тутолмади. Жайрона, тутолмадингиз, тутолмадингиз, деб қийқириб, чапак чаларди. Мирвали қирғоққа чиқиб унинг икки тирсиллаб турган билагидан сиқиб ушлади.

— Ойбалиқни тутолмаган бўлсам ҳам манави тилла балиқни тутдим.

Жайрона яна қийқириб кулди. Мирвали унинг қоп-қора киприклар қуршовида қолган кўзларига тикилди.

— Онангиз сизни кийикнинг кўзига қараб туриб туққанларми, дейман. Отингиз ҳам Жайрона, кўзларингиз ҳам, қоматингиз ҳам, юришларингиз ҳам жайроннинг ўзи.

Жайрона индамади. Юқорига чиқишди. Мирвалида йигитлик қони жўш ураётган бўлса ҳам, ўзини зўр билан босиб турарди. Шошилма, Вали, улгурасан, бу ҳуркович кийик энди ҳеч қаёққа қочиб қутулолмайди, дея ўзига таскин бериб, стол, стулларни йиғиштириб юкхонага жойлади.

— Қани, кетайлик. Қоронғига қолиб, адашиб юрмайлик тагин,— деди кабинага чиқаркан.

«Нива»нинг орқа эшиги йўқлигидан Жайрона ҳам олд ўриндиққа ўтира қолди.

Йўлга тушишди. Кеч кириб ажиб бир сўлим пайт бошланди. Ёнбағирлар кўм-кўк. Бу тарафларда машиналар кўп қатнамаганидан чанг-тўзон бўлмас, тез-тез ёмғир қуйиб турганидан дарахтларнинг шундоғам беғубор барглари ювилиб хандон писта мағзидек оч-яшил тусда кўринар эди. Йўлнинг бир томони азамат тошлар қалашган ёнбағирлик, бир томони сой. Унда юқоридан шитоб билан қўйилиб келаётган тиниқ сув бошларга урилиб, қирғоққа сапчиб оқарди. Жайрона бу хил манзараларни фақат ҳужжатли киноларда, телевизорнинг киносаёҳатчилар программаларидагина кўрган эди. Ҳозир андаккина коньяк кайфи унинг кўраётган манзараларига шоирона бир тус бағишларди.

— Магнитофон қўйиб берайми?— деди Мирвали.

— Француз ёки араб эстрадаси қўшиқлари бўлса, майли. Шашмақомларга унча хушим йўқ.

— Ундоқ бўлса гаплашиб кетарканмиз,— деди Мирвали кулиб.— Қай юртларда бўлганингизни, нималарни кўрганингизни айтиб беринг. Гаплашиб кетсак, йўл қисқаради.

— Қайси бирини айтмай? Кўп жойларга борганман. Франция, Италия, Лондон, Мадрид, Қоҳира... жуда кўп...

— Дунё кезаман, деб эрга ҳам тегмабсиз. Ёшингиз ўтиб қариб қолишни ўйламайсизми? Ахир, рўзғор тутиш ҳам керак-ку.

Жайрона афсуслангандек, бир уҳ тортди.

— Гапингиз тўғри. Мана, ёшим ҳам ўттиздан ошди. Уз тенги йигитлар уйланиб кетишди. Энди мени ким оларди. Ё хотини ўлган, ё хотин қўйган киши олади. Мени ёшимдаги йигитлар уйланмай вақтни ўтқазишмайди. Қари қиз бўлиб қолиш пешонамда борга ўхшайди. Ташвиш қилманг, ака, ўтирган қиз ўрнини топади, дейдилар-ку, ўзимга ўхшаган умрини ўтқазиб юрган биронтаси топилиб қолар. Юрган қолади. Кўрган қолади. Эрга тегиб битта болали бўлгандан кейин бунақа юришлар қаёқда дейсиз.

— Сиз ҳуснингизга ишонасиз. Масжид бузилса меҳроби қолади, дейишадди. Қариганингизда ҳам ёш йигитлар оёғингиз тагида ўралашиб юришига ишонасиз. Сиздақалар қари қиз бўлиб қолмайди. Кечирасиз, қанча ойлик оласиз?— Мирвали шундай деди-ю, чакки сўрадим, деб пушаймон қилди.

— Бир юз етмиш сўм оламан.

— Кам экан. Бир юз етмиш сўм пардоз-андозингизга ҳам етмайди-ку. Агар мен ҳукумат бўлсам, ҳуснингиз учун ойлигингизга яна уч юз сўм қўшардим.

— Подоходний билан бездетнийга ушлаб қолармидингиз? — Жайрона хандон ташлаб кулди. — Мен сиз ўйлаганча ночор, муҳтож банда эмасман, Мирвали ака. Уйда кечалари машинка босаман, аспирантларнинг кандидатлик диссертацияларини кўчираман. Институтга кирадиганларга араб, инглиз тилларидан репетиторлик қиламан. Журналлар учун араб, форс тилларидан ҳикоялар таржима қилиб бераман. Пулим ўзимга етади.

Мирвали ичида, тирикчилиги барибир ночор, деб ўйлади. Бу импорт кўйлақлар-у, туфлилар, тақинчоқлар, ҳар бири саксон сўм турадиган француз атирлари учун унинг топгани нима ҳам бўларди. Топган-тутганини ниҳоятда тежаб сарфласа керак. Қаранг, кўрган одам шу гўзал қизнинг ҳам ташвиши бормикан, деб ўйламайди. Бу хил аёллар кийиниш учун, тақиниш учун овқатдан тежайди.

Мирвалининг унга раҳми келди. Агар хўп, деса ҳозирнинг ўзида сумкасига сиққанча пул солиб қўйишга ҳам тайёр эди.

— Жуда антиқа кийинар экансиз. Ҳар қандай хотиннинг ҳам кўзини куйдирадиган кўйлақлар...

— «Березка» деган магазин бор, биласизми? Валютага сотади. Чет эл туристлари у ердан деярли савдо қилишмайди. Ушалардан ўзимизнинг пулимизни валютага алиштириб оламан. Кейин, чет элга чиққанимда ойлигимга чек беришади. Чекни биласизми?

— Биламан,— деди Мирвали худди шуни кутгандек,— қанақасидан керак, менда ҳар қанақасидан бор.

Жайрона унга ҳайрон бўлиб қаради.

— Ростданми? Сизда қаёқдан бўлади?

Мирвали жавоб ўрнига бир кўзини қисиб қўйди.

— Машинангиз тепаликка келганда тортмайди,— деди Жайрона қатъий оҳангда.

— Нега?— деди ҳайрон бўлиб Мирвали.

— Мана, кўрасиз. Яхшиси қоронғи тушмай тўғрилаб олинг. Иккинчи све-часи чиқиб кетган.

Мирвали унинг гапига парво қилмай кетаверди.

— Машинани аямас экансиз. Узингизники эмас-да.

— Шошманг, сиз қаёқдан биласиз?

— Биламан,— деди Жайрона.— Қоҳирада икки йил, Бомбейда бир йил машина минганман. Аммо Лондонда эплаб минолмаганман. Авария қилишимга оз қолган. Посол машина минишимни тақиқлаб қўйган. Биласизми, у томонда машинанинг рули ўнг томонда.

Мирвали ханг-манг бўлиб қолди. Бу қиз бало экан. Кўрмаган жойи, қилмаган иши қолмаган. Нимани гапирсанг, олдиндан тўсиб чиқади.

Йўл юқорилади. Машинанинг тортиши қийналиб кўксовга ўхшаб йўтала бошлади. Ҳар йўталганда кузов силкиниб кетарди. Жайрона шчитга қаради. Стрелка сувнинг юз даражага етай деб қолганини кўрсатарди.

— Сув қайнаб кетди, тўхтатинг,— деди Жайрона.

Мирвали машинани тўхтатиб, пастга тушди—да, капотни очди. Мотордан кўтарилган қайноқ ҳаво юзига урилиб ўзини орқага ташлади. Жайрона ҳам тушди. Мотор ёнида оқ чинни свечага уланган сим осилиб турарди.

— Ана кўрдингизми? Жойига тиқиб қўйсангиз олам гулистон. Машина ҳам қийналмайди, ўзингиз ҳам.

Мирвали унинг айтганини қилди. Яна йўлга тушишди. Энди мотор бир маромда гуриллар, юқорига кучанмай ўрмаларди.

Мирвали фақат машина минишни биларди. Бирон жойи бузилса, гаражга ташлаб бошқасини миниб кетаверарди.

У қиз олдида шу оддий нарсани билмаганидан хижолат чеккандек анча жойгача индамай кетди.

Йўл тоғ ўнгиридан чиқиб кенг яланглик бошланди. Жайрона ташвишланиб сўради:

— Етай деб қолдикми? Қоронғи тушяпти-я!

— Тўғри йўлни кўчки босган. Кўчкини биласизми? Тоғдан тош қулаб йўлни тўсиб қўйган. Айланма йўлдан кетяпмиз. Ун бир километр фарқ қилади.

Унг томондан қип-қизил бўлиб баркашдек ой кўтарила бошлади. Мирвали машина фарасини ёқди.

— Қоронғига қолиб кетдик. Юриш сал оғирроқ кўчади.

Олисни кўрсатувчи фара йўл ўртасига сурилиб тушган харсанг тошларни ёритди.

— Оббо,— деди Мирвали,— бу ёқда ҳам кўчки сурилибди-ку. Энди ўтиб бўлмайди. Орқага қайтишнинг иложи бўлмаса.

У шундай деб кабинадан сакраб пастга тушди. У ёқ — бу ёққа аланглаб, нималарнидир ўйлаган бўлди.

— Мундоқ қилсак. Чап томонга озроқ юрсак меҳмон кутадиган базамиз бор. Уша ерда тонг отдирамыз.

Жайронанинг бўшашибгина айтган, орқага қайта қолайлик, Мирвали ака, деган гапларига у эътибор бермай, иложи йўқ, иложи йўқ, дея машинани орқаси билан юрғизиб, чап томондаги икки тегирмон сув оқадиغان сой устидаги омонат кўприкка қараб солди. Машина лопиллаб нариги томонга ўтиб олди. Йўл тор бўлса ҳам анча текис эди. Мирвали қийналмасдан руль бошқариб борарди. Бир оздан кейин йўлнинг унг томонида каттагина ғорнинг оғзи қорайиб кўринди. Мирвали машинани ғор ичига бурди. Ичкари қоронғи эди. Фара илдизлар осилиб турган ғор деворларини ёритиб сал боргач, яна ўнгга бурилди. Шундан кейингина тахминан ўн беш сотихча келадиغان ялангликка чиқишди.

Атрофи баҳайбат тошлар билан қуршалган бу яланглик худди эртақлардаги сирли жойларга ўхшаб кетарди. Яланглик адоғида ғуж арчазор, тепадан бир тегирмон сув қуйилиб турипти. Сув қаёққа сингиб кетяпти, билиб бўлмасди.

Машина арчазор орасида тўхтади.

— Етдик, тушайлик энди,— деди Мирвали.

Жайрона ҳайрон бўлди. Бу қанақа жой? Уй йўқ-ку. Ҳаммаёқ тош. У машинадан тушмай ўтираверди. Мирвали қоронғида қаёққадир кетди. Бирпасдан кейин оғир бир нарса гуриллаб сурилди. У қайтиб келиб кабинадан картон каробкани оларкан, юринг, деди.

Жайрона юраги бетламайроқ унга эргашди. Уч метрча қоронғи йўлакдан ўтиб тўхташди. Мирвали тимирскиланиб, ниманидир қидирди. Кейин бир тавақали темир эшик ғийқиллаб очилди. Йўлак ёришиб кетди.

Ичкарига киришлари билан Жайронага йўл бераман, деб Мирвали нимагадир қоқилиб, инграб юборди. Полга тарақлаб нимадир тушди.

— Ҳа, даюс, шу ерга қўядими-я!— У аёл киши олдида беихтиёр сўкиб юборганини сезиб қолди-ю, узр сўради,— Кўрмайсизми, оёқ остига қўйипти.

Коридордан оқсоқлана-оқсоқлана бориб, зал уйнинг чироғини ёқди. Узи

тўрдаги диванга ўтириб, оёғини силай бошлади. Тиззасидан пасти шилиниб кетибди.

Зал араб мебеллари билан жиҳозланган. Ёнидагиси оппоқ булғор мебеллари қўйилган ётоқхона. Аждар сурати солинган хитой чойшаблари ёпилган қўш каравот. Пар ёстиқларнинг бурчак томони юқорига қаратиб қўйилган. Киравериб ошхона. Деворларига атир гул туширилган чех кафеллари ёпиштирилган. Бурчакда баллонли газ. Унга ёнма-ён қора кафелли ваннахона.

Ҳамма хоналар ниҳоятда дид билан безатилган. Ҳар бир хона остонасига учи гажакка ўхшаб қайрилган ҳинд шиппаклари ташлаб қўйилган.

Жавонларда рангли чех, немис биллур идишлари. Хитой, япон чинни сервизлари.

— Қани, энди ўзингиз хозайкалик қиласиз, — дея оёғини кўрсатди Мирвали, — инвалид бўлиб қолдим.

Жайрона ошхонага кирди. Газ плитаси устидаги қозон ҳали совумаган эди. Қопқоғини очиб қаради, хасип.

Демак, бу ерда кимдир бўлган. Кетганига ҳали ярим соат ҳам бўлмаган. Таомлар бошқа ерда пиширилиб, қозони билан олиб келинган.

Жайрона коридорда қолган сумкасини кўтариб ётоққа кирди. Зум ўтмай, узун халатининг боғичини йўл-йўлакай бойлаб чиқиб келди.

— Сиз ўтиринг, бу ёғига мен хизмат қилай.

Мирвали дастурхон устидаги докани очди. Стол усти анвойи мевалар билан тўлиб кетган эди. Хандон пистадан тортиб чақилган бодомгача, данак қорилган тоғ асалидан тортиб, каклигу бедана гўштигача бор эди.

— Мирвали ака, хасип совуб қопти. Сиз бирпас дам олиб туринг, ҳозир иситиб чиқаман, — деди-ю, яна ошхонага кириб кетди.

Бу жойларда тез-тез электр ўчиб турса керак. Ошхонадаги стол четида беш-ўнта шам ётарди. Мирвали оёғининг оғриғига чидамай эшик калитларини столга ташлаганини сезмапти. Жайрона калитларни қўлига олди-ю, ўйланиб қолди. Мияси яшин тезлигида ишлаб кетди. Битта шамни тарелкага ётқизиб қўйди-ю, газ плитасининг духовкасига тикди. Ўт олдирди. Сал фурсатдан кейин плита эшигини очган эди, шам ҳолвайтардек эриб ҳил-ҳиллаб қопти. У шошиб калитларни олди. Эриб турган шамга иккала калитни бостириб, газни ўчирди. Ана ундан кейин хасипли қозон тагига ўт ёқди. Шамли тарелкани олиб холодильникнинг музхонасига тикди.

— Бўлдимми? — деган овоздан чўчиб кетган Жайрона, ҳозир, ҳозир, пича сабр қилинг, — деб ғудранди.

То хасип исигунча у икки марта Мирвалининг олдига кириб:

— Оёғингизни оғриғи босилдимми? — деб сўради.

Мирвали жавоб ўрнига болдирини силаб, ўзини-ўзи зўрлаб илжайди.

— Ҳозир сузиб келаман.

Жайрона шундай деб, сервантдан лаган олиб, ошхонага қайтди. Холодильникни очиб тарелкани олди. Шам қотиб оппоқ бўлиб турарди. У аста калитларни чиқазиб, салфетка қоғоз билан шам илашган жойларини артиб, олдинги ўрнига қўйди. Калит изи тушган шамни қоғоз пакетга солиб супурги, швабра турган бурчакдаги пақир орқасига яширди. Бу пайт қозон қайнаб, ҳаммаёқни хасип ҳиди тутиб кетган эди. Жайрона бир лаган хасип кўтариб кирганда Мирвали ўрнидан туриб, дастурхонга қараб ўй-ўйлаётган эди. Хасип дастурхонга қўйилди. Мирвали қўлини кўксига қўйиб ялингандек деди:

— Агар малол келмаса, сервантнинг пастки эшигини очсангиз.

Жайрона эшикни очди. Очди-ю, ҳанг-манг бўлиб қолди. Сервантнинг паст хонаси француз, арман коньяклари билан тўлиб кетган эди. Ҳатто қўшқулоқли амфорада юнон коньяклари ҳам бор эди. Жайрона узоқ юртларда буларнинг барини кўрган, аммо бу ерда бўлишига сира-сира ақли бовар қилмас эди.

— Сизга қайси бири маъқул. Ёққанини олинг.

Жайрона гўё сеҳрлангандек эди. Мирвали нима деса итоаткорона бажарарди. У «Наполеон» деган француз коньягини олиб столга қўйди. Мирвали шиша бўғзидаги зар қопқоқни пичоқ билан тилиб, пўкагини тиши билан суғуриб олди. Оч ҳаворанг қадахнинг иккитасига тўлдириб қўйди.

— Қани, сайр ҳам сайр, саргардон ҳам сайр. Яхшиям шу жойни кўрдириб қўйган эканман. Бўлмасам, бўриларга ем бўлиб кетардик. Олинг, тортинмай

олинг. Емон ниятим бўлса йўлдаёқ сизга даф қилардим. Сизни қаттиқ ҳурмат қиламан.

Жайрона ҳуркиброқ қадаҳни қўлига олди. Мирвали то у ичиб юборгунича қараб турди-да, кейин бир зарб билан қадаҳни бўшатди.

— Овқатга қарайлик.

Икковлари иштаҳа билан овқат ейишга тушишди. Мирвали Жайронадан бу жойда қаёқдан иссиққина овқат пайдо бўлиб қолди, деган саволни кутган эди. Агар шуни сўраса министрни кутишга ҳозирлик кўриб қўйгандим, деб айтмоқчи эди. Лекин Жайрона сўрамади.

Бу жойни Расулбек билан икковидан бошқа ҳеч ким билмасди. Иморатни қурган усталар жуда узоқдан, Туркманистоннинг Красноводск томонларидан олиб келинган эди. Бетон ишларини резина заводида ишлайдиган маҳбуслар бажаришган. Бу жойга фақат югурдак — Расулбек келарди. Мирвали қандоқ иш буюрса нима учун, деб сўрамасди. Фақат, фақат бажарарди, холос. Мирвалининг шофёри ҳам бу жойни кўрмаган. Тоғу тошда юрадиган чўпонлар бу жойни ҳарбий аҳамиятга эга, деб яқин келишга қўрқишарди.

Тоғлар орасидаги сокин, сирли бу уйда нималар бўлганини, нималар бўлишини ҳеч ким билмасди.

Атроф пастак қоялар билан ўралган. Бир ён тубсиз жар. Баҳайбат арчаларнинг қуриган малларанг шохларида кечалари бойўғлининг хунук сайраши эшитилади. Этларни жимирлатиб юборади. Аммо тонг маҳали оҳангларга тўлиб кетади. Тонготар пайти булбуллар пайдар-пай сайрайди. Тошдан-тошга сакраб кийиклар подаси жарликка сув ичгани ўтиб кетади. Осмони фалакда бургут қанотини таранг ёзиб учади. Ҳали ҳеч кимга юзини кўрсатмаган қуёш тиғи унинг қанотига тушади. Гўё бургут қанотини оловли нурда қайраётганга ўхшаб кетади. Туллаб хунук тортган тулкилар саҳар пайти ғафлат босиб мудраб қолган қушларни тишлаб ўтадилар. Ёввойи мушуклар ўзларини офтобга солгани чўққи томонга ўрмалай бошлайдилар...

Бир вақтлар рўза ойида ўғрилар ҳам рўза тутишар, ўғирлик қилишмасди. Улар бир ой рўза тутиб поклардилар. Ушандай кезларда халқ эшигини қулфламай ётади. Дўкдорлар ҳам ташвишсиз ухлардилар.

Мирвали ана шундай тонг пайтида баланд бир това тош устига чиқиб табиатнинг бу ғуборсиз ҳавоси-ю, нораства нафасидан покланиш учун то офтоб пешонасига тушгунча ҳеч нарсани ўйламай, э, худо, э, худо, гуноҳларимдан ўт, тавба қилдим, ўзинг паноҳингда асра, деб пичирлаб ўтирарди.

Қора кечада бу уйда бўлиб ўтган қора ишлардан шу билан поклангандек энгил тортарди.

Мана ҳозир у ширакайф. У шу топда қаршисида бир жаҳон бўлиб ўтирган тенгсиз гўзал қизнинг зулукдек қошларига, мастона кўзларига, гарданида ўримга кирмай қолиб бақбақасига яқин жойгача эгилиб келган зулфларига маҳлиё бўлиб ўтирибди. Энди шу қиз уники. Қиз нима дейди, кўнадими, кўнмайдими, унга барибир. Шу топда биргина Мирвалининг хоҳиши етарли. Қизнинг бундан буёқдаги ҳаёти шу бугун, шу топда ҳал бўлади.

Мирвали қатъий ишонч билан ўрнидан турди. Келиб қизнинг ҳалати ёқасидан сал-пал кўриниб турган елкасига қўлини буюқди. Ёқасини суриб яланғоч гарданини силай бошлади.

Қиз ҳушёр тортди. Қаршисидаги кўзлари ҳирсиётга тўлган кишининг ҳозир ҳар қандай зарбага тайёр эканлигини сезиб турарди. У ўрнидан туриб тисарилиб, нари кетди. Мирвали бориб уни бурчакка қисди.

— Қаршилик қилишнинг фойдаси йўқ, Жайрон. Энди сен меники бўлдинг. Жайрона ортиқча ҳаяжонга тушмади. Аста унинг кўксидан итарди.

— Қўйинг, қўйинг, Мирвали ака.

Мирвали турган ерида костюмини ечиб, диванга улоқтирди.

Ташқарида машина сигнал берди. Мирвали тўхтаб қулоқ солди. Кимдир келди. Бу томонларга ким келиши мумкин. Мирвали Расулбекми, ким бўлди экан, деб ўйлади. Ҳар қандай ташвиш бўлганда ҳам мен боримда бу томонларга келмайсан, деб қасам ичирган эди-ку? Нима бўлди экан? Фавқулодда, зудлик билан хабар қилмаса бўлмайдиган воқеа бўлдимикин?

Мирвали костюмини олиб шошилганча ташқарига отилди. Машина олдида Расулбек безовталаниб турарди.

— Нима бўлди? — деди Мирвали паст овоз билан.

— Мени кечиринг, хўжайин. Шавкат Расулов телефон қилдилар. Қаерда бўлса ҳам зудлик билан топиб келинглар, ниҳоятда муҳим гап бор, дедилар. Етиб бормасангиз бўлмайдиган гапга ўхшайди, хўжайин.

Мирвали Шавкат Раҳимовнинг гапини кўмондон буйруғидек биларди. Шу пайтда қидирiptими, демак жуда зарур гап. Ишқилиб тинчлик бўлсин-да...

У шошиб орқасига қайтиб ичкарига кирди. Жайрона ҳамон бурчакка қисилганча кўзлари жавдираб турарди. Мирвали унга яқин келиб, иягига қўл юборди.

— Толеинг бор экан, Жайрон. Зарур иш билан идорага кетдим. Эрталаб келаман. Ҳар эҳтимолга қарши устингдан қулфлаб кетаман. Бемалол еб-ичиб, ухлайвер. Бу жойда сенга ҳеч ким даф қилмайди.

У шундай деди-ю, шошилганча чиқиб кетди. Ташқари эшик қарсиллаб ёпилди, калитларнинг шақирлагани эшитилди. Оғир бир нарса қалдираб сурилди. Бир зумдан кейин мотор гуриллади-ю, зарб билан силкингани эшитилди. Ҳаммаёқ жимжит бўлиб қолди.

Жайрона ҳуши ўзига келиб, атрофни кузата бошлади. Деворнинг бир томонига туркман гилами осилган. Бурчакда япон телевизори. Ажаб, деб ўйлади Жайрона, — шу баланд тоғлар орасида телевизор кўрсатувларини олармикан? У яқинроқ бориб қаради. Пастак курсида видео магнитофони устига салфетка ташлаб қўйилган экан. Унинг ёнида етти-саккизта видеокассеталар...

Қозикча «Коника» деб аталган япон фотоаппарати тасмасидан осиб қўйилган. Жайрона аппаратни олиб филофидан чиқарди. Қанча сурат олинганини кўрсатадиган рақамга қаради. Ун етти кадр сурат олинпти. Аппаратни жойига илиб қўйди. Видеони тоққа улаб кассеталардан бирини қўйди-да, кнопокани босди. Экран ёришиб липиллаб турди-ю, бирдан Париж, Эйфель минораси кўринди. Минора узоқлашиб экранда ёзув пайдо бўлди. Бу фильмнинг номи эди. Жайрона уни илгарилари бир кўрганди. Бу француз контрабанда шахвоний фильми эди. Жайрона уни тўхтатиб бошқа кассетани қўйди. Буниси япон каратэчи қизлари тўғрисидаги фильм. Уни бир оз томоша қилгандан кейин ўчирди-ю, бошқасини қўйди. Экранда Мирвали трусичан тошга суяниб илжайиб турипти. Аппарат узоқлашди. Унинг ёнида ўн етти ёшлардаги чиройли бир қиз унга зарда қилгандек орқа ўгириб олган. Мирвали уни бир силтаб тортган эди, бағрига келиб тушди. Кейин уни шарт кўтариб сувга сакради.

Экранда қизнинг юзи. У юзига билинар-билинемас ҳуснбузар тошган дўмбоқчина қиз эди. Ичган бўлса керак, кўзлари сузилиб кетяпти.

Бир минут экранда ҳеч нарса кўринмай липиллаб турди. Кейин тўшакда ётган Мирвалининг маст башараси пайдо бўлди. Унинг ёнида сочлари ҳурпайган бир аёл ётарди. У ҳам ёш. Қирган бўлса ўн тўққиз-йигирмаларга қирган. Мирвали уни тинмай ўпар, бағрига босар, қийқариб куларди. Қиз кайфининг зўрлигидан ўзини эплаёлмас, унга монелик қилолмай ўзини у ёқ — бу ёққа ташларди. Мирвали уни яна бағрига тортиб кўкракларидан тинмай ўпа бошлади.

Эндиги кадрларга Мирвали туфлисини икки қўлига ушлаб олган бир қизни пастликдан опичлаб чиқаётгани туширилганди. Қизнинг икки кўзи жиққа ёш. У кўлидаги туфли билан Мирвалининг боши, елкаларига тасирлатиб урар, Мирвали эса унга парво қилмай, лўкиллаб юқорига интиларди.

Жайрона бир соатдан ортиқ Мирвалининг ишрат ўйинларидан баҳс этувчи рангли кино лавҳаларни кўрди. Кадрларда унинг қизлар билан кечирган «севги» дақиқалари акс этган эди.

Жайрона қозикдан фотоаппаратни олди-ю, бояги кассетани бошқатдан қўйиб, ҳамма эпизодларни бирма-бир суратга тушира бошлади.

Тун узоқ. Тонг отишига ҳали аллақанча вақт бор. У нима қилишини билмай ётоқхонага кирди. Шифоньер эшигини очиб қаради. Ҳеч қандай кийим-бош йўқ. Узун ингичка эшикни очди. Токчаларда сочиқ, чойшаб, кўрпа филофлари тахланган. Пастдаги тортмани бери сурди. Унда хилма-хил атирсовунлар. Етти-саккиз қутичада француз духиси. Кейинги тортмада тиш пастаси, соқол оладиган машинка ва бир неча пачка лезвие. Қоғозга ўроғли яна нимадир бор. Очиб кўрди. Тошкент, ГУМ, деб тамға қўйилган қоғозга ўроғли ўн чоғли янги, ҳали очилмаган фотоплёнкалар...

Жайрона улардан бирини олиб очди. Зар қоғозни халатининг чўнтагига солиб қўйди. Кейин плёнкани электр ёруғига тутиб турди-да, яна қайтиб зал уйга чиқди. Чироқни ўчириб, фотоаппаратдаги плёнкани чиқариб, янги лентадан қолган қора қоғозга эҳтиёт қилиб ўради. Устидан бояги зарқоғоз билан обдан нур кирмайдиган қилиб ўраб ташлади. Унга ҳам қаноат қилмай дастурхонда боя Мирвали очган шоколаднинг зар қоғозини пайпаслаб топиб, уни ҳам плёнка устидан ўради. Кейин чироқни ёқиб боя нурланган плёнкани кассетага ўраб аппаратга жойлади. Ун етти рақами келгунча ғалтакни айлантириб аппаратни филофига жойлади-да, яна илиб қўйди.

Энди у, бу қафасдан қутулиб кетиш йўлини қидирарди. Чиқиб кетишнинг сира иложи йўқ эди. Деразаларга йўғон-йўғон темир новдалардан панжара ўрнатилган. Эшик қўш қулф билан бекитилган. Жайрона нима қилишини билмай ваннахонага мўралади. Одам бўйдан баландликда бир патнис эни дераза бор эди. Унга ҳам темир панжара ўрнатилган. Боя Мирвали қоқилиб кетган қутига кўзи тушди. Тепасига қўш рюмка тамғаси туширилган қути негадир тўла очилмай қолиб кетган, ёнида омбур ётарди. Жайрона омбурни олиб ваннахонага кирди. Панжара тўрт еридан михланган эди. У залдан стул олиб келиб деразага бўй чўзди. Омбур билан михларни суғуришга киришди. Жуда узун мих экан, ҳадеганда суғурилавермасди. Икки соатча уруниб атиги иккита михни аранг суғуриб олди. Қўллари қавариб, терга тушиб кетди. Қолган иккитасини суғуриб ўтирмай панжарани бир томонга сура бошлади. Панжара худди эшикчага ўхшаб бир ёққа очилиб қолди. Энди унга бемалол одам сиғиши мумкин эди. Жайрона деразага бўйлаб ташқарига қарамоқчи бўлди. Дераза орқаси озгинроқ одам сиғадиган узун туйнук эди. Жайрона сурилиб-сурилиб туйнук охирига етди. Тоза тоғ ҳавоси димоғига урилди. Ой тўлишган бўлса керак, тошлар қиров рангида элас-элас кўриниб турарди. Пастга қаради. Ер тахминан салкам тўрт метрча пастликда.

У тисарилиб-тисарилиб, яна ваннахонага қайтиб чиқди. Залга кирди-ю, диванга ўтирганча ўй-ўйлай бошлади. Хаёлига бирон жўяли фикр келмасди. Кейин бирдан фикри тиниқлашди-ю, ётоқхонага кириб иккита чойшаб кўтариб чиқди. Бирини бирига маҳкам қилиб боғлади. Ана энди бўлди, деб ўйлади. Бир учини панжарага бойлайману осилиб тушаман.

Соатига қаради. Бешдан ошипти. Ҳадемай тонг отади. Сўқмоқлар сал ёришиши билан йўлга тушаман, деб тонг отишини кута бошлади. Пакетдаги шамни эҳтиёт қилиб сумкасига жойлади. Яна коридорга чиқиб оёқ остидаги қути тепасига келди. Радиола экан. Ичидан паспортини олиб муқовасининг ич тарафига қаради. Кейин ичкарига кириб, хат ёза бошлади. Юқларини кўтариб, ваннахонага кирди. Боя иккитасини бир-бирига улаган чойшабни чамалаб кўрди. Калталиқ қилмасмикин, деб ўйлади. Яна битта чойшаб опчиқиб улади. Энди етади, деган қаноатга келди. Боя қандай азоб билан дераза — туйнукдан судралиб ташқарига бош суққан бўлса, яна ўшандай судралиб туйнук охирига етди. Тонг отган. Тошлардан шудринг кўтарилди бошлаган эди. Жайрона чойшаб учини лапанглаб турган панжарага маҳкам қилиб бойлади. Тиши билан тугунини тортиб текшириб кўрди. Кейин мункиб кетишдан кўрқиб, ярим белигача туйнукдан ташқарига чиқди. Чойшабни икки қўллаб қаттиқ ушлади-ю, бутун гавдасини ташқарига олди. Орқаси тош деворга гурсиллаб урилди. Чойшабни қўйвормади. Сидирилиб кафтларини шилиб юбормаслиги учун жон-жаҳди билан чойшабга ёпишиб олган эди. Худди цирк акробатларига ўхшаб аста пастга туша бошлади. Охири оёғи ерга тегди.

Чойшабни қўйиб юбориб қаддини ростлади. Тепага қаради. Бу томонда дераза борлиги билинмасди. Оддий тоғ ғорчаси бўлиб кўринарди. Жайрона сумкасини елкага олиб хилват майдончадан чиқиб кетишга йўл излай бошлади. Тошлардан сакраб-сакраб тепаликка чиқди. Яна пастга тушди. Кечаги арчазорга кўзи тушди. Айланиб ўша томонга ўтди. Кеча уйга қаердан кирганларини билолмади. Ҳаммаёқ тош. Биронта бош суққудек жой йўқ.

Арчазор олдидаги янгликда кечаги «Нива» турарди. Жайрона кўрқиб кетди. Мирвали келгану уни кутиб турганга ўхшади. Сумкасини кичкинагина тўппончасини олиб у ёқ — бу ёққа аланглади. Аста бориб машина капотини ушлаб кўрди. Музддек. Демак, Мирвали кеча идорага бошқа машинада кетган. Жайрона яна орқасига қайтди. Кечаги, эшикка олиб борадиган ғорни қидира

бошлади. Унинг бир кўнгли то шу эшикни топмагунча кетмайсан, деяётгандек эди. Аммо ортиқча ҳаяллашнинг иложи йўқ эди. Мирвали келиб қолса, ҳамма иши барбод бўлиши аниқ эди.

Жайрона сумкасини машина ичига отиб кабинага қаради. Калит йўқ. Руль тагига бош суқиб электр симларини суғуриб олди. Бирини бирига улаб газ берди. Машина йўталгандек бир силкиниб қўйди. У яна газ берди. Мотор ўт олди. То қизигунча бир дам кутиб турди. Кейин йўлни чамалаб аста юргизди...

Мирвали кун ёйилганда келди. Машина йўқлигини кўриб ҳайрон бўлди. Битта-яримта ҳайдаб кетмадимикан, деган гумон кўнглидан ўтди. Шошиб, тошлар қалашиб ётган жойга келди. Бир ярим одам бўйи тошни кучаниб сура бошлади. Бу тош ғалтакка ўрнатилган эди. Қалдираб сурилди. Бўйи ва эни бир ярим метр келадиган ғор оғзи очилди. Мирвали ичкарига шошиб кирди. Калит солиб темир эшикни даранглатиб очди. Жайрона, Жайрона, деб овоз берди. Жавоб бўлмади. Ҳамма хоналарга кириб-чиқди. Жайрона йўқ эди. Ювинаётган бўлса керак, деб ваннахона эшигини итарди. Ичидан берк эди. Тақиллатди. Жавоб йўқ. Ўзини бир бало қилиб қўймадимикан, деб юрагини ваҳм босди. Елкаси билан эшикни гурсиллатиб икки-уч урди. Охири эшик очилиб кетди.

Дераза панжараси қийшайиб қолган. Унда чойшаб оқ байроқдек ҳилпираб турарди.

Мирвали бутун уринишлари бекор кетганидан аламда гурс-гурс юриб залга чиқди. Столда хат. Шошиб ўқий бошлади.

«Ҳурматли Мирвали ака!

Мени кечиринг. Сизни кутмай кетиб қолдим. Сиздан асло хафа эмасман. Ҳеч нарсангизга тегмадим. Мен тўғримда ёмон хаёлларга борманг. Аслида ўзим шунақа «жиннироқман». Йигитларга бош эггим келмайди. Қандоқ қилай, онам мени шунақа қилиб туққан бўлса. Мен шунақа югурик жайронман. Менга ҳеч қанақа овчи ўқ етқазолмайди. Тошкентга борганингизда мени йўқлаб туринг. Ҳар қалай «қадрдон» бўлиб қолдик.

Сизга ҳурмат билан Жайрона».

Мирвали хатни ўқиб бўшашиб ўтириб қолди. Бу ярамас қиз яна у сочган донни чўқиб қочди. Хатнинг мазмунига қараганда унчалик дили оғримаганга ўхшайди. Бу тош қалъадан омон-эсон қутулиб кетганига шукр қиляпти, шекилли.

Лекин Мирвали ниҳоятда эҳтиёткор одам эди. Тулки қорда из қолдирмаслик учун думи билан изларини супуриб кетганидек, у ҳам бирон жойда из қолдирмасди. У хоналарни бир-бир айланиб жиҳозларни кўздан кечирди. Телевизорни ушлаб кўрди. Қўйилмапти. Қўйилган бўлса корпуси иссиқ бўларди. Қозикдан фотоаппаратни олиб кадр рақамига қаради. Ун еттинчи кадрда тўхтаганича турипти. Видеокассеталарни бир-бир қўлига олиб қаради. Ҳаммаси жойида. Демак, у ҳеч нарсага тегмаган. Фақат, фақат омбурнинг хонада қолгани чакки бўлган экан. Битта шу омбур панд берган. Аттанг. Ярамас Расулбекнинг пандавақилиги бу.

Барибир хатнинг руҳи унга анча тасалли берарди. Унда зарда, алам сезилмасди. Тошкентда кўришайлик, қадрдон бўлиб қолдик-ку, дегани уни анча тинчитди.

Мирвали келаётганида табиати ниҳоятда равшан эди. Шавкат Раҳимович унга яхши гаплар айтди.

— Ўғлим, омонмисиз? — деди жуда мулойимлик билан. — Хабарингиз борми, Москвадаги оқсоқолимиз ҳозир Олмаатадалар. Бугун-эрта бизга келадилар. Аэропортда нон-тузни сиз олиб чиқасиз. Сизга шундай шарафли вазифа топширяпмиз. Орденларни тақиб келинг. Ундан ташқари отахонимизга Самарқандни кўрсатмоқчимиз. Ўшанақаси озроқ дам бериш учун сизнинг довоингизни мўлжалладик. Сизга махсус одам кетган. Нимаики гап бўлса ўша кишидан эшитасиз. Олий даражадаги меҳмонимиз рафиқалари билан келадилар. Онахонга бирон арзирли совға бўлиши керак. Борган одам айтади. Маслаҳатлашиб оласизлар. Совхоз ишларига алоқадор даннийларни тайёрлаб қўйинг. У киши сўраб қолсалар довдираб юрманг, ўғлим.

Мирвали унинг ҳар бир гапига ҳўп, ота, ҳўп бўлади, ота, деб турди.

У ана шундай ширин кайфиятда келганди. Маишат ҳам мана шу кўтаринкиликка яраша бўлади, деб ўйлаган эди.

Ҳамма ўйлари чипакка чиқди. Жайрона уни доғда қолдириб тош қафасни парчалаб қочипти.


Яна бир ёмон иш шуки, Мирвали муюлишга келганда ҳар галгидек, шофёрга жавоб бериб юборган эди. «Нива»да қайтаман, деб ўйлаган эди. Энди «Нива» йўқ, уни олиб келган машина кетиб қолган. Бу ерда хабар қилиш учун на телефон бор, на рация.

Мирвали гаранг бир аҳволда эди. Пиёда юриб тоғма-тоғ, довонма-довон ошиш осонми?

У нима бўлса ҳам бирон чўпоннинг отини оларман, деган ўй билан эшикка қўш қулф уриб, ғордан ташқарига чиқди.

Давоми келгуси сонда

98



Юсуф Жумаев

СЕНИ ХАЁЛИМДАН ЮЛОЛМАЙДИ ВАҚТ

Ўзбекистон суврати

Кўз олдимда, қачон ўй сурсам,
Ажинли юз, қабарикли кўл.
Ярим тунда қайтарди отам,
Тердан энгил-боши жиққа ҳўл.

Болаликдан қолган хотирот,
Уйларимни ошиён этган.
Йўриғингдан нолонман, ҳаёт,
Болалик ҳам, отам ҳам ўтган.

Жоним бўлиб ҳижронга банда,
Яшарканман ғам ютган кўйи,

Ҳамон, кимдир ўзбек деганда:
Димоғимга келар тер бўйи.

Ёймоқ лозим барча ёқларга,
Бу хокисор халқим шухратин.
Солмоқ керак бор байроқларга,
Терга ботган деҳқон сувратин.

Демасинлар қайда ва қай дам,
Ўзбекистон деганда нуқул.
Кўз олдимга келади отам,
Тердан энгил-боши жиққа ҳўл.

* * *

Ғанимлардан бешафқат, баттар,
Юрак, бағрим — ичимдагилар.
Бевафо ёр, алдамчи дилбар
Васли дея зуғумлар қилар.

Туннинг рангги оқарар, уним —
Тортган оҳи саҳарларимдан.
Ёвдан эмас, бошимга ўлим
Келар юрак, жигарларимдан.

* * *

Минг афсус, боғимни қоралади тун,
Боғим қораланган, тун қалбни ғашлар.
Ялдо кечалардан ғамларим узун,
Хайрият, кўп ўтмай қор ёға бошлар.

Оқара бошлади нотавон ниҳол,
Оқара бошлади дарахтлар қатор.
Қор, тинмай ёғавер, ўзинг оқлаб ол,
Ҳали оқланмаган чинорларим бор.

Муҳаббат юрти

Муҳаббат аталган ўт бор, ёронлар,
Бу ўтнинг бошига етгим келади.
Муҳаббат аталган юрт бор, ёронлар,
Бу юртдан бош олиб кетгим келади.

Ҳажру рашки бордир, жонга озордир,
Қаёққа йўл олма бошингда дордир,
Бунда ҳабиб йўқдир, ҳамма ағёрдир,
Бу юртдан бош олиб кетгим келади.

Умидсиз яшайсан, топилмас нажот,
Насибанг эрта-кеч бошингдаги дод,
Қон ютиб ўтарсан, ёлғиз, бемурод,
Бу юртдан бош олиб кетгим келади.

Сени тушунгувчи бир жон топилмас,
Бирорта дардингга дармон топилмас,
На тенглик, на бирлик, имон топилмас,
Бу юртдан бош олиб кетгим келади.

* * *

Сени хаёлимдан юлолмайди вақт,
Келиб — кетаётган замонлар билан.
Дилим масканингдир мудом, то абад,
Иши йўқ пок, нопок давронлар билан.

Ортимда, ортингда ғийбатлар бўлди,
Маломатлар бўлди, тухматлар бўлди,
Бошимда ҳамиша кулфатлар бўлди,
Номинг йўқланаркан бўҳтонлар билан.

* * *

Менинг пешонамга сиғмадинг, эй моҳ,
Сенинг пешонангга сиғмадим илло.
Пешонам бунчалар шўр экан, э воҳ,
Пешонанг бунчалар бўлмаса қаро.

Вафодор деганинг бўлар жаллодинг,
Дўстингни кулдиранг тортган фарёдинг,
Хайрият бор ўлим — танҳо имдодинг,
Бу юртдан бош олиб кетгим келади.

Лаҳза яшолмайсан фиғонлар этмай,
Юрасан топганинг томоқдан ўтмай,
Забункуш жафоси бошимга етмай,
Бу юртдан бош олиб кетгим келади.

Сени хор деганинг ўзи хор, гулим,
Сени мор деганинг ўзи мор, гулим,
Ишқинг юрагимда устувор, гулим,
Ишим — сени ёдлаш армонлар билан.

Гарчи ҳукм ўқирлар: «унут, бенаво»,
Лекин хомам айлар отингни иншо,
Шундоқ номлар бўлар, уларни ҳатто
Йўқотиб бўлмайди фармонлар билан.

Ҳажринг ғами билан борар қартайиб,
Ҳажрим ғами билан қароғи пурнам.
Сенинг пешонангга сиғмаган ғариб,
Менинг пешонамга сиғмаган санам.

Шаҳарлик дўстан мактуб

Қаёққа қарама фақат ноқислар,
Фалак не кунларни бошга солмади.
Момолар удумин тарк этди қизлар,
Сочи узун-узун қизлар қолмади!

Энди улар Беҳзод сувратларида,
Буюк Отойининг шоҳ байтларида,
Толе йўқ ошиқлар қисматларида,
Сочи узун-узун қизлар қолмади!

Гар қилса хиёнат қай аёл — хордир,
Азал сочин кесмак жазоси бордир,

Наҳот бу кун бари хиёнаткордир,
Сочи узун-узун қизлар қолмади!

Элнинг удумлари жойида бўлсин,
Удумлар ҳар кимнинг ройида бўлсин,
Гўзалларнинг сочи пойида бўлсин,
Сочи узун-узун қизлар қолмади!

Кўнглим қолиб кетган маъвода нетай,
Олис қишлоқларга бош олиб кетай,
Сочлар ерга етган ерларга етай,
Сочи узун-узун қизлар қолмади!

Тенгдошларга

Эй сиз тенгдошларим, эй гапвозларим,
Эй дарди йўқларим, ақли озларим,

Сўйлайсиз, тинмайсиз на кундуз, на тун,
Наҳот туғилгансиз гап сотиш учун.

Гап билан эришиб бўлмас иқболга,
Гап эмас, сув керак шўрлик Оролга.

Тоқат қидолмайин қолди ёвғонга,
Гап эмас, гўшт керак музтар деҳқонга.

Гап эмас, шеърхонга шеърлар керакдир,
Гап эмас, халқимга эрлар керакдир.

Ҳақ, ҳақ деб, гап сотиб юргунча бундоқ,
Етиштирган яхши биргина бошоқ.

* * *

Малакдан заррача эҳсон йўқ бизга,
Ошиқмиз, демакки, омон йўқ бизга.

Ҳамдард топаман деб ўртанмак бекор,
Дунёда биз каби нолон йўқ, бизга.

Муродга етгимиз келару бироқ,

Эй кўнгил, нетайлик, имкон йўқ бизга.

Ўлмаган эмишмиз гўзал ҳажридан,
Бу бўҳтондан ёмон бўҳтон йўқ бизга.

Нокаслар дастида барча замонлар,
Эй Юсуф, оламда замон йўқ бизга.

* * *

Қисмат, не кўйларга гирифтор этдинг,
Ёшлик чоғларимда бошни қор этдинг?!

Жонни берай дедим вафодор топсам,
Нечун йўқ нарсага харидор этдинг?

Мени даволовчи беморхона йўқ,
Муҳаббат дардида дилафгор этдинг.

Ишқида айлагач юрагим қарор,
Жонимни ҳажрида беқарор этдинг.

Айбга буюрмагин магар нолисам:
Тиззамдан пастларга мени зор этдинг.

Афсона

Қадимда бўларкан эркдан беҳабар,
Олма япроғидек майда бир кишвар.

Андуҳи кўп экан, кам экан нони
Ва лекин бешафқат қартайган хони

Очман ё бахтсизман деса қай шўрлик,
Ул зотни тириклай кўмдираркан, тик.

Нон тилаб юраркан тиланчи шодмон,
Шу боис ҳайқирган дея мен комрон.

Шу боис очликдан ўлаётиб ҳам,
Гадо бахтлиман деб сўйларкан хуррам.

Эски афсонани ёдимга солар,
Бу кун бахтлиман деб юрган гадолар.

* * *

Гумонлар ичра кечган
Фифонлар ичра кечган
Ҳаётинг ҳаёт эмас,
Ҳаётинг ҳаёт эмас.


Ўтарсан нолон-нолон,
Жононлар ичра кечган
аҳду вафоси ёлғон,
Ҳаётинг ҳаёт эмас.

Дардингдан куладилар,
Нодонлар ичра кечган
кушанданг бўладилар,
Ҳаётинг ҳаёт эмас.

Жонингдан кеч деб ёз, қиш,
Фармонлар ичра кечган
ҳажри берар фармойиш,
Ҳаётинг ҳаёт эмас.

Кўнглим кўзи фаттонда,
Армонлар ичра кечган
ўтар бўлдим армонда,
Ҳаётинг ҳаёт эмас.

Қоракўл



Пиримқул Қодиров



ФАТҲОБОД, ГУЖАРАТ

Икки суиқасд

Бундан қирқ беш йил муқаддам Секрининг Боғи Фатҳида Бобур Хондамир билан сув ичган булоқ ҳали ҳам ер остидан тоза қумлар билан бирга қайнаб чиқиб турибди. Унинг тиник суви баландга бўй чўзган санобар ва нинб¹ дарахтлари орасидан шилдираб оқмоқда.

Суиқасдан ярадор бўлган Акбарни кечки пайт тахтиравонда шу боққа кўтариб келдилар...

Бу ҳодиса куппа-кундуз куни Деҳли кўчасида юз берди. Акбар отасининг мақбарасини зиёрат қилиб қайтаётган эди. Ёнида элликтача отлиқ йигити ҳам бор эди. Зиёратга борганда у зирҳли кийим киймас, эғнида енгил оқ сўфий делагай² бор эди.

Катта кўчадан ўтаётганларида Акбар Моҳим энага қурдирган қизлар мадрасасининг икки ошиёнлик биносини таниди-ю, отининг жиловини тортди. Марҳумнинг хотираси учун шу ерда бир лаҳза тўхтаб ўткиси келди. Мадраса томонга энди юзланган пайтда иккинчи қаватнинг айвонида кескин бир ҳаракат сезилди. Йўғон устун панасига яширинган барваста одам ёй ўқини Акбарнинг чап кўкрагига тўғрилаб отди. Уқни жуда кучли қўллар отгани шувиллаб келаётган шарпасидан ҳам сезилди. Жангларда кўп юриб, бу шарпадаги ажал хатарини тез илғашга ўрганган Акбар дарҳол отнинг ёли устига эгилди. Аммо паналашга улгурмади. Кўкракка мўлжаллаб оқилган ўқ у эгилаётганда чап елкага шундай қаттиқ санчилдики, Акбар ҳушидан кетиб, эғадан ерга йиқилиб тушди. Ёнидаги Жалолхон кўрчи отидан сакраб тушиб, уни елкасидан суяб турғиза бошлади. Сижоатхон деган соқчи ўнча йигити билан ўқ отган одамни тутиб келиш учун югуриб кетишди. Айвонда бир кўринган соқол-мўйлови ўсиқ девсурат йигит қизлар сабоқ тинглаб ўтирган хоналарга кириб яширинмоқчи бўлди. Акбарнинг соқчилари қий-чув кўтариб йўлакка қочиб чиққан қизлар ва отин ойилар орасидан:

— Пўшт, пўшт! — деб ўтишиб, ўқ отган одамни қувиб кетишди.

Бу орада Акбар сал ўзига келди, елкасига санчилиб турган ўқнинг жизиллатиб оғритаётганини, илиқ қон баданига сизиб оқаётганини сизди. Жалолхон:

— Уқ заҳарланган бўлиши мумкин! — деди, уни суғуриб ташламоқчи бўлиб бир тортди. Лекин ўқ елка суяги билан эт орасига жуда чуқур кирган эди, бир тортганда чиқмади. Акбар оғриқ зарбидан ихраб, ранги оқариб кетганини кўрган Жалолхон ўқни яна қаттиқроқ тортишга журъд этолмади. Шунда Акбарнинг ўзи чап елкасига олд то-

¹ Охири. Боши ўтган сонларда.

² Нинб — акацияникига ўхшаш барглари ва шохлари тўп бўлиб, тепаси соябонга ўхшаб турадиган баланд дарахт.

² Делагай — яқтакка ўхшаш кийим, астарсиз тўн.

мондан санчилиб турган ўқни ўнг қўли билан шарт суғуриб олиб ташлади. Кўзи яна тиниб қон қаттиқроқ оқа бошлаганини сезмади.

Хуржунда доим қонни тўхтадиган дори, ярани боғлайдиган тоза мато ва малҳам олиб юрадиган Рафиқ маҳрам Жалолхонга ёрдамга етиб келди. Икковлашиб Акбарнинг ярасини боғладилар ва қўлтиғидан суяб, сув бўйига, соя жойга олиб ўтдилар.

Қизлар мадрасасига кириб кетган йигитлар ўқ отган давангидай баҳайбат одамни тутиб қўлларини боғлаб судраб чиқдилар. Унинг кетидан иккита навкар қўлидан тутиб олиб келаётган мадраса қоровули:

— Мени қўйворинг, бу Пўлат васвасни мен киргизганим йўқ! — деб жаврарди. — Касофати ўзига урсин! Иккинчи ошиёнга яшириқча чиққан! Мен кўрсам, уни мадрасага киргизармидим? Номаҳрам девона айвонга осмондан тушганми? Навзан биллох, беҳабармен!

Кўзлари қутурган ҳўкизнинг кўзларига ўхшаб қонталаш бўлиб турган Пўлат васвас Акбарнинг тирик қолганини кўриб:

— Сендек диндан қайтган даҳрий подшони ўлдириб ҳам оз! — деб бақирди. — Сен нуқул кофирларга ён босдинг, қанча мўмин-муслмонни ўлдирдинг! Адҳамхон, Алиқулихон, Баҳодирхон менинг кадрдонларим эди. Пайғамбар авлодидан бўлган қанча сайиду ҳўжаларни қувғин қилдинг! Узингга ўхшаган даҳрий чол Салим Чештига сиғиндинг?! Мени ҳам ўлдирмоқчи бўлиб юрганингни эшитдим. Осмондан ваҳий келди! Шунинг учун аввал ўзингни ўлдирмоқчимен! Водариг, душманам ҳамон тирик!

Жалолхон Пўлат васваснинг кекирдагига бир уриб, овозини ўчирди. Акбар Жалолхонга:

— Буни тирик сақламоқ керак! — деди. — Вазир Жамилга элтиб топширинг. Кетида кимлар турганини аниқласин.

Пўлат васваснинг бошига қоп кийдириб, оёғини ҳам боғлашди, уни навкарлардан бири отига ўнгариб қалъага олиб кетди. Акбарнинг елкасидан бошланган оғриқ бутун баданига тарқаб, иситмаси кўтарила бошлади. Отини келтирганларида узангига оёқ қўёлмай гандираклади. Қўлларини қимирлатса, елкасидаги оғриқ чидаб бўлмас даражада зўрайиб кетарди. Лекин ёмон овозалар кўпаймаслиги учун у тишини тишига қўйиб мулозимлари ёрдамида отга минди-ю, минг азоб билан Пуран қалъага етиб борди.

Бу ерда табиблар оғриқни босадиган дорилар бериб, уни даволашга тушдилар. Ҳар уч-тўрт соатда вазир Жамил келиб, Пўлат васваснинг тергови қандай бораётганини айтиб турди:

— Ҳазратим, бу девона кимларнинг қўтқусига учиб шу аблаҳликни қилганини айтиб беролмади. Гаплари пойма-пой. Ким илкига ўқ-ёй бергани ҳам эсида йўқ.

— Қани ўша ўқ-ёй? Қуролни тафтиш қилдингизми?

Вазир Жамил Акбарга отилган ёй ўқини ва камонни келтириб кўрсатди:

— Хайриятки, ёй ўқига заҳар сурмаган эканлар, буни текшириб аниқладик, — деди.

Акбар соғ қўли билан камонни айлантриб кўрди. Унинг кўзга ташланадиган жойлари кумуш ва садаф билан зийнатланган, камоннинг ўзи энг қаттиқ ирғай ёғочидан қилинган эди.

— Ирғай Маворауннаҳр тоғларида кўп ўсгай, — деди Акбар. — Камонни туронлик усталар ясаган бўлмасин?

Вазир Жамил камоннинг ички томонида ёғочга ўйиб ёзилган бир ёзув кўрди:

— Сиз ҳақсиз, ҳазратим! «Амали усто Олим Шоший» деб ёзилмишдир. Об-бо, аблаҳлар-ей! Жаҳонга машҳур камони шошийни Пўлат васваснинг илкига ким тутқазган экан?

Жароҳат оғриғидан иситмаси кўтарила бошлаган Акбар вазир Жамилга шиддат қилиб деди:

— Буни сиз аниқламоғингиз керак! Васвас қаерларда турган, кимлар билан учрашган?.. Боринг, моҳир терговчиларни ишга солинг!

— Бош устига, ҳазратим! — деб, вазир Жамил орқаси билан юриб чиқиб кетди.

Акбар садаф ва кумушлари нафис жило бериб товланаётган камони шошийнинг қизғиш ирғай сопига тикилганича оғир ўйга толди.

Боболар юрти Маворауннаҳрни у тушида кўрганми, ёки гўдаклигида Хонзода бегим уни Кобулдан Фарғона водийсига, Тошкент ва Самарқандга олиб бориб келганми-ди — буни аниқ билмайди. Лекин бобосининг китобида тасвирланган ўшнинг лолалари, Андижоннинг нашватиси, Марғилоннинг катта дона анорлари, Исфара бодомзорлари худди болаликда кўрилган унутилмас ажойиботлардек хотирасида аниқ гавдаланади.

Ҳиндистон билан Турон орасида қатнаб турган савдо қарвонлари Маворауннаҳрнинг ширин-шакар меваларидан келтириб туради. Акабар Аграда яшаб Фарғонанинг ширин қовунларидан, Самарқанднинг нақш олмаларидан еб кўрган, уларнинг тенгсиз мазаларидан кўп ҳузур қилган.

Мана ҳозир эса бобо юртида ясалган камони шошийнинг аччиқ жароҳатидан азоб тортмоқда. Зеб берган камони ёвуз одамларнинг қўлига тушишини уста Олим Шоший қаёқдан билсин? Наҳотки шайбонийзодалар Туронда туриб Аградаги Акбарга ўқ отган бўлсалар?

Ҳозир Бухоро тахтида шайбон уруғининг энг бақувват вакили — Абдуллахон ўтирибди. Акбар давлатининг қудрати ва шухрати ошгани сари Абдуллахон безовта. Шу кетишда Акбар боболарининг пойтахти Самарқандни ундан тортиб оладигандай бўлади. Абдуллахон бу хатарлардан қутулиш мақсадида ўз одамлари орқали Пўлат васваснинг қўлига камони шоший туққизган бўлса, ажаб эмас...

Акбарнинг ўйи шу жойга етганда вазир Жамил латтага ўроғлиқ узун бир нарсани терговчига кўтартириб кириб келди.

— Ҳазратим, Пўлат васвас Моҳим энага мадрасаси яқинида эгаси кўчиб кетган ташландиқ бир хароба уйда турар экан. Унинг омборхонасида эски лаш-лушлар орасига мана шу фаранги тўфанг бекитиб қўйилган экан. Уқлари алоҳида жойда турибдир. Васваснинг касали қўзигандан кейин буларни тополмаганми... хайриятки... тўфангни ишлатмабдир...

Акбар тўнғиз ўқи солиб отиладиган қувури йўғон фаранги тўфангни кўриб, беихтиёр эти жунжикди. Тўфангнинг ёнида чарм халтачага солинган картеч ўқлар ҳам бор эди. Пўлат васвас бу тўфангдан ўқ отса, Акбар тирик қолиши гумон эди...

— Васвас тўфанг отишни ўрганган эканми? — сўради Акбар.

— Ҳа, Адҳамхонга навкар бўлганда ўрганган экан.

— Тўфангни унга ким берганини айтдимми?

— Бир кекса фарангининг номини айтди. Алвара... Пакавира...

Энди Акбарнинг хаёли Гужарат ва унинг жанубий қирғоқларини эгаллаб олган фарангиларга кетди. Улар Акбар тузаётган кучли давлатдан манфаатдор эмас. Ҳиндистонни парча-парча қилиб, унинг бир вилоятини бошқаси билан уриштириб, ҳаммасини заифлаштириб, сўнг мамлакатга ўзлари хўжайин бўлишни кўпдан орзу қилишади. Деҳли-ю, Аграда уларнинг хуфялари ҳам юрганини мана бу тўфанг кўрсатиб турибди. Фарангилар Акбарнинг Гужарат ва Гоа оролига юриш қилмоқчи эканини эшитган ва уни Пўлат васваснинг қўли билан олдинроқ маҳв қилишга интиланган бўлсалар керак.

— Фарангилар Пўлат васвас билан қандай тил топишган? — сўради Акбар вазир Жамилдан.— Орада турган воситачиларни топмоқ керак!

— Васвасдан шуни сўрасак, Адҳамхонни айтди. Ҳолбуки, Адҳамхоннинг ўлганига ўн йил бўлди.

— Ўқ-ёйни ким берганини айтмадимми?

— Осмондан тангри юборган эмиш! Лекин васвас бир вақтлар Шарафиддин Мирзонинг хизматида бўлганини айтди.

Акбарнинг хаёли яна Гужарат томонга кетди. Чунки Шарафиддин мирзо Самбхал вилоятида ҳоким бўлганда кўп золимликлар қилгани учун Акбар уни лавозимидан маҳрум қилган эди. Ота уруғи машҳур Хўжа Аҳрор авлодидан тарқаган, онаси самарқандлик, темурийзода Султон Маҳмуднинг қиз невараси бўлган Шарафиддин Мирзо Акбардан аразлаб, Гужарат томонларга кетиб қолган. Акбарнинг янгича сиёсатидан норози бўлган бошқа мирзолар — Хусайн Бойқаро авлодлари ҳам Гужарат тождори Музаффаршоҳ томонига ўтиб кетган. Улар ўша ёқларда Акбарга қарши иғволар қилиб юрганларини хуфялар айтиб келган эди. Балки энди улар Акбарнинг Деҳлидаги яширин душманлари билан тил бириктиргандир? Сўнг ўзларини панага олиб, Пўлат васвасни ишга солгандирлар? Акбар шу тахминни айтгандан кейин вазир Жамил Пўлат васвасни биладиган одамларни излаб топиб, унга юзлаштирди. Лекин эси кирди-чиқди бўлиб қолган Пўлат васвас танишларининг қайсиси билан қаерда учрашганини хотирлай олмас, уни жиноятга олиб келган занжирнинг кўп ҳалқалари ёдидан тушиб қолган эди.

Акбар табибларга буюрди:

— Васвасни даволаб кўринглар, балки тузалганда ҳақиқатни топиш осон бўлмай? — деди-да, ўзи Деҳлидан Фатҳободга кетди.

Орадан икки ҳафта ўтганда хабар келдики, табиблар васвасни даволаб, ақлини сал жойига келтиргандан сўнг, у қилган ишининг бутун даҳшатини энди сезади, бошини ҳибсхонанинг тош деворига бор оғирлиги билан уради-ю, икки кун беҳуш ётиб жон беради.

Акбар бунини Секрида туриб эшитди, «балки ғанимлар ўз жиноятларини бекитиш учун уни шу тарзда ўлдиргандирлар» деган тахмин хаёлидан ўтди.

Душман ўнта бўлса, гумон мингта. Елкасидаги жароҳат уч ойда тузалган бўлса ҳам, унинг ачиқ оғриқлари Акбарнинг эсидан чиқмас, ташқи душманларининг бир чети Туронда, бир чети узоқ Фарангистонда турганлиги, улар ичкаридаги қора кучлар билан тил бириктириб, Акбарнинг жонига яна қасд қилишлари мумкинлиги хаёлидан нари кетмас эди. Уйқусиз тунларда ички-ташқи душманларнинг қайсисидан қандай қутулиш ҳақида ўйланарди.

* * *

Бу орада Аградан Секрига шайхулислом Абдулла Ансорий бир гуруҳ салласи катта дин пешволари билан Акбарни кўришга келди.

Ёши олтмишдан ошган бўлса ҳам, ҳали жуда тетик Ансорийнинг учи киндигига туша-

диган узун оқ соқоли бор. Ёнида салобатли қозикалон Муҳаммад Яздий, жиккак имом Абдуқодир Бидавни ва яна шунга ўхшаган беш-олтита уламолар Акбарга узоқ умрлар тилашди.

Акбар кўкалдоши Азиз кўка билан бирга Абдулла Ансорийни янги пойтахт бўйлаб олиб ўтишди ва битган биноларни кўрсатишди.

Барча вилоят амирлари минг-минг одамлари ва от-уловлари билан ишлаётганликлари учун муҳташам иморатлар жуда тез қад кўтарган эди. Акбарнинг тоғ устидаги саройи, кўлга қараган салқин ёнбағирдаги Рани Жодҳа Бай кўшкни ва Салима бегимлар учун қурилган икки ошиёнлик гўзал иморатлар аллақачон пардоздан чиққан эди.

Ҳамида бегим ёши ўтган сари иссиқ офтоб нурларини кўпроқ ёқтирар эди, шунинг учун Акбар онасига мўлжалланган боғ ҳовли билан кўшкни Секри тоғининг жанубий томонида қурдирди. Абдулла Ансорий бунинг ҳаммасини кўкларга кўтариб мақтади-да, кейин тағдор қилиб сўради:

— Ҳазратим, бу пойтахтдан шайхулислом учун ҳам ўрин берилгайми?

— Юринг, тақсир, сиз учун махсус жой танлайлик,— деди Акбар ва уни атайлаб Салим ота мақбараси олдига бошлаб келди.

Ансорий бир вақтлар ўлимга буюрган ғоявий душманининг яхлит садаф билан зийнатланган оқ мрамор мақбарасини кўрганда, ичидан зил кетди, овози титраб, зўрға тиловат қилди. Акбар унга тикилиб туриб:

— Тақсир, хабарингиз бор,— деди.— Яширин ғанимларим мана шу мақбарани қурганим учун мени даҳрийликда айбладилар, Пўлат телбани ишга солиб, ҳатто ўлдирмоқчи бўлдилар!..

Акбар «ўша яширин душманлар орасида сизнинг ҳам одамларингиз бўлса, бирор кун кўлга тушиб қолар» демоқчи эди. Шайх Ансорий буни пайқади-ю, сири фош этилишидан кўрқиб, дарҳол дуою фотиҳага қўл очди:

— Пўлат васвас гўрида тўнғиз кўпсин! Парвардигори олам барча ғанимларингизни васваснинг кўйига солсин! Сиз янги пойтахтда узоқ умр кўринг, ҳамиша зафар ёрингиз бўлсин!

Шайх Ансорийнинг тилёғлама гаплари дилидаги адоватни яширишнинг бир воситаси эди. Риёкорликда меъёрни ҳам унутиб, Акбарнинг ғанимлари қаторида ўзини ҳам қарғаётганини сезмас эди.

Акбар ўқ еб тортган азобларининг аламига уни яна бир боплагиси келди-ю, Салим ота мақбарасидан анча нарида ҳинд услубида қурилиб битай деб қолган икки ошёнлик чиройли иморатни кўрсатди:

— Мана буни Рожа Бирбал учун қурдирдик.

Ансорийнинг Рожа Бирбални ҳам кўрарга кўзи йўқ. Шуни биладиган Акбар:

— Сиз учун худди мана шу ердан ҳовли-жой ажратмогим мумкин,— деди.

Рожа билан кўшни бўлиш ва Салим ота мақбараси ёнида яшаш Абдулла Ансорий учун доимий қийноққа айланиб кетиши муқаррар эди.

Янги пойтахтга янгича сиёсат тарафдорларини йиғиш ниятида бўлган Акбар шайх Ансорийни «кўчиб келинг, бошқа жой кўрсатай» деб қистамади. Бундан алами келган Ансорий оро берилган соқолининг учини асабий эзғилади-да:

— Ҳазратим, янги пойтахтнинг масжиди жомеъси қаерга қурилмоқда? — деб сўради.— Ахир жумъа кунлари хутба ўқимоқ керак-ку!

«Агар биз номингизни хутбага кўшиб ўқимасак, сизнинг подшолигингизни ҳеч ким тан олмай!» демоқчи эди шайх Ансорий. Акбар унинг очиқ айтилмаган бу таҳдидини гап оҳангидан пайқади.

Ансорийнинг диний ҳокимияти жуда кучли. У билан бирга келган уламолардан ташқари, юзлаб қуролли муҳтасиблар, шайхулисломга мурид бўлган беку аъёнлар, масжидда унинг кетида туриб намоз ўқийдиган минглаб қавмлар дин пешволарини илоҳиёт вақиллари деб биладилар, уларга ҳайиқиб қарайдилар ва кўр-кўрона эргашадилар. Акбар Ансорийнинг диний ҳокимиятини тан олмаса, имому уламолар авом халқни унга қарши кўзғатиб, ғулу кўтаришлари мумкин. Ансорийнинг тағдор саволига жавобан:

— Тақсир, масжиди жомеъни сарой ёнига қурмоқдамиз,— деди ва шу билан унга беихтиёр ён бергандай бўлди.

Акбарни Ансорийга боғлаб турган эскича эътиқод иплари ҳозир унга ўргимчакнинг ёпишқоқ тўридек нохуш туюлди. Бу тўрни ёриб чиқиб кетиш учун Акбар ўз атрофига янгича имону эътиқод тарафдорларини йиғмоғи ва уларга суянмоғи керак...

* * *

Калта қора соқолида жингаласи бор, юз-кўзи арабларникидай хиёл жигарранг тус бериб товланган, лаблари қалин Абулфазл Акбарнинг кутубхонасида одоб билан чўкка тушиб ўтирибди. Хонтахта устида уюм-уюм китоблар: бири арабча, бири форсча, бири қадимги санскрит тилида, яна бири туркийча. Акбар йигирма уч ёшли Абулфазлнинг турфа тилли бу китобларни яхши билишини, бирини-бирига қиёслаб, бемалол таҳлил қилишини кўрди-ю, таажуб билан сўради:

— Аслингиз қайси улусдан?

— Бобокалонимиз араб эканлар,— деди Абулфазл.— Беш аср бурун Ҳиндистонга келиб қолганлар. Оналаримиз — ҳинд аёллари. Ҳинд-араб қони беш юз йил аралашиб, ахийри биз пайдо бўлганмиз.

Абулфазлнинг акаси Файзи Фаёзий ҳам истеъдодли шоир эди. Кўп йил қувғинда юриб ўғилларини шунчалик билимли ва маърифатли қилиб тарбиялаган шайх Муборакка Акбар ўзича яна бир қойил бўлиб қўйди.

— Раҳматлик Салим ота сизларга жон куйдиргани бежиз эмас экан,— деди.— У киши айтар эдики, узоқ қонларнинг аралашгани турфа дарахтларнинг пайванди каби ноёб мевалар бергай.

— Иншоолло, бу ҳикматли фикр шахзода Салим қиёфасида янада мукаммал амалга ошгай,— деб Абулфазл Акбарнинг ҳинд аёлидан кўрган ўғлини алоҳида эҳтиром билан тилга олди.

Акбар янги пойтахтда янги бир муҳит ва адолатли жамият барпо қилиш орзусида эди. Балки бу рўёбга чиқмайдиган хаёлотдир?

Акбар дилини очиб сўзлаганидан руҳи кўтарилган Абулфазл Арастудан ибн Сино-ю, Навоийгача барча улуг одамлар адолат ахийри бир кун ғалаба қилишига ишониб яшаганларини айтди.

— Ҳазратим, қадимий китобларда ривоят борки, ҳар минг йилда янги бир доҳий туғилиб, барча адолатсизликларни бартараф қилгай.

Абулфазл сўзининг тасдиғи учун миз устида турган китобларни бир-бир очиб, гоҳ санскрит тилида, гоҳ қадимги форс — паҳлавий тилида мисоллар келтира бошлади:

— Мана, ҳиндларнинг муқаддас китобида айтилмишдир: Офтоб тангриси Вишну таносиҳ¹ қонунини бўйича дунёга чўпон бўлиб қайтиб келгай, барча адолатсизликларни йўқотиб, яхшилардан адолатли жамият тузгай. Насораларда ривоят борки, янги бир маҳдий Мессия, яъни Масиҳо қиёфасида келиб, дунёда адолат ўрнатармиш..

Акбар оташпарастларнинг «Авесто»сида ҳам шунга ўхшаш ривоят борлигини эслади: Зорастр авлодидан Саушьянт деган доҳий пайдо бўларкан, ёмонликни йўқотаркан, дунёни покларкан. Турли халқларнинг эътиқодлари бу қадар ўхшаш бўлса, диний адоватлар қаёқдан чиқиб келмоқда?

Улар биргалашиб шу саволга жавоб излай бошладилар. Абулфазл «Инжил»ни очди:

— Мана, Одам Ато билан Момо ҳаво ҳақидаги ривоят насораларда ҳам бор. Фақат улар Одам Атони Адам дейдирлар, Момо Ҳавони Ева дейдирлар. Яна бир нарсага эътибор беринг, ҳазратим! Фотиҳа ўқилгач, муслимлар «омин» дейдирлар, насоралар «амин» дейдирлар, юнонлар «амн» дейдирлар, ҳиндлар «суамм» дейдирлар.

— Тўртталаси ҳам ўхшаш! — ҳайрат билан хитоб қилди Акбар.— Агар турли улуслар бидъату хурофот таъсиридан қутулсалар-у, ўзлари ҳақидаги чин ҳақиқатни билсалар, даҳшатли диний адоватлар ўз-ўзидан йўқолиб кетмасмиди?

— Мен ҳам нуқул ана шу ҳақда ўйлайман-у, ҳеч ўйимнинг тагига етолмаймен! Чунки кўп жойда шайх Ансорийга ўхшаш хурофотчилар ҳокимият тепасига чиқиб олмишлар. Улар бошқача фикр юритадиганларни «даҳрий» эълон қилиб ўлимга буюрурлар, зиндонга ташлайдирлар. Ҳатто Улуғбекдек тождор алломани ўлимга ҳукм қилиш ҳуқуқига эга бўлганини тарихдан билурсиз.

— Менга қарши суиқсад тайёрлаганлар ҳам шулар! — деди Акбар баданига санчилган ёй ўқининг аччиқ оғригини ҳозир қайта ҳис қилгандай озорланиб.

— Фақат шарқда шундайми десам, ғарбда — Фарангистонда ҳам диний ҳокимият жуда шафқатсиз эмиш. Гужаратда юрганимда фаранги денгизчилар сўзлаб бердилар. Уларда биздагидан ҳам катта хурофий ҳокимият бор экан. «Инквизиция» дейиларкан. Даҳрий деб гумон қилинганларни минг қийноққа солиб сўроқ қилишармиш. Даҳрийлиги исбот этилса, устунга боғлаб қўйиб, тагидан ўт ёқиб куйдиришармиш. Маърифатлик алломалар хурофотга зид бўлган янги фикр айтса, бас, биздагига ўхшаб, уларни ҳам даҳрийликда айблашар экан-у, оловда куйдириб ўлдиришаркан. Ҳолбуки, имону эътиқодни ҳар бир киши дилига жойлагай. Инсон дилини бу тарзда идора этиб бўлғайми ахир, ҳазратим? Эътиқоди бошқача одамларни шарқда тошбўрон қилиб ўлдирадиган, ғарбда оловга ташлаб куйдирадиган жоҳиллар истибодди қачондир бир вақт йўқотилмоғи керак!

Бу ҳокимиятдан кўп жабр кўрган Салим ота ҳам шу фикрни айтгани Акбарнинг эсига тушди. Энг яхши одамларга шунчалик зулм ўтказаетган Ансорийларнинг ҳукмидан қандай қилиб қутулиш мумкин?..

Мана шу фикр Акбарга беш-ўн кун тинчлик бермай юрди. У Абулфазл билан яна кутубхонада учрашганда, улкан гумбазли янги бинонинг қоғозга чизилган хомаки режасини кўрсатди.

— Жаноб Абулфазл, фараз қилингки, бу гумбаз — осмон рамзи. Мамлакат халқларининг имону эътиқодларини худди тоғнинг турли ёнбағирлари каби шу яхлит гумбаз остига йиғсак, не дейсиз?

¹ Таносиҳ — руҳнинг янги шаклларда қайта туғилиш ҳақидаги фалсафа.

— Қандай қилиб, ҳазратим? — тушунмади Абулфазл.

— Ҳинд эли муқаддас санайдиган китоблар бор. Сиз уларнинг энг қадимийси деб «Ригведани» айтдингизми? Бинонинг алоҳида бир қисмини шу китоб эгалласа... ҳиндларнинг имон-этиқодига мос келурми?

— Шубҳасиз мос келур!

— Мамлакатимизда оташпарастлар бор. Уларнинг «Авесто»си қачон ёзилган?

— Бундан икки минг йил муқаддам.

— Демак, бинонинг иккинчи қисми «Авесто»га, учинчи қисми насораларнинг муқаддас китобларига берилса, тўртинчи қисм — муслимлар этиқодига макон бўлса.

— Барча этиқодлар бир гумбаз остида бирга, баробар!.. Ҳазратим, тарихда ҳали ҳеч ким қилишга журъат этмаган янги ишга бел боғлабсиз! Энг муҳими, турли этиқод вакиллари бир даврага йиғилсалар, ҳақиқатни билишлари осонроқ бўлғай, хурофоту бидъат чекингай.

— Охир оқибатда Ансорийларнинг хурофий ҳокимиятидан қутулиш мумкин бўлғай! — деб Акбар Абулфазлнинг фикрини давом эттирди. — Чунки бу ҳокимият диний адоватга асосланмишдир. Биз диний адоватни йўқотсак, Ансорийнинг суянгани устунлари қулағай, ўзи кераксиз бўлиб, четга чиқиб қолғай!

Абулфазл Акбарнинг режаси қанчалик узоқни кўзлаб чизилганини энди тушунди-ю, ҳаяжон билан ўрнидан туриб, унга таъзим қилди:

— Ҳазратим, бу тўрт қисмлик обида сизнинг улўф бир меъморлик кашфиётингиз бўлғусидир!

— Агар бу чиндан кашфиёт бўлса, уни мен сизнинг ёрдамингиз билан қилмишмен, мавлоно! — деди Акбар.

Уша куни Абулфазлга мўтабар мавлонолик унвони берилди. Кейинроқ у Акбарнинг энг ишонган сирдош вазири бўлиб қолди.

Бир гумбаз остидаги тўрт қисмли бинони улар ўзаро суҳбатда «этиқодхона» деб аташарди. Лекин диндорларни чўчитмаслик учун расмий равишда унга «ибодатхона» деб ном бердилар. Янги бинога жой танлашда эса Акбар Бианадаги халқ кўзғолонига бошчилик қилган Абдулла Ниёзийнинг эски ҳужраси ўрнини маъқул кўрди.

Бу ҳужра янги сарой биноси тушган жойга яқин. Абдулла Ниёзийнинг ўзига Салим ота турган қўл бўйидан бошқа жой берилган. Абдулла Ниёзий ҳозир қуролли кўзғолон йўлидан кайтган, лекин маҳдийлар этиқодидан воз кечган эмас. У ҳам Шайх Муборак каби бутун нажотни одил подшодан излайди ва Акбарга умид билан қарайди.

Акбар эса Ансорийларнинг диний истибдодига қарши курашда марҳум Салим отанинг шогирдлари бўлган маҳдийларга суянади. Шу сабаблар билан икки орадаги яқинлик тобора ўсиб боради...

* * *

Ички ғанимларни бартараф қилиш йўллари шу тарзда белгилангач, Акбарнинг хаёлини ташқи душманлар кўпроқ банд қила бошлади. Уларнинг энг ашаддийлари ҳозир Гужарат ва Гоа томонларда эди. Улар ўша ёқлардан махфий одам юбориб, яна Пўлат васвасга ўхшаган одамларни Акбарга қарши зимдан ишга солаётган бўлишлари мумкин. Лекин Гужаратда Акбар юборган мушрифлар ҳам тинмай иш олиб бормоқдалар. Улар Гужаратдаги ички низолардан фойдаланиб, Музаффаршоҳнинг вазири Этимодхон билан яширин алоқа ўрнатдилар. Акбарнинг номидан бу вазирга хатлар, совғалар элтиб топширдилар ва катта ваъдалар бердилар.

Ниҳоят, Этимодхон Акбарга ён босиб, махфий жавоб ёзди:

«Ҳазрат шаҳаншоҳ! Бундан ўттиз йил бурун Гужарат сизнинг фирдавсошиён отангиз қаламравида эди. Ушанда фақир Зафаршоҳлар сулоласига ён босиб, Гужаратнинг марказий давлатдан ажралиб чиқишига ёрдам берган эдим. Бу ишим хато бўлганини менга шу ўтган йиллар кўрсатди. Музаффаршоҳ Гужаратни хароб қилди. Денгиз қирғоқларидаги эллар фарангилар ихтиёрига ўтмоқда, илму маърифат инқирозга юз тутди, диний адоват ва ички парокандалик Гужаратни беҳад заифлаштириб қўйди. Ҳолбуки, биз қудратли марказий давлат таркибида бўлганимизда бу аҳволга тушмас эдик. Сизнинг илму маърифатга кенг йўл берганингизни, диний адоватга қарши турганингизни, қандай ислохотлар ўтказганингизни ва катта қурилишлар қилаётганингизни Аграга, Деҳлига, Секрига бориб келган одамлардан эшитиб, ҳавасимиз келур. Жоҳил ҳукмдоримиз Музаффаршоҳ эл-улусни ўзидан бездирган, кўпчилик беку сипоҳилар ҳам ундан қутулишнинг йўлини изламоқдалар. Ҳатто мен уни бир вақтлар тахтга чиқарганимга энди минг пушаймонлар қилмоқдамен. Агар келсангиз, Аҳмадобод сизга пешкаш, маслаҳат билан дарвозаларни жангсиз очиб беришга тайёрмиз».

Акбар Гужарат юриши учун энди фурсат келганини сезди. Унинг хаёли Музаффаршоҳ қаноти остида қочиб юрган Шарафиддин мирзога ва Гоа оролидан Пўлат васвасга тўфанг юборган фарангиларга кетди. Ташқи ғанимлар билан курашда Акбар отасининг хатоларини такрорламасликка интилади. Янги давлат ҳам улкан дарахт каби мустаҳкам илдиз отмагунча уни суғуриб ташлаш осон бўлишини Ҳумоюннинг Ганга бўйиги мағлубияти кўрсатган эди.

Йигит пайтида тезкорликни яхши кўрган Ҳумоюн тахтга ўтирганининг дастлабки уч-тўрт йили ичида Шарққа ва Ғарбга, Жанубга ва Шимолга кетма-кет юришлар қилиб, ўндан ортиқ вилоятларни забт этди. Лекин у Гужаратга юриш қилганда шарқда Бихор исён кўтариб, ихтиёридан чиқиб кетди. Ҳумоюн Бихорга қўшин тортганда Гужарат яна унинг ихтиёридан чиқиб, мустақил бўлиб олди. Акбар ўша аччиқ сабоқларни эсда тутиб, давлатининг чегараларини шошмасдан, қадамма-қадам кенгайтириб бормоқда эди. Ўн беш йил давомида Гужарат билан Агра оралиғидаги Биканир, Читор, Бунди, Малва каби вилоятларда ички парокандаликни тугатди, энг нуфузли рожа ва роалар билан қон-қариндош бўлди, отлиқ аскарларининг ярмини содиқ ражпутлардан ёллади. Ҳатто умр бўйи Бобур ва Ҳумоюнга қарши курашиб ўтган Рана Санграм Синхнинг невараси Удай Синх энди Акбарни тан олиб, у билан иттифоқ тузди. Унинг Эътимодхон билан махфий алоқа ўрнатганига ҳам икки йил бўлди. Энди Гужарат юриши учун вазият етилганини ўша ёқдан ахборот юбориб турган буфияларнинг маълумотлари ҳам тасдиқлади.

Акбар ўн икки минг қўшин билан мезон ойида Аҳмадободга яқинлашди. Эътимодхон сўзида туриб, икки минг одам билан Акбар томонга ўтди. Музаффаршоҳ жанг қилишга юраги бетламай пойтахтни ташлаб қочди. Акбар Азиз Кўкалдошни беш минг аскар билан қувғинчи қилиб юборди-да, ўзи Аҳмадободдаги подшо саройига кириб жойлашди.

Азиз кўка эртаси куни пешинда Музаффаршоҳни тутиб келтирди. Бу шоҳ қирқ ёшлардаги семиз қора одам экан, ўзи шунча йил ҳукмронлик қилган саройни энди Акбар эгаллаб олганини кўриб, юзлари аламдан кўкариб кетди. Бироқ жони ширин туюлиб, Акбар ўтирган тахт қаршисида таъзимга эгилди, ўнг кўлининг орқасини аввал ерга текизиб, сўнг боши устига баланд кўтарди-да, таслим¹ бажо келтирди.

— Ҳазрат шаҳаншоҳ, тақдир экан, биз енгилдик. Хатолик ўтган бўлса авф этинг. Агар қонимдан кечсангиз, то ўлгунча сизга садоқат сақлаб, бир гўшада тинчгина яшамоқчимен!

Акбар унинг заҳар томиб турган кўзларига қараб, дилидан ҳали адоват кетмаганини сезди. Тахт ёнида турган Бҳагван Дас ҳам Акбарга: «Ишонманг, сўзида турмагай!» деб шивирлади.

Лекин Аҳмадобод жангсиз олинганидан қувониб кўнгли юмшаб турган Акбар тиз чўкиб таслим бўлган одамни ўлимга буюришни ўзига муносиб кўрмади.

— Жаноб Музаффаршоҳ, менинг ота-боболарим «эгилган бошни қилич кесмас» деган қоидага амал қилиб келганлар. Мен ҳам биринчи марта қонингиздан кечдим...

— Миннатдормен, ҳазратим, хоки пойингизни кўзга сургаймен!

Акбар унга Аҳмадобод яқинидан жогир берди, хазинадан нафақа тўлаб туришни, айна вақтда, кечаю кундуз атрофидан кўриқчини узмай, кўз-қулоқ бўлишни буюрди.

Музаффаршоҳни тутиб келган Азиз кўкага хони аъзам унвони берилди. Акбар уни Аҳмадободга ҳоким тайинлади-да, ўзи беш минг аскари билан денгиз бўйидаги Сурат бандагарига йўл олди.

* * *

Ҳинд уммони. Охири уфқларга туташиб кетган баҳайбат катта сув ичида улкан кемалар ҳам писта пўчоғидай кичик кўринади. Акбар умрида биринчи марта денгиз кемасига тушиб, ота-боболари кўрмаган Камбей кўрфазида сайр қилди ва Гоа оролигача сузиб борди. Бу ерда у денгиз ҳокимлари бўлиб олган фаранги португалларнинг черковларини кириб кўрди. Португалларнинг кемалари ҳинд кемаларидан йирикроқ ва қудратлироқ эди. Гоани ўзлариники қилиб олган ва денгиз йўлига хўжайинлик қилиб юрган фарангилар Акбарга илтифот кўрсатгандай, уни энг катта кемаларида сайр қилдирмоқчи бўлдилар.

— Мен ҳинд кемасида сузишни афзал кўрурмен! — деди Акбар. Гоанинг португалиялик ҳокимидан таржимон орқали сўради: — Бу ерда илгари ҳинд ибодатхоналари, муслим мечитлари бормиди?

— Бор эди.

— Ҳозир нечун кўринмайди?

— Чунки... аҳоли бари черковга борадиган католиклардир.

— Қачондан бери? Асрлар давомида Гоада ҳиндлар билан муслимлар яшаб келар эди-ку. Уларни фарангиларнинг Албукерка деган амралбаҳри қириб ташлагани ростми?

— Ҳаммасини эмас... бир қисми... католик динига ўтган...

— Демак, фарангилар ҳинди-ю, муслимларни зўравонлик билан ўз динларига ўтказмоқдалар! Балки сизлар бутун Ҳиндистонни зўравонлик билан босиб олмоқчидир-сизлар?!

— Зинҳор ундоқ эмас, ҳазрати олийлари! Биз сиздек улуғ подшоҳни ҳурмат қилурмиз... ҳинд халқи билан ҳам ҳамкорлик қилмоқчимиз.

¹ Таслим — таъзимнинг бир тури.

— Айтинг-чи, жаноб ҳоким, расмий ҳужжатларда сизнинг лавозимингиз не тавр айтилуру? — сўради Акбар.

Гоа ҳокими Португалия қиролининг Ҳиндистон бўйича ноиби ҳисобланарди. Расмий ҳужжатларда бу ҳоким «Ҳиндистон вице-қироли» деб улуғланарди. Ҳоким буни очиқ айтса, бутун Ҳиндистонга даъво қиладигандек кўринишини сезди-ю, гапни бурди:

— Камина Португалия қиролининг Гоа оролидаги ноибимен...

— Фақат Гоа эмас, жаноб ноиб, сизни бутун Ҳиндистон ерларига хўжайин таъинлаб фармон чиқарилганидан биз хабардормиз! Қиролингизга шуни маълум қилингки, Ҳиндистон — мустақил давлат, унинг ўз подшоси бор. Ҳиндистонга ноиб керак бўлса, уни Фарангистон қироли эмас, биз ўзимиз таъинилаймиз!

— Бу сўзларингизни қирол ҳазратларига албатта етказгаймиз. Биз сизнинг мустақиллигингизни ҳурмат қилурмиз!

— Аммо баъзи фарангилар бизнинг ички ишларимизга аралашмоқдалар... Ҳатто бизга қарши суиқасд қилган бир телбанинг уйдан фаранги тўфанги топилди... Ҳозир бизда ҳам тўфангу замбараклар кўп. Огоҳлантириб қўймоқчиманки, яна шундай ишлар такрор бўлса, бизнинг замбаракларимиз сизга қарши отилмоғи ҳам мумкин!

Акбар айтганини қилаоладиган шижоатли одам эканини биладиган Гоа ҳокими ташвишга тушиб:

— Биз сиз билан тинч-тотув яшашни истаймиз, ҳазрати олийлари! — деди. — Агар суиқасдга қатнашган одам Гоада бўлса, уни тутиб беришга тайёрмиз...

Акбар вазир Жамилга ишора қилди. Вазир Жамил қўйнидан қоғоз олиб, Пўлат васвас ва баъзи гувоҳларнинг айтишича, ўша тўфангни Алваро Пакавира деган кекса одам Деҳлига олиб боргани ҳақида ахборот берди.

Гоа ҳокими ёнидаги мулозимларидан ниманидир сўради-да, тез Акбарга юзланди:

— Алваро Пакавира яқинда пўртана пайтида денгизга чўкиб ҳалок бўлмишдир... Агар ҳазрати олийларига ёмонлик қилган бўлса, унга қасос қайтгани шу! Минбаъд биз Ҳиндистон билан фақат яхши алоқалар қилиш ниятидамиз. Дину миллат айирмасдан борди-келди қилайлик! Агар сиз, ҳазрати олийлари, лозим кўрсангиз, бизга элчилар юборинг. Биз элчиларингизни ўз кемаларимизда Португалияга, ўз қиролимиз ҳузурига олиб боришга, сўнг қайтариб олиб келишга тайёрмиз.

Бу гаплар Акбарни хиёл юмшатди. У Португалияга элчи юборадиган бўлиб Гоа ҳокими билан хайрлашди, Сурат бандарига қайтганда эса:

— Ҳали фарангиларникидан ҳам қудратлироқ кемалар кўрдиргаймиз! — деди ёнидаги ҳамроҳларига.

Кўпчилик беклар ҳам «фарангиларни Гоадан қувмоқ керак» деган фикрда эдилар.

Акбар шу ниятни кўнглига тугиб, Сурат бандаридаги кемасозларга буюртмалар бера бошлаган куни Аҳмадбоддан шум хабар келди: Музаффаршоҳ Акбар қўйдирган кўриқчиларни ўлдириб қочибди, бир гуруҳ темурийзода мирзолар унинг тарафини олиб исён кўтарибди.

Хусайн Бойқаро авлодидан бўлган бу мирзолар аввал ҳам ўз қариндошлари Акбарга бахиллиги келиб, нуқул унинг душманларига ёрдам бериб юришарди. Самбахалдан қочган ва Пўлат васвасни ишга солиб Акбарга ўқ отдирган Шарафиддин мирзо ҳам шуларнинг ёнига кирган эди. Қариндош бўлатуриб елкадан пичоқ урган темурий мирзоларга қарши дилида қўзғалган чексиз қаҳру ғазаб уни қуюндай учириб, денгиз бўйидан Гужарат томонга олиб кетди.

Мирзолар Сабармати дарёси бўйидаги соя-салқин жойларни қароргоҳ қилиб, бамайлихотир ўтирганларида нариги қирғоқда бирдан Акбар кўшини пайдо бўлди ва дарёдан ўта бошлади. Мирзолар шоша-пиша ўттиз минг қўшинни саф қилиб, Сабармати томон йўл олдилар. Бу орада Акбар тўртта йигити билан Сабарматидан биринчи бўлиб сузиб ўтган эди.

Бош саркарда ўзини сувга дадил ташлаганини кўрган беку навкарлар ҳам унинг кетидан ўзларини сувга отдилар. Уч мингтача аскар ўтгач, Акбар қолганларини кутиб ўтирмай ҳужумни бошлади.

Унинг тагида — бир вақтлари аммаси Гулбадан бегим инъом этган Ҳайрон исмли ўша ироқ оти. Сувдан ўтиш осон бўлсин учун Акбар отнинг устидаги оғир зирҳли кежимни олиб ташлаган эди. Жанг қизиғида зирҳли кежимни қайта ёпдиришга улгурмади, ёв томонни ваҳимага солиш учун ҳам ўзи олдинги сафда от чопдириб бора бошлади. Лекин мирзоларнинг қўшини сон жиҳатидан беҳад кўп эди. Уқлар дўлдай ёғила бошлади. Акбарга теккан беш-олтита ўқни унинг кўлидаги қалқони ва зғнидаги зирҳли кийимлари қайтарди. Фақат тагидаги Ҳайрон биқинидан ўқ еб, гандираклар тўхтади.

Пиёладай катта-катта кўзларида доимий бир ҳайрат қотиб қолгандай кўринадиган бу от Акбарга ўн йилдан ортиқ хизмат қилди. Не-не узоқ масофалардан уни кушдай учириб ўтказди. Отнинг ҳайрон қоларли кучи ва ҳайратга тўла кўзлари бор эди, шунинг учун Акбар унга Ҳайрон деб ном қўйган эди.

Ҳозир зирҳли кежим ёпилмагани учун ўқ еган Ҳайроннинг биқинидан тизиллаб қон отилмоқда. Агар у яна бир неча қадам қўйса, йиқилиши муқаррар. Жонивор от Акбар билан йиқилмаслик учун оёқларини кериб тўхтаб турарди.

Буни сезган Акбар орқада келаётган от бегига:

— Роҳворни беринг! Тез! — деб қичқирди.

Бош саркарданинг отдан йиқилганини ёвлари кўрмаслиги керак эди. Отбеги зирҳли кежим ёпилган ва узоқ йўлда яхши юрадиган тўриқ бедов Роҳворни¹ дарҳол етаклаб келиб, Акбарга тўғрилади. Акбар эгардан эгарга сакраб ўтгунча садоқатли Ҳайрон оёқларини ерга маҳкам тираб, йиқилмай турди. Эгаси бошқа отга миниб узоқлаша бошлагандан сўнг ярадор от гурсиллаб йиқилди.

Музаффар Ҳусайн мирзо узоқдаги бир тепалик устида отлиқ туриб, жангни бошқармоқда. Акбар шу тепаликка яқинлашганда Ман Синх бир неча юз ражпут йигитлари билан тепаликни отлиқ айланиб ўтишга улгурди. Қуршовда қолаётганини сезган Музаффар Ҳусайн мирзо кўриқчи йигитлари билан тепадан пастга отилди, аммо қуршовни ёриб ўтгунча Ман Синх унга узоқдан найза отиб, отдан йиқитди. Найза Музаффар Ҳусайннинг пўлат совутини кесиб ўтолмаган бўлса ҳам, ўнг кўкрагини яралаган эди. Ман Синхнинг йигитлари унинг қўлини боғлаб, Акбарнинг олдига олиб кетдилар.

Музаффар Ҳусайн мирзонинг отдан йиқилгани ва асир тушгани яшин тезлигида ёв қўшинлари орасида тарқалди. Музаффаршоҳ эҳтиёткорлик қилиб орқароқда турган эди, дарҳол ўзининг одамларини айириб олиб, Патан томонга қочди. Шарафиддин мирзо ҳам унинг кетидан тирақайлаб қочишга тушди.

Жанг тугагандан сўнг дарё бўйидаги серсоя амалбед дарахтларининг тагида Акбар учун гилам ва зарбоф кўрпачалар тўшаб, шоҳнишин қилинди. Унинг чап ёнида Абулфазл ва рожа Бирбал ўтирган пайтда қирқ беш ёшлардаги барваста, шертахлит Музаффар Ҳусайн мирзони тутиб олиб келдилар. Бирбал уни тутган одамларга таҳсин айтгиси келиб, соқчи йигитдан:

— Амирзодани ким тутди? — деб сўради.

Ман Синх орқароқда камтарона бош эгиб жим турибди. Қўли боғлоғлиқ Музаффар Ҳусайн мирзо шу ҳинд йигитига асир тушганини айтишдан ор қилди, шекилли:

— Мени туз тутди! — деди ва тиз чўкиб Акбарга муржоат қилди: — Ҳазратим, биз Шайбонийхон даврида Хуросондан қувилдик, дарбадар юрганимизда жаннатмакон Бобур бобонгиз бизни Ҳиндга чақирдилар, «сизлар ҳам теурийлардансиз, султон суягини хор қилмас» деб, бошпана бердилар, улуфа-ю, жогир ажратдилар. Биз буни унутмаслигимиз керак эди. Лекин хом сут эмган банда эканмиз, Музаффаршоҳнинг қутқусига учиб, кўрнамаклик қилдик. Бошим эгик, афу сўраймен! Агар қонимдан кечсангиз, минбаъд то ўлгунча садоқат сақлагаймен!

Бу гаплар Акбарни анча юмшатди. Унинг буйруғи билан Музаффар Ҳусайннинг қўлини ечдилар ва подшонинг чап ёнига — Бирбалдан пастроққа ўтқаздилар. Акбар унинг лаблари қуруқлаб турганини кўрди-ю, шарбат сўради. Олтин жомда келтирилган норинж шарбатидан аввал ўзи ичди-да, кейин Музаффар Ҳусайнга берди.

Бҳагван Дас ва Ман Синхлар Акбарнинг бу ишидан норози бўлиб, қовоқ солиб турар эдилар. Сарналдаги жангга мана шу мирзонинг дастидан ҳалок бўлган Бҳупат — Акбарнинг қайниси эди-ку? Наҳотки унинг қотили шунчалик илтифотга лойиқ? Акбар қайнағасининг кўнглидан ўтаётган бу гапни сезгандай Бҳагван Дас билан Ман Синхни ўзининг ўнг ёнига тақлиф қилди.

— Сизни туз тутгани рост, мирзо жаноблари, — деб Акбар Музаффар Ҳусайнга сўз қотди. — Сиз менга қандай қариндош бўлсангиз, рожа Бҳагван Дас ҳам ҳозир шундай қариндошдир. Лекин қариндошлар ҳам ҳар хил бўларкан. Сиз каби мирзолар, теурийлар хонадонидан чиқиб, умр бўйи шу хонадонга исноду офат келтириб яшамоқдасиз. Аммо рожа Бҳагван Дас ғайридин бўлса ҳам шу хонадонга сизлардан юз баробар содиқроқ хизмат қилмоқда. Сиз менга қарши тажовуз қилганингизда рожа Бҳагван Дас бизни шу тажовуздан ҳимоя қилатуриб, суюкли ўғлини қурбон берди. Ун етти ёшлик Бҳупатнинг қони сизнинг бўйингиздадир, жаноб мирзо! Ҳар икки томон ҳам қариндошларим бўлгани учун мен адолат томонида турмоқчимен. Ўтган гал Музаффаршоҳ бош эгиб садоқат изҳор қилганда, унга амният бериб панд едик. Бугун ҳам ўша Музаффаршоҳ қанча одамларимизнинг қонини тўкиб, яна қочиб қутулиб кетди. Энди бу хатони такрорлашга ҳаққимиз йўқ. Махарани, — деб Акбар Бҳагван Дасга юзланди: — Музаффар Ҳусайн мирзони сизнинг ихтиёрингизга топшираймиз. Неки қилсангиз, биз розимиз!

Ўлим хавфидан қалт-қалт титраётган Музаффар Ҳусайн мирзони Бҳагван Даснинг иккита йигити қўлидан тутиб олиб кетди. Бҳагван Дас уни ўрмон ичига олиб кириб, чуқур қаздирди-да, ўша ерда бошини кестирди.

Отаси Байрамхондай довурак жангчи бўлиб етишган Абдурахим бугун шижоат билан жанг қилганини Акбар кўрган ва шимолга қочган Шарафиддин мирзони тирик тутиб келишни унга буюрган эди. Икки юз навкар билан қувғинчи бўлиб кетган Абдурахим кун оққанда қўли боғлоқлик Шарафиддин мирзони олдига солиб ҳайдаб келди. Акбар Абдурахимни тарбиялаб, отаси даражасига етказишни кўпдан бери кўнглига тугиб юрарди. Бугун унинг жасоратига тан бергандан сўнг:

¹ Роҳвор — йўл танувчи, йўл бошловчи деганидир.

— Вазир Жамил! — деди, — махсус фармон ёздилинг, Абдурахимга хони хонон унвони берилсин! Раҳматлик Байрамхоннинг қанча улүфаси, қандай имтиёзлари бўлса, ҳаммаси Абдурахим учун таъйин этилсин!

Шундан сўнг Акбар Шарафиддин мирзони қаршисига тикка қилиб қўйиб:

— Бир вақтлар сизга ҳам катта иноятлар қилинган эди, — деди. — Ҳаммасини унутиб, хиёнат йўлига ўтганингиз учун, мана, ахийри шу аҳволга тушдингиз. Ахир сиз Хўжа Аҳрори Вали авлодиданмен деб мақтанур эдингиз-ку! Аҳрорий деган таҳаллусингиз бор эди. Нечун сиз Пулат васваснинг илки билан бизга қарши ўқ отдирдингиз? Ўзингиз подшо бўлгингиз келганмиди, а?!

— Ҳазратим, бошқа гуноҳларим кўп. Аммо Пулат васваснинг суиқасдидан фақир мутлақо беҳабар эдим. Бу васвас термизлик Саид Абулмаалининг одами эди!

— Абулмаали Кобулда аллақачон ясоққа етди. Энди навбат сизники! Жаноби мир-ғазаб, ўз хиёнатлари билан бутун аждодларига иснод келтирган бу кимса қутурган фил-нинг оёғи тагига ташлансин!

Илоннинг ёғини ялаган Шарафиддин мирзонинг маҳоватликдан ҳам хабари бор эди, филларга ёқадиган сўзларни билар эди. У соқчиларнинг ўзаро гапидан жазо учун ажратилган филнинг номи Суман эканини эшитиб қолди. Қўли орқасига боғланган ҳолда пастаккина тахта орқасида тиз чўкиб ўтирганда маст фил бўкириб келиб уни оёғи билан тахта устига босиб янчиб ташлаши керак эди. Лекин фил яқинлашаётганда Шарафиддин мирзо ота-боболаридан мерос қолган жозибали товуш билан шивирлаб:

— Суман, шафқат қил! Суман! Суман! Жоним! Суман! — деб худога илтижо қилгандай филга сажда қилиб ялина бошлади. Зийрак жонвор бўлган фил ўз отини шундай таъсирли бир тарзда айтиб бош эгган одамни босиб ўлдиргиси келмай бир наъра тортди-ю, орқага қайтди. Филбон уни қайтариб келиб, яна босишни буюрди. Лекин Шарафиддин мирзо бор кучини кўзларига тўплаб, чумчуқни авраган илондай филнинг кўзларига тикилиб яна сажда қилди ва ялина бошлади. Фил яна уни босгиси келмай бўкириб орқага қайтди. Бу ҳол уч марта такрорлангач, Акбар Шарафиддин мирзонинг қонидан кечди-ю, уни мамлакатнинг шарқий чеккасидаги Банголага сургун қилди. Шарафиддин мирзо ўша жойда ҳам кўп бузғунчиликлар қилди, баччабозликка ўрганди. Охирида Маҳмуд деган баччаси овқатига заҳар қўшиб бериб ўлдирди.

Асир олинган мирзолардан бири — ўн саккиз ёшли кўҳли йигит Масъуд Хусайн эди. У Мултанда қўлга тушган, қочиб кетмаслиги учун жарроҳ уни вақтинча кўр қилиб, кўзининг жиякларини махсус ип билан тикиб қўйган эди. Уни шу ҳолда Акбарнинг олди-га ҳайдаб келдилар.

Масъуд Мирзонинг шертахлит гавдаси Акбарга Беҳзод чизган сўратдаги Хусайн Бойқарони эслатди. Лекин у анча вақтдан бери кўзи тикилган ҳолда юриб, кўр-басирлардай аянчли аҳволга тушган. Акбарга юзини қия тутиб, осмонга қараган ҳолда:

— Ҳазрати олийлари, қатл этдирсангиз ҳам майли, фақат кўзимни очдиринг! — деди. — Дунёни сўнгги марта кўриб ўлсам, армоним қолмагай.

— Масъуд мирзо, олдин бир саволга жавоб беринг. Сиз оғаларингиз ёнида бизга адоват руҳида иш тутиб, бирон хулосага келдингизми?

— Ҳазратим, биз ёмонлик қилдик. Ёмонлик — бу қутурган ит экан. Маълумки, ит қутурса, эгасини қопгай. Ёмонлик ҳам ахири бир кун ўз эгасининг бошига етаркан! Оғаларим шу сабабдан ҳалок бўлдилар. Агар менга имкон берсангиз, яхшилик ўз эгасига шараф келтиришини баҳоли қудрат исбот этишга интилган бўлардим.

— Майли, биз сизга шу имконни бериб кўрайлик!

Акбарнинг буйруғи билан Масъуд Хусайн мирзонинг кўзидан тикиш олиб ташланди. У маълум муддат даволаниб, кўзини тузатгач, Акбар уни Панжобга, Хусайнқулихон ихтиёрига ишга юборди.

А Т О
Н Э М Н Р * * *
Д Э В

Гужаратдаги ғалаба шарафига Фатҳободда етмиш газ юксаликдаги¹ машҳур Баланд Дарвоза қурила бошлади. Акбарнинг Сарналда ва Сабармати дарёси бўйида кўрсатган шахсий жасорати, қирқ кунлик йўлни тўққиз кунда босиб ўтганлари оғиздан оғизга ўтиб, уни енгилмас ботир деб ишонадиганлар кўпайди. Шоир Файзи Фаёзий Акбарнинг Гужарат жангидаги жасоратига катта бир шеър²ий дoston бағишлади. Акбар билан бирга жангга қатнашган беку навкарлар унинг зирҳли кийимига тегиб сирпаниб кетган ўқларни кўрган эдилар. Улар: «Бош саркардамизга дуо кетган экан, уни ўқ олмагай!» дейишиб, Акбарни назаркарда даражасига кўтардилар.

Ғалабадан сўнг зиёфатлар, ичкилик базмлари кўп бўлди. Бир кун Акбар Ман Синх билан май ичиб ўтирганларида ражпутча қиличбозлик ҳақида гап кетди. Абулфазл билан Бирбал ҳам даврада бор эди.

Ман Синх ражпутларнинг ёшлиқдан қилич ўйнаб ўсишлари, ҳатто қилични суюкли ёрга қиёс қилиб ашула айтишларини сўзлаб берди. Баъзи чапдаст ражпут йигитлари қи-

¹ Етмиш газ — эллик метрга яқин.

личнинг сопини деворнинг ёриғига қистириб, тиғини кўкрагига тўғрилайди-да, чопиб бориб ўзини қиличга уради. Лекин узоқ машқлар давомида қилични баданига эмас, эгнидаги кийимининг қўлтиғига шундай аниқ санчадики, қиличнинг учи биқини ортидан кийимни тешиб чиқади, аммо бу унинг кўкрагини тешиб чиққандай кўринади. Акбар бунинг қандай қилинишини кўргиси келди. Ман Синх йигитларидан бирини чақириб шу ўйинни намойиш қилдирди. Кайфи баланд Акбар:

— Буни мен ҳам қилаолгаймен! — деб белидаги олтин қиличини суғурди-да ражпут йигитига берди: — Обор, деворга маҳкам ўрнат!

Ман Синх Акбарни бу ниятидан қайтармоқчи бўлди. Лекин Акбар уни уришиб берди:

— Сен кимсен ўзинг?! Қилич ўйнашни фақат ражпутлар билурми?.. Биз-чи?

Акбар ўрнидан турганда кайфнинг зўридан гавдаси чайқалиб кетди. Сопи деворга маҳкам қистирилган олтин қилич Акбарнинг кўкрагига тўғриланган ҳолда найзадай таҳдидли йилтираб турибди.

Ман Синх майдан бўшаган олтин кўзачани қўлида тутган ҳолда Акбарнинг олдини тўсди:

— Ҳазратим, кайф борида бу ўйин жуда хатарли!

— Нарӣ тур! — деб Акбар уни итариб ташлади. Ҳозир у ўзининг қилич кесмайдиган, ўқ ўтмайдиган назаркарда ботир эканига тамоман ишонмоқда эди. Акбар гандирак-лаб бориб чап кўкрагини қиличга тўғрилаганича унга томон ташланди. Қилич унинг чап кўкрагига санчиладиган пайтда Ман Синх қилични қўлидаги май кўзачаси билан уриб тушурди. Сопи девордан суғурилиб ерга учиб тушган қиличнинг бир жойи Акбарнинг бош бармоғини, яна бир жойи Ман Синхнинг кўрсаткич бармоғини кесиб кетди. Қайинининг иши маст Акбарга одобсизлик бўлиб кўринди. У ғазаб билан Ман Синхни ерга йиқитиб ура бошлади. Лекин Абулфазл билан Рожа Бирбал югуриб келиб, Ман Синхни ундан ажратиб олдилар, Акбарни минг таваллолар билан хобгоҳига олиб бориб ётқиздилар.

Эртаси куни Акбарнинг кайфи тарқаганда Абулфазл билан Рожа Бирбални хиргоҳига чақирди ва боғлаб қўйилган бош бармоғини кўрсатди:

— Не ҳодиса бўлди?

— Наҳотки ёдингизда бўлмаса, ҳазратим? — деди Абулфазл ва воқеани бир-бир айтиб берди.

Қилган ишлари Акбарнинг эсида йўқ. Фақат қилични қинидан суғургани ғира-шира ёдига тушди.

— Ростдан шундай бўлдими? — деб Бирбалдан сўради.

Бирбал «Гита» деган муқаддас китобни қўлига олиб қасам ичди-да:

— Бир ўлимдан қолганингиз чин! — деди.

Акбар ўтган ҳодисадан энди даҳшатга келди. Шунча қонли жанглардан омон чиққан одам арзимаган бир қилич ўйинида ўлиб кетса... қанчалик шармандалик иш бўлар эди! Бошқалар унинг мастликдаги ғазабидан кўрқиб «чурқ» этолмаганда шердай дадил иш қилган Ман Синх ҳақиқий жасорат кўрсатибди. Яна уни бу яхшилиги учун ерга ағанатиб урганидан Акбар жуда ўсал бўлди.

— Кечаги базмда бор беку мулозимларни девони омга чорланг! — деб буюрди мири тузук Жамилга.

Кўпчилик қатори девони омга келган Ман Синх Акбар томонга қарай олмай, хижолат ичида бошини солинтириб ўтирар эди. Акбарнинг ранги ўчган, қовоғи шишган, овози шамоллаган одамникидай дўриллаб чиқди.

— Жаноби давлатхоҳлар, ғалаба шарафига қилган базмимизнинг охири қандай дилсиёҳлик билан тугганидан хабарларингиз бор. Биз ҳам осий банда эканмизки, шу даражада маст бўлибмиз. Мени «қилич кесмайдиган ботир» деб мақтаганлари ёлгон эканига мана далил! — Акбар боғлаб қўйилган бош бармоғини кўрсатди. — Худо раҳмати устозим Салим ота «сув балосидан, ўт балосидан, шухрат балосидан асрасин» деган эдилар. Кеча биз шухрат балосининг қурбони бўлишимизга сал қолибдир. Деҳлида ташқи душман бизга қандай суиқасд қилган бўлса, кеча шухратдан ҳовлиқиб маст бўлишим — ўз ичимдан чиқиб ана шундай суиқасд қилмишдир. Хайриятки, рожа Ман Синх мени бу иккинчи суиқасддан қутқариб қолибдир. Махарожа, — деб Акбар Ман Синхга юзланди. — Энг содиқ дўст қандай бўлишини сиз кеча амалда кўрсатибсиз. Мендан ўтган бўлса, маъзур тутинг!

Ман Синх ўрнидан туриб қўл қовуштирди:

— Узрингиз менга сари тож бўлсин, ҳазратим!

Акбар унга олтин безакли сарупо кийдирди, сеҳазоралик мансабидан панжҳазоралик¹ мартабасига кўтарди, ўзига махсус байроқ ва нақора тақдим қилди.

¹ Сеҳазора — уч мингбоши. Панжҳазора — беш мингбоши, яъни, армия генерали даражасидаги саркарда.

ФАТХПУР, БҲИРА Маънавий зилзила

Секри тепалиги устига қизил тошдан муҳташам қилиб қуриладиган янги пойтахт ўн йилнинг нари-берисига узоқлардан кўзга ташланадиган улкан қалъа тусини олди. Қалъа атрофига сипоҳилар, дўкондорлар, қосибу ҳунармандлар ва бошқа турли хил касб эгалари минг-минглаб уй-жойлар қурдилар. Боғлар, дарахтзорлар, ҳовлилар, кўча ва хиёбонлар кўпайди. Секридан Аграгача бўлган ўттиз беш милли йўлнинг икки чети кела-келгунча серодам манзилларга, раста ва дўконларга тўлиб кетди.

Дастлабки йилларда расмий доиралар Секридаги янги пойтахтни Фатҳ обод деб атаган бўлсалар ҳам, лекин уни қурган оддий одамлар «Фатҳпур», яъни «Ғалаба шаҳри» деган қисқа номга тезроқ ўргандилар. Бора-бора кўпчилик аҳоли ҳам, давлат арбоблари ҳам Фатҳпур дейдиган бўлдилар. Янги пойтахт бутун мамлакатга шу ном билан танилди.

Ҳамида бегим учун Фатҳпурнинг жанубида катта боғҳовли қурилди. Бир вақтлар учта фарзандини тупроққа топшириб, ёлғизгина ўғил билан қолган бегимнинг ҳозир олти навараси бор. Уларнинг каттаси Салим тўққизга кирди, Мурод саккиз яшар. Булар иккови оталари билан ҳарбий юришларга ва узоқ сафарларга бирга кетадиган бўлган. Ҳамида бегимнинг Шохзода хоним, Шукринисо бегим, Ором бону деган учта жажжи қиз навараси ҳам бор. Уларнинг ҳар қайсиси билан ҳафтада бир кун бирга бўлса ҳам баҳри-дили очилиб, вақтнинг қандай ўтганини сезмайди.

Сарой аҳли-ку, Ҳамида бегимнинг номини тоқ айтмайди, афсонавий Биби Марямга қиёслаб «Маряма макон» деб улуғлайди.

Лекин йигирма йилдан бери беваликда ўтаётган умр ҳам унга ўз тиконларини санчиб туради. Сал нарсадан хавотири ошиб, дилини ваҳим босадиган пайтлар кўп бўлади.

Унинг энг кўп хавотирликлари — мудом ўзини ўтга-сўвга урадиган Акбар туфайли. Бегим ҳатто ўлини ҳаддан ортиқ мақтаб кўкка кўтаришларидан ҳам чўчийди, чунки шўхратдан маст Акбар ражпутча қиличбозлик қилмоқчи бўлиб, ўзини ўзи ўлдиришига сал қолганини онаси одамлардан эшитган.

Гужаратдан сўнг шарқдаги Бихарга юриш қилинди. Акбар икки юздан ортиқ дарё кемаси қурдирган эди. Асосий кўшин қирғоқ бўйлаб кетди, Акбарнинг ўзи энг яқин мулозимлари, онаси ва хотину болалари билан бир ой кемаларда сузиб борди.

Жамна ва Ганга бўйлаб қилинган бу дарё сафарини Ҳамида бегим умрининг энг масъуд хотиралари каби қайта-қайта эслаб юрарди. У келинлари ва неваралари билан тушган кема саҳнида тупроқ солиб ўстирилган жажжи гулзор бор эди. Қафасларда болалар яхши кўрадиган қушлар ҳам дарё бўйлаб сузиб борарди. Икки юз кема улкан бир карвонга айланиб, беш олти мил масофага маржондай тизилган эди. Душман чегараси ҳали узоқ, ҳар икки қирғоқда ҳам ўз одамлари, кўкаламзор қир-адирлар ва обиҳаётга тўйган экинзорлар.

Бироқ Оллоҳободдан нарида яна Ҳамида бонунинг таҳликалари бошланди. Чунки Акбарга қарши уришмоқчи бўлган афғон саркардаси Довудхоннинг юз минг аскарлари, беш минг ҳарбий фили бор эди. Афғонлар уни «бугунги Шерхон» деб улуғлар эдилар. Акбар онаси ва хотину болаларини жанг майдонидан узоқ бўлган Жаунпурга юборди. Ўзи Ҳожипурдаги Довудхонга мактуб юборди. «Икковимизнинг икки юз минг аскаримиз урушадиган бўлса, беҳад кўп қон тўкилмай, — деб ёзилган эди Акбарнинг Довудхонга юборган мактубида. — Ундан кўра ўзимиз яккама-якка олишганимиз афзал эмасми? Сиз ҳам Ҳиндистонда туғилиб ўсгансиз, фил жангини яхши билурсиз. Мен ҳам битта филга миниб майдонга чиқай, эл-улуснинг кўзи олдида иккаламиз жанг қилайлик. Ким ғолиб чиқса, Бихару Бангола ўшаники бўлсин».

Довудхон яккама-якка жанг қилишга журъат этмаганини эшитиб, Ҳамида бегим анча енгил тортди. Чунки Акбар Ҳинд уммонида португалларнинг зўр кемаларини кўрганда қувайи баҳрианинг аҳамияти қанчалик катта эканини сезган, ўзининг икки юз кемадан иборат дарё флотини шундан кейин қурдирган эди. Ҳали бундай флот Довудхонда йўқ эди. Акбарнинг энг катта кемаларига ўттизта хўкиз зўрға тортадиган улкан замбараклар ўрнатилган эди. Довудхон асосий кучлари билан Ганга бўйидаги қалъада ҳимояда турганда, Акбарнинг ўттиз мингдан ортиқ аскарлари уни қуруқлик томондан ўраб олди. Қалъанинг дарёга қараган деворлари унча мустаҳкам эмас эди, чунки Гангада ҳали сувдан туриб ҳужум қиладиган ҳарбий кемаларнинг ўзи йўқ эди. Энди Акбарнинг кемалари дарё томондан оғир замбаракларни отиб, қалъа деворининг ночор жойларини қулата бошлади. Бир кун кемада туриб жангни бошқарган Акбар иккинчи куни саман оти Роҳворга миниб, қуруқликдан ҳужум қиладиган жангчилари орасида пайдо бўлди. Жангчилар уни бир-бирларига кўрсатишиб: «Ана, жангга кирдилар!», «Саман отда ўтдилар!» дея бошлашди. Уни кемада кўрганлар эса: «Олий саркарда ҳали ҳам бизнинг орамизда» дейишарди.

Акбарнинг ўзидан ҳам кўра номи катта кучга айланганини Довудхон ҳам сезди, у

¹ Қувайи баҳрия — денгиз флоти.

ҳам қуруқликдан, ҳам дарё ичидан қилинган кетма-кет ҳамлаларга бардош беролмади, кечаси қалъани ташлаб, жанубга қараб қочди. Акбар Тодор Мал бошлиқ ун минг қўшинни унинг кетидан қувғинчи қилиб юборди. Кўп оврагарчиликлардан кейин Тодар Мал Довудхонни қўлга туширди. У дастлаб тирик қолдирилди, аммо ҳибсдан қочиб, яна исён кўтаргани учун иккинчи марта қўлга тушганда қатл этилди. Бихар ва Бангола марказий давлатга қайта қўшилди. Энди Акбар уммондан уммонгача чўзилган, бир чети шарқдаги Бенгалиядан бошланадиган, иккинчи чети ғарбдаги Араб денгизи ва Камбей кўрфагача борадиган улкан салтанатнинг ҳукмрони бўлиб қолди.

Ҳинд саркардалари ва бараҳманлари Акбарни энг олий ҳарбий даҳо — чакраварти¹ деб атай бошладилар.

Шарқдаги ғалаба учун Акбар Гужаратдагига нисбатан хийла оз вақт ва куч сарфлаганига қарамай, уни «Минг йилда бир туғиладиган дохий! Енгилмас Маҳдий!» деб энтикиб улуғлайдиганлар пайдо бўлди.

Бу меъёрсиз мақтовлар ҳатто Маряма макон Ҳамида бонуни ҳам ҳовлиқтирар, бегим юриб бораётганда гоҳо оёғи ерга тегиб-тегмаётгандай бўлар, ғайритабиий бир куч уни осмонга учуриб чиқиб кетадигандек туюларди. Лекин бу улуғлашлар ўттиз ёшли Акбарнинг бошини қанчалик айлантириб қўйишини, Гужаратдаги мастлик яна такрорланиши мумкинлигини ўйлаганда бегим дарҳол ҳушёр тортар ва ўғлидан хавотир ола бошларди.

Шунда Акбарнинг яқин мусоҳиблари Рожа Бирбал ва Абулфазл онани тинчитадиغان важлар кўрсатишарди: Акбарнинг ўзидан ҳам обрўси, номи кўпроқ иш бераётгани, унинг буйруғини одамлар сўзсиз бажариши кўп мушуқларни осон қилмоқда. Демак, уни улуғлаб туриш гўё давлат манфаати учун зарур.

Одамлар Акбарни «довюрак, ботир» деб таърифлаганлари сари у ўзини янги-янги хатарлар гирдобига ташлар, ана шуниси бегимни мудом хавотирга соларди.

Овга борганда чита билан кийик тутишга қаноат қилса бўлади-ку. Йўқ, шергир филга миниб, йўлбарс отишга чиқади. Махсус одамлар йўлбарс яшайдиган ўрмонни ўраб олиб, нақоралар, нафирлар шовқуни билан йиртқични жойидан қўзғатади ва ўрмон четидоғи ялангликка чиқишга мажбур қилади. Бу ерда фил минган Акбар йўлбарсга рўбарў бўлади. Шергир фил хартуми ва тиши билан йўлбарсни уриб йиқитишга интилади. Бундан ғазаби келган йўлбарс гоҳо ердан туриб филнинг боши устига сакрайди. Агар фил устида тўфангни ўқлаб тайёр турган овчи йўлбарсни сакраган пайтида бошидан отиб йиқитолмас-ю, фақат ярадор қилса, бу қудратли йиртқич филнинг кўзига панжа уриб, тирноқларини ботиради. Кўздан айрилган фил довдираб қолади. Бу орада йўлбарс яна бир сакраб фил устидаги овчига етиб боради ва уни тилка-пора қилиб ташлайди. Бундай ҳодисаларни Акбарнинг ўзи кўрган. Шунга қарамай, яна беш-олти ой ўтгач, шергир филига минади-ю, йўлбарс овига жўнайди. Хавф хатар билан олишишга бунча ишқибоз бўлмаса нима қиларкин? Ҳамида бегим ўғлининг чапдаст мерганлиги учун тангрига шукрлар қилади. Кейинги ўн йилда Акбар еттита йўлбарсни отиб йиқитганидан хабардор она:

— Бўлди, энди, бас, жониворларга раҳмингиз келсин! — деб ўғлига ялинади.

Акбар «хўп» деб кўнгандай бўлди. Кейин, ўттиз беш ёшида, фил жангига қатнашиб, яна бир фалокатдан зўрға омон қолди. Ҳамида бегим ўз кўзи билан кўрган бу ҳодисани ҳар эслаганда, эти бир жунжикади.

Бухородан келган Абдуллахон элчилари фил жангини тамошо қилишга ҳавасманд экан. Акбар Жамна бўйидаги ўша кенг майдонда иккита зўр филни маҳаватлари билан бирга уриштирди. Бир вақтлар Байрамхоннинг филини енган машҳур Фавждорни журъати йўқроқ маҳават минган экан. Уртадаги тупроқ кўтармадан нарига ўтмай жуда ланж олишди. Тамоша зерикарли бўлаётгани учун Акбар Бухоро элчилари олдида ўнғайсизланди. Оташдорни чақиртириб: «Фавждорнинг маҳаватига айтинглар, дадилроқ жанг қилсин!» деб буюрди. Аммо буйруқ ҳам кор қилмади — маҳаватлар ўз жонларини хатарга қўйилари келмаётгани сезилиб турарди.

Шундан сўнг Акбар элчиларнинг олдида Рожа Бирбални қолдириб, ўзи филлар жанг қилаётган майдонга тушиб борди. Уни ишораси билан оташдорлар ёниб турган оловни икки фил орасига кўтариб кириб, олишувни тўхтатдилар. Фавждор маҳавати билан Акбар турган жойга чақиртирилди. Ҳар икки филга маст қиладиган ширин ичимлик берилди. Шудан кейин Фавждорга Акбарнинг ўзи минди. Кайфи ошган филлар энди ўлар-қоларига қарамай жанг қила бошлади. Икки орадаги тупроқ кўтарма бирпасда пайхон бўлиб ерга қоришиб кетди. Акбар Фавждорни анкуш билан хиллалаб, рақиб филнинг ёнбошига ўтказдирди. Биқиндан берилган зарба қарши томонни қаттич силкитиб, маҳаватни ерга йиқитиши керак эди. Лекин рақиб фил Акбар ўйлаганидан зўрроқ эканми, зарбага бардош берди, маҳавати ҳам филнинг қулоқлари остига тиззасини тикиб йиқилмай қолди.

Акбар филларнинг икки юз йил умр кўришини билар, улардаги қудрат етмиш-саксон ёшгача сақланиб қолади деб ўйларди. Байрамхоннинг фили Зўровар билан Фавждор

¹ Чакраварти — генералиссимус унвонига ўхшаш.

олишганига ўн саккиз йил бўлди. Наҳотки шу йиллар ичида Фавждор кучдан қолган бўлса? Акбар унинг зарбаси аввалгидай эмаслигини энди сезди. Дамудор деб аталадиган қаршидаги филнинг айна кучга тўлган даври экан, орқадан шундай қаттиқ зарба бердики, Фавждорнинг олд оёқлари букилиб чўккалаб қолди. Акбар унинг боши оша ерга қулаб тушадигандай бўлди.

Одамлар: «Ваҳ!» деб юбордилар. Аёллар қаторида жангни тамошо қилаётган Ҳамида бегим дод солиб юбормаслик учун оғзини кафти билан бекитди, лекин ўрнидан туриб кетганини ўзи билмайди.

Бу орада Акбар ўзини хиёл ўнглаб, Фавждорни бир амаллаб тикка турғазди. Дамудорни бошқараётган маҳават подшо оиласидан балога қолмаслик учун иккинчи зарбадан филини тутиб қолди. Акбар Фавждорни орқага буриб, яна ҳамлага ўтди. Лекин шу орада жанг вақти тугади-ю, олишув дуранг деб эълон қилинди. Ранги хиёл учган Акбар хансираб элчилар олдига қайтиб келди. Жанг манзарасидан ҳаяжонга тушган элчилар Акбарнинг олдида таъзим қилишиб:

— Довюрраклигингизга тан бердик, ҳазратим! — дейишди.

Кечқурун Акбар онасидан хабар олишга борганда Ҳамида бегим кўзига ёш олиб, дардини айтди:

— Шоҳ ўғлим, наҳотки элчиларнинг икки оғиз таҳсини учун ўз жонингизни шунчалик хатарга қўйсангиз? Таваккалчилик ҳам эви билан-да, ахир. Шу қадар ўйламай иш қилиш тўғрими, айланай болам?!...

— Мен бу ишни ўйлаб қилдим, онажон. Абдуллахон биз билан беллашмоқчи эмиш, Кобулу Бадахшонни тортиб олмоқчи эмиш. Элчилари ўз кўзлари билан кўрган олишувни бориб хонга айтиб берсинлар. Мен билан олишув қанақа бўлишини хон кўз олдига келтирсин. Эҳтимол бугунги фил жанги Абдуллахон билан бўладиган қонли урушнинг олдини олишга ёрдам берса! Мен ана шу мақсадда майдонга тушдим.

— Лекин сиз майдондан омон чиққунингизгача мен ўлиб бўлдим! Бизни ҳам ўйланг-да, жон болам!

— Ҳўп, онажон! — деб Акбар минбаъд жонини хатарга қўймасликка сўз берди. Лекин бошқа кутилмаган жойдан яна онани безовта қиладиган хатар чиқди.

Акбарнинг довюрраклиги Абулфазл билан Бирбалга жуда ёқарди. Уларнинг фикрича, Акбарнинг шўхрати ва обрўси давлат манфаатларига хизмат қилади. Агар унинг шундай зўр обрўси бўлмаса, қўл остидаги одамлари Секридаги янги пойтахтни қисқа вақт ичида бунёд қилишга ёки икки юзта дарё кемасини қуришга бу қадар жон-жаҳдлари билан киришармиди?

Абулфазл билан Бирбал Акбарнинг шу улкан обрўсидан фойдаланиб, энди шайх Ансорийга қарши иш тутмоққа киришдилар. Гужарат юришидан олдин режаси чизилган Эътиқод уйи Бихардаги ғалабадан кейин қуриб битирилди. Акбар руҳонийларни мунозараларга жалб қилиш учун бинони «Ибодатхона» деб атади. Ҳамида бегим бу ибодатхонани кириб кўрган эмас, аммо уни марҳум Салим отанинг маслақдоши Абдулла Ниёзийнинг ҳужраси ўрнига қўрганларидан мамнун. Абдулла Ниёзийнинг ҳужраси эвазига Секри ўрмони четидан Акбар унга уй қурдириб, деҳқончилик учун ер ҳам ажратгани онасига жуда маъқул тушди. Чунки Абдулла Ниёзий ҳам Салим ота каби адолатпарвар одам эканлигини бегим яхши билади. Ибодатхонада Акбар имону эътиқод ҳақида мунозаралар ўтказганда Ансорийга ўхшаган тамагир дин пешволари шайх Муборак билан Абдулла Ниёзийга бас келолмасликлари аниқ. Бианадаги халқ ҳаракатига қатнашган маҳдийлар дину миллат айирмас эдилар. Акбар уларнинг шу бағрикенглигини маъқул қуриб, ибодатхонадаги мунозараларга ҳинд бараҳманларини ҳам, оташпарастлар вакилини ҳам таклиф қила бошлади. Абдулла Ансорий ва унинг тарафдорлари чекка-чеккада пичирлашиб: «Ибодатхона Бианадаги исёнчилар илкига ўтди, маҳдийлар Акбаршоҳни ҳам диндан чиқаришмоқда!» деган ваҳимали гаплар тарқатдилар.

Маҳдийлар эса Акбарни «Миллийлда бир келадиган улуг раҳбар!» деб кўтар-кўтар қилишади.

Селдай ёприлиб келаётган бу қарама-қарши фикрлар таъсирида Акбарнинг ўзи ҳам ғалати бўлиб юрибди. Кейинги пайтда чоғир ичмайди, гўштли овқат емайди, ҳеч ким билан очилиб гаплашмайди. Ҳозир узоқ Бҳира ўрмонларига кетган. Яна фил миниб, йўлбарс овиغا чиқмаса эди...

Ҳамида бегим Бҳирадан хабар кутиб юрган пайтда Абулфазл келиб қолди. Унинг маънос қарашлари онани яна безовта қилди:

— Акбаржон саломатмилар?

— Шукур... Лекин озиб кетдилар. Уйқулари ёмон.

— Табиблари бор эди-ку. Бҳим Надҳ ўша ердами?

— Табибларни қабул қилмай қўйганлар. Куни билан ўрмонда ёлғиз юрадилар, тоғ тепасида соатлаб ўй суриб ўлтирадилар. Ёнларига чақирмаганларидан сўнг, биз боришга журъат этолмағаймиз.

— Рожа Бирбал ўша ердамилар?

— Ҳа, Рожа Бирбал билан ҳам очилиб сўзлашмай қўйдилар. Пойтахтга қайтайлик, десак, истамадилар.

— Ов билан кўнгиллари ёзилар эди-ку.

— Биз ҳам шуни ўйлаб, овга тайёрлик кўрдик. Шергир филлари тахт қилинди. Махсус одамлар ўрмон ичидаги йўлбарсларнинг атрофини ўраб, очик жойга ҳайдаб чиқди. Кийик овлайдиган читалар ҳам қафасда буйруқ кутиб турган эди. Бирдан ҳазратим: «Жониворларга жабр қилиб не топдик!» дедилар-у, йўлбарсларни ўрмонга қайта киритиб юборишни буюрдилар. Қафасдаги читаларни ҳам узоқроққа олиб бориб, қўйиб юборишга амр бердилар. Овни манъ қилиб махсус фармон чиқардилар.

— Йўлбарс ови ман этилса, менинг дилимдаги иш бўлибдир,— деди Ҳамида бегим.

— Лекин бошқа бир хавотирлик пайдо бўлди, бегим. Бегонасирайдилар. Мудом ўзлари ёлғиз. Мусоҳаба-ю, муракаба¹. Ҳушлари жойида эмасми? Ҳеч кимни қабул қилмай қўйдилар. Давлат ишларини эслатса, уришиб берадилар. Подшо одамга бир нарса деб бўлмаса!.. Уйлаб-ўйлаб, ахири сизга маслаҳатга келдим. Ҳазратимга фақат сизнинг ҳаддингиз сиғиб, тўғри йўл кўрсатмоғингиз мумкин...

— Акбар мени чорладими?

— Йўк, билдирмай келдим. Билсалар, рухсат бермас эдилар.

— Мавлоно, сиз билан отангиз шайх Муборак ҳам Акбарни ҳаддан ортиқ улуглай-вериб шу кўйга солдиларингиз. Мана, оқибати!

— Осий бандамиз, ҳазрат бегим... Бизни авфу этинг!

— Аммо келганингиз яхши бўлибдир. Мен тезроқ Бҳирага борай. Дилим сезган эди-я!..

Ҳамида бегим ўзининг бетобликларини ҳам унутди, Фатҳпурдан отда ўн кунлик йўл бўлган узоқ Бҳирага шошилишч жўнаб кетди.

* * *

Ҳаруда деган ҳинд лочини тоғ тепасида турган Акбарнинг ёнгинасида учиб ўтди. Лочиннинг елкаси тўқ қизғиш, қорни ва бўйни оқ. Сариқ рангли панжаси билан қор² бир илонни чангаллаб олган. Илон ейдиган бу лочин ўз овини думидан чангаллаб осмонда чирпирак қилиб учиради. Заҳарли илон тез учишдан кўзи тиниб, бош³ни кўтариб ололмайди, лочинни қақишга илож тополмай қолади. Ҳаруда эса илонни осмоннинг юксак бир жойидан ерга ташлаб юбориб ўлдиради.

Мана шу одати учун ҳиндлар Ҳарудани муқаддас қуш деб эъзозлашади. Ривоятларга биноан, гўзаллик ва зафар маъбудаси Лакшми Ҳаруданинг қанотлари устида ўтиради. Илгари Акбарнинг хаёлида афсонани воқеликдан ажратиб турадиган аниқ чегара бор эди. Энди шу чегара йўқолган, уни гўё сел олиб кетган. Шу сабабли ҳозир ёнидан учиб ўтган Ҳаруданинг қизғиш қанотлари устида ҳаво тўлқинига ўхшаш ҳарир бир нарсани кўргандай бўлди-ю, «Лакшми шу эканми?» деб ўйлади.

Кечалари унинг тушига тўрт қўли, бешта юзи бор Шива кириб чиқади. Ҳазаб бобида ҳеч ким Шивага бас келолмайди. Икки кўзидан ташқари пешонасида учинчи яширин нигоҳи ҳам бор. Астойдил ғазаби келганда, шу учинчи кўзи бирдан очилди-ю, олов сочади. Шива тикилиб қараган одам ёки бошқа жонзод шу кўзнинг оловидан куйиб кул бўлади. Шиванинг ёқаси ўрнида ўрам-ўрам илонлар. Одамларнинг бош суякларини ипга тизиб, бўйнига маржон қилиб юради. Пўлат гурзисининг учига ҳам одамнинг бош суяги қопланган. Чунки у гуноҳкорларга жазо берувчидир.

Акбарнинг тасавуридаги воқелик билан ғайритабиий ва илоҳий нарсаларнинг чегарасини бузиб ўтган сел уни ердан узиб олиб осмонга чиқариб юборган улуглашларнинг оқибати эканини ҳозир ўзи ҳам сезмайди. Фақат уни «Доҳий!» «Маҳдий!» деганлари сари ўзини алланечук ёлғиз, ҳаммадан узилган бекас одамдай сезади.

Унинг руҳи безовта, сабабини гўё Жалолиддин Румий айтиб кетган: «Тананг — от, руҳинг — унинг суворийси. Шуни билки, от емиши суворийга озиқ бўлмагай!»

Илгари Акбар кўпроқ танасини парварилар эди, энди билса, нуқул отни боқиб, суворийни оч қолдирган экан. Ҳозир аксини қилиб, ейиш-ичишдан ўзини чеклади-ю, маънавий озиқ берадиган илму асрорга, сўфийлар ва ҳинд донишмандлари таълимотига қайта-қайта шўнғиб, ўзига керакли маънавий гавҳарни излашга тушди.

Рух, ақл, қалб, кўнгил — булар табиатдаги чор унсурга ўхшайди, инсондаги бутун маънавий дунё шу тўртговидан таркиб топишини Акбар энди билипти. Араб, форс, ҳинд, юнон — турфа тилли файласуфлар ҳаммаси руҳ билан тананинг, кўнгил билан ақлнинг орасидаги зиддиятлардан дод деб ўтганлар. Акбарнинг ўзи ҳам ҳозир шу ички зиддиятлардан қутулолмай азоб тортиб юрибди. Орқага ўгирилиб қараса, қанча зафарларга эришгани, қанча катта давлату обрўга эга бўлгани уни қаноатга ва мамнунликка ундайди. Аммо дилига разм солса, ўзидан ҳам, атрофидаги ҳаётдан ҳам кўнгли тўлмайди. Ҳали амалга ошмаган истак-орзулари беҳад кўп. Уларга қачон етишади?

Шунда гўё Абдуҳамид Ғаззолий деган файласуф уни огоҳлантиради: «Икки биқининг орасидаги кўнглинг — сенинг ашаддий душманингдир».

¹ Мусоҳаба — худтаҳлил, ўз-ўзини анализ қилиш. Муракаба — ўз-ўзини чеклаш, қаноатга ўрганиш.

Ҳинд файласуфлари ҳам кўнгилни унинг ташқи манбаларидан узиш кераклигини, ҳеч ким йўқ бир ўрмонда ўз қалбига қулоқ солиб, дилдаги муқаддас туйғуларга берилиб яшашни маслаҳат берадилар.

Акбар табиатдаги покликни, гўзаллик ва мувозанатни кўриб ҳаваси келади. Нега унинг дилида табиатдаги уйғунлик йўқ? Бу саволга жавобан яна Румийнинг хитоби эшитилади:

«Кўзни юмгил, кўзга айлансин дилинг!»

Акбар кўз олдида турган табиатдан ҳам улўғроқ, ундан ҳам абадийроқ мутлақ ҳақиқатни қалб кўзи билан кўришга ва руҳини унга қўшиб юборишга интилади. Лекин бунга ҳеч муваффақ бўлолмайди.

Тақдир унга шунча куч-қувватни, истеъдодни, қудратли давлатни нима учун берган? Бу саволга Ажмирддаги Мўйиниддин Чешти мақбарасидан Бҳирага келган мўсафид Муртазо Аҳмадхон ўзича жавоб берди. У шеърни куйга ўхшатиб айтадиган хушовоз қаволлар билан бирга Акбарни улўглаб ашула айтди-да, унинг қаршисида тиз чўкиб, сажда қила бошлади:

— Сиз минг йилда бир келадиган дохий! Дунёда адолат ўрнатиш учун худо томонидан юборилган маҳдийсиз!

Зўр эътиқод ва ишонч билан айтилган бу сўзлар Акбарга шундай таъсир қилдики, унинг кўзларидан ёш оқа бошлади. У кўз ёшини артмасдан ўрнидан туриб кетди-да, ўрмонда анча вақт ёлғиз айланиб юрди.

Балки Муртазо Аҳмадхон ҳақдир? Унга аён бўлмаса, камоли ишонч ва эътиқод билан шундай дермиди? Лекин Акбарнинг амалий ишда аниқ далилларга таяниб ўрганган ақли бу гапга бовар қилмайди.

Осмондан ҳам бирон ишора бўлса эди, Акбар ўзининг ўжар ақлу идрокини сўзсиз ишонтирарди. У ёлғиз тоғ тепаларига чиқади, уйқусиз тунларда шам ёруғида ўй суриб ўтиради. Тепадан бирон гумбурлаш ёки ҳайқирш эшитилса, «Тангридан ваҳий келдимикин?» деб, вужудини титроқ босади, руҳида зилзила қўзғалади. Лекин яхшироқ қулоқ солса, узоқда ё момақалдиروқ гумбурлаган ёки ўрмонда йиртқичлар бўкирган бўлиб чиқади.

Муртазо Аҳмадхондан ташқари шайх Муборак ҳам Акбарнинг маҳдийлигини исбот этишга ҳаракат қилмоқда. Ахир ҳижрий мингинчи йил яқинлашяпти. Шайх Муборак мусулмон оламида Акбардан қудратлироқ подшо йўқ деб ҳисоблайди. Унингча, маҳдийликка муносиб бошқа одам йўқ. Шунинг учун шайх Муборак Акбарнинг тезроқ маҳдий деб эълон қилинишини, шу тарзда Абдулла Ансорий бошлиқ руҳонийлар ҳокимияти йўқотилишини истайди. Акбар маҳдий бўлганда киядиган улўғвор самовий кийимларга шайх Муборак буюртма берган...

Буни эшитган Акбарнинг руҳи осмонга талпинади, аммо танаси ҳамон ердан кўтарила олмайди. Хаёлида воқелик билан илоҳиёт бир-бирига қоришиб кетган пайтларда уч кўзлик тангри Шива Нанди номли ҳўкизига миниб қаршисидан ўтгандай бўлади. Бирдан ҳушёр тортиб қараса, Боғи Сафода ёлғиз ўлтирганини кўради. На Шива бор, на Нанди. Шунда «ақлдан озмаяпманмикин?» деган ўй этини жунжиқтириб ўтади.

* * *

Кеч кириб, ўрмон дарахтлари Боғи Сафодаги кўлга узун-узун соя ташлаб турган пайтда Акбар хаёл суриб булоқ бўйида ўлтирган эди. Саккиз йигит Боғи Сафога кўтариб кирган заррин тахтиравон булоқдан пастроқда тўхтади. Кутилмаганда ундан Ҳамида бегим чиқиб келди. Акбар «бу ҳам рўе бўлсак керак» деб чўчиб ўрнидан турди:

— Сиз?... Ҳазрат онам?

— Ҳа, бу мен, мунглиқ онангиз!..

— А... Э... Сизни ким чорлади?

— Дилим чорлади!

Акбар онасидан ҳам бегонасирагандек анча берида тўхтаб турибди. Ҳамида бону орадаги масофани дадил босиб ўтди-да, Акбарни бағрига босиб, йиғлаб юборди:

— Акбаржон, онангиз сизга керак бўлмаганда, кўзингизга кўринмай кетгай! Аммо бошингизга мушкулот тушганда, ернинг тагидан бўлса ҳам етиб келгаймен!

Она бағрида Акбар бир лаҳза беғубор болалик даврига қайтгандай бўлди. Кўнгли юмшаб:

— Хуш келибсиз! — деди ва онасини икки ошиёнлик кўшкка бошлаб кирди. Бегим йўлда чанқаган эди. Акбар гулоб чақирди.

— Сув кичикдан, аввал ўзингиз ичинг, болам!

Акбар лиму шарбатининг лаззатини анча кундан бери энди қайтадан сезди. Бовурчилар Ҳамида бегим учун дастурхон ёзиб, энг сархил ширинликлар ва сабзавотдан қилинган таомлар келтира бошладилар. Бегим тўрт йилдан бери гўшт емас, буни бовурчилар билар эди. Акбар ҳам Бҳирага келгандан бери гўшт емай қўйгани она-болани маъ-

навий маслакдош қилгандай туюлди. Хуштаъм сабзавотлардан пиширилган анвойи овқатларни эса Ҳамида бону атайлаб иштаҳа билан ер, унинг таъсирида Акбар ҳам лаганга тез-тез қўл чўзаётганини ўзи сезмасди. Киндик қони орқали ўтган гўдаклик туйғулари Акбарни аслига қайтараётгандай, воқелик билан хаёлий рўёнинг орасидаги чегара туман орасидан секин чиқиб келаётгандай бўларди. Лекин ойлар давомида унга сингдирилган маҳдийлик афсуни ҳали осонликча тарқайдиганга ўхшамасди. Она-бола суҳбатлашиб ўтирганларида Акбар бир неча марта жим қолиб, осмонга қулоқ солди. У тангридан илохий нидо келишига астойдил ишониб юрганини Ҳамида бегим энди сизди.

Кечаси Акбар «сома» деган гиёҳнинг сувидан тайёрланган шарбат ичди.
— Сома ҳиндларда муқаддас гиёҳ ҳисоблангай,— деб онасига тушунтирди.— Кечаси ойдинда тоғдан териб тушарлар. Олтин узук тақилган бармоқлар билан эзиб, шарбатини элакдан сузиб поклагайлар. Бир-икки кун тургандан кейин етилиб, енгил кайф бергай. Аммо бу илохий кайф саналур.

Ҳамида бегим сомадан бир пиёла ичиб ётган эди, кечаси билан ухлай олмади. Бараҳманлар соманинг кайфи билан туни бўйи ҳиндча дуолар ўқиб, ухламай чиқишлари эсига тушди-ю, Акбарни қийнаб юрган уйқусизликларга сома ҳам сабаб бўлаётганини пайқади. Эртаси куни Акбарга туркий ичимликлардан қимизни эслатди:

— Кобулда ўсмир пайтингизда қимиз ичганларингиз ёдингиздами? Аждодларимиз орқали қонимизга сингган одат...

— Ҳинд иссиқларида қимиз оғирлик қилгай.

— Аммо Бҳира салқин экан. Бир томони тоғ, бир томони дарё.

Онасининг қимизга кўнгли кетаётганини сезган Акбар бовурчини чақирди:

— Чиғатойхон Тошкандий қимизхўр эди. Бориб айтинг, биз учун топдирсин.

Қип-қизил қовоқидиш тўла қимиз ўша куниеқ топиб келинди. Ҳамида бону сарёғда пиширилган қувватли овқатлар буюрди, аввал ўзи бир коса қимиз ичди, кейин қўярдақ-қўймай Акбарга ҳам ичирди. Муздай булоқ сувига кадиси билан қўйиб совутилган қимиз чанқоқни шундай яхши босдики, Акбарнинг танаси яйраб, бирдан иштаҳаси очилганини сизди. Она-бола гўшт емасликларини биладиган бовурчи уларга туркийча қаймоқ торпиқ пишириб келди. Юпқа хамир ичига пишиқ қаймоқ солиб қатланган, кейин қайнаб турган сарёғ ичида етилган торпиқ қимиздан кейин иштаҳа билан ейилди. Акбар шарбатчига ишора қилиб, ўзига ва онасига яна бир косадан қимиз куйдирди. Уни ичгандан кейин вужудига майин бир мудроқ тарқаб, дунё ғамлари хаёлидан узоқлаша бошлади. Ҳар кунни ётар маҳалда ичадиган сома ичимлигини бугун онаси илтимос қилиб ичирмади. Унинг ўрнига ҳам яна бир коса қимиз берди.

Акбар хуфтонда бир уйқуга кетганича, эртаси куни офтоб чиққанга қадар қотиб ухлади.

Сўнги кунларда у ҳеч кимни қабул қилмай қўйгани учун давлат ишлари тўхтаб қолган, подшонинг қабулига киролмай хит бўлиб юрган одамлар кўп эди. Акбарнинг ўй-хаёлини бузмаслик учун мулозимлар ҳам оёқ учида юрардилар. Бутун қароргоҳ мудроқ босгандай бўшашган эди. Акбар эрталаб ухлаб ётган пайтда Абулфазл билан Рожа Бирбал Ҳамида бегимнинг хузурига келдилар.

— Яхши ухлаётган бўлсалар, бу — соғайиш аломати! — суюниб деди Абулфазл.— Шояд бугун бизни ҳам қабул қилсалар. Навбат кутиб турган шошилич ишлар кўп. Турон подшоши Абдуллахондан элчи келмоқда эмиш.

Ҳамида бону бош чайқади:

— Мавлоно, ҳали сабр қилинг. Гужаратдаги мастликлари бир кунда тарқаган экан. «Маҳдий», «доҳий» деб, ойлар давомида афсун қилдиларингиз. Бунинг кайфи тарқалиши учун анча вақт керакка ўхшайдир.

— Шукрки, ҳазратим сиз билан иноқлар.

— Менга хос ҳакимни чақириб берингизлар, деди Ҳамида бону.— Бамаслаҳат даво қилайлик.

Хос Ҳаким Бҳим Надҳ Акбарга қувват берадиган таомларни кўпроқ едиришни маслаҳат берди. Шу маслаҳат бўйича Ҳамида бегим эрталабги ширчоёга қувват берадиган қаймоқ ва сарёғни кўпроқ солдирди. Тушга бориб Акбар чанқай бошлаганда она-бола яна қимиз ичдилару табибнинг буйруғи билан сабзавот шўрвага каклик гўштидан қўшиб пиширдилар ва сувини сузиб бердилар. Акбарнинг кайфияти яхшиланиб бораётганини кўрган Ҳамида бону унга руҳ ва тананинг бирлиги ҳақида Салим ота айтган сўзларни эслатди:

— Инсон ҳам дарахт каби моддий илдиэлардан озиқланаркан, шоҳ ўғлими! Қон билан таралувчи озиқ руҳга қувват бераркан.

— Лекин нафс билан кўнгил руҳнинг душманидир,— деди Акбар.

— Нечун? Қомил инсонларда руҳ ҳамиша кўнгилга етакчилик қилгай, ақл билан дил жуфт қанотлардек бирга парвоз этгай.

— Демак, мен ҳали камолотдан жуда узоқдамен,— деди Акбар.— Руҳим мудом осмонга талпинур. Аммо кўнглимни руҳим кўтарилган юксакликка олиб чиқолмай, аро йўлда муаллақ қолурмен.

Акбар ўзининг руҳий ҳолатига тўғри баҳо бера бошлаганидан Ҳамида бегим ичида

«хайрият» деб қўйди-ю, уни муаллақ ҳолатдан тезроқ ерга қайтариб туширгиси келди. — Мен ўтган ҳафта тушимда Хумой қушни кўрибмен, — деди бегим. — Қанотлари бургутниқидан ҳам баҳайбат. Бошию бўйни шертахлит. Одамниқидай икки илки бор. Тоғ этагида одамлар тўпланган экан. Хумой қуш илкида каттакон бир китобни кўтариб ўтиб, тепасига бориб кўнди. Одамлар унга қараб югурдилар. Хумой китобни ташлаб учиб кетди. Тоққа олдинроқ етиб борган тўрт-беш одам ҳалиги китобни: «Мен олай, мен олай!» деб талаши қолдилар. Бири-бирига бермагандан кейин уни тўрт-беш бўлак қилиб бўлиб, турли томонга олиб кета бошладилар. Шунда сиз пайдо бўлдингиз. «Тўхтанлар, ахир яхлит китобни парчалаб олиб кетиш гуноҳ-ку» деб уларни қайтаришга тушдингиз. Лекин уларнинг бирини қайтарсангиз, бошқаси тутқич бермайдир. Азбаройи ачинганимдан оҳ тортиб уйғониб кетибмен.

Акбар ўйланиб турди-ю:

— Яхши туш кўрибсиз, — деди. — Китоб — ҳақиқат рамзи. Одамлар ҳақиқатни парча-парча қилиб турли томонга олиб кетганлари рост. Маънавият ҳам парчаланган. Ҳар ким илкидаги бир парча ҳақиқату — маънавиятни маҳкам тутиб олган. Бошқаларнинг илкида ҳам ҳақиқату маънавият парчалари борлигини тан олмайдилар. «Фақат мен ҳақмен!» деб, бошқа халқларни камситадилар. Узаро урушлар, дину миллат айиришлар мудом шундан келиб чиққай... Сиз тушингизда кўрган китобнинг парчаларини одамзод бир жойга йиғиб, яхлит ҳолга келтирмагунча, дунёда адолат ўрнатиб бўлмагай. Менинг орзуим сочилиб кетган ўлкаларни бир давлат қилиб бирлаштиришгина эмас, балки парчаланиб кетган ҳақиқатни бир улуф маҳзарга¹ йиғишдир.

Илоҳим, бу орзуингизга етинг, шоҳ ўғлим. Туркий улусдан чиқиб, Ҳиндистонга фарзанд бўлдингиз. Энди билсам, бир улуснинг қобиғини ёриб чиққан одам фақат иккинчи бир халқнинг фарзанди бўлиш билан чекланиб қололмас экан. Уммонга қуйилган дарё бутун дунё кенгликларига чиқаркан. Шунга ўхшаб, сиз ҳам ўз улусингиз, ўз мамлакатингиз ташвишларидан куч ортдириб, умумбашарий муаммоларни ечишга бел боғламоқдасиз. Маънавият бобида аждодларингизнинг ҳеч бири бундай мушкул, бундай мураккаб мақсадларни ўз олдларига қўймаган эдилар. Сизда улкан истеъдоду ғайрат бор. Аммо мен тушимда оҳ тортиб уйғонганимга сабаб — ёлғизлик қилдингиз, болам! Китобни парчалаб турли томонга қочганларнинг ҳаммасини одам бир ўзи нечук тутгай?

— Ёнимда ҳеч ким йўқмиди?

— Йўқ эди! Ахир, содиқ амирларингиз нечун кўринмайдирлар? Азиз кўка, Ман Синх, Рожа Бирбал, Абулфазл... Ҳар бири сиз учун жонини беришга тайёр-ку!

Акбар сунгги пайтда узлатга чекингиси ва ёлғиз юргиси келиб, энг яқин кишиларидан узилиб қолгани нотўғри бўлганини энди сеза бошлади. Онаси уни янада ҳушёр тортдириш учун Аградаги бир фожиани айтиб берди:

— Сиз йўғингизда Аградаги садрлар судури Абдунаби яна диний низоларни аланга олдирди. Сиз-ку, мачитлар қатори ҳинд бутхоналари қуришга ҳам рухсат берган эдингиз. Лекин шайх Абдунаби бор тахтани мачит ёнига келтириб тахлатибдир. Бутхона учун тахта бердирмабдир. Бутхона қурилиши тўхтаб қолгандан кейин келинимиз Жодҳа Байга қадрдон бўлган бараҳман ўз қавмлари билан борибдир-да, ўша тахталарнинг бир қисмини садрлар судуридан берухсат олиб кетиб, бутхона қурилишига ишлатибдир. Муҳтасиб буни билиб қолиб, бараҳманни ҳибсга олибдир.

— Мен буни эшитган эдим, — деди Акбар. — Сафардан қайтгунимча бараҳман ҳибсда сақлансин деган эдим.

— Аммо бараҳман қочмоқчи бўлган эмиш. Ростми-ёлғонми, билмадик. «Сўроқ пайтида бараҳман муслимларни ҳақорат қилди, кечаси қочмоқчи бўлди» деган баҳона билан садрлар судури уни қатл этдирибдир.

— Оббо жаллодлар-эй!

— Энг ёмон фожиа кейин бўлди. Бараҳманнинг тўрт хотини бор эди. Булардан учтаси «сати» қилиб, мурда билан ўзларини ёндирибдилар. Буни Жодҳа Бай эшитиб, қанча йиғлади!

Ерда шунча ишлари туриб, Акбар осмондан нидо кутиб юргани энди унинг ўзига ғалати туюлди. Ҳамида бегим уни тезроқ аввалги ҳолига қайтаришга интилиб, изтироб билан сўзлашда давом этди:

— Шоҳ ўғлим, шайхлар сизни ердан узиб олиб, осмонга чиқариб юбормоқчи бўлурлар! Мени ҳам Исо пайғамбарнинг онаси Биби Марямга қиёслаб, муболаға қилурлар. Лекин мен Биби Марям эмасмен, шукрим, сиздек инсонга онамен! Шунинг ўзи менга етқуликдир! Тангрининг олдида гувоҳлик берурменки, сизга зиндир эмас, етти она оқ сут берган. Шунинг учун мен сизни маҳдий эмас, Одам Ато фарзанди деб билурмен!

Акбар тасдиқ маъносига бош ирғади. Хаёллари осмондан ерга ташаётгани унга енгиллик бермоқда эди. Қуюқ булутдай оғир туйғулар кучли шамол остида тарқаб кетаётганга ўхшарди. Уғлини булут орасидан чиқариб олаётганини сезган она илҳом ва эҳтирос билан сўзлашда давом этди:

— Сиз афсонавий Искандар каби улуф шуҳрат, улкан ном қозондингиз, Акбаржон!

¹ Маҳзар — марказий нуқта, синтез жойи.

Алишер Навоийнинг «Хамса»сини ўқигансиз. «Садди Искандарий» дostonи ёдингиздами? Ўша ерда Арасту, Суқрот, Афлотун каби оламшумул донишмандлар нелар деганини бир эсланг!

Акбар «Садди Искандарий»ни хаёлидан қайта ўтказаркан, бир нарсадан ҳайрон бўлди. Навоийнинг жаҳон халқларини адолатга ва руҳий яқинликка ундаб ёзган туркий дostonи Акбарнинг миллий адоватлар ва диний низоларни йўқотишга қаратилган эътиқодига нақадар ҳамоҳанг! Дostonдаги яъжуж-маъжужлар — қонли урушлар ва миллий адоватлар тимсоли эмасми? Садди Искандарий барча ёвузликларнинг йўлини тўсиш учун қурилган экан-ку. Уни Шарқу Ғарбдаги барча халқлар дину миллат айирмасдан бирга-ликда қурганлари бежиз эмас.

— Акбаржон, сиз ҳам Секрида қурган Эътиқод уйи орқали барча элларни руҳан яқинлаштириш ниятида эдингиз. Сизнинг бу ихтиронгиз ҳам яъжуж-маъжужлардай хатарли низо-ю, адоватларнинг йўлини тўсадиган маънавият садди эмасми, ахир? Навоий Искандар сиймосида ўзи орзу қилган раҳбарни улуғлайдир. Аждодларингиз орасида шу орзунинг амалига энг яқин келган раҳбар — сиз эмасмисиз? Ахир сиз узоқ Фарангистондан, Афлотуну, Арастулар ўлкасидан насора руҳонийларини таклиф қилган эдингиз. Улар Гужаратдан ўтиб, бизга яқинлашиб келмоқда эмишлар. Ким чиқиб кутиб олгай? Қаёнга жойлаштирай? Қанча мулозимларингиз сизнинг қабулингизга мунтазир! Сиз қиладиган қанча муҳим ишлар навбат кутиб қолди! Қанча одам бир парча нонга зор! Ёрдамга муҳтож бевалар қанча!

— Рост! — деб, Акбар бирдан ларзага келиб, ўрнидан туриб кетди. Момоқалди-роқ гумбурлаганда «вахий эмасмикан» деб руҳида зилзила кўзгалгани каби, ҳозир ҳам вужуди жунбишга келди. Кўзлари оловдай ёниб:

— Мен осмондан кутган нидоларни сиздан эшитдим, онажон! — деди. — Барча ёвузликларга қарши Садди Искандарий қурмоқ!..

— Эҳтимол, одамлар буни Садди Акбарий деб атагайлар, болам!

— Ажойиб!.. Ғанимларим буталар орасига яширинган илонлардек заҳар солиш учун пайт пойламоқдалар. Энди уларни ҳинд лочини Ҳаруда каби юксакка олиб чиқиб ташлаб юбориш мумкин!

Кўпдан бери йўли тўсилиб, дам бўлиб ётган анҳорнинг олди очиб юборилса, ўзанига сиғмай тошиб, лойқаланиб оқади. Шунга ўхшаб, Акбарнинг дилида қисилиб ётган туйғулари ҳам энди танасига сиғмай ёпирилиб чиқа бошлади. У қарсақ чалиб, сармунши Ашрафхонни чақирди-да, кетма-кет фармойишлар бера бошлади:

— Аграга чопар юборинг. Мирдевон Тодар Малга фармонимиз шулки, Секрида, Аграда, Деҳлида бошқа субаларда қанча очлар, муҳтожлар, етиму есирлар, кексайиб қаровсиз қолган нотавонлар бўлса, сиз боргунча ҳаммасини рўйхатга олсин. Яна бир фармойиш: сўнг етти йилда аҳолидан олинган жузья солиғининг умумий миқдори қанча? Шунинг аниқ ҳисоб-китоби тузилсин.

Ашрафхон мискин-нотавонлар рўйхати билан жузья солиғидан тушган пулларнинг орасида қандайдир боғланиш борлигини сизди. Аммо буни сўрашга улгурмасидан Акбар унга навбатдаги фармонни ёздира бошлади:

— Фатхпур қувволи Иброҳимга буйруғимиз шулки, Гоа оролидан келаётган фаранги руҳонийларини иззат-икром билан кутиб олсин, сарой ичидаги хос меҳмонхонага жойлаштирайсин. Гужаратдан оташпарастрлар пешвоси Мехержи келган бўлса, унга ҳам яхши жойлардан берилсин.

Ҳамида беғим ўғлидаги ўзгаришни ҳайрат билан кузатиб тураётган, Акбар аввалгидай серғайрат, ишчан қиёфага қайтгани сари онанинг қувончи ортиб борарди. Ашрафхон эса Акбарнинг кетма-кет ёпирилиб келаётган истакларини шоша-пиша қоғозга туширмоқда эди:

— Ёзинг: Қосим саркорга фармойиш шулки, биз боргунча тўрт қисмлик ибодатхонанинг барча хоналарини турли тилдаги муқаддас китоблар билан жиҳозласин. Биз пойтахтга қайтганда саидлар, уламолар, бараҳманлар, бошқа дину миллат вакилларини шу эътиқодхонага таклиф этгаймиз. Сўнги фармойиш: ҳозир Бҳирадаги барча беку аъёнларни кечқурун машаратга чорланг. Мири манзил йўл тайёрлигини кўрсин, эрта ўтиб индин пойтахтга қайтиб кетгаймиз!

Анчадан бери жимиб мудраб ётган Бҳирадаги қароргоҳ бу фармонлардан гўё чўчиб ўйғонди-ю, ҳаммаёқ бирдан жонланди. Чодирлар ва кўшкларнинг ичи-ташини ғивир-ғивир ҳаракат тутиб кетди.

* * *

Мирдевон Тодар Малнинг ҳисобига биноан, сўнги етти йилда барча вилоятларда, шу жумладан, янгидан қўшиб олинган Гужарат, Бихар ва Банголада ўтказилган молия ислохотлари натижасида давлат хазинасига тушаётган даромадлар аввалгидан уч баробар ўртган эди. Шу даромадларнинг эллик курурдан ортиғи ғайридинлардан олинган кў-

¹ Суба — вилоят.

шимча солиқ — жузядан тушган экан. Акбар устози Салим Чиштига бу адолатсиз солиқни бекор қилиш ҳақида ваъда бергани қачон эди? Сўнги йилларда хаёли бошқа нарса-ларга алаҳсиб, буни унутган бўлса, энди шунинг ҳиссасини чиқариши керак эмасми? Муҳ-тожларга хайр-эхсон қилиш одати ҳамма элларда бор-ку. Барча имону эътиқод вакилла-рига баробар улашиладиган хайр-эхсонга қайси тақводор шайх қарши чиқа олади?

Акбар шу ўйлар билан жузядан тушган тангаларнинг катта бир қисмини муҳтожлар-га улашмоқчи бўлди. Унинг фармони билан девониом олдидаги мрамар ҳовуз сувдан тозаланди. Хазинадан чарм қопларда олиб чиқилган тангалар қўп-қўруқ қилиб артил-ган ҳовузга худди омборга тўкилган буғдойдай тўкилди. Ҳовуз лим-лим тўлганда, унга ўн етти курур рупий танга сиққанини Акбарга маълум қилдилар. Бунча қўп пулни хайр-эхсон тарзида улашиш беку аёнлар учун ақлга сиғмайдиган бир иш эди. Акбар буни ониф — тўлов деб атади:

— Онифлар — давлатнинг ёрдамига муҳтож кексалар, етимлар, ногиронлар, бе-ва-бечоралардир. Биз бу пулларни фуқародан жузя солиғи тарзида олганмиз, Энди уни барча имону эътиқод вакилларига баробар улашсак, адолатдан бўлғайми-йўқми, тақсир-лар?

Акбарнинг бу саволи руҳонийларга қаратилган эди. Энг аввал шайх Муборак: — Беҳад катта савоб бўлғайдир! — деб хитоб қилди.

Ҳинд бараҳмани Деви Прасад ҳам:

— Брихма, Шива, Вишну — учаласи ҳам бундай саховатдан шод бўлурлар! — деди.

Шайх Ансорий ва Абдунабилар мрамар ҳовуз тўла пулнинг мачиту мазорларга эмас, камбағал муҳтожларга улашилишини унча ёқтирмасалар ҳам, лекин ониф — тўловнинг савоб иш эканини тан олишга мажбур бўлдилар.

— Соҳиб Тодар Мал, ўзингиз тузган рўйхат бўйича чинакам муҳтож одамларга берилишини назорат қилинг, токи очкўз пулдорлар жанда кийиб келиб, бева-бечоралар-нинг ҳаққини олиб кетмасин! — деди Акбар.

Тошҳовуз тўла тангалар ўн минглаб муҳтожларга қирқ икки кун давомида улашил-ди.

Шу орада жузя солиғи ҳам бекор қилинди. Абулфазл дилидаги бу орзунинг амалга ошганидан беҳад шод бўлди.

— Ҳазратим, Панжобда, Ганга бўйидаги Аудда эл-улус сизнинг ҳақингизга ҳиндча қўшиқлар тўқибдилар, — деб дафтарга ёзиб олинган сатрларни Акбарга ўқиб берди:

**Ҳинд у муслим адовати йўқолиб битсин,
Акбарни қўйлайлик, мақсадга етсин.
Эй, танграм Кришна, Акбарга умр бер,
Унинг ислоҳоти доим бор бўлсин.**

— Жузядан ташқари ҳиндлардан олинадиган зиёрат солиғи ҳам шайх Ансорийлар-ни бой қилмишдир, ҳазратим! Банорасга ёки Ганга билан Жамна қўйиладиган жойга зиё-ратга борувчи ғайридинлар муслим нозирларига бир рупийдан солиқ тўлайдирлар. Бир йилда ўн курур зиёратчи борса, ўн курур рупий¹ фойда қилурлар!

Акбарнинг навбатдаги фармони билан зиёрат солиғи ҳам бекор қилинди. Мамлакат-нинг кўпчилик аҳолиси бу диний солиқдан қутулганлари учун Акбардан қанчалик мам-нун бўлса, катта даромад манбаидан айрилган муҳтасибу қозилар, имому уламолар ундан шунчалик норози эдилар. «Подшомиз диндан қайтди!», «Мусулмончилик тамом бўлди!» «Маъжусийлар тепамизга чиқиб кетди!» деган иғво гаплар тарқала бошлади.

Шунинг устига Гоа оролидан Фатҳпур — Секрига Акбарнинг махсус таклифи билан келган фаранги руҳонийлари учун подшо саройи ичидан жой берилди, уларнинг ўз тилларида ибодат қилишлари учун, теъддида кичкина черков ҳам тикланди. Сарой ичи-да малика Жодҳа Бай қурдирган ҳинд ибодатхонаси борлигидан нолиб юрган муслим уламолари энди черков тепасига ўрнатилган насралар салибини кўриб, жонлари ҳал-қумларига келгандай безовталанди. Шайхулислом Ансорий Акбарнинг ҳузурига келиб, кофирлардан эҳтиёт бўлиш ҳақида муқаддас китобларда нималар дейилганидан гап бошлади:

— Ҳазратим, фарангилар илоннинг ёғини ялаган, билинтирмай заҳар солгай. Буни улар билан муомалада бўлган подшолар яхши билурлар. Эрону Турон тождорлари кофирларни ҳатто мамлакат ичига киргани қўймайдилар.

— Тақсир, бизга ўша жоҳилларни ибрат қилиб кўрсатмоқчимисиз? Улар фақат ко-фирларни эмас, ўзлари каби мусулмон шиаларни ҳам қувғин қилиб, мамлакатни энг бўғиқ ҳолатга солмоқдалар! Илму маърифатни инқирозга учратмоқдалар! Агар биз ҳам ўшаларга ўхшаб жаҳолату бидъатга берилиб ётаверсак, ҳеч қачон дунё миқёсига чиқа олмаймиз. Ахир биз ҳам оламшумул ишлар қилайлик, бунинг учун бутун жаҳондаги

¹ Панжоб, Ауд ва бошқа ўлкаларда Акбар ҳақидаги халқ қўшиқлари ҳалигача айтиб келинаётгани ҳинд олими Мунилаънинг 1978 йилда Деҳлида чиққан китобида келтирилган. Юқоридаги халқ қўшиғининг сатрма-сатр таржимаси ҳам ўша китобдан олинди.

² Ун курур — 100 миллион.

илму маърифатга бағримизни дадил очайлик! Фарангилардан кўрқиб, чиганоғимизга бекиниб ётавериш бизга муносиб ишми?

— Аммо кофирларга бунчалик эрк бериш... қандоқ бўларкин?

— Биз барча имону эътиқод вакилларига баробар эҳтиром билдирмоқдамиз. Тақсир, чекка-чеккада шивир-шивир гап қилиб юрган уламоларни биз қурдирган ибодатхонага бошлаб келинг. Агар имону эътиқод бобида адашган бўлсак, рўй-рост айтсинлар. Ким ҳақ бўлса, кўпчилик олдида бунни исбот этсин!

— Ҳазратим, ибодатхонада биз ғайридинлар билан бир даврада ўлтириб мунозара қилсак... мусулмончиликни пок сақлашимиз мумкин бўлмағай.

— Об-бо, сиз ғайридинларни мачитга киргизмайсиз, бу озми? Еки диний адоватни қилич билан йўқотиш фикридамисиз?

Ақбарнинг қиличидан кўрқадиган шайх Ансорий шоша-пиша:

— Йўқ, йўқ, — деди. — Биз ҳам диний адоватни мунозара йўли билан яхшиликча бартараф қилиш истагидамиз. Ибодатхонага уламоларни қайси кунлари йиғмоқчисиз?

— Ҳар ҳафта сешанба оқшомлари.

Ансорий шу келаётган сешанбада мунозарага албатта қатнашадиган бўлди.

* * *

Секри тепалигида турган улкан гумбазли Эътиқод уйи ҳозир ҳамманинг диққат марказида. Фавқулодда янгиларни кўпчилик энди шу ердан кутади. Заррин ўймакорликлар билан зийнатланган салобатли эшик олдида махсус қоровуллар қўйилган. Бугун сешанба, Ақбар келади кун бўлгани учун қоровуллар ичкарига фақат унинг ўзи таклиф қилган руҳонийларни киритмоқдалар.

Бошига катта оқ салла ўраган, малла ипак ридо кийган Абдулла Ансорий эшикдан бирга кирган бараҳман Деви Прасадга бир жойи тегиб кетишидан кўрқанидан ўзини нари тортиди. Аммо нарёқда оташпарастлар руҳонийси Моҳиёр Меҳержи келаётганини кўриб, ўзини қўйгани жой тополмай, пителиб қолди.

Деви Прасад кенг оқ дхоти¹ устидан кулранг камзул кийган, пешонасига қизил хол — тилак қўйган. Оташпараст Меҳержи эса белига уч попукли камар боғлаган. Ақбарнинг таклифи билан Гоа оролидан келган насора руҳонийлари Рудольф Ақвавива билан Антони Монсеррате товонгача тушадиган узун-узун қора ҳирқа кийишган. Бошларида туркларнинг фескасини эслатадиган қора қалпоқ. Руҳонийларнинг узун соқолига ўрганган шайх Ансорий Ақвавиванинг фақат мўйлови борлигидан ҳанг-манг бўлди-да:

— Астағфируллоҳ! — деб қўйди.

Ибодатхоналардаги хоналарнинг бирида Шива, Вишну ҳайкаллари, бирида оташпарастларнинг мангу ёниқ оловлари. Бунни кўрган Ансорий «астағфируллоҳ!»ни яна бир неча марта такрорлашга мажбур бўлди.

Садрлар судури шайх Абдунаби ўз рақиби Ансорийга ўхшамасликка тиришиб, бугун бошига мусулмон байроғи рангидаги яшил салла ўраган, бўйнига оқ ипак фўта ташлаган эди. Умр бўйи будпараст ва оташпарастларни қувғин қилган садри жаҳон энди уларнинг имону эътиқодларига муҳташам бинодан шунчалик мўтабар ўрин берилганини кўриб:

— Тавба! — деб асабий шивирлади.

Яна бир хонага ўтганларида Фарангистон қироли Ақбарга совға қилиб юборган олтин муқовали «Инжил» кўзга ялт этиб ташланди. Унинг ёнида Биби Марямнинг чақалоқ Исони қўлига олиб турган рангдор сурати. Бу икки нарсани Ақбарга Рудольф Ақвавива совға қилиб олиб келган эди. Ақбар олтин муқовали китобни ҳам, Биби Марям суратини ҳам эъзоз билан кўзига суртиб қабул қилганини Абдулла Ансорий қабул маросимида кўрган эди. Рудольф Ақвавива ҳамроҳларига мақтаниб: «Ақбар ҳазратлари «Инжил»ни ўпиб кўзга сурганлари — биз учун насора динини қабул қилгандай қувончли ҳодиса бўлди!» деганини Ансорий ўз хуфияларидан эшитган эди. Ҳозир шунинг ҳаммасини хаёлидан бир-бир ўтказар экан: «бу бино — ибодатхона эмас, кофирхона!» деган ғазабли ўй кўнглидан кечди. Худди мачитнинг минбарига чиқиладиган мрамар зинапоёга ўхшаш зиналар уларни бино марказидаги муҳташам саҳнга олиб чиқди.

Ақбар олдинроқ келиб уларни шу ерда кутиб турган экан. Унинг ёнида шайх Муборак билан яна бир мўйсафид бор эди. Абдулла Ансорий бу барваста мўйсафидни таниганда юраги бирдан «шиғ» этиб сесканди. Бир вақтлар Бианадаги халқ кўзғолонига бошчилик қилган Абдулла Ниёзий шу эди. Ансорийга битта ғоявий душман — шайх Муборакнинг ўзи ҳам кўп кўринарди. Энди Ақбар Абдулла Ниёзийни ҳам Ансорийга қарши даҳанаки жангга солса, уларга қандай бас келади? Садри жаҳон рақиб бўлса ҳам, ҳозир шайх Муборакка нисбатан бехатарроқ кўринди. Ансорий беихтиёр Шайх Абдунабига яқинроқ келди.

Мунозара ўтказиладиган саҳн доирашакл қилиб қурилган эди. Саҳннинг тўрида Ақбар ўтирадиган шоҳнишин бор. Айланасига гилам ва зарбоф кўрпачалар тўшалган, кексалар суяниб ўлтириши учун бахмал болишлар қўйилган.

Дхоти — кенг иштон.

Акбарнинг ишораси билан Абулфазл мезбонлик вазифасини ўтай бошлади: ҳинд бараҳманларининг икки ёнига оташпараст ва насора руҳонийларини ўтказди. Ансорий билан Абдунабига Акбарнинг чап томонидан, шайх Муборак билан Абдулла Ниёзийга эса подшонинг ўнг ёнидан жой берди.

Акбар ҳаммага бир-бир кўз ташлаб олгач:

— Фараз қилингиз, — деди, — биз йиғилган бу хона — баланд бир тоғнинг чўққиси. Бу тоққа бирингиз шимолий ёнбағирдан, бирингиз жанубдан, бирингиз шарқдан, бирингиз ғарбдан чиқиб келдингиз. Бу бинонинг тўрт томонидаги хоналар — тўрт хил имону эътиқод маконлари. Улардан бошланган тўрт зинаполяр эса — гўё тоғнинг тўрт ёнбағри. Қарама-қарши ёнбағирда юрганда бир-биримизни кўрмаган, тан олмаган бўлсак ҳам, чўққигача чиққанда барчамизга баробар юксакликда учрашишга муяссар бўлдик. Бу юксаклик — ҳаммамизнинг муқаддас туйғуларимизни жам қилди. Тепамиздаги гумбаз — осмон рамзи — барчамизга баробардир. Ҳаммамиз битта бани башар фарзандларимиз. Шунга қарамай, хурофоту бидъат ҳамон бир элни бошқасига қарши гижгижлаб, қонли урушлар чиқармоқда. Биз нечун бунга йўл қўймоқдамиз? Осмон рамзи бўлган шу гумбаз остида аввало шу саволга жавоб топайлик. Дилимиздагини очиқ сўзлайлик. Эътиқоди турлича эл-улусларни руҳан яқин қиладиган йўллари излайлик.

Абдулла Ансорийга сўз навбати келганда:

— Фақир ва турфа элларнинг руҳан яқинлашиб, иноқ яшашларига тарафдормен, — деди. — Аммо низо кўпинча беш бармоқ баробар эмаслигидан келиб чиқмай. Динлар ҳам барчага баробар бўлмайди. Чунки ҳар бир юртнинг ўз ҳукмрон дини бор. Фаранги меҳмонлардан сўранг. Буларнинг мамлакатларида насоралардан бошқа ҳукмрон дин борми?

— Аммо биз муслимларни ҳурмат қилурмиз! — деди Ақвавива. — Қадимий масжидларни буздирмай, тарихий обида тарзида асрамоқдамиз.

Садри жаҳон Абдунаби кутилмаганда Ансорийнинг тарафини олиб, Ақвавивага эътироз қилди:

— Мана шу ҳинд уммонида кема билан сузиб юрган фарангилар Маккага ҳажга борган муслимларнинг йўлини тўсиб, неча бор пулу буюмларини талаб кетганлар, муслимларни асир қилиб, зўравонлик билан ўз никоҳларига ўтказмишлар!

Шайх Муборак Рудольф Ақвавивага мурожаат қилди:

— Муҳтарам падре,¹ бу гапларда асос борми?

— Асос шуки, денгиз қароқчилари бошқа халқларда ҳам бор, — деб ўнғайсизланиб жавоб берди Ақвавива. — Насораларни зўравонлик билан ўз динига ўтказган, уларнинг аёлларини чўри қилиб олган муслимлар ҳам йўқ эмас.

— Фақат денгиз қароқчилари шундай қилғонми? — сўради шайх Абдунаби. — Сизларнинг қиролларингиз амирал баҳр қилиб таъйин этган Васко де Гама, Албукерка ҳинд уммонида озмунча муслимларни қирганми? Гоа оролида ҳиндлару муслим эрларни қириб, ҳимоясиз қолган аёлларни фарангистон аскарларига никоҳлаб берган эмасмилар?!

Ақвавива яна ўз ватандошларини ёқламоқчи бўлиб гап бошлаган эди, ёши катта-роқ Антони Монсеррате унинг сўзини бўлди:

— Падре, Албукерканинг шафқатсизликлари бизнинг юртимиздаги виждонли одамлар томонидан ҳам нафратга учраганини очиқ айтмоқ керак.

— Ундай бўлса, эҳтимол, Фарангистон қироллари ҳам ҳозир барча динларни баробар деб тан олгандирлар? — деб сўради Абулфазл.

Монсеррате бош чайқади:

— Афсуски, биз ҳали бундай фикрлардан анча узоқмиз. Бу фикрга келмоқ учун бошқа элларнинг муқаддас китобларини сизлар каби астойдил ўрганмоқ лозим. Фақат сўзда эмас, амалда турли халқларнинг руҳий бойликларини эъзолаб, ҳозир биз ўлтирган бинодек меъморилик обидаси қуришнинг ўзи тарихда ҳали мисли кўрилмаган бир янгилкидир. «Дунёдаги энг зўр жасорат руҳнинг ботирлигидир», деган нақл эшитганмен. Ҳазрати олийлари, — деб Монсеррате Акбарга мурожаат қилди. — Сиз шу бинонинг меъмори экансиз. Турли элларни руҳан яқинлаштириш нияти билан қурилган бу обидангиз менга улуг бир жасоратдек туюлмоқда. Мен сизнинг бу кашфиётингиз олдида бош эгиб айтмоқчименки, биз уни қадрлашимиз, эъзолашимиз лозим!

Бу таклифни кўпчилик қабул қилгандан сўнг асабий гаплар ғубори хиёл тарқади-ю, Абдулла Ниёзий сўз олди:

— Биз бундан ўттиз йил аввал Бианадаги халқ ҳаракатига иштирок этганимизда орзу қилган эдикки, қудратли давлат тузилса, унинг тепасида мамлакатни яктану яқдил қилишга қодир раҳбар турса, одамларга азоб берувчи адолатсизликлар йўқолса... Абдулла Ансорий жаноблари ўша пайтда Исломошох саройининг диний пешвоси эдилар. Бизни «даҳрий» деб фатво бердилар, Исломошох Аълоини ҳалок қилди... Менинг жоним қаттиқ экан, ёшим ҳам ёшроқ эди, мана, ҳалигача тирикмен. Ансорий жаноблари ҳамон

¹ Падре — ота. Руҳонийлар унвони.

ўша эски хурофот отидан тушмаётганлари мени таажжубга солмоқда. Биз бу ерга диний низоларни бартараф этмоқ учун йиғилганмиз. Яна эски адоватларни қўзғатгандан кўра қайси элда қандай руҳий бойлик, қандай маънавий фазилат бўлса, шуни бир жойга йиғайлик. Энг яхши удумлару анъаналарни барчамиз қабул қилайлик. Ана унда «сулҳу кулл»¹ деган олий мақсадга тезроқ етгаймиз. Барча халқлар, имону эътиқодлари турлича бўлса ҳам, руҳан бир-бирлари билан баробар, тенг деб эълон қилинмоғи лозим!

Ансорийнинг бўйнига гўё яширин бир сиртмоқ ташлангандай бўлди. Шайх Муборак билан Абдулла Ниёзий Акбарнинг пинжига кириб олишибди. Энди улар ўз душманларидан қасд олишлари аниқ. Ансорий бўйнидаги сиртмоқнинг тобора сиқилиб келаётганини сезиб турибди. Жон сақлаш учун у энди Акбарни кўкларга кўтариб мақташга тайёр эди.

— Тақсир, — деб у аввал Абдулла Ниёзийга юзланди. — Исломшоҳ зулмидан биз ҳам жабр кўрганмиз, унинг тазйиқи остида хато ишлар қилганмиз, бунинг узрини фирдавсошиён Ҳумоюн ҳазратларига айтганимизда, узримизни қабул қилган эдилар. Энди ўтган ишга салавот!.. Биз бугун бошқа бир даврда яшамоқдамиз. Тарихга Жалолиддин Акбар номи билан кираётган бу давр чиндан оламшумул аҳамият кашф этмоқда. Муқаддас китобларда каромат қилинмиш улуғ сиймо ҳозир бизнинг давраимизда ўлтирибдириллар. Ахир тошҳовузни олтин тангага тўлатиб, ўз онифларига шоҳона тўлов қилиб тарқатганлари камдан-кам бўладиган саховат эмасми? Ёки мана бу ибодатхонада ҳазратимни бошқа дин вакиллари ҳам энг одил маънавий пешво деб улуғлаётганлари ноёб ҳодиса эмасми? Шунинг ҳаммасини хулоса қилиб фақир айтмоқчименки, насоралар Масиҳо деб атайдиган, биз Маҳдий деб улуғлайдиган олий сиймо сиздирсиз, ҳазратим! — Ансорий ўрнидан туриб, Акбарга икки букилиб таъзим қилди. — Илоҳо Маҳдийларча улуғ адолат ўрнатиш сизга насиб бўлсин! — деди-да, гўё ҳеч ким айтолмаган энг зўр гапни ўзи айтгандай мамнуният билан илжайиб қўйди. Шундан кейин шайх Абдунаби ҳам Акбарни энг адолатли пешво деб мақташга мажбур бўлди.

Шайх Муборакка шу керак эди. У пайтдан фойдаланди-ю, Акбарни энг олий фақиҳ ва барча диний низоларни ҳал қилувчи мужтаҳид деб фатво чиқариш ҳақида таклиф киритди.

Шуни жони дили билан истаб юрган Абулфазл фатвони олдиндан ёздириб, тайёрлаб қўйган эди, унга биринчи бўлиб шайх Муборак имзо чекди. Шайх Абдулла Ниёзий ҳам дарҳол қўл қўйиб берди. Шундан кейин Абулфазл фатвони шайх Абдунабининг олдига олиб борди. Насоралар ва бараҳманлар «нима бўларкин» деб жим қараб туришибди. Акбар кўзини ерга тикканича қимир этмайди. Аммо унинг сукути шайх Абдунабига овини пойлаётган йўлбарснинг сукутини эслатди. «Йўқ!» деб кўринг-чи! Ҳозиргина Акбарни «энг адолатли ҳакам» деб мақтаганлари риёкорлик, қуруқ тилғғламалик бўлиб чиқади. Шайх Абдунаби оғир бир хўрсинди-ю, фатвога имзо чекди.

Навбат Ансорийга келганда унинг қўлидаги қалам дир-дир титрай бошлади. Бу қандай кўргилик! Уз қўли билан ўзига гўр қазигандай иш қилса-я!.. Қалтираган қўли қоғозни тирнаб, ҳарфларни чалкаштириб юборди, лекин барибир қоғоз юзида унинг имзоси пайдо бўлди.

Тамом!.. Шайх Ансорий уйига келиб бир кун касал бўлиб ётди. Эртаси куни ичини ёндираётган аламни қоғозга тушириб, кўнглини бўшатгиси келди-ю, Патнадаги сирдош дўсти мулла Танвирга махфий мактуб ёзди. Мактубда «Бутун ислом тарихи Акбарга қарши!», «Подшо мужтаҳид бўла олмайди!», «Мени имзо чекишга мажбур қилдилар!», «Биласиз, гоҳо қароқчилар билан ҳам вақтинча муросо қилинмай» деган гаплар ёзилган эди.

Мулла Танвир кейинги пайтда Акбарга ихлос қўя бошлаганидан Ансорий мутлақо беҳабар эди. Исён ҳиди келаётган мактуб Мулла Танвир орқали айланиб келиб, Акбарнинг қўлига тушди. Кеч куз оқшомида Акбар Ансорийни девони хосга чақиртириб келиб, тикка турғизиб қўйди. Абулфазл Мулла Танвирдан қайтиб келган мактубни Ансорийга овоз чиқариб ўқиб берди. Ансорий мактубдан тониб қутуллоқчилигини сезди-ю, оёқда туролмай қолди. Тиз чўкиб:

— Мени авф этинг! — деди. — Жаҳл устида ёзган эдим, ақлсизлик қилган мен!.. Қирқ йиллик хизматларим ҳаққи, мени бир марта кечиринг!

— Қирқ йиллик хизматлар эмас, риёкорликлар, хоинликлар! Байрамхоннинг ўлимида ҳам иштирокингиз борлигини сезганман! Адҳамхон билан Моҳим энаганинг бошига етган ҳам сизсиз! Деҳлидаги Пўлат васвасни ишга солиб, менга ўқ отдирганларнинг илҳомчиси ҳам сиз бўлгансиз!! — деди Акбар ғазаб билан.

— Йўқ, йўқ, тангри ҳақи, мен бу суиқасддан беҳабармен! Аҳмоқ бўлиб, Танвирга шу мактубни ёзганим рост!

— Ибодатхонада мени Маҳдий деб мақтаб, мактубда «даҳрий!» деб қарғаган одам ҳар қандай разолатга қодир эмасми?

— Риёкорлик қилдим, рост! Бу гуноҳим учун, майли, ҳажга борай! Маккатуллога бориб покланиб келай!

¹ Сулҳу кулл — ҳар томонлама сулҳ, тинчлик

Кекса одам Акбарнинг оёғига йиқилиб илтимос қилгандан кейин Акбар унинг ҳажга кетишига рухсат берди. Ансорий ҳаждан кейин Гужаратга қайтди ва ўша ерда вафот этди. У ўз бобосининг мақбарасига яшириб юрган икки сандиқ олтин давлат ихтиёрига олинди ва наврўз байрамида мискин бечораларга улашилди.

* * *

Саройда ҳар чоршанба оқшоми ораста базмлар ва шеърӣ мажлислар бўлар эди. Акбар мамлакатнинг энг соҳибистеъдод шоиру санъаткорларини ўз атрофига йиғишга интиларди. Машҳур хонанда Тансен, мусаввир Хўжа Абдусаммад, маликушшуаро Ғазалий, унинг тарбияси билан юксак пояларга кўтарилиб бораётган ва ҳозир «Ҳамса» ёзаётган Файзи Фаёзий, ҳам форсий, ҳам ҳиндий тилларида гўзал шеърлар битган, ажойиб кўшиқлар ҳам айтадиган хушчақчақ Рожа Бирбал, шеърӣ истеъдоди отаси Байрамхонникидан қолишмайдиган Абдурахимхон — буларнинг ҳаммасини Акбар маънавият гавҳарлари деб атар эди. Унинг саройида «нўхратан» — яъни «тўққиз гавҳар» деган ибора машҳур бўлган, фан, адабиёт ва санъатнинг тўққизта энг ёруғ юлдузлари орасидан Абулфазл ҳам ўрин олган эди. Кекса Ғазалий вафот этганда тўққиз гавҳарнинг саккизтаси қолди, лекин «нўхратан» ибораси ҳамон истеъмолда эди.

Акбар бир кун сарой ташқарисида деворга оҳак билан расм чизаётган ялангоёқ ҳинд йигитчасини кўриб қолди. Йигитчанинг қўлида мўъжиза бордай, панжасининг уч-тўрт ҳаракати билан деворда жонли суратлар пайдо бўларди. Узи ҳам сурат чизишни яхши кўрадиган Акбар йигитчанинг ёнида тўхтаб:

— Отинг недур? — деб сўради.

— Дасванта.

— Нечун деворга сурат чизмоқдасен, Дасванта?

— Қоғоз-қаламим йўқ.

Акбар суриштириб билса, Дасванта — камбағал бир юк ташувчи ҳаммолнинг ўғли экан, «Рамаяна» ва «Махабхарата» дostonларининг жуда кўп жойларини ёд биларкан, чизган суратлари ҳам шу дostonларнинг қаҳрамонлари ҳақида экан. Акбарнинг ўзи ҳам бу дostonларни яхши кўрарди. У Дасвантани сарой рассомларининг сардори Хўжа Абдусаммаднинг олдига бошлаб келди.

— Зеҳни ўткир, бир тарбиялаб кўринг, мавлоно.

Дасванта Акбар кутгандан ҳам истеъдодлироқ чиқди. Унинг «Махабхарата» воқеаларига чизган суратлари Акбарга энг машҳур рассомларникидан ҳам кучлироқ завқ берди. Шундан кейинги чоршанба оқшомида бўлган санъаткорлар мажлисида йигирма икки ёшли Дасванта энг етук маънавият гавҳарлари — нўхратан қаторига кўшилди. Акбарнинг бу ҳақдаги фармони Абулфазл санъат аҳлига эълон қилар экан:

— Гавҳарларимиз яна тўққизта бўлди! — деб мамнуният билдирди.

Шу кунни куй ва кўшиқлар орасида мушоира ҳам бўлди-ю, ёши юздан ошган шоир Қосим Коҳӣ ўзининг «Филнома» деган шеърини ўқиб берди.

Акбар филни яхши кўриши, филбонлик ҳам қилгани кўпчиликка маълум эди. Коҳӣ ўзини узоқ умр кўрадиган филларга ўхшатган, Акбарни эса шу филларнинг суюкли маҳовати — филбонга қиёс қилган эди:

**Хок бар сар мекунам чун фил ҳар жой мерасам,
Гар набинам бар сари худ филбони хийшро
Дидаам то ишқи ман афзун шавад он филбон
Медавонад бар сарам фил домони хийшро¹.**

Акбар бу тўрт сатрни эшитганда, завқ қилиб бир кулиб олди. Филга ўхшаб ёши юздан ошган бу одамда ҳали ҳам болаларча бир маъсумлик бор эди. Унинг фил сингари ўз бошига тупроқ сочишининг сабаби ҳам беҳад чиройли ифода этилганди. Фил ўзи яхши кўрган филбонга қанчалик суяниб қолган бўлса, Коҳӣ ҳам дил-дилдан Акбарга меҳр қўйганини шеърӣ нафосатга йўғириб айтмоқда эди. Асли Самарқанд томонларда, Оқдарё ва Қорадарё оралиғидаги Миёнқолда туғилиб ўсган Қосим Коҳӣ йигитлик пайтида Ҳиротда яшаган, Алишер Навоӣ ва Абдурахмон Жомӣларнинг суҳбатида бўлган шоир эди. Ҳозир пойтахтда ундан кекса одам йўқ. Ёши қамарий ҳисоб билан бир юзу ўн саккизга кирган бу одам бир умр уйланмасдан бўйдоқ ўтмоқда эди. Коҳӣнинг сийрак соқоли пахтадай оппоқ, яккам-дуккам қолган жағ тишлари ейилиб, милкига тенглашиб қолган, жуссаси ҳам кичкина. Шу ёшдаги одамдан бундай шеър чиқишини кутмаган одамлар унинг ҳар бир байтига қойил бўлиб, ўтирган жойларида тебраниб қўйишарди:

**Ҳамчу фили маст мехоҳам бихуршам ҳар замон
Ошкор ато кунам рози ниҳони ҳийшро.**

¹ Тепамда филбоним ўтирмаса, мен ҳам шу филга ўхшаб борган жойимда бошимга тупроқ сочиб издан чиқаман. Филбоним бошим устида этагини ҳилпиратиб, мени чопдирса, унга ишқим ортади.

Шу ёшдаги одамнинг маст филдай жўшу хуруш қилмоқчи бўлгани, лекин яна филларга хос вазминлик билан тилини тийиб юриши Акбарнинг шеърдан олаётган завқини яна бир даража оширди. У ўзи ҳақидаги ошкора мақтовлар ва мадҳияларни кўп эшитган. Бу ердаги шеърини ифбат, камтарлик ва гўзал бир табассум Акбарга ниҳоятда ёққани учун:

— Мавлоно, яна бир ўқисинлар! — деб шеърни иккинчи марта эшитди. Сўнг биронта нуқсонни йўқлигини, ҳар бир сўзи гавҳардай хилланганини мақтади ва Абулфазлга юзланди: — Бир юзу ўн саккиз ёшда шунчалик мукамал шеър ёзиш камдан-кам учрайдиган мўъжизадир. Мавлоно Коҳийнинг пойи-қадамлари табаррук. Сарой дарвозасидан то шу ерга келгунларича неча қадам қўйган бўлсалар, ҳар бир қадамларига юз рупийдан инъом берилсин! Минбаъд саройга ҳар келганларида, яна минг рупийдан бериб турилсин!

Мушоира бўлган жойдан сарой дарвозасигача юз қадамдан ортиқ эди. Сарой шоирларидан ҳеч бири ҳали бундай қисқа шеър учун ўнг минг рупий мукофот олмаган эдилар. Қосим Коҳий таъзим қилиб, бу инъом учун Акбарга миннатдорчилик билдирар экан, унинг алланарсадан кўнгли тўлмагани сўник кўринган кўзларидан сезилди.

Эртаси куни хазина очилганда Қосим Коҳий келиб ўн минг рупийни олиб кетиши керак эди. Лекин орадан бир ҳафта ўтди ҳамки, кекса шоир саройга қайтиб келмади. Акбар уни касал бўлиб қолмадимикин, деб Абулфазлни хабар олгани юборди. Қосим Коҳий кичкина боғ ҳовлида турар, уй юмушларини қиладиган мошгуруч соқолли битта хизматкоридан бошқа ҳеч кими йўқ.

Абулфазл унинг тоқчаларида китоблар турган хонасига кириб, ҳол-аҳвол сўради-ю: — Нечун ҳанузгача хазинадан мукофотни олмадингиз? — деди.

— Шунча пул менга не керак, жаноби вазир? Меросхўрим бўлмасам!.. Мен у шеърни мукофот учун ёзган эмас эдим.

— Эҳтимол, бошқа тилагингиз бордир? Айтинг, мен аъло ҳазратга етказай.

Қосим Коҳийнинг олд тишлари аллақачон тўкилиб, лаблари ичкарига ботиб кетган, учи хиёл қайрилган узун бурни эгилиб тушиб, лабларига тегай деб қолган.

— Мен ёшимни яшаб бўлганмен, менга мол-дунёдан кўра имону эътиқод азизроқ. Навоийдек, Жомийдек улўғ сиймоларни кўрганмен. Улар диний адоватларни қандай йўқотишнинг йўлини излаб, тополмай кетган эдилар. Акбар ҳазратлари турли эътиқодларни тенг кўриб, сулҳи кулл эълон қилиш билан ҳанузгача топилмаган янги бир йўлни кашф қилдилар. Мен умримнинг охирида мана шу йўлдан юриб ўтмоқчимен. Агар ҳазратим мени ўзларига содиқ маслакдош деб билсалар, фақир учун энг олий мукофот ана шу бўлғай.

Абулфазлдан бу гапларни эшитган Акбар:

— Мавлоно Коҳийнинг бу жавобидан бошимиз кўкка етганини бориб айтинг, — деди. — Агар истасалар, пайшанба куни яқин маслакдошларимиз даврасига марҳамат қилсинлар!

Боғи Фатҳнинг тиллакорий меҳмонхонасига хуфтон кеч йиғиладиган Шайх Муборак, Рожа Бирбал, Абулфазл, унинг шоир акаси Файзи, Азиз Кўка, Абдурахим хони хонлар қаторига навбатдаги пайшанба куни Қосим Коҳий ҳам келиб қўшилди.

* * *

Акбар ўз маслакдошларига мукофотлар берган ўша кезларда Шайх Абдунаби унинг қаҳрига учради.

Беш қўлини оғзига тиққан бу баднафс шайх вақфлардан тушган ва ҳаж қилувчилар учун ажратилган пулларнинг катта бир қисмини ўз сандиғига солиб олгани аниқланди. Жиноятлари бўйнига қўйилгач, Акбар уни ҳибс қилдирди. Ҳибсхонада ҳам шайх Абдунабининг душманлари бор экан. Садрӣ Жаҳон қатл этдирган беғуноҳ одамлардан бирининг ўғли шу ерда қоровул экан. Бошқа қасоскорлар шайхнинг қаерда ётганини шу қоровул орқали билдилар. Бу қасоскорлар орасида мачит олдидаги тахталарни бутхона қурилишига ишлатгани учун қатл этдирилган ва учта ёш хотини «сати» одати бўйича ўзларини ёндириб ўлдирган бараҳманнинг қариндошлари ҳам бор эди. Қасоскор оломон ҳалиги қоровул ёрдамида кечаси ҳибсхонага бостириб кирди-да, шайх Абдунабини тошбўрон қилиб ўлдириб кетди.

Ансорий ва шайх Абдунаби бошқариб турган мулла — уламо-ю, қози-ю, муҳтасиблар ипи узилган тасбеҳ доналари каби тўрли томонга тирқираб, саросима ва гўлгула ичида қолдилар. Жузя солиғи олиб бойишга, мажусийларни қул қилиб сотишга имкон бера-

¹ Маст филга ўхшаб ҳар замон жўшу хуруш қилгим келур.
Ширин розларимни ошкор қилгим келур.
Лекин яна айтаман: ишқнинг пинҳон ҳадиси хушроқдир,
Филлар каби тилимни тийиброқ юрганим яхшироқдир.

диган диний истибдод бинолари худди зилзилага учраган эски уйлардай бирма-бир кулаб туша бошлади.

Зилзила пайтида ҳамма ўзини нохуш сезгани каби, шу истибдод орқасидан кун кўриб келган катта гуруҳнинг йиқилиб-суруниб талваса қилишлари кўпчилик сарой аҳлида, ҳатто Акбарнинг норасида ўғилларида ҳам оғир ва мураккаб туйғулар уйғотди.

Энди ўн бир ёшга кирган шаҳзода Салим ҳаддан ортиқ уйчан ва камгап бўлиб қолди. Унинг муаллими Фарид Бухорий Акбар ҳузурига кириб арз қилди:

— Ҳазратим, Шаҳзоданинг руҳий ҳолатларидан хавотирдамиз. Соатлар давомида ёлғиз ўлтириб ўй сурадилар. Илгари кўп китоб ўқир эдилар. Ҳозир китоб ҳам ўқимай қўйдилар. Эҳтимол, шаҳзодани овга олиб бормоқ зарурдир?

— Мавлоно, биз овни таъқиқ этганимиз ёдингизда борми?

— Ёдимда, ҳазратим! Аммо ота-боболарингиз ўсмирликдан от чопиб, ов қилиб ўргангандар. Қон билан кирган бу одатни ўғлингиз ҳам тарк этмаганлари маъқулмикин?

— Мен овни тарк этдим-ку. Энди биз чиқарган фармонни ўғлимиз бузса, одамлар не дегай? Салим ёлғиз ўлтириб ўй сурса, халақит берманг. Демак, унда фикр-мулоҳаза уйғонган. Ўзи билан ўзи мусобаҳа-ю, мурокаба қилсин.

— Хўп, ҳазратим, хўп! — деб, Фарид Бухорий таъзим қилганича чиқиб кетди. Аммо ичида «оқибатига ўзингиз жавобгарсиз» деб қўйди.

Атрофда бўлаётган маънавий зилзилани ва мураккаб зиддиятларни Салимнинг ёш идроки ҳазм қилолмас, отаси эса ўғли билан дилдан суҳбатлашишга ва нима бўлаётганини унга яхшилаб тушунтиришга вақт тополмасди.

Салим ўз отасининг дийдорига тўймай ўсаётган бўлса, Мавлоно Фарид фарзандга зор эди. У уч марта уйланган, лекин фарзанд кўрмаган, ёши қирқдан ошгандан сўнг тақдирга тан берган. Энди Салимни ўзига фарзанддай яқин олиб, дилида қатланиб ётган оталик меҳрини бутунича унга сарф қилар эди. Ўсмирларда бўладиган ишонувчанлик ва ота меҳрига ташналик туфайли Салим ҳам Мавлоно Фариднинг меҳрига дилини очиб берар ва уни ўзининг энг яқин сирдоши деб биларди.

— Амирзодам, энди сиз Абулфазлдан эҳтиёт бўлинг, — дерди Бухорий. — Ҳазрат отангиз шу вазирнинг маслаҳатига кириб, кофир фарангиларни саройга ишга олмоқчи эмишлар. Падрелар сиз билан шаҳзода Муродга муаллим бўлиб, фаранги тилини ўргатармиш.

Шайх Фарид бу гап билан Салимни чўчитмоқчи эди. Лекин Салим бошқа бир оламдан келган, кийимлари ҳам, юриш-туришлари-ю, гапиришлари ҳам ўзгача бўлган фарангиларга ўсмирларча бир қизиқиш билан қарар эди. Шайх Фарид ўнга гапирганда битта ҳам жавоб айтмай, уйчан ва хомуш юрган Салим устозининг сўнги гапидан алланечук тетикланди:

— Қачон... сабоқ берармиш? — деб сўради.

Эртаси куни Акбар Салимни ўзининг хонайи хосига чақиртириб, фаранги тилини ўрганиш ҳақида гап очганда, шаҳзода Бухорийнинг сирини яшириш учун ҳеч нарсадан хаба-ри йўқдай жим қулоқ солди.

— Ўғлим, сен нуқул китоб мутолаасига берилиб, хомуш юрган эмишсен. Узоқ юртларга боринг келгайми? Ҳинд уммонида кемаларда сузиб, саёҳат қилишни истайсенми?

Салим бирдан жонланиб:

— Истаймен! — деди.

— Мен Гоа оролига кемада сузиб борганим ҳеч эсимдан чиқмайдир. Фарангиларнинг зўр кемалари бор экан. Бизда ҳали бундай қуввайи баҳрия йўқ. Шунинг учун биз босқинчи фарангиларни Ҳиндистон қирғоғидан улоқтириб ташлашга ҳамон ожизмиз. Ёғйдан кучлироқ бўлиш учун унинг ички сирларини билмоқ керак, тажрибасини ўрганмоқ зарур. Фаранги падреларни мен ана шу мақсадда саройимга чақирдим. Калтабин одамлар бизни «насора динига ўтмоқчи эмиш» деб бемаза миш-мишлар тарқатиб юрганидан қўрқма. Фарангиларнинг кема қуришдаги тажрибаларини, бутун илму маърифатини билмоқ учун уларнинг тилларини ўрганмоғимиз керак. Шу мақсадда иннинг Муродни ҳам чақирганмен!

Акбар қарсақ чалиб, сармуншига буюрди:

— Мурод кирсин!

Икки ўғли ёнма-ён турганда Акбар уларнинг фарқларига хиёл таажжубланиб кўз ташлади. Салим онасидек қорачадан келган, ўн икки ёшида бўйи чўзилиб, отасига тенглашиб қолган, елкалари тоғалариникидек кенг, мўйлаби эрта сабза урган. Ун бир яшар Муроднинг соч ва қош мўйлари қизғиш олтинранг, юзи раъно гулидай оқ сарғиш, кўзлари эса тиниқ зангори рангда. Мурод она томонидан ҳам бобурий бўлгани учун барлосларда кўп учрайдиган қизғиш соч ва зангори кўз унга мерос ўтган эди. Феъли ҳам Салимникидан бошқача — ўй суриб ўтиришни суймайди, симобдай серҳаракат, шўх. Гоҳ чавандозликни, гоҳ қиличбозликни машқ қилади, мерганлиги ҳам бор, сувда сузишга ҳам ишқибоз, Жамнанинг у қирғоғидан бунисига сузиб ўтганини Акбар ўзи кўрган.

Акбар ўғилларини икки ёнига ўтқазди-ю, Мурод билан аввал туркий тилда, сўнг форсча ва ҳиндча гаплашиб кўрди. Ўғли ҳиндчани ҳали унча эркин гаплашолмаслигини пайқади-да:

— Урганмоғинг керак!— деди.— Ҳиндистон бизнинг ватанимиз. Ҳинд улусининг тилини билмоғинг — ҳам қарз, ҳам фарз. Ҳар бир ўрганган тилинг сенинг қалб бойлигингдир. Мана, бизга келган фарангилар Омриқо деган янги қитъага бормишлар. Уммон бўйлаб кемада сузганда, ўша қитъага олти ойда етиб бормоқ мумкин экан. Сўзлаб бераверсалар, минг бир кеча эртақларидан ҳам мароқлироқ!

Акбар ўғилларини фаранги тилига шу тарзда қизиқтиргандан сўнг падреларнинг олдига дастлабки машғулотга юборди.

* * *

Асли каталониялик испан бўлган Антони Монсеррате қирқ беш ёшларда. Италия Рудольф Ақвавива эса ҳали ўттизга кирмаган бақувват йигит. Акбар саройида Монсерратени ёши каттароқ экани учун фарангиларнинг бошлиғи деб кўпроқ эҳтиром қилишадди. Лекин аслида Ақвавива Монсерратега раҳбар қилиб юборилган эди. Чунки Рудольфнинг тоғаси Гоа оролидаги барча черковларнинг пешвоси. Португалия қироли ҳам Ҳиндистон ишларида Ақвавивани ўзига содиқроқ деб билади. Иезуитлар сулуқатида Рудольф энг имтиёзли ва фидойи гуруҳ ҳисобланадиган мартрлар сафига қабул қилинган. Мартрлар ўз жонларини католик черкови учун қурбон этишга қасам ичадилар. Улар иезуитлар орасидаги бўлажак шаҳидлар сифатида юксак обрўга эга.

Акбар буни билмаса ҳам, Ақвавиванинг ўз динига ҳаддан ортиқ берилган қизиқ-қонроқ руҳоний эканини сезган, «эҳтимол, ёш бўлгани учун ақли унча қуюлмагандир» деб ўйлаган ва мулоҳазакор, босиқ Монсерратени ундан афзал кўриб, муаллимликка таклиф қилган эди.

Монсеррате шахзодаларга тил ўргатиш учун бораётганда Ақвавива унга иезуитлар сулуқати номидан кўрсатма берди:

— Сизнинг муқаддас бурчингиз — сарацин¹ шахзодаларини католик динига ўтказмоқдир.

Антони Рудольфнинг бу нияти хомхаёл эканини сезиб турарди. Ҳатто жўн бир тухумни ёриб чиққан жўжа ҳам шу тухумнинг қобиғига қайтиб киролмайди-ку. Антонининг тасавурида улкан бургутга ўхшаб учаётган Акбар қандай қилиб католик динининг қобиғига кирсин!

Ақвавива унга Акбарнинг ҳарбий сирларини қандай билиш кераклиги тўғрисида йўл-йўриқлар кўрсата бошлади.

Монсеррате жосусликдан ҳазар қилар эди:

— Падре, мен ҳарбий одам эмасмен!— деди.

— Бўлмаса, Алберт Перейро доим сизнинг ёнингизда юрсин. «Ёрдамчи халфам» деб таништиринг. Домланинг халфаси бўлиши шарт, сарацинларда шундай қоида бор. Перейро бирга юрса, қолган ишни Алберт ўзи эплагай.

Ўттиз ёшлардаги хушмуомала, чаққон йигит Алберт Перейро Гоадан падрелар билан бирга келган, ҳозир ҳам уларни қўриқлаб юрибди. Бу йигит бир вақтлар Ҳумоюн саройига келган Алваро Пакавиранинг жияни. Унинг асли оти Алберт Пакавира. Лекин Акбар Гоага борганда нариги Пакавирани суийқасдга қатнашишда айблагани учун унинг жияни бу ерга келишда ўз номини «Перейро» қилиб ўзгартириб олди. Аслида Алберт ҳам Пакавиранинг тарбиясини олган, унинг махфий ишларини давом этдириш учун ҳинд ва форс тилларини ўрганган. Қиличбозлик, мерганлик, чавандозлик, сувда сузиш бўйича Гоада унга тенг келадиган йигит кам.

Монсеррате ўзи жосуслик қилгиси келмагани учун Албертни халфа ўрнида шахзодаларнинг олдига бирга олиб борди.

Фаранги тили машғулотлари шахзода Салимга зерикарли туюлса ҳам, аммо Алберт Перейронинг денгиз саёҳатлари ҳақидаги ҳикоялари унга қизиқарли туюла бошлади. Перейро ўн олти ёшидан бери денгизда кўп сузган, ер куррасини айланиб чиққан Магелланнинг тарихини яхши билар, Колумб Ҳиндистонга бораман деб адашиб, Американи қандай очганини кулгили тарзда ҳикоя қиларди. Перейронинг денгиз қароқчилари ҳақида айтиб берган қўрқинчли ҳикояларидан эса Салимнинг сочи гўё тикка бўлиб кетарди. Алберт Перейронинг мерганлиги ва чавандозлиги ҳам Салимга ёқиб қолди. Шахзода уни «Алибек» деб қаҳира бошлади. Монсерратенинг сабоқлари тугагандан сўнг Салим Алберт — Алибекни ўзининг хонайи хосига бошлаб кирди. Ҳиндистоннинг иссиқ иқлимида Салим жуда тез балоғатга етгани унинг дўриллаган овозидан ва лаб устида сабза урган майин тукларидан сезилар эди. Хонайи хосда ёлғиз ўлтирганларида Алберт фаранги қизларининг гўзал баданлари ва нозу карашмаларидан сўз очди. Бу мавзу Салимни фоят қизиқтириб қўйганини сезган:

— Амирзода,— деди,— агар ҳеч кимга айтмасангиз, битта сурат кўрсатгаймен.

— Сир сақлашга қодирмен! Бу ерда фақат иккимиз. Қани, кўрсатинг.

Алберт қўйнидаги яширин чўнтақдан чарм ичида авайлаб асралган кафтдай бир рангли сурат олди. Бу суратда ҳозиргина чўмилиб чиққан гўзал бир қизнинг оппоқ сон-

¹ Сарацин — португалча «мусулмон» дегани.

лари, бўлиқ кўкраклари шундай тасвирланган эдики, Салим суратга тикилиб туриб энтикиб кетди... У Алберт Перейрога бир ҳамён олтин бериб, бу суратни сотиб олди.

Перейро учун энг муҳими — ораларида пайдо бўлган яқинлик эди. У шаҳзодага бундан ҳам ғалатироқ суратлар топиб келишга ваъда берди...

* * *

Фарангистонлик Антони Монсерратенинг саройга ишга олингани ва шаҳзодаларга сабоқ бераётгани атроф вилоятларга «Подшомиз ўғилларини насора динига ўтказмоқчи эмиш!» деган ваҳимали овозлар тарзида тарқалди. Акбар бу овозларни босиш учун сулҳи кулл нималигини халққа тушунтирувчи махсус мурожатнома ёздириб, уни барча шаҳару қишлоқларда ўқиб эшиттиришларини буюрди.

«Биз Ҳиндистондаги барча улусларнинг ички урушсиз, тинч яшашларини истаб ҳамма томонлама тинчлик — сулҳи кулл сиёсатини амалга оширмоқдамиз, — дейилганди мурожатда. — Одамларга — тинчлик, салтанатга — хавфсизлик, барча имону эътиқодларга — баробар эҳтиром!»

Акбар ўзининг бу шиорига қандай амал қилаётганини кўрсатиш учун ҳар куни эрта-лаб уфқ ортидан чиқиб келаётган офтобни таъзим билан кутиб оларди. Оташпарастларнинг бу одати тоғлик жойларда яшайдиган кўпгина ҳинд қабилаларда ҳам сақланиб қолган эди. Оташпараст туркий эллардан қолган ва Акбарга жуда маъқул тушган яна бир одат — оқшом қоронғи туша бошлаганда чироқларни «ўт оғаси» деб аталадиган оила ёки қабила бошлиғининг ёқиб бериши эди. Акбар оқшом ғира-ширасида саройни ёритадиган биринчи шамни ўзи ёқиб берар эди. Саройда чироқларга қарайдиган махсус хизматкорлар Акбар ёндирган шу митти олов билан улкан саройдаги юзлаб қандиллар шамини бирма-бир ёқиб чиқар эдилар.

Гужаратлик оташпараст Мехержи Акбарга уч попукли чиройли камар тақдим қилган эди. Камардаги уч попук учта фазилат рамзи саналарди: бири — «пиндори хўб», яъни яхши ўй, ният, иккинчиси — «ўфтори хўб», яъни яхши сўз, калом, учинчиси, «кирдори хўб», яъни яхши иш, ахлоқ». Бу уч фазилат гўё бир камарга боғланиб, инсонда бирга юрса, ўй, сўз, иш бири-биридан ажралиб қолмаса, мурод ҳосил бўлиши Акбар интилаётган энг баланд маънавий юксаклик эди. Шунинг учун у уч попукли камарни чоршанбайи муродбахш кунларида белига боғлаб юрарди.

Ҳиндлар пешонага қўйиб юрадиган тилак — қизил хол ҳам энг эзгу ниятлар тимсоли ҳисобланарди. Акбар ҳиндларнинг имон ва эътиқодларини ҳам астойдил ҳурмат қилишини кўрсатиш учун сешанба куни ҳиндча кийиниб, пешонасига қизил хол — тилак қўйдириб саройда кўпчиликка кўриниш берди.

Бу ҳодиса мамлакат аҳолиси орасида «Подшо ҳинд динини қабул қилганмиш!» деган овоза тарзида яшин тезлигида тарқалди. Ҳиндлар бу овозадан қувониб, Акбарни «махағуру», яъни, «улўғ пир» деб эъзозлаганлари сари мутаассиб шайхлар унинг мажусий бўлганига жоҳил одамларни ишонтира бошладилар. Бир вақтлар шайх Ансорийга тарафдор бўлган ва Аградан Жаунпурга сургун қилинган шайх Муҳаммад Яздий Ганга бўйида туриб Акбарга қарши исён бошлади. У уламо ва шайхлар номидан фатво ёзиб, Акбарни «дахрий», «мажусий», «оташпараст», «кофир» деб минг мақомга солиб айблади. «Бундай одам мусулмон давлатига подшо бўла олмай!» деб, Жаунпурдаги масжидда ваъз айтди. Унинг ваъзига кўпчилик қавмлари ҳам қўшилгандан кейин, Муҳаммад Яздий Акбарнинг Кобулдаги иниси Муҳаммад Ҳакимга одам юборди. Муҳаммад Ҳаким ҳам Акбарнинг «сулҳи кулл»ига қарши эканини айтиб, исёнчиларга ён босгач, Муҳаммад Яздий Жаунпурнинг жомеъ масжидида ўқилган хутбадан Акбарнинг номини олдириб ташлади. Унинг ўрнига Муҳаммад Ҳакимни Ҳиндистон подшоси деб эълон қилиб, номини хутбага қўшиб ўқитди.

Бихар ва Банголада марказий давлатдан ажралиб чиқишга ва яна мустақил ҳокимият тузишга ташна бўлган афғон амирлари бор эди. Улар дарҳол Муҳаммад Яздий бошлаган исёнга қўшилдилар.

Муҳаммад Яздий бу хабарларни ўз тарафдорлари ёрдамида Гужаратга, Малвага, Панжоб ва Кобулга тарқатди. Бу вилоятларда ҳам Акбарнинг дахрийлигига ишонувчилар кўп эди. Энди, уларнинг орасида ҳам Акбарни тахтдан ағдариш ҳақидаги ваъзлар, мусулмонларни ғазотга ундовчи хитоблар янграй бошлади.

Гужаратдаги Музаффаршоҳ ҳам Акбарнинг ўрнига укасини тахтга чиқариш ҳаракатига тушиб, Кобулда махсус вакиллар юборди. Турондаги Абдуллахондан Кобулга келган элчилар ҳам энди фақат Муҳаммад Ҳаким Ҳиндистон подшоси бўлиши кераклигини унинг қулоғига қуйдилар.

Кўпдан бери шуни истаб юрган Муҳаммад Ҳаким катта қўшин тўплади-ю, диндан қайтган акасига қарши ғазот эълон қилиб, Ҳиндистон томонга юриш бошлади.

Акбарнинг ўзи кўзғатган маънавий zilзила энди унинг тоғу тахтини ҳам силкита бошлагач, оёқда мустаҳкам туриш қийин бўлиб қолди, саройда ваҳима бошланди. Акбар энг содиқ одамларини атрофига тўплаб:

— Ким ҳақиқий дўст экани энди билингай! — деди. Тодар Мал бир қисм қўшин би-

лан Бихарга, Азиз кўка — Гужаратга, Ман Синх — Лахўрга жўнади. Акбарнинг ўзи эса энг катта хавфга айланган Муҳаммад Ҳақимга қарши кўшин тортди.

ЛАХЎР, КОБУЛ.

Дўстандан кўп душман

Ҳиндикуш тоғларидан тушиб келаётган Кобул дарёси тор тангилардан ўтиб, жанубга шошилади. Ҳимолай тоғларидан бошланадиган Ҳинд дарёси шарқдан Панжоб текислигига отилиб тушади-да, Пешоварнинг кунботиш томонида Кобул дарёси билан қўшилиб, айқашиб кетади.

Акбардан тўрт ёш кичик иниси Муҳаммад Ҳақим милодий 1581 йилда мана шу дарёлардан ўтиб, Лахўрга йигирма беш минг кўшин билан бостириб кирди. Бу ерда уни Акбарнинг ислохотларидан норози шайхлар ва уларнинг қавмлари қучоқ очиб кутиб олдилар. Муҳаммад Ҳақим Лахўрни йўлакай ишғол қилиш умидида эди. Масжидларда шовқин-сурон кўтариб, Акбарни динсизликда айблаб юрган имомлар Муҳаммад Ҳақимни аллақачон подшо эълон қилиб, номини хутбага қўшиб ўқитмоқда эдилар.

Лекин Панжоб аҳолисининг кўпчилиги бу диний исёнга қўшилмай сукут сақлаб турарди. Чунки Панжобда ҳам мусулмонлардан кўра ғайридинлар кўп, улар жузья солиғининг бекор қилинганидан мамнун, Акбарнинг барча имону эътиқодларни тенглаштиришга интилаётгани кўпчиликка манзур. Шунинг учун улар марказий давлатдан ажралишни истамас эдилар.

Рави дарёсининг баланд қирғоғида турган ва сўнгги ўн йил ичида деворлари қайтадан мустаҳкамлатилган Лахўр қалъасини Ман Синх бошлиқ кўриқчи аскарлар ичкаридан маҳкам бекитиб олдилар.

Бу орада Акбар қирқ минг отлик кўшин, беш минг фил, ўн минг пиёда аскар билан Деҳли ва Панипатдан ўтиб, Панжобга яқинлаша бошлади.

Кўшни сафида унинг ўғиллари Салим ва Мурод билан бирга фаранги тили муаллими Антони Монсеррате ҳам ўз халфаси Алберт Перейро ҳамроҳлигида келмоқда. Рудольф Ақвавивани Акбар Фатихпурда қолдирди — бу падренинг насора динини ҳаддан ортқ эҳтирос билан мақташлари унга хуш келмади.

Алберт Перейро эса Салимга гоҳи-гоҳида португал ҳарбий кемаларининг суратларини чизиб кўрсатади ва уни амирал баҳр бўлишга қизиқтирарди. Алберт бу ишларни атайлаб шаҳзоданинг атрофидаги одамларнинг кўзи олдида қилади. Чунки у кетига махсус пойлоқчи қўйилганини, Перейро ва Монсеррателарнинг нималар қилаётганини Акбарга етказиб турувчи хуфялар борлигини билади.

Акбарнинг асл мақсади ҳам фарангиларнинг қуввайи баҳрияларига оид тажрибаларини ўрганиш бўлганлиги учун Алберт Перейронинг Салим билан денгиз ва кема мавзуларида узоқ-узоқ суҳбатлашишларига йўл бериб қўйган.

Монсеррате эса шаҳзодаларга тил ўргатишдан вақт ортирганда чодирда ўтириб эсдаликлар ёзиб боради. У ҳали ҳеч бир фаранги умрида кўрмаган жойларни кўраётгани, Акбардай улў саркарданинг ҳарбий юришига иштирок этаётгани учун ўз толеъидан мамнун. Португалияда ўша даврларда эсдаликларни «Комментария», яъни «изоҳлар» деган сарлавҳа билан ёзиш одат бўлган эди. Монсеррате ҳам ўз эсдалик дафтарини шу ном билан атади. Акбар падреларни ҳар ҳафтада бир марта қабул қилиб, узоқ-узоқ суҳбатлашар эди. Монсеррате Акбарнинг қалби ҳис-туйғуларга бойлигини суҳбат пайтида кўзларидан ҳам сезди. Акбарнинг кўзлари унга денгиз тўлқинларининг кўёш нурларида жилваланишини эслатган пайтлари бўлди. Бу кўзларда денгизнинг теранлиги ҳам, тўфон пайтида даҳшатли кучга айланиб кетиши ҳам акс этаётгандай туюлди. Монсеррате фақат бир нарсани афсус билан қаламга олдики, Акбар ҳазрати Исонинг умуман отаси бўлмаганлигига, Биби Марям осмондаги илоҳий руҳдан ҳомиладор бўлганига ҳеч ишонмади.

Монсерратенинг бутун эътиқоди эса муқаддас учлик — ота, ўғил ва илоҳий руҳ бирлигига асосланган. Чўкинганда бошга ва икки елкага уч бармоқни текизиб олиш ҳам шу учликни тан олишдан келиб чиқади. Бироқ Ақвавива ва Монсеррателарнинг ойлар давомида католик динини жон-жаҳдлари билан тарғиб қилишларига қарамай, Акбар бу учликни «афсона» деб атади ва тан олмади.

— Отасиз фарзанд бўлиши мумкин эмас! — деб туриб олди у.

— Ахир биз келтирган «Инжил»ни кўзга суртиб, ўпиб қабул қилдингиз-ку ҳазрати олийлари! — деди Ақвавива илтижо билан. — Энди муқаддас учликни ҳам тан олиб, бир марта чўқина қолсангиз, биз муродга етган бўлардик.

— «Инжил» китобдир, китоб эса ҳаёлат тунини қувғувчи чироғдир, — деди Акбар. — Шунинг учун мен уни нондек эъзозлаб кўзга сурдим. Етти иқлимдан келган ҳақиқат изловчилар билан ибодатхонада йиллар давомида суҳбатлашдим. Ҳақиқат турли элларда турфа либослар кийиб, бўлиниб-бўлиниб яшамоқда экан. Менга бу энди аён

бўлди. Мен унинг бўлақларини бир қалбада бирлаштирмоқ учун «сулҳи кулл» сиёсатини амалга оширмоқдамен. Чўқиниш эса ҳақиқатнинг фақат бир бўлагини тан олиш, яъни сулҳи кулдан чекиниш бўлмай!

Акбарнинг бу гаплари диндор Монсерратега шаккоклик ва даҳрийлик бўлиб кўринди, эсдаликларида уни лотинча «атеист» деган сўз билан уришиб, қоралаб ҳам кўйди. Монсеррате дафтарининг саҳифаларини Акбарга оид таассуротлари билан тўлдириб борар экан, ёзаётган эсдаликлари европалик ватандошлари учун кутилмаган бир янгилик бўлишини ўйлаб, ҳаяжонли орзулар қилади.

Антони янги бир оламни Ғарбда биринчи бўлиб кашф этса, унинг номи тарихда қолмайди? У ўзининг «Изоҳлар»ини китоб қилиб чиқарса, фақат Португалияда эмас, дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам одамлар қизиқиб ўқишлари мумкин-ку. Португалия қироли ҳам Антонини ўз саройига чақириб, суҳбатлар қилиши турган гап. Монсеррате ўз юртининг энг машҳур одамларидан бирига айланишини хаёлига келтирганда юраги илҳом билан уриб, қалами дафтар устида шахдам ҳаракатланади.

Акбар кўшинида уни «кофир» деб суймайдиганлар ҳам оз эмас. Лекин шаҳзодаларга ва уларнинг ихтиёридаги минглаб беку навқарларга фаранги меҳмонларни туну кун кўриқлаб юриш топширилган. Ҳарбий юриш пайтида тил бўйича машғулот ўтказиш ҳам осон эмас. Акбар кўшинидаги одат бўйича ҳарбий юриш пайтида тўнғич шаҳзода ўз беку аъёнлари билан подшо яқинида боради, қароргоҳ танланганда ҳам Салимга Акбар турган чодирларнинг яқинроғидан ўрин берилади. Шунинг учун отасига келиб турган янги хабарларни Салим бошқалардан олдинроқ эшитади.

Шарқдаги исёни бостиришга юборилган Тодар Малнинг чопари бугун қандай янги гап олиб келганини ҳам Алберт Салимдан эшитди. Жаунпур ва Бихарда шайхлар исёнига қўшилган афғон сипоҳилари хазинадан бериладиган моянанинг озлигидан норози бўлиб юрган эканлар. Тодар Мал дарҳол уларнинг мояналарини бир ярим баробар ошириш ҳақида подшонинг номидан фармон чиқартиради. Акбар бу фармонни тасдиқлайди. Шундан сўнг шарқдаги кўпчилик сипоҳилар Муҳаммад Яздий бошлиқ хурофотчилар ғалаёнига қатнашмай қўядилар. Яккаланиб қолган хурофотчилар Тодар Малнинг кўшинига туриш беролмай таслим бўлади. Қозикалон Муҳаммад Яздий ва унинг салафлари — ўндан ортқ руҳоний кўлга олинади. Тодар Мал уларни кемаларга солиб, сув йўли билан Акбар ҳузурига афу сўрашга юборган экан, Гангада қандайдир фалокат юз беради-ю, кемадаги Муҳаммад Яздий билан унинг салафлари фарқ бўлиб ўладилар...

Эртаси куни кечки пайт Перейро яна Салимнинг хос чодирига кирди-ю:

— Амирзодам, Гангада юз берган фалокатни мен бошқалардан ҳам эшитдим, — деди.

— Кема ағдарилган эканми? Қозикалон нечун фарқ бўлибдирлар?

— Тодар Мал ўзи уларнинг бўйинларига тош боғлатиб Гангага чўктирган эмиш. Бу ҳақда ҳазрат отангиздан Тодар Малга махфий ишора бўлган экан.

— Об-бо шўрлик Яздий!..

Муҳаммад Яздий илгари Агранинг таниқли уламолари орасида юрганда Салим уни бир неча марта кўрган, ваъзларини ҳам эшитган эди. Энди Яздийнинг оппоқ соқоли Ганга тубидаги лойқаларга ботиб ётганини кўз олдига келтирганда, ёш ўспириннинг юраги бир сесканди. Наҳотки отаси шу қадар бешафқат бўлса?!

— Ҳали бу фақат бошланиши, — деб давом этди Алберт. — Эрта-индин бундан даҳшатлироқ ҳалокатнинг гувоҳи бўлурсиз, амирзодам.

— Яна не ҳалокат?

— Мирдевон Шомансур деган бормиди?

Салим қирқ ёшлардаги серғайрат, хушмуомала, истараси иссиқ молия вазири Шомансурни кўз олдига келтирди. Асли камбағал бир оиладан чиққан Шомансурни отаси тарбиялаб, юксак мартабалар берган эди. Салим Шомансурнинг ҳибсга олинганини кеча эшитди. Йўлда келаётганларида гўё унинг жосуслиги маълум бўлган эмиш. Шомансур Муҳаммад Ҳаким билан махфий алоқа ўрнатган эмиш. Унинг Муҳаммад Ҳакимга ёзган мактуби жангларда ҳалок бўлган кобуллик амир Шодмоннинг киссасидан топилган эмиш.

Алберт Перейро Салим билан Абулфазлнинг ораси яхши эмаслигини, шаҳзода доим подшога яқин юрадиган бош вазирдан отасини қизганишини аллақачон сезган эди. Энди уларнинг орасидаги дарз кетган жойга пона ургиси келиб пичирлади:

— Шомансурни, айниқса, Абулфазл ёмон кўрар экан. Отангиз Шомансурнинг истеъдодига қойил бўлиб, бош вазир қилиш фикрига ҳам борган экан-да.

Абулфазл тилга олингач, Салимда Шомансурни тўхматдан қўтқариш истаги уйғонди. Алберт бу истакни усталик билан Акбарга томон йўналтирди.

Орадан яна бир кун ўтгач, кечқурун тўхтаганларида Салим отасининг ҳузурига ки-

¹ Аммо А. Монсеррате тириклигида эсдаликларини чоп этишга муяссар бўлмади. Чунки католик черкови ундан китоб эмас, миссионерлик ишини талаб қилар эди. Унинг ёзувлари аввал португал маъмурлари томонидан фақат разведка мақсадларида фойдаланилади ва махфий тутилади. Орадан уч юз йил ўтгандан сўнг «Изоҳлар»ни эсдалик тарзида аввал инглиз тилида тўлиқ чоп этадилар. Кейинчалик бошқа тилларда ҳам чиқади-ю, Монсерратега ўзи орзу қилган шўхрат-уч аср кечикиб келади.

ришга рухсат олди. У боргоҳда энди Шомансур ҳақида сўз очмоқчи бўлганда Абулфазл келди-ю, кирланган ва эзгиланган бир мактубни олиб кириб, Акбарга таъзим билан тутди:

— Ҳазратим, хоиннинг бу мактуби илми сиёҳ усули билан ўқилди.

— Шомансурнинг ўзи ёзган эканми?

— Дастхат ўзиники. Фақат сир сақлаш учун ҳарфларни хийла ўзгартириб ёзган. Кўрнамак, тузингизни ичиб юриб, яна сизни сурбетларча ёмонлабдир.

— Қани, ўқинг-чи, — деди Акбар ва ўғли Салимга «эшитиб қўй» дегандек қилиб қаради.

Абулфазл Шомансурнинг мактубидан бир-икки жойини таъкид билан ўқиди:

— «Подшомиз Абулфазл ва Тодар Мал таъсирида диндан чиқиб беимон кофир бўлди. Энди бизнинг пуштипаноҳимиз ўзингизсиз, амирзодам! Панжобни олган заҳотингиз пойтахтдаги ихлосмандларингиз ҳам бош кўтаргусидир. Илоҳим пок мусулмончилиқни даҳрий оғангиз тажовузидан асраб қолиш, сиз, Муҳаммад Ҳаким ҳазратларига насиб бўлсин!»

Акбар ўғли Салимга қараб:

— Ғаддор муҳитнинг тухматини кўрдингизми? — деди. — Бадмаст иним тун-кун май ичиб, қусуғига қоришиб ётса ҳам, мендан покроқ мусулмон эмиш!

— Ҳазрат отажон, — деди Салим, — балки бу мактубни Шомансур ёзмагандир? Эҳтимол, бошқалар ёзиб... ўлган амирнинг киссасига яшириқча солиб қўйгандир?

Акбар ялт этиб ўғлига қаради:

— Ажабо! Сенга бу шубҳани ким ўргатди?

— Ўзим... ўзимнинг хаёлимга келди. Ахир... Шерхон шундай хийлаларни кўп ишлатган, деб бизга ўзингиз сўзлаб берган эдингиз-ку?

Акбар ўғлининг чигал, мураккаб нарсаларга ақли етадиган бўлиб қолганидан сергакланиб, Абулфазлга савол назари билан тикилди:

— Мавлоно, Шомансур айбини бўйнига олдимми?

— Қийноққа солинганда бўйнига олган эди. Кейин яна тонди. Аммо дастхат униқанлиги аниқ.

Абулфазлга сўзсиз ишонадиган Акбар:

— Дастхат энг ишонарли далилдир, — деди-да, ўғли Салимга юзланди. — Сен Шомансурга ачинмоқдамисен?

— Гангага ғарқ этилган мўйсафид Яздийга ҳам... раҳмим келди.

— Раҳмдил бўлмоқ яхши, аммо ғанимларим муродларига етсалар, мени не кўйларга солишларини ўйладингми? Бутун мамлакатда менга қарши исён кўтарган жоҳиллар ғолиб чиқсалар, мени кофирдан олиб, даҳрийга солиб, ўн жонимдан бирини ҳам тирик қўймагайлар-ку!

Акбар белидаги камарига олмос сопли ханжарини қистириб олган. Салим уни кўпдан бери бугунгидек қатъиятли ва шиддаткор қиёфада кўрмаган эди.

— Ғанимларим мамлакат ичидагина эмас, ташқарида ҳам бизга қарши қанча хуружлар қилаётганидан хабаринг борми? — сўради у Салимдан. — Мавлоно Абулфазл, бунга Адандан келган мактубни кўрсатинг!

Абулфазл Аданда ғанимлар асоратига тушиб қолган Гулбадан бегимнинг мактубини Салимга берди. Мактубни ўқиган сари шаҳзоданинг изтироби яна оша борди:

«Дунёда ягона нажоткорим бўлган ҳазрати Акбаржон! — деб ёзган эди Гулбадан бегим. — Ёшим олтмиш бирга кирганда бундай қора кунлар бошимга тушар деб ҳеч ўйламаган эдим. Бобурийлар хонадонининг энг кекса кайвониси мен бўлганим учун Арабистонга бориб, оғам Комрон мирзонинг қабрларини зиёрат қилмоқчи эдим. Ҳазрат отамнинг табиатларидаги сайёҳлик иштиёқидан озгина менга ҳам ўтган экан, денгизда сўзиш, кўрмаган юртларимни кўриш орзусида йўлга чиқдим. У пайтларда исёнлар бошланмаган эди. Сиз бизга «Тезров» деган яхши денгиз кемангизни берган эдингиз. Араб денгизидан эсон-омон сузиб ўтганимиздан сўнг эшитдикки, Ҳиндистонда бизга қарши исёнлар бошланибдир. Сиздан зарба еб қочган бир талай аламзада шайху имомлар Аданга паноҳ истаб келган эканлар. Улар жоҳилларни бизга қарши қўзғотдилар. Адан ҳокими гўё бизни ташқи тажовулардан ҳимоя қилмоқчи бўлгандек, кўримсиз бир бинога киритиб, атрофимизга соқчилар қўйдирди. «Тезров» кемамизни ҳам аллақаяққа олиб кетиб, кўрфаз бурчагига яшириб ташладилар. Кунлар, ҳафталар ўтди. Биз ҳибсга тушганимизни сезиб, ҳокимдан дарҳол бўшатишларини талаб қилдик. Шунда Адан ҳокими бизнинг ҳузуримизга шайхулисломни юбориб, даҳшатли гапларни айтдирди. Гўё сиз кофир бўлган эмишсиз, биз шунинг учун сиздан воз кечмоғимиз керак эмиш, Муҳаммад Ҳакимни Ҳиндистон тахтига энг муносиб тождор деб шайхулисломга кафолат бермоғимиз керак эмиш! Улуғ Бобурнинг фарзандлари орасида тирик қолгани биргина менман! Наҳотки олтмишдан ошганимда шундай хиёнат йўлига кирсам?! Хоин бўлиб яшагандан кўра, сизга, отамнинг руҳига содиқ туриб жон беришни афзал деб билурмен. Шайхулисломга буни рўй-рост айтдим.

Мен-ку, ёшимни яшаганмен. Сиз ёнимга қўшган қўриқчи йигитларга, ёш канизларимга раҳмим келур. Ҳазрати Акбаржон, охириги нафасим қолгунча мен сизга садоқат

сақлағайман, Иложини топсангиз, бизни бу ёвуз одамларнинг асоратидан қутқаринг! Мактубни йиғлаб ёзган аммангиз Гулбадан бегим».

Мактуб Салимга қаттиқ таъсир қилганини Акбар унинг ялтираб кетган кўзларидан тайқади.

— Ғанимларимизнинг ноинсофлигини кўрдингми? — деди. — Кобулдаги майпа-раст инимни менга қарши қўзғатганлари оз экан! Энди ҳажга кетган аммамни ҳам ме-нинг душманимга айлантирмоқчи эканлар! Аммо бизнинг тарафдорларимиз ҳам оз эмас. Адандан бу мактубни бизга Қиличхон Андижоний етказиб келди. Турк султони бизга Истамбулдан элчилар юбориб, ҳамкорлик қилишга ундаган эди. Албатта, унинг ўз ғарази бор. Фарангилар билан курашда биздан ёрдам олмақчи. Маййи! Фарангилар бизга ҳам кўп ёмонлик қилмоқда. Умидим борки, бизнинг турк султонига юборган элчи-миз, йўллаган мактубимиз бекор кетмағай! Садоқатда тенгсиз аммамиз Гулбадан бе-гимни асоратдан қутқармагунча тинчимағаймиз!

Отасининг бугунги шиддаткорлигига бунақа сабаблар ҳам борлигини энди билган Салим:

— Ҳазрат аммам қайтсалар, мен чиқиб пешвоз олгаймен! — деди.

— Тангрим сени шу ниятингга етказсин, ўғлим! Душманлар бизга ҳатто узоқ Адан-да шунчалик шафқатсиз муомала қилмоқда экан, биз нечун уларни аямоғимиз керак? Ҳаёт-мамот курашида бўшлик қилиб бўлмағай!

— Барча ички-ташқи ғанимларга сабоқ бўлмоғи учун хоин Шомансур баланд бо-бул дарахтига осиб ўлдирилсин! Токи бизнинг яхшилигимизга ёмонлик билан жавоб берган кўрнамаклар буни узоқ-узоқлардан кўрсин! Барча қўшин Шомансур осилган дарахтнинг олдидан олиб ўтилсин! — деди Акбар Абулфазлга юзланиб.

Эртаси куни эрталаб дамома деган катта ноғоралар таҳдидли йўғон товуш билан гум-гум қила бошлади. Жаллодлар баланд бобул дарахтига дорнинг сиртмоғини боғ-ладилар. Қўли боғлоқлик Шомансурни сиртмоқ тагига олиб келганларида, у жон аччиғи билан қичқирди:

— Мен хоин эмасмен! Тўхмат қилганларни беғуноҳ қоним тутсин!

У яна нимадир демоқчи эди, лекин жаллодлар бўйнига тез сиртмоқ солиб, арқон-нинг учини тортдилар. Шомансурнинг гавдаси ердан узилиб, ўлим талвасасида бир-икки марта ғужанак бўлиб, қисқариб кўринди. У жон бергандан кейин эса, гавдаси чўзилиб, аввалгидан хийла узун кўрина бошлади.

Салимнинг таъсирчан қалби бу ҳодисадан шундай даҳшатга тушдики, у кечалари босинқираб уйғонадиган ва Абулфазлдан ҳам, отасидан ҳам ҳайиқиб, ўзини олиб қоча-диган бўлиб қолди.

* * *

Муҳаммад Ҳаким ўттиз олти ёшга кириб, бирорта катта жангда қатнашмаган эди. Акбар унга қарши икки баробар кўп қўшин билан Панжобга кириб келгани, Шомансур-ни дарахтга осиб ўлдиргани, Гаңгада эса Яздийнинг сувга ғарқ қилингани Муҳаммад Ҳа-кимни ваҳимага солди. Кобулдан бирга келган унинг улфат беклари ҳам талвасага туш-дилар. Машваратларда:

— Тезроқ Нилобдан ўтиб, Кобулга қайтайлик! — деган таклифлар тушди.

Муҳаммад Ҳаким Лахўр қамалини тўхташиб, шимолга йўл олди. Бу орада кунлар тўсатдан исиб, тоғларда музлар ва қорлар бирваракай эришга тушди. Ёмғир фасли ҳам одатдагидан уч ҳафта олдин бошланди. Тиниқ пайтида нил кўшиб оқизилгандек кўким-тил кўринадиган ва шунинг учун бир номи Нилоб бўлган Ҳинд дарёси энди кулранг сел-дай тошиб, улкан тошларни юмалатиб, ваҳима билан ҳайқириб оқар эди. Муҳаммад Ҳаким уч-тўрт кун дарё сувининг пасайишини кутди, аммо оқим пасайиш ўрнига кўта-рилиб, кенгайиб бормоқда эди. Ёмғир фасли авжига чиқса, кейин бир-икки ой Панжоб-да қолиб кетиши, бу орада Акбар етиб келиб, уни тор-мор қилиши муқаррар. Муҳаммад Ҳакимга акаси тошқин дарёдан ҳам кўрқинчлироқ туюлади. Шунинг учун таваккал би-лан қўшинини телбаланиб оқаётган дарёга бошлаб кирди. Ҳинд дарёсининг аёвсиз тўл-қинлари орасида унинг мингдан ортиқ беку навкарлари ғарқ бўлди. Зўр оқим Муҳам-мад Ҳакимнинг ўзини ҳам гирдобга тортиб айлантириб кетаётганда, сувчи йигитлари уни меш ёрдамида зўрға қутқариб қолдилар ва бир амаллаб нариги қирғоққа олиб чиқдилар.

Акбар уни таъқиб этиб Нилоб бўйига етиб келганда иниси аллақачон Кобулга бориб улгурган эди. Эллик мингдан ортиқ аскарни овора қилиб Кобулга бориб юрмаслик учун Акбар дарё бўйида тўхтади-ю, инисига одам юбориб, уни шу ерга қақиртирди. Лекин гуноҳи жуда оғир эканини сезган ини ўзи келишдан кўрқди.

Дарё суви асад ойида сал пасайиши билан Акбар бутун қўшинини шимолий қир-ғоққа олиб ўтди.

Шаҳзода Салимни тошқин дарёдан ўтказишда Алберт Перейро ўзининг сувда сузишга нақадар усталлигини ҳаммага кўрсатди. Унинг зўр денгизчи бўлганига ўша куни Акбар ҳам ишонди.

Дарёдан ўтишда падре Монсерратенинг юраги ёмон бўлди. Уни энди қорли Ҳайбар довонидан олиб ўтиш хатарли эди. Шунинг учун Акбар Монсерратени Одинапур да Бобур бобоси бунёд этган Боғи Вафода қолдирди. Алберт Перейро эса Акбардан илтимос қилди:

— Ҳазрати олийлари, ижозат беринг, мен ҳам Кобул юришига иштирок этай. Бўш вақт бўлганда шаҳзодаларга халфа сифатида тил ўргатурмен.

— Тил билан бирга денгизчилик, кемасозликдан ҳам сабоқ беринг.

— Бажонидил, ҳазратим! Агар муносиб кўрсангиз, умрим охиригача сизга-ю, шаҳзодаларга хизматда бўлмоқчимен!

Акбар Ҳайбаро бўлиб сўради:

— Умрингиз охиригача! Демак, Фарангистонга қайтмоқчи эмассиз?

— Албатта, туғилган юртим Португалия менга беҳад азиз! Аммо биз томонларда жаҳолат кучли, сал бошқача фикр юритсангиз, гулханга ташлаб ўлдиргайлар. Фаранги кулфурушларнинг ишларидан ҳам безор бўлганмен. Сизнинг даргоҳингизда руҳим яйрамоқда. Бу ерда барча имону эътиқодлар баробар. Турли миллат вакиллари яқдил. Сулҳи кулл менга беҳад ёқди! Сизга содиқ фуқаро бўлмоқчимен!

Акбар фарангиларнинг хуфя иш олиб боришда қанчалик илгарилаб кетганини ва қанақа янги усуллар кашф қилганини ҳали билмасди. Алберт ҳатто ўз номини Алибек қилиб ўзгартириб, Акбарга астойдил ихлос қўйганига уни ишонтирди.

— Падрелар бизни ўз динларига ўтказмоқчи эдилар, аксинча бўлди-ку! — деб, Акбар ич-ичидан қувониб қўйди.

Шундан кейин Алибек Салимнинг хос навкарлари қаторида Кобул юришига бирга олиб кетилди.

Жангу жадалга қизиқадиған Мурод Ман Синҳ бошчилигидаги илғор қисмлар билан олдинда борар эди. Муҳаммад Ҳакимнинг аскарлари Кобул бўсағасида Ман Синҳ ва Муроднинг ўн минг кишилиқ отлиқ қўшинлари билан қаттиқ жанг қилиб кўрдилар. Ман Синҳнинг ражпут йигитлари ва Муродга саралаб берилган отлиқ жангчилар Муҳаммад Ҳаким аскарларининг қаршилигини енгиб, Кобулга биринчи бўлиб ёриб кирдилар. Орқадан Акбарнинг ўзи яна қирқ минг аскар билан келмоқда эди. Унга бас келолмаслигини сезган Муҳаммад Ҳаким қалъанинг нариги дарвозасидан чиқиб, шимол томондаги тоғларга қараб қочди. Йўлда ундан ажралиб, орқага қайтган синглиси Бахтинисо бегим эри Хўжа Ҳасан Бадахший билан бирга Акбар келиб турган Урта Боққа борди.

«Акбар кофир бўлиб, салла ҳам ўрамай қўйганмиш!» деган овозларни Бахтинисо бегим ҳам кўп эшитган эди. «Ҳазрат оғам бараҳман кийимида пешонасига қизил ҳол қўйдириб келган бўлсалар, қандоқ кўришгаймиз?!» деган изтиробли ўйдан бегимни ғам босмоқда эди.

Лекин уни кўшк айвонида кутиб олган Акбар аввалгидай ипак тўн кийган, бошига симоби салла ўраган. Бахтинисо бегим бирдан ўзини унинг оёғи тагига ташлади-ю, йиғлаб гапирди:

— Гумроҳ синглингизни кечиринг, ҳазрат оғажон! Сизга пешвоз чиқолмадим! Содда бўлмасам, ёмон овозаларга ишонармидим?!

Акбар синглисининг елкасидан олиб оёққа турғизди-да, ёшли кўзларига тикилиб:

— Хайрият, сиз ўзингиз келдингиз, — деди. — Лекин инимиз нечун қочиб юрибдир? Муҳаммад Ҳакимда сиздагичалик ҳам журъат йўқми?

— Инингизни улфат беклари қўрқитиб бирга олиб кетди. «Сизни ҳажга юбориб ўлдиргайлар, Комрон мирзодай кўр қилгайлар!» десалар, Муҳаммад Ҳаким шунга ишониб қочди!

— Аммо ўша бекларни тутдириб, тилка-пора қилдирмоғим керак. Инимизнинг кетидан қувғинчи юборсам, ҳаммасини тутиб келгай!

— Ҳазрат оғажон, инингизнинг нияти ёмон, сизга тутқич бермай, Балхдаги шайбонийзодалар томонига ўтиб кетгай! Улардан шундай таклиф билан элчи келган эди. Тўполон сал босилгунча қувғинчи юбормай туринг, баттар маломатга қолмайлик!

Уттиз тўрт ёшга кирган Бахтинисо Кобулнинг энг ақлли ва мулоҳазали аёлларидан саналар эди. Катта момолари Моҳим бегимни кўрган кекса одамлар Бахтинисони ўша доно аёлга ўхшатишарди. Кобулни идора этишда майпараст Муҳаммад Ҳакимга мана шу синглиси ёрдам бериб юрганини, бироқ кейинги пайтларда у Бахтинисонинг маслаҳатларига кирмай қўйгани учун шунча фалокатлар юз берганини Акбар хуфялар ахборотидан ҳам билар эди.

— Бахтинисо, бугундан эътиборан менинг иним ҳам сиз ўзингизсиз! — деди. — Муҳаммад Ҳаким мен учун ўлди. Сиз ҳақсиз, унинг кетидан қувғинчи юборишга ҳам арзимайдир!

...Ҳамманинг назаридан қолган Муҳаммад Ҳаким аввалгидан баттар майхўрликка берилди. Охириги марта икки кеча-ю, икки кундуз сурункасига чоғир ичиб, мастликда жон берди. Бахтинисо бегим акасини бориб кўрганда, унинг жасади кўмирдай қорайиб кетган эди.

¹ Одинапур — кейинчалик Жалолобод бўлган.

Кобулда ўтказилган бир ҳафтанинг Салим учун энг унутилмас куни — Бобур боболарининг мақбарасига борган пайтлари эди. Панжобда Салим билан отасининг орасида туғилган чигаллик ўша куни бир қадар тарқади. Салим отасига Абулфазлдан ҳам яқинроқ бўлишни истарди. Бугун Акбар Абулфазлнинг пастда қолдириб, фақат ўғиллари билан Гузаргоҳдаги Боғи Бобурга чиқиб келгани тўнғич ўғилга жуда ёқиб тушди.

— Менинг бу ерларга келмаганимга... йигирма етти йил бўлибдир! — деди Акбар ва охири марта шу мақбара олдида кўзи кўр амакиси Комрон Мирзо билан қандай учрашганини ўғилларига айтиб берди. Ундан олдин Ҳумоюн ўз инилари билан ярашган куни экилган тўртта чинордан иккитагинаси қолибди. Бобур боболарининг ўзи қаздирган ариқ ҳам бекилиб, қуриб ётибди. Боғи Бобур ташландиқ аҳволда, дарахтлар сарғая бошлаган.

— Муҳаммад Ҳакимни арвоҳ ургани бежиз эмаски, шундай азиз жойни қаровсиз қолдирибдир! — деб, Акбар инисидан яна бир койинди.

Учовлари мақбарани зиёрат қилиб чиққанларидан сўнг Акбар ўғилларига шимол томондаги тоғларни кўрсатди:

— Ҳазрат бобомиз ўша тоғлар ортидан келганлар. Самарқанд, Фарғона, Тошкент. Тенги йўқ жойлар!..

— Шундай қудратли лашкаримиз бор, ҳазрат отажон! Туронга қўшин тортиб борсак, тарафдорларингиз қучоқ очиб чиқмагайларми?

Акбар оғир уф торти-ю:

— Туронда ҳозир ғанимларимиз кўпаймишдир, вазият ёмон, — деди. — Биз Ҳиндистонда ўтказган ислохотларни шайбонийзодалар Самарқанду Фарғона аҳлига бутунлай тескари қилиб етказибдирлар. Улуғбекни ўлдиртирган жоҳиллар Туронда бизга ҳам қарши қилич қайрамоқдалар. Бунинг устига Ҳиндистонда ғанимларимиз бош кўтарди. Ҳатто Аданда ҳазрат амаамизни ўшалар асир қилмишлар. У кишини қутқармоқ учун ҳам пойтахтга тезроқ қайтмоғимиз керак, ўғилларим!

Шу билан хаёллари жанубга кетди. Акбар ўғилларига жануб томондаги Кобул дарёсини кўрсатди:

— Мана шу Кобул дарёси Ҳинд дарёсига қуйиладиган жойда мен бир ғаройиб эртак эшитганмен. Бобокалонларинг ҳақидаги бу эртакни афғон улуси тўқиганми, ҳинд эли яратганми, аниқ билмаймен. Аммо бу эртак шу икки юртнинг чегарасида пайдо бўлмишдир. Мазмуни шуки, жаннатмакон бобом дарё бўйида ёлғиз ўлтириб, шеър ёзаётган эканлар. Орқадаги ўрмондан бобомнинг хундор душмани ханжарни кўлига олиб, писиб келмоқда экан. Бобом билан бўлган жангларда бу одамнинг оғаси ўлгани учун қасд олмоқчи экан. Дарё соҳилида уч-тўртта болачалар сувга ёғоч ташлаб, оқизоқ ўйнаб юрган эканлар. Болалардан бири ўйинга берилиб, сувга тушиб кетибдир. Икки дарё кўшилган жойда оқим жуда зўр, ҳалиги бола ғарқ бўлиши муқаррар. Қирғоқда қолган болачалар дод солиб, бобомдан ёрдам сўрабдир. Бобур бобомиз дарёда оқиб кетаётган болачанинг кетидан ўзларини сувга отибдирлар. У киши сувда яхши сузар эканлар. Ганганинг у қирғоғидан бунисига неча марта сувга сузиб ўтганларини умр китобларида ёзмишлар. Уқиганмисенлар? — деб Акбар ўғилларига савол назари билан тикилди.

Китобни кам ўқийдиган ўйинқароқ Мурод нима дейишини билмай ерга қаради.

— Мен ўқиганмен, — деди Салим. — Фақат Ганга эмас, бобомиз йўлларида учраган дарёларнинг ҳаммасидан сузиб ўтган эканлар.

— Ана, кўрдингми? — деб Акбар Муродга қаради. — Сен ҳам ўқиб чиқ... Хуллас, жаннатмакон бобом дарёга тушиб кетган ўша болани қутқариб олиб чиқибдирлар. Ханжарини яланғочлаб писиб келган хундор душман қараса, қутқарилган бола — унинг кичик ўғли эмиш. «Ҳали мен боламни қутқарган одамни ўлдирмоқчи эдимми?» деб ўзидан қаттиқ ранжибдир, ханжарини Бобур бобомизга тутиб дебдир: «Боламни тирик олиб чиқдингиз, энди ёмон ниятим учун шу ханжарни менга уришга ҳақлисиз!» Бобур бобомиз воқеанинг тафсилотини сўраб билганларидан сўнг ханжарни дарёнинг ўртасига улоқтириб юборибдилар. «Бу тиг — адоват тимсоли экан, ғарқ бўлсин!» дебдирлар. Болани отасининг илкига тутқазиб айтибдирлар: «Бола истиқболимиздир, буни бирга асрайлик».

Акбар ўғилларига бир-бир кўз ташлаб қўшиб қўйди:

— Ким билсин, ўшанда бобомиз дарёдан қутқариб чиққан бола балки мендирмен, балки Салим ёки Муроддир. Агар бобомиз Аграда менинг отамни ўлим хавфидан қутқариб олмаганда, мен ҳам туғилмас эдим, сенлар ҳам.

— Рост! — деб бош ирғади Мурод.

Салим ўйчан эди. Акбар унга тикилиб туриб давом этди:

— Бобомиз қутқарган ўша истиқболни мен сенларга, сенлар ўз авлодларингга ҳайф қилмасдан, камол топдириб етказиб бермоғимиз керак. Мана шу мақбара турган жой бизнинг энг улуғ зиёратгоҳимиздир. Бу ерни қаровсиз қолдирсаларинг, Муҳаммад Ҳакимнинг аҳволига тушгайсенлар. Бундай истиқболдан тангрим сизларни асрасин!

Акбар икки ўғлини эргаштириб, пастда уларни кутиб турган Абулфазл ва бошқа беку аъёнларнинг олдига тушиб борди. Кобул қутволи Ман Синхга буюрди:

— Махарожа, дархол бу тоққа юзта коргар олиб келиб, илгариги ариқларни очдиринг. Уч кунда бу ерга сув келсин. Боғ ободу ораста қилинсин. Кобул атрофидаги суғориладиган ерлардан беш юз жориби Бобур бобомиз мақбараси ихтиёрига берилсин фармон ёзинг. Шу йилдан эътиборан мақбара ихтиёридаги беш юз жориб ердан тушадиган даромадлар Боғи Бобурни ободу ораста сақлашга сарф қилинсин. Яна мақбара билан боққа қараб турадиган тўртта одамга давлат хазинасидан доимий маош тўлансин.

Ўғиллар олдида берилган бу фармойишлар келажакда уларни ҳам ўз бобокалонларидан ибрат олишга ўргатиши керак эди.

Лекин ғалаба тантаналари ичида қийинчилик кўрмай ўсаётган эрка ўғиллар бобокалонларининг ибрат олиб бўлмайдиган одатларига ҳам эргашардилар.

Мурод Кобулни олишда жасорат кўрсатгани учун отасидан мурассаъ ханжар мукофот олди. Шу муносабат билан Боғи Наврўзийда жанговар беклар Муродга чоғир таклиф қилдилар.

— Бобур бобомлар чоғир ичмаганлар-ку! — деб Мурод аввал унамади.

— Бобонгиз чоғирни қирқ беш ёшга бориб ташлаганлар, — деди Чигатойхон. — Аммо Кобулда яшаганда беармон ичганлар. Хотира китобларида ўқимаганмисиз? Далада, кемада, булоқ бўйида, боғда, хатто хазон бўлган даракларнинг тегида ўлтириб расо кайф қилганларини ёзганлар-ку!

Бобокалони ҳақидаги бу гаплар Муроднинг ҳозирги кўтаринки кайфиятига тўғри келиб турар эди. Уша оқшом у биринчи ғалабаси шарафига маст бўлгунча ичди. Устидан афюн кўшилган маъжун ҳам еди.

Муроднинг аткаси Зайнхон кўка унинг Боғи Наврўзийда маст бўлиб юрганини кўриб:

— Онҳазрат билсалар, икковимизга ҳам жазо берурлар! — деб пўписа қилди. — Амакингиз Муҳаммад Ҳаким ёшлиқдан ичиб юриб, не кўйга тушганини билурмисиз?

— Кобулда Бобур бобом ҳам май базмлари ўтказган эканлар-ку! — деди Мурод.

— Э, аввал тарихни ўрганинг! Сизнинг ёшингизда Бобур бобонгиз майни оғизларига олган эмаслар. Сиз ҳам у кишидай йигирма беш-ўттизларгача сабр қилинг. Кейин бир-да-ярим ичсангиз ярашгай.

Мурод ўзини жуда ёш деб камситишларини ёмон кўрарди. Ахир у ёши катталар қатори Ҳинд дарёсидан сузиб ўтмадими? Олдинги сафда қилич яланғочлаб, Кобулга ёриб кирмадими? Отаси унинг ихтиёрига бутун бир Боғи Наврўзийни бериб қўйибди-ку. Мурод беш минг аскарга бошлиқ. Қўл остидаги беку навкарлари унга таъзим қилиб туришади. Шу сабабларга кўра у ўзини чоғир ичишга ҳақли деб ҳисоблайди. Зафар кетидан зафар келиб турибди, қувноқ базмлар учун сабаб кўп. Улфат беклар уни навбатманавбат чоғир базмига таклиф қилардилар, отаси ва аткасидан яшириқча яна роса ичирардилар...

* * *

Салим ҳам аллақачон май ичиб, маъжун еб кўрган, базмларга у ҳам иштиёқманд. Лекин Кобулнинг Урта Боғида, отасининг кўзи яқинида яшаётган кунлари Салим ўзини тийиб юрибди. Отаси билан бирга Гузаргоҳдаги мрамар мақбарани зиёрат қилгандан бери дилида «Бобурнома»га ўхшаган хотира китоби ёзиш орзуси пайдо бўлган. Катта бобоси ҳам ўн икки ёшлардан насрий машқлар қила бошлаганини Салим ўз устози Фарид Бухорийдан эшитган. У ўзининг хилватхонасида ҳали ҳеч нарса ёзилмаган зарҳал муқовали дафтарни очди-ю, ёнида турган Фарид Бухорийга юзланди:

— Сарлавҳаси «Хотирот» бўлсинми?

— Қайси тилда ёзмоқчисиз, амирзодам?

Салим яшаган муҳитда форсий тил кўпроқ ишлатилар эди. Шунинг учун унга форсийда ёзиш осонроқ туюлар эди. Фақат у боболари маъқул кўрган бирорта туркий сўзни сарлавҳага чиқаришни истарди.

Унинг бу истаги Фарид Бухорийга ёқиб тушди:

— Амирзодам, «тузук» деган сўз бор. Отангизнинг саройларида қабул маросимларини бошқарадиган одам «мири тузук» деб аталур. Фақир эшитдимки, энг катта бобокалонингиз Амир Темур ўз муншисига айтиб ёздирган низомларини «тузуклар» деб атаган эканлар. Бу тузуклар бизгача етиб келмай йўқолиб кетганми, ўзини ҳеч қаерда учратмадим. Фақат «тузуки Темурий» деган номидан хабардормен, холос.

— Бўлмаса мен ҳам ўз хотираларимни «Тузук» деб атагаймен!

Салим бу сўзни дафтарининг биринчи varaғига йирик қилиб ёзди.

— Иншоолло, бу дафтар келгусида улкан бир китобга саршамма бўлгай. Эҳтимол, одамлар буни «Тузуки Салими» деб атагайлар.

Фарид Бухорий «Салими» сўзини «Салима» дегандай қилиб айтди. Салим ўгай онаси Салима бегимни эслади-ю, афтини буриштирди. Шаҳзодага ўз номи унча ёқмаслигини мавлоно Фарид аввал ҳам сезган эди.

— Жаҳонгир деган исм минг марта яхши эди. Насиб қилса, қачондир бир вақт... шу номга қайтгундир!

¹ Салим ўз хотираларини кейинчалик «Тузуки Жаҳонгирий» деб атади.

Салим отаси қўйган номдан воз кечмоқчи бўлгани мавлоно Фаридга улкан бир жасоратдай туюлди.

— Амирзодам, сиз ҳозир ўн учга қадам қўйдингиз. Отангиз шу ёшда тахтга чиққан эдилар. Бобур бобонгиз подшо бўлганларида, ҳали ўн иккига тўлмаган эдилар. Насиб этса, бир кун сиз ҳам тахтга чиққайсиз! Уша кунни кўриб ўлсам армоним қолмамай! Чунки афсус қилурменки, ҳазрат отангиз динларни бирлаштириш йўлига кирдилар. Ҳолбуки, ғайридинлар биздан бир неча баробар кўп. Биз уларнинг орасида йўқ бўлиб кетгаймиз! Бу йўл хатодир!

— Мен бу йўлга зинҳор юрмагаймен! — деди Салим қатъият билан.

— Шунинг учун бутун нажотни биз сиздан кутмоқдамиз, амирзодам! Ҳазрат отангизга Байрамхон ҳам бас келолмади, Моҳим энага ҳам, Ансорий ҳам. Охирида, мана, ёлғиз инилари Муҳаммад Ҳақим ҳам забун бўлди. Бироқ ҳеч ким бас келолмаган Рус-тами-достонга ахири ўзининг ўғли Сухроб бас келгани «Шоҳнома»дан маълумдир. Илоҳим, сиз бизнинг Сухробимиз бўлингиз Жаҳонгир номи билан тахтга чиқинг!

Агар бу гаплар отасининг қулоғига етиб борса мавлоно Фарид тирик қолмаслигини Салим сезди ва атрофига хавотирланиб қараб қўйди. Лекин хилватхонада икковларидан бошқа ҳеч ким йўқ, эшик-деразалар берк. Улим хавфидан қўрқмай шундай дадил тилакларни айтган мавлоно Фарид Салимга жасур одам бўлиб кўринди.

— Мавлоно, менга тожу тахт насиб қилган куни биринчи хутбани ўзингиз ўқигаёйсиз!

Мавлоно Фарид азбаройи таъсирланганидан кўзларига ёш олди-да, Салимни суюкли фарзандидек бағрига босиб, елкаларини силади.

ФАТҲПУР

Ечиб бўлмайдиган тугунлар

Ўн ой давом этган Кобул юриши Акбарни жуда толиқтирган эди. У пойтахтдаги оромгоҳлар, сокин кутубхона ва тасвирхоналарни соғинган эди. Кобулдан қайтгач, Фатҳпурда бир неча йил муқим яшаб, чала қолган кўп ишларни ва қурилишларини ниҳоясига етказди.

Фатҳпур—Секри қуриб битирилган пайтда уни келиб кўрган инглиз сайёҳи Ральф Фитчининг ёзишича, Акбарнинг янги пойтахти ўша даврдаги Лондондан икки баробар улканроқ бўлган. Шундай улуғвор шаҳарни яхлит бир санъат асарига ўхшатиб кашф этган ва ўн беш-йигирма йил ичида қурдирган меъморни узоқ юртлардан келган одамлар бир кўриб кетишга интилар эдилар.

Қиличхон Андижоний «дарбор» деб аталадиган қабул кунда Акбарнинг ҳузурига оқ золи, кўнғир соч, барваста бир сайёҳни бошлаб кирди. Усиқ соқолига оқ оралаган бу одам — москвалик тужожор Матвей Калитиннинг ўғли Аким эди. Қиличхон уни бундан қирқ йил бурун Эроннинг Мозандаронида, Ҳазар денгизи бўйига кемада сузиб келган пайтда кўрган эди. Ушанда Ҳумоюн Матвейнинг Московиядан Аграга совға қилиб олиб борган самур пўстини ва қарчиғайга жавобан ёқут инъом этгани Қиличхоннинг ёдида бор эди. Энг муҳими — Аким Матвеевич Адан орқали ўтиб келаётганда Гулбадан бегимнинг тақдирдан хабар топган ва сўнги янгиликларни эшитиб келган эди.

Қиличхон бунинг ҳаммасини айтганда Акбар узоқ юртдан келган меҳмонга қизиқиб пешвоз чиқди. Аким Матвеевич бошидан картузини олиб унга таъзим қилди-да:

— Газрати алийлари! — деб сўз бошлади. У туркий тилни Қозонда ўрганган ва булғор татарларини эслатадиган талаффуз билан сўзлар эди: — Сизнинг буюк қудратингизга турк султони ҳам тан бермишдир. Юборган элчингизни бик яхши қабул қилган. Адан ҳоқимига қарши аскар юбориб, Гулбадан бегимни асирликдан бўшатувга мажбур итган. Мен Аданга келганда, барча эл-улус шул тўғрида сўзлаб юрурлар экан. Бегимнинг улуғ оғалари Мирзо Ҳумоюнни мен Ҳазар бўйида курганим ёдимга тушди. Буюк падарингиз менинг отамга зўр бир ёқут берган эди. Раҳматлик отам ул ёқутни менга мерос қилиб қолдирган. Мен ҳалигача бу ёқутни қалбим ёнида асраб юрурмен.

Аким Матвеевич қўйнига қўл солиб, юмалоқ чарм ҳамёнчани олди-да, ичини очди. Тўқ қизил ёқут Акбарнинг кўзига чўғдай ялтираб кўринди. Унинг ўзи ҳам отаси ёзиб берган тўрт сатр шеърини тилакни ҳалигача тумор қилиб кийими ичидан осиб юрар эди. Кўкрагининг чап томонини пайпаслаб, туморчанинг салқин ипаги баданига текканини ҳис қилганда, олис юртлардан ҳам аммасининг, ҳам отасининг хабарини одиб келган Аким Калитин кўзига жуда иссиқ кўринди.

— Хушхабар келтирганингиз учун сизга ташақкур, жаноби Аким. Аданда Гулбадан бегимнинг одамларидан кимни кўрдингиз?

— Аҳмад Бухорийни кўрдим. У билан ҳам қирқ йил бурун Ҳазар денгизи бўйида танишган эдик. Аҳмад Бухорий кексайиб, мўйсафид бўлиб қолибдир.

— Мен уни аммамга қўшиб юборган эдим. Ҳозир аҳволлари нечук экан? Саломатликларини сўрадингизми?

¹ Тасвирхона — мусаввирлар даргоҳи.

— Турк султони Адан ҳокимиға фармон бериб, бегимни хушҳаво бир кўшкка ўтказибдилар. Соғлиқлари яхши экан. Фақат «Тезров» деган кемалари етти ой қаровсиз ётгани учун ичидаги нарсаларни талаб, баъзи жойларини бузган эканлар. Ҳозир сиз юборган одамлар Аҳмад Бухорий бошчилигида кемани тузатмоқдалар. Бир ойларда тузатиб, Ҳиндистон томонга йўл олмоқчилар.

— Хайрият! — деди Акбар энгил бир сўлиш олиб.

Аким Матвеевич орқага ўгирилиб қаради. Унинг хизматкор йигити ипак матога ўралган катта бир китобни икки қўллаб тутиб турар эди.

— Газрати олийлари! Сиз барча халқларнинг китобларига эҳтиром кўрсатганингизни биз ҳам эшитдик. Улуғ бобонгиз Бобуршоҳ бошлаган нек ишларни сиз давом этдираётганингиздан беҳад шодмиз. Бобур бобонгиз мамлакатларимиз тарихида биринчи бўлиб Москвага элчи юборгани икки томон учун ҳам жуда хайрли иш бўлмишдир. Бобонгизнинг элчиси уч йил Россиянинг Муром шаҳри яқинида истиқомат этган эди. Мен ҳам муромликмен. Бизнинг яқинимизда сунгги қирқ йил ичида Бобурино деган қишлоқ пайдо бўлди. Бобурин деган номлар ҳам бор. Халқ орасида яшадан тарқаганки, ҳинд шоҳи Бобурнинг авлодлари Муром атрофларига келиб йишаган.¹ Улуғ адиб бўлган бобонгизнинг ҳурмати учун биз сизга Россиядан китоб совға қилиб келтирдик.

Аким Матвеевич китобни хизматкор йигитдан олди-да, Акбарга тутди. Акбар китобнинг устидаги оқ ипак пардани кўтариб муқовасига қаради. Четлари зарҳал қилинган қалин чарм муқова хатида нотаниш олтин ёзув кўринди.

— Бу — лотин хатида? — сўради Акбар.

— Йўқ, бу рус хатидир. Бундан беш юз йил муқаддам Кирилл билан Мефодий номли улуғ ватандошларимиз шу алифбони кашф қилмишлар.

Беш асрдан бери ўз алифбосида иш олиб борадиган халқнинг китоби Акбарга энди жуда қизиқарли кўринди.

— Бу китобнинг номи недур?

— «Апостол». Исо пайғамбарнинг энг ишонган ўн икки ёр-дўсти, халифаси бўлган. Шулар бизда апостол деб эъзозланур. Сизлардаги чорёрлар каби.

— Ундоқ бўлса, бу табаррук китоб экан! — деб, Акбар совғани эъзозлаб кўзига сурди. Сўнг уни очиб кўрмоқчи бўлди, лекин муқова тезда очилмади.

Заргарона дид билан зийнатланган китобнинг олд томонида қутича каби қулфлаб қўйиладиган жойи бор эди. Аким Матвеевич жажжигина олтин қулфни очиб берди. Акбар аъло навли ипак қоғозга катта-катта ҳарфлар билан битилган матнларни кўздан кечирар экан, Аким Матвеевичга маъносини таржима қилдириб қулоқ солди.

«Мне отмение и аз воздам», деган жумлани Аким Матвеевич:

— Ҳар кимга қилмишига яраша қасос қайтаргумдир, — деб таржима қилди.

Акбар худди шундай жумлани фарангилар олиб келган «Инжил»да ҳам учратганини эслади-ю:

— Ажабо, «алқасосул минал ҳақ» қабилдаги ҳикмат сизларда ҳам бор экан-ку! — деб қўйди. — Сизлар «Инжил»ни ўз тилларингизга қачон таржима қилгансизлар?

— Олти юз йилдан ошди. Киев Руси даврида таржима бўла бошлаган.

— Ивритчаданми?

— Йўқ, ҳазратим, биз насора динини византиялик юнонлар орқали қабул қилганмиз. «Инжил» бизда юнончадан таржима бўлган, деб эшитганман. Биз ҳам юнонлар каби насора динининг энг қадимги православ мазҳабидамиз.

— Фарангилар-чи?

— Улар католиклар. Ислоҳ динининг шиа мазҳабиға ўхшаб, кейин ажралиб чиққанлар.

Акбар китобни варақлаётганда ҳар бобнинг бош ҳарфларига махсус расмлар ишланганини кўрди, бироқ матнлар қўлда кўчирилганга ўхшамаслигини сезиб, таажжубланди. Шунда Аким Матвеевич ўзи келтирган китобнинг босмахонада қандай чоп этилганини айтиб берди.

Китоб чоп этиш ҳали шарқ мамлакатларига етиб келмаган, Акбар бунинг нималигини билмас эди. Аким Матвеевич унга Иван Федоров деган кишининг Москвада биринчи бўлиб мелодий 1563 йилда очган босмахонаси ҳақида сўзлаб берди. Маъдандан қўйилган ҳарфлар бир марта терилгандан сўнг китобни зудликда ўнлаб нусха босиб чиқариш мумкинлиги Акбарга жуда катта янгилик бўлиб туюлди.

— Аммо бизда ҳам янгиликдан жони чиқадиган руҳонийлар бор, — деди Аким Матвеевич. — Иван Федоров Москвада биттагина китобни чоп этишга улгурди. Кейин руҳонийлар уни даҳрий, «антихрист» деб айбладилар. Федоровнинг босмахонаси ёғоч уйга ўрнатилган экан. Жоҳиллар бу уйга ўт қўйиб, ҳаммасини куйдириб юбордилар. Иван Федоров Москвадан қочиб, чет бир вилоятга боради-ю, мана бу «Азбука»ни чоп этади.

¹ Аслида бу — Бобур юборган элчининг халқ хотирасида ўзгарган ва бойиган ҳолда сақланиб қолганлигини кўрсатувчи ривоятдир. Бибурийский хутор, Бабурино деган жойлар ва Бабурий деган исмлар улуғ рус ёзувчиси И. С. Тургенев яшаган даврда ҳам бўлган. Шу сабабли И. С. Тургенев ўзининг «Пунин ва Бабурий» деган повестида Парамон Семенович Бабурийнинг ҳинд шоҳи Бобурдан келиб чиққанлиги ҳақидаги ривоятдан фойдаланади.

— Подшоларингиз ким?

— Подшомиз Иван Грозний Қозон, Астрахан хонликларини забт этиш билан банд эди. Кейинчалик унинг рухсати билан Федоровнинг босмахонасида кўпроқ диний китоблар чоп этиладиган бўлди.

Акбар Иван Грознийнинг Қозон ва Аштархон хонликларини қандай забт этганини Аграга келиб кетган Эрон элчисидан эшитган эди.

— Жаноб Аким, биз ҳам бегуноҳ фаришталар эмасмиз, шафқатсиз урушлар қилиб, беҳуда қонлар тўккан пайтларимиз бўлган. Лекин ҳозир шундай хулосага келдикки, қилич билан одамларнинг дилини яралаб эришилган ғалаба бебақо экан. Ундан кўра одамларнинг қалбига яхшилик билан йўл топиб эришилган ғалабанинг умри узоқ бўлув экан.

— Сиз менинг дилимдаги гапни айтдингиз, ҳазрати олийлари. Қонни қон билан ювиб бўлмағай. Тождорлар қилган шафқатсизликлар учун халқлар айбдор эмас. Қозонда менинг дўстларим бор. Россиянинг виждонли кишилари Иван Грознийнинг аёвсиз ишларини афсусланиб тилга олурлар. Чунки у жаҳл устида ҳатто ўзининг катта ўғлини темир ҳасса билан уриб ўлдириб қўйган. Лекин унинг тарихга кирган яхшиликлари ҳам бор: тарқоқ ўлкаларни Москва атрофига бирлаштириб, улкан давлат тузди. Яна бир неки иши — Москвада, биз Кремль деб атайдиган улуғ қизил қалъа ёнида Қозон фатҳига бағишланган муҳтарам бир обида — собор қурдирди.

Орқада турган хизматкор йигит Аким Матвеевичнинг ишораси билан чўзинчоқ ёғоч сандиқчани олиб келди. Урол тоғларининг ранг-баранг тошлари билан зеб берилган бу сандиқча ичида рангдор суратлар бор эди. Акбар Москвада Кремлнинг деворларини, куббаларига яхлит олтин қопланган балеанд кўнғироқхоналарини шу суратларда кўрди. У соборнинг тасвири чизилган расмни қўлга олиб қараётганда:

— Эътибор беринг, ҳазрати олийлари, — деди Аким Матвеевич. — Рус меъморлари Қозоннинг ўзига хос қиёфасини бу обидада эҳтиром билан ифодалашга интилганлар. Собор тепасидаги баъзи куббаларнинг тарам-тарамлари менга муслим салласининг ўрамларини эслатув.

— Гапингиз асосли, жаноб Калитин, мен ҳам бу обидада миллий адоват эмас, аксинча, турли имону эътиқодларга ҳурмат ифодасини кўрмоқдамен. Эл-улуслар орасидаги ўзаро эҳтиром ўчоқда сақланадиган чўғ каби ҳамиша бордир. Фозил кишилар шу чўғни кул орасидан излаб топиб, унинг ёрдамида катта гулханлар ёқмоғи мумкин. Биз ҳозир Одам Ато фарзандларини ана шундай маънавий гулхан атрофига тўплаш ҳаракатидамиз.

— Биз ҳам шу гулхан ёруғини узоқдан кўриб келдик!

— Қадамингиз қутлуғ бўлсин! Подшоларингизда Ҳиндистондай узоқ мамлакатларга элчи юборишга ҳозирча имкон бўлмаса... майли. Лекин элчилар ишини яхши китоблару сиз каби жасур сайёҳлар ҳам қилмоғи мумкин.

Акбар китобдорни қақиртирди ва «Бобурнома»нинг янги кўчирилган бир нусхасини олиб келишни буюрди. Уни Аким Матвеевичга берар экан:

— Сиз бизни Московиядан йўқлаб келганингизнинг ўзи катта бир қадрдонликдир, жаноб Аким! — деди. — Ҳазрат бобомиз мамлакатларимиз орасида шундай қадрдонлик бўлишини истаб элчи юборган эканлар. Руслар — қадршунос эл эканки, бобомизнинг бу хайрли ишини унутмасдан, номини ўз одамларига қўймишлар, қишлоқларини Бабурино деб атабдирлар. Бу таҳсинга сазовор фазилатдир. Сиз туркий тилни билар экансиз. Шунинг учун «Бобурнома»нинг асл туркийча нусхасини сизга инъом этгаймиз! Аким Матвеевич зарҳал китобни олиб, эъзолаб кўзига сурди-ю:

— Мен бу китобнинг шухратини бутун мамлакатимизга ёйгаймен, — деди. — Ватандошимиз Афанасий Никитин юз йил бурун биз учун Ҳиндистонни очган эди. Унинг «Уч денгиздан нарига саёҳат» номли китобида бизнинг Ҳиндистонга бўлган беғараз қизиқишимиз, самимий эҳтиромимиз ифода этилмишдир. Биз баъзи фарангиларга ўхшаб, Ҳиндистон атрофидаги денгизларга ҳўжайинлик қилмағаймиз, оролларни босиб олмоқчи эмасмиз, фақат холис ният билан ҳамкорлик қилишни истаймиз.

— Сиз фаранги тилларини ҳам билсангиз керак?

— Ҳа, билурмен. Денгиздан португал кемасида ўтиб келдим. Шунда уларнинг ўзаро гапларидан тушундимки, Аданда ҳазрат аммангизни сизга қарши кўзғатмоқчи бўлган кучлар орасида португаллар ҳам бор экан. Улар зимдан ёмонлик қилишда беҳад катта тажриба ортирмишлар. Беғараз хайрихоҳингиз сифатида айтиб ўтмоқчимен. Улар сизни ўз динларига ўтказиб, кейин бутун Ҳиндистонни мустамлака қилиш орзусидалар.

Акбар истеҳзоли кулди:

— Ушалмайдиган орзу! Мен барча имону эътиқодларни баробар кўрганим учун падреларга пойтахтдан жой бердим.

— Албатта, португаллар орасида адолатпарвар ҳалол одамлар ҳам бор. Лекин мен уларнинг шафқатсиз кулфурушларини ҳам кўрдим. Улар Оврупанинг кул бозорларига бечора қора танлиларни Африкадан кемаларга босиб бориб, олтинга сотмоқдалар. Сиз Ҳиндистонда кул бозорларини бекитдириб олижаноба иш қилибсиз. Қулларни озод этибсиз. Аммо фарангилар янги кашф этилган Америка қитъасида ҳам кул бозорлари

очмишлар, ҳабашистонлик юз минглаб қора танлиларни кемаларда Америкага элиб, қул қилиб сотибдирлар. Шу йўл билан беҳисоб кўп бойлик ортдирибдирлар.

— Инсонфурушлик билан ортдирилган бойлик дунёдаги энг ҳаром бойликдир! — деди Акбар нафрат билан. — Мен билурмен, биз бўш келсак ҳиндларни ҳам «қора танли» дейишиб, кемаларга босиб кетиб, қул қилиб сотишга тайёр фарангилар бор. Аммо биз тирик эканмиз, улар бу шум ниятларига етолмагилар!

Гап орасида Акбар меҳмонга бир савол берди:

— Сиз бизнинг ҳинд тужжорларини қаерларда кўрдингиз, жаноб Аким?

— Мен уларни Ҳазар денгизининг шимолидаги Астраханда кўрдим. Уша шаҳарда улар дўкон очмишлар. Карвонсарой ёнида махсус уй ҳам қурмишлар.

— Аштархонда уларни яна кўрсангиз айтиб, китоб чоп қиладиган дастгоҳдан олиб келсинлар. Қанча харажати бўлса, биз кўтаргаймиз.

— Бажонидил айтгаймен!

— Биздан не тилагингиз бор, меҳмон?

Аким Матвеевич бир ўйланиб олди. Жузга ва тамға солиқларининг бекор қилингани, барча насораларнинг ҳуқуқлари муслимларники билан тенглаштирилгани Аким Матвеевич каби ажнабий сайёҳларга жуда катта енгиллик бермоқда эди. Калитин ўзи учун ҳеч нарса сўрамоқчи эмас, фақат шу ерда учратган бир ватандошининг мушкулоти-ни осон қилгиси келар эди.

Парамон деган киши ёшлигида Эдил дарёси бўйларида Қрим хонлари билан бўлган жангда яраланиб, асир тушгандан сўнг уни қул қилиб сотган эканлар. Фалакнинг гардиши билан Ҳиндистонга келган бу одам ўзига ўхшаган насора аёлга уйланиб, иккита фарзанд кўрган экан. Касби иморатсоз уста. Акбарнинг янги пойтахтини қуришга ўн етти йил меҳнати сингган. Лекин ҳали ҳам она тилини унутмаган экан. Аким Калитин у билан русча гаплашганда кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди. «Бирга олиб кетинглар, бирорусча қолган умримни Ватанимда ўтказай!» деб ялинди. Аммо сарқори унга жавоб бермади. Чунки ўғли ҳам ганчқор уста экан. «Бундай катта усталарга ҳазратим ўзлари жавоб бермасалар, менинг ҳаққим йўқ!» деб туриб олди.

Акбар бу гапни эшитиб, Қиличхонга юзланди ва гап қайси уста ҳақида бораётганини сўради.

— Уста Пармон бўлса керак, — деди Қиличхон, — ўзи ҳозир ташқарида қабулингизни кутиб турган эди.

Акбар мири тузукка уста Пармонни чақиритишни буюрди. Ҳиндистон офтобида юзлари қорайиб кетган эллик ёшлардаги куккўзли миқти одам эшикдан таъзим қилиб кирди:

— Менинг асли отим Парамон, ҳазрати олийлари! Ўзим Волга бўйларида ўсганмен. Мени қул қилиб сотган эдилар, сизга раҳмат, озод қилдингиз, биз ҳам ҳинд усталари қатори ўз уйимизда эркин турибмиз, яхши маош олмақдамиз. Энг катта орзу-йим — Ватанимга қайтиш эди. Ахир бизни ватандан зўравонлик билан жудо қилган эдилар! Ижозат берсангиз, оилам, ўғлим билан энди Россияга қайтсам...

— Аммо биз сиздек яхши усталарни қайдан топурмиз?

— Ҳазрати олийлари, йигирма йилда тўққизта шогирд етиштирдим, ҳеч бири иморатсозликда мандан қолишмагай!

Акбар Абулфазлни чақиртирди:

— Жаноб вазир, фармон битинг: уста Пармоннинг оиласи билан бирга ватанига қайтиб кетишига рухсат берилсин. Янги пойтахтни қуришда ўғли билан қилган кўп йиллик меҳнати учун унинг ватанига етиб боргунича кетадиган йўл харажатлари хазинадан тўлансин.

— Бош устига, ҳазратим! — деб Абулфазл бу фармонни дарҳол бажариш учун орқаси билан юриб чиқиб кетди.

Уста Пармоннинг қувончи ичига сиғмай, ёнидаги Аким Матвеевични кучоқлаб ўпа бошлади...

Уша кунлари Антони Монсеррате ва Рудольф Ақвавива Гоага қайтиб кетиш ҳаракатида юрган эди. Акбар Аким Калитин ва уста Пармонни падрелар билан бир карвонга қўшиб жўнатди. Гоа оролида Калитинлар Португалия кемасига тушиб Европага йўл олдилар¹. Падрелар эса оролда қолишди.

* * *

Акбар ҳам, ўғиллари ҳам католик динига ўтмаганлиги Гоадаги португал маъмурларини жуда кўнгилсизлантирди. Улар Монсеррате ва Ақвавиванинг Акбар давлатида олиб борган уч йиллик ишларини «муваффақиятсиз миссия» деб баҳоладилар. Фақат падрелар келтирган ҳарбий маълумотлар фойдали деб топилди. Айниқса, Алберт Пе-

¹ Акбар фармони билан асоратдан қутқарилган бир рус оиласи Португалия миссионерлари ҳамроҳлигида Ҳиндистондан жўнаб кетганини инглиз олими В. Смит «Акбар» номли китобида қайд этган.

рейронинг Алибек деган туркийча ном билан шаҳзода Салим мулозимлари орасига ишга олинганлиги ва Фатҳпурда қолганлиги Гоа ҳокимини мамнун қилди. Чунки Акбар саройида Алберт Перейродай тадбиркор хуфянинг иш олиб бориши португаллар учун жуда зарур эди. Гоа ҳокими Перейро билан алоқа боғлаш учун савдогар қиёфасидаги махсус одамни Гоадан Фатҳпурга жўнатар экан:

— Сеньёр Албертга айтинг, қайтиб келганда биз уни генерал унвонига тақдим этмоқчимиз, — деб ваъда берди. — Кемасозликка оид эски китоблардан унга кўпроқ олиб бориб беринг. Акбар билан унинг ўғлига бизнинг тажрибамизни истеъмолдан қолган эски кемалар асосида ўргатсин. Афғон Юсуфзоилари билан алоқани узмасин. Алберт уларнинг қўзғалончи пирлари — равшанийларни билади. Кобул юришига борганда Пешоварда улар билан танишган. Равшанийлар Ҳайбар довони этагида Акбарга қарши исён кўтарганлар. Аммо равшанийларнинг пешвоси шайх Жалолиддинни Акбар Фатҳпурда ҳибсда сақламоқда эмиш. Равшанийлар бу шайхни ҳибсдан бўшатиш ҳаракатида эмишлар. Сиз Фатҳпурга борган заҳотингиз равшанийлар пири шайх Жалолиддинни ҳибсдан қочирмоқнинг йўлини изланг. Бу пир қочиб чиқса, равшанийлар исёни янада авжланиб, Ҳайбар довони бекилиб қолгай. Бизга худди шу керак! Акбарнинг кучлари шимолий чегаралар ташвишидан бўшамасин!

Гоа ҳокимининг бу фикри Рудольф Ақвавиванинг кўнглидаги гап эди:

— Сиз мутлақо ҳақсиз, сеньёр вице қирол! — деди Ақвавива. — Биз уч йил Акбар саройида юриб шунга амин бўлдикки, ҳатто турк султони Мурод Акбарнинг ҳурмати учун Аданда асира бўлиб қолган Гулбадан бегимни қутқаришга ёрдам берибдир.

— Бу бегим Фатҳпурга қайтиб боргани ростми?

— Ҳа, уни тантана билан кутиб олдилар. Энди турк султони денгиз кемалари қура-диган усталарини ҳам Акбар ҳузурига юбормоқчи эмиш. Турк ҳарбий флоти ҳозир Ўрта Ер денгизида ҳукмрон, бизга у ёқларда кун йўқ. Шундай зўр флот Ҳинд уммонида ҳам пайдо бўлса, Гоа билан хайрлашишга тўғри келгай!

— Йўқ, бунга йўл бермаслик керак! — деди Гоа ҳокими ва Фатҳпурга жўнаётган савдогар-хуфяга уқтирди: — Шайх Жалолиддин тезроқ ҳибсдан қочирилмоғи шарт! Ғайридин Ман Синх Кобулда ўз ражпутлари билан ҳукмрон бўлиб тургани муслим афғонларнинг иззат-нафсига тегмоқда. Биз сув йўли орқали Пешоварга махсус одамлар, қурол-яроғлар юборгаймиз. Ҳинд-муслим низоларини аланга олдирмоғимиз зарур! Шунини Перейрога яхшилаб тушунтиринг!

Алберт Перейро Фатҳпурда мана шу кўрсатмалар асосида шайх Жалолиддинни ҳибсдан қочиришга муваффақ бўлган пайтда Гоанинг католик черкови Антони Монсерратени Арабистон ва Туркияга махфий топшириқлар билан жўнатди. Бироқ турк султони Акбардан кўра шафқатсизроқ эди. Монсеррате муслимлар орасида насора динини тарғиб қилганлиги учун Синан деган жойда қамоққа олинди ва етти йил ҳибсда ётди. У қамоқдан қутулиб Гоага қайтганда, Рудольф Ақвавива аллақачон оламдан ўтган эди.

Маълум бўлишича, Рудольф муқаддас мартирлик унвонини оқлаш учун Гоа яқинидаги ҳинд қишлоқларида қатъий ҳаракатлар қилади. У иезуитлар ғояси учун ўзини шайхид қилишга кўпдан тайёрланиб юрганини, мартирлик унвони шунини тақозо қилишини Монсеррате биларди. Уттиз уч ёшли. Рудольф Салсет қишлоғида бир эски ибодатхонани католик черковига айлантирмоқчи бўлади. Тўртта бақувват португал йигитни ишга солиб, ибодатхонадаги мажусий ҳайкаллар ўрнига салиб ўрнатдираётган пайтда ерли аҳоли бирдан исён кўтаради-ю, Рудольфни ҳам, унинг тўрт йигитини ҳам уриб улдиради.

* * *

Акбар ҳафтада бир марта кутубхонага келиб, қалам аҳлини хонайи хосга йиғади-да, энг яхши таржималардан намуналар ўқитади. Улуғ ҳинд дostonлари «Рамаяна» ва «Махабхарата» гоҳ Фирдавсий «Шоҳнома»сини, гоҳ Навоий «Хамса»сини эслатувчи улуғвор аруз вазнида жаранглар экан, Акбар ўз қаршисида ўтирган мавлоноларга мароқ билан қараб кўяди. Бу давра «Хамса»даги чин шаҳзодаси Фарҳод, юнон файласуфи Арасту, эронлик Шопур, арабистонлик Қайс каби турли халқ вакилларининг Навоий қалбида бир-бирига яқин қадрдонларга айланганини эслатмайдими? Акбар шу саволга жавоб излаб, қаршисида ўтирган Абулфазлга, рожа Бирбалга, Азиз Кўкага, Тодар Малга, Абдурахим хони хононга, Бадавнийга бир-бир кўз ташлаб чиқди.

— Ажаб! — деб сўз бошлади. — Биримизнинг аждодимиз араб, биримизники ҳинд... Биримиз — афғон, биримиз туркий улусданмиз. Диний адоватлар туфайли «Рамаяна»дай улуғ дoston минг йиллардан буён кўшни тилларнинг бирортасига таржима этилмабдир. Ҳолбуки, барчамизга баробар бўлган умум бир тил топиш мумкин экан-ку! Рожа Тодор Малга балли, бутун давлат ишларини форсий тилда олиб боришга Аграни ҳам, Панжобни ҳам, Банголани ҳам кўндирди.

Рожа Бирбал луқма ташлади:

— Ҳазратим, кўнмаганларни Тодар Мал қандай далил билан кўндирганини эшитганмисиз?

— Йўқ. Қани, эшитайлик?

— Тодар Мал уларга сизни ибрат қилиб кўрсатмишдир. «Сен уйингда панжобча сўзласанг, подшомиз туркийча сўзлашурлар. Лекин давлат идорасида икки томонга ҳам баробар форсий тилда иш олиб боришга подшо кўнса-ю, сен кўнмасанг, ўзингни ҳазратдан баланд олган бўлмайсанми?» деган. Қани, бу далилдан ҳайиқмай кўрсин!

Шўх оҳангда айтилган бу гапдан кўпчилик бир кулиб олди. Акбар ҳам кулиб туриб, деди:

— Ҳар қалай, кўп тил билмоқ фозиллик аломатидир. Буни бизнинг тутунган фарзандимиз Абдурахимнинг шўхрати ҳам кўрсатиб турибдир. Абдурахим отаси Байрамхон каби ҳазрат Навоидан ибрат олиб чиройли туркий шеърлар ёзди. Яна форсчада, арабчада битган шеърлари ҳам машҳур бўлди. Сўнги йилларда Абдурахимнинг ҳинд тилида ёзган дохалари¹ одамлар орасида мақол янглик айтиб юрилганига, мана, биз гувоҳмиз. Турли имону эътиқодларни тенг кўришнинг энг яхши самараси шу эмасми?

Акбар тўсатдан Абдуқодир Бадавнийга мурожаат қилди:

— Мавлоно, бир вақтлар сиз «Рамаёна» билан «Махабхарата»ни «имонсиз китоблар» деб камситган эдингиз. Энди бу асарларни таржима қилиш давомида фикрингиз ўзгарган бўлса керак? Шундай улўф дostonлар яратган халқнинг имони кучли, руҳи қудратли эканини сезгандирсиз?

Бадавнийнинг ранги кўрқувдан оқарди. Наҳотки Акбар унинг яширин ёзувларидан хабар топган бўлса? Бадавний қўл қовуштириб ўрнидан турди:

— Ҳазратим, фақир нонимни ҳалол қилиб ейиш учун жон-жаҳдим билан таржима қилмоқдамен. «Рамаёна» билан «Махабхарата»ни форсийча арузда ёзганим сари бу дostonларнинг шеърий қудрати мени сеҳрлаб олаётгани рост. Ҳатто ҳиндларнинг имону эътиқоди дилимга йўл топиб келгандек бўлур. Исломга хиёнат қилган каби сесканиб кетурмен!

— Агар барча эътиқодларни баробар билганингизда, бундай сесканмас эдингиз. Назаримда, сулҳи кулл ҳали дилингизда қарор топган эмас.

— Ҳазратим, фақир сулҳи куллни тан олганим учун ҳинд дostonларини таржима этмоқдамен-ку! Наҳотки, фақирни ҳамон бегоналар қаторига кўшсангиз?!

— Биз эмас, ўзингиз ўзингизни бегона кўрсатмоқдасиз...

Бадавний яна хавотирга тушди:

— Мени афў этинг, фақир қачон ўзимни бегона кўрсатибмен?..

— Мана, ҳозир ҳам... — Акбар даврадагиларни бир-бир кўрсатди. — Ҳеч ким соқол кўйган эмас. Фақат сиз биздан норози шайху имомлар каби узун соқол кўйиб юрибсиз!

Чиндан, Акбарнинг ўзи соқол кўйган эмас, фақат мўйлови бор. Абулфазл ҳам, Бирбал ҳам, янги эътиқод тарафдори бўлган бошқа кишилар ҳам илгариги узун соқолларини олдириб ташлаганлар, фақат мўйловларини қолдирганлар. Ҳозир Акбар тарафдорларини шундан ҳам таниб олиш мумкин. Лекин эски мусулмончилик тарафдори бўлганлар соқолни «мўйи муборак» деб улуғлашар, «уни олдирганлар даҳрийлар йўлига киргай» деб таҳдид қилишарди. Бадавний шу таҳдиддан кўрққани учун оқ оралаган чиройли соқолини ҳалигача олдирмай юрар эди. Бироқ ҳозир Акбар уни бегоналар қаторига кўшгани нариги таҳдиддан хатарлироқ туюлди. Кечалари яширинча ёзаётган асари ва унда Акбарнинг айбини фош этаётгани ёдига тушди. Подшонинг хуфялари бор. Агар уларга буюрилса, Бадавнийнинг уйини яшириқча тинтишади ва маҳфий ёзувларни қўлга туширишлари ҳеч гап эмас. Кейин Бадавнийнинг барча орзу-умидлари пучга чиқади! Ундан кўра Бадавний ҳам Акбарга ўзини содиқ кўрсатиб, соқолини олдириб ташлай қолгани афзал эмасми? Яхши кунлар келганда яна соқол кўйиши мумкин-ку!

Шу фикр билан Бадавний келгуси ҳафта Акбар кутубхонага келадиган пайтгача соқолини олдириб, унинг содиқ тарафдорлари қиёфасига кирди. Акбар кулимсираб:

— Жасорат кўргазибсиз, мавлоно! — деди ва сармунши Нақибхонга буюрди:— Ҳижрий минг йиллика² атаб тайёрланаётган «Тарихи алфа» дан бир бобини ёзиш мавлоно Бадавнийга топширилсин!

«Тарихи алфа» — минг йилнинг тарихи деган маънони билдирарди. Шу минг йилдан икки асрлик давр тарихини ёзиш Бадавнийга топширилди ва бу ишга яраша дурустгина машоҳ ҳам белгиланди. Бадавний бундан жуда мамнун бўлди-ю, лекин соқол олдиригани тўфайли илгариги маслақдош дўстларидан кўп таъналар эшитди. Исломга садоқат сақлаб соқолини олдирмай юрган шайхлар Бадавнийни сотқин ҳисоблаб, ундан ўзларини олиб қочадиган бўлдилар. Бадавний эса ойнага қарагиси келмай қолди. Чунки илгариги бўлиқ соқоли учи ингичка хунук иягини бекитиб, уни ўзига ҳам салобатли кўрсатарди. Ҳозир ойнага қараса, юзи сичқонниқидай фариштасиз туюлиб, таъбини тирриқ қилади. Бунинг устига Бадавний кутубхонада ўтириб таржима қилаётган ҳинд дostonининг ғайридинларга хос таъсири уни даҳрий қилиб кўяётгандай бўлади. У худонинг ғазабидан кўрқади, дилини гуноҳлардан поклаш учун кечкурун уйга қайтганда яхшилаб таҳорат

¹ Доха — икки сатрли қисқа шеър.

² Ҳижрий минг йиллик милодий 1592 йилда киради.

қилади, номоз ўқийди, сўнг қуръон сураларидан дилига яқин туюлганларини тоза оқ қоғозга хаттотларча чиройли ҳарфлар билан кўчиришга тушади.

Абдуқодир Бадавний ўзини яна имони бут муслимдек ҳис қила бошлагандан кейингина Акбар ҳақидаги яширин асарини ёзишга ўтади.

Акбарга қарши исён кўтаргани учун Гангага чўктириб юборилган қозикалон Муҳаммад Яздийни Бадавний «шаҳид» деб улуғлайди. Акбар ўзининг ўн тўрт рупийлик олтин ашрафий тангасига калимайи шаҳодатни ёздирмаганини «исломга хиёнат» деб қоралайди. Шайхлар ғалаёни бостирилганда, бу ғалаёнга қатнашган имомлар жазодан қўриқиб қочган, баъзи масжидлар ҳувиллаб, бўшаб қолган, уларнинг айримларини ҳарбий қоровуллар эгаллаган эди. Бадавний шуни назарда тутиб, «Акбар масжидларни қоровулхонага айлантирмоқда, омборхона қилиб қўймоқда», деб куйнади.

Айниқса, Акбарнинг қамарий йил ҳисобидан шамсий ҳисобга ўтиш ҳақида чиқарган фармони Абдуқодир Бадавнийни қаттиқ норози қилади. Муқаддас рамазон ойи наҳотки унутилса? Ражаб, Муҳаррам... одамлар болаларига исм қилиб қўядиган бу номлар Бадавнийнинг қулоғига беҳад сеҳрли эшитилади.

Бироқ ой тўлишига қараб ҳисобланадиган қамарий ойлар шамсий ойлардан қисқароқ, шунинг учун ҳар йили ўн-ўн бир кун ортиб қолади. Қамарий ойлар ҳам ўн-ўн бир кундан сурила-сурила, рўза гоҳ қишда, гоҳ ёзда келади. Акбар кузда туғилган бўлса ҳам, қамарий ойлар сурилиб юргани учун ўз туғилган кунини гоҳ баҳорда, гоҳ ёзда нишонлашга мажбур; йил фаслларининг аниқ ҳисобини олиб иш кўрадиган деҳқонлар, қосиблар, бошқа хунар эгалари учун ҳам мудом кўчиб юрадиган қамарий ойлар кўп ноқулайликлар келтиради. Шунинг учун халқ орасида азалдан бор бўлган шамсий ҳисоб (ҳар йили аниқ бир вақтда келадиган наврўз, саратон, мезон) меҳнат аҳли орасида кўпроқ истеъмолда бўлади.

Бадавний учун эса шамсий ойлар ҳам, наврўз байрами ҳам оташпарастилик давридан қолган бидъат. У фақат ҳижрий йил ҳисобини муқаддас деб билади. Акбар шу келаётган ҳамал ойдан бошлаб бутун давлат ишларини шамсий ҳисобга ўтказиш ҳақида фармон чиқарганда Бадавнийга, «қофирона фармон» бўлиб қўринади.

Кундузлари Акбарнинг шаънига мақтовлар айтиб, «Махабхарата» ва «Рамаяна»ни таржима қилиб пул ишлайдиган бу одам кечалари эшик-деразани бекитиб, Акбарнинг худодан қайтганлигини исбот этувчи далилларни қоғоз юзига бирма-бир тизарди ва бисотида бор диний айбларни унга тақарди. Биладики, бу айблар Акбар ҳукмронлигининг илдизига уриладиган болтанинг ишини қилади. Чунки одамлар подшонинг диндан қайтганини билсалар, уни тахтдан туширишга ҳақли бўладилар. Шаҳзода Салим отасининг ислохотларига зимдан қарши эканини Бадавний эшитган. У ўз «Мунтаҳоби таворих»ини келажак авлод учун ёзмоқда. Бадавний Акбардан ёш, ҳали унинг даври тугайдиган кунни ҳам кўришига ишонади. Мана шу ишонч унинг қаламига куч, дилига мадад беради.

* * *

Акбар топшириғи билан худди шу давр ҳақида тарихий китоб ёзаётган Абулфазл эса бутунлай бошқа манбалардан руҳий мадад олади. У ўз ватани Ҳиндистонни севади. Бундан ўттиз — қирқ йил олдин ўзаро урушлар ва миллий низолардан абгор бўлиб заифлашиб қолган Ҳиндистон ҳозир дунёнинг энг қудратли давлатлари сафига кираётганидан қувонади. Акбарни ғарбдаги Англиядан тортиб шарқдаги Хитойгача ўнлаб мамлакатлар тан олиб, элчилар юбормоқда. Бу элчилар «Ҳозир дунёда иккита энг қудратли ва обрўли мамлакат бўлса, бири Ҳиндистондир!» деб айтганларини Абулфазл ҳар эшитганда, ифтихор туйғусидан қалби бир даража ўсади.

Ахир у ёшлиқдан ўз ватанининг мана шундай юксалишини орзу қилмаганмиди? Отаси билан бирга энг оғир кунларни кўрганда, қувғинлар, адолатсизликларни бошидан кечирганда халқ эртақларидаги каби одил бир раҳбарга эҳтиёж сезмаганмиди? Шу эҳтиёж туйғули маҳдийлар ҳаракатига қўшилган ва ҳиндларнинг бҳақти таълимотини дилига жо этмаганмиди? Саройда вазир бўлгандан бери ўша орзу-истакларини Акбар ёрдамида амалга оширишга интилаётгани шу боисдандир. Тўғри, Акбар ҳам ички-ташқи зиддиятлар исканжасидан қутулолмайди, осий банда сифатида катта гуноҳлар ва хатолар қилади, Абулфазл шуни билса ҳам, барибир Акбардан умидини узмайди.

Акбар ҳам ота-боболарига ўхшаб кам ухлар эди. Ярим тунда ётса ҳам, эрталаб тонг отар-отмас уйғонар, ўртача тўрт соат уйқу унга бир неча кундузга етар эди. Қолган вақти давлат иши-ю, бошқа минг хил заруратларга тақсим бўларди.

Кобул юришидан кейин ташвиш сал камайган бўлса ҳам, дарёдай тинимсиз оқаётган ҳаёт ўз йўлида янги-янги ўпқонларга дуч келар, улар Акбарга қўшиб Абулфазлни ҳам қутилмаган гирдоблар домига тортарди.

Ташқи оламда ана шундай хатарли гирдоблардан бири Пешовар ва Ҳайбар довони этакларида бош кўтарган равшанийлар исёни туйғули пайдо бўлди. Бу исённи шимолдан Абдуллахоннинг махфий одамлари қўллаб-қувватладилар. Гоа оролидаги фарангилар сув йўллари орқали Пешоварга қурол-яроқ етказиб бериб турдилар. Фатҳпур —

Секридаги Альберт — Алибек равшанийлар пешвоси шайх Жалолиддинни ҳибсдан қочирганини саройда ҳеч ким билмай қолди. Аммо бу шайх Пешоварга қайтиб бориб, Ҳайбар довоининг нари-берисидаги юсуфзайларни кўзғолон гирдобига тортгандан кейин равшанийлар исёни Бианадаги маҳдийлар кўзғолонига ўхшаб, катта бир халқ ҳаракатига айланди, унда минг-минглаб деҳқонлар, чўпонлар ҳам иштирок эта бошлади. Кобулда Ман Синҳ каби ражпутлар ҳоким бўлиб тургани учун шайхлар афғон қабила-ларининг миллий ғурурини кўзғатди. Улар мустақил давлат тузиш учун Ҳайбар дово-нини икки томонидан бекитиб олишди. Кобул марказий давлатдан бир йилча узилиб қарвон қатнови тўхтаб қолди. Турондаги Абдуллахон шу қулай пайтдан фойдаланиб, Бадахшонни ўз қаламравига ўтказди.

Акбар навбатдаги юришни Гоа оролидаги фарангиларга қарши қилмоқчи бўлиб, ўн беш минг қўшин тайёрлаган эди. Энди бу қўшинни шимолга буришга мажбур бўлди.

Барча ташқи-ички муҳолифларнинг энг кучли зарбалари шимолий ўлкаларга йўнал-тирилганини сезган Акбар пойтахтни ҳам Фатҳпур-Секридан Лахўрга кўчириш фикрига борди.

Пойтахтни кўчиришнинг яна бир сабаби — Фатҳпур-Секри дарёлардан узоқ, унинг ёнидаги кўл эса аҳоли кўпайган сари саёзлашиб, суви шўрланиб бормоқда эди. Фатҳ-пур-Секрида аҳолининг сони икки юзу эллик мингга етди. Бунча одам кўл сувини яна ўттиз-қирқ йилда ичиб тамом қилиб қўйиши мумкинлигини ҳисоблаб чиққан Абулфазл ҳам пойтахтни Лахўрга кўчириш фикрини қўллаб-қувватлади. Милодий 1585 йилдан Ла-хўр пойтахтга айланди.

Уша ердан Рожа Бирбал ва Зайниддин кўкалдош саркардалигидаги саккиз минг қўшин Ҳайбар довоини очиш ва Кобулдаги Ман Синҳ билан алоқани тиклаш учун юбо-рилди.

Ташқи оламда мушкулот кўпайганда ички муҳолифлар ҳам дадилланишини Абул-фазл шу кунларда аниқроқ ҳис қилди. Акбарнинг нохайрихоҳлари энди уни ўғли Салим ёрдамида йиқитиш умидида эканликларини қаттиқ сир тутар эдилар. Лекин гоҳи-гоҳида Фарид Бухорий Салимни «Шоҳнома» қаҳрамони Суҳробга қиёслаб мақтаганда, Алибек ва Абдуқодир Бадавнийлар бундан ўзларича теран маъно топиб, мамнун кўз уриштириб олар эдилар. Ҳеч кимдан енгилмаган Рустамни ўғли Суҳроб енгганлиги Абулфазлнинг ҳам эсига тушар эди-ю, «наҳотки булар Акбарни Салим йиқитишига шунчалик умид боғ-ласалар» деб изтиробга ботар эди. Бу мудҳиш ниятдан Салимнинг хабари бормикин? Ҳали у энди ўн бешга кирган ўсмир-ку.

Лекин Ҳиндистоннинг иссиқ иқлимида Салим тез балоғатга етмоқда эди. Алибек Перейро айтиб берган шаҳвоний ҳикоялар ва яшириқча кўрсатган беҳаё суратлар шоҳ-зоданинг тушларига кириб чиқади. Оппоқ баданлар сурати кечаси гоҳо тирик қизга айла-ниб, шаҳзоданинг қўйнига киради, унинг юраклари гурсиллаб уриб, уйғониб кетади. Кейинги пайтларда Алибек Салимга отасининг ҳарамиди қанақа гўзал қизлар борлиги-ни ҳам шивирлаб сўзлаб берар ва уни тезроқ уйланишга ундар эди.

Акбарнинг никоҳида Салима бегим, Рани Жодҳа Бай каби хотинлардан ташқари Истамбули бегим деган ҳуснда тенгсиз турк жувони ҳам бор. Яна у фарангистонлик Ма-рия деган сутга чайилгандай оппоқ бир гўзални мутъа никоҳига биноан олган, буни ҳам Салим яқинда Алибекдан эшитди. Акбар ўз ҳаётининг ўғилларига ибрат бўла олмайди-ган энг чигал қисми ҳарамда кечишини биларди. Шунинг учун ўғлини бундай ҳаётдан узоқроқ тутишга интиларди.

Салимнинг навқирон қорача юзи онаси Жодҳа Байнинг ёшлик пайтларини эслатар-ди. Акбар севиб уйланган бу жуфти ҳалолига қанча бевафоликлар қилди! Жодҳа Бай-нинг ўз муҳаббатига яраша вафо кутиб термилган ёшли кўзлари ҳар эсига тушганда, Акбарнинг дили бир эзилади. Бошқа хотинлари ҳам мудом унинг дийдорига зор. Муҳ-ташам уй жойлару зебу зийнатлар уларнинг кўзларига кўринмайди. Гулдай умрлари ҳар замонда бир келиб кетадиган эрнинг дастидан хазон бўлаётгани, айниқса, фарзанд кўрмай ўтаётган ёш хотинлари учун даҳшатли фожиа эканини Акбар уларнинг дил ёриб йиғлаб гапирган пайтларида билиб қолади... Рухий қийноқларга чидай олмай, ҳатто са-ройдан бош олиб кетгиси келади.

Бултур ярим тунда отаси ҳарамдан руҳан эзилиб чиқиб, ёлғиз ўзи Панжоб томонга йўл олганини ўғли Салим ҳам эшитган. Иккита кўриқчи йигити унга яқинлашишга журъат этолмай, кетидан эргашадилар. Қўрчибеги «бундай пайтда Акбарга сўзи ўтадиган яго-на одам», деб Рожа Бирбални уйғотди. Икковлари қоронғи тунда ҳамон пиёда кетаётган Акбарга яқин бориб, отдан тушдилар. Бирбал кўрқа-писа ёнига борганда:

— Мени ўз ҳолимга қўйинг! Кетинг! — деб Акбар уни ҳам жеркиб ташлади.

— Ҳазрати шаҳаншоҳ, ахир қоронғу тунда қайга бормоқчисиз?

— Мени тахтга чиқарган жойларига боргаймен. Подшоҳлигини қайтариб бериб, бу гуноҳлардан соқит бўлмоқчимен! Кетинг! Эргашманг!

«Хуши жойида эмас, Истамбули бегим ҳузурида кўпроқ ичиб қўйганми?» деб ўйла-ди Бирбал. Сўнг тонг отгунча Акбар билан қорама-қора браверди. Атроф ёришиб кет-гандан сўнг йўлда учраган одамлар уни таний бошлади, кун ёйилганда унинг атрофида одам кўпайиб кетди.

Акбар Панжобгача пиёда етолмаслигини энди фаҳмлагандай бўлди, от келтиришни буюрди. Бирбал ҳам отланиб, ўттиз милча йўлни бирга босиб ўтди, у ёқдан-бу ёқдан гапириб, ҳар хил ҳикоят, ривоят ва латифалар айтиб борди-да, ахири Акбарни жилмайишга мажбур қилди. Ҳовури сал босилгандан кейин Бирбал уни саройга қайтишга кўндирди.

Бу йил баҳорда Акбар яна ҳарамдаги руҳий қийноқлардан безиб, саройдан саҳар палла ёлғиз чиқди-да, Секрининг жанубидаги ўрмонларга кириб кетди. Икки кунгача туз тотмади, ҳеч кимни яқинига йўлатмади. Бу гал ҳатто онаси Ҳамида бегим билан ҳам гаплашгиси келмади. Унинг ҳарамга оид нозик ва чигал сирларини фақат Рожа Бирбал билар эди. Яна шу дўсти Акбарнинг олдига бориб, қувса ҳам кетмай, ахири уни дил ёриб сўзлашга мажбур қилди:

— Фаранги хотиним Мария йиғлаб айтдики, «Ҳатто қулларни озод қилибсиз, қул эмас чела деб аташни буюрибсиз, лекин ҳарамда сизни суядиган хотинларингизни нечун бунчалик қаттиқ тутмоқдасиз?» Шундай деб эшикни менга кўрсатди: «Буни фақат ташқаридан қулфлайдилар, қулф ичкаридан очилмайдиган қилиб ўрнатилмишдир! Яъни ҳарамдаги аёл ўз билигича остона ҳатлаб ташқарига чиқмасин, унинг ҳар бир қадами назорат остида бўлсин, деб шудай қилинмишдир!

— Бундай ҳарам туттиш русумини сиз ўйлаб чиқарибсизми, ҳазратим? Неча асрлардан бери давом этиб келаётган шохлик удуми шундай бўлса начора?

— Лекин шу шафқатсиз удумни йўқотиб бўлмагайми? Бечора Мария... бошқача ҳаётга ўрганган... Ёки унга жавоб берайми?

— Ўзи шуни истайдими?

— Йўқ, у менга дил берган. Истайдими, мен ҳам фақат битта уни дейин. Раҳматлик Салим ота ҳам, шерга ўхшаб, битта танлаган жуфтим билан яшашни маслаҳат берган эдилар. Не қилай? Бошқа хотинларни талоқ қилиб ҳарамдан чиқарсам...

Рожа Бирбал кўриб кетди:

— Бу ҳеч мумкин эмас! Уфилларингизнинг оналарини талоқ қилиб ҳарамдан чиқариш... Йўқ, йўқ! Айтишга тил бормайдир!

Акбарнинг ўзи ҳам бунинг мумкин эмаслигини сезиб турибди. Боши берк кўча, ечиб бўлмайдиган тугун! Бирбал икковлари ўрмонда гулхан ёқиб кечаси билан гаплашиб чиқишди. Кўпни кўрган бирбал ўзи билган ҳар хил ғаройиб воқеаларидан, ўқиган турли китобларидан мисол келтирди.

— Инсон ҳаётида ечиб бўлмайдиган тугунлар ҳамиша бўлган, улар ҳар бир кишининг дилида бор, — деб Акбарни ишонтирди...

Ранг-руйи ўчган, ўрмонда озиб кетган отаси ғалати бир аҳволда Бирбал билан бирга саройга қайтганини Салим ҳам кўрган эди. Акбар бу воқеаларнинг сабабини ўғлидан сир тутарди. Ҳозир ҳам у Салимга пардали қилиб гапирди:

— Мен кўрган руҳий қийноқларни илоҳим сен кўрмагин, ўғлим! Шу ниятда сенга Салим отадай инсофли пок бир одамнинг номини қўйганмен.

Салим бу гапдан кинояли жилмайди. У Салим отанинг ўттиз ёшда суяклари уриб синдирилган ногирон одамга айланиб, ҳассасага суяниб қолганини Мавлоно Фариддан эшитган. Бунинг нимасига ҳавас қилиб бўлади? Салим йигитлик кучининг бепоемлиги жиҳатидан отасига ўхшашни, балки ундан ҳам ўзишни истайди.

Акбар ўглининг авзойидан сўнгги гап бекор кетганини сезди, ота-боболарининг тажрибасини гувоҳликка чақирди:

— Ахир сен ҳам ўзингдай яхши ўғил кўрмоғинг учун ёшинг етилмоғи керак! Мана, қара: сен туғилганда, мен йигирма етти ёшда эдим. Бобур бобомиз туғилганда, оталари Умаршайх мирзо ҳам йигирма етти ёшда эканлар. Мен туғилганда, ҳазрат отам ўттиз уч ёшда бўлганлар.

Салим энди бошини кўтариб, отасига маъюс бир назар ташлади. Наҳотки отаси уни йигирма-ўттиз ёшларгача бўйдоқ юргин демоқчи?

— Ҳеч бўлмаса, ўн олтидан ошгин, — деди Акбар. — Назаримда, ҳозирги муаллимларинг сени тўғри йўлга сололмаётганга ўхшайдир. Энди Абулфазлни сенга бош тарбиячи қилиб таъйин этгаймен.

Салимга Аграда алоҳида қаср қуриб берилган. Шохзодалик удумига биноан юзлаб одам унинг итлоғида эди.

Абулфазл шаҳзода Салим ихтиёридаги қасрга бориб, унга тарихдан, фалсафадан дарс бериб юрган кезларда Акбар ўзининг янги маслагани эълон қилди. Абулфазл биринчилардан бўлиб уни қабул қилди-ю, Салимни ҳам отасининг йўлига юргизишга интилди.

Салим яна кинояли кулимсиради:

— Бироқ мен ҳали ёшмен, янги маслақни балоғатга етганлар қабул қилсин.

— Об-бо, ҳазратим уйланишга шошилма деганларидан ҳалигача хафа бўлиб юрибсизми, а? Аммо ҳушёр бўлинг. Тождор ота билан ворис ўғли орасида кичкина бир жой дарз кетса, шунга дарҳол пона қоқиб, ёриқни жарга айлантирувчилар бор!

— Ушалар кимлар? — ўсмоқчилаб сўради Салим. — Тодар Малми? Тоғаларим Ман Синҳ билан Бҳагван Дасми?

— Худо сақласин! — хитоб қилди Абулфазл.

— Ахир улар ҳам дини илоҳийни қабул қилмабдирлар-ку?!

— Амирзодам, янги маслакни қабул қилиш ихтиёрий. Агар мажбурий бўлганда, тоғаларингиз қабул қиларди. Аммо ҳазратимнинг янги эътиқодларини «бҳақти» тарафдори бўлган минг-минг деҳқону қосиблар, навқару заҳматқашлар ихтиёрий қабул қилмоқдалар. Бу борада турли шахару қишлоқлардан келган ахборотни сизга ҳам кўрсатмоғим мумкин. Абдуқодир Бадавнийни билсангиз керак. Бадқовоқ имомлардан бўлган шу одам ҳам «мамлакатнинг авом халқидан ярмиси янги маслакка ўтиши мумкин» деб кўрқиб юрибдир.

— Мавлоно, менга авомларни ибрат қилиб кўрсатманг. Ундан кўра тасвирхонага бошлаб боринг.

Салимда мусаввирликка қизиқиш борлигини сезган Абулфазл уни тасвирхонага бошлаб келди. Бу ерда Хўжа Абдусамад, Басаван, Кесу Гужаратий, Фарруҳбек Қалмоқий, Жаган Натҳ деган турли элларга мансуб рассомлар «Бобурнома» воқеалари асосида хилма-хил расмлар чизмоқда эдилар. Акбарнинг буйруғи билан мусаввирлар Алишер Навоийнинг «Хамса»сини ҳам чиройли суратлар билан безаган эдилар. Янгидан кўчирилган «Хамса» саҳифаларидан бирида Фарҳод ўз суюкли ёри Ширинни оти билан бирга кўтариб дарёдан ўтказиб қўйгани кўрсатилган эди. Акбарнинг кўрсатмаси билан ишланган яна бир суратда Навоийнинг ўз «Хамса»сини тугатиб, Хусайн Бойқарога келтириб бераётган пайти ифода этилган эди. Улуғ хамсанавис шоирлардан Низомий ва Хисрав Деҳлавийлар тепадан уларга завқ билан қараб турганлари ҳам суратда махсус кўрсатилган эди.

Салим «Махабхарата» ва «Рамаёна»га Дасванта ишлаган афсонавий суратларни ҳам қизиқиб томоша қилди. Кейин Хўжа Абдусамад унга отасининг суратларини кўрсатди. Қалам билан чизилган хомаки бир суратда Акбарнинг кўзлари ярим юмуқ, қаттиқ ўйга толган пайти худди ҳаётдагидек аниқ кўрсатилган эди. Яна бир суратда Акбар Фарангистондан келган қора кийимли руҳонийларни қабул қилган пайти, гилам устида Синай тоғидан келтирилган муқадас тошлар ётгани нафис бўёқлар билан тасвир этилган эди.

Салим мусаввирларнинг ишига астойдил қизиқаётганини пайқаган Абулфазл уни тасвирхона орқали отасига руҳан яқинлаштириб, маслақдош қилиш фикрига борди.

— Амирзодам, агар истасангиз, санъаткорлар сизнинг ҳам суратингизни чизмоқлари мумкин, — деди.

— Иттифоқо, қиёфалари ҳам ҳазрат оталарига ўхшаш, — деди Хўжа Абдусамад.

Бироқ, Салим ўз суратининг отасиникидан бутунлай бошқача тарзда чизилишини истар эди. Акбарнинг суратлари унга ҳаётда бор нарсалардан нусха кўчирилгандай жўн кўринарди. Салим эса афсонавий кўтаринкиликни яшириб кўрарди. У «Махабхарата»нинг афсонавий воқеаларини тасвир этган рассомларга ўзининг шу ҳақдаги истагини айтди:

— Тушимда Хўжайи Хизрга ўхшаган нуруний бир мўйсафид менга китоб берган эдилар. Уша пайтда баланд бир жойда ўлтирган эканмен. Пастимда қанотли одамчалар учиб юрганни кўрдим. Фаришталар бўлса керак. Ана шу ҳодисани тасвир этиш мумкинми?

Мусаввирлардан бири шаҳзоданинг бу истагини дарҳол бажо келтиришга киришди. Бу рассом Салимнинг онаси ражпутлардан эканини, унинг тоға авлодларида Синх, яъни шер деган номлар кўплигини яши биларди. У шаҳзодани кулча бўлиб ётган ёввош бир шернинг устида турган ҳолда ёвларига камондан ўқ отаётган афсонавий ботир жангчи қиёфасида тасвирлади.

Салимга бу суратлар беҳад ёққани учун уларни чизган рассомга катта инъомлар берди. Абулфазл эса шаҳзоданинг ташқи қиёфаси отасига ўхшаса ҳам, сийрати бошқача эканини бу суратлар орқали сезиб, лол бўлиб қолди.

Акбар ўзи ҳақидаги суратларнинг мумкин қадар ҳаққоний бўлишини истади. У отабоболарининг суратларини чиздирганда ҳам, бирортасига Хўжайи Хизр ёки фаришталарни қўшдирган эмас. Ҳолбуки, «Акбарнинг жиловиди Хизр юргай» деб ишонадиганлар кўп. Бироқ ўзини назаркарда қилиб тасвирлатиш Акбар учун ўта нокамтарлик бўлиб туюлади.

Салим эса ҳалитдан ўзини Хизр назар қилган, фаришталар ёрлақанган, шер елкасига миндирган афсонавий ботир қилиб тасвирлатса, кейин нима бўлади?

Абулфазл ўзининг мана шу андишасини Акбарга бориб айтди.

— Машаққат чекмай ўсган бола ўзини босиб олиши қийин бўлар экан-да! — деб, Акбар «уф» тортди. — Қаттиқ гапирай десанг, дили нозик, дарров кўнгли қолгай. Биз шу ёшда қанча азобларни бошдан кечирган эдик. Буларнинг замонаси бошқа. Отасининг давлати соясида фақат роҳат-фароғатда яшашни ўйлайдир. Начора? Биз ёшлиқда кўрмаган роҳатлар ҳам ўғилларимизга насиб қилган экан-да. Салимнинг томирида ражпут қони ҳам бор, жуда тез улғаймоқда, уйланишга шошилаётгани ҳам шундан бўлса керак. Қайнағамиз Бҳаған Даснинг чиройли қизи бор. Исми Ман Бай. Салимнинг шунга ишқи тушган эмиш. Ҳозирча унаштириб қўяйлик. Ун олтига тўлганда никоҳлаб бергаймиз.

— Балки уйлансалар, қуғулиб ҳам қоларлар! — деб умид қилди Абулфазл.

¹ Бадавнийнинг бу сўзлари унинг «Мунтаҳоби таворих»ида ҳам бор.

Лекин Салим уйланиб ҳам босилмади, ўн олти ёшида хотин олиб, ўн еттига тўлмасдан ўғил кўрди-да, отасига «ҳозирги ёшлар сизлардан тезроқ балоғатга етишини билиб қўйинг» дегандай ғолибона кулимсираб қаради.

Ўн беш ёшли Ман Бай бақувват, соғлом бола туққанини кўриб Акбарнинг ўзи ҳам ҳайрон эди. Болага Хисрав деб от қўйдилар. Ман Байнинг ўзини Акбар Шоҳ бегим деб улуғлай бошлади. Салим эса ўн саккиз ёшида Зайниддин кўканин қиз жиянига ошиқ бўлиб қолди. Ҳамида бегим орага тушиб, «неварам энди мусулмон оиласига ҳам куёв бўлсин» деди. Шариаат бўйича Салим ҳам тўртта хотин олишга ҳақли эди. Акбар ўзи кўп-хотинлик бўлатуриб, ўғлининг шариаатга биноан уйланишига монелик қила олмасди. Шу сабабларга кўра, ўн саккиз ёшли Салимга иккинчи қизни ҳам олиб бердилар. Орадан бир йил ўтмай бу келин ҳам ўғил туғди-ю, отини Парвез қўйдилар.

Акбар Абулфазлни чақириб:

— Шаҳзодага энди бирон вилоятни берайлик, — деди ва кулди. — Бошқа иши бўлмагандан кейин бутун кучини ҳарамга бериб яна уйлангиси келиб қолмасин.

— Рост, «Хотира ёзгаймен», деб уни ҳам қилмадилар. Менга бирон саҳифа ёзув кўрсатган эмаслар.

Акбар Салимни пойтахтга яқин бўлган Ажмирга ҳоким қилиб жўнатди. Орадан икки йил ўтмай, Ажмирда у яна бир афсонавий гўзал қизга ошиқ бўлиб қолди. Рана Билмати исмли бу қиз Бобур билан жанг қилган машҳур ражпут саркардаси Рана Санграм Синхнинг чевара авлодларидан эди. Қизнинг бобоси Удай Синх аввалги адоватларни унутиб, Гужарат юришида Акбарга иттифоқдош бўлган эди. Лекин шу хонадондан чиққан Пратап Синх исмли бошқа бир ботир йигит ҳалигача Акбарни тан олмай, тоғ-ўрмонларда унинг аскарларига қарши жанг қилиб юрар эди. Энди Акбар ўғлини Удай Синхнинг чевараси ва Пратап Синхнинг қариндошига уйлантирса, бутун мамлакат танийдиган машҳур оилани ўзига эл қилиши мумкинлигини уйлади ва Салимга Рана Балматини ҳам олиб берди. Орадан бир йил ўтгач, бу учинчи келин Акбарнинг аввалги невараларидан ҳам миқтироқ ва кўҳлироқ ўғил туғди. Бу ўғилга Хуррам деб от қўйдилар.

Акбарнинг неваралари кўпайиб, ёши эликка яқинлашган сари кўз таглари салқиган, дурустгина қорин қўйган, юзларида ажинлар кўпайган, мўйловига оқ толалар оралаган бобо қиёфасига кириб борарди. Унга шафқатсиз бўлган вақт энди бутун марҳаматини Салимга кўрсатмоқда эди.

Йигирма икки ёшида уч ўғилнинг отаси бўлган шаҳзоданинг кўнгли ўсиб, йигитлик жозибаси йил сайин барқ уриб очилиб борар, у ҳар қандай қизни ўзига маҳлиё қила оладиган забардаст ва кўҳлик йигит эканини ўзи ҳам сезиб мағрурланарди.

Салимнинг хос навқари Алибек Перейро ҳам бу орада Агралик бир ҳинд қизига уйланиб, ундан фарзанд кўрди. Алибекнинг умрбод Ҳиндистон фуқароси бўлиб қолганига энди шайх Фарид ҳам ишонди. Авваллари «бу фаранги шаҳзодани диндан чиқармасин тагин» деб хавотирда юрган шайх Фарид бора-бора Алибек билан тил топишиб, иноқлашиб кетди. Чунки Алибек ҳам, шайх Фаридга ўхшаб, Абулфазлни ёмон кўрар ва Акбарнинг ўрнига тезроқ шаҳзода Салимни тахтга чиқариш орзусида юрар эди.

Аслида-ку, Алберт Перейро Акбар билан Салим орасига нифоқ солиш тўғрисида Гоадан махфий топшириқ олган. Шу мақсадда Алибек шаҳзода Салимнинг отасига ёқмайдиган хотинбозлиқларига иложи борича кўпроқ ёрдам берарди.

Салим Алибекни ўртага қўйиб, Меҳринисо исмли гўзал бир эронлик қиз билан танишди. Бу қизга ошиқи беқарор бўлиб, аввалги ёш хотинларига қарамай қўйди. Эрининг интиҳосиз бевафоликлари Акбарнинг суюкли келини Шоҳ бегимнинг ўлимига сабаб бўлди. Энди йигирма ёшга кирган кўҳлик жувон афюнни кўп ичиб, ўзини-ўзи ўлдирди. Остонага бош қўйганича абадий уйқуга кетган ёш жувоннинг тепасида олти яшар ўғилчаси Хисрав йиғлаб турар, ҳали ўлим нималигини билмайдиган бечора бола нукул онасини уйғотмоқчи бўларди. Акбар буни кўриб ларзага келди.

— Сен шу фожеанинг сабабчисен! — деди. — Малакдай жувоннинг уволи сенинг бўйинингда! Тоғаларингнинг олдида бизнинг ҳам юзимиз шувит! Бу оғир гуноҳни фақат фидойилик билан ювмоғинг мумкин. Шайбонийзодалар Бадахшонга бостириб кирмишлар. Ҳайбар довоида юсуфзайлар бизга қарши исён кўтармишлар. Энди ўшаларнинг устига қўшин тортгайсен! Жангларда ўлим билан олишиб поклангайсен! Бор, йўл тайёрлигини кўр! — деб Салимга нафрат ва ғазаб билан қичқирди.

Салим эътирозга оғиз очолмай таъзим қилганича чиқиб кетди. Аммо унинг юсуфзайлар билан ҳам, шайбонийзодалар билан ҳам жанг қилишга хоҳиши йўқ эди. Шайх Фарид билан Алибек ҳам:

— Зинҳор Ҳайбар довоини борман! — деб шивирлашди.

— Рожа Бирбалнинг ўлими озми, сизни ҳам отангиз шундай хатарли жойга юбормоқчи?

Рожа Бирбал Қоракар довоида ҳалок бўлган, равшанийлар тоғ-тошлар орасидан тинимсиз ҳамлалар қилиб, Акбар қўшинига катта талафот етказган эдилар. Қорли тоғлар орасида саркардасиз қолган қўшин орқага чекинишга мажбур бўлган эди. Буни яхши биладиган Салим Ҳайбар довоини жўнаш ҳақидаги буйруқни бажармай, Аградада қальасига қайтиб борди-да, ўзини касалга солиб ётиб олди.

Ундан хабар олишга юборилган Абулфазл Салимнинг Жамна бўйидаги Ҳашт Биҳишт боғида яна ўша Меҳринисо билан учрашиб, висол завқини суриб юрганини билиб келди.

Акбар энди ғазабини босолмади. Меҳринисонинг отаси Эътимадхон Акбар кўши-нида мингбоши эди. Акбар уни чақиртирди-да:

— Қизингизни кимга узатайлик? — деб сўради. — Салимдан бошқа кимни куёв-ликка муносиб кўрурсиз?

Эътимодхон подшонинг авзойи ёмонлигини сезиб, унинг раъйига қаради:

— Қизимизга Алиқули Истожили деган озорбайжон йигитининг кўнгли бор, — деди. — Шерни йиқитгани учун Алиқули Шерафкан деган лақаб олган. Ўзи менда юз-боши.

Акбарнинг буйруғи билан Меҳринисони эртаси куниеъ ўша Шерафканга никоҳлаб бердилар. Акбар бу йигитни Бихардан нари Банголадаги вилоят ҳокими Қутбиддиннинг ихтиёрига мингбоши қилиб жўнатди. Меҳринисо ҳам бир кечата эри билан Банголага кетиб ғойиб бўлди. Аградан довонларга бекилиб қолди. Ўзда довонлар очилгандан кейин Акбар юборган олти минг кишилиқ кўшин шайх Жалолиддинни Ғазна томонларга қочишга мажбур қилди. Акбар уни Аградан ўз ҳузурига чақириб олди-да, паст товуш билан:

— Нечун буйруқни бажармадингиз, амирсода? — деб сизлаб гапирди. Аммо унинг мулоим қилиб «сиз»лашидан қўрққулик эди. Салимнинг овози титраб:

— Бемормен... — деди. — Шу аҳволда жангга борсам... кўнглим сезиб турибдир... мен ҳам Рожа Бирбалдек ҳалок бўлмаймен!..

Акбар кўнгил сирларини айтиб дардлашадиган суюкли мусоҳиби Рожа Бирбални юсуфзайларга қарши жангга юборганидан минг-минг пушаймон эди. Қоракар довонида исёнчилар билан жангга кириб қайтиб чиқмаган Бирбалнинг жасади ҳам топилмади. Қишда Қоракар ва Ҳайбар довонлари бекилиб қолди. Ўзда довонлар очилгандан кейин Акбар юборган олти минг кишилиқ кўшин шайх Жалолиддинни Ғазна томонларга қочишга мажбур қилди. Акбар афғон қабилаларининг талабига биноан Ман Синхни Кобулдан чақириб олди, ўзининг кўкалдоши, асли афғонистонлик тожик Зайниддин кўкани Кобулга ҳоким қилиб тайинлади. Юсуфзайлар у билан тез тил топишдилар ва мурося йўлига ўтдилар. Шундан сўнг довонлар очилиб, карвонлар қатнови тикланди.

Фақат Рожа Бирбални икки ой излаб, ҳеч жойдан бирон нишонасини ҳам тополмадилар. Бу машъум ҳодисадан Акбар узоқ вақт мусибат чекиб юрди.

Ўғлининг сўнги гапи ундаги ўша мусибат туйғусини уйғотди-ю, қаҳрини сал босди.

— Бемор эмиш!.. — деб Акбар юмшаган товуш билан киноа қилди. — Ҳашт Биҳишт боғида янги маъшуқа билан кайфу сафо қилиб юргангизни биз билмаймизми? Сиздаги беморлик шаҳватпарастликдир! Мен ҳам фаришта эмасмен, кўп хотин олиб, оғир гуноҳлар қилганмен! Эҳтимол шунинг қасоси ўғлимнинг шаҳватпарастлигидан қайтаётгандир! Лекин биз қилган яхшиликлар нечун қайтмайдир? Биз тортган азоблар, биз қилган меҳнатлар сизда нечун йўқ? Эртагаёқ куч йиғиштиринг! Тоғангиз Ман Синх Кобулдан қайтди. Сиз у билан Ражастхон вилоятига жўнагайсиз! Мен болалигимда кўрган Тар саҳросини сиз ҳам бир кўринг, иссиқ-совуқларга тобланиб, одам бўлинг!

Салим отасининг бу галги буйруғини бажармай иложи йўқ эди. Тоғаси Ман Синх ҳам жуда қаттиққўл одам. У, айниқас, жиёни Шоҳ бегимнинг ўлимидан кейин Салимга аёв-сиз муомала қилиши аниқ, Ражастхон эса пойтахтдан узоқдаги исёнкор, нотинч ўлка, Салимнинг Аградаги сўлим боғлардан, Секридаги сафоли кўшклардан кўнгил узиб чет жойга кетиши беҳад қийин бўлди. Абулфазл уни жўнатиш учун келганда, Салим Алибекнинг кўзи олдида бутун захрини отасининг дўстига сочди:

— Сиз мени отамга ёмонлаб, Меҳринисодан¹ жудо қилдингиз! Ражастхонни ҳам сиз ўйлаб топгансиз! Аммо билиб қўйинг, мавлоно, сизга ҳам қасос қайтгусидир!

Бу гаплар Абулфазлга қанчалик қаттиқ ботса, Алибек билан шайх Фаридга шунчалик хуш ёқди. Чунки Салим қасд қилса, Абулфазлни ўлдиртириш кўлидан келарди.

КАШМИР. ЛАХУР. АГРА

Сўнги қадамлар

Бир-бирига туташиб кетган ўн иккита зилол кўлнинг ойнадай тиниқ сатҳида қорли Ҳималай тоғлари, арчазор ва қарағайзорлар, қирғоқ яқинидаги мирзатераклар, чинорлар, санобар дарахтлари беҳад кўпайиб акс этади. Анвойи гулшодалар билан безатилган кемалар карвони Дал² кўлидан Гулор ва Дегин кўлига сузиб ўтар экан, улар кўз-ғатган тўлқинлар қирғоқ яқинида очилиб турган минглаб олтинранг нилуфарларни шўх-шўх тебратиб қўяди. Кеманинг пастки қисмида Акбар даврининг энг машҳур созандаси Тан Сен бошлиқ машшоқлар Кашмир табиатининг кўркіга мос тушадиган гўзал ва на-

¹ Салим Меҳринисо билан отаси ўлгандан кейингина қайта топишди. Салимга эрга чиққан бу аёл тарихда Нуржаҳон номи билан машҳур бўлди.

² Дал — кашмирчада «минг баргли нилуфар» деган маънони билдиради.

фис куйлар чалиб бормоқдалар. Кеманинг шийпонга ўхшаш болохонаси — толорида Акбар, унинг онаси Ҳамида бону ва аммаси Гулбадан бегим юмшоқ зарбоф курсиларда ўлтириб, атрофни тамоша қилмоқдалар. Орқадаги кемалардан бирида Жодҳа Бай ўз невараси Хисрав ва Надималари билан сузиб келмоқда. Салима бегим ҳам келинли, неварали бўлган. Шаҳзода, Мурод Азиз кўканинг қизига уйланиб, ўғил кўрди, отини Рустам кўйдилар. Учинчи кемада Салима бегим Рустамни кўлидан етаклаб, Кашмир тоғларини кўрсатмоқда:

— Ана у — Забарван тоғи.

— У-чи? — деб беш яшар Рустам иккинчи томондаги тоғни кўрсатади.

— Хари Парват тоғи, — деб тушунтирди Салима бегим, — бу тоғнинг устидаги қалъани ҳазрат бобонгиз қурдирмишлар.

— Ана у недир? — деб бола қирғоқдаги боғни кўрсатади.

— Бу — Насимбоғ. Ичида фавворалари бор. Уни ҳам ҳазрат бобонгиз бино қилдирганлар.

Кашмирнинг кўлларида юзлаб катта-кичик кемалар сузиб юрибди. Улардан ҳам кўпроқ кемалар қирғоқларда лангар ташлаб турибди. Кўл суви осойишта, ҳаво илиқ ва майин. Йил бўйи кемаларда истиқомат қиладиган кашмирликлар бор. Тоғдаги ўрмонзорларда эса кемасозлик учун яхши ёғоч берадиган дарахтлар ўсади. Акбар Кашмир кемасозларига буюртмалар бериб, беш юздан ортиқ кема қурдирди.

Ҳозир кўл сатҳидан кўринаётган улуғвор манзаралар завқи кемадагиларнинг кайфиятини кўтарди. Табиатан таъсирчан Гулбадан бегим шавқ-завқини ичига сиғдиrolмай хитоб қилди:

— Ҳазрати Акбаржон, айланай сиздан, кекса аммангизни Адандаги жаҳаннам азобидан қутқариб, жаннатдай гўзал Кашмирга олиб келдингиз-а! Тоғ доvonларидан гўё кафтингизда олиб ўтгандай бўлдингиз!

— Ушанда тортган азобларингизнинг роҳатини ҳам кўринг дедим-да! Ахир сиз бобурийлар хонадонининг энг ёши улуғ валинеъмати бўлиб қолдингиз.

— Рост-а, Ҳамида бегим, ёшим етмишдан ошди. Аданда етти ой ҳибсда ётганимда нукул хотиралар билан жон сақладим. Жаннатмақон отам, раҳматлик оғам Ҳумоюн... уларнинг бошларига тушган кулфатлар... Бирга кўрган яхши кунларимиз... Ҳаммасини илк бор сиралик кунларимда қоғозга туширган эдим.

— Сизда ҳам ҳазрат бобомиздаги адблик истеъдоди борлигини мен ўша ёзувларингиздан билдим, — деди Акбар. — Тарихнинг не-не улуғ воқеалари соҳибқалам муаррихлар томонидан ёзиб қолдирилмагани учун бутунлай унутилиб кетмишдир. Истеъдод нури билан йўғрилган, қалб ҳарорати билан илитилган тарихий воқеаларгина авлодлар хотирасида абадий яшаб қолур экан. Шунинг учун мен ҳатто Шерхон тарихини ҳам Аҳмад Сарангоний номли соҳибқалам афғон муаррихига инъомлар бериб махсус ёздирдим. Аҳмад Сарангони Шерхон аскарлари сафида хизмат қилган экан, унинг ботирлигини роса мақтабдир. Майли, Шерхоннинг катта тажрибаси, бошдан кечирган ҳодисалари ҳам авлодларга сабоқ бўлсин. Ҳақиқат зарралари бизнинг рақибларимиз илкида бўлса, уларни ўша жойдан ҳам топиб, эъзозлаб, умуминсоний бир маънавият ҳазинасига қўшмоқ бизнинг бурчимиздир.

— Бу бурчини фақат мард, донишманд сиймоларгина шунчалик теран ҳис қилурлар, — деди Гулбадан бегим Акбарга. — Сиз мени ҳам шу бурчга хизмат қилдирганингиздан бошим кўкка етмишдир. Мана, ҳозир Кашмирнинг афсонавий гўзалликларидан завқ олиб, ўзимни бахтиёр сезмоқдамен!

Кашмирга келишдан олдин Гулбадан бегим Акбарнинг илтимосига кўра «Ҳумоюннома» китобини ёзиб тугатган эди. Ҳумоюн даврининг барча аччиқ-чучукларини бирга бошдан кечирган Ҳамида бону ҳам Гулбаданга ўзи яхши билган воқеаларни айтиб бериб, китобнинг мукамал чиқишига кўмаклашган эди. Акбарга Бобур бобосининг ўлмас хотираларидай самимий ва ҳаққоний туюлган бу китобда фақат аёлларгина айтиб бера оладиган шундай нозик ва гўзал нуқталар бор эдики, уларни ўқиган одам Гулбадан бегимнинг нозик дидига ҳам, адблик истеъдодига ҳам тан бермай туrolмас эди. Акбар аммасини шундай китоб ёзгани учун астойдил бир қувонтиргиси келиб, Кашмирга авайлаб олиб келтирган эди.

— Аммажон, сиз Кашмирдан қанчалик завқлансангиз, мен сиз ёзган китобдан шунчалик завқ олдим!

Акбарнинг бу баҳосини эшитганда Гулбадан бегимнинг кўзларига қувонч ёшлари қуйилиб келди.

— Илоҳим узоқ умр кўринг, Акбаржон! Кашмирнинг бодомзорлари, анорзорлари, тутзорлари, мирзатераклари худди Фарғона водийсини эслатар эмиш. Мен ўзим-ку, Фарғона водийсини кўрганим йўқ, лекин Қиличхон Андижоний Кашмирга келгандан бери туғилган жойларни қўмсаб, юраги эзилиб юрибдур.

Ҳамида бону оғир тин олди-ю:

— Менинг раҳматлик отам ҳам Тошкенту Самарқандни қайта кўролмай армон билан ўтиб кетдилар, — деди.

Бу гаплар таъсирида Акбарнинг хаёли тоғлар оша Сирдарё ва Амударё бўйлари томон учди. Кашмир орқали Қашқарга, ундан Ўш орқали Андижону Фарғонага олиб борадиган тоғ йўлларининг харитасини шу бугун кечаси синчиклаб кўриб чиққани эсига тушди. Ҳимолай ва Помир тоғларининг оралиқларидан ўтадиган бу йўл Кобул ва Термиз орқали борадиган йўлдан бир неча баробар яқин. Деҳлида Пўлат басмас отган наҳони шошийнинг ўқи, бу ўқ жароҳатининг аччиқ оғриғи уни Турондаги ғанимларидан ўч олишга ундайди. Аммо икки орада Акбар учун Ҳимолай тоғларидан ҳам улканроқ монеликлар бор.

Мавороуннаҳрда ҳамон Абдуллахон ҳукмронлик қилмоқда. У сўнги қирқ йил ичида шимол-шарқдаги Дашти Қипчоқдан жануб-ғарбдаги Ҳирот ва Машҳадгача ўнлаб вилоятларни кетма-кет забт этиб, ягона марказий давлатга бўйсундирган. Абдуллахон учун энг хатарли рақиб Акбар бўлганлиги сабабли, у ўзининг энг сара кўшинларини Кобул ва Кашмир билан чегарадош жанубий ўлкаларда сақламоқда. Акбар отасининг Балхда шайбонийзодалардан қандай енгилганини унутолмайди, улар билан беллашиш учун аввал Ҳиндистондаги ички парокандаликни тугатиб, барча кучларни бир туғ остига йиғишни ўйлайди. Бироқ Акбар ҳам элликдан ошди. Наҳотки Самарқанддаги Гўри Мирни, Шоҳи Зиндани, Фарғона боғларини, Тошкентнинг Бўзсувини бирор марта бориб кўриш унга насиб қилмаса?

Бу савол негадир ҳозир Кашмирдаги мирзатераклар ва чинорзорларни кўрган пайтда юракни эзувчи бир мунг билан кўнглидан ўтмоқда эди. Шу топда у Мавороуннаҳрда бемалол бориб келаётган элчилар ва савдо қарвонларини ҳавас билан эслар эди. Бобур даврида бошланган алоқалар ҳанузгача узилгани йўқ, йигирма йил давомида Абдуллахондан Акбар саройига уч марта элчилар келиб кетди. Акбар ҳам Бухорога уч қайта элчилар юборди, Абдуллахоннинг совғаларига яраша қимматбаҳо инъомлар жўнатди.

Мавороуннаҳрда бир йилдан ортиқ юриб қайтган Акбар элчилари Самарқанду Бухорода хон зулмидан безор бўлган одамлар тобора кўпайиб бораётганини, бунинг устига, хоннинг катта ўғли Абдумўмин отасининг тахтини тезроқ эгаллаш иштиёқида унга қарши кураш бошлаганини билиб қайтдилар. Абдуллахон Хуросонга Қулбобо кўкалдошни ҳоким қилиб тайинлагани Абдумўминни қаттиқ норози қилибди. Чунки у Ҳиротни ўзига пойтахт қилмоқчи ва мустақил давлат тузмоқчи эди. Шу мақсадда у ҳатто турк подшоси Султон Салимга отасидан бесўроқ элчилар юборган эди. Ўғлининг нияти бузуқлигини сезган Абдуллахон Абдумўминни Ҳиротдан ҳам, Бухородан ҳам узоқроқ тутгиси келиб, Балхга ҳоким қилиб жўнатди. Балх — Панжобга яқинроқ эди. Абдумўмин энди Лахўрда турган Акбарга отасидан бемаслаҳат элчилар юборди. Унинг саройидаги хуфяларнинг маълумоти Акбарга бу элчидан олдинроқ етиб келди: Абдумўмин ўз элчисига совчилик вазифасини ҳам юклабди (Акбарнинг қизига унинг уйланиш истаги билдирилди) ва шу йўл билан ўз отасидан баланд келмоқчи бўлибди.

Босар-тусарини билмай ҳовлиқиб юрган Абдумўмин ўзини Акбарга тенг кўриб элчи юборгани, яна уялмай унинг кизини хотинликка сўрамоқчи бўлгани Акбарнинг қаҳрини келтирди. У Ҳайбар довони этагига элчини кутиб олиш учун махсус одамлар юборди-да:

— Бадбахтни ўша ёқда дафъ қилинглар, Ҳинд дарёсидан берига ўтмасин! — деб юборди.

Абдумўминнинг совчилик вазифасини ҳам ўташ учун келаётган элчиси серсув Ҳинд дарёсидан ўтаётганда гўё тошқин туфайли фарқ бўлиб кетди. Абдумўминнинг Акбарга куёв бўлгиси келиб ёзган мактуби ҳам, юборган совғалари ҳам сувга чўкиб ном-нишонсиз йўқолганини Бухорода туриб эшитган Абдуллахон:

— Баттар бўлсин! — деб суянди.

Шайбонийзодаларнинг ўз ичидан чиқаётган бу ўт аланга олса, Абдуллахон узоққа бормаслиги аниқ. Чунки унинг жигар касали кучайиб, отга миналмайдиган бўлиб қолганини Акбар эшитган. Шу кетишда Абдумўмин отасининг ўлимини тезлаштиради. Лекин Абдумўминнинг ўзига қарши бош кўтарадиган кучлар ҳам кўп. Акбар ана шу кучлар ёрдамида уни енгиши мумкин.

Аммаси Гулбадан бегимнинг Самарқанду Фарғонани кўмсаб айтган гаплари таъсирида қўзғалган мураккаб ўйлари у шу фикр билан якунлади-да:

— Аммажон, мана, Кашмирга келдик, омон бўлсак, ҳадемай Самарқанду Фарғоналарга ҳам бориб қолгаймиз! — деди.

— Илоҳим муродингизга етинг!

Ҳамида бегим бу гаплардан қувониш ўрнига алланечук сергақлашиб қолди.

— Шоҳ ўғлим, Туронга сиз фақат кўшин тортиб, жанг қилиб бормоғингиз мумкин. Шайбонийзодаларнинг беҳисоб кўшини бор эмиш. Ўзлари ўлгундай жангари, қанча одам қирилишини ўйласам, ваҳим келур!

— Начора? Биз ҳам сайёҳ ёки элчи бўлсак эдик, бирорта қарвонга кўшилиб, отабоболаримиз ватанига тинчгина бориб келар эдик. Лекин шайбонийзодалар бобурийларни Туронга йўлатмайдилар, ҳатто бизнинг тўғримиздаги рост гапдан ҳам кўрқадилар.

— Наҳотки шунчаликка боришса? — ҳайрон бўлиб сўради Ҳамида бегим. Абдуллахон Бухорода мадрасалар, — қарвонсаройлар қурдирган эмиш. Работлар ҳам солдиргани учун эл орасида янги бир нақл пайдо бўлган эмиш. «Абдуллахон бир кеча ётиш учун робот солдирган, сен ҳам беш кунлик дунёда уй-жой қуриб яшаб қол» дер эмишлар.

— Рост, шайбонийзодалар орасида энг истеъдодлиси Абдуллахондир. Бундай қудратли давлат тузиш ҳар кимнинг ҳам илкидан келмагай. Лекин даштий султонларга хос дағаллик унда ҳам бор экан-да. Бундан анча йил аввал самарқандлик Абдурахим Мушфиқий деган шоир Аграга биздан паноҳ истаб келди. Шунда менга куйиниб айтиб бердики, «Бобурнома»ни мақтагани учун Абдуллахон уни «сен биздан темурийларни баланд қўймоқчисан» деб ўлимга буюрибдир. Мушфиқий сарой кутубхонасининг китобдори, катта шоир бўлгани учун Абдуллахоннинг вазири Қулбобо кўкалдош орага тушиб, шафоат сўрабдир. «Мушфиқий сизни темурийлардан баланд қўйиб шеърлар ёзган» дебдир. «Қани ўша шеърлар?» дебди хон. «Мен қилич ёланғочлаб, от чопдириб борай, Мушфиқий узангидан ушлаб, ёнимда ўша мақтов шеърларини айтиб чопсин. Агар шу шартни бажаролмаса, бўйнига қилич ургаймен, боши кетгай». Бечора шоир не қилсин? Абдуллахон қилич яланғочлаб отини йўрттирибдир, Мушфиқий унинг узангисидан ушлаб, хонни улуғлайдиган шеърларни айта-айта чопибдир.

— Оҳ, бечора! — деб қўйди Гулбадан бегим.

— Мушфиқийнинг зеҳни ўткир экан, адашмасдан, таррага етгунча ашъор айтибдир. Шу тарзда тирик қолгандан сўнг Абдуллахондан ихлоси қайтиб, Бухородан бош олиб чиқибди-ю, савдо қарвони билан Аграга келибдир.

— Ҳозир ҳам Аградами?

— Йўқ, икки-уч йил тургач, кетишга рухсат сўради. Кейин билсам, бизнинг сарой шоирлари уни хафа қилган эканлар. «Ҳар қанча азоб чексам ҳам, Ватанимга қайтай, шоир туғилган юртидан айридан айрилсам, ердан узилган дарахтдай ижоди сўлар экан» деди. Жавоб бердик, қайтиб кетди.

Акбар сўнгги сўзларни Мушфиқийга алланечук ҳаваси келиб айтди, чунки ўша шоир қайтиб борган Самарқандга у ҳалигача етиб боролмас эди. Бироқ бобокалонларнинг мақбараси турган бу шаҳарни шайбонийзодалардан тортиб олиш, Мавороннаҳрда Улуғбек ва Навоийлар давридаги маънавий кўтарилишларни қайта тиклаш истаклари йил сайин дилига чуқур илдиз отиб борарди. Бу истакларни Ҳиндистоннинг шимолида туриб амалга ошириш қулайроқ бўлгани учун Акбар пойтахтни Фатхпурдан Лахўрга кўчирган эди.

* * *

Ун беш йилдан бери Лахўр пойтахтга айланиб, Рави дарёси бўйида Самарқанд обидалари каби ранг-баранг кошнлар билан зийнатланган янги қасрлар, мадрасалар пайдо бўлди. Подшо саройи қаерни пойтахт қилса, ўша жойда пулдорлар кўпайишини ва савдо қизишини биладиган тожирлар Лахўрда янги-янги расталар ва бозорлар очдилар.

Жаҳоннинг турли томонларидан йўлга чиққан савдо қарвонлари шимолдаги Кобул, ғарбдаги Қандаҳор, жанубдаги Агра ва Деҳли орқали Лахўрга келади. Катта йўллар орасида энг машхури — Агра, Фатхпур ва Лахўрни бир-бирига боғлайдиган уч юз мил узунликдаги Шоҳроҳ. Махсус буйруқ билан кенгайтирилган ва атрофи обод қилинган бу йўлдан тўрт-бешта арава қатор юрса ҳам сиғади. Унинг саҳнига силлиқ тошлар ётқизилган, икки томонига бора-боргунча серсоя дарахтлар ўтқазилган, ҳар етти-саккиз мил жойда тўхтаб дам олинадиган, овқат ейиладиган ва от алмаштириладиган ёмхона — бекатлар қурилган. (Шунча узоқ масофага чўзилган бундай катта йўл ўша даврда жаҳоннинг жуда камдан-кам жойида учрашини милоди 1591 йилда Лахўрга келиб кетган инглиз элчиси Лорд-Эдвард Лайотон ўз хотираларида ёзиб қолдирган.)

Акбар шимолий чегаралар ташвиши билан нечоғлик банд бўлмасин, португал истилчиларининг жанубдаги ҳаракатларини сергак кузатиб турарди. Сўнгги йилларда Ҳинд уммонида инглизлар португаллар билан аёвсиз жанглр қилмоқда эдилар. Акбар бу икки рақибнинг ўзаро низоларидан фойдаланиш учун инглиз элчиси Эдвард Лайотонни Лахўрда қабул қилди. Муомалада уста бу лорд Англияни фақат хинд савдоси қизиқтираётганига Акбарни ишонтирди. У португалларга қарши курашда Акбарга ёрдам бериш шarti билан Ганга дарёсининг уммонга чиқадиган Калькутта номли жойида «Ост-инд» ширкатининг кичик бир шўбасини очишга рухсат олди. 1600 йилда Англия қироличаси Елизавета бу ширкатни қўллаб-қувватлайдиган махсус қарор чиқарди. Лекин «Ост-инд» ширкати келажакда бутун Ҳиндистонни мустамлакага айлантирадиган машъум кучга айланишини у пайтда Акбар ҳам, Елизаветанинг ўзи ҳам тасаввур этган бўлмасалар керак...

Аммо уммонлар ортидан сузиб келаётган фаранги кемалар Ҳиндистоннинг жанубий қирғоқларида тобора кўпайиб бораётгани Акбарни безовта қиларди. Фойда кетидан қувган фарангилар уммон бўйидаги Бижапур, Голканда, Аҳмаднагор ва Ҳандеш деган майда-чуйда мусулмон давлатларини бир-бири билан уриштириб қўйиб, ўзлари ум-

мон қирғоқларида янги-янги қароргоҳлар барпо қилмоқда эдилар. Акбар эса бу султонликларни фарангиларга қарши бирлаштиришга интилар эди. Шу мақсадда ўзининг энг ишонган одамлари бўлмиш Файзий ва Абулфазлларни жанубдаги султонликларга бир эмас, тўрт марта элчи қилиб юборди. Ахири Ҳандеш султонлигининг Алихон деган ҳукмдори Акбар давлатига ихтиёрий равишда кўшилди ва унинг аскарларига ўз давлати чегараларини очиб берди.

Ҳандешнинг Бурҳонпур шаҳрига Акбар ўзининг йигирма саккиз ёшли ўғли Муродни катта кўшин билан жўнатди. Муродга тажрибали саркарда Абдурахим хони хонон бош маслаҳатчи қилиб тайинланди. Акбар улгарга фарангиларни Малобор қирғоқларидан ва Гоадан қувишни бош вазифа қилиб қўйди. Унинг назарида, Муроднинг фаранги тилини билишлиги бу вазифанинг сўзсиз адо этилишига ёрдам бериш керак эди.

Мурод Бурҳонпурда туриб, фарангилардан бир қанча замбараклар сотиб олди. Аммо бу замбараклар хийла эскирган, Гоада истеъмолдан чиққан, уларни фаранги тўпчиларининг ёрдамисиз отиб бўлмас эди. Шунинг учун Мурод фаранги тўпчилардан бирини ўз ёнига таклиф қилди. Бу фаранги тўпчи жуда хушмуомала улфат йигит экан, Муроднинг ичкиликни яхши кўришидан фойдаланиб, у билан тонг отар базмларда майхўрлик қила бошлади. Акбар ўғлини майхўрликдан эҳтиёт қилишни Абдурахимга топширган эди. Абдурахим хони хонон шаҳзоданинг тўнги базмларини тўхтатишга, бутун эътиборини Акбар топширган вазифага қаратишга кўп уринди. Аммо шаҳзода унинг сўзига эмас, майхўр улфатларининг гапига кўпроқ кулоқ солар эди. Абдурахим билан шаҳзоданинг орасини ўшалар бузди. Ширакайф Мурод Абдурахимни: «Сен шиасен, бизга етти ёт бегонасен!» деб ҳақорат ҳам қилди. Яна Абдурахимнинг устидан шикоят ёзиб, чопар билан Лахўрдаги отасига жўнатди.

Худди ўша кезларда Самарқанддан Акбар учун жуда муҳим бўлган янги хабарлар келмоқда эди. Абдуллахон Қарши атрофларида қишлаётган пайтда Абдумўмин Балхдан отасига қарши яшириқча қўшин тортади... У Амударёдан ўтганда Абдуллахон бундан хабар топади-ю, Самарқандга шоша-пиша чекинади. Жигари ҳилвираб қолган хонга қишки йўлларнинг азоби ёмон таъсир қилади. Абдуллахон Самарқандда 1598 йилнинг ҳут ойида вафот этади.

Абдумўмин тўнғич ўғил бўлгани учун дарҳол отасининг тахтини эгаллайди ва биринчи қилган иши — отаси яхши кўрган беку аъёнларни аямай қириш бўлади. Шулар орасида Абдуллахон давлатининг энг ақлли ва тадбиркор вазири Қулбобо Қуқалдош ҳам «душоха» деб аталадиган даҳшатли исканжага солиниб, минг қийноқлар билан ўлдирилади. Абдумўмин хон оиласининг тахтига даъво қилиши мумкин бўлган вакиллари ҳам бирма-бир қиличдан ўтказади. Абдуллахон авлодидан фақат Пирмуҳаммад кукнори аллақайси такяда кайф билан ётиб қолган бўлади, уни ўлдиришга юборилган одамлар тополмайдилар. Кейин Абдумўминга қарши исён кўтарган бийлар ана шу Пирмуҳаммад кўкнорини ўзларига хон кўтариб, майдонга чиқадилар. Ички уруш бошланади.

Акбарнинг Мавороуннаҳрдаги тарафдорлари: «Энди сизнинг Туронга келишингиз учун фурсат етилди. Абдумўмин билан Пирмуҳаммад кукнори ҳадемай бир-бирининг бошига етгай!» деган мазмундаги мактублар юбордилар.

Аксига олиб, худди шу кезларда Акбарнинг ўз даргоҳида ҳам бири-биридан оғир мусибатлар юз бера бошлади. Унинг энг ишонган саркардалари Бҳагван Дас ва Тодар Мал орқама-кетин касалга чалиниб вафот этишди. Муроднинг ўғли Рустам тўққизга кирганда бўғма касалидан жон берди. Бу машум хабар Бурҳонпурда Абдурахим билан тил топишолмай, нуқул ичиб юрган Муродга етиб борди. Мурод ёлғиз ўғлининг доғида куйиб, йиғлаб, аввалгидан баттар маст бўлиб юрди ва ахири оқуттқалоқ касалига учраб, ўзи ҳам вафот этди.

Бурҳонпурдан Лахўргача отда бир ярим ойлик йўл. То Акбарга хабар етиб келгунча ҳинд иссиқларида Муроднинг жасадини сақлаб туриш мумкин бўлмади. Уни ота-она иштирокисиз Бурҳонпурга дафн этган эдилар. Буни эшитган Салима бегим:

— Наҳотки ёлғиз ўғлимнинг жасадини ҳам кўролмасам! — деб дод солиб йиғлади, юзларини тирнаб қонатиб юборди. — Йўқ, мени Муроджоннинг олдига юборинглар! Мен унинг қабрини қучоқлаб видолашай!

Лекин у ёқларда ҳали уруш тугамаган, йўллар хатарли эди.

— Хатарли бўлса майли, ўлсам, ўғлимнинг ёнига кўминглар! — деди у.

Йигирма тўққиз ёшлик Мурод Акбарнинг дилидан ҳам катта бир парчасин юлиб олиб кетганди. Абдурахим Бурҳонпурдан келиб фожианинг тафсилотларини айтиб берди. Муроднинг интиҳосиз майхўрликларида унинг яқин улфатига айланган фаранги тўпчининг ҳам хизмати борлигини Акбар сизди. Деҳлида Акбарга суиқасд қилган Пўлат васвас ва унинг уйидан топилган фаранги тўфанг хаёлида қайта гавдаланди. Йигит ўлган ўғлининг хотираси ҳам уни босқинчи фарангилар билан олишишга ундай бошлади. Салима бегим ҳам жанубга талпинарди. Туронга қўшин тортиш режаси кейинга сурилди. Акбар шимол юриши учун тайёрланган қўшинларини энди жануб томонга бурди.

Лекин наҳотки ундан кутаётган самарқандлик тарафдорлари Акбарнинг кетидан яна мактуб йўллаб, Абдумўмин ҳам ўлдирилганини, шайбонийзодалар сулоласи тугаш арафасида эканини маълум қилдилар.

Минглаб қақирим жойдан етиб келган бу хабар Акбарнинг аввалги ўй ва истакларини яна кўзғатди. У Аграга борганда, Муроднинг йигирмасига келган шаҳзода Салимни бухоролик устози мавлоно Фарид билан бирга ўзининг хонайи хосига қақиртирди. Уларни Абулфазл бошлаб кирди. Тўртовлари юзма-юз ўтиришди, Акбар Самарқанддан келган сўнги хабарларни айтиб берди.

— Амирзодам, бир марта сизни шайбонийзодаларга қарши жанга юбормоқчи бўлганимизда бормаган эдингиз, — деди Акбар Салимга майин кўз ташлаб. — У пайтда чиндан ҳам вазият оғир эди, юсуфзайлар Ҳайбар довонини бекитиб ётган эдилар. Лекин сўнги йилларда яхши муомала билан юсуфзайларни тиңчитидик. Тинчимаман саркашларини Зайн кўка Кобулдан келиб тор-мор қилди. Ҳайбар довони энди бехатар, йўл очиқ. Шайбонийзодалар ҳам ўлиб, қирилиб, биттагина кўкнориси қолибдир.

Акбар бир тўхтаб олди, ёши ўттизга кирган, елкалари тўлишиб хушмўйлов дуркун йигитга айланган ўғлига мамнун назар ташлаб, сўзида давом этди:

— Сиздек пахлавон бобурийзода, наҳотки, ўша кўкнорига бас келолмасангиз? — деди. — Наҳотки, Олтин Ўрда харобаларидан Бухорога қочиб келган қаёқдаги аштархонийлар бобокалонимиз шаҳри Самарқандни забт этсаю, биз бу ерда лоқайд қараб турсак?

Салим Мавороуннаҳрга отасининг кетишидан умидвор эди, ўзи эса Ҳиндистонда қолишни истарди. Буни очиқ айтишга журъат этолмай, гапни айлантирди:

— Ҳазратим, барча сўзларингиз ҳақ, ўғлингиз фақат Дакан¹ юришини эслатмоқчимен. Жанубдаги урушни тугатмасдан туриб шимолга юриш бошлаш... қандоқ бўларкин? Акбар Фарид Бухорийнинг дилида нима борлигини билгиси келиб:

— Мавлоно, сизнинг фикрингиз қалай? — деди. — Асли бухороликсиз, наҳотки ота-боболарингиз шаҳрига қайтишни истамасангиз?

Фарид Бухорий ота-боланинг бирига ён босса, иккинчисидан балога қолиши мумкинлигини сезиб, типирчилади:

— Ҳазратим, фақир Деҳлида туғилиб ўсган бўлсам ҳам... Бухорони бир марта кўриб ўлсам армоним қолмагай... Фақат... Туронга юриш қилиш бобида... Мавлоно Абулфазл фақирдан кўра донороқ вазирдирлар... Аввал шу кишининг фикрини эшитиб, сўнг ўзимнинг камтарона мулоҳазамни айтишга ҳазратимдан ижозат сўраймен.

Акбар Фарид Бухорийнинг қувлигини сезиб, кинояли кулимсиради-да, Абулфазлга сўз берди.

— Тарих адолатли ҳакам эканини Самарқанддан келган хабарлар яна бир бор тасдиқ этмоқда, — деб секин сўз бошлади Абулфазл. — Шайбонийхон билан унинг ворислари бир аср давомида не-не истеъдодли фузалоларни ватанларидан жудо қилдилар. Мирзо Бобур каби не-не сиймолар ватанларига қайтиш учун шайбонийзодалар билан юз йил олишдилар, аммо уларни енголмадилар. Лекин алоҳида одамлар қила олмаган ишни вақт, тарих ўзи қилди. Шайбонийзодалар давлати ичдан чириди, таги тешилган, ҳали замон чўкиб кетиши муқаррар бўлган кеманинг аҳволига тушди. Аммо бу кемада жуда кўп беғуноҳ одамлар, соҳибдил, маърифатли фузалолар бор. Улар биздаги илму маърифатдан, бошқа имкониятлардан баҳраманд бўлишни истайдилар. Жоҳил бийлар зулмидан уларни қутқармоқ сизнинг олижаноб бурчингиздир, амирзодам! Ҳиндистоннинг имкониятлари чексиз. Агар эллик минг қўшин ҳазратим билан жанубга йўл олса, яна шунча қўшин сиз билан Турон юришига бормоғи мумкин.

— Демак, ҳам шимолга, ҳам жанубга бирваракай қўшин тортгаймизми?! — норози бўлиб сўради Салим Абулфазлдан.

Унинг гапига Акбар қатъий жавоб берди:

— Вазият шуни талаб қилмоқда!

Салим отасига гап қайтаролмай жим қолди. Абулфазл мулойимлик билан сўзида давом этди:

— Амирзодам, сиз жаннатмакон бобокалонингиз каби хотиралар ёзмоқдасиз. Сизда шунга муносиб истеъдод бор, қаламингиз ўткир. Энди Бобур ҳазратлари каби катта жасоратлар ҳам кўрсатмогингиз керак. Агар сиз Самарқанду Бухорони жоҳиллар зулмидан қутқарсангиз, у ерда ҳам илму санъатга кенг йўл очилса, бу нек ишингиз умр китобингизнинг энг ёрқин бобига айланиб, қоғозга тушгай. Ахир «Бобурнома»дек китоб ёзмоқ учун шу китобда қаламга олинган улуғ ишларни қилмоқ ҳам керак-ку!

Бу гаплардан Салимнинг ранги оқариб, лаблари кўкиш тусга кирди. Абулфазл унинг энг оғрийдиган жойига урганини Акбар шундан сезди. Салим отасидан рухсат олган:

— Жаноби вазир аъзам, — деб Абулфазлга олайиб қаради. — Сиз бизга ваъда қилган эллик минг қўшиннинг ярми ражпутлар бўлғай, шундоқми?

— Тахминан шундоқ.

— Туроннинг буткул аҳолиси мусулмонлар экани маълумингиздир, — деб Салим энди ўзини сал босиб, вазминроқ сўзлай бошлади. — Тарихни бир эсланг: жаннатмакон бобокалонимиз қизилбошларни бошлаб борганда, нақшбандий шайхлар бутун Туронни уларга қарши кўзғатган эдилар. Қизилбошлар-ку, мусулмонлар эди. Уларни «келгинди

¹ Дакан — Ҳиндистон ярим оролининг жанубий қисми.

шиалар» деб аёвсиз қириб ташлаган туронликлар ғайридин саналган бизнинг ражпутларни аяғаймилар? Агар биз ҳам эллик минг қўшин билан жангга кириб, туронийлар қонини ҳиндистонликлар қиличи билан тўксак, тарих буни кечиргаймизки? Авлодлар бизни босқинчиликда айбламасмикин?

Акбарнинг ўзини ҳам худди шу хавф кўп ўйлантирар эди. Онаси Ҳамида бегим ҳам бўлажак қирғинлар оқибатидан қўрқиб, Акбарнинг Мавороуннаҳрга қўшин тортишига эътироз билдирган эди. Акбар онасининг эътирозига қарши айтган сўзларини ҳозир ўғли олдида кескин қилиб тақрорлади:

— Қаёқдаги Олтин Урдадан келган Мингқишлоқхоннинг авлодлари туронликларнинг қонини тўкса, босқинчилик бўлмас экан-у, биз бобокалонимиз пойтахти Самарқанд учун жанг қилсак, босқинчилик бўлар эканми?

— Уғлингизни маъзур тутинг, ҳазратим, — деб Салим ётиги билан гапирди. — Туронлик тарафдорларимиз яна бир-икки йил кутсалар, ҳеч гап бўлмас. Шайбонийзодалар билан аштархонийларнинг олишуви ҳали узоқ давом этса керак. Туронликлар иков то мондан ҳам безор бўлиб ёппасига қўзғолон кўтаришлари эҳтимолдан узоқ эмас. Унгача Дакан юриши ҳам ғалаба билан якунлангай. Ана ўшанда бор кучларни йиғсак, ўзингиз бош бўлиб Туронга борсак, хонлар зулмига қарши қўзғалган эл-улус бизнинг тарафимизни олса, Самарқанду Бухорога жангсиз кирмоғимиз ҳам мумкин. Бу сизнинг сулҳи кулл сиёсатингизга ҳам мос тушгай!

Акбарнинг ўзида ҳам шундай бир истак йўқ эмас эди. Ахир унинг бутун ҳаракати диний адоватларни тинч йўл билан йўқотишга қаратилган пайтда наҳотки боболар юрти Туронда қонли ғазоват бошланиши жоиз бўлса? Йўқ, Салим бу жиҳатдан ҳақ. Лекин Акбар ўғлининг олдида ўзини мағлуб кўрсатгиси келмади.

— Начора, амирзода! Бундай кайфият билан сиз менга Турондан ғалаба келтира олмағайсиз, мағлубиятдан эса худо сақласин! Турон юришини кейинга қолдиргаймиз.

Мунозарада Салим ўз сўзини ўтказа олгани Фарид Бухорийни беҳад суюнтирди. Акбар унинг Салимга ифтихор туйғуси билан завқланиб қараб қўйганини кўрди. Салимга «пойтахтдан йироқ кетманг, отангиз олтмишга бориб қолдилар, бирон ҳодиса бўлса, дарҳол тожу тахтни эгалламоғингиз керак» деб маслаҳат берувчи жонкуярлар ҳозир анча кўпайган. Зиёвул Мулк, Шайх Рукниддин, Саидхон Чигатоӣ деганлари ана шулар қаторига қўшилган. Шаҳзодага ҳаммадан кўра Фарид Бухорий кучлироқ таъсир ўтказишни Абулфазл сезган ва Акбарга келиб айтган эди. «Сиз узоқ Даканга кетганда, шаҳзода Салим Фарид Бухорийнинг гапига кириб, пойтахтни эгаллаши ҳам мумкин» деган эди. Акбар бундай фитналарнинг олдини олиш учун Салим билан Фарид Бухорийни бир-биридан ажратгиси келди, буйруқ оҳангида:

— Амирзодам, сиз эртага яна Ражастанга жўнаб кетинг, — деди. — Тоғангиз Ман Синх ҳамон саркаш меварликлар билан олишмоқда. Пратап Синх ўлган бўлса ҳам, унинг ўғли Амар Синх ҳамон бизни тан олмайди. Сиз ўша хонадонга куёвсиз, уларни тинчи-тишнинг йўлини топинг.

Салимнинг қовоғи осилиб кетди. Акбар бунга эътибор бермай сўзида давом этди: — Ҳатто мавлоно Абулфазл ҳам энди белларига қилич тақгайлар. Уч минг навқарага саркарда бўлиб Даканга бормоқдалар.

Сўнгги гап Салимга ҳам, Фарид Бухорийга ҳам ёқиб тушганини Акбар уларнинг мамнун кўз уриштириб олганларидан сизди. Хатарли жангларда Абулфазл ҳалок бўлиб кетса, улар бундан фақат суюнишлари мумкин эди. Аммо Акбар улардаги бу ичиқора мамнуиятни йўққа чиқаргиси келди. Фарид Бухорийга қараб деди:

— Мавлоно, Гужарат юришида яхши жанг қилган эдингиз. Энди Даканда ҳам жасорат кўрсатишингизга имкон бермоқчимиз! Даканга биз билан бирга борурсиз. Сафарга тайёрланинг!

Акбар эътирозга йўл бермайдиган буйруқ оҳангида айтган фармойишни Салим ҳам, Фарид Бухорий ҳам таъзим билан қабул қилишга мажбур эдилар.

* * *

Салимнинг дили хуфтон. Отаси уни атайлаб Фарид Бухорийдан ажратмоқчи экани ва нотинч Ражастанга жўнатаётгани шаҳзодага берилган сургун жазосидек туюлади. Агар Салим Ражастан тоғларида Амар Синх билан жанг қилиб ўлиб кетса, отаси унга ачинмайдигандек кўринади. Чунки нариёқда кичик ўғил — Дониёл бор. Салимни нуқул дўзахдай Тар саҳроси томон юбораётган ота Дониёлга Ганга бўйидаги жаннатдай жой — Эллоҳободни бериб қўйибди. Ахир удум бўйича тўнғич ўғил кўпроқ эъзозланиши керак эмасми? Аксинча қилинаётгани ҳар хил миш-мишларга сабаб бўлмоқда. Одамлар «тахт вориси Салим эмас, Дониёл бўлармиш» деб гап тарқитишмоқда. Агар отаси шунчалик адолатсизликка борса, Салим ўзининг ворислик ҳуқуқини қўлда қилич билан ҳимоя қилишга ҳам тайёр!..

Ота билан тўнғич ўғил орасида пайдо бўлган адоват жарни мана шу тарзда тобора чуқурлашиб, кенгайиб бормоқда. Салимнинг назарида, уни отасига, айниқса, Абулфазл ёмон кўрсатмоқда. Бу одам Акбарнинг кўзи олдида Салимни камситиб «Сиз Бобур

бобонгиздай китоб ёзолмагайсиз, бунга яраша жасоратлар кўрсатганингиз йўқ» деган маънода гапиргани Салимга туриб-туриб алам қиларди. «Тузуки Жаҳонгирий» деб атамоқчи бўлган хотира китобини у чиндан ҳам давом эттиролмай ташлаб қўйди. Айниқса, Абулфазлнинг «Иқболнома»¹ деб аталган уч жилдлик улкан китобини ўқигандан сўнг ўзи ёзган хотиралар кўзига жуда ғариб кўринди-ю, қўли қаламга бормай қолди. Фарид Бухорий Салимни Сухробга ўхшатиб, «отангиз Рустами Достондай зўр бўлса ҳам, сиз уни, албатта, енггайсиз!» деб ишонтиргандан бери унинг ўзи тўғрисидаги фикрлари беҳад юксак эди. Абулфазлнинг китобида эса Акбарнинг эллик йилдан бери не-не курашларни ғалаба билан тугаллаб келаётгани йилма-йил, номма-ном барча далиллари билан ёзилган эди. Аммо Салим, ўттиздан ошаётган бўлишига қарамай, бирорта катта жангда отасидай жасорат кўрсатганми? Абулфазл ўз китобида бу саволга «йўқ» деб жавоб берган эди. «Акбарнома» саҳифаларида отасининг жасоратлари қорли тизмалардай ястаниб кўринганда, Салимга оид воқеалар тоғ этагидаги кичик тепаликларга ўхшаб турар, «туғилди», «уйланди», «ўғил кўрди», «Ажмирга ҳоқим тайинланди» деган жўн гаплар билан таърифланар эди.

Салимни шунчалик ўкситадиган «Иқболнома»ни сарой аҳли, жумладан, Акбарнинг ўзи нуқул мақтайди. Бири: «Жаноб Абулфазл «Бобурнома» аънаналарини давом эттиришилар, мураккаб тақаллуфлардан воз кечмишлар, тиниқ, равон услубда асар ёзганлари таҳсинга сазовор!» дейди. Яна бири Абулфазл ёзган уч жилдлик асарнинг «Бобурнома» каби жамияту табиат тўғрисида қомусий маълумотлар берганидан мамнун бўлади. Фақат наботот, жуғрофия, тарих, давлат тартиби, турли касб-ҳунарлар таърифи, ҳатто бозорлардаги нарх-наволарга оид турли-туман маълумотлар бир жилдга сиғиши мумкин эмас эди. Абулфазл «Бобурнома» аънаналарини ижодий давом эттириб кашф этган янгилик шу бўлдики, қомусий маълумотлар «Ойини Акбарий» деб аталган алоҳида жилдга жамланди. Йигирма йил давомида Абулфазл Акбарнинг номидаги турли мамлакатларга ва вилоятларга ёзган мактубларининг энг муҳимлари «Муншаот» деб аталадиган учинчи жилдга киритилди.

Акбар бу уч китобни Ҳиндистон маданияти хазинасига кўшилган уч йирик гавҳар деб атади. Абулфазлга мамлакатнинг энг улкан олими — Алломий деган унвон берилди.

— Алломийнинг ижодий жасорати тарихда қолмоғи керак! — деди Акбар ва энг яхши мусаввирларга топшириқ берди. — Абулфазл Алломий шоҳ асарини битириб, бизга келтириб берган кунига махсус бир сурат бағишлансин. Токи бу сурат Алишер Навоий ўз «Хамса»сини тугатиб, Ҳусайн Бойқарога келтириб топширган пайтини эслатадиган даражада мукаммал бўлсин.

Акбар айтгандай қилиб энг нафис ва гўзал бўёқлар билан чизилган бу суратни Салим кўрганда, дилидаги эски рашк баттар хуруж қилди. Суратда Абулфазл ўзи ёзган икки жилд китобни икки қўлида тутиб, одоб билан чўкка тушиб ўтирибди. Китобнинг учинчи жилди гилам устида навбат кутиб турибди. Тахт устидаги Акбарнинг бутун диққат-эътибори Абулфазлга қаратилган. У ўнг кўлининг икки бармоғини Абулфазлга кўрсатиб нимадир демоқчи бўлади. Салимнинг фикрича, Акбарнинг икки бармоғини очиб кўрсатгани — «саройда Абулфазл икковимиздан яқин дўст йўқ» деган маънони билдиради. Отаси Салимдан ҳам кўра камбағал оиладан чиққан қаёқдаги Абулфазлни баланд кўйишини бу сурат ҳаммага очиқ намоиш қилгандай бўлди. Салим гўё Абулфазлдан кейинги учинчи ўринга тушиб қолди. Бу ҳодиса унинг сирдош жонқуяри шайх Фаридга ҳам оғир ботди. Ҳозир мартабаси ошиб, Салимнинг ички беклари қаторига ўтган Алибек — Алберт Перейро ҳам шаҳзода учун куйинади. Мана, энди отаси ўша Абулфазлнинг гапига кириб, Салимдан Фарид Бухорийни ҳам тортиб олмоқчи ва Даканга бирга олиб кетмоқчи.

Шаҳзода рашк ва аламга тўлиб Аградан Ражастхонга жўнаб кетиш тайёрлигини кўраётган куни кечаси унинг хонайи хосига Алибек билан Фарид Бухорий секин кириб келишди. Алибек-Перейронинг қўлтиғида кўк белбоққа ўралган оғиргина кўлёмза бор. Учови хонайи хосда холи қолганларида, шайх Фарид кўлёмзани Алибекдан олиб, белбоғ ичидан чиқарди.

— Амирзодам, бу нарсани ҳозирча сиздан бошқа ҳеч ким ўқимаслиги керак.

— Ўзингиз ёзганмисиз?

— Йўқ, Абудқодир Бадавний деган муаррих яшириқча битган экан. Буни содиқ беккингиз Алибек билар экан. Сиз тахтга чиққанингизда буни Бадавний сизга тақдим этмоқчи экан. Аммо бечора муродига етолмабдир. Кундузлари кутубхонада ўлтириб, «Рамаёна» билан «Маҳабхарата»ни таржима қилар эди. Кечалари мана шу махфий китобни ёзиб, туну кун тиним билмай ишлавергандан сўнг шўрликнинг миясига қон қуйилиб оламдан ўтди. Алибек унинг ёзувларини дарҳол иликка олибдир.

— Нечун буни махфий ёзган?

— Чунки Бадавнийнинг бу асари Абулфазлнинг «Иқболнома»сига қарши битилган, — деди Алибек. — Маълумингизким, Абулфазл ҳазрат отангизни нуқул улуғлайдир, мақтайдир. Хатоларини айтмайдир.

¹ «Иқболнома» кейинчалик «Акбарнома» деган ном билан машҳур бўлди. Дастлаб «Ойини Акбарий» ҳам шу китобга илова тарзида ёзилган.

— Бадавний отангизнинг тутган сиёсатига қарши эди!— деб Алибекнинг сўзини шайх Фарид давом эттирди.— Бадавний хусусан Абулфазлни, Бирбални, шоир Файзийни ёмон кўрар эди. Бирбал ўлганда отангиз қанча кўз ёши қилганларини кўргансиз. Қаранг, Бадавний кўрқмасдан ёзибдир: «Бирбал жаҳаннамнинг итлар турадиган жойига кетди...»

Шоир Файзий юраги портлагандай бўлиб, тўсатдан вафот этган эди, иссиқ кунда то дафн қилгунларича жасади бир оз қорайиб қолган эди. Бадавний буни ҳам ўзича талқин қилиб: «Файзи исломдан қайтди, шунинг учун уни пайғамбаримизнинг арвоқлари уриб, қорайтириб юборган» деб ёзиб қолдирган эди.

Фарид Бухорий Бадавний қўлёмасининг шунга ўхшаш жойларини топиб, Салимга бир-бир ўқиб бергани сари шаҳзоданинг дил яраларига малҳам қўйилгандай ёқа бошлади. Абулфазлнинг «Акбарнома»сидан топиб бўлмайдиган имону эътиқод курашининг тафсилотлари Бадавнийнинг «Мунтахаби таворихи»да эринмай ёзиб кетилган эди. Салим учун энг муҳими, Бадавний ҳам Фарид Бухорий ва Алибек каби шаҳзодага тарафдор экан. «Мунтахаби таворихи»да Акбарнинг диндан қайтганини кўрсатадиган талай исботу далиллар келтирилганини ўқиган Салим «мусулмон давлатида подшо диндан қайтса, уни тахтдан тушириш савобдир» деган азалий урф-одатни эслади. Бу одат уни отасига қарши курашишга ҳақли қилиб кўрсатди.

— Дилим сезиб турибдир, амирзодам,— деди шайх Фарид овозини сирдошларча пасайтириб.— Яқин йилларда давлат тизгинлари сизнинг илқингизга ўтгай. Отангизнинг Дакан юриши чўзилиб кетса, сиз Ражастанда азоб тортиб юрманг. Аграга қайтинг!

— Бироқ Ражастанда мен тоғамиз Ман Синх назорати остида бўлурмен. Унинг рухсатисиз Аграга қайтолмагаймен!

— Ҳа, мен ҳам эшитдим!— деб Алибек сўз қотди.— Агра қутволи Қулжаҳоннинг яқинлари мақтаниб айтди. Ҳазрат Дакандан қайтиб келмагунча амирзодамни Агра қальъасига киритмаслик ҳақида махсус буйруқ берилган эмиш!

Салимнинг яна алами келди:

— Кўрдингизми? Отамиз бизга шу даражада ишонмайдир!

Ҳамма давлат сирларини билиб олишга уста бўлган Алибек Салимга тасалли берадиган бошқа бир янгиликни ҳам айтди:

— Шаҳзода Дониёл ҳам Дакан юришига борармиш. Ҳозир Оллоҳободдан жанубга томон йўл олибдир!

— Мана бу яхши бўлибдир!— деди Салим.— Аграга киргизмасалар, Оллоҳободга кетгаймиз. Яхши жой! Алибек энди менинг суянган маслаҳатчим бўлгай. Мавлоно Фарид, сиз эса бизни Дакан воқеаларидан хабардор қилиб турунг.

— Бажонидил! То ўлгунча мен фақат сизга садоқат сақламоқчимен.

...Шу ваъдасига биноан Фарид Бухорий хуфялар орқали Салимга Дакан урушининг бир йилда тугамаслигини, Асиргарҳ қальъасини олиш беҳад қийин бўлаётганини хабар қилди:

«Сатпур тизма тоғининг тепасида турган бу қальъанинг атрофида уч қатор бир-биридан мустақкам истеҳкомлар бор,— деб ёзган эди Фарид Бухорий.— Бу истеҳкомларни олишда Абулфазл билан шаҳзода Дониёл алоҳида иш кўрсатди. Ҳазрат отангиз Абулфазлга муфассаъ ханжар инъом қилдилар. Дониёлга эса эгиларидаги юз минг рупий турадиган жавоҳир безакли шоҳона тўнни кийдирдилар. Аҳмаднагар билан Берар ҳам забт этилгандан сўнг бу ерда учта янги суба¹ тузилмоқчи ва ҳар учовига шаҳзода Дониёл бош ҳоким бўлмоқчи, Абдурахим хони хонон куёвини валиаҳд қилиш ниятида эканини сездим. Сизни ёмон кўрадиган Абулфазл ҳам Дониёл билан жуда иноқ. Бир йўлини топингки, булар сизни валиаҳдликдан маҳрум қилиб қўямасинлар».

Бусиз ҳам отасидан норози юрган Салим шайх Фариднинг мактубини ўқигач бутунлай тинчини йўқотди. Алибекка бу жуда қўл келди. Перейрога Гоа оролидан келаётган махфий буйруқларда Салимнинг отасига қарши исёнини тезлатиш талаб қилинмоқда. Чунки Акбар қўшини жанубда Асиргарҳ қальъасини олгач, фарангиларнинг қирғоқ бўйидаги истеҳкомлари хавф остида қолмоқда. Агар қўйиб берилса, Акбар португалларни жанубий Ҳиндистон қирғоқларидан улоқтириб ташлаши мумкин. Гоадагилар бунга йўл бермаслик учун Акбарни Аграга қайтишга мажбур қиладиган чоралар изламоқда эдилар.

Фарид Бухорийнинг хати Салимни отасига қарши кўзғотганини сезган Перейро:

— Амирзодам, адолат сиз томонда!— деди.— Сиз ўз валиаҳдлик ҳуқуқингизни энди қилич билан Ҳимоя қиладиган пайт келди! Сиз учун мен каби жон беришга тайёр минглаб содиқ жангчиларингиз бор! Аграни эгалламоғингиз керак!

— Аммо тоғамиз Ман Синхнинг қўшини меникидан кўпроқ! Унинг назоратидан қандай қутулгаймиз?

Алберт Перейро Салимни Ман Синх назоратидан халос этиш учун Бангола томонда, Хугла деган жойда иш олиб бораётган ватандошларига яшириқча мурожаат қилди. Акбар бир йилдан бери жануб юриши билан банд бўлиб қолгани унинг шарқдаги рақиб-

¹ Суба — вилоят.

ларини дадиллантирган, Бихар ва Гауридаги афғон қабилалари яна исён кўтарган эдилар. Фарангилар Хугла орқали исёнчиларга қурол-яроғ ва махфий одамлар юбордилар. Усмонхон бошчилигидаги бу кўзғолон шарқий вилоятларни Акбар ихтиёридан чиқариб олиши мумкин. Шунинг учун Акбар Дакандан Ражастхондаги Ман Синхга шошилинч чопар юборди, дарҳол Бихардаги Усмонхонга қарши қўшин тортишни буюрди.

Ман Синх Бихарга қўшин тортиб келгач, Салим дадилланди. Азиз кўка Гужаратда, Агра қалъасида Қулжаҳон деган қашқарлик бек яккаланиб қолди. Салим Ражастхондан ўн минг қўшин билан Аграга келаётганини эшитган Қулжаҳон шаҳзоданинг нияти бузқилини сезиб, қалъани маҳкам бекитиб олди. Агра бир қанча вақт қамалда қолди ва бунинг хабари Дакандаги Акбарга етиб борди.

Ўғли очиқчасига исён кўтаргани уни даҳшатга келтирди. У дарҳол Дакандан Аграга жўнашга мажбур бўлди.

Милодий 1601 йилнинг жавзо ойида Акбар Дакандан қайтиб келаётганини Салимга хабар қилган Бухорий: «Ҳозир отангиз билан жанг қилсангиз енгилишингиз мумкин,— деганди.— Аградан нарироққа бориб кўпроқ куч тўпланг!»

Салим отасига қарши очиқчасига кураш бошлаганидан кейин кимки Акбардан норози бўлса, ҳаммаси унинг томонига ўта бошлади. Салим улар ёрдамида Оллоҳободни эгаллади.

Акбар ўзини аямагани каби беку аъёнларини ҳам қаттиқ тутар, катта мансабдорларни бир вилоятда уч-тўрт йилдан ортиқ ушлаб турмас эди. «Кўп турса, порага ўргангай, тарафдорлар ортдириб, фитнага қўшилгай!» дер эди-ю, амалдорларнинг жойини тез-тез алмаштирарди. Кашмирдагиларини Гужаратга, Гужаратдагиларини Бихарга, Бихардагиларини яна бирор вилоятга ишга тайинлаб кўчириб юборар эди. Бундай кўчиришлардан Бундхела деган жойнинг ҳоқими Бир Синх қаттиқ норози бўлганда, Акбар Абулфазлга буюриб, саркаш рожанинг еру мулкани давлат фойдасига мусодара қилдирган эди. Шундан бери Акбардан қочиб юрган ва у билан Абулфазлдан қасд олишни кўнглига туккан Бир Синхни Алберт Перейро Салимнинг ҳузурига бошлаб келди.

— Шаҳзода, сиз отангизга ўхшамайсиз,— деди. Бир Синх.— Томирингизда бизнинг ражпут қонимиз ҳам бор. Абулфазл сизга ҳам кўп алам ўтказганини жаноб Алибек айтиб бердилар. Агар келгусида менинг ота мулким Бундхелани ўзимга қайтариб берсангиз, мен Абулфазлни дафъ қилишим мумкин.

Салим хиёл ўйланиб турди-да:

— Қандай дафъ қилмоқчисиз?— деб сўради.

— Абулфазл Дакандан Аграга қайтаётган эмиш,— деди Алибек гапга аралашиб.— Йўлда, ўрмон ичида Бир Синх уни саранжом қилиши мумкин. Шаҳзода, бир вақтлари сиз Абулфазлга қасос қайтиши муқаррарлигини айтган эдингиз. Энди шу башоратингиз рўёбга чиқсин!..

— Бир оғиз «ҳа» десангиз бас!— деди Бир Синх.

Салим шунча йилдан бери Абулфазлга қарши дилида тўпланиб келаётган аламли кеклар ва норозиликларни бир жойга йиғди-да:

— Ҳа!— деди.

Алибек билан Бир Синхга шу етарли эди.

Абулфазл йигирматача одами билан келаётган пайтда, Серонж деган жой яқинидаги ўрмонзорда, Бир Синх уни икки юз ражпут йигити билан ўраб олди... Абулфазлнинг мулозимларидан Асадбек дегани Аграга тирик қайтиб, воқеани айтиб берди... Абулфазл икки йил давом этган Дакан юриши даврида оиласини ва ижодхонасини беҳад соғинган, тезроқ уйига қайтиш ва чала қолган асарларини ёзиб тугатиш иштиёқида шошилиб келмоқда эди. Бир Синх унга ўн баробар кўп навкар билан ҳамла қилганда, Абулфазл қилич яланғочлаб, отдан йиқилгунча жанг қилди. Жон бергандан сўнг қарасалар, танаси ўн икки жойидан яраланган экан. Бир Синх унинг бошини кесиб, қонли салласига ўради-ю, Оллоҳобод қалъасида отасига қарши қўшин тўплаётган Салимга кўрсатгани олиб кетди.

* * *

Уттиз йил бурун Акбар билан бирга Фатхпур-Секрига, ундан Лахўрга кўчган пойтахт милодий 1602 йилнинг ёзида яна Аграга қайтди. Жанубда ҳарбий ҳаракатлар тугамаган, янги қўшиб олинган Берар, Ҳамдеш, Аҳмаднигор вилоятларини марказдан туриб бошқариш учун Агра қулайроқ эди. Бундан ташқари, Оллоҳободдаги Салимнинг исённи даф қилиш учун ҳам шарқий вилоятлар билан сув йўли орқали боғланган Агра маъқулроқ эди.

Дакандан ғалаба билан қайтган Акбарни аграликлар карнай-сурнайлар, ранг-баранг гулшодалар билан кутиб олдилар. Илгари пойтахт кўчиб кетганда ҳувиллаб қолган қалъа атрофлари, Ҳашт Биҳишт, Зарафшон ва Гулафшон боғлари энди қайтадан безаниб, ораста тус олди. Шаҳарда бирдан одам кўпайиб, кўча ва хиёбонлар, раста ва бозорлар серҳаракат бўлиб кетди.

Пойтахт қайтиб келганидан аграликлар хурсанд. Бироқ Акбарнинг ўзи кийимлари

остида яширин яраларни кўтариб юрган одамдай ҳазин ва изтиробли. Ёши олтмишга кириб, қадди гўё бирдан букила бошлагандай энгашиброқ юради.

Ноқобил фарзандлар ота қаддини қандай букиши мумкинлигини, юзма-юз олишувлардан энгилган ғанимлар ўғилларининг тантиқликларидан фойдаланиб, қанчалар қақшатқич зарбалар беришини Акбар энди билмоқда.

Муроднинг интихосиз майхўрликлардан оқтутқалоқ бўлиб йигит ёшида ўлиб кетгани мусибат устига қўшилган бир маломат эди. Нима қилса ҳам жигарбанди, Акбар Муроднинг хокини узоқ Бурҳонпурдан Аграга олиб келиб, Искандар деган жойга қайтадан дафн эттирди ва қабрини қучоқлаб видолашди.

Унинг энди қолган ўғиллардан умиди йўқ. Дониёл ҳам ҳар куни ичмаса туролмайди. Отасининг давлати соясида эрка ўсган болалар мўрт бўлишини Акбар Муроднинг бевақт ўлимида кўрди. Даканда қолган Абдурахим куёви Дониёлга қачонгача кўз-қулоқ бўлади? Акбарнинг ўз ўғилларидан юз чандон содиқроқ, иродалироқ чиққан Абдурахим бошқа ташвишларни баратараф этиш учун ҳам керак. Уни Дониёлнинг олдидан чақириб олса, кичик ўғлининг аҳволи не кечаркин? Салим-ку, отасига қарши очикчасига исён кўтарди!..

Акбарнинг ўзи ҳам қариганда ҳали шимолга, ҳали жанубга қўшин тортиб, фотиҳликка бунча берилмаса, ўғилларининг тарбиясига кўпроқ вақт ажратса яхшимасми? Агар Мурод Даканга юборилмаганда, ота-онасига яқинроқ бир жойда яшаганда, балки уни қутқариб олармиди? Акбар бу аччиқ ҳақиқатдан сабоқ чиқариши ва қолган умрини тинч ўтказиши керак эмасми? Унинг абадий уйқуга кетадиган пайти ҳам унча узоқ эмас... Акбар шу уй таъсирида Искандар деган жойдаги кенг, текис ер майдонининг атрофига девор олдирди ва узоқ яшайдиган дарахтлар экдирди. Сўнг хотини Жодҳа Байга бу жойни махсус кўрсатди:

— Марями замон, бу дунёга ҳаммамиз ҳам меҳмонмиз. Умрим битса, абадий маконим мана шу ер бўлсин...

Ўғли Салим отасига қарши исён кўтарганидан Жодҳа Бай жуда эзилиб юрган эди. Уйга қайтганларида бирдан кўзига ёш олди.

— Сиз Салим туфайли бундай ғамгин гапларни айтмоқдамисиз, ҳазратим? Аммо Салимни мен туққанман! Ўғил туфайли бу дунёдан кечмоқ керак бўлса, аввал мен кечай! Менга рухсат беринг, Оллоҳободга ўзим борай! Агар Салим сизга қарши қилич кўтарса, ўша қиличга аввал мен ўзимни тутай! Майли, мени ўлдирсину кейин сизга қарши жангга чиқсин!

Йиғлаб айтилган бу сўзлар Акбарни ларзага келтирди... У Жодҳа Байни бағрига босди-да, ўртаниб дил ёрди:

— Марями замон, менинг гуноҳларим сизникидан кўпроқ! Шоҳлик удумлари қуриб кетсинки, мену сизни оилавий бахтдан маҳрум қилди. Шу удумга бўйсуниб ўғилни тўрт ёшидаёқ сиздан айирдим, Фарид Бухорий каби мураббийларга ишониб бердим! Ўғил тарбиясига кўпроқ қунт қилмаганимдан энди минг пушаймонмен! Болага қанчалик меҳру эътибор берсанг, у ўшанчалик сеники бўлур экан. Биз беролмаган меҳру эътиборни бошқалар берса, бола ҳам ўшаларники бўлиб кетар экан! Мен бу аччиқ ҳақиқатни энди билмоқдамен. Қайси бир гуноҳимни айтايки, Салим ҳаммасини кўпайтириб, шишириб, ўзимга қарши зарбага айлантормоқда! «Экканингни ўрасен!» деганлари рост экан! Шахсий ҳаётда қандай гуноҳлар эккан бўлсам, энди ўғлим орқали шуларнинг ёмон оқибатларини ўрмоқдамен, Марями замон! Менга қўшилиб сиз ҳам қилмаган гуноҳларингизнинг азобини тортмоқдасиз! Бу не кўргуликки, руҳим гуноҳларга тўлган танамдан безор бўлди! Шунинг учун бу беш кунлик дунёдан тезроқ кетким келмоқда!

Рани Жодҳа Бай Акбарнинг бағрида юм-юм йиғлаб:

— Суянган тоғимизсиз, бизга раҳм қилинг!— деди.— Ҳали ҳам менга ижозат беринг. Бориб Салимни бошлаб келай!..

— Салимга Рожа Рам Дасни элчи қилиб юбордим. Жавобини билайлик... Кейин!..

Акбар Дакандан қайтиши керак бўлган Абулфазлни ҳам кутмоқда эди. Ора узоқ. Отда қирқ кунлик йўл. Абулфазлнинг ҳаяллашини Акбар шундан деб билар, унинг ўлдирилганини хаёлига ҳам келтирмас эди.

Лекин зилдаи оғир ҳислар вужудини босиб ётар, руҳи тушкун, бўлажак мақбара режаси хаёлидан нари кетмасди.

Уйқусиз тунда ўзи қўйиладиган мақбаранинг хомаки режасини чизди-ю, эртаси куни бош меъморни маслахтагга чақирди.

— Мавлоно, ўлим ҳақ. Эс борида этакни ёпмоқчимен. Замонлар ўзгарди. Бу обида ота-боболаримиз қўйилган мақбаралардан бошқачароқ бўлмоғи керак.

Нозиктаъб меъмор тирик одам билан унинг бўлажак қабри ҳақида гаплашишдан аввал жуда тортинди. Лекин Акбар ўз мақбарасининг баланд пештоқлари Самарқанд обидалари каби ранг-баранг бўлиши кераклигини, фақат кошнлар ўрнига рангли тошлар тарашланиб, қандай гулчин қилинишини айтгани сари, меъморни унинг ғоясидаги янгилик ўзига тортди-ю, ўнғайсизлиги тарқаб кетди.

Дехлидаги Ҳумоюн мақбарасининг миноралари йўқ эди. Акбар ўз мақбарасининг тўрт томонига оқ мрамрдан тўртта минора ясашни буюрди. Ҳумоюн мақбараси қурил-

ганда Акбарга ҳаёт ҳозиргидан беҳатарроқ туюлар эди. Шунинг учун Деҳлидаги обиданинг атрофи очик, унга бирваракай ўнлаб одамлар кириб чиқиши мумкин. Аммо янги маслак эълон қилингандан бери Акбарнинг ғоявий душманлари кўпайиб кетди, ҳатто тўнғич ўғли ўшалар томонга ўтди. Узи тириклигида шунчалик хуруж қилаётган ғанимлар Акбар оламдан кўз юмса, қабрини бузишдан ҳам тоймайди. Мақбарани ҳимоя қилиш осон бўлсин учун сағонага кириладиган узун мармар йўлакни фақат икки киши ўта оладиган торликда режалаштирди. У бешинчи қаватга қўйиладиган қабр тоши ёнига бисотида бор камёб лаъл ва гавҳарларни сангфарш қилиб ўрнатиш ниятида эди. Бу нодир жавахирларни кўриқлаш¹ осон бўлиши учун юқориги ошиёнга чиқадиغان тош зиналар тарҳини ҳам фақат битта одам сиғадиган даражада тор қилиб чиздирди.

Акбар ўзига мақбара қурдирмоқчи эканини эшитган Ҳамида бону ўғлининг хилватхонасига кирди-ю, унинг сағона тарҳини чизиб ўтирганини кўриб, даҳшатга келди:

— Сизга не бўлди, шоҳ ўғлим! Ҳали мен, онангиз, таник юрибмен! Тангрига шукур, етмиш тўққизга кирдим. Сиз аввал менинг ёшимга боринг. Марями замонга васиятнамо сўзлар айтибсиз, эшитгандан бери йиғлайдир! Менинг ҳам дилимда ғулғула!..

— Бу ўткинчи дунёга ҳеч ким устун бўлолмас экан, онажон. Вазиятни кўриб турибсиз. Тарҳ чизишга бошқа вақтим бўлмайми, йўқми, билмаймен!

Бу мақбара Акбарнинг сўнгги меъморлик асари бўлишини у ичдан сезиб турарди.

— Ниятни яхши қилинг, болам. Ахир саксон, тўқсонга борганлар йўқми? Неварангиз Хисрав ўн бешга кирди. Эндиги йил уйлантирғаймиз. Азиз кўканинг кичик қизига меҳри бор экан. Унаштириб қўяйлик. Хуррамжон ҳам ўн бешга кирди. Тўйлар қилинг, сиз ҳам менга ўхшаб эвара, чевара кўринг!

Баданидан эти қочиб, муштдеккина бўлиб қолган Ҳамида бегимнинг руҳи ҳали тегик, ҳассага суюнамасдан гавдасини тик тутиб юрибди. Онаси неваралардан, тўйдан гапириб, ахири Акбарнинг хаёлини оғир ўйлардан четга тортди.

Бирга туғилиб ўсган содиқ тенгдоши Азиз кўка билан қуда бўлиш Акбарга ҳам ёқимли туюлди. Дакан юришида икки йил бобосининг ёнида бўлиб, унга жуда ёқиб қолган Хисрав ва Хуррам отасидан кўра Акбарга кўпроқ ён босар эдилар. Хисравни Азиз кўканинг кичик қизига унаштирган кунлари зиёфат пайтида Қиличхон Андижоний:

— Жаноби хони аъзам, — деб Азиз кўкага тегишди, — ҳазратим неварга уйлантирмоқчилар. Сиз, тенгдошлари бўлатуриб, ҳали ҳам қиз чиқариб юрибсиз!

— Сал кечикканмиз-да, жаноби Қиличхон. Бўлмаса бизда ҳам олти ўғил, олти қиз, элликдан ортиқ неварга бор. Ҳинд аёли жуда болажон бўлишини қирқдан ошгандан билиб қолдик. Кенжа қизимиз Ҳинд хотинимиздан туғилган.

— Биринчи аёлингиз эронлик эди-ку.

— Ҳа, эронлик хотиннинг тили жуда ширин эди, сўхбатлашиб роҳат қилур эдим. Туронлик катта хотиним ҳукмрон бека бўлиб турадир. Ундан ўзим ҳам ҳайиқурмен!

Бу гапга Акбар ҳам кулиб юборди. Ёр-дўстлар даврасидаги ҳазил-мутойибадан, неваралари Хисрав ва Хуррамнинг беғубор, масъум меҳридан Акбар энди сал яйраб, аввалги ғамларни хаёлидан узоқлаштира бошлаган кунларда яна бир мусибатли хабар Асадбек қиёфасига кириб, эшик тақиллатиб келди. Абулфазлнинг ўлимини Акбарга қандай айтишни билмай қолдилар. Шунда саройнинг Ҳожи Жаҳон деган энг нуруний мўсафиди елкасига кўк фўта ташлаб, унинг ҳузурига мотамсаро юз билан кирди.

— Сизга қувват берсин, ҳазратим! — деб бошлаган сўзидан ва кўк фўтадан яна бирон бахтсизлик бўлганлигини Акбар сезди. Юраги «шиғ» этиб:

— Не бўлди, мавлоно? — деб сўради.

— Жаноби Абулфазл... Худо раҳмати...

— Абулфазл?! Қачон? Ким айтди?!

Асадбекни Акбар ҳузурига чақирдилар. Абулфазлнинг ўлган жойида фақат танаси қолганини, бошини кесиб, Оллоҳободга олиб кетганларини эшитганда, Акбарнинг баданидан «лоп!» этиб олов чиқиб кетгандай бўлди.

— Ў, номардлар! — деб қичқириб юборди. — Салимга тахт керак бўлса, мени ўлдирсин эди! Абулфазлда не айб?! Ў, номардлар!..

Ўттиз йил давомида ҳаётнинг барча аччиқ-чучукларини бирга татиган дўсти, ҳамма алғов-далғовларни бирга бошдан кечирган сафдоши энди йўқ! Акбар суюнган устунни қулаган уйдаи ларзага тушиб, ўкириб йиғлади:

— Тилаб олган ўғлим!.. Узимдан чиққан бало!.. Бунга қайдин даво излайин!..

Асадхон бошлиқ уч минг сараланган навкарлар Серанж томонларга бориб, ўрмонни тити-пити қилиб, Бир Синхни излашди, аммо топишолмади. «Уни Салим Оллоҳобод томонларда яшириб юрибди» деган махфий ахборот келди.

— Ўғил билан жанг қилиш тақдиримда бор экан! — деди Акбар саркардаларни машваратга йиғиб. — Икки юзта ҳарбий кема тайёр қилинсин. Оллоҳободга ҳам сув йўлидан, ҳам қуруқликдан ҳамма қилурмиз. Мингта фил, ўттиз минг отлик икки ой ичида тахт қилинсин!

¹ Кейинчалик Акбар қабри ёнидаги бу нодир жавахирларни инглиз мустамлакачилари пичоқ билан кўчириб олиб кетдилар.

Салимнинг ҳарбий кучлари бундан ҳам ортиқ эди. Акбарга қарши кўп марта исён кўтарган Жаунпур, Бихар ва бошқа шарқий вилоятлар ҳозир Салимни подшо деб тан олган, олиқ-солиқдан тушадиган олтин-кумушларни унинг Оллоҳободдаги хазинасига келтириб тўкишар, юзлаб филлар, от-уловлар ва бошқа совғаларни ҳам Салимга пешкаш қилишар эди. Шаҳзода ҳозир бойиб кетган, аскарларининг сони ҳам қирқ мингдан ошган, шунинг учун отасидан тап тортмас эди.

Ота-бола бундай катта кучларни майдонга чиқариб уруш қилса, оқибати қанчалик ёмон бўлиши оналарни даҳшатга келтирди. Ҳамида бону бетобланиб ётиб қолди. Акбар онасини кўргани борса, Салима бегим билан Жодҳа Бай қайноналарининг тўшаги ёнида ўтиришган эканлар.

— Онажон, сизга не бўлди?

— Уйқу йўқ. Оёқ-қўлдан дармон кетди. Туролмай қолдим.

— Ҳаким Мисрий дармонга киритадиган даъволар қилсин. Яхши бўлиб кетгайсиз.

— Шоҳ ўғлим, менга Ҳаким Мисрий эмас, фақат сиз шифо бермоғингиз мумкин!

— Мен? Айтинг, қани...

— Шунча йил умр кўрганим аввало худодан бўлса, сониян сизнинг яхши фарзанд чиққанингиздандир. Лекин энди Оллоҳободга қўшин тортмоқчи эмишсиз. Шуни эшитгандан бери дилим вайрон! Ахир ўйланг: ота-бола урушида ғолиб бўлгайми? Қайси томон енгилса ҳам, бизга бахтсизлик келтирмагайми? Самарқанддаги Улуғбекнинг ўз ўғли Абдуллатиф билан урушгани не оқибатга олиб келганини бир эсланг!

— Ахир бу нобакор ўғил муомалага кўнмаса, не қилай, онажон? Яхшиликча ҳузуримга қайтсин, айби бўлмаса исбот қилсин, деб рожа Рам Дасни Оллоҳободга элчи қилиб юбордим. Рад жавоби олиб келди. Қирқ йил жон чекиб ягона давлат туздим, неварангиз уни иккига бўлиб парчаламоқда!.. Бегуноҳ Алломийни қасддан ўлдиртиса, қотилни яшириб юрса!.. Йўқ, мен бунга жазо бермагунча тинчимаймен!..

Маряма Замон Акбар қаршисида чўкка тушиб, қўлларини кўксига қўйди:

— Ҳазратим, ёмон одамлар ораларингизга нифоқ солмишдир! Салим Абулфазлни ўлдиртирганига мен ишонмаймен! Салим бундай қилиши ақлимга сиғмайдир! Мана, Салима бегим ҳам айтсинлар!

Муроднинг ўлимидан сўнг сочлари оппоқ оқариб, нуроний кампирга айланиб қолган Салима бегим Акбарга юзланди:

— Мен ёлғиз ўғлимдан жудо бўлдим. Бошимга оғир кун тушганда Маряма Замон туғишган синглимдай ёнимдан турди. Шаҳзода Салим ҳам «мен сизга ўғил эмасменми» деб неча марта дилимга таскин берди. Раҳматли катта момомиз Моҳим бегим ўгайлик балосидан мудом баланд турар эканлар. Ҳиндол мирзони ўз ўғилларидек тарбия қилган эканлар. Ҳазрат онангиз ҳам бизни ўша улўғ момодан ибрат олиб, иноқ бўлишга ўргатдилар. Мен ҳам шаҳзода Салимга меҳр қўйганмен, шеър ўргатганмен, уни ўз ўғлимдан зиёд парвариш қилганмен!

— Бу рост!— деди Маряма Замон.— Шайх Бобо¹ ҳам бегимни мендан зиёд ҳурмат қилур.

— Шунинг учун,— деб Салима бегим Акбарга қараб давом этди,— агар ваколат берсангиз, мен Оллоҳободга элчиликка борай. Аминменки, Абулфазлнинг ўлимида шаҳзода Салимнинг иштироки йўқ. Ота-болани уриштиришдан манфаатдор қора кучларнинг тўхмати бу!

Акбарнинг ўзи ҳам бунинг тўхмат бўлишини жуда истарди, ўшанда унинг бир алами икки бўлмасди.

Ўғли ўйлиниб қолганини кўрган Ҳамида бегим Салимага ён боса бошлади:

— Бир вақтлар раҳматли Хонзода бегим Аградан Лахўрга элчи бўлиб бориб, оғанин урушини бартараф қилган эди. Салима ҳам ҳозир ўша доно кайвонининг ёшида. Ўзи ҳам йил сайин Хонзода бегимга ўхшаб бормоқда. Кечиримли бўлинг, шоҳ ўғлим. Бобур бобонгиз «улуғлар кўтаримлик бўлғай» деб бежиз айтмаганлар!

Оллоҳобод Жамна билан Ганга қуйиладиган жойда, Аградан отда сал кам бир ойлик йўл эди. Салима бегим шаҳзодани ўгай кўрмай, шундай узоқ сафарни ва мушкул элчиликни зиммасига олмоқчи экани Акбарга катта бир фидойилик бўлиб кўринди. Онасининг беморлиги-ю, Маряма Замоннинг дардларига ҳам даво шу эканини Акбар сезди. У Салима бегимга уч юз кишилик кўриқчи аскар ва бошқа ҳамма керакли нарсаларни бериб, Оллоҳободга жўнатди.

Орадан уч ойлар ўтди, савр оии кириб, ҳинд иссиқлари авжига чиқа бошлаган кунларда Оллоҳободдан хушхабар келди. Катта амиру саркардалар бориб кўндира олманган шаҳзодани Салима бегим Аграга отаси билан ярашишга кўндириб олиб келмоқда эди. Келини ҳалокатли уруш ҳавфини бартараф қилганидан суюнган Ҳамида бегимнинг беморлиги ҳам эсидан чиқиб кетди. У келини ва надималарини ёнига олиб, Аградан маҳофада пешвоз чиқди-да, Салима бегимни шаҳардан ўн мил нарида кутиб олди.

Шаҳзода Салим отасига атаб беш юзта фил, бир карвон туяга юк бўладиган олтин ва турли совғалар олиб келди. Ўғлининг бош эгиб таъзим қилганидан ва катта совға-

¹Шайх Бобо — Шаҳзода Салимнинг уйда айтиладиган номи.

лар келтирганидан кўнгли ийиган Акбар уни бағрига босиб кўришди. Лаъл ва гавҳар қадалган қимматбаҳо саллаларидан бирини Салимнинг бошига кийдирди. Ярашишнинг охири тўйга уланиб кетди — Салимнинг тўнғич ўғли Хисравни Азиз кўканинг қизига уйлантирдилар.

Ота-бола урушининг олдини олган оналар ва бошқа хайрихоҳлар «Абулфазлнинг ўлимида фақат Бир Синх айбдор» деб Акбарни ишонтирган бўлсалар ҳам, лекин дилининг бир четида тошдай тугун ҳамон ечилмай турур эди. Акбар тасвирхонага Салим билан бирга кирган кунни унга Абулфазлнинг суратини кўрсатди. Икки кўлида иккита китобни ушлаб турган Абулфазлнинг кўзлари тўла нур, лаблари қатида неклик, у ҳамон тиррикдек ва ҳозир гапириб юборадигандек кўринди.

Шу пайт унинг қонли салласига ўралган кесик калласи, қилич теккан пешонаси Салимнинг кўзига қайта кўриниб кетди. Суратдаги Абулфазл қоғоз юзидан туриб келиб, шаҳзоданинг ёқасидан оладигандек ва уни Акбарга тутиб берадигандек туюлди. Салимнинг ранги ердай ўнгиб:

— Йўқ, йўқ, Бир Синх ўзи қилган бу ишни!— деб юборди.

— Ундоқ бўлса... нечун Бир Синхни Оллоҳободда яшириб юрган эмишсиз?

— Бир Синх Меварга қочиб кетмишдир! Кўрган одамлар айтди: тоғларда сизга қарши исён кўтарган Амар Синх уни ўз паноҳига олмишдир.

— Лекин сизнинг Бир Синх билан тил бириктирганингиз ҳақидаги овозалар ҳали ҳам босилгани йўқ. Агар бу чиндан тўхмат бўлса, фош қилмоғингиз керак. Неча минг кўшин керак бўлса берай, Мевардаги исёнчиларга кўшилган Бир Синхни тутиб келинг.

Отаси Абулфазлни унутолмаслигини, унинг руҳи ва хотираси ҳам ораларига ихтилоф солишини Салим жуда оғриниб ҳис қилди. Отаси учун Салим Оллоҳободдан келиб узр сўрагани етарли эмас эканми? Энди яна Мевар тоғларига кўшин тортиб бориб, Абулфазлнинг қотилини тутиб келиши қолганмиди? Лекин у дилидан ўтган бу норозиликни отасидан яширди. Тил учиди:

— Фармонингиз бош устига!— деб таъзим қилди.— Фақат ижозат берсангиз, аввал бир Оллоҳободга борсам. Асосий кучларим ўша ёқда қолган. Ҳаммасини йиғиб келсаму, кейин Меварга кўшин тортсам...

Акбар бунга ижозат берди. Салим Оллоҳободга бориб олгандан кейин Мевар юришидан бош тортди. Ҳозир унинг ўз саройи ва катта кўшини бор эди. Кимки Акбар билан чиқишолмаса, Оллоҳободга бориб, Салимдан паноҳ топарди. Орадан кўп ўтмай Салимнинг тарафдорлари Оллоҳободдаги масжиди жомеда хутбадан Акбарнинг номини олиб ташладилар. Шайх Рукниддин Салимнинг номини хутбага кўшиб ўқигани оғиздан-оғизга ўтиб, Акбарнинг қулоғига ҳам етиб келди.

* * *

Ота ва ўғил низоси кун сайин улканлашиб, гўё баланд бир тоғга айланиб кетди. Акбарнинг жузаяни бекор қилгани, турли эътиқодларни баробарлаштиргани, қирқ йил давомида жорий этган бошқа янгилликлари жуда кўп диндору амалдорларни аввалги имтиёзларидан маҳрум этган эди. Уларнинг назарида, Акбарнинг янгича сиёсати тоғнинг кунгай томони каби жазирама, нам турмайдиган, ўрмон ўсмайдиган сувсиз чағатдек кўринарди. Мулла-имомларнинг эски имтиёзларини тиклаётган Салим эса гўё тоғнинг ёмғир кўп ёғадиган кўкаламзор, серсув терскай томонидай туюларди. Шунинг учун улар Салим томонга ёпирилиб ўтиб борар эдилар. Тарафдорлари кун сайин кўпайиб кетаётганидан дадилланган Салим ўз номига олтин тангалар зарб этдиришга тушди. Бу тангалардан дини илоҳийнинг тимсоли бўлган «Оллоҳу акбар» иборасини олдириб ташлади. Унинг ўрнига Акбардан олдинги даврда олтин тангаларга зарб этиладиган Калимаи шаҳодатни қайта ёздирди. Савдогарлар билан бирга бутун мамлакатга тарқаётган бу тангалар эски мусулмонободни қўмсаб юрган Акбарнинг ғанимларини жонлантириб юборди. Агар қўйиб берилса, Оллоҳободдаги жунбиш Панжобу Гужаратга, Кобулу Синдга ҳам тарқатиш мумкин эди.

Акбар бу фалокатнинг олдини олиш учун бултур тўхтатилган Оллоҳобод юришини қайта бошлашга мажбур бўлди. Банголадан қайтган Ман Синх ва Дакандан чақирилган Абдурахим хони хонон қирқ минг отлик аскар, беш минг филни қуруқликдан шарққа томон бошлаб кетдилар. Акбарнинг ўзи Жамнада саф тортиб турган икки юз ҳарбий кема билан борадиган бўлди. Одатга биноан, узоқ юришга кетишдан олдин онасидан оқ фотиҳа олиш учун Ҳамида бегим турадиган кўшкка йўл олди.

Салима бегимнинг элчилиги ота-бола уришини фақат бир йилгина орқага сурганини, орадаги ихтилофнинг илдиэлари жуда чуқур эканини, Акбар Оллоҳобод исёнини бартараф қилмай туролмаслигини энди онаси ва хотинлари ҳам тушуниб қолишган, уни қайтаришга кучлари етмас, фақат золим фалакнинг гардишидан куйиниб йиғлашар эди. Ҳамида бегим яна хасталаниб қолган, Акбар кирганда, орқасига ёстиқ қўйиб, деворга мажолсиз суяниб ўтирар эди. У ўғлини кўпроқ ёнида тутиб тургиси келиб, узоқ хотираларга берилди, Жамна бўйларида қандай чавгон ўйнагани, Тар саҳросида қанча вақт саргардон бўлгани, Қазвину, Кобул, Бҳираю, Қашмир — ҳаммасини тўхтаб-тўхтаб, бирма-бир эслаб чиқди.

— Шоҳ ўғлим, хонадонингизнинг энг кексаси — фақат мен қолдим, — деди. — Гулбадан бегим бултур яраш-яраш бўлган фараҳли кунларда оламдан ўтганига ҳозир менинг ҳавасим келур... Саксонга кирганда умримнинг энг тахир даври бошлангай деб ҳеч ўйламаган эдим, болажоним!..

Ҳамида бегим кўз ёшини оқ доқа рўмолининг учи билан секин артиб қўйди.

— Насиб бўлса, бу тахир кунлар ҳам ўтгай, онажон. Яна фараҳли дамларга етгаймиз...

— Акбаржон, бутун умр мен сизга омад тиладим, мағлубиятингизни кўрмайин дедим! Илоҳим, ота-бола икковларинг ҳам кетимда қолинглар, доғларингни кўргилик қилмасин! Шу гал кўнглим жуда безовта.

Акбар онаси билан қучоқлашиб хайрлашар экан:

— Кўп хавотир бўлманг, ҳали яна кўришгаймиз! — деди.

У туғилгандан бери бор бўлган онаси ҳеч қачон ўлмайдигандек, абадий собит турадигандек туюларди. Лекин Акбар кемага тушиб, Оллоҳобод томонга икки кун сузар-сузмас шум хабар уни қувиб етди.

Қуруқлик йўлдан шошилиб келган чопар Акбарга Салима бегимнинг мактубини тутқазди:

«Ҳазрат онамлар изтироб чека-чека беҳол бўлиб йиқилдилар. Охири айтган сўзлари Сизнинг номингиз бўлди. Кечадан бери тилдан қолдилар. Фақат кўзлари очик, атрофга термулиб сизни излайдилар. Ҳазратим, жон беролмай қийналаётган улуғ онангиз ҳурмати, тезроқ етиб келинг.

Завжангиз Салима бегим».

Акбар дарҳол кемадан тушиб отланди-ю, Аграга қайтди. Ўша заҳоти Рани Жодҳа Бай Оллоҳободга Салимга мактуб йўллади:

«Ҳазрат, отангиз ҳарбий юришни тўхтатиб, Аграга қайтдилар. Мен Сизга берган оқ сутимга рози бўлишимни истасангиз, сиз ҳам улуғ бувингиз билан вилолашиш учун тез Аграга келинг. Бу ўткинчи дунёда яхши от қолдиринг, жоним болам! Ёш тўла кўзлар билан йўлингизга нигоронмен. Онангиз Рани Жодҳа Бай».

Акбар ярим кечада саройга етиб, Ҳамида бегим ётган хонага кирди. Ранги қонсиз, кўзлари юмуқ онасининг ёнида чўккалаб, унинг озғин танасини чойшаб билан бирга қучди-да:

— Онажон! — деб секин чақирди.

Ёлғиз ўғлининг овози Ҳамида бегимни гўё нариги дунёдан қайтариб олиб келгандай бўлди. Кўзини мажолсиз очди-ю, тепасида Акбар турганини кўрди. Шунда хира кўзлари нурга тўлиб бир ёришди, аммо тили гапга келмади. Акбарни тирик кўргани она учун сўнги тасалли бўлди. Илҳақлик тутиб турган жон энди узилди-ю, очик кўзлар тез сўна бошлади.

Оллоҳободдаги Салим ҳам уруш ҳаракатларини тўхтатиб, бувисини дафн қилишга келаётгани атроф вилоятларга маълум бўлди. Ҳатто ўз ўлими билан фалокат урушининг олдини олган Ҳамида бегимга бутун мамлакат аза тутди. Унинг тобутини Аградан Деҳлигача юз минглаб одамлар кузатиб қўйдилар. Бегимнинг жасади ўзи қурдирган Мирзо Ҳумоюн мақбарасининг ўнг қанотига дафн этилди. Одатга биноан, унинг қабри устига қўйилган мраммар тош юзасига тўрт қиррали мўътабар белги тарашланди. Бу белги Ҳамида бонунинг тўрт фарзанд кўрган она эканини билдирар эди.

Оллоҳобод узоқ бўлгани учун, Салим орадан ўн беш кунлар ўтгандан сўнг Деҳлига етиб борди. Ҳиндистон одатига биноан мотамсара оқ кийим кийиб, бобоси ва бувисининг мақбарасини зиёрат қилди. Сўнг Ҳамида бегимнинг Аграда ўтказилаётган йигирмасига йўл олди.

Салимнинг қўшинсиз келгани Акбарга яхшилик аломати бўлиб туюлди. Йигирмага келганлар тарқагач, у ўғлини хонайи хосига таклиф қилди-ю, қаршисига ўтқазди.

— Хайриятки, бу гал дилингизда меҳру оқибат қолиб келибдур, — деди. — Онам раҳматлик ўз ўлими билан, аввало, сизнинг истиқболингизни қутқарди, амирзода! Салим кинояли илжайди:

— Ҳазратим, нечун фақат мени?.. Сиз умр бўйи худди афсонавий Рустами-Достон каби мағлубият кўрмай келмоқдасиз... Агар Рустамнинг шундай халоскор онаси бўлганда, эҳтимол, ўғли Сухроб ҳам уни енголмаган бўларди!..

Акбар ўғлининг нима демоқчилигини тушунди-ю, овозини таҳдидли пасайтириб сўради:

— Э, ҳали сиз Сухроб бўлиб мени енгилганингизга ишонганмидингиз?! Наҳотки сиз билан Сухробнинг орасида қанчалик катта фарқ борлигини билмайсиз? Сухроб умр бўйи отасини кўрмай ўсган, уни танимай, билмай ҳалол олишган! Аммо отасининг эркаси бўлиб, кўзининг ёгини еб ўсган шаҳзодалар кўра-била туриб падарқушлик қилганда, олти ойдан ортиқ подшо бўлолмаслигини тарих қайта-қайта исбот этган-ку! Энг охири далил — отасига қарши тажовузлар қилган туронлик Абдумўмин ҳам Абдуллахондан кейин олти ой подшоҳлик қилар-қилмас боши кесилганини эшитганмисиз?

— Эшитганмен, кўп оташин бўлманг, ҳазратим! Отага қарши қилич кўтарган ўғил-

нинг давлати узоққа бормаслигига мен ҳам энди аминмен¹. Шунинг учун, мана, қўшин-сиз, қуролсиз, бош эгиб ҳузурингизга келдим.

— Хўш, қани, тилагингиз недур?

— Ҳазрат отажон, мен ҳам ўттиз бешга кирдим. Ўғлим Хисрав фарзанд кўрди, мен энди неваралик, сиз чеваралик бўлдингиз. Мамлакат жуда улкан бўлиб кетди, уни бошқариш сизга ҳам қийин. Бу борада Шоҳруҳ Мирзо билан ўғли Улуғбекнинг тажрибалари бизга мос келмоғи мумкин. Ота Ҳиротда, ўғил Самарқандда бўлгани каби сиз Аграда бош бўлиб турсангиз, фақир Оллоҳободда шарқий вилоятларни идора этсам...

— Демак, сиз Мирзо Улуғбекдек мустақил подшо бўлмоқчисиз! Аммо ёшингиз шунчага кириб, неваралик бўлиб, Улуғбек қилган буюк ишларнинг қайси бирини қилдингиз? Расадхона-ю, мадрасалар қурдингизми? «Зижи Кўрагоний»дек кашфиётлар қилдингизми? Оллоҳободда сиз ўзингизга сарой қилиб олган қирқ устунлик улғувор қасрни ҳам биз қурдирганмиз! Сиз тайёрига айёр бўлиб, кайфу сафо қилиб юрибсиз!

Акбар ўз дилида йиллар давомида ўғлига қарши тўпланиб юрган дарду аламларни бирваракай тўкиб солди:

— Агар сиз менга тўғаноқ бермаганингизда, фарангларни жанубдаги Гоа-ю, Дамандан аллақачон қувиб юборган бўлардим! Улар бизнинг ички низоларимиздан фойдаланиб энди Банголанинг жанубида ҳам пайдо бўлишди, Хугла деган бандарни ўзлариники қилиб олишди. Агар сиз менга ёрдам берганингизда, Турондаги хайрихоҳларимизнинг истиқболи ҳам бошқача бўларди! Биз бу ерда ўзимиз билан ўзимиз овора бўлиб қолганимиз учун қаёқдаги аштархонийлар Бухорою Самарқанд тахтини аллақачон эгаллаб олдилар. Шунча ёмонлик қилганингиз озмидики, мана бу тангалардан менинг номимни олиб ташлабсиз!

Акбар зарбоф кўрпача тагидан бир сиқим олтин тангани олиб, ўғлининг устига сочиб юборди:

— Мен эллик йил жон чекиб амалга оширган нек ишларни наҳотки тилаб олган ўғлим шунчалик ноинсофларча барбод қилса? Яна, бунинг устига, Абулфазлдек энг сунъанган дўстимнинг бошига етса?!

Салим сўнгги гапдан дир-дир титрай бошлади. Акбар унинг гуноҳкорлигини шундан ҳам сезди-да, қаттиқ қарсак чалди. Эшик ортида турган иккита девқомат йигит тез кириб келишди.

— Олинг буни!— деб Акбар йигитларга буюрди.— Ғусулхонага элтиб ҳибс қилинг! Жазосини тортсин!

Танаси латтадай бўшашиб қолган Салимни икки йигит икки қўлтиғидан олишди, қасрнинг бир четидаги ғусулхонага олиб бориб, қамаб қўйишди.

Подшоҳ оиласининг чўмиладиган жойи бўлган ғусулхонанинг ичи нам, деразаси йўқ. Деворлари мрамрдан, оёқ остиларига рангли тошларни чиройли қилиб териб сангфарш қилишган. Дам оладиган хонасига хушбўй атрлар сепилган, гулдор гилам ва ким-хоб кўрпачалар тўшалган. Лекин ҳозир ёмғир фасли, бунинг устига ғусулхона ўзи нам, ҳамма нарса зах тортиб қолган. Сочикларнинг ҳули қуримаган. Одамлар баданларининг кирларини ювган шу жойда кеча-ю, кундуз қамалиб ўтириш таби нозик шахзода учун чидаб бўлмас қийноққа айланиб кетди.

Акбар ичкарига ҳеч кимни, ҳатто оналарни ҳам киритмасликни, сув-нондан бошқа ҳеч нарса бермасликни буюрди. Соқчилар бу буйруқни қаттиқ туриб бажара бошлашди.

Мудом сархил овқатлар ейдиган, ҳар куни кечки пайт хушбўй чоғир ичиб турадиган, икки-уч кунда бир афюн қўшилган маъжун еб кайф қилишга ўрганган Салим тўққиз кун нон-сув билан зах ғусулхонада ўтиргач, баданлари тиришиб, ўладиган ҳолатга келди. Эшикларни тақиллатиб дод солди:

— Мен касалмен! Очинг! Чоғир беринг! Бас! Бўшати мени! Бўшати мени!

Ўғлини кўришга келган, лекин ичкарига киролмаётган Рани Жодҳа Бай йиғлаб гапирди:

— Мен не қилай, болам? Отангиз қаҳридан тушмаяптилар!

— Мени ҳам Муродга ўхшаб ўлдирмоқчимилар? Баданим тиришиб кетяпти! Чоғир берсинлар, бир хумордан чиқай! Бўлмаса ўламен!

Маряи Замон Акбарнинг олдига борди:

— Шафқат қилинг! Мени ҳам фарзанд доғига пирифтор этманг!— деди.

Қўрқманг, Маряи Замон. Чоғир сўраган бўлса, ҳали дами баланд. Ётсин ўша жойда! Тавбасига таянсин!

Унинг куни Салим яна эшикни тақиллатиб дод сола бошлади. Гоҳ афюнни кўп еб, остонага бош қўйганича абадий уйқуга кетган биринчи хотини Ман Бай, гоҳ Абулфазлнинг кесилган боши унинг кўзига кўриниб кетарди. Ғусулхонада қандайдир даҳшатли шарпалар уни қувиб юргандай бўларди. У жинниларча бақириб, хўнграб йиғлади:

— Бўшати мени! Кўзимга арвоҳлар кўринмоқда! Жинни бўлишимни истай-сенларми? Очинглар!

¹ Салим худди шу сўзларни кейинчалик ўзининг «Тузуки Жаҳонгирий» деб аталган китобида ёзиб кетган.

Бу гал ёпиқ эшикнинг олдига Жодҳо Бай билан бирга Салима бегим ҳам келди.

— Мен бир бор элчи бўлиб орага тушган эдим, болам!— деди Салима бегим.— Саркашлик қилдингиз! Нечун чоғир сўрайсиз? Шафоат сўранг! Бир оғиз «тавба қилдим» денг!

Холдан тойган Салим заиф товуш билан:

— Хўп, онажонлар, менга шафеъ бўлинглар!..— деди. — Мени отамнинг олдига олиб борсинлар!.. Афу сўрай!..

Салим ўн кунлик ҳибс давомида уч-тўрт ой касал ётган одамдай рангини олдириган, кўзлари ичига ботган, оёқлари каловланиб зўра қадам ташлар эди. Икки она икки ёнида, уни отаси олдига олиб бордилар.

— Тавба қилдим! — деди Салим тиз чўкиб.

Акбар дармони кетиб қолган ўғлини қаршисига, оналарни икки ёнига ўтказди.

— Ўн кун ғусулхона — сизнинг тоғдай гуноҳларингиз ўтрусиди зиғирдай кичик бир жазо, холос,— деди Салимга. — Ўз оёғингиз билан келганингиз учун сизни аядим, оналарингизнинг юзидан ўтолмадим... Ёмонликнинг жазоси ҳаётдан қайтса, ана у ёмон бўлғай! Заҳҳоки Морон деган афсона ёдингиздами? Ёмонликни кўп қилгани учун Заҳҳоқнинг икки елкасидан иккита илон ўсиб чиқмишдир. Ана шундай илонлар ҳар қандай подшонинг ҳам елкасига ин қўйишга ишқибоздир. Бу илонларнинг бири золимлик, бири — бидъату хурофот. Бири — тахтпарастлик, бири — худпарастлик! Мен ўз елкамдан бош кўтармоқчи бўлган бу илонларни йўқ қилдим деб ўйлаган эдим. Кейин қарасам, бу илонлар сизнинг елкангизга ўрмалаб чиқмоқда. Ахир бу илонлар мудом қурбон талаб қилур! Суякли ёрингиз Шоҳ Бегим, менинг дўстим Абулфазл ана шу илонларнинг қурбони бўлмадики? Шу кетишда бу илонлар ахири ўзингизнинг ҳам бошингизга етмагайми?!

Сўнги гаплар ғусулхонада Салимнинг кўзига кўринган кўрқинчли шарпаларни ёди-га солди-ю, сескантириб юборди:

— Инонинг, ҳазратим, мен энди ўз номимга хутба ўқитмагаймен, пул ҳам зарб этмагаймен. Елкамдан ўсиб чиқмоқчи бўлган илонларнинг бошини кесгаймен!

— Илоҳим шу ниятингизга етинг, ўғлим! Бу илонлардан ҳали мен ўзим ҳам қутулган эмасмен. Тошу тахт, мутлақ ҳокимият бор жойда улар ҳамиша бўлур эканлар. Яхши бўлишни истасанг, умр бўйи бу илонлар билан олишиб яшашга мажбур экансен. Лекин дунёда яхши ном қолдиролмасанг, яшашнинг не қизиғи бор? Бобур бобомизнинг туркий сатрлари ёдингиздами? «Бори элга яхшилик қилғилки, бундан яхши йўқ, то дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилик».

— Мен бу ғазални бошдан-оёқ ёд қилурмен! — деди Салим.

— Агар ёд билсангиз, энди унга амал қилинг! Ахир авлодлар алмашганда алғовдалғов бўлиши, оталар билан болалар орасидан низо чиқиши тарихда кўп учрайдиган ҳодиса. Аммо бизнинг Бобур бобомиз билан отамиз шу фалокатдан юқори турган улуғ сиймолар эди. Улардаги меҳру оқибат, авлодларнинг бир-бирига фидойилиги — беҳад ноёб бир гавҳар экан. Энди сиз билан мен шу гавҳарни йўқотиб қўймайлик, ўғлим! Гавҳар ҳаёт уммониға қайтадан тушиб кетса, кейин уни топиб бўлмагай. Ана ундан сўнг қилган оқибатсизликларингиз ўғилларингиздан ўн ҳисса кўпайиб қайтгай. Охирида бу иллат уларни падарқушликкача олиб боргай! Зинҳор, минг зинҳор буни унутманг!

Акбарнинг сўнги сўзлари Салимга худди васиятдек эшитилди-ю, этини жимирлатиб, кўзларини жикқа ёш қилди...

Хотима

Ажал ҳам бир йўлини топиб олса, қайтиб келаверар эканми, орадан кўп вақт ўтмай ўттиз уч ёшлик Дониёл Даканда худди Мурод каби муттасил ичкилик ичишдан оқ тутқалоқ бўлиб вафот этди. Аввалги жудоликлар устига қўшилган яна бир маломатли ўлим Акбарга навбатдаги қақшатқич руҳий зарба бўлиб тушди. У ўзининг умри ҳам охираб қолаётганини сезиб, сўнги марта Деҳлига борди. Ота-онаси қўйилган мақбарода бир неча соат ўтириб, марҳумларнинг хоки билан видолашди. Деҳлидан Фатҳпур Секрига ўтиб, ўзи қурдирган саройлар, эътиқодхона ва тасвирхона биноларини бир-бир айланиб чиқди.

Азиз кўка, Ман Синх ва Абдураҳим унинг икки ёнида бормоқда эдилар. Тўртовлон Салим ота мақбарасини ҳам зиёрат қилдилар, рожа Бирбал ва Абулфазл турган уйларни кириб кўрдилар. Пойтахт кучиб кетгандан сўнг бўм-бўш бўлиб хувиллаб қолган Панж маҳал қасри, Девони ом, Девони хос Акбарда маъюс хотиралар уйғотди. У ҳаётнинг энг жўшқин йиллари ўтган кимсасиз биноларга қараб:

— Алвидо!— деганда тош деворлардан бўғиқ акс-садо қайтди.— Ҳайҳот, мен ишонган кўп нарсалар сароб бўлиб чиқди. Диний адоват ҳамон тугамас экан! Сулҳи кулл эълон қилдигу аммо урушдан сўнг бошимиз чиқмади! Турли эллару эътиқодларни бирлаштиришга кучимиз етмади. Отам раҳматли табиатдаги уйғунлигу мувозанатни давлат тартиботига жорий этмоқчи бўлган эди. Лекин бу — амалга ошмайдиган хаёлот эканини умрининг охирида фаҳмлади. Мен бутун одамзодни руҳан бирлаштирмоқчи

бўлганим ҳам ҳалибери амалга ошмайдиган бир хаёлот эканини энди сезиб турибмен. Балки бунинг учун асрлар керакдир. Инсоннинг умри шунчалик қисқа!..

Акбар Секри тепалиги устидан шимол томонга тикилиб, узоқларда Кашмир кўллари ичида сузиб юрган кемаларни, Кобул дарёси бўйидаги боғларни кўз олдига келтирди.

— Бир армоним — Самарқанду Фарғоналарни кўриш насиб қилмади, — деб қўйди. — Лекин шукр қилишим ҳам керак. Мана шу биноларни қурдик. Ёнимда олтмиш тўрт йилдан бери садоқатини бузмай келаётган сиздек кўналдошим бор. Рожа Ман Синх билан қирқ йилдан бери иноқмиз. Фарзандларимдан кўрмаган меҳру оқибатни тутунган ўғлим Абдурахимдан қўрмоқдамен. Учовларингиздан ҳам минг марта розимен!

Акбар Агра қалъасига қайтганда неваралари Хисрав билан Хуррам уни қарши олдилар. Акбар икковини филхонага бошлаб кирди, ҳар бирига энг ёқтирган филларини тақдим қилмоқчи бўлди.

Филхонада Акбарнинг эски қадрдони Бҳишан Чанд саркор эди. Ун саккиз ёшли Хисрав Намудор деган улкан бир филни маъқул кўрди. У онаси Шоҳ бегимнинг ўлимига отаси сабаб бўлганини билганидан бери Салимни суймас эди. Акбар Оллоҳободга кўшин тортганда, Хисрав ҳам отасига қарши урушга қатнашмоқчи бўлиб бирга отланган эди. Ман Синх билан Азиз Кўка Хисравни Салимнинг ўрнига валиаҳд деб эълон қилиш тарафдори эдилар. Лекин Акбар ота-бола душманлигини аланга олдирмаслик учун бу фикрдан қайтди. Ҳозир у Хисравга Намудорни тақдим қилар экан:

— Невараларим, сизлар ҳам шу филдай қудратли, филдай бардошли бўлинглар! — деди. — Бҳишан Чанд — менинг қирқ беш йиллик қадрдоним. Бағри кенг ҳинд халқининг заҳматкаш фарзанди. Бобур бобомизнинг Тоҳир деган заҳматкаш қадрдони бор эди. Сенлар ҳам ҳалол заҳматкашлар орасидан Тоҳирдек, Салим отадек, Бҳишан Чанддек қадрдонлар топинглар! Энг оғир дамларда шулардай беғараз, ҳалол одамларга суянинглар.

Бу йил ўн уч ёшга кирган ва отасидан ҳам кўҳлик йигитча бўлиб бораётган Хуррам энг бўйи баланд қора филни ёқтириб қолди. Акбар бу филни неварасига тақдим этар экан:

— Бунинг номи — Зинҳор! — деб тушунтирди. — Фил жуда зийрак жонивор. Яхшилиқни ҳам, ёмонлиқни ҳам унутмагай. Филга зинҳор ёмонлиқ қилмагин. Ота-боболарингдан фақат фазилатларни олинглару нуқсонларимизга зинҳор эргашманглар!..

Акбар милодий 1605 йилнинг кузида бир ойча касал бўлиб ётди. Вафотидан сал олдин Салимни ҳузурига чақириб, бошига ўзининг Кўҳинур олмаси қадалган салласини, эгнига тўнини кийдирди. Узи қирқ йил тақиб юрган ханжарни ҳам энди ёлғиз ўғил бўлиб қолган Салимнинг белига тақдирди.

Салим эса Фарид Бухорийга ёшлигида берган сўзининг устидан чиқди. Акбар оламдан ўтган, беку аъёнлар янги ҳукмдорга садоқат билдириш учун девони омга йиғилдилар. Шунда Салимнинг Нуриддин Муҳаммад Жаҳонгир номи билан тахтга чиқажагини биринчи бўлиб эълон қилиш Фарид Бухорийга топширилди. Мавлоно Фарид энг катта орзуси ушалганидан овози сурурли жаранглаб, бахтиёрлик туйғусини яширолмай, бу топшириқни бажонидил адо этди... Алберт Перейро эса кексайиб, ўз ватанига қайтиб кетди ва Акбарга қарши олиб борган махфий ишлари учун катта мартабаларга эришди.

Акбарни Аградан беш мил беридаги Искандар деган жойга, ўзи тарҳини чизган мақбарага дафн этдилар. Мақбарани ўн икки йил давомида улуғвор бир обида шаклида қуриб битиришга Маряма Замон Жодҳа Бай билан Салима бегимнинг кўп меҳнатлари сингди. Улар иккови ҳам саксон ёшдан ошиб, опа-сингиллардай иноқ яшадилар. Вафот этганларидан сўнг эса Акбар мақбарасининг икки қанотидан абадий ўрин олдилар.

Бу орада Хисрав отасига қарши исён кўтариб, енгилди-ю, кўзи кўр қилинди. Кўпроқ бобосига тортган Хуррам бобурийлар хонадонининг энг истеъдодли вакили бўлиб етилди ва кейинчалик Шоҳжаҳон номи билан танилиб, машҳур Тожмаҳални қурдирди. Аммо унганча Акбар Фатҳпур-Секрида қурдирган мухташам Эътиқод уйини жоҳил хурофотчилар таги-туғигача бузиб, яқсон қилиб ташладилар. Шу билан улар Акбарнинг турли эллар ва эътиқодларни аҳил қилишга қаратилган ғояларини ҳам тарих саҳифаларидан ўчириб юбормоқчи бўлдилар.

Лекин орадан ўтган тўрт аср давомида Акбарнинг маънавий изланишлари ва умуминсоний ғоялари унутилмади, балки оламшумул аҳамият кашф этди. Унинг номи ҳиндча, русча, инглизча, форсча, испанча ва бошқа тилларда босилган китобларнинг сарлавҳаларида учраши бежиз эмас.

Акбарнинг улкан истеъдодини юзага чиқарган Ҳиндистон уни ўзининг унутилмас тарихий шахслари қаторига қўшди. Фатҳпур Секрининг ҳанузгача жўшқин ҳаёт кечираётган меъморлик обидалари Акбарнинг ижодкор руҳи ҳамон тирик эканини кўрсатиб туради. Искандардаги Акбар мақбарасига ҳам ҳар куни Ҳиндистоннинг узоқ-яқин ўлкаларидан ва жаҳоннинг турли мамлакатларидан турнақатор одамлар келади. Унинг хотирасига алоҳида эҳтиром билдиришни истаганлар мрамор қабрининг бош томонидаги махсус супачага биттадан қизил гул қўядилар. Юмалоқ шаклли бу қизил гул қуёш ва меҳр рамзи ҳисобланади.

Акбар мақбарасига келиб гул қўйган сиймолар орасида ҳинд халқининг улуғ фар-

занди Жавоҳарлаъл Неру ҳам бўлган. Ж. Неру, Акбар ҳақидаги кўплаб тарихий китобларни ўқиб чиқади, унинг диний ва миллий адоватни йўқотиш борасидаги фаолиятига юксак баҳо беради. Ж. Нерунинг инглиз мустамлакачилари қамоқхонасидан ўз қизи Индира Гандига ёзган мактубларида¹ Акбар Ҳиндистонни бирлаштирган сиймолар қаторида қаламга олинади. Ж. Неру Акбарнинг шоҳлик ҳаётига оид салбий томонларни ҳам кўрсатади, лекин унинг улкан хизматларини ва инсоний жозибасини беқиёс даражада юқори қўяди. «Фақат шоҳлик мартабасидан бўлак ҳеч вақоси бўлмаган беҳисоб кўп тождорлар орасида Акбарнинг чинакам мардона қиёфаси юксакка бўй чўзиб, ҳалигача бизни қойил қилиб келаётгани ҳайрон қоларли ҳол эмасми!» деб ёзади Ж. Неру.


Кишини ҳайратга соладиган яна бир ҳодиса — Акбарнинг турли элларни яқдилликка чорловчи нидоси узоқ асрлар ва улкан масофалар оша улуғ рус революцион-демократи Н. А. Добролюбовга етиб борганлигидир. 1856 йилда Н. А. Добролюбов машҳур «Современник» журналида ҳинд халқининг инглиз мустамлакачиларига қарши кўтарган қуролли кўзғолонини қўллаб-қувватловчи мақола эълон қилади.

Сипоҳилар Деҳлидан инглиз мустамлакачиларини қувиб юбордилар. Акбар авлодларидан бўлган Баҳодиршоҳни сипоҳилар давлатининг бошлиғи деб эълон қилдилар. Н. А. Добролюбов кўзғолончи сипоҳиларнинг адолатли курашлари ва интилишлари муносабати билан Акбар олға сурган ғояларни эслайди:


«Акбар чинакам гениал шахслар қаторига киради. Унинг лавозими дилида туғилган ғояларини охиригача эркин тараққий эттиришга ҳалақит берди, лекин Акбар қилишга улгурган ишларнинг ўзи ҳам унинг ақлий кучини намоён этиб турибди... У яхшилик қилиб яшашни, ўз шахсий манфаати ва эҳтиросини умуминсоний меҳр ҳисларига бўйсундиришни муқаддас деб биларди...»

Ўтган асрда ёзилган бу нодир сўзлар фақат ўтмишга эмас, балки келажакка ҳам қаратиб айтилгандир. Айниқса, ҳозир турли эътиқодлар адовати авжига чиққан, шахсий манфаатлар ва ёмон эҳтирослар бутун одамзоднинг келажакига хавф солаётган замонда улуғ аجدодларнинг умуминсоний меҳрни муқаддас деб билишга чорловчи нидолари бизнинг бугунги ҳис-туйғуларимизни олдиндан сезиб қилинган башоратдек туюлади.

1981—88 йиллар.
Дўрмон.



¹ Бу мактублар кейинчалик «Дунё тарихига бир назар» номи билан уч жилдлик китоб бўлиб чиқди.



Олимжон Холдор

СОЧПОПУКЛАР ФАСЛИГА ҲАМИША ИНТИЗОРМАН

Андижон ироғи

Бугун сўлим бўлибдир Қорадарё қирғоғи,
Шўх боладай ўйноқлар жилғаларнинг ирмоғи.

Жилғаларнинг ирмоғи, сиримни сенга айтсам,
Висол эрур оқшомлар юраккинам сўроғи.

Юраккинам сўроғи: тинчлик бўлсин жаҳонда
Ва ўчмасин ҳамиша дарёларнинг чироғи.

Дарёларнинг чироғи кўзимни олса майли,
Яна сулув кўринар ёргинамнинг яноғи.

Ёргинамнинг яноғи сўлишни билмасин ҳеч,
Билмай ўтайлик недир муҳаббатнинг қийноғи.

Муҳаббатнинг қийноғин билмаган йўқ оламда,
Уртар бугун, ҳайҳотки, гўзал санам фироғи.

Гўзал санам фироғи Олимжонга ғазалдир,
Майли ошкора этсин Андижоннинг ироғи.

Яхшилик

Бу дунёда гуноҳлар кўп, ёлғонлар ҳам кўп.
Макру ҳийла гирдобида қолганлар ҳам кўп.

Сиз қидирманг айбдорни ҳам, гуноҳкорни ҳам...
Топилмаса тан олгувчи бирорта одам —

Майли менга тўнканг бари, виждоним ҳаққи,
То ўлгунча бадном бўлай, имоним ҳаққи.

Барча айблар, гуноҳларни мен қилган бўлай,
Бошқаларга эса фақат яхшилик тилай!

Севиб қолганга ўхшар

Мажнунтол беланчагин учишларига борман,
Сочпопуқлар фаслига ҳамиша интизорман.

Адирларга лолалар чойшабин ёзганида,
Унинг қўшиғин тинглаб еллар каби бедорман.

Лолалардан Лолага гул тутиб, хушнуд этиб,
Яшнатиб бу оламини кулдиролган баҳорман.

Бир умрга юракни қўшиқ қилиб, шеър қилиб,
Юракларга йўл излаб юрувчи бахтиёрман.

Десангиз гар, Олимжон севиб қолганга ўшар —
Ҳақсиз, Ватанга ишқу муҳаббати ошқорман.

Яна Орол ҳақида

Бугун Орол ташвишидан зўрроқ ташвиш йўк,
Қирғоқларни ташлаб кетиб чекинмоқда сув.
Ҳамма учун бундан ортиқ зарурроқ иш йўк,
Оролимиз оппоқ қумга айланмоқда-ку!
Оқ қум — оқ туз, бу денгизнинг ҳазилими ё,
Ё қадрига етмадикми табиатнинг, биз.
Орол кетиб бораётир! Қайга? Ажабо!
Оламаро машҳур, ахир, бизнинг фанимиз:
Эрталарни, индинларни ўйламасак биз,
«У ёнмаса,

мен ёнмасам

ва биз ёнмасак» —

Нима бўлур, юрт ғамини чекмасак ҳаргиз,
«Ўйлайдиган одамлар бор биз учун» десак!
Табиатнинг жиловини олдик қўлларга
Ва мақтандик: «Ҳамма ишни дўндирдик!» дея.
Пахта эдик адирларга, қирга, чўлларга,
Унутилди мувозанат — экология!
Денгиз аста сингиб борар, учар оқ қумлар,
Қирғоқларда кўринади қайиқлар изи.
Кошки, эртақ бўлиб қолса энди бу кунлар,
Орол денгизида бугун оламнинг кўзи!..

Амаким

Чўлпонга

Зарб билан қоқилди дарвоза,
Хонага кирдилар бостириб.
Қўймайин сўзлашга бир лаҳза,
«Қани, бўл!» дедилар дўқ уриб.

— Бу не-чун, не сабаб, айтингиз,
Дейинми халқимга алвидо?
Бир оғиз бўлса-да, сўзлангиз,
Билмадим, нимадир муддао?..

Шунда кар-соқовдек бир куруқ
Аранг дер: «Бас қил, бас! Бу буйруқ!»

Қисмат бу: айирмиш шум тақдир
Қон йиғлаб кузатди хотини.
Ёпирай, бу на куч ва на сир,
Ҳеч эсдан чиқармам у кунни...

Тонг чоғи кўкдаги Чўлпондай,
Фалакни лол этиб, сўнг ёнмиш.
Мен уни қаердан қидирмай,

Баъзилар чўчиброқ дер «миш-миш...»

«Миш-миш»лар, қани ҳей, жавоб бер,
Сўроқлар жонимга тегди, бас!
Севинчдан кўзда ёш, юрак дер:
«Сўраманг, одамлар, илтимос!»

...Зарб билан қоқилди дарвоза,
Хушхабар келдими, билмадим, —
Эллик беш йилдан сўнг мен эса,
Бу «сир»нинг сабабин англадим.

Англадим: эртақдай, бир тушдай,
Кўнгилга қилдан йўл солганди.
Ҳаммаси саробдай, ўтмишдай,
Фақат у хаёлда қолганди...

Ҳа, келди, ҳеч кетмас бўлиб у,
Ой сопол — ой кўрғон қурадир.
Шу маҳал осмонда тўлиб у,
Борлиқни ёритиб турадир.

ЙЎЛИМНИ ЁРИТАР БИР НУР

Айлагай

Соф ҳавонинг бирлиги осмонни пайдо айлагай,
Еру осмон бирлиги имконни пайдо айлагай.

Жон ато айлар самодан ерга томган қатра сув,
Еру сувнинг бирлиги уммонни пайдо айлагай.

Гул жилосида кўрар ўз аксини тиру камон,
Турфа гуллар бирлиги бўстонни пайдо айлагай.

Кўз кўриб, хирад танир, дилда жўшаркан ҳиссиёт,
Ақлу дилнинг бирлиги туғённи пайдо айлагай.

Тоза ақлу, тоза инсоф, тоза инсон рамзидир,
Ақлу инсоф бирлиги виждонни пайдо айлагай.

Эзгуликнинг тухмидин одам яралгандир, Ҳаёт,
Тоза диллар бирлиги инсонни пайдо айлагай.

Табиат хатоси

Йўлимни ёритар бир нур — сенинг ҳуснинг зиёси бу,
Дилимни ёритар шуъла — муҳаббатнинг жилоси бу.

Деярлар, Лайлига боқмоқ керак Мажнун кўзи бирла,
Тилар оқ йўл сенга Мажнун, унинг сенга ризоси бу.

Ошиқлар меҳрига нисбат гўзаллар меҳри устундир,
Уни ошкор этарга қўймагай зўр куч — ҳаёси бу.

Ҳаётда гулга гул тушмас, мақолнинг ростлигин кўрким,
Бу ерда мен, у ерда сен, табиатнинг хатоси бу.

Наҳот ўзгартира бўлмас табиатнинг хатосин ҳеч,
Табиатни ўзгартирмоқ, ошиқлар муддаоси бу.

Баҳор фаслида осмондан агар кучли садо келса,
Шуни билким, менинг ошиқ юрагимнинг нидоси бу.

Жаҳон ошиқлари ичра менингдек бахтлиси қайда?
Ҳаётни кимки кўрса дер, гўзалликнинг гадоси бу.

Аёл танҳо

Қуёшга меҳри тенг, қалби само, ул ҳам аёл танҳо,
Солиб ҳар бир юракка куй, наво, ул ҳам аёл танҳо.

Тамоми мавжудот ердан яралса, онадан инсон,
Заминдек ҳам сахий, меҳригиё, ул ҳам аёл танҳо.

Шукр, она деган номни ўзига ихтиёр айлаб,
Жаҳонга янги зот айлар ато, ул ҳам аёл танҳо.

Олиб баҳра забон икки сеҳрли сут булоғидан
Ва сўз маржонин айлаб тилга жо, ул ҳам аёл танҳо.

Аёлсиз, онасиз зиндон каби тимқорадир олам,
Ҳар инсонга маёқ йўлда, зиё, ул ҳам аёл танҳо.

Туриб ҳар тонг аёлларга қилурман саждалар бисёр,
Ҳаёт, оламда бор бўлса худо, ул ҳам аёл танҳо.

Абдулла Орипов ғазалига мухаммас

Чиройингга ниқоб этдинг, ниқобинг ичра мен борман,
Ҳаёдан юз гулоб этдинг, гулобинг ичра мен борман,
Севолмасман. Жавоб этдинг, жавобинг ичра мен борман,
Бу ишқ сиррин китоб этдинг, китобинг ичра мен борман,
Ўқурман, деб хитоб этдинг, хитобинг ичра мен борман.

Билурман, васлингга бордир неча муштоқу шайдолар,
Ҳаётда бахтликанманким, тушибди не-не савдолар,
Сололмас муҳрини, билгил, дилимга ўзга барнолар,
Ярашгайдир, ажаб, сенга ажаб нозу таманнолар,
Кетурман, деб шитоб этдинг, шитобинг ичра мен борман.


Нетай, ўзга гўзалларнинг узатган бодаи нобин,
Нетай, юлдуз кўзи, ҳамда юзи офтобу моҳтобин,
Нетай, гарчи беролса ўзга дилбар бахти ноёбин,
Юзинг ҳажри билан оққан лаболаб чашм селобин —
Ичурман, деб шароб этдинг, шаробинг ичра мен борман.

Бировга сездиrolмай ҳар кеча кўз ёшида сузгум,
Фиғоним-ла, қолиб ғафлатда ётганларни тургузгум,
Мабодо ёрдами тегса, дея, кўкка кўлим чўзгум,
Умид узгил, дединг, ошиқ, муҳаббат риштасин узгум,
Узурман, деб азоб этдинг, азобинг ичра мен борман.

Неча сония сўзингни эшитган фурсатим, дилдор,
Йўқ эрди одами ичра менингдек бахтлиси зинҳор,
Юз афсус, келмагай қайтиб умидли дамларим такрор,
Қаён қолди ўшал сўзким, муҳаббат кўшқини, эй ёр,
Тузурман, деб сароб этдинг, саробинг ичра мен борман.

Мудом номингни дурдек сақлаган дил — кулбаи ишқни,
Тўрида сувратинг чизган бу кўнгил — кулбаи ишқни,
Мана, энди нафис қалб, покиза тил — кулбаи ишқни,
Дилимда қолган ушбу ҳар на манзил, кулбаи ишқни,
Бузурман, деб хароб этдинг, харобинг ичра мен борман.

Наҳот, дилбар, сезолмайсан Ҳаётнинг пок юрак зарбин,
Умр бўйи у тарк этмас муҳаббат, севгининг касбин,
Нечук мунча жафо этдинг, ахир, у билмагай айбин,
Муҳаббат гулшани ичра олиб Абдулланинг қалбин,
Чалурман, деб рубоб этдинг, рубобинг ичра мен борман.



Абулқосим Мамарасулов

ТЕЛБА МУҶАББАТ

Ҳикоя

Мен сенга қўшилиб йиғлай олмасман,
Фақат бош эгаман қайғунга сўзсиз,
Мен сенга талпиниб асло толмасман,
Мен сени севаман, йиғлаётган қиз!

Йўлдош ЭШБЕК

Уша куни шифохона ёнидаги узун курсиларда Ҳалима дугоналари билан қалдирғочлардай тизилиб ўтиришган эди. Уч-тўрт йигит билан Мурод келаверди. Ҳаммаларининг димоғи чоғ.

— Ана, сенинг йигитинг! — деди қизлардан бири. Атрофдагилар кулиб юборди. Чунки, Мурод Ҳалиманинг ҳеч қанақа «йигити» эмас. Уч ярим ойдан бери шифохонада ётишса-да, ҳатто бирон марта суҳбатлашишмаган. Аммо Мурод кўринганда Ҳалима чиндан ҳам ундан нигоҳини узолмай қолади. Устига-устига дугоналар даврасида бир-икки марта Муроддан гап очди-ю балога қолди. Шундан бери қизлар уни «Ҳалиманинг йигити»га айлантиришди-қўйишди. Бу — шунчаки ҳазил. Ҳазил дея Ҳалима ҳам авваллари ўзини ишонтирарди...

Бора-бора давраларда Ҳалима Муроддан гап очмай қўйди.

Бора-бора давраларда қизлар атайлаб Муроддан гап очадиган бўлишди.

Бора-бора Муроддан гап очилса Ҳалима қизарадиган, юраги типирчилайдиган, ўзини унчалик эътибор бермаётгандай тутадиган бўлиб қолди. Ҳалима истардики, бир кун Мурод уни тушунса, ўт-олов кўзларини қадаб ёнига келса ва... нимадир деса. Аммо Мурод ҳалигача Ҳалиманинг яқинига йўламади.

Даволанувчилар орасида «кандидат» лақабини олган Мурод кўпинча ёлғиз юрар, шифохона ҳовлисида кам кўринарди. Миш-мишларга қараганда, палатасида ўтирволиб нуқул диссертация ёзармиш. Яқинда фан кандидати бўлармиш. Дугоналар кейинчалик Ҳалимани «кандидатнинг хотини» деб чақиршга ўтишди. Ҳазил Ҳалимага ёқарди. Шундай йигитнинг умр йўлдоши бўлиш — бахт. Келишган, хушбичим, бўй-басти жойида, тағин кандидат...

Қизларнинг шод пайти эди. Боядан бери сафсата сотиб, кулишиб ўтиргандилар. Шу туйғайли Дилором:

— Мурод, буёққа келинг! — деб қолди.

Бирдан Ҳалиманинг нафаси ичига тушиб кетди: устига биров бир пақир муздай сув ағдаргандай. Юрак уриши сустлашаётгандай. Ҳалима Дилоромга жавдираб қаради-ю, кўзларини ерга тикди.

«Ўзимни тутганим маъқул. Тағин, чиндан яхши кўриб қолипти, деб ўйламасин!»

— Хўш? — сўради Мурод. — Мендан нима хизмат?

— Бунчалар бепарвосиз? — деди дабдурустдан Дилором, дугоналарига кўз қисиб.

— Нима, битта-яримтаси мени севиб қолдимми? — дарҳол жавоб берди Мурод қизларга бир-бир назар ташлаб.

— Албатта-да! — Дилоромнинг юзига ёлғондакам ачиниш туси қалқиб чиқди. — Бечора дугонамиз Ҳалима сизнинг дардингизда куйиб кул бўлди. Аҳволини сўрамайсиз, лоақал бир қарамайсиз...

Дилором Ҳалимани бағрига босди, сочлари, юзини силаб овулган бўлди. Бутун вужуди билан асл ҳолатини билдириб қўймасликка уринаётган Ҳалима ҳам ёлғондакам қовоқларини солганча, қўлларини икки ёнга осилтириб, ерга қаради.

— Си-из?! Мени яхши кўриб қолдингизми? Наҳотки? — деди Мурод худди саҳнадаги артистлардай қўлларини ёзиб.

— Ҳа... энди... сизни... — Ҳалима тутила-тутила, худди ҳозир йиғлаб юборадиган

дай (аслида ҳам йиғлишга сал қолиб) гапирарди, — кўпдан бери кўз остига... олиб юргандим.

Қийқириқ кулги кўтарилди.

— О, Ҳалима! — деди Мурод ногаҳон унинг қаршисига тиз чўкиб. — Қиз ҳатто кафтлари йигитнинг кафтларига қандай тушиб қолганини сезмади. Кейин эса тортиб олишга юраги бетламади. — Наҳотки сиз рост сўзляяпсиз? Наҳотки мана шу беғубор кўзлар мени алдамайди? Наҳотки бу ошуфта кўзлар бир умр менга мафтун бўлиб термулади? — йигит шунақанги илҳом билан гапирардики, қизлар ўзлари бошлаган кулгили машмашанинг давомини зўр қизиқиш билан кузатишарди. — Мен сизга ишонаман, Ҳалима! — давом этди у. — Бир сиз эмас, ахир мен ҳам сизнинг дардингизда куяман! Ёнаман!!! Мен ҳам сизни жон-дилимдан севаман. Дардимни қандай етказишни билмай аросатда эдим. Бахтли тасодифни қарангки, дугоналарингиз бизга холис хизмат қилдилар. О, бу қандай самовий бахт! Сира ишонгим келмаяпти... Ҳалима, бу сизмисиз ўзи? Айнан мени яхши кўриб қолган қизга севги изҳор қиляпманми?!

Яна кулги кўтарилди.

— Ҳа-ҳа, адашмадингиз, — деди Дилором.

«Э, ажойиб йигит экан-ку, бу Мурод!»

— Ана, — деди Мурод ўша алфозда. — Менинг юрагим ҳам сизга бўлган муҳаббат билан лиммо-лим. Сизга талпиняпман, севгилим! Энди сизсиз ҳаёт йўқ менга. Сиз борсиз — мен борман бу дунёда. Энди ҳеч қачон ажралмаймиз. Бирга яшаймиз. Эртага эрталаб загсдан ўтамиз. Йўқ қизлар, кулманглар. Ҳалима, жонгинам, сиз ҳам кулманг, мен бор ҳақиқатни айтяпман. Биз бирга яшаймиз. Сиз «Қаҳрамон она» бўласиз. Олти марта эгизак туғиб берсангиз кифоя. О, сиз билсангиз эди...

— И-я, севги изҳори шунақа бўларканми? — сўради қизлардан бири.

— Сиз менинг устимдан куляпсиз! Нечун мен ўз дардимдан сизларни огоҳ этмай! Бу ташна юрак тўлиб кетган. Ошинг ҳалол бўлса кўчада ич, дейдилар. Ҳалима, сиз уялманг... Майли, дугоналарингиз мени ҳазилашяпти, деб ўйлашсин. Ҳазил — ҳазил билан-у, мен сизни чиндан яхши кўриб қоляпман...

— Бунча гапни қаердан оляпсиз? Доим индамай юрардингиз-ку. Ё кандидатлар шунақа бўлишадими? — сўради Дилором ўта завқланиб.

— Мен асли камгап одамман, — давом этди Мурод, — аммо билинги:

**Юраккинам алвон яйлов, титраб ётар, севгилим,
Ундан тинмай дукур-дукур отлар ўтар, севгилим...**

О, бу хўрланган юрак туёқларнинг топташларига бардош берармикин? Йўқ, мен ортиқ чидолмайман. Мен кетаман! Бу ўлкалардан бош олиб кетаман! Алвидо, севгилим! — дея Мурод Ҳалиманинг қўлини лабига тортди. Лекин қизнинг қўллари устида турган ўзининг қўлини ўпди-ю, жўнаб қолди.

— Индамай юргани билан гап кўп экан, бу кандидатингизда! — деди Дилором Муроднинг кетидан ғалати тикилиб. — Ҳаммани жим қилди-кетди.

* * *

Уша фожиа юз бериб, Тошкентдан қайтгандан сўнг, Ҳалима бир инсонга дардини ёролмай юрган кунлар эди. Дефолиация навбати уларга келди-ю, механизатор касал бўлиб қолди. Ғўза ривожига бусиз ҳам паст, вақт ўтиб борар, дефолиацияни кечиктириш мутлақо мумкин эмасди. Ҳалима ҳамма ишларни йиғиштириб қўйиб, трактор рулига ўзи ўтирди. Распиратор тақишу яна бир қанча эҳтиёт чораларини кўриш ҳаёлига ҳам келмади. Бунинг устига қалби аламга тўла. Баргни тезроқ тўксин деб, бутифоснинг дозасини сал кўпайтиришган эди... Терим бошланмай туриб ўзи кўсалхонага тушди. Упкасига заҳар йиғилиб қолганмиш! Ётипти ўшандан бери. Биринчи кунлари: «Энди умрим дард билан ўтаркан», деб неча бор йиғлаган эди. Йўқ, табиатан хушқақчақ қиз тезда ўзини овутиб олди. Шифохонадаги йигитларни қизларга «тақсимлаган», ўзига Муродни танлаган ҳам Ҳалима. Давраларда унинг овози, шўх кулгуси ажралиб туради.

Ана шу қиз Муродни чинакамига севиб қолди...

* * *

Орадан тўрт кун ўтди. Ҳалима Дилором билан кечки овқатдан чиқиб келаётган эди, кимдир қўлидан тортди. Қиз ўгирилди-ю, вужудига ҳарорат югурди. Хушҳол ишшайиб, Мурод турарди.

— Ҳа, бевафо! — деди у. — Кўринмайсиз, учрашувга чиқмайсиз? Нима, умримиз висол дамларини интиқиб кутиш билан ўтиб кетадими? Ё бошқа биттасини топиб олдингизми?

Ҳалима лол. Юраги ийиди. Кулумсиради. Айниқса, Муроднинг ўтли нигоҳи уни «ўлдираётганди».

— Ҳалима бевафоми, сизми? — Дилором орага суқилди. — Севги изҳор қилгандан бери думингизни ушлатмайсиз-ку?!

— Мен Ҳалимани бу ўлкалардан олиб кетмоқ истайман. Не бахтки, биз бир-биримизни шифохонада топдик. Энди кетамиз, менинг юртимга кетамиз.

— Юртингиз қаерда? — сўради Дилором.

— Бахмалда. Бахмал тоғларини, Ойқор чўққисини биласизми? Уша тоғлар этагида бизнинг қишлоқ бор.

— Мен тоғда яшолмайман! — деди Ҳалима азбаройи ҳаяжонланганидан, гўё Мурод ҳозир олиб кетиб қоладигандай.

— Яшайсиз! — деди Мурод комил-ишонч билан. — Биз сизга барча шарт-шароитларни яратиб берамиз. Ҳовлимизда йигирмата кўй, ўттизта эчки, ўнта қорамол бор. Ҳар куни эрталаб соат тўртдан еттигача сиз уларни тоғ бағрида боқиб келасиз.

— Э, боқмайман!

— Нечун? Ахир бу сиз учун катта бахт-ку! Тонг отмасдан Ойқор чўққиларининг этагида ширин орзулар оғушида чўпонлик қиласиз. Тўғри, бизда бўрилар кўп. Еса еб кетар, нима бўпти? Тасаввур қилинг: агар қайтиб келмасангиз бутун қишлоқ оёққа туради. Сизни излаймиз... ва харсанглар орасидан қоп-қора қонга беланган оппоқ ҳарир кўйлагингизни топиб оламиз. Тўй кечаси сиз ана шу кўйлақда эдингиз. О, менинг армонларим! Ушалмаган орзуларим! Қонли кўйлагингизни кўзларимга суртиб йиғлайман. Сиз эмас, бир умр мен бахтсиз бўлиб қоламан. О-о!.. Ойқорда бир қабр бор. Унга сиз дафн этилгансиз. Сиз эмас, у ерга менинг ушалмаган орзуларим дафн этилган. Ҳар тонг ғам-андуҳга ботган ғариб кимса қўлида бир даста анвойи гул билан Ойқорга кўтарилади. У ҳар куни қабрни чангаллаб, сочларини юлиб, бетларини тимдалаб фарёд чекади. У — мен! Севгилингиз, сизнинг бебахт севгилингиз!..

Мурод гапдан тўхтади. Бир неча дақиқа ҳаммалари жимиб қолишди.

— Одамнинг эти жунжикиб кетди, — деди Дилором ниҳоят ўзига келиб. — Гапларингиз бунча совуқ?

— Нима, шунақа нарсалар ҳақида диссертация ёзясизми? — сўради Ҳалима чуқур ҳаяжон билан.

— Ҳа. «Мурод билан Ҳалиманинг севги тарихи» деган мавзуда.

— Қизиқ йигит экансиз, — деди Ҳалима паст овозда. Чунки Муроднинг сўнгги гапи уни яна ларзага солганди. — Қачон жиддий гапиряпсиз, қачон ҳазиллашяпсиз, били бўлмайди. Уч-тўрт кунлар кўринмайсиз. Кўринсангиз, гапирасиз-гапирасизу жўнаб қоласиз...

— Ёнингизда юришимни истайсизми?!

Ҳалима Муродга ўгирилди. Энг қўрққани — унинг кўзларига дуч келди... «Мен сени севаман!» дерди Муроднинг кўзлари. Битмас-туганмас бахт ваъда қиларди бу кўзлар. Бу кўзлар ёнарди. Бу кўзлар Ҳалиманинг оромини ўғирлаганди.

— Нима бало, сиз мени ростдан яхши кўриб қоляпсизми, дейман-да?..

— Сиз-чи? Ёлғондакам деб ўйлабмидингиз? — дугонаси ўрнига Дилором жавоб берди.

— Ҳа-да.

— Демак, ўзингиз ҳам ёлғондан севги изҳор қилаётган экансиз-да?

— Мен-ку, Ҳалима деб эс-хушимни йўқотганман, аммо у ҳазиллашяпти, менинг устимдан кулиб юрипти, деб ўйлагандим.

— Бу гапингиз ҳам ҳазилми?

— Тўғриси, қачон ҳазиллашяпман, қачон рост гапиряпман, ўзим ҳам ажратолмай қолдим, — Мурод кулиб юборди. — Хўш, борасизми бизнинг Бахмалга?

— Шунақанги ваҳимали нарсаларни айтяпсизки, мен Ҳалиманинг ўрнида бўлсам сира ҳам бормасдим.

— Кўнгилга хуш ёқадиган гапларни ҳам айтиш мумкин. Майли, Ҳалимани бўрилар емасин. Ҳалима ҳеч қачон қўй-эчкиларни боқмасин. Тасаввур қилинг, баҳор! Ҳамма тарафда қип-қизил лолалар очилган. Қизғалдоқлар қир-адрларга гиламдай тўшалган. Ёнбағирдаги шаффоф булоқлар шарқираб оқаётган сойлар томон интилади. Эрта тонг. Ҳалима оппоқ ҳарир либосда кўза кўтарганча булоқ бошига бормоқда. Майин тоғ шабадаси сочларини ўйнапти. Лабларида сокин табассум. Ана! Юзини муздай сувга чайяпти. Шу пайт мен орқасидан бораману кўзларини беркитаман. Бу мен эканлигимни Ҳалима яхши билгани учун қўлларини қўлларимга босади. Қалблардаги ҳарорат кафтларга, кафтлардаги ҳарорат қалбларга ўтади. Ҳалима ўзини менинг оғушимга ташлайди. Бир-биримизга термиламиз. «Бахтлиман!» деб пичирлайди Ҳалима кўзларини юмиб. Мен Ҳалиманинг қоп-қора сочларини меҳр билан силайман...

— Билибсиз! Кўзларимни яширганингиздаёқ кўза билан бошингизга солиб қоламан, — деди Ҳалима ўзини тутолмай, оз-моз оғриниш аралаш.

— Ана сизга булоқ! Энди нима қиласиз? — деди Дилором.

— Нима қилардим, бошим ёрилиб ўзимдан кетаман, Ҳалима ўгириладию қаттиқ даҳшатга тушади. Мени қандайдир ёвуз ниятли одам деб ўйлаганда. Тезда бошимни кўтариб, пешонамни танғийди. Аммо қон оқаверади. Нафас олаётганимни сездирмай ёта-

вераман. Ҳалима юзимга сув сепеди, юм-юм йиғлайди. «Сизки, энди бу дунёда йўқсиз, менга яшаш не даркор?» деб сал наридаги тик жарлик томон югуради. Ҳалима ўзини ҳалок қилишга чоғланаётганини сезиб қоламану тўлқинланиб кетаман. Томоғим бўғилади. «Тўхтанг, Ҳалима!» деб ҳайқираман. Ҳалима тўхтади. Кўзларига ишонмайди. Мажоли қуриб чўкка тушади. Қулиб йиғлайди, йиғлаб кулади. Бармоқларини тишлаганча, титроғини босмоқчи бўлади. Мен ҳам йиғлайман. Ҳеч ким ҳеч қачон мени Ҳалимадек сева олмаслигига иқрор бўлганим учун йиғлайман.

Мурод бу эртагини ҳам тугатди.

— Езувчига ўхшаб гапирасиз-а, — деди Дилором қаттиқ ҳайратланиб.

— Аспирантурага киришдан олдин икки йил газетада мухбирлик қилганман. Ҳалималарнинг қишлоғида ҳам бўлганман, — деди Мурод. Бирдан унинг ранги ўзгариб, кўзлари совуқ чақнади. Хомушланиб, ўй суриб қолди.

Шифохона биносига етиб келдилар. Қизлар яна сайр қилишни истардилар. «Унда ўзингиз айланаверинглар», дея Мурод совуқ хайрлашганча ичкарига йўл олди.

«Демак, хабари бор экан-да!»

Ҳалиманинг бутун вужуди зирқираб кетди.

* * *

Ушанда, марказда бўлган мажлисдан чиқишиб, Клара, Исмат билан бирга кечқурун ресторани боришди. Ҳалима ҳам озроқ ичди. Эс-ҳуши жойида эди. Кейин ярим кечага яқин «опа» чақиряпти, деб чеккадаги бир хонада Эркин Эшбоевичга дуч қилишди. Кейин... нима воқеа юз берганини Ҳалима фақат эрталаб англади.

Лекин бақирмади ҳам, йиғламади ҳам, Эркин Эшбоевичга тармашмади ҳам. У шунақа ҳолга тушган қизлар ҳақида кўп эшитгани туфайли, қачондир қўлга тушиб қолишдан қўриқиб, доим ҳадиксираб юрар эди. Ниҳоят кутгани юз бергани учунми, ишқилиб, тушуниб бўлмайдиган бир хотиржамлик ва бефарқлик билан кийимларини кийиб айвончага чиқди-да, панжарага суянди. Уҳ-ҳў! Тўққизинчи, ўнинчи қаватда... Узини ташласачи?! Нега? Нима учун?!

— Ий-е, Ҳалима!

Эркин Эшбоевич, ўзини ташламоқчи деб ўйлади шекилли, жонҳолатда югуриб келиб, қизнинг елкасидан тутди. Ҳалима бир силкиниб ўзини бўшатди. — Эсингизни еб қўйдингизми? — деди Эркин Эшбоевич кўзлари қинидан чиққудек бўлиб. Кейин ўз қурбонининг ўта лоқайд, лўқ кўзларига қараб, дарров шаштидан тушди. Қўлини тортиб олиб, «сизга нима бўлди», деганча панжара томонга ўтди. — Ҳалима, сиз менга қизим қаторисиз, э, ўз қизимдай... Билмайман, мени... Хаёлимда ҳеч нарсга йўқ эди. Сизга ҳурматим жуда зўр. Бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Сиз менинг гапларимни эшитишни истамаяпсиз. Майли... аммо бўлар иш бўлди. Тўғриси, олдидан норози бўлиб чиқишингизни истамайман. Ҳозирча сиз мана шуни олиб кетинг. Қолганини кейин гаплашамиз.

Эркин Эшбоевич қизга бир даста пул тутқазди. Ҳалима ҳамон лоқайд алфозда тургани учун пулни қандай олганини ўзи ҳам билмай қолди. Пулга қаради-ю, биринчи марта ҳўрлиги келди. Демак... аммо... Эркин Эшбоевич яна гапга тушди. Бир бало қилиб, тинчгина қутулмоқчи эканлиги аён эди. Ҳалима тирқираб келаётган кўзёшларини кўрсатмаслик учун лом-мим демай чиқиб кетди. Хаёлига бир фикр келган эди. Шунинг учун тўғри Исматнинг хонасига борди. Уйлагандай, йўқ экан. Ўзларининг хонасига ўтди. Эшикни анча тақиллатишга тўғри келди. Ниҳоят, сочларини нари-бери тараган Клара тугмаларининг кўпи қадалмаган халатининг ёқасини гижимлаганча, эшикни қия очди. Ҳалима ўзини ичкарига урди.

Гумони тўғри чиқди. Исмат шу ерда эди. Шоша-пиша кийинаётган экан, Ҳалимани кўриб, қўлларининг кучи тугма қадашга етмай қолди. Ҳалиманинг эс-ҳуши жойида, фикрларини тўплаб, қатъий бир қарорга келган эди. Уша лоқайд алфозда кўзларини лўқ қилиб, бир қадам олдга юрди. Исмат тисарилиб, диванга ўтириб қолди. Ҳалима қўлидаги пулни Исматнинг тиззасига қўйди. Сўнгра жомадонини олиб, кийимларини йиғиштиришга тушди. Клара билан Исмат нима дейишларини, нима қилишларини билишмасди. Ҳалима эса, гўё хонада ҳеч ким йўқдай, сочиқни олиб, ваннахонага кириб ювинди, кийимларини алмаштирди. Бу орада ичкаридан ғўнғир-ғўнғир овозлар эшитилиб турди. Клара билан Исмат ниманидир тортишарди. Ҳалима қайтиб чиққанда иккови яна жим қолишди. Ниҳоят, Ҳалима жомадонини кўтариб, кетишга чоғланганда, Исмат чидай олмади.

— Тўхтанг Ҳалима! Бу биргина менинг ишим эмас! — Исмат йиғламсираганча пулни отиб ташлаб, кўкрагига муштлади. — Бўлиб ўтган гапларни билиб кетинг. — У қизнинг йўлини тўсди. — Шошилманг, Ҳалима! Мен бор-йўғи буйруқни бажардим, холос. Менинг ҳеч қанча айбим йўқ. Сиз мени тушунинг, Ҳалима...

Исматнинг кўзларидан тирқираб ёш чиқди.

— Исмат Саъдуллаевич!

— Нима? Нима? Нима-а?!

Исмат ўғирилганча, Кларага яқинлашганди, у шапалоқлаб солди. Исмат юзини ушлаганча ғазаби ҳам, алами ҳам сўнгандай, яна диванга чўкди. Ҳалима ҳали айтилмаган гаплар борлигини англаб, тўхтади. Лекин, ҳеч кимдан садо чиқмасди. Ногаҳон Ҳалиманинг нигоҳи диванда, полда бетартиб сочилиб ётган пулларга тушди. Жомадонини қуйиб, пулларни шошилмай терди-да, Исматнинг тиззасига қўйди.

— Буни ановинга беринг! — деди Исмат жонҳолатда пулларни Кларанинг юзига отаркан. — Ҳамма ишни қилган, ўша!.. Менга бундай қараманг, Ҳалима! Қаҳвага қўшиб берасиз, деб ухлатадиган дори топган ҳам анови жалаб!..

— Аблах! — Кларанинг кўзлари телбаларча чақнаб, Исматнинг юзига чанг солди. — Сен жалаб! Эркин Эшбоевич жалаб!..

Иккови жиққамушт бўлиб кетишди. Ҳалима тишларини тишларига босганча, ташқарига отилди...

* * *

Орадан яна уч-тўрт кун ўтди. Яна аввалгидай Мурод паришон ҳолда фақат ошхонада кўринар, қизларга кўзи тушса бош ирғаб саломлашар, бўлмаса ўзи билан ўзи банд, хаёл сурарди.

Ҳалима эса... Ҳалима энди... у ҳам ўзини-ўзи тушунмаётганди. Мурод уни яхши кўрмаслиги аниқ. Шунда ҳам кўнгил... Дардларини дугоналаридан яширишга уринар, агар даврада Мурод ҳақда гап очилса кулгу билан қутуларди. Мурод эса...

Бир куни оқшом шифохона боғида сайр қилиб юришганда қаршиларидан бир дўсти билан Мурод қиқиб қолди.

— Менинг жондан азиз севгилим! — деди у қўлларини ёзиб. — Наҳотки бу сиз?! Мен сизнинг дардингизда қуйиб кул бўлдим. Сизни излаб чиққан эдим. Юринг. Ҳозир ҳаётимизда илк висол дамлари бошланади. Дилором, сиз менинг дўстимни овутиб туринг, бизнинг анча-мунча маҳфий гапларимиз бор.

Мурод Ҳалимани етаклаганича кичик йўлакча бўйлаб кетаверди. Ҳалима қаршилиқ қилишга ўзида на куч, на журъат топа олди.

— Сиз нега доим мендан қочасиз? — сўради Мурод йўл-йўлакай.

— Қочган менми, сизми? — деди Ҳалима жилмайиб.

— Демак, мени кузатаркансиз-да.

— Энди, сиз, касалхонада битта йигитсиз, албатта кузатамиз, — пичинг қилди Ҳалима бир қадар кўнгли оғриниб.

— Майли, шундай экан, бугундан, ҳозирдан бошлаб бирга бўламиз, бир умрга, хўпми?

— Ғалати гаплар... худди бозордан мол сотиб олаётгандай савдолашасиз-а?! — деди Ҳалима аччиқланиб.

Икковлон неча бор суҳбатлашган бўлса, Мурод биринчи марта гап тополмай қолди. Улар жимгина боғнинг қоронғи, хилват томонларига борар эдилар. Муроднинг юзидаги шўх қувонч ўрнини аянчли ишшайиш эгаллаган, буни Ҳалима пайқамас, пайқашга ҳам уринмасди.

— Ҳалима! — деди Мурод уни икки елкасидан тутиб ўзига қаратаркан. Йигит жиддийлашган, қиз ўзини қаттиқ севиб қолганини эндигина пайқаган эди. У нималарнидир аниқлашга уринар, қизнинг муҳаббати доводиратиб қўйганди. — Мен аҳмоқ эса... эҳ! Наҳотки, сиз мени севиб қолдингиз?!

Ҳалима бошини эгди.

— Нимага жавоб бермайсиз, Ҳалима! — Муроднинг овози қалтиради. — Мен буни билишим керак!..

Олисдаги симёғочга илинган электр чироғи иккови тарафга сал-пал нур сочар, қизнинг юзи зўрға кўринар, кайфияти қаттиқ бузилгани аниқ эди. Унинг елкалари секин-секин титрай бошлади. Кейин йўлка ўртасига ўтирганча, тиззаларига бошини қўйди. Мурод ҳайрон бўлиб чўккалади-да, Ҳалиманинг бошини кўтариб, ўзига қаратишга уринди. Қиз уни силкиб ташлади. Ҳалима йиғларди! Унсиз, бутун вужуди қалтираб йиғларди.

— И-я! Сизга нима бўлди?!

— Сиз!.. Сиз барига айбдорсиз! Мен ҳали сизни яхши кўриб аҳмоқ бўлганим йўқ. Сизнинг нимангизни яхши кўраман! Кандидат бўлсангиз ўзингизга! Нима қиласиз мендан кўнгли сўраб? Бари бир икки дунёда ҳам менга уйланмайсиз-ку! Қизлар менга «йигитинг» деб сизни кўрсатишяпти. Сиз ахир менинг «йигитим» эмассиз-ку! Ҳозир мени пойлаб келдингиз. Сизни яхши кўришимни аллақачон сезгансиз. Сабрим тугаганига энди ишонч ҳосил қилиб, мана, мени қоронғиликка бошладингиз... Хўш, нимага индамайсиз? Шумиди мақсадингиз? Шумиди?! Ё ёлғонми?! Сиз қизларни аҳмоқ қилишга ўрганиб қолгансиз! Ё мени ҳам аҳмоқ деб ўйладингизми?... Мен аҳмоқ бўлмасам, сиздек аблахни яхши кўраманми?! Дунёда йигит зоти қуриб кетганми?! Мен... эҳ, шўрпешона... Нимага жимсиз? Нимага? Нимага?! — Ҳалима сакраб турганча йигитнинг ёқасидан тутди. — Гапирсангиз-чи, ахир, Мурод ака! Сиз индамаганингиз сари мен кўрқиб боряпман. Мен аҳмоқман! Мен сизни яхши кўраман, Мурод ака!..

— Ҳалима, Ҳалима!.. — Мурод яна нималардир деб ғўлдирётгани, Ҳалима кафти билан унинг оғзини тўсди.

— Йўқ, гапирманг, гапирсангиз баттар қўрқаман. Илтимос, Мурод ака, гапирманг. Мен жинни бўлиб қолаётганга ўхшайман...

— Ҳалима!..

— Гапирманг! Кетинг! Кўргани кўзим йўқ сизни! — Ҳалима панжалари билан юзини тўсганича яна чўккалади.

— Ҳалима, ўзингизни босинг.

— Кетинг дедим. Шафқатингизга зор эмасман. Истамайман... билдингизми, истамайман! — Ҳалима ўрнидан турганча ер депсинди. — Нимага бўзряясиз? Яна кўзёшларимни кўрмоқчимисиз? Сиз учун йиғлаган мен тентак! — Ҳалиманинг кўзларидан шашқатор ёш қуйиларди. — Кетинг ахир... тинч қўйинг мени, илтимос...

Мурод ниҳоят бошини эгганича, йўлга тушди.

— Мурод ака, нима қиляпсиз?!

Мурод шошилганча ўгирилди.

— Нега мени ташлаб кетяпсиз? Кет деса кетаверасизми? Сиз ахир йигитсиз-ку! — Ҳалима сал ёруғроққа чиққан, нам кўзлари бахтиёр чақнар эди. Мурод чопқиллаб қайтиб келди.

— Сиз ҳақиқатан ҳам ғалатисиз-а, товба! Қиз боланинг ҳам айтганини қиларканми?.. Ушланг қўлтиғимдан, ҳа ана, энди юринг. Гап деган бундай бўпти-да. Вой товба-ей! Жуда ғалати қизга дуч келиб қолдим, деб ўйлаётган бўлсангиз керак-а?

— Ҳалима, мен сизга бир гапни...

— Йў-йў-йў, гапингиз керак эмас, гапирманг, — Ҳалима йигитнинг оғзини кафти билан ёпишга уринди.

— Мен билишингизни истайман! Мен уйланганман ахир-р, — деди Мурод зорланиб.

Бир дам Ҳалиманинг нафаси ичига тушиб кетди. Шод кайфиятини йўқотмасликка ҳарчанд уринмасин, эплай олмади. Хурсанд гапиришга уринди-ю, овози синиқ чиқди.

— Майли, ҳеч қачон менга уйланманг, йўқ, гапирманг, биламан бари бир уйланмайсиз! — деди у.

Муроднинг дўсти Дилором билан боғ чеккасидаги курсида ўтиришган экан. Ҳалима йигитни қўлтиғидан бўшатди-да, «яхши сайр қилинг», деганча сирли, айни дамда аянчли шивирлаб, чопқиллаганча дугонасини ҳам судраб кетди. Палатага кирар-кирмас Ҳалима Дилоромни қаттиқ қучиб ўпаверди. Тишлаб-тишлаб ўпарди. Дилором вой-войлаб юлқинар, аммо Ҳалима қўйвормасди.

— Вой тишлагим келяпти сизни! Э тавба!.. Жинниман мен, жинниман! Кандидатни капут қилдим! Бечора мунғайиб қолипти. Мен маладес! Зўрман! Таржимаи ҳолини бутунлай айтиб беришга мажбур қилдим! Оҳ! Та-ра-рам-рам, та-ра-рам-рам!.. — Ҳалима ўйинга тушиб кетди.

Дилором дугонасининг телба-тескари ҳаракатларига кўникиб қолган эди, шекилли...

— Сиз уни ҳақиқатан севиб қолибсиз!

— Мен сизга нима деяпман, ни-ма де-яп-ман?! — Шу топда Ҳалимани мутлақо тушуниб бўлмасди. — Мен уни эмас, у мени севиб қолди. У!

Хонага бошқа қизлар кириб келишди.

— Дугонажонлар! — деди Ҳалима тантанавор, қўлларини кескин силкитаркан. — Мен эс-ҳушимни йўқотдим. Биласизларми... мен жинниман! — Ҳалима ўзини каравотга ташлади. — Биласизларми, севиш қандай яхши. Уҳ номардлар-эй! Нега индамайсизлар?! Менга ҳеч нарса керак эмас! Биттанг ҳам керак эмасман! Кетинглар! Ҳамманг кет! — У бирдан ўкириб йиғлаб юборди. Юзини ёстиққа яширди.

Қизлар ҳозиргина булбулдай бийрон сайраётган Ҳалимага тушунмасдилар.

— Кетинглар, кетинглар! — юлқинарди йиғлаётган қиз, — тинч қўйинглар мени! Ҳамманг... ҳаммаси бир гўр! Севмайди у мени... Севмай-ди!

— Э, қуриб кетсин Муродингиз! — деди Дилором аччиқланиб. — Қўйсангиз-чи, ўшанга ҳам йиғлайсизми? Мурод сизнинг тирноғингизга ҳам арзимайди... Қизлар, чикинг, Ҳалима озроқ дам олсин.

Палатада икковлон қолишди. Ҳалима қимирламай жим ётар, Дилоромнинг эса юраги зиқ бўлиб кетган, бир оғиз гап сўрашга журъати етмасди. Ниҳоят Ҳалима ўгирилиб, дугонасига хомуш тикилди. Кулимсирашга уринди. Аммо кўзларида ёш. Чексиз дард ётарди унинг қорачиқларида...

* * *

Ушанда бир ҳафта ўтиб, Ҳалимани идорага чақиришди. У устахонада машинасини теримга тайёрлаётган эди. Боргиси келмади. Лекин қандайдир куч уни идорага судради. Биронта муҳбир келгандир деб ўйлаган эди. Уни дарров директорнинг хонасига йўллашди. Эркин Эшбоевич тўрда савлат тўкиб, бир ўзи ўтирарди. Уни кўрдию Ҳалиманинг тагин жини кўзиди. Лоқайд ҳолатда кўзларини лўқ қилиб тураверди. Эркин Эшбоевич

Ҳалимага тик қарашга ботинолмай, гўё чуқур ўйга ғарқ бўлгандай, хонада у ёқ-бу ёққа юра бошлади.

— Оббо Ҳалима-ей! Ҳали ҳам аччиғимдан тушмадим, денг. Мен сиз билан муносабатимни бузмоқчи эмасман.

— Бу ғамхўрлигингни эътиборга оламан.

— Шунақамас-да, энди Ҳалимахон! Шу ёшга етиб, мен инсон зотини норози қилган эмасман. Юсуфбек ҳожи айтмоқчи, бу даргоҳда хўмрайиб туришингиз менга мақбул кўринмайдур, ҳа-ҳа-ҳа! — Ҳазили ноўринлигини англаган Эркин Эшбоевич шу захоти лаб-лунжини йиғиштирди. — Хулласи калом, ўзингиз яхши тушунасиз, давлат ишидамиз, ташвиш кўп. У ёққа югур, бу ёққа югур... Бир хушхабар бор, шунинг учун қақиртирдим. Сизни орденга тавсия қилиб юбордик!

— Демак, ювишни ҳам қаҳвадан бошлаймизми?

— Бир минут, илтимос сиздан, бир минут сабр қилинг! — Эркин Эшбоевич илжайганча қизни елкасидан тутиб, тинчлантирмоқчи бўлди.

— Ҳа, энди мен сизнинг қўлингиздаги қўғирчоқман. Кўнглингиз тусаган пайтда ўй-натасиз, елкамни силайсиз, қўлимдан ушлайсиз!.. Масхарабозлик қиласиз! Сизга ҳамма нарса мумкин...

— Ну-ну, ну-у, Ҳалимахон! Мен сиз билан шу тахлит суҳбатлашаман, деб сира ўйламагандим. Менда ҳеч қачон бирон-бир қизга... э жин урсин, бировга ёмонлик қилиш истаги бўлмаган. Ҳаммани ҳаммаша рози...

— Биламан, сиз қўй оғзидан чўп олмаган одамсиз. Сиз ажойиб инсонсиз! Уста миришкорсиз, меҳнат қаҳрамонисиз...

— Қўйинг энди шунақа гапларни. Сиз ахир тушунган қизсиз!

— Мен энди қиз эмасман.

— Оббо, агар тушунсангиз...

— Тушунмасам-чи?

— Илтимос, ўзингизни босинг. Мен бир ҳафтадан бери нотинчман!..

— Наҳотки?... — деди-ю, Ҳалима ўзини туюлмамай, телбаларча шарақлаб кулиб юборди. Сал турса телбаларча йиғлашга тушишини аниқ сездию шу қўйи югургилаб, хонадан чиқди.

* * *

Ҳалима тишини-тишига босиб, кўзларини юмди, аммо бир неча томчи ёш юзига сизиб чиқди. У ҳозирги ҳолатида умрини йиғи билан ўтказган, кулгу нималигини билмайдиган одамга ўхшарди.

— Қўйинг ўшани, — деди Дилором дугонасини юпатишга уриниб. — Дунёда ундан яхши йигитлар ҳам тўлиб-тошиб ётибди.

Ҳалима сукут сақлади: «Сен нимани ҳам билардинг?»

— Гапирсангиз-чи, юрагим тўлиб боряпти. Ҳозир мен ҳам йиғлаб юбораман. Нимага... ғалати бўлиб қолдингиз?

Дилором «жинни» деб юборишига сал қолди. Ҳалима мийиғида кулимсиради.

— Уйлансанг уйлан, йўқса калламни гаранг қилма, менга сендан бошқа совчи юбо-раётганлар ҳам тўлиб ётибди, демадингизми?

— Бизнинг баҳоримиз ўтган, — деди Ҳалима афсус билан. — Ун саккиз ёшли қизлар камми?

— Вой номард-эй! Ҳали ўшанақасини оламан, дедими? Нега оёғимга тиз чўқдинг, нега ёлғон гапларни айтдинг, деб ёқасидан олмадингизми?

Ҳалима маъюс бош чайқади.

— Шошмай турсин, кўрсатиб қўяман унга... Менинг қўлимга ҳам тушади ҳали. Уф-ф! Ёниб боряпман!

Дилором шашт билан айвонча эшигини очди. Палатага хушбўй баҳор ҳавоси кириб келди. Май ойининг энг латиф кечаларидан бири. Шифохона бўйлаб экилган қатор те-раклар бўйи охириги — тўртинчи қаватдан ҳам ошиб кетган, дарахтларнинг нарёғи беда-зор. Яқинда ўрим бошланади. Ҳалималарнинг хонаси учинчи қаватда...

Юқориғи қаватдан ҳазин қўшиқ эшитиларди. Айвончада тинмай гапирётган Дило-ром ўгирилиб дугонасига қаради. Ҳалима жилмаярди.

— Нима бало, бугун ростдан ҳам жинни бўлиб қолганмисиз, дейман?..

— Қўшиқни эшитинг, — шивирлади Ҳалима, кўрсаткич бармоғини лабига босиб, айвончага чиқаркан.

Тўртинчи қаватда, ўзларидан икки дераза нарида, Мурод айвонча панжарасига суянганича, қоронғилик қаърига маъюс тикилиб қўшиқ куйларди. Йўқ, унинг овози унча-лик силлиқ эмас. Айтишни ҳам қойиллатиб қўймаётганди. Фақат дард билан, чексиз на-домат билан куйлаётгани аниқ эди. У тобора авжга чиқиб, овозини баландлатарди:

Сени юпатмоққа журъат йўқ менда,
Сен менинг кечмишим, умрим бўлаги...

Мурод қизларни кўрмасди. Узича куйларди. Балким атайлаб Ҳалима учун куйлаётгандир?!

— Оббо жиннилар-эй! — Дилоромнинг жағи гапдан тинмасди. — Бир сизми десам... у сиздан баттар.

Ҳалима Дилоромнинг гапини эшитмади. Эшитса ҳам эътибор бермади.

— Сизларни тушунмаяпман, — давом этди Дилором, дугонаси гапларига аҳамият бермаётганидан ўнғайсизланиб, нимадир дея ўзини овутиш учун. — Дам куласиз, дам ўтмай йиғлайсиз...

Мурод ҳамон куйларди. У бир қўшиқни қайта-қайта айтар, айтган сари овози равонлашиб, тиниқлашиб, тобора авж пардаларга чиқарди.

**Йиғламоқ тиларман, қайнаб йиғлагин!
Тишларингни секин қайраб йиғлагин!..**

— Ҳа дў-ўст! — дея юқорига қичқирди Дилором. — Жуфт бўлсин! Янгилик-ку! Битта-яримтаси юракдан уриб қолдимми?

— Ҳа-да, ошиқ кўнгил куйламоқ истайди, — деди Мурод икки дугона қўшиғини эшитаётганидан сира хижолат тортмай. — Бу телба кўнгил кўп нарсалар истайди.

— Нимагадир бу ишлар менга ёқмаяпти, — деди бир жойда туролмай ичкарига кириб-чиқаётган Дилором. — Сиз соғлиғингизни ўйлашингиз керак. Врачнинг гапларини унутдингизми?

«Сиз ўзингизни ниҳоятда эҳтиёт қилишингиз керак, — деган эди врач Ҳалимага. — Бутифос нафақат ўпкангизга, балки жигарингизга, юрагингизга ҳам таъсир қилган. Сизга қаттиқ ҳаяжонланиш мутлақо мумкин эмас. Сиз узоқ йиллар яшайсиз. Ҳали ҳаётда нима кўрибсиз?»

«Кўяверинг, дугона!» дегандай, Ҳалима маънос ва паришон кулимсираб қўл силкиди-да, каравотига ўтиб ётди. Дилором чироқни ўчирди.

Куйлаётган Муроднинг овози алламаҳалгача эшитилиб турди.

Ҳалима ухлаёлмас, тўлғанар эди. Кечаси билан Ҳалиманинг гоҳ ҳиқиллаб, гоҳ шивирлаб нималарнидир гапирётганини Дилором сезиб ётди. Фақат тонг олдидагина Ҳалима тинчиб қолди.

Тонг отди. Навбатчи ҳамшира аввал палаталарга бир-бир кириб, ҳарорат ўлчагич улашди, кейин дори ташлаб кетди.

Ҳалима деворга ўгирилганча қимир этмай ётаверди.

Дилором ювиниб келди ҳамки, Ҳалима кўзғалмасди.


Ниҳоят нонушта пайти келди.

— Туринг, эй, ошиқи беқарор! — деди Дилором ҳазиллашиб. — Муродингизнинг кўзлари тўрт бўлиб, йўлакда сизни кутяпти.

Ҳалима қимирламади. Илгарилари шунақа гап бўлганда у отилиб деразага борарди.

— Турсангиз-чи!

Дилором чўзилиб, дугонасининг елкасидан тортди. Ҳалима шилқиллаб ағдарилди-ю, ярим очиқ кўзлари шифтга тикилганча қотди. Унинг бадани дақиқа сайин совуб борар, қоп-қора қорачиқларида ҳайронлик, ҳайрат, изтироб, алам, «мен дунёга келиб нима кўрдим?» деган аччиқ савол ва билинар-билинмас табассум қотиб қолган эди.



Одил Икромов

ЕРНИ ЁРИБ ЧИҚАР ТОҚАТЛАР ТУБИ

Юракдаги ер

Бу ерга қаҳратон келиб-кетарди:
Тўфонсиз, тўзонсиз, кўчу кўронсиз.
Қорлар қаловини чорлаб тўшарди,
Шафақлар унарди қонсиз, қиронсиз.

Бу ерга тийрамоҳ келиб-кетарди,
Орланиб ашқолу дашқолларидан.
Куйдирги пахтанинг,
Куйган латтанинг
Бўйи анқимасди ашўорларидан.

Бу ерга саратон келиб-кетарди,
Офтобга тўлдириб ҳовучларини.
Дарахтлар қийналмай мева туғарди,
Баҳорга йўргаклаб товушларини.

Бу ерга баҳорлар келиб-кетарди,
Ўйлар сурар эди узундан-узун.
Бу ернинг осмонга боши етарди,
Одамзот оёғи етмасдан бурун...

Бу ерга баҳорлар келиб кетарди.

* * *

Офтобнинг ғамини бировлар эмас,
Ўзи ўтов тикар озурда ой ҳам.
Қаро-қакроқ тунга ийланиб бесас,
Кўкрак қафасида ухласа одам...

Тунлар — соч тараган ажиналарнинг
Нур инмаган йиртиқ юзидай қаро.
Офтоб қиймаларди,
Ой сийланарди,
Замин қийналарди вужудлар аро.

Эркақдан аёлга қадар йўл йирок.
Ўртада ўлмаган одам оч қолар.
Ишқпараст ўзини, емайди, бироқ,
Ялангоёқ қолмас,
Яланғоч қолар.

Яланглик боғланган ит каби ухлар,
Юк босган қабоғи кетар қабариб.
Худудсиз самода қовушар руҳлар,
Ерга сингиб кетар бало-бадлари.

Тунлар — балоларни балодай авраб,
Утган қаролиғнинг ёруғ гўшаси.
Тунлар — яланғочлаб,
Вужудин қайраб,
Офтобни сўйган кўр одам ўлжаси.

Нечун тийнат бино этмиш вужудни,
Унга бино қўйиш нечук бир иллат?..
Мўмин тирикликнинг шўрин қуритди,
Одамларни ютиб юборган жилват.

Тирикликнинг юпун салтанатида,
Офтоб эвазига тўланган хундай,
Тентирар бағирлар қат-қабатидан,
Бадарға этилган кайвоний тунлар.

Очилади кўкрак қобирғалари,
Қўпорилиб кетмас офтоб ҳам, ой ҳам.
Қоринда бўғилган кўр ҳомиланинг
Юмшоқ тепкисидан уйғонар одам...

Ёлғизлик

Бошини бўшлиқлар ютиб юборгай,
Бўшлиқлар беордир, бўшлиқлар — девор.
Кифтига мингашган чобуксувордай,
Қисталанг бошининг қийноғи — бедор.

Жисмини қуршаган исқандарий сад
Илкидай муаллақ бало комида,
Қаноти остига олади ғийбат,
Бенажот бебошлик талотўмида.

Бўшлиқлар оғуши қолганда тўнгиб,
Зулмат бино бўлар мулоийм — хунук.

Бемадор илкида мудрайди мункиб,
Забардаст қанотлар остидаги юк.

Зил-замбил бошини ерга урмайди,
Худбин издиҳомдай кетар сочилиб.
Тупроқнинг тўшига кўмиб ухлайди,
Такаббур самога етган бошини.

Ялангтўш комида ғажилган сочлар,
Сарғайиб келтирар тун хабарини.
Гаровга қўйилган мазлум куёшдай,
Ухлатиб яшайди кундаларини...

Бахт юки

Бахт қушини бино этди ҳасратим,
Бошимга беозор ёпилганида.
Юпун юрагимни ютиб асрадим,
Асрагандай солиб тош қинларига.

Буқун юрагимдан қочган оҳимга,
Елиб-етолмадим бесару сомон.
Бахт банги элитган қушдай, бошимга
Оёғини тираб турибди осмон.

Осмонга осилган безовта руҳдай,
Қўним тополмайди хавотирланиб.
Ҳасратим домидан мосуво қушлар —
Ернинг ибтидоий фазогирлари.

Жоним бошин қўйган вужудим — кунда,
Қатл айламоққа етмайди қурбим.
Ўлакса ҳидини туйган кузғундай,
Бошимда чарх урар саргашта руҳим.

Тиқилган кўзимни йиртиб-ямайман,
Қинига қамайман паррон тиғимни.
Ўлсам, кўзларингга қандок қарайман?..
Бахт қуши,
Унутма одамлигимни.

Бошпана топмасанг бошимга кулаб,
Ким бало,
Ким сени балогардон дер?
Осмонни бошига кўтариб кулар,
Менинг бошимдаги оғироёқ ер.

Сирлар

Куйга айланмагай,
Бирор сўз демас...
Аждарҳо биқиниб ётган кўзадай.
Қудуқлардан, ростгўй қамишлар эмас,
Ночор бош кўтарган мурғак гўзалар.

Гўёки, ўзини ўзи оқлайди,
Бежирим шохларни қоплайди сочлар.
Сирлар замон билмас,
Замин шохлайди,
Қудуқлар қаъридан домонгир шоҳдай.

Ерни ёриб чиқар тоқатлар туби,
Сачратиб сарғайган қусуқларини.
Меҳнат тагидаги роҳатлар руҳи
Чирқиллаб чорлайди қудуқларини.

Куйга айланмагай,
Ердан ирғаниб,
Оёқяланг кетган сарбаст наволар.
Қўрқади қудуққа қайтиб киргани
Куйга айланмаган сўзсиз садолар.

Сочларини юлиб қасам ичгандай,
Дамини домидан чиқармас тағин.—
Қудуқнинг қаърида ётган Искандар
Қонига қонлари қўшилган замин...



Гулистон Матёкубова

НАФАСИМИЗ ҚОЛГАН ТОЗА БОҒЛАРДА

Рост, дединг, соғиниб келганим сени

«Рост, дединг, соғиниб келганим сени,
Қарагин, баҳорнинг келгани ҳам рост...»
Унутмам, унутиб бўлмас бу кунни,
Унут бўлса ҳамки меҳр ва ихлос.

Баҳор...
Қани баҳор?
У келгани йўқ,
Сенинг келишингни тонглардан туйдим.
Безор қилди жонга қадайвериб ўқ, —
Ғамгин-ғамгин хаёл сурмакни қўйдим.

«Кўргим келди сени, ишон, дединг, чин...» —
Ишонгим келарди шу сўзларингга.
Йўлингга қаратиб, сен келмаган кун
Хазонларин сочди куз изларингга.

Келган бўлсанг, қара оёқ остига,
Шу хазонлар ҳамон тутмоқда мотам.
Сендай бепарвонинг қолиб касрига,
Қайтмас бўлиб кетди, бундан баҳор ҳам...

Ой чиқмади

Ой чиқмас бу оқшом осмонга,
Бир-бир сўниб борар юлдуз ҳам,
Азобланар ҳис-ҳаяжонлар, —
Гуноҳқори фақат ўзингсан.

Ташқарида зорланиб шамол,
Урилади деразамизга.

Киприкларда тизилар савол, —
Гуноҳқори фақат ўзингсан.

«Қайда экан?...» Уйларнинг сўнги
Оғриқ бўлиб ботар кўзимга.
Нечун келмас тушларнинг ўнги? —
Гуноҳқори фақат ўзингсан.

Нечун менинг тоза меҳримни,
Англамайсан илиқ сўзимдан?
Остин-устун бўлган умрнинг
Гуноҳқори фақат ўзингсан.

Икки томон айрилди бир йўл,
Йўл четида сарғаймоқда куз.
Баҳор қайтмас...
Бу пушаймоннинг,
Гуноҳқори фақат иккимиз.

Кутиш

...Қадамларни санайсан нотинч,
Ғала-ғовур, гавжум кўчада.
Ичкарида сукунат ҳоким,
Кўк оғмоқда жим-жит кечага.

Кўз тутасан, келар, келар деб,
Юпатасан ўзинг беилож.
Гап топилар, ахир, сабаб кўп,
Изсиз кетмас меҳр ва қувонч.

Кўзинг йўлда, ўйчан турасан,
Авайлайсан муҳаббатингни.

Уни қандай яхши кўрасан?!
У тўлдирди бўш ҳаётингни.

Келар дейсан, албатта келар...
Ой, юлдузлар ўтар кўзингга.
Бу азобни кутганлар билар,
Келолмайсан сира ўзингга.

Ва ниҳоят... муздай ёстиқда,
Кўзларингни юмасан оғир.
Юпатасан ўзингни сўнгра:
«Тушларимда келиши аниқ...»

Сонет

Сен ҳақда ўйласам, кўнгилдан қўшиқ,
Кўзларимдан бир ўт ўта бошлайди.
Соғинч азоблари бўлади унут,
Меҳринг яна қалбга қайта бошлайди.

Сен ҳақда ўйласам, хаёллар тиниб,
Туйғулар мавжида енгил учади.
Умидим булутлар бағрига сингиб,
Илиқ ёмғир бўлиб ерни қучади.

Сен ҳақда ўйласам, ёшлик ёқлардан
Дардли шамол келиб силар сочларим.
Нафасимиз қолган тоза боғларда
Мажнунтоллар маъюс эгар бошларин...

Кўраман кунларнинг ёшлик чоғлардан
Хуну гирён йиғлаб узоқлашларин...

Унутолмайман

Ўйчан, маъюс термилди менга
Недандир ғам чеккан кўзларинг?!
Далда бермоқ бўлдимми сенга, —
Барин ишонч билан сўзладим.

Юрак сирли энтиқди, учди,
Типирчилаб мисли қалдирғоч.

Бирдан юзинг ёришиб кетди,
Кўзларингга қўнди бир қувонч...

Билолмайман... Кўнгил безовта,
Шу лаҳзадан кета олмайман.
Айтолмайман ёки бировга,
Ҳеч бўлмаса унутолмайман.



СУРХОН СОҶИЛЛАРИДА

Кимгаки иш бўлди қаноат фани,
Билки, ани қилди қаноат ғаний.
Алишер НАВОИЙ

Саратон. Атроф-борлиқ жазирамада ҳализамон ёниб кетадигандай. Қанотли-қанотсиз жонзот борки, соя-салқинда жон сақлайди. Япроқлар қилт этмайди. Дов-дахтлар гўё олам саҳнидаги сунъий кўринишларга ўхшайди.

Аввал кўрмаган жойларим эмасми, теварак-атрофни кузатиб борарканман, ёз лоҳаслиги кўпам билинавермайди. Гоҳи пайт сезилар-сезилмас, ҳув наридан ўтган Сурхон дарёсининг салқин эпкинни эсиб қолади. Аммо бу хушҳаводан энтикиб нафас олар-олмасингдан яна таққа «қотади». Далалар кўзни қувонтиради: бир текис ўсган пахта ниҳоллари, яшнаб турган боғ-роғлар, равон йўллар, тартиб билан қурилган турар жой бинолари, турли хил кошоналар, ёдгорлик ва истироҳат боғлари...

Бир тасаввур қилинг-а: 6 минг 848 гектар умумий ер майдони, ўн саккиз миллат вакилларидан иборат 22 минг 300 дан зиёд аҳолиси, етти бўлими, эллик беш оилавий бригадаси бор бу совхоз эни гоҳ олти-етти, саккиз-тўққиз километрга, узунаси эса 45 километрга доғур чўзилиб кетган хўжалик! Жаннатмакон «Мингчинор» отлиқ кенг майдонли боғи, яхши-ёмони, Кўҳитанг тоғидаги Шолқон қишлоғида 250 ўқувчига мўлжалланган пионерлар лагери, 39 жойда савдо дўкони, битта ресторани, 12 та мактаби, 8 яслиси, 4 кутубхонаси, маиший хизмат кўрсатиш уйлари, 150 кишилик болалар бўлими, физиотерапевтик хоналари бўлган йирик касалхонаси бор хўжалик! Учта ҳаммоми бор. Ҳар қай-сисида бир соатнинг ўзида юз киши ювиниб чиқиши мумкин: Сурхондарё областига шуҳрати кетган спорт комплекси ҳам шу ерда. Унга биратўла 3 минг томошабин бемалол сиғади. Тағин бу спорт комплексида ёпиқ спорт зали, бассейн, ўсмирлар спорт мактаби мунтазам ишлаб туради. Ўсмирлар спорт мактабининг етти секциясида икки юз саксон ўқувчи совхоз ҳисобидан ўқийди.

Ҳамроҳим Хушбоқ Фармоновнинг сўзи хаёлдан ўтаётган бу эртакнамо факт ва рақамлар силсиласини тўзғитиб юборарди. Урта буй, кўринишидан шундай бир каттакон совхоз дарғаси эканлигига кўзинг етмайдиган суҳбатдошимга қараб ич-ичимдан ғурур-ланаман. Оддий, дилкаш, беғараз.

— Совхозимиз ўтган йили ўн саккиз миллион даромад қилди. Соф фойда эса 8 миллион 300 сўмни, рентабеллик 77 процентни ташкил этди. Ишчиларимизнинг ўртача ойлик маоши 200—250 сўмдан.

Хушбоқ Фармонов бир нафас атрофга нигоҳ ташлайди. Сўнг деди:

— Кўрдингизми, Бобоҳоннинг бўлимига ўтдик. Минг гектар ери бор. Аммо, жуда меҳнаткаш шовзоларимиздан-да. Ҳар йили биринчи уддалайди ишни. Бу йил икки ярим минг тонна пахта бермоқчи. Етти юз ишчиси бор. Пишиқ йигит Бобоҳон, нуқул нолиб юради-ю, ишнинг кўзини билади. Ана, унинг яна бир янгиллиги...

Хушбоқ ака имо қилган тарафда, анча наридаги йўлда бир трактор оҳиста борар, синчиклаб қарасам, ортига темир бочка тиркаб олган, эни йўл энига тенг мосламадан сув сепаб борарди.

— Кўрдингизми, бу тракторчининг йил бўйи қиладиган иши шу. Биласиз, бизда чағ-тўзонли кунлар кўп бўлади, жуда асқотади-да. Хў-ўш, боя сўраган саволингизга келайлик. Бизда ҳар йили 1000 дан зиёд бола туғилади. Агар янаям аниқроқ ёндошсак, бир йилда салкам 500 янги оила вужудга келяпти. Уларга ҳар йили 30—40 атрофида уй давлат томонидан инъом қилиняпти. Бир йилнинг ўзида эса 200—300 атрофида шахсий участка қурилади. 1989 йилнинг охирига бориб яна 1000 ўринли тураржой бинолари бунёд этилади. Аммо шу ўринда бир нарсани афсус билан айтиш керак. Қурилиш материалларини ундиришимиз жуда қийин бўляпти. Тўғри, ишчи кучи ўзимиздан, ташаббус

ва эҳтиёжли фидойиликлар ўзимиздан, ҳатто йилига олти миллион ғишт ишлаб чиқарадиган заводимиз ҳам бор ўзимизда. Лекин тахта, болор, цемент каби нарсаларнинг бўлмаётгани қурилиш борасидаги ишларимизнинг белига тепяпти...

Биламан: «Э, тўхта-тўхта, бу ўзи қайси совхоз, Хушбоқ Фармонов деганинг ким, шунча ишларни амалга ошираётган шоввозлар-чи? Бундоқ бир бошдан келсанг-чи», демоқчи бўляпсиз.

Бу совхозда шунчалик кўп нарса кўриб, ажойиб меҳнат кишилари билан суҳбатлашиб, боғдорчиликнинг «академик»ларидан бири, селекционер Бадалхоннинг антиқа оламига ошно бўлиб, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Давлат Алибоев қолдирган, қолдираётган дунё бекатларида кезиб, чеки йўқ туйғулар қуршовида қолганимдан сўзимни пойинтар-сойинтар бошладим шекилли.

Келинг, бир бошдан айта қолай...

Улка харитасига кўз ташласангиз Сурхондарё областининг қарийб учдан икки қисми тоғликлардан иборат. Ёзи иссиғу узоқ, қиши илиқ ва қисқа. Бу водийда ҳамма нарса бор: тоғ этаклари ва қир адирларда ёйилган қўй-қўзилар; тансиқ мевалари товланиб ётган боғ-роғлар; эртанги ҳосили тарзиданоқ аён далалар; завод ҳамда фабрикалар ҳамда сирли конлар ва тарихий обидалар нафаси; Сурхон-Шеробод воҳаси бўйлаб жимирлаётган дарёлар, сув омборлари, каналлар, сойлар...

Бу ерда Сурхондарё энг йирик дарё ҳисобланади. У Тўполондарё ва Қорадарёнинг туташидан ҳосил бўлади-да, Боботоғ ҳамда Бойсун тизмалари оралиғидан жануби-ғарб томон оқиб бориб Термиз яқинида катта ирмоқ тариқасида Амударёга қўшилиб кетади. Муҳими, у эни 30 км келадиган Сурхон-Шеробод водийсини кесиб ўтади. Йўл-йўлакай иккита йирик ирмоқ — Сангардак, Хўжаипок келиб унга сувини қўяди. Ваҳши-вордара, Кониқом, Оққапчиғай, Оқжарсой, Бойсун каби сойлар эса қаттиқ жала бўлган кезларидагина Сурхондарёга улуш қўшади...

Бу водийни (ҳозир келиб турганим — масканни ҳисобга олмаганимда) жуда кўп бор кезишимга, даврдан олдинда бораётган одамлари билан суҳбатлашишимга тўғри келган.

Бу гал эса «Шарқ юлдузи» журналининг йўлланмаси билан «Сурхон» совхозига келиб турибман. Энг аввал унинг буй-бастини кўрсата қолай, деб бирдан факт-рақамлардан бошлай қолдим. Суҳбатдошим — шу совхоз директори.

...Яна Хушбоқ аканинг овози хаёлни тўзғитади:

— Ана, Бобохоннинг ўзи келяпти, — сўнг у шифёрга қараб қўлини кўтариб қўйди. Бу — унинг «тўхтаимиз» деган ишораси эди.

Бобохон сўрашиб улгурмасимизданоқ «нолишини» бошлади:

— Уртоқ директор, сувни сал кўпайтириб бермасангиз бўлмайди, ҳу анави, уч картам жуда интиқ бўлиб кетяпти.

— Менга қара, ахир сенга имкони борича ҳамма нарсадан ёрдам беряпмиз. Бошқа иложи йўқ. Кечқурун «Мингчинор»га ўт. Мана бу киши билан танишай ҳам демайсан. Суҳбатлашмоқчи сизлар билан. Уша ёқда гаплашамиз дийдиёларингдан.

— Одамларимиз айтганининг устидан чиқади, биласиз, Хушбоқ ака, лекин бу ғўзани жазираманинг олов даҳанида чанқатиб турсак, оқсаб қолмайлик дейман-да.

— Айтдим-ку, кечқурун боргин, деб. Ҳамма бўлимдан одам бўлади. Маслаҳатлашамиз. Олтинчи бўлим навбатдаги сув олишни тугатган бўлиши керак. Бир иложини топармиз.

Машина қайрилди.

— Юрагида дарди бор йигит, — деди йўл-йўлакай Хушбоқ Фармонов менга. — Айтганини ундирмай қўймайди. Шундайларни ҳурмат қиламан. Дарди юракдан-да. Аммо, баъзилар бўладик, қон бўлиб кетасан, чўмичлаб олади-ю, мисқоллаб узатишади қўл учида. «Қайта қуриш» деб гапдонлик қилади. Ишдан сўрасанг — баҳонаси кўпаяди.

Қизинг яхши бўлса — хотинингнинг бахти, ўғлинг ўқуви бўлса — ўзингнинг тахтинг, дейишади. Бошдан бола-чақасини одам қилишга киришадиган, атрофидагиларга яхши фазилат улашадиган, меҳнатнинг мағзидан меҳр топадиган кишиларимиз ҳисобига совхозимиз обрўйига обрў, баракасига барака қўшиляпти. Аммо, тўни ямоқдан эмас, дили ямоқдан қоч, деганлари рост экан. Отдан тушса ҳам, эгаридан тушгиси келмаётганлар йўқ эмас. Айримлар ўз лоқайдлиги, оғирнинг устидан, енгилнинг остидан юриб ўрганганлиги, тайёрга айёр бўлиб яшашга уринишини қуруқ сафсатабозлик, қуруқ ҳайқириқ орқали бекитишга уринишади.

Бизда бўш вақтнинг ўзи бўлмайдику-я, лекин вақт топиб китоб варақлайман гоҳи. Айниқса Навоийни ўқишдан ҳузур қиламан. Яхшилик устидан чиққанингда ҳам, ёмонликни кўрганингда ҳам унинг айтганлари ёдга келади. Бундайлар ҳақида ҳам Навоий бобо айтган экан:

**Тухум ерга кириб чечак бўлади,
Қурт жондан кечиб ипак бўлади.
Лола тухумича ғайратинг йўқму!
Пилла қуртича заҳматинг йўқму!!**

Хушбоқ ака кеча узукун камгап, боסיқ, ўйлаб гапирадиган, гапирганда ҳам бежоқсиз, тўғриси айтиладиган кишидай кўринганди. Аслида ҳам шундай экан-у, лекин совхоз ташвиши, ипак пахта «кинжиқ»ликлари, одам одоби, бурчи ҳақида гап кетса борми, жон-жонингга етказиб тушунтиришга, куйиб-ёниб гапиришга тушиб кетар экан. Бу менга айни муддао эди.

— Муаммо, муаммо деймиз-у, қаранг, мана шу ипак пахтанинг ўзи турган-битгани муаммо. Оддий оқ пахта билан ипак пахтанинг фарқи осмону ерча бор. Қаранг, оддий оқ пахтанинг бир тоннаси давлат баҳосида 600 сўм. Ипак пахтанинг бир тоннаси эса 990 сўм. Ипак пахтанинг меҳнати ўта қийин. Авваламбор у оқ пахтадан 10—15 кун кеч экилади. Оқ пахтага нисбатан 30 процент миқдорида зиёдрок сув, 15—25 процент кўп ўғит талаб қилади. Ишлови ҳам, парвариши ҳам шундай ва нозик. Ҳозирги пахта териш машиналари ипак пахта териш учун мосланмаган. Натижада ерга тўкилиши ҳам, тўртинчи сортга топшириш ҳам кўпаяди, унга қўйиладиган стандарт нарх ҳам оқ пахта билан ба-раварлашиб қолади. Биз олимлардан мослаштирилган машина яратишни сўраб овора-миз.

Ҳозир-чи, ҳозир нима қиляпмиз? Кўпроқ қўл кучига таянамиз. Бошқа илож ҳам йўқ. Чунки ипак пахта кўпроқ қўл билан терилгандагина бутун фазилатини сақлаб қолади.

«Сурхон»имизда уч йилдан буён ҳашаротга қарши зарарли химикат ишлатилмайди.

...Саратонда жимирлаган далаларга қарайман. Яна хаёлимни саратон «ўйинлари» тортади. Унинг олов тафтига одамзод бас келяпти, холос. Тракторлар эгатлар бўйлаб жимирлайди. Гоҳ қай бири тўхтаб, ҳайдовчиси бирров тушади-ю, Сурхонгами, каналгами бир шўнғиб олади. Трактор эса яна кучаниб олдинга интилади. Далаларнинг рангрўйига қараб, куз инъомларини кўз олдимга келтираман. Аммо бу чоғ хаёлимни «Сурхон»ликлар билан «Мингчинор»да ўтадиган суҳбатлар, олдинда турган ҳароратли учрашувлар, «Сурхон»нинг ҳали мен учун очилмаган турфа ҳангомалари тортмоқдайди. Хушбоқ акага қарайман. У ҳам: «Ҳа, ҳали гап кўп, меҳмон», дегандай қараб қўяди.

...Осмону фалакка ўрлаган қуюн йўлида неки учраса кўтариб кетгудай. Ҳу нарида, ҳудудсиз дала-даштга қоқилган қозикми қимирлагандай бўлиб кўринади. Йўқ, бу — кобра. У бошини гажак қилганча қуюнни қузатади. Калтакесак у ёқдан-бу ёққа югуради. Дўзахий бу жойларда чиябўри, бўри, илон, калтакесак, тулки, чаён... жону жондорлар изғийди. Ёлғиз киши ўтишга қўрқади. Фақат ҳов тонготар томонда Сурхон дарёси қирғоғига ёндош сийрак бостирма уйлар кўринади.

Одам кўли гул деганлари шу экан-да. Мана шу жаннатмакон «Сурхон»нинг ҳатто кунни кечаги манзараси шундай эди, деса биров ишонмайди. Энди яшнаб ётган бу ерларнинг ҳар қайсисини бир фазилат бирлаштириб туради: сувга тўйинган, гуллаб-яшнаган боғ-роғлар, оқариб кўринган, кўз олган кошоналарга бурканиб, ғўза ниҳолларини кўксиде кўтариб, халқ фаровонлиги йўлида улуш қўшаётган ерлар...

Рост-да. Ҳали кўп бўлгани йўқ. «Сурхон» ҳозирги жаҳонга кўз-кўзлайдиган кўркига, кучу қудратига эришгунча осон бўлмади. Қўшни Қумқўрғон районига чегарадош кичик Қоптўқай, ундан сал нарида эса Уяси қишлоқларигина бор эди. Томи қамишдан ёпилган кўримсизгина кулбаларда яшар эди одамлар. 1930 йили Қумқўрғон канали қурила бошлагач қишлоқлар сони кўпая борди.

«Сурхон» совхози территориясида олти тепалик бўлиб, улар қадимги дунёнинг Бактрия давлати даврига тааллуқли. Археологик тадқиқотлар кўрсатадики, ўша қадим замонлардаёқ бу ерларда одамлар яшаган, ўтроқ ҳаёт кечиришган, деҳқончилик, овчилик, чорвачилик билан шуғулланишган, кўпгина далиллар эса, ҳатто водопровод бўлганидан ҳикоя қилади. «Сурхон» совхози территориясининг шимол томонида ғиштдан қурилган «Македон кўприги» ҳозир ҳам қўр тўкиб туради.

Яна «Сурхон»нинг бугуни хаёлни тортади. У шимол ёқдан қадим замонларда қурилган ва Македон кўприги деб аталган яна шу кўҳна ғишт кўприкка бориб туташади. Шарқдан Сурхон дарёси айқириб ўтади. Жанубида Жарқўрғон, ғарбида «Ленин йўли» райони ерлари ястаниб ётади. Тошкент — Душанбе темир йўли, Термиз — Душанбе магистрал трассаси «Сурхон»ни тенг иккига бўлиб ўтади. Шу йўлларга ёндош Қумқўрғон канали тўлиб оқади.

Бобоҳоннинг бўлимидан чиқиб Термиз — Душанбе автомагистрალიга яқинлашганимизда Хушбоқ Фармонов яна кўлини олдинга чўзиб деди:

— Ҳу, келаётган машина «Сурхон» ишчилар комитетининг раиси Нормўмин Эрмуродовники. Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтини битирган. Совхозга меҳнати синганлардан. Учинчи бўлимдан келяпти-ёв.

Машиналар ёнма-ён тўхтади.

— Ҳа, Чори полвон, — деди Хушбоқ ака у билан кўришаётиб. — Ишлар яхшими? Кейин билсам, Нормўмин Эрмуродовни ҳамма Чори полвон дейишар экан. Бу афроларда кураги ерга тегмаган курашчи бўлган экан.

У шофёрига қайсидир бўлимга ўтиб, кимгадир нимадир дейишни тайинлади, кейин ўзи ҳам ёнимизга — директор машинасига чиқди.

...Машина Қумқўрғон канали кўпригидан ўтиб чапга бурилди. «Мингчинор»га яқин-

лашиб қолган эдик. Қоронғилик қуюқлашиб, чироқлар бирин-кетин чарақлай бошлади. «Мингчинор» деганимиз кенг тепалик усти ва ён-бағирларга жойлашган боғ-роғли, соя-салқинли сўлим маскан. Ҳозир бу жаннатмакон боғ 600 гектарни қуршаб ётади. Ҳадемай у 1000 гектарга етади. Бунда ҳамма нарса бор. Анору анжирзорлар, узумзору хурмо ва бошқа субтропик мевалар, ҳосилидан эгилиб солланган турли хил мева дарахтлари, полиз ва сабзавот тортиғи, осмонга бош тираган чинорлар. Аввалига бу ерга минг туп чинор экилганди. Энди уларнинг сон-саногига етиш мушкул.

— Биз Афғонистонга ҳам «Мингчинор» тортиқларидан юбориб турибмиз. Яқинда делегация билан ўзим ҳам бориб қайтдим, қўшни Афғонистонга. Қаранг, биринчидан, бу боғ «Сурхон» кўркининг гултожи бўлиб қолди, — дейди Давлат Алибоев. — Иккинчидан, нукул даромад устига даромад. «Сурхон»нинг ўз фойдасига. Нимаики қурган, яратган, «сурхон»ликларнинг ўз ташаббуси, ўз меҳнатлари билан амалга оширган бўлсак ҳаммаси кунимизга ярапти, бойлигимизга бойлик қўшапти.

...Уэр, азиз журналхон, суҳбатни Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Давлат Алибоев бошлаб бергач ўйлаб қолдим: «Бошланаётган ширин гурунгимизни, бир гуруҳ «сурхон»-ликлар билан ўтадиган суҳбатимизни шундоқ таърифлаб кетаверсамми ё...

Э, нима бўлса бўлди, очигини айта қолай. Бир нарсада сизни чалғитиб келаётган эдим. Бошданоқ менга суҳбатдош бўлган киши борки, Давлат ака номини эслади, у билан фахрланди. Биринчидан, барча учратган кишиларимнинг Давлат ака ҳақидаги фикрларини келтираверсам бир хил сўзамолликка йўл қўйган бўлардим. Қолаверса, бу киши ҳақида кейинроқ батафсил тўхталмоқчи эдим. Бас, энди мавриди келганда катта гурунгимизга кейинроқ воқиф бўлсак-да, Афғонистон сафаридан сўз бошлаётган Давлат Алибоев бекатларига қўниб ўтсак.

Кеча эрталаб Термиз ёқдан: «Сурхон» қайдасан?» деб йўл тортган пайтимизда ҳамроҳларимдан бири Давлат аканинг номини атаб қолди:

— Совхоз кишилари ҳаёти билан-ку, албатта, обдон танишасиз. Аммо, Давлат ака «Сурхон»нинг тирик қомуси. Қарийб чорак аср шу совхозга директор бўлган. Унинг дарғалигида нималар бўлмади дейсиз? У киши билан эртароқ учрашсангиз яхши бўлар, кейин «Сурхон»да кўрганларингизни моҳияти аниқроқ очиларди дейман-да.

Сўз қотган киши ҳали ёш, аммо сочи оқаринқираган, сипо ва камгаплигидан бамаъни, кўпни кўрганлиги сезилиб туради. Иسمи Норбой Султонов. «Сурхон» ҳақида батафсил гапиришдан эринмайди. Узи шу совхознинг иккинчи бўлимида улғайган. ТошДУнинг фалсафа факультетида таҳсил олган. Олдин Сурхондарё область партия комитетида ишлаб, олий партия мактабида ўқиб тажриба орттирган. Ҳозир СССР Министрлар Совети ҳузуридаги диний ишлар Кенгашининг Сурхондарё область бўйича вакили экан. Хизмат юзасидан йўли тушиб, бизга ҳамроҳ бўлиб келаётган жойи эди. Иккинчи ҳамроҳимни Асоמידдин Темурий дейишади. Сурхондарёликлар уни яхши билишади. Узи шу атрофларда, қўшни Шерободнинг Зарабоғ қишлоғида ўсиб-улғайган. Кўп йиллар адабиётдан дарс берди, эндиликда Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг Сурхондарё область бўлимида ходим. Сурхондарёга ёзувчи зоти келдими — шу киши олиб юради. Хушчақчақ. Асли хизмати-да, Сурхон ҳақида билмаганингни билдириб, кўрмаганингни кўрсатиб, вақтингни қандай ўтганини сездирмай юрадиган дилкаш ҳамроҳ.

— Норбой тўғри айтди, олдин Давлат акани топамиз. Оғайним ўзи. Кичикка — кичик, каттага — катта одам. Бу йил пенсияга чиқди. Қайда дейсиз, ҳали ҳам совхоз боғроғларидан бери келмайди. Боғдорчилик ишига бош-қош бўлиб юрибди.

Уларнинг айтгани бўлди. Келсак, «Сурхон» марказида котиба, қоровул ва бухгалтерлардан бўлак ҳеч ким йўқ. Ҳамма далада.

— «Мингчинор»дан топиш мумкин, — дейишди бизга.

Борсак, гулу япроқлар билан сўзлашиб, боғбонларга нимадир уқтириб юрибди.

Бир одатим бор. Қаерга отланмай олдин қомус, харитага, кўрсаткичларга қараб, билганлардан эшитиб, ўша жой ҳамда одамлари ҳақида тушунча ҳосил қиламан. «Сурхон»га кўп одам келиб-кетган. Улар: «Борсангиз Давлат аканинг суҳбатини олинг, адашмайсиз», дейишади. Ўзбекистон Совет Энциклопедияси эса шаҳодатлик беради: «Алибоев — қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ташкилотчиларидан бири...»

Тасаввуримда жонлантирганимдай рост чиқди. У биз билан танишибоқ ҳаракатчан, кесиб-кесиб гапирди:

— Тошкентдан денг? Хўш, ёзувчилар қалай? Ёддан чиқармиди, «Сурхон»да кўплари бўлган. Расул Ҳамзатов, Саид Аҳмад, Асқад Мухтор, Туроб Тўла, Умарали Норматов... Энди «Сурхон» мукофотини олган ёзувчиларни кутяпмиз, келишмайдиам бундай. Меҳнаткашларимиз илҳақ бўлиб кетди.

Узи ҳақда, «Сурхон»га дарғалик қилган давр тўғрисида сўрайман.

— Яхшиси, «Сурхон»ни айланиб чиқсангизмикин?.. Айтгандай, хўжалигимизни нега Анатолий Иванович Автономов номидаги «Сурхон» совхози дейилиши сабабини биласизми?

Билафонлик қилгим келмай «чайналаман». У жавобимни кутиб ҳам ўтирмайди.

— Анатолий Иванович Автономов-да, биларсиз балки. У 1908 йил туғилиб, 1968 йил вафот этган. Машҳур селекционер олим, Миср пахтасини Ўрта Осиё шароитига мослаш-

тирган кишилардан. Мана, олайлик, ҳозирги кунда жуда катта майдонларда ўстирилаётган С-6002 нав ғўза ҳам ўша кишиники. Э, жуда зўр олим эди у киши!..

Давлат Алибоев ўзини қўйиб, ўзгаларни мақташни хуш кўрарди. Аслида ўзининг шухрати ҳам Автономов шухратидан кам эмас. Давлат ака ҳам Шерободда оддийгина меҳнаткаш оилада туғилди. Мактабни битирди. Бухородаги ҳисобчилар тайёрлайдиган курсни тугатди. Сўнг бухгалтерлик қилди. 1942 йили армияга қақирилди. 1944 йилнинг баҳорида Десна дарёси ёнидаги жангларнинг бирида оғир яраланиб қайтди. Яна бухгалтерлик касбини давом эттирди. Самарқандда қишлоқ хўжалиги институтида таҳсил кўрди. Тошкентдаги олий партия мактабини битирди. У Жарқўрғон район ижроия комитетининг раиси, сал кейинроқ эса шу район партия комитетининг биринчи секретари, сўнгра Сурхондарё область ижроия комитети раисининг муовини лавозимларида ишлади.

Давлат Алибоев фаолияти айниқса «Сурхон» ҳаёти билан боғлиқ кетди. Бу ерда у 1965 йил январь ойдан то 1988 йилнинг январигача директорлик вазифасини бажарди. Ташкилотчилик ва ташаббускорлиги, анча йиллар одамлар билан ишлашда орттирган бой тажрибаси «Сурхон»да яққол кўринди. Совхозда эслаб ўтилган ҳар битта ўзгариш, янгилик, қурилиш, яратувчанликда Давлат аканинг беором, ташвишли, ғурурли лаҳзаларининг муҳри бор. У «Сурхон»ликлар қалбига киролди. Одамларга меҳрибонлиги, аммо ишга келганда қаттиққўллиги ва талабчан экани, пахта билан бир қаторда халқ фаровонлиги ҳақида қайғура бориши асқотди... Қилган меҳнати Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони билан тақдирланди.

— Ютуқларимизнинг муҳим омилиларидан бири — алмашлаб экиш, — дейди у. — Биз шунга юз фоиз эришдик. Бу — биринчидан, ҳосилдорлиқни кўтарди. Иккинчидан, чорвага қони фойда. Учинчидан, тупроқ семиради. Алмашлаб экишнинг асосий шарти шуки, бир жойга 7 йил пахта, 3 йил беда экилади...

— Эсингиздами, Давлат ака, — дейди Хушбоқ Фармонов, — 1981 йили «Сурхон» бир йил ичида 25 миллионга яқин даромад олган эди. Рентабеллик 124 процентни, соф фойда эса 13 ярим миллион сўмни ташкил қилувди. Негаки, ўша йилдан бошлаб юз фоиз ингичка толали пахта экишга ўтувдик. Бу ерда оқ пахта билан ингичка толали пахта орасидаги тафовут ҳам шундай натижага олиб келган эди. Тўла ингичка толали пахта етиштиришга батамом ўтиб олганимиздан сўнг ҳозирги суръат йўлига тушиб кетдик.

Давлат акани кузатаман. Миқтидан келган. Ёзги оқ шляпасини аҳёнда бир қўлига олиб-олиб, тез-тез сўзлайди. Қошлари қуюқ-қора. Кўзлари ботиқроқ, нигоҳи тоза — сўзлаётганда айтмоқчи бўлганини жўн, деҳқончасига лўнда қилиб англатади-қўяди. Билгани нуқул даромад, соф фойда, инсон кадр-қимматидан келиш, фаровонлиқни ошириш, табиатнинг гўзаллигини ардоқлаш, тупроқни авайлаш... Сўхбатлашган одам ҳузур қилади.

— Тўғриси айтсам, дастлабки йилларда меҳмонни қабул қилишга жой йўқ эди. Мана, дастурхондаги манови мева-чевалар, зийнатлар ҳаммаси ўзимиздан. Бизда бодом, pista, ёнғоқ, чилги, узум айниқса яхши ҳосил беради. Улар яна кўпайтирилади.

Давлат Алибоев қўлидаги баргни айлантирганча ерга қараб сукут сақлайди. Сўнг дейди:

— Болалигимда бобом: «Болам, ердан таёқ еган таёқ емайди» дерди. Чунки, оёқяланг кўча чангитиб, оёғимизнинг бошмалдоғи ерга урилиб қайрилар, қонар, хунбийрон бўлиб уйга келганимизда катталар шундай дерди-да. Энди ўйлаб кўрсам, бу гап маъжозий маънода айтилган доно ўғит экан. Яъни, одам болалигида ҳаётнинг аччиқ-чучугини қанча кўп тотиса, меҳнат ва уринишининг сўнги ширин бўлишини англаса, қоқилса-суринса, оқ-қорани ажратишга қанча эртароқ фаҳми етса, улғайганида шунча яхши бўлади, каттарганда кам қоқилади, қийинчилик ва ташвишларга шунча бардошли, сабрили бўлади, дегани экан.

Менимча кўпгина ёшларнинг ҳаётга мустақил қадам қўйгандан сўнг қийналиб қолиши сабаби мана шу ёқда: болалигида ҳеч нарсага жон қойитмаган, қийналмаган, аксинча ота-она фарзандини папалаб, совуқ сувга қўлини урдирмай, нимаики деса муҳайё қилиб тарбиялаган. Бу жуда ёмон. Бундай улғайган бола ҳамма оғирлигини ота-она елкасига ташлаб олади. Демак, ёшларнинг ўқиши, тарбиясини болалигиданоқ меҳнатга меҳр, унга иштиёқ ва ташналигини бирга қўшиб олиб бориш зарур.

Энди ёмонлик тўғрисидаги гапга келсак, бу ерда ҳам масаланинг икки томони бор. Кўп кўрдим — ёмонлик кўчасига кириб қолган айримлар вақтида ҳаёт сабоқларини ўзига «юктириб», атрофдагилар дашноми ва ўғитларидан хулоса чиқариб тўғрилиқ дунёсига кириб кетди. Аммо шундайлар ҳам бўладик, улар ёмонлик қилмаса, ўз йўлида кетаётганларнинг таъбини тирриқ этмаса, юмалоқ-ёстиқ хатбозликдан ҳузур қилмаса, тиниқ оқаётган сувни булғамаса елкаси қичийди. Бу касал ундайларга боя айтгандай кўндоқда теккан бўлади. Шунинг учун халқ: «Ёмон балосидан асрасин!» дейди-да...

Давлат ака сўзлар, мен уни берилиб тинглар эдим. Кечаги суҳбатни эслаяпман-у, бугун далада ўтган учрашувлардан бирида Алпомишдай гувраниб сўзлаган Камол Шаропов деганлари хаёлга қўнади. У ҳам икки гапнинг бирида Давлат Алибоев номини тилга олиб сўзлаган эди;

— Мен «Сурхон»нинг Жалойир қишлоғида, 1914 йилда туғилганман. Совхозимиз-

нинг биринчи директори Мамажон Аҳмаджонов бўлган эди. Ишнинг кўзини, одамнинг дилини билар, яхшилиқ ва ташаббусга қайишар, кишиларга ўта меҳрибон эди. Ушандан буён Эргаш Жўрабоев, Вячеслав Кротов, Д. Ҳамидов, Рисқи Алимов сингари кишилар ҳам директор бўлди. Аммо Давлат Алибоев хизматлари катта. Кўриб келганингиз «Сурхон»нинг ҳозирги қиёфаси шу кишининг номи билан боғлиқ. Совхоз тузилгандан сўнг бир-бир ярим йилча ишчи бўлиб ишладим. Сўнг бригадирликка ишонишди мени. 1935 йилнинг охирлари эди, адашмасам. Ҳосилдорлик тўққиз-ўн центнердан ошмасди. Энди-чи, гектаридан 45—46 центнердан ипак пахта олиб турибмиз. Меҳнатдан шарофат кутган одам меҳнат машаққатидан қочмайди. Мен сизга айтсам, тўрт ўғил, уч қизим бор. Кўзимизнинг оқу қораси, умримиз давомчиси шу фарзандлар. Фарзандларим ҳам ишимни қўлимдан оладиган бўлишди. Уғилларим механизатор бари. Аммо, пахта ҳам болаларимиздай бўлиб қолган. Хотиним Бибисора билан хурсандмиз. Алибоевни дуо қилиб юрибмиз. У киши ҳозир пенсияда, лекин обрўси ҳеч камайгани йўқ. Энди, элга хизмати сингган-да, ука... Битта тирриқ тана пода бузади, дейишади-ю... Кўпчиликнинг хаёли бўлса пахтада. Биладики, рисқи ҳам, бўй-бастининг устиворлиги ҳам, жаҳонга кўз-кўз қиладигани ҳам шу пахта. Шу боисдан дўппи тор келганда томорқа ё рўзғорига қарамаса қарамайдики, пахтага ишлайди...

Қизиқ? Камол ҳам ўзи ҳақда гапиршни хуш кўрмайди. Коммунист Камол Шаропов Улуғ Ватан урушида олган орден ва медаллари ҳақида, Октябрь Революцияси ва Меҳнат Қизил Байроқ орденларига мушарраф бўлгани хусусида лом-мим демайди.

— Ер — бу тенгсиз инъом бизга. Ер ёмон деганнинг ўзи ёмон. Инсон рисқи — ерда. Буни билишмайди айримлар. Бир пайтлар «Сурхон» ташкил этила бошланган кезлар кўпларнинг тураржойи бўлмаса ҳам тартиб-интизом кучли эди. Ҳозир ҳам ўша авлод ишда. Ташвишдаман. Айрим ёшлар иш ўрганишдан қочиб, энгил ишга чоғиб қолишади. Охири бахайр бўлсин. Ҳой, ахир ҳатто қурт-қумурсқа ҳам, қушу ҳайвонлар ҳам одамзод эканидан рисқ топади-ку...

* * *

Дастурхондаги неъматлар турфа хил. Буларнинг барчаси шу «Сурхон»нинг ўзида етиштирилаётганига ишонинг келмайди. Қиррабурун, Сурхон қуёшида қорайган, чайир бир киши сиполик билан хизмат қилади. Мезбон-да. У чой келтириб қўяркан, Давлат ака унга имо қилиб деди:

— «Академик боғбон»ларимиздан, Бадалхон боғбон дейишади. У пайвандлаб етиштирган кўчадан қўшни Қашқадарё, Афғонистон тарафларга ҳам олиб кетишади. Бошқа қиъаларда ўсадиган мевали дарахтларни Ўзбекистон шароитига мослаб ўстиришда унинг олдига тушадигани йўқ. Яхшиси, Бадалхон аканинг ўзи билан гурунглашарсиз. Аммо, мен унинг хислатларини айтиб қўяй. Узи бу ҳақда ўлса гапирмас. Яхшиликни минг битта қилсанг, минги қолмаса ҳам, бири қолар экан. Қаранг, мана шу Бадалхон олинг. Бу киши қачон ухлаб, қачон туради, шунча мўъжизаларни қай вақт қилиб улгуради? Шунча катта оилани обрўли, одобли қилиб бошқаришни қандай эплайди? Бундан ортиб, боғбонлик юмуши билан юртимизнинг талай шаҳар ва илмий текшириш институтларига қандай бориб қайтади?! Лекин-чи, яхшилиқ қилишга ўч бўлсанг, кўнглинг тоза бўлса, ғайирлигинг бўлмаса ҳаммасига улгурар экансан, қаримас экансан...

Даврадагилар бош ирғаб Давлат акани маъқуллашди. Бадалхон ака ҳақидаги сўз узилиб қолди. Бафуржа ўзи билан албатта бир гаплашиб олишни дилимга тугиб қўяман.

Гап тупроқ ҳақида, беминнат меҳнатнинг мўъжизалари, ипак пахта кароматлари хусусида кетади.

— Ҳамма гап тупроқда. Уни ўз вақтида чанқоғини қондириб, вақтида ўғитлаб, шудгорлаб борилмаса қийин.

— Шунинг учун бригада бошлиқларини ҳадеб алмаштиравермаслик керак. Чунки у ўл ерининг табиатини яхши билиб олган бўлади. Яхшиямки бизда йигирма беш-ўттиз йиллардан буён ишлаб келаётган бригадирлар бор, тажрибали, обрўли, ушлаган жойидан кесадиган...

— Мен авваламбор шудгорлашда сир кўп деб биламан. Ота-боболаримиз ерни шундоғам обдон шудгор қилишардики, унга кесак отишганда бориб тушган ерида шудгорга ботиб кетарди. Ундан кейин юқоридан бериладиган кўрсатмаларга оқиллона ёндошиш керак: вақтида сув, вақтида чеканка, вақтида ишлов, дефолиация, терим... Буни деҳқоннинг ўзи яхши билади...

— Айниқса ипак пахтага эҳтиёт бўлиш керак — пахтаси ғўза тагидан учига қараб очилиб борса, терими нозик бўлса...

— Жуда яхши бўлди-да ҳозир. Алмашлаб экиш, пудрат усули, меҳнатни тўғри тақсимлаш меҳнаткаш жонига оро қияпти...

Гурунғ қизигандан қизийди. Даврадагиларни кузатаман. Меҳнат, пахта ва турмуш, замон уринишлари ҳақида қизишиб баҳслашишади. Айниқса, чолларнинг сўзларидан мароқланаман.

Хў, гапирётган ғўлабир киши бригадир Аъзам Ниёзов. Асли бойсунлик. Авлод қишлоғидан. Энди олтмишдан ошди. 1944 йилдан буён шу «Сурхон» да ишлайди. Саккиз йил ишчи бўлди. Мана энди бригадирлик қилаётганига ўттиз йил тўлди. Дастлабки йиллари ҳосилдорлик 30 центнер эди. Ҳозирга келиб 45 центнерга чиқди. Етмиш гектар ери бор. Икки юз саксон — уч юз тонна ипак пахта топшираётган ўттиз одами бор. Машаққатли меҳнатнинг не-не инжиқликлари билан келишиб, келишмас қаловини келтириб тер тўкадиган Аъзам ака республикада хизмат кўрсатган пахтакор бўлди. Ҳалол меҳнати шарофатидан III ва II даражали Меҳнат Шўҳрати ордени ҳамда Ленин ордени кавалери бўлди.

— Ернинг ёмони бўлмайди, — деб сўз бошлади Аъзам ака. — Ҳамма гап инсоннинг ўзиди. Тартиб-интизом, об-ҳаво, ҳалол меҳнатга, техникага боғлиқ. Мана, қаранг, бу йил об-ҳаво анча шошириб қўйди. Май ойида қатқалоқ жуда қисди. Бўш келмадик. Бундай пайтда икки карра меҳнат талаб қилинадиган жойда яна ўн ҳисса тер тўкишга тўғри келади.

Хушбоқ Фармонов эса жуссасидан ғайрати тўкилиб турган Бобохонни кўрсатиб деди:

— Манави Бобохоннинг отаси ҳам, онаси ҳам деҳқончиликда обрў қозониб келган. Отаси урушда ҳалок бўлди. Шу фарзанд ота йўлини тутди. Ишчи бўлди. Шаҳрисабздаги қишлоқ хўжалик техникумини битириб келди, «яхши, ота ўғил», дедик. Агроном бўлиб, ер билан «тиллашадиган» бўлди — «отасига раҳмат», дедик. Социалистик мусобақа ғўлиби бўлганида яна бир қувондик. Мана саккиз йилдан буён бўлим бошлиғи. Ерига, одамларига, баракали ишига тасанно ўқиймиз. Қандини урсин, «Сурхон»даги пешқадам бўлимлардан. Боя далаларини ўзингиз ҳам кўрдингиз...

Бобохоннинг ўзи суҳбатга аралашиб Хушбоқ аканинг мақтовини бўлди:

— Сувчи етишмас эди бир пайтлар. Биласизлар, бу — деҳқончиликдаги нозик муаммо. Кўп одамлар четда ишларди. Биринчи галда ўз ишчи кучимизни тўплаш ҳаракатини қилдик. Энг аввал ёшларни уй-жой билан таъминлаш чораларини топдик. Биргина бизнинг бўлимда икки ўрта мактаб, спорт майдони, поликлиника, аптека, тикув цехи, прокат бор... Асосий мақсад — халқ маданиятини кўтариш, уларга барча шарт-шароитларни яратиб бериш, дала шийпонларини деҳқонларнинг иккинчи уйига айлан-тиришга қаратилган. Ишнинг ҳалол, виждонан боришига фақат булар кифоямас-да. Хуллас, қайта қуришни ҳар ким ўзидан бошлаши керак. Ишчи раҳбарни, раҳбар эса халқни алдамаслиги зарур. Ростгўй, сўзи билан иши бир бўлиши керак. Айниқса, раҳбарлик мураккаб. Сўзинг устидан чиқмадингми, халқ эътибори йўқолиб бораверади. У ҳамisha халқнинг ўз ташвишларига, қувончу маърақаларига шерик бўлиши керак...

Гурунг алламаҳалгача давом этди. Уша даврада Бадалхон ака билан суҳбатлашишга вақт тополмадим. Эртасига эрталаб қайтаётганимдагина суҳбатлашиб олдик.

Унинг отасини Бўри боғбон дейишарди. Уғил ҳам ота касбини тутди. Дов-дарахт билан «дардлашишни», тупроқнинг рангиданоқ нималарга «қурби» етишини, япроқлар шовурида олам яшашини, сув шилдирашида илдизлар розини тушунадиган бўлди. Охиrqоқибатда бийдай чўл «худо қарғаган» ташландиқ, тепалик ҳамда яйловлардан иборат мана шу жойларда жаннат яратди.

Катта ўғли Норхўжа бўлим мудирини, куёви Руҳан, қизлари Назира ва Зулфия, кичик ўғли Зокир, умр йўлдоши Шарифа Бўриева... барчаси ёнида қўлдош, оғирини енгил қилади, ота касбининг инжиқлиғи мўъжизалари сирларини ўрганишади. Оилавий боғ-бонлар, совхоз боғ-роғларини қароғ билганлардан...

«Дов-дарахтлар, ўсимликлар, ғўза ва гуллар... ҳам кўра олади, эшитади, гўзалликдан баҳра олади, ҳис қилади. Бунга-ку энди мисоллар кўп. Улар гапирмаслиги рост, лекин ранг-рўйи билан дилидагисини изҳор қилади. Мусиқани «сел бўлиб эшитади».

Бадалхон ака эса айтмас бўлмайдиган ташвишлар ҳақида куйиниб гапирар эди:

— Мен доимо республикамиз олимлари бир муаммони тилга олишини кутиб юрман. Кўчат етиштириладиган майдонни туғруқхонага қиёслаш мумкин. Кўчатга алоҳида эътибор ва парвариш зарур. Қандай тушунтирсам экан сизга? Мана, қаранг, кўчат экилди, дейлик. Бизда, асосан ҳамма жойда сифатнинг эмас соннинг, сабрнинг эмас муддатнинг ортидан қувлади-да, катта хатога йўл қўйилади. Яъни, кўчатни уруғдан унган жойида пайванд қилинади. Жуда ҳам нотўғри. Нега дейсизми? Бундай пайвандланган ниҳол икки йил ўтар-ўтмас тарқатиб юборилаверади-да. Қарабсизки, минг-минглаб экилган кўчатлар ҳосилга кирмай, ғўлаб кетади. Сийрак, саноқли мева қилади. Нега? Сабаби шуки, уруғдан унган кўчатда ўқ илдиз бўлади. Уқ илдиз эса фақат чуқурликка қараб кетаверади. Натижанда ҳосил илдиз — ўқ илдиздан бўлак ён-атроф тупроқдан озиқ оладиган тармоқ илдизлар ривожланмай қолади. Оқибатда қуруқ савлат кўчатдан ҳосил кутиб йиллар кетидан йиллар ўтаверади. Кўчатни уруғдан ундириб, пайванд қиласолиб қутулиш эмас, яна бир йилгина кутиш, андак меҳнат, куйманиш керак. Уруғдан униб чиққан кўчат иккинчи йили унган жойидан кўчириб экилади. Кўчириб экишда албатта кўчатнинг ўқ илдизи қирқилади, иккинчи йили кўчат пайвандланади. Қарабсизки, ҳосил илдизлар пайдо бўлади. Уз навбатида ўқ илдиз ҳам такомиллашиб боради. Учинчи йили кўчатлар тарқатилади. Бундай кўчатлардан улғайган дарахт бакувват, ларзон мевали,

ҳосилдор бўлмаса, менга келинг. Агар шундай қилсак, қуруқ, номига ўтказилаётган сон-санови йўқ қуруқ савлат дарахтларга барҳам берган бўлардик...

Бадалхон ака боғдорчилик бобида бирор махсус билим юртини тугатмаган. Билимни тупроқдан, отасидан, уста боғбонлардан олган. Бетиним тажриба орттираверган. Устоз селекционерлардан қаери кам?

— Селекцияда гап кўп асли. Биласиз, «селекция» — лотинча сўз. Саралайман, танлайман деган маънода. Ҳозир бу ўсимликларнинг янги навлари ҳамда дурагайларини ва ҳайвонларнинг янги зотларини етиштириш ҳақидаги фан деб тушунилади. Селекционерлар ўсимликшунослар ва чорвачилик, полиз ва сабзавотчилик, пахтачилик ва боғдорчилик, маккажўхоричилик ва гулчилик... каби жуда кўп соҳаларда, отлар ва қушлар оламида катта ўзгариш ҳамда муваффақиятларни қўлга киритди. Селекция энг аввало ҳосилдорликни ошириш, сифатни яхшилашни кўзда тутди. Ўсимлик ва ҳайвонот оламидаги селекция назарига тушган жонли ва жонсиз неки бор, ташқи муҳитга чидамлилиги, ранг-рўйи, пуштининг тозаллиги ошади. Шундай қилиб селекция мўъжизалари қитъадан-қитъаларга, авлоддан-авлодларга, устозлардан-шогирдларга ўтиб, такомиллашиб бораверади...

Бадалхон аканинг сўзини бўлгим келмайди. «Боғдорчиликнинг академикларидан», деганларича бор экан, — дея ўйлайман ичимда. — Номи таниқли селекционерлар билан бирга тилга олинса қандай ярашиқли...

— Маслаги қутлуғ шундай даврда ҳалол ишламай бўладими? Лекин дунё пайдо бўлибдики бир гап бор-да, — дейди Бадалхон ака. — Маҳмуд Қошғарий хўб айтиб кетган экан-да, ялқовга эшик остонаси ҳам тоғ тепадек кўринади деб. Турмушда ялқов ва қинғирлар, юлғич ва қасамхўрлар ҳам учрайди. Китобни яхши кўраман. Шундай кишилар ҳам бўладими, уларнинг табиатига ёлғон хабар тарқатиш ўрнашиб қолиб, гўё унга шу вазифа юклангандек бўлади. Улар ёлғон хабар тарқатмасдан туролмайди.

Бу ёмон хоҳишлардан ва табиатига бузуқ фикрларнинг жойлашганидан келиб чиқади. Ундайларга: «Ҳой инсон, фаросат ўлчаб беришаётганларидан ухлаб ётганмидинг?» десанг: «Ҳа, энди эшак меҳнати ҳалол, гўшти ҳаром бўлдимми? Ҳозир қайта қуриш даври, сен ҳам беайбмассан...» дея бақиради. Узингни ишқмасга чиқаради, зўрлик тарафга ўтади.

Бадалхон ака ёмон раҳбар ҳақида сўз кетганда битта тўртлик ўқий қолди:

**Мечкай раҳбар хабар топса уммондан,
Балиқларнинг шўри қуриди деявер.
Тошлоқ ерга раҳбар бўлса донадан,
Вайрон эмас, шаҳар бўлди, деявер.**

— Кимники? — сўрайман мен.


Бадалхон Бўриев қўлидаги дафтарни узатди.

— Кечадан бери ийманиб турувдим. Бир кўз югуртиб берасизми девдим... Ҳеч кимга кўрсатмовдим...

Варақлайман. Дуруст машқларни кўриб қувонаман. Ҳайратим яна ошади. «Ҳалол боғбон, камтар инсон, тажрибали селекционер, пиру бадавлат оила бошлиғи, ҳаваскор шоир... Кўп китоб ўқийман, деганида жон бор экан-да...»

...Самолётда қайтарканман, яна пастга қарайман: Сурхон дарёси, канал ва кўллар қуёш тиғида ялтиради. Боғ-роғу пахта далалари кўм-кўк. Чўққилари кўкка қадалган нуроний тоғлар гўё шу жаннат масканларнинг паҳлавон қўриқчиларидай кўринади... Хушбоқ Фармонов сўзларини эслайман: «Совхозимизнинг ҳар бир ишчиси ҳақида китоб ёзсангиз арзийди. Тоғбардош, тоғқомат, ҳалол меҳнатнинг тоғдай заҳматларини қайириб, қувонч ва омад тонгларини қарши оладиган кишилар...»

Менинг хаёлимга эса устоз Миртемир сўзлари тушади: дунёда тайёрга айёрдан эл безор. Ҳамма соҳада асл меҳнаткашга олқиш бўлсин!



Пўлат Мўмин

ГУЛ ЭКАМАН СИЗЛАР БИЛАН

Мен уни енгдим

Аввал бўшашган эдим,
Энди-чи, уни енгдим.
У нима, деб сўраманг,
Ҳолим эди анча танг.
У кўзга кўринмас ҳеч,
Бирга эди эрта-кеч.
Доимо бўш юардим,
Қуруқ хаёл сурардим.
Билишга уринмасдим,
Меҳнатда кўринмасдим —
Тандаги аъзоларим —
Гўё эдилар ярим.
Оғирдай касал — дардим,
Узоқ ухлаб ётардим.
Қаранг-ки, дангасалик
Абгор қилди шунчалик.

Билсам барча соҳада
Қоп кетибман орқада.
Тушай деб тўғри йўлга,
Ўзимни олдим қўлга.
Дангасалик, қоч, дедим,
Қани, йўлни оч, дедим.
Тонгда эртароқ турдим,
Зарядкага югурдим.
Устимдан энг оғир тоғ
Ағдарилгандай шу чоғ —
Ўзимни сездим енгил,
Дангасаликни енгиб.
Вақтида дарсни қилдим,
Кўрдим, ўргандим, билдим.
Енгдим дангасаликни —
Енггандай касалликни!

Икки қўлим

Икки қўлим,
Икки қўлим,
Сизга ҳамдам ўн бармоғим,
Сиз туфайли,
Қандай шараф,
Юрт хизматин бажармоғим.
Гул экаман
Сизлар билан,
Устираман парваришлаб.
Ҳимматимга,
Хизматимга
Гуллар тутар эл олқишлаб.

Бирингизни
Кўксим қўйиб,
Ҳурматимни кўрсатаман.
Бирингизни
Чин юракдан
Дўстим томон узатаман.
Мен биламан,
Икки қўлим,
Емонликни хушламайсиз.
Юрак сўзим,
Илтимосим
Асло қурол ушламангиз.

Йиқилганни суямоқ...

Югурмоқчи беш ўртоқ,
Кўринишда кўп иноқ.
Уйнаймиз, деб ким ўзар,
Бир-бирига қўл чўзар,
Кулишиб,
Саф бўлишиб,
Шайландилар теппа-тенг,
Қайси бири ўзғир энг?
...Оёқни олиб қўлга,
Ғизза тушдилар йўлга.
Ўзича чопар ҳар ким,
Ўзича шошар ҳар ким.
Нима бўлди-ю бирдан,
Тўсиқ чиққандай ердан,

Битта бола йиқилди...
Ётарди йиқилганча,
Дейишмас нима қилди?
Ким билар, ётар қанча?
Дўстлар келиб ёнига,
Ора кирмас жонига...
Тўртта ўртоқ-чи ҳамон,
Чопишар марра томон.
Йиқилганни суямай —
Югуришар уялмай...
Ўша тўрттала ўртоқ,
Эканлар чала ўртоқ.
Йиқилганни мард суяр,
Мард болани эл суяр.

Ким экан-у, ким экан?

Ўзи совуқ,
Қовоқ солиқ
Ким экан-у,
Ким экан?

Ёқавайрон,
Кўрган ҳайрон
Ким экан-у,
Ким экан?

Дўстлари йўк,
Кўзлари лўқ
Ким экан-у,
Ким экан?

Дарсдан қочган,
Девор ошган

Ким экан-у,
Ким экан?

Келиб ортдан
Сочдан тортган
Ким экан-у,
Ким экан?

Ундай бола
Кўзи ола
Оз экан-у,
Оз экан.

Эртаю кеч
Бўлмаса ҳеч
Соз экан-у,
Соз экан.

Ўтар китоб паради

Қаранг, китоб байрами,
Байрамларнинг хуррами.
Овозаси қоплаган —
Ер юзини — куррани.
Катта яшил майдонда
Одам тўла ҳарёнда —
Ўтар китоб паради,
Қаранг, кимлар боради?
Санаб бўлмас анчайин,
Энг олдинда Корчагин,
Зоялар-у Кошевой,
Борадилар бўйма-бўй.
Қасоскорлар от чопар,
Ўзларига йўл топар.
Ана Икки капитан,
Қолмас дўстлар сафидан.
Писиб борар бўрилар,
Гапиролмай бўғилар.
Қаранг, олтин балиққа,
Сакрайди ликка-ликка.
Сичқонлар пилдирайди,
Мушукка билдирмайди.
Ҳайрондирман қуёнга

Кўркмай боқар ҳарёнга.
Мушкетёр қиличвозлар,
Олтин хўрозлар, ёзлар,
Учолмаган ўрдаклар
Бир-бирини етаклар.
Сўрангиз Билмасвойдан,
Кеча келганмиш ойдан.
Буратино, Бўғирсок,
Качалполвон кўғирчоқ,
Афанди, Алдаркўса,
Соқоли ўсган роса.
Шумболага қаранглар.
Кулдиришга аланглар.
Ойгул билан Бахтиёр,
Боришар бўлиб қатор.
Чипполина — пиёзвой.
У ҳам хурсанд ҳойнаҳой.
Сира қилмай дағдаға
Борар Степан Тоға.
Қалпоқ кийган Ҳошимжон,
Ҳатто Салимжон-нимжон,
Лўмбиллаган Қовоқвой,
Нафси бузуқ Конфетвой,

Ҳаммалари ўтарди,
Болалар гул тутади.
Китоб қаҳрамонлари,
Яхши-ю ёмонлари
Бари китобдан чиқиб,
Байрам қилар мириқиб.

Китоб ўқиганларни,
Китоб тўқиганларни,
Доим ўрнак бўлинг деб,
Энг довурак бўлинг деб,
Таъкидлашар барчаси.
Табриклашар барчаси.

Ушламоқчи уйқуни

(Ҳазил)

Аҳмад ётар ўрнида
Бақрайтириб кўзини.
Пойлоқчига ўшатдим
Худди унинг ўзини.

— Нега ухламайсан? — деб
Сўрагандим ҳол-аҳвол,
Уйқуни ушламоқчи
Бўлганин айтди дарҳол.

Яна тутдим саволга:
— Ушлаб нима қиласан?
Шивирлаб дер: — Шошмагин,
Кейин кўриб биласан.

Агар ушлаб олсам-чи,
Сим қафасга соламан.
Керак бўлган маҳали
Дарров ишга соламан.

Шунинг учун бечора
Кўзин юммас атайлаб.
Ҳамон уйғоқ ётарди
Уйқу келишин пойлаб.

Ҳеч қачон тутилмасди,
Сеҳргар эди уйқу.
Ҳеч қаерда, ҳеч кимга —
Тутқич бермас эди у.

Уни пойлаганларга
Нимадир эслатарди.
Оғзин каппа очириб
Гангитиб эснатарди.

Эй болалар, болалар
Уни қаранглар, уни.
Аҳмадҷон хуррак отар
Ушлолмасдан уйқуни.



ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЁЗИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА

КЕЛАЖАК МЕРОСДАН БОШЛАНАДИ

Ёзувчи дунёқараши... Адабиётшунослик фани учун ғоят мураккаб ва айна замонда ўта нозик бу муаммони ўрганишдек масъулиятли вазифа бўлмаса керак. Чунки, ёзувчи дунёқараши бир онда, ўз-ўзидан ҳосил бўлиб қоладиган хусусият эмас, балки у ижодкорнинг бутун умри давомида шаклланадиган ўзига хос жараёндир. Шунинг учун ҳам ижодкор дунёқарашини унинг таржимаи ҳолидан ажратилган ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Шундай экан, ёзувчи дунёқарашини атрофлича ўрганиш ва у ҳақда тўғри хулоса чиқаришда ижодкор яратган асарлар билан бир қаторда унинг таржимаи ҳолига оид манбалар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки, академик Д. С. Лихачевнинг сўзлари билан айтганда: «...ёзувчи биографиясида унинг асарларини кўпдан-кўп сир-асрорлари яширинган бўлади».¹

Албатта, ёзувчи таржимаи ҳолига оид ягона ҳужжат (ёки манба) унинг дунёқарашини бутун борлиги билан очиб бера олмайди. Аммо бундай ҳужжатлар ёзувчи дунёқараши ҳақида умумий тасаввур уйғотади. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтида сақланаётган Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий архивидаги айрим ҳужжатлар бағоят эътиборлидир. Зотан, бу ҳужжатларда Ҳамза умрининг айрим дақиқаларини ниҳоятда аниқ тасвирловчи ифодалар мужассам топгандир.

* * *

Шарқ мамлакатларига қилган сафаридан она шаҳар Хўқандга қайтган Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий 1914 йилнинг 27 май куни яқин дўсти Пўлатжон муаллимдан қуйидаги мазмунда бир мактуб олди:

«Муҳтарам дўстум мулла Ҳожат Ҳамза афанди,
Эрта 28 нчи майда чаҳоршанба куни соат 8 да каминанинг мактабимга ташриф этасиз. Ганжиравонда бир муаллим ошномиз боғлариға иккимизда мутакаллифимиз. Бир мажлиси миллий иншо этажамиз, (Ҳофиз билан танбурда бор) 4 нафаргина бўлуб бориб кўнгил очишиб келамиз. Узр мақбул эмас.

Боқий ассаломуалайкум.
Дўстингиз Фўладжон.
27 нчи мой 1914.
1332 ҳижрий.»²

Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий Пўлатжон муаллимнинг бу илтимосини рад эта олмади ва эртаси куни эрталаб унинг «Бешариқ» маҳалласидаги Мулла Муҳаммад Солиҳ Халифа хонақоҳида жойлашган мактабига етиб келди. Сўнгра икки дўст пиёда шаҳар четидаги Ганжиравон маҳалласига жўнаб кетишди.

У ерда кун бўйи дўстлар даврасида сўхбатлашиб ўлтирган Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий кечқурун уйига қайтгач, бир парча қоғозга араб алифбосида шу сўзларни ёзиб қўйди:

«28 нчи мой чаҳоршанба 1914 нчи йил 18 нчи ражабда муаллим Хўқандий Тошпўлод афанди била Хўқанд Кўрғонтеги маҳаллалариндан Ганжиравон маҳаллада коин Мулла Умар муаллим боғларина боруб, кечга қадар миллат дардида ҳасратлашуб келдик. Онда қолдирғон тарихий рубоиётдурким, 1 нчи кўрушувимиза сабабдур:

Бугун дил наҳрида бошқа ҳаётнинг шавқи жирёндир,
Камоли завадан дарди ғамимни тавқи гирёндир.
Ражаб (ёз) эрди осори муҳаббатдан нишон этдим,
Сафои айша таърихим (Умар боғида) пинҳондир.»

(Уша архив ҳуж. № 21)

Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий ёзганларини қайта бир ўқиб чиқди-да, «ёз» ва «Умар боғида» сўзларини катта қавс ичига олди. Сўнгра бу қоғозни бир четда тахлаб қўйилган бошқа қоғозлар устига оҳиста қўйди...

* * *

Бугун Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий қўли билан битилган ўша қоғоз бизнинг қўлимизда. Бир-бирини қувлаб ўтган йиллар унинг рангини деярли жигар ранг тусга киритганлар. Аммо ёзув — Ҳамза

¹ Лихачев Д. С. — Литература-реальность-литература, М., Сов. писатель, 1981, стр. 199.

² Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти, Ҳ. Ҳ. Ниёзий архиви, ҳуж., № 1242.

дастхати эса ўшандай сақланган. Биз Ҳамза дастхатини эътибор билан ўқир эканмиз, унинг «қ ў ш қ а б а т» мазмунга эга эканлигидан воқиф бўламиз. Эътиборлиси шундаки, ёзувчининг б и р и н ч и мазмуни Ҳамза умрининг бир куни тасвиридан иборат. И к к и н ч и мазмуни идрок қилмоқ учун эса Ҳамза дастхатининг умумий мазмунидан ташқари у қўллаган ҳар бир сўзга алоҳида эътибор қилиш лозим.

Мана, муаллим Мулла Умарнинг боҳаво боғида меҳмондорчилик бўлмоқда... Дастурхонга қуюқ ва суюқ таомлар тортилган... Вақти-вақти билан хонанда танбур жўрлигида хониш қилади. Ҳаммаси одатдагидек, аммо суҳбат мавзуи ўзгача... У «миллат дарди»га («халқ» маъносида) бағишланган. Эътиборлиси шундаки, суҳбатдошлар «миллат дарди»да шунчаки сўзлашмайдилар, «ҳасратлашадилар» ва бунда «бошқа ҳаётнинг шавқи» мужассамдир. Шунинг учун ҳам дунё кўриб келган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ҳар бир сўзи ана ўша «бошқа ҳаёт...» баёнига хизмат қилади. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг айна шу «биринчи кўрушув»га бағишлаб ёзган рубойиси бежиз битилмаган бўлиши керак, чунки рубойининг ғоявий мазмунида асосий ижтимоий-сиёсий ва фалсафий фикрлар ифода топади. Афтидан, Ҳамзанинг бу рубойиси ўша суҳбат асосида бадиха тарзида яратилган бўлишига қарамай, суҳбатдошларнинг барчасига маъқул бўлган ва шу сабабли Ҳамза уни «онда қолдиргон».

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ўз рубойисини «тарихий рубоийёт» деб сифатлайди. Дарҳақиқат, аҳамияти жиҳатидан бу рубойининг тарихийлиги ўз-ўзидан аён, аммо айна замонда у ўтмиш адабиёти-мизда мавжуд бўлган бадий асарларнинг энг нафис турларидан бўлмиш т а р и х санъатига ҳам мансубдир.

Одатда, тарих санъатининг асосида ҳаққоний ҳаётда содир бўлган ва инсон ҳаётида маълум из қолдирган бирор воқеа ёки ҳодисанинг а б ж а д воситасида келтирилган ҳисоби ётади. Бунда сон қийматига эга бўлган ҳарфлар бир вақтнинг ўзида м у с т а қ и л м а а н о н и ифодалаш билан бирга, ҳ и ж р и й й и л ҳисобини ҳам кўрсатиши лозим. Ўзида мустақил маънони ва айна замонда абжад ҳисобини мужассамлаштирган сўз т а р и х м о д д а с и дейилади. Ҳамзанинг рубойисига таърих моддаси иккита. Уларнинг биринчиси «ёз» сўзи бўлиб, ундаги «ёй» — ҳарфи 10, «алиф» — 1, «зе» — 7 қийматларига эга. Бу ҳарфларнинг умумий адади эса 18 га тенг. Иккинчиси эса «Умар боғида» ибораси бўлиб, ундаги «айн» — 70, «мим» — 40, «ре» — 200, «бе» — 2, «алиф» — 1, «ғайн» — 1000, «ёй» — 10, «дол» — 4, «қой ҳаввоз» — 5 қийматларига эга. Буларнинг умумий адади эса 1332 га тенг. Айна шу рақам, ёдингизда бўлса, Пўлатжон муаллимнинг ҳам мактубида келтирилган эди. Демак, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳижрий йил ҳисоби билан 1332 йил, ражаб ойининг 18-кунини тарихга олган бўлиб чиқади. Бу сана мелодий йил ҳисоби бўйича 1914 йил 28 май чоршанба кунига тўғри келади.

Агар тарих санъатидаги м у қ а р р а р л и к қоидадини эътиборга олсак, тарихга олинган воқеа билан ижодкор томонидан яратилган тарих асари орасида мазмунан ҳеч қандай фарқ, ўзгачалик бўлмаслиги ва тарих инсон ҳаётида из қолдирган бирор воқеа ёки муҳим бурилишларга бағишлаб ёзилган бўлиши керак. Акс ҳолда у тарих бўлмайди. Шунга кўра Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ўз ҳаётида ҳақиқатан содир бўлган аниқ воқеани тарихга олиш билан баробар ижодида маълум бурилиш бошланганини кўрсатувчи бу сана ҳақида бежиз тарих битмаганлигини баён қилмоқда.

Дарҳақиқат, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ўша санадан кейин яратилган асарларида:

**Эдар миллат тараққий ақли соф ўлса жаҳолатдин,
Сезилса иттифоқ осори бир-бирига садоқатдин.**

(Уша архив, ҳуж. № 235).

деган ғоя асосий ўринни эгаллайди. Умуман, бу ғоя Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Миллий ашуларар учун миллий шеърлар» мажмуаларидаги асарларнинг деярли барчасида ўз ифодасини топди:

**Бу Ниҳон қон йиғлаюр миллат учун лайлу наҳор,
Ёз ўтуб қиш келди ҳоло бизга бўлган йўқ баҳор,
Сар-сари боди жаҳолат қилмак истар тору мор,
Чора шул мактаб очайлик шояд ўлсун сабзавор,
Миллата шавқат, тараққий, шаъну даврон истариз.**

Ҳамза ижодида алоҳида саҳифани ташкил қилган бу «мажмуалар» ҳали махсус ва мукаммал тадқиқ қилингани йўқ. Ваҳоланки, уларда Ҳамза дунёқарашининг муҳим б о с қ и ч и мужассам топгандир. Зотан, Ҳамза архивидаги биз кўриб ўтган ҳужжат ана шундан далолат ва айна замонда, кафолат бермоқда.

* * *

Архив ҳужжатларининг яна бир қимматли томони шундаки, уларда ижодкор дунёқарашининг бир кўриниши эмас, балки маълум мuddат давом этган мураккаб жараёни ҳақида ҳам маълумотлар беради. Бу жиҳатдан Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий архивидаги ҳужжатлар орасида сақланаётган шоир Абдулҳамид Сулаймонкул ўғли — Ч ў л п о н қаламига мансуб дастхат-мактублар эътиборлидир. Бу мактублар билан яқиндан танишиш ҳозирга қадар адабиётшунослигимиз (айни замонда ҳамзашунослигимиз)нинг айрим қоронғи саҳифаларини ёритиш ва Ҳамза билан замондош бўлган адибларнинг ўзаро муносабати ва ҳатто уларнинг дунёқарашидаги баъзи қирраларни аниқлашдек муҳим муаммоларни ҳал қилиш имконини беради.

* * *

1916 йилнинг қаҳратон қиш кунларидан бирида Хўқанддаги «Файрат» китобхонасининг ходимлари Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг Тароқчилик маҳалласидаги ҳовлисига бир мактуб келтириб бер-

¹ Ҳамза Мукаммал асарлар тўплами, II-том, «Фан» нашриёти, Тошкент — 1980, 52-бет.

дилар. Мактуб кафтдеккина «Почтовая карточка»га қора сиёҳ билан шошилинч равишда битилган бўлиб, унинг биринчи бетига рус алифбосида мана шу адрес ёзилган эди:

Г о с п о д и н у Х. Н и я з о в у
К н и ж. м а г а з. «Г а й р а т» в К о к а н д е.

Сўнгра, бу сўзлар остига чизиқ тортилган. Чизиқ тагига эса араб алифбосидаги ўзбек ёзувида шундай илтимос битилган:

Т о п ш р и л с у н э д и т е з л и к б и л а н
Ҳ а м з а Ҳ а к и м з о д а ж а н о б л а р и н а.

Шу ердаги доира шаклидаги почта муҳрларидан «А н д и ж а н — 8.12.16» ва «К о к а н д — 9.12.16» саналари аниқ кўриниб туради.

«Почтовая карточка»нинг иккинчи бетига ушбу мактуб ёзилган:

«Муҳтарам Ҳамза афанди!

Илтимос қиламан, ушбу хатни олув билан тезлик ила «Садойи Туркистон»нинг биринчи ададига бир яхши шеър, ғазета хусусинда ёзуб йиборинг.

Одрес бу:

Андижан
Редакции газеты
«Туркестанский голос».

Адрес рус алифбосида битилган бўлиб, ундан кейинги сўзлар яна араб алифбосида давом эттирилган:

«Садойи Туркистон» учун

Эҳтиром билан: идора номина (имзо)»

Имзода «Абд-ал-ҳамид» исми ва «Сулаймон» сўзининг бошидаги «син» ва охиридаги «нун» ҳарфлари аниқ кўриниб турибди. Ёнида «6 декабрь 1916» санаси бор. Қоғоз поранинг чап томонидаги очиқ жойга қиялатиб:

«Жавоб 15 нчи декабрғача келмоқ лозим.

Иложи бўлса 10 нчида, ёки 12 нчида мунда бўлсун», —

деб ёзилган эди... (Мазкур архив, ҳужжат № 695.)

Шундан кейин орадан тўрт кун ўтгач, Ҳамзы Ҳакимзода Ниёзийга яна ўшандай «Почтовая карточка»га ёзилган мактуб жўнатилган. Бу гал «Почтовая карточка»нинг биринчи бетига рус алифбосида:

Г о с п о д и н у
Х а м з у Ҳ а к и м о в и ч у Н и я з о в у
В. г. К о к а н д е
Мечеть Тарак — чилик»

дея Ҳамзанинг уй адреси ёзилган эди. Адрес остиде эса араб алифбосида:

«Газета ифак материяга босилмайдур, бир донани сандиқда сақларсиз», — деб ёзилган ҳазил ҳам бор. Почта муҳрларининг ҳар иккаласида ҳам бир хил число — «13.12.16». Иккинчи бетидеги настаълиқ хатида қуйидагилар битилган эди:

«Муҳтарам Ҳамза афанди!

Шеърингиз олинди, дарж этилур. Шеърингизда:

Қўрқув йўқди мажойиб кўмагандан,
Ишончлар кўб эрди (уғон)дан...»

Яна бир оз пастда:

«Модари ғайрдан бурар пустон...» деб ёзилган нарсалар бор. Шулардан юқоридаги (уғон) деган сўзни, кейинги бир сатрни ҳаммасини бизга очиқ қилуб ёзуб юборинг. Бўлмаса бирор нарса чиқоруб бўлмайдур...

Яна: «Тушма! (тўри...)га...» дебсиз, «тўр»дан мақсад нима?

«Тарих учун «Ганжи ўзбай «Садойи Туркистон» дейсиз. Мунда «ўзбай» бир турли ажойиброқ туюлди. Шеър яхши, газета саҳифасини зийнатлар, яна ёзингиз. Аммо бу сўрагонларга жавоб ёзингиз.

Одрис идора «Туркистанский гулус»

Эҳтиром ила идора номина: (имзо).

12/ХII — 916 г» (Уша ахрив, ҳуж. № 696).

* * *

Юқорида келтирилган мактублар мазмунидан кўринадики, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий билан шоир Абдулхамид Сулаймонқул ўғли — Чўлпон ўзаро ёзишиб туришган ва Ҳамза Чўлпоннинг 6 декабрь 1916 йилда ёзган мактубидаги илтимосига жавобан бир шеър ёзиб, уни зудлик билан «Садойи Туркистон» газетаси идорасига юборган. Бу шеър, бевосита Чўлпон ўз мактубида ёзганидек, газета таърифига бағишланган. Буни биз, мактубда келтирилган «Ганжи ўзбай «Садойи Туркистон» газетасида ҳаракат қилганини ҳам кўрсатади. Чунки, бу сатр тарих моддаси бўлиб, ундаги ҳарфлар адади 1332 га тенг. Мелодий йил ҳисобида бу 1914 йилга тўғри келадики, айни шу йилдан бошлаб «Садойи Туркистон» газетаси чиқа бошлаган эди.

Ҳамзанинг «Садойи Туркистон» газетасига юборган шеърининг мукамал тексти ҳали бизга номаълум. Биз бу шеър ҳақидаги илк маълумот ва унинг айрим сатрларидан намуналарни Чўлпоннинг 12 декабрь 1916 йилда ёзган иккинчи мактубидан топамиз. Бундан кўринадики, Чўлпон бу шеърни 10 ёки 11 декабрь 1916 йилда олган ва уни зўр эътибор билан ўқиб чиқиб, айрим ғализ ўринларни аниқлаган. Эътиборлиси шундаки, Чўлпон Ҳамза шеърдаги бундай ўринларни ёмон ният билан, камчилик топиш мақсадида эмас, балки ҳамкасб — ижодкор сифатида аниқлайди ва уларни эринмай, битталаб кўчиради ҳамда Ҳамзадан, уларни нима мақсадда қўллаганини «...очиқ қилуб

ёзуб юборинг», — деб илтимос қилади. Ниҳоят, Чўлпон ўз мактубининг охирида «шеър яхши, газета саҳифасин зийнатлар» деган ижобий хулосани чиқаради.

Чўлпоннинг Ҳамзага ёзган самимий мактуби ва Ҳамзанинг ўз ўрнида зудлик билан унинг илтимосини адо этиши сингари ҳолатлар ҳар иккала ижодкорнинг ҳам бу даврларда бир хил дунёқарашдан келиб чиқиб, «миллат тараққиёти» йўлида хизмат қилиш ғояси билан яшаганлари ҳақида ижобий тасаввур пайдо қилади. Бундай бўлиши табиий, чунки ўша йилларда яшаган ҳар бир илғор зиёлининг қалбида шу аланга ёлқинланганлиги тарихдан бизга маълум.

1925 йили «Маориф ва ўқитғувчи» журналининг 7—8 сонларида Чўлпоннинг «Тағур ва тағуршунослик» умумий сарлавҳаси остида «Улуғ ҳинди» номли мақоласи босилиб чиқди.

«Ўзимнинг йўлсизлигимдан бир оз сўзлаб ўтайин: Навоий, Лутфий, Бойқаро, Машраб, Умархон, Фазлий, Фурқат, Муқимийларни ўқиймен: бир хил, бир хил, бир хил! Кўнгул бошқа нарса — янгилик қидирадир; Боту, Ғайратий, Олтой, Ойбек, Жулқунбойларни ўқиймен: қувонтиради холос! Улар менинг учун ёнган чироқлар бўлса ҳам, менинг эртан учун! Авлоний, Сиддиқий ва Ҳакимзодаларни ўқумаймен, ўқумаймен: мени шу ҳолға солға ўшалар!...»

Мақоладаги бу сўзлар Чўлпоннинг юқорида келтирилган мактубларидаги сўзларига мазмунан батамом зид эканлиги ўз-ўзидан аён. Ҳақиқатан ҳам, бир вақтлар Ҳамзадан шеър ёзиб беришни илтимос қилган ва Ҳамза юборган шеърни зур диққат билан ўқиб чиққан Чўлпон бугунга келиб, кутилмаганда: «...Ҳакимзодаларни ўқимаймен, ўқимаймен...» деб ёзса, буни қандай тушунмоқ керак?!

Ниҳоятда ноўрин айтилган бу сўзлар Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий билан Абдулҳамид Сулаймонқул ўғли Чўлпон ораларидаги мавжуд муносабатларга мансуб барча ижобий тасаввурларимизга дарз етказида. Худди шу ҳолат ҳамзашунослигимиз тарихида Чўлпоннинг бу мақоласи «...ғаразли танқиднинг худди ўзидир...»² деган кескин хулосани чиқаришга олиб келди. Оқибатда Ҳамза билан Чўлпон ораларидаги муносабатлар бевосита манфий маъно касб этди.

Тўғри, Чўлпон дунёқарашида тушқунлик ишончсизлик ва миллатчилик сингари ўткинчи кайфиятлар содир бўлган. Лекин уларнинг илдизларини ёлғиз мазкур мақоладангина эмас, балки ижтимоий-сиёсий мазмундаги бошқа манбалардан ҳам қидирмоқ лозимдир.³

Бу мақола хусусида шуни айтиш керакки, унда ўша давр нуқтаи назаридан жаҳон адабиёти билан ўзбек адабиётига қиёсий бир назар ташланган ва ана шу қиёс оқибатида бир ўзбек ижодкорининг қалбида ҳосил бўлган ҳаяжонли кайфиятлар баён қилинган. Шунинг учун ҳам бу мақолада илмий маълумотларга қараганда ҳиссий ҳолатлар тафсилоти асосий ўринни эгаллайди ва бу тафсилотлар ниҳоятда кучли бадиият билан ифода қилинганки, ундаги ҳар бир тасвир ва ҳар бир сўзга алоҳида эътибор билан ёндашиш лозим.

Шу жиҳатдан, фикримизча, мақолада Чўлпон «йўл» сўзини қайси маънода қўллаётганини аниқлаб олиш ниҳоятда муҳим, чунки ўзбек тилида «йўл» сўзининг жуда кўп маънолари бор. Бизнинг ўйлашимизча, мақолада ғоявий йўл ҳақида эмас, балки ижодий йўл, яна ҳам тўғрироғи «шахсий услуб» хусусида сўз юритилаётганга ўхшайди. Бу фикримизни озгина бўлса-да қувватловчи баъзи маълумотлар Ҳамза архивидаги бошқа бир ҳужжатда ҳам учрайди.

«Ҳамза афанди,

Саломатликдан сўнгра сизни ҳам саломатлигингизни сўраб қолув баробарида кеча Андижан Фарғона келиб эдим. Группам шанба куни келади Андижондан. Мен ҳозир Марғилонда Урдада ўлтирганимда ўртоқ Уйғур ва Чўлпонлар ҳам Сизга дуо айтиб қўймоқчилар. Душанба куни Симда мен «Фарҳод-Ширин»ни қўяман. Мумкин келсангиз.

Ўртоқ Эмин Қорига бир неча гаплар таъйин қилган экансиз, ман розиман. Вақтим бўлса Аввалга чиқиб келарман. Хайр, саломат бўлинг Миршоҳид

8/VII.»

(Мазкур архив, ҳуж. № 1409).

Миршоҳид Мироқиловнинг йирик ҳарфлар билан шоша-пиша ёзган бу мактуби varaқнинг биринчи бетини батамом эгаллади. Иккинчи бети қуйидагилар билан бошланади:

«Қадим қадрдон Ҳамза!

Маскавдаги ўзбек театр мактаби билан бирга Марғилон ва Симларга келиб, бир кеча — бир кеча қўниб ўтдик. Мактабимиз келгувчи йилда тугайдир ва ўшандан сўнгра асосий ўзбек театруси тузуладир. Шуни назарда тутиб Сизнинг қаламингизга барака тиламан. «Опера» ёки «оперетта» ёзинг демайман. У иш — доҳийларнинг иши. Вақтила, балки ёзарсизда, ҳозирга драм, чолғили драм ва комедиялар ёзишингиз лозим. Такрор қаламингизга барака тилаб!» Имзо (Чўлпон)

Сўнгра майда ҳарфлар билан мана бу ёзув бор:

«Ҳамза ака! Жой бўлмағони учун шу қуйидаги самимий сўзимни айтаман: Аввалда нима қилиб ётибсиз, биз Марғилонингизда шафтоли ранг бўлиб, мана бу кун театр бермакчимиз.» Имзо (Уйғур)

Варақнинг бир бурчагига «8/VII-26» санаси қўйилган.

Маданиятимизнинг уч буюк намоёндалари томонидан битилган бу дастхат — мактуб орадан бир кун ўтгач, Аввал қишлоғида «дам олаётган», аслида эса янги жамият асосларини қуришда фаол меҳнат қилаётган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг қўлига теғди.

* * *

Ҳамза архивида сақланаётган бу ноёб ҳужжат бизга кўп нарсалар ҳақида ҳикоя қилади. Чунончи, бу коллектив мактубдан биз ўша даврдаги маданий ҳаётга оид қимматли маълумотларни аниқ-

¹ «Маориф ва ўқитғувчи» журнали, № 7—8, ноябрь, 1925, 74—87 бетлар.

² Қаюмов Л. Сайланма. Биринчи жилд. Ғ. Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент — 1981. 37—38 бетлар.

³ Каримов Э. Олисдаги ёруғ юлдуз. «Фан ва турмуш», ж. № 3, 1988, 12—13 бет.

лаш билан баробар, мактуб муаллифларининг ўзаро ва айна замонда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийга бўлган дўстона муносабатларининг ифодасини кўрашимиз.

Уччала мактубда ҳам аънанавий тавозеълардан кўра илиқ самимият кучли. Бу ҳол, айниқса Чўлпоннинг мактубида кўзга яққол ташланади. Зотан, унинг мактуби бошланмасидаги мурожаатининг ўзиёқ кўп маънога эга. Бу мурожаатда Чўлпон Ҳамзага нисбатан «қадрдон» сўзини қўллайди ва бу қадрдонликнинг узоқ тарихга эга эканлигини кўрсатиш мақсадида «қадим» сўзи воситасида айна сифатлайди.

Бундан ташқари Чўлпон ўз мактубида: «Опера» ёки «оперетта» ёзинг демайман, у иш дохийларнинг иши. Вақтила, балки ёзарсизда...» деб ёзади. Бу сўзлар бевосита Ҳамза билан Чўлпон ора-ларидagi дўстона яқинликдан далolat беради. Чунки, бу сўзлар Чўлпоннинг мақоласи «Маориф ва ўқитувчи» журналида босилиб чиққанидан кейин, орадан бир неча ой ўтгач ёзилмоқда. Борди-ю, Чўлпоннинг ўша мақоласидаги сўзларига салбий маъно берганимизда эди, у ҳолда унинг бу мактубини бошланмаси тилеғламаликдан иборат бўлиб, кейинги сўзлари кесатиғдан бошқа нарса бўлмасди. Чўлпоннинг мактубида бундай оҳанглар мутлақо йўқ. Аксинча, мактубда Ҳамзага бўлган чуқур ҳурмат аниқ сезилиб туради, чунки Чўлпон ўз хатида «асосий ўзбек театруси»нинг тузулишини назарда тутиб, Ҳамзанинг «қаламига барака» тилайди.

Демак, Чўлпон асосий ўзбек театрининг яратилишини Ҳамза ижодисиз, унинг яратган ва яратмак асарларисиз тасаввур қилмайди. Бу ҳол, Чўлпоннинг ўша даврдаги воқеликка бўлган тўғри муносабатини кўрсатади. Масаланинг муҳим томони шундаки, буларнинг барчаси Ўзбекистон Ижтимоий Шўролар жумҳуриятининг иккинчи маданиятчилар Қурултойидан деярли бир йил аввал содир бўлмоқда. Бундан кўринадики, Чўлпон Қурултойга қадар, ҳам адабиётда ва ҳам ҳаётда ўз «йўли»ни топиб олган ва кўтаринки руҳ билан совет санъати ва маданиятини ривожлантириш ишига киришган эди.

Шу вақтга қадар биз фақат бир йўналишда, яъни Чўлпоннинг Ҳамзага ёзган мактублари устида фикр юритдик. Аммо ҳарқандай кишида ҳам «Ҳамзанинг Чўлпон ҳақида айтган бирор фикри борми?» — деган ҳақли савол туғилиши мумкин. Ниҳоятда адолатли бу саволга қониқарли жавоб бериш ҳолат мушкулдир. Чунки, Ҳамзанинг бевосита Чўлпонга ёзган мактублари архивларда сақланган эмас. Бироқ, уларнинг муносабатларига маълум даражада жавоб берувчи айрим маълумотлар Ҳамза архивидаги ҳужжатларда учрайди. Жумладан, Ҳамзанинг ўз қўли билан битилган бир мактубда шундай сўзлар бор:

«Марказ онг — билим қўмитасига

Сиз билан «Яллагилар» пьесаси хусусида бўлгон договорни ҳақиқатда кечикиши мени ҳам ўз иқтисодимга катта зарар бери. Бунга ман айблмас, маҳаллий агитфроб ва маориф союзи шўбалари сизга шул пьеса ҳақида мурожаат қилиб ёзган эдилар. Сиздан олунгон 120 сўм ақча учун ман бошқа, мундан ҳам муҳимроқ («Хоразм инқилоби») пьесасин тийёрлаб юбормоқчи эдим. Таассуф, бир томондан рўзғорий бир неча қийналишлар ва бир томондан маҳаллий идораларимиз томонидан ҳар турли муҳим хизматларга мажбурий боғланишлар букунгача сизга бизи уёлтириб келди. Энди қандай бўлмасун қўлумда хозир тубанда исмлари кўрсатиладургон пьесалар ҳозир бўлди. Қандай бўлмасун 1 нчи апрелдан, кечи билан 4 нчи апрелгача шул китобларими олиб бориб ҳузурингизда тасдиқ этдириб, қайсини ё ҳаммасини хоҳлар экансиз, ўзингизга беруб қайтирман. Ҳозирга «Яллагилар»и юбордим. Яна кам-кўсти бўлса, боргач, Чўлпон билан бамаслаҳат тузотиб берсам керак. Бирор ой Самарқандда бўлурман.

- 1) «Хоразм инқилоби» 4 парда драма
 - 2) «Март қурбони Ойниса» 3, бир манзара, драма
- Бу тасдиқ бўлди, марказлитда нусха бор.
- 3) «Эл қузғунлари» опера, 1, кулги
 - 4) «Жаҳон сармоясининг энг охириги кунлари», 1, манзара, драма,
 - 10 йиллик Октябрга бағишлаб ёзилган.
 - 5) «Майсаранинг иши» 3, кулги, эл ҳикоясидан олунган.
 - 6) «Женотдел» 2, кулги
 - 7) «Яллагилар иши» 5, драма

Мана шул пьесалар ҳаммаси ҳам сизни тастиқингиз билан бўладургон учун бу кунгача шул пьесалари ёзиб тийёрлаб бир йўла боришга тўғри келгандан, ҳам юқорида кўрсатилган сабаблар билан таъхир бўлгонлигини шояд кўзда тутуб, биз боргунча сурукни тўхтатишингизни сўраб қоламиз.

Ҳамза Ҳакимзода
19 март

(Варақ орқасига эса «26 нчи йил 19 март» деб сана қўйилган. Уша архив, ҳуж. № 382).

Биз бу мактубни тўлиқ келтирдик, чунки унда Ҳамза сиймосига хос руҳ ифода тоғандир. Ундан ташқари, мактуб мазмунидан кўринадики, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ўша вақтда Онг-билим қўмитасининг ҳайъат аъзоси вазифасида хизмат қилаётган Чўлпоннинг номини қандайдир ўзига ниҳоятда яқин киши сифатида тилга олмоқда. Зотан, Ҳамзадек санъаткор ўз асарларининг «кам-кўсти»ни Чўлпонга ишонар экан, улар ўртасида дўстлик алоқаларининг мавжуд бўлиши табиий.

Шундай қилиб, ушбу мақолада биз Ҳамза архивида сақланаётган бир неча ҳужжатлар ҳақидагина сўз юритдик. Сўзимиздан чиқадиган хулоса шуки, ижодкорлар дунёқарашини аниқлашда уларнинг ҳаёти ва ижодига оид манбалар билан бир қаторда шахсий архивларида мавжуд ҳужжатларни ҳам эътиборга олиш лозимдир. Чунки архив ҳужжатлари ёзувчиларнинг ҳам ҳаёти ва айна замонда ҳам ижодига оид маълумотларни ўзларида мужассамлаштирган бўладилар.

Тўхтамурад ЗУФАРОВ,
филология фанлари кандидати



ҲАЁТ ЧОРРАҲАЛАРИДА

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ ИБРОҲИМ РАҲИМ БИЛАН СУҲБАТ

— Иброҳим ака, мамлакатимизда қайта қуриш, жадаллаштириш, ошкоралик ва демократия кенг авж олмақда. Бу жараён республикамизда ҳам ўзига хос тарзда рўй бермоқда. Янгича тафаккур, Сизнинг фикрингизча, қайси соҳада қай тарзда намоён бўлмоқда! Хусусан, қайта қуриш ва адабий жараён, ёзувчининг гражданлик бурчи ва масъулияти ҳақида суҳбатлашсак.

— Қайта қуриш, жадаллаштириш, ошкоралик турмушимизга тўсатдан кириб келгани йўқ. Бу ҳақда инқилобимиз ғалабасидан кейин, мамлакат тўла иқтисодий тараққиёт йўлига қадам қўйган йиллардаёқ В. И. Ленин бутун ишларни қайта қуриш, экономикамиз ривожини жадаллаштириш, ҳар соҳада данғал ва ошкора иш тутиб, ҳамма нарсадан халқни огоҳ қилиб туриш кераклигини айтган эди. Лениндан кейин аста-секин ўз қобғимизга ўралиб, нонимизни яшириб еб, гапимизни шивирлаб гапирадиган бўлиб қолган эдик. Чет эллик дўстларимиз ҳам буни «ёпиқ жамят» деб атай бошлаган эдилар.

Мамлакат бошида турган шахслар жамят тараққиётини секинлаштириб қўйдилар. Саноатда турғунлик ҳолати, қишлоқ хўжалигида эса касотчилик вазияти туғилди. Бу вазиятдан қутулиш учун ўзига хос ички инқилоб етила борди. Ниҳоят партиямизнинг йигирма еттинчи съезди шу инқилобни бошлаб юборишга фотиҳа берди. Бу қайта қуришдан сўнг саноат бир мунча жонланди. Корхоналар мустақил бўляпти, сарф-харажат, даромад-буромад, олди-сотди коллектив қўлига ўтди, идора қилиш ҳам демократия усулига кўчяпти. Хўжаликни юритиш муаммолари, ечимлари ошкора олиб бориляпти. Бироқ ҳамма жойда ҳам кўнгилдагидай эмас, айниқса, бу иш бизнинг республикамизда оқсоқ.

Қишлоқ хўжалигидаги аҳвол саноат соҳасидагидан ҳам аянчли. Қишлоққа «қайта қуриш», «ошкоралик» деган сўзларгина кириб борди, аммо унинг руҳи, мазмуни кириб борганича, илдиз отганича йўқ.

Адабиётимиз соҳасида қайта қуриш кўпроқ оғизда бўляпти. У ҳам бўлса, кўпроқ архив титкилашдан иборат. Баъзан гур этиб у ёққа, гур этиб бу ёққа ўзимизни урамиз. Гоҳида қорани оқ деймиз, гоҳида қора бўёқдан бошқасини ишлатолмаймиз. Натижада баҳодир деҳқону доно одамларимиз, азамат халқимиз бир сиқим қора башаранинг соясида қоляптилар. Маълумки, ҳар даврнинг ўз муаммоси, ўз қаҳрамонлари бўлади. Республикаимизда юз берган «нохушлиklar» даврида ҳам ҳалол, пок одамлар сон мингта эди, ҳозир ҳам миллион-миллион бор, уларнинг номи ўзбек халқи. Нима учун «балчиқдаги» олтинни топиб куйламаяпмиз? Турмушимиздаги иллатларни ошкора фош қилиш билан бирга шу куннинг илғор кишиларини рўй-рост тасвирлаш ҳам бурчимиз.

— Сизнинг барча асарларингиз катталарга бағишланган. Янги повестингиз эса болаларга аталибди. Кутилмаганда болаликка муружаат қилишингизнинг боиси нима?

— Менинг болалигим инқилобнинг болалик даврига тўғри келади. Бу давр яхши ўрганилмаган, айниқса, адабиётимиз учун «очилмаган кўрик»дай бир гап. Ҳозирги болалар, ўсмирлар ва ёшлар у даврни, бинобарин, ўша вақтдаги болалар ҳаётини, айниқса, қишлоқ болаларининг кечмишларини яхши тасаввур қилолмайдилар. Тасаввур қилганлари ўқув китобларининг маълумотлари даражасида.

Эски мактабда ўқидим. Қишлоқда советлар очган тўрт йиллик мактабни битириб саводсизликни битириш, чаласаводликни тугатиш курсларида муаллимлик қилдим. Қишлоқнинг биринчи кашшофи, дастлабки комсомолларидан бири бўлиб, қулоқларни синф ҳолида битириш компанияларида қатнашдим. Буларнинг ҳаммаси ҳозирги ёшлар учун жуда қизиқарли, невараларим бу воқеаларни билиб қўйганлари яхши. Қиссамда болаликка муружаат қилишимнинг боиси ҳам ана шунда.

— Сиз яқинда туғатиб, нашриётга топширган хотира повестингизда босиб ўтган умр йўлингизни, ўтмишни, муҳим ижтимоий ҳодисаларни ва айрим шахслар фаолиятини қайта хаёлдан ўтказишга, ҳозирги кун нуқтаи назаридан баҳолашга интилгансиз. М. С. Горбачевнинг Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг 70 йиллик юбилейида қилган докладда мамлакатимиз тараққиётининг айрим давларида йўл қўйилган хатолар ҳақида гапирар экан, коллективлаштириш йилларидаги жиддий камчиликларга, хусусан, ўрта ҳол деҳқонларга муносабат масаласидаги адашувларга батафсил тўхтади. Сизнинг қиссангизда ҳам гап шу йиллар хусусида боради. Унда сиз 20-йилларнинг охирида қишлоқларимизда рўй берган воқеаларга янгича муносабат билдиргансиз, яъни ҳибсга олинган ва сурғун қилинган кўпгина ўрта ҳол деҳқонлар беҳуда жабр кўрган айбсиз кишилар эканини таъкидлагансиз. Ана шу асарингиз ҳақида кенгроқ тўхталсангиз!

— Йигирманчи йилларнинг ўртасида, аниқроғи, охиirroғида қишлоғимизга «комсомол», «қулоқ», «артель» деган янги сўзлар кириб келди. Бу сўзларнинг Сойкелдига ёйилишига «Сиёсий вакил Мадёров, «пирқақум» Фахриддиновлар бош қўшган. Улар қора хром этик, галифе шим, қора пахалик, шапка кийиб юрадилар. Қишлоқ аҳолиси ўша вақтда костюм кийган жамаи зиёлини «калта

дум» дер эди. «Қишлоқда артель тузишармиш» деган гапни ҳам волостдан ана шу «калта дум»лар топиб келдилар. Аммо ташаббусни комсомол — ёшлар бошлаб бердилар.

Қишлоғимизда бир неча ёшлар артел тузамиз, деб уёқдан-буёққа қатнаб юришган эди. Уларнинг орасида катта амакимнинг ўртанча ўғли мулла Абдураҳмон ака ҳам бор эди. У эски мактабда ўқиган, гузардаги чаласаводликни тугатиш курсини ҳам битирган, икки алифбода — арабча ва лотинчада ёзиб-чизишни биларди. Қишлоқнинг ўттиз йигити тил бириктириб Абдураҳмон Мадраҳим ўғли бошчилигида артель тузмоқчи бўлишди. Уларнинг бу фикрга келишларига «ўт омов» трактор сабаб бўлганди. Бутун бошлиқ қишлоқда бир трактор... У ҳам бўлса ҳар куни ўнлаб деҳқон ўртасида талаш бўлади. Ким зўр чиқса — трактор ўшаники.

— Артель бўлсанг «ўтомоч» текин эмиш... «ўтомоч»ни артелга текинга берар эмиш...

— Артель дегани нима дегани?

— Алғовнинг бошқача хили, яъни кўплашиб ерингни навбатма-навбат ҳайдаб, алғов билан экин-тикин қиласан, ҳосилингни ҳам кўплашиб сотиб оласан... Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донғи чиқмас. Артель — ёлғиз от эмас!..

— Артель ихтиёрий бирлашган деҳқонларнинг катта рўзғори. Ер-сув, от-улов, қўл кучи бирлашади. Кўпчилик бўлиб ишлайсизлар. Даромадни меҳнатга қараб бўлиб оласизлар... — дейди Мадёров.

— Каттаконлар кўпчиликнинг хоҳиши билан сайланади. Ҳамма масала овоз бериш йўли билан ҳал этилади. Можаро чиққудай бўлса аъзолар бақамти бўлиб ечадилар. Куч бирликда бўлганидай, кўпчилик — донолик демакдир... Кўпчиликдан куён қочиб қутилмас! — дейди Фахриддинов. Кейин мулла Абдураҳмон акага сўз бердилар. У киши ўзининг йигирма тўққиз нафар ёш шеригига бир кўз ташлаб олди-да сўради:

— Шу шартларга розимисизлар?

Уч қишлоқнинг ўттиз одами — (Эшакчидан ўн киши, Урабошидан ўн киши, Сойкелдидан ўн киши) бирин-кетин розимиз деди. Шундан сўнг мулла Абдураҳмон ака баланд овоз билан эълон қилди:

— Ер-сувларингиз васиқаларини менга келтириб беринглар. Шу бугундан кечикмасин. Оти борлар отларини, араваликлар аравасини эгар-жабдуқларигача артель отбоқарига топширсинлар. Муддати — уч кун. Қўш-ҳўкизлар, омов-бўйинтурикларни билан артель молбоқарига келтириб беришин. Муддати бир кун...

— Ем-хашаклари-чи?

— Айтмоқчи, ем-хашаклари билан... Ҳаммаси пулга чақилади.

— Пули нақд тўланадими?

— От-улов; арава омов-бўйинтурик артель аъзосининг пай пули ҳисобланади. Унинг миқдорига қараб ҳар кеч кузда улуши тўланади. Мабодо сабр қиламан, деса, артель бойигач, баҳоланган пулининг ҳаммасини бир йўла жарақ-жарақ санаб олади.

Шу йиғилишда артелнинг номини ҳам тасдиқлаб олдилар. Ўттиз ўғлоннинг катта рўзғорини улуг инқилобимиз номи билан «Октябрь артели» деб атадилар.

Артель аъзолари тез уюшиб, ишлари жадал юришиб кетди. «Октябрь артели» номига бир жуфт трактор келди, аввалги «ўт омов» яққаҳўжаликларнинг ўзига қолди. Ана ўшандан кейингина ер ислохотида олган бизнинг еримизни ҳам «ўт омов» ҳайдайдиган бўлди.

Аммо артель узоққа бормади. Не ҳодиса юз бердики, иноқ катта рўзғор ичида низо чиқди. «Ҳақ тўлашда ноинсофлик бор эмиш... Емон ишлаган ҳам, яхши ишлаган ҳам теппа-тенг ҳақ олармиш, дангасага ҳам, илғорга ҳам биттадан ордер йиртармиш...» деган гаплар тарқаб қолди. Бу «тенг шериклик» шароити текинхўрлик туғдира бошлагани учун артелда норозилик бошланди. Кейин одамлар артелга қўшган от-аравасини қайтариб ола бошладилар. Масала тобора чигаллашиб бораверди-да, тез орада артель уч қишлоққа бўлиниб кетди. Бундан «муштумзўрлар»нинг тили узун бўлди: «Шўро ҳокимияти ҳам шу кунга учрайди... Қиладан шамол келаётганмиш, кум устига ўрнатилган Шўронинг иморати ҳолини ана ўшанда кўраимиз».

«Октябрь артели»нинг тарқалиб кетиш сабоқлари таъсир қилдими, ҳар бир қишлоқ ўзига алоҳида колхоз туза бошлади. Ҳатто Толмозор қишлоғининг уч маҳалласи — уч колхоз бўлиб уюшди. Районда, қайси қишлоқ ҳаммадан аввал коллективлашади, деган «ким ўзди?» мусобақаси борарди. Шошилишда шунчаки тузилган «колхозлар» эртасига бузилиб, одамлари яна уй-уйларига кириб, беркиниб олардилар.

— Онгсиз одамлар колхознинг фойдасини тушунмаяптилар, уларга ташвиқот — тарғибот қилинлар. Муштумзўру қулоқлар фаоллашиб қолишди...

Вазият шундоқ эдики, бизнинг кун бўйи тиним билмай олиб борган ташвиқот, тарғиботимизни муштумзўрлар ёки руҳоний унсур бир сўз билан йўққа чиқариб ташларди.

— Ҳукумат ер ислохотини деҳқонларни томоғидан илинтириб олиш учун ўтказганини кўриб турибсизлар, ерингизни яна қайтариб оляпти.

— Колхозга кирганларнинг рўзғори битта бўлиб, ҳамма бир қозонга қарайди, бир кўрпада ётади. Топгани ўртада бўлади... хотин-халаж ҳам ўртада...

— Сигир-бузоғинг, қўй-қўзингни ҳам колхоз олиб қўяди. Ҳамманг бир тешикка қарам бўласан. Кўзингни оч, мусулмонлар.

Тескари ташвиқотчиларнинг таъсирига тушиб йўлдан адашган одамлар от, молию борлиқ туёғини колхозга қўшмай арзон гаровга сота бошладилар, сотиб улгурмаганлар сўйиб ейишга тушдилар.

— Қулоқларнинг иши бу, — деди Фахриддинов.

— Қулоқларни битирмасак Сойкелдида колхоз тузиб бўлмайди, — деди Мадёров.

Катта-кичик газеталар ҳам «ёппасига коллективлаштириш асосида қулоқларни синф ҳолида тугатиш» ширини катта ҳарфлар билан чоп этиб турди. Қизил чойхонада хириллаб гапирадиган радио карнайнинг ҳам овози чиқиб, бийрон гапирадиган бўлди.

«Районда колхоз қурилишининг бориши» ҳақида маълумотларни эшитиб, деҳқонларга етказиб турдик. Гоҳ радиода, гоҳ газеталарда қулоқларнинг колхоз тузуми фаолларини ёвузларча ўлдирганлари ҳақида мудҳиш хабарлар тарқала бошлади.

Шу вақтда Сойкелдида ҳам қулоқлар саботажни бошланди. Улар ер ислоҳотига қарши, колхоз тузилишига қарши тескари ташвиқот юргиздилар. Далаларни тракторда ҳайдашга ҳам қарши чиқдилар. «Ўт омонда ҳайдалган ернинг нони ҳаром» деб эълон қилдилар. «Колхозга кирганлар кофир, уларнинг мол-мулки, хотинлари ҳам ҳаром» деб иғво қилдилар. Колхозлар гоҳ бузилиб, гоҳ қайтадан тузилиб турди.

Сойкелдида қулоқларни синф ҳолида битириш асосида янгитдан ва қайтадан тузилаётган колхозларга кирмаган кишлорнинг тўралар, ҳўжалар қисмида яшовчи барча «муштумзўр» қулоқ қилиниб, Сибирга, баъзиларни Тожикистонга, Украинага кўчирила бошланди.

Инсоф билан айтиш керак, ўша қулоқ қилиб юборилганларнинг кўплари «қулоқ»лар даражасидаги текинхўрлар эмасдилар. Ўз кучи билан кун кўрадиған, ўзига тўқ ўрта ҳол деҳқонлар эдилар. Улар «кўлга келган тўй»га қўшилиб кетдилар.

Мен бу воқеаларнинг гувоҳи бўлганман, Октябрь жамоа шўросининг котиби сифатида кўп нонсофлик ва нохушликларни дафтарга олиб қўйганман. Янги хотира асаримда ана шулар ҳақида, айрим ўрта ҳол деҳқонларнинг фожиасини ҳам қаламга олганман.

— «**Ёшлик қайтиб келмайди**» повестингизда Улуғ Ватан уруши йилларида И. В. Сталиннинг роли ва ўрни ҳақида олдинги асарларингизда келтирилган фикрларга қарши гапирасиз. Бунинг сабаби нима? Умуман бу даврдаги мураккаб шароит ҳақида батафсилроқ гапириб берсангиз. Шу йиллар фарзанди сифатида бунга ҳар жиҳатдан Сизнинг маънавий ҳуқуқингиз бор.

— Улуғ Ватан урушида ва фашизм устидан қозонилган ғалабамизда партиямиз раҳбари, Олий Бош Қўмондон сифатида И. В. Сталиннинг роли жуда катта бўлган. Бу ҳақда фронтларнинг қўмондонлари, лашкарбошиларимизнинг хотира китобларида батафсил айтилган. Бунинг тарих инкор этмайди. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллик юбилейида қилган докладыда ҳам М. С. Горбачев аниқ айтиб ўтди. Бу муҳим сиёсий ҳужжатда шундай дейилган: «Уруш йилларида И. В. Сталин кўрсатган улкан сиёсий ирода, аниқ мақсадни кўзлаш ва қатъият, кишиларни ташкил этиш ва интизомга солиш маҳорати ғалабага эришишда ўз ролини ўйнади».

Жуда ҳаққоний гап!

Мен урушга бағишланган ва ана шу даврга хос асарларимдагина Сталиннинг хизматини юксак баҳолаганман. Чунки барча совет аскарлари ва командирлари «Ватан учун! Сталин учун!» деб жангга кирганмиз, унинг обрўйига, бизни ғалабага олиб боришига ишонганмиз. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлиб чиқди.

Сталин узок вақт партия ва давлат бошида турган эди. Уша даврда хатосиз ишлади, деб бўлмайди, у катта хатоларга йўл қўйди. Унинг бу хатолари маълум партия ҳужжатларида баён қилинган. Мен хотира асаримда «шахсга сигиниш даври»даги ўз қузатувларимга асосланиб ўша мураккаб шароитнинг кўнгилсиз оқибатларини бир оддий гувоҳ сифатида гапириб ўтдим.

Шахсга сигиниш даврининг ўша йилларида журналистикамиз ва адабиётимиз, айниқса, ақлли, фикрловчи зиёлиларимиз катта жабр кўрди. Отажон Ҳошим кетидан Фитрат, Аъзам Аюб билан Муҳаммад Ҳасан, Абдулла Қодирий қаторида Чўлпон, Усмон Носир ва Маннон Уйғур сингари маданиятимиз устунлари таҳдир қилинди: қамаб юборилди. Энг яхши миллий маданият кадрларимизнинг йўқотилиши маънавий ҳаётимиз ривожига, гуркираб ўсаётган адабиёт, санъатимиз раванкига озмунча зарар етказмади.

Вишинскийнинг «Социализм даврида синфий кураш сусаймайди, аксинча, тобора кескинлашди», деган сохта қондасига асосланиб, «халқ душманлари» деган машъум назарияни ўйлаб чиқардилар. «Қулоқларни синф ҳолида битириш» кампаниясидан кейинги бу ур-ўйқит халқимизнинг энг сара арбобларини қириб ташлади. Сувоқчи — қурувчи ишчидан республиканинг биринчи арбоби даражасига кўтарилган Акмал Икромов ҳеч қачон халққа заррача ҳам душманлик қилган эмасди. Биз ёшлар унинг нутқларини жон-дилигимиз билан тинглардик. Файзулла Ҳўжаев жамятга нима ёмонлик қилибди! Уларни сохта айблар билан қатл қилиниши халқимиз бағрига нашта ургандай бўлди ўшанда. Халқимиз бағридаги ўша жароҳат ҳали битиб кетгани йўқ. Файзулла Ҳўжаевни ишдан олиб ўрнига Абдуллажон Каримовни тайинлаш маросимида мен мухбир сифатида иштирок этган эдим.

1937 йиллар ўзбек миллий кадрлари учун қирғинлик даври бўлганди. Файзулла Ҳўжаев ўрнига раис бўлган Абдуллажон Каримовни уч кун ўтмай турмага ташладилар. Кетидан Акбар Исломов ва барча ўзбек комиссарларини қамадилар. Бу ур-ўйқитда комсомол арбоблари ҳам четда қолмадилар. «Ёшларнинг дохийиси» деб ном олган УзЛКСМ МК секретари Исроил Ортиқовни шаҳар комсомоллари фахрий ийғилишида нутқ сўзлаб турган минбардан қўлини орқасига боғлаб, намойишкорона ҳайдаб кетганларини ўз кўзим билан кўрганман.

Ажиб давр бўлди ўша давр, эрталаб кўришган одамнингиз кечқурун ғойиб бўларди, халқ душмани бўлиб турмага ташланганини эшитиб қолардингиз. Инқилоб ғалабаси учун, халқ бахт-саодати учун курашган, жон-дили билан хизмат қилаётган раҳбар арбоблар бирдангина ва бирақайтага ё «миллатчи», «саботажчи», «халқ душмани», ё «жосус» ёки «ёт унсурлар ҳомийси» бўлиб қолаверарди.

Ақли расо одамларни таъқиб қилиш давом этди. Ҳар хил «айбнома» чақувлар билан Шўхрат, Шўкрулло, Саид Аҳмадлар ҳам ҳибсга олинди.

Ойбек, Яшин, Уйғун, Абдулла Қаҳҳор сингари атоқли ёзувчиларимиз ҳам шахсга сигиниш даврининг қурбонлари бўлиб кетиш арафасида Максим Горькийнинг яқин одами, СССР Ёзувчилар союзининг маъсул котиби Абулқосим Лоҳутий Тошкентга келиб, тегишли ташкилотлар билан учрашиб, уларни маломатлардан сақлаб қолганини унутолмаймиз. Уша даврлардаги шу хил машмашалар адабиётимиз, маданиятимизни кўлгина нодир дурдоналарини ўғирлаб кетди.

— **Қайта қуриш ва ошкоралик билан боғлиқ ҳолда сўнгги пайтларда халқимизнинг Октябрдан кейин босиб ўтган тарихий йўли, унинг муҳим босқичлари ва моментлари қайта идрок этилмоқда. Янгича талқин қилинмоқда. Бизнинг республикамизда мана шу янгича қарашлар оқибатида маданият ва адабиёт тарихининг кўпплаб саҳифалари ҳамда ноҳақ унутилган айрим намоиядалари ижоди янгича назар билан ўрганилиб, халққа тақдим этила бошланди. Жумладан, сўнгги пайтларда турли газета ва журналларда Чўлпон, Фитрат каби адибларнинг асарлари ҳамда улар ижоди ҳақидаги мақолалар босила бошланди. Мазкур адиблар ижоди ҳозир тўғри талқин этилаяптими! Улар ҳақида**

Сизнинг хотираларингиз ва фикрларингиз бор. 20—30-йиллар ва урушдан кейинги адабий жараённинг қайси саҳифалари ҳамда қайси вакиллари ҳали етарлича ёритилмаган деб ҳисоблайсиз!

— Адабиётимизнинг йигирманчи йиллар саҳифаси бўм-бўш эди. Уттизинчи йиллар варағига эса, шахсга сиғиниш сиёҳи тўкилиб қолганди. Хайриятки, қайта қуриш, ошкоралик ва демократия даврида маданий, маънавий меросимиз қайта баҳоланмоқда. Абдулла Авлоний сингари адабларимизнинг ижоди гражданик ҳуқуқи олди, Чўлпон, Фитратларнинг ижоди ўрганилмоқда. Фитратнинг «Қиёмат» қиссасининг ҳали муаллифининг ўзи батамом оқланиб улгурмаган вақтдаёқ атеистик жиҳатдан фойдали асар сифатида «Муштум» журналида чоп этганмиз. Чўлпоннинг ҳам айрим шеърларини танлаб олиб, янгидан тикланган «Гулистон» журналининг дастлабки сонларида босиб чиқарган эдик.

«Шарқ юлдузи» журнали унинг «Кеча ва кундуз» асарини чоп этиши маъқул иш бўлди. Хулоса қилиб айтганда бу иккала авторнинг ижоди ҳам ҳали мукаммал ўрганилиб, тула таҳлил қилиниши керак.

Менимча, Миртемир, Ғайратий, Собир Абдулла, Усмон Носир, Амин Умарий, Ҳасан Пўлат, Марасул Бобоевларнинг ижодлари ҳам сояда қолаётгандай кўринапти. Уларни унутиб бўлмайди.

— Биз биламизки, сиз «Қизил Ўзбекистон» газетаси ва ўзининг ташаббусингиз билан қайта тикланган «Гулистон» ҳамда «Муштум» журналларига раҳбарлик қилган пайтларингизда бой ўтмишимиз, маданият ва адабиётимизнинг катта намоёндаларига нисбатан ижобий муносабатда бўлиб, улкан ташкилий ишларни амалга оширдигиз. Айрим шахслар томонидан нотўғри тушунилиб, «тақиқ» қилинган асарларни қаттиқ ҳимоя қилиб, муаллифларини турли таъйиқлардан асраб қолдингиз. Аммо бу ҳақда на хотира китобингизда, на оғзаки сўхбатларингизда бир оғиз фикр айтмагансиз. Аксинча, ўзингизнинг адабиёт майдонига кириб келишингизда у ёки бу даражада ёрдами теккан шахсларни катта миннатдорчилик билан эслаб, устозлар олдида шогирдлик таъзимини бажо келтиргансиз... Ҳолбуки, сиз муҳаррирлик қилган «Гулистон» журнали маънавий ҳаётимизнинг улкан кўзгусига айланиб қолган эди.

— Кечмишини билмаган одам эртасини режалай олмайди. Ўтмишни яхши билмаган, меросини қадрлай олмаган халқ эса, боши берк кўчага кириб қолади ва келажакка собит қадам ташлаб олмайди. Халқнинг улуғлиги кўҳна тарихи, қадимий бой мероси, улуғ кишиларнинг буюк ишлари, юксак маданияти билан белгиланади. Шу жиҳатдан олганда, улуғ халқ ҳисобланган ўзбек халқининг бой адабий, маданий меросини озми-кўпми удалабми, удалай олмайми, меъёрига етказибми ёки етказолмай тариқча бўлса-да, қилган хизматимиз эътиборга олинган экан, бунинг учун холис ниятли одамларга минг раҳмат.

Қолаверса, кўмаги теккан устозларга таъзимини бажо келтириш ҳамманинг ҳам инсоний бурчи. Мен ҳам шу бурчни унутмадим. «Таъйиқ остига олинган ижодкорларни қаттиқ ҳимоя қилиш» масаласига келганда «Одамга яхшилик қилиш одамнинг бурчи» деб биламан. Шунинг учун бир неча ёзувчиларимизнинг таъйиқлардан қўлимиздан келганича қаттиқ ҳимоя қилганимиз аниқ факт. Устоз Ойбекка қарши отилиб турган маломат тошларини даф қилиб, унинг улуғ ва пок номини тиклашда Усмон Юсуповга кўмаклашганимдан шодман. Шайхзодани баракали ижодга қайтаришда ҳиссам борлигидан шодман. Шайхзода озодликка чиқиб, эллик йиллигини «Шарқ» ресторанининг ғарибона хонасида камбағалона дустурхон ёзганида масъул ходимлар ва ёзувчилардан, агар янглишмасам, бир ўзим иштирок этганим ва Мақсуд аканинг чап ёнида Сакинахоним, унинг ўнг ёнида мен ўтирганим ҳамон кўз олдимда. Унинг энг яхши шеърларини қўлга тегиши билан «номер»га тушириб турардик.

Марҳум Абдулла Қодирийнинг улуғ номи ва шаънига иккинчи марта «суиқасд» бўлган вақтдаги курашимизни ҳам унутиб бўлмайди. Ошкоралик даври келди, қолаверса, бу воқеага 20 йилдан кўп вақт ўтди, демак бу ҳақда 1956 йилда Республика Зиёлиларининг биринчи съезидида Ўзкомпартия Марказий Комитетининг биринчи секретари Нуриддин Акрамович Муҳиддиновнинг докладыда Абдулла Қодирийнинг оқлангани эълон қилинди. Съезд зали гулдурас қарсақлардан ларзага келди.

Орадан сал вақт ўтмай «Қизил Ўзбекистон» газетасида Абдулла Қодирийнинг ҳаёт йўли ва ижодий фаолияти батафсил тасвирланган икки подвалли, катта мақола босиб чиқарди. Қўнларнинг бирида Марказкомдан ўртоқ Муҳиддинов мени қабулига чақирдилар ва Марказий Комитет номига ёзилган «Записка»ни кўрсатди. Бу ҳужжат марҳум Абдулла Қодирийнинг ижодий тақдирига оид эди. Назаримда Абдулла Қодирий иккинчи марта дафн қилинаётгандай бўлди. Ўртоқ Муҳиддинов демократ биринчи секретар эди, у киши «записка» ҳақида фикримни сўради. Мен «записка»даги факт ва фикрлар билан баҳс қилдим-да, бу ҳужжатни бюро муҳокамасига қўйишликни илтимос қилдим.

Ниҳоят, Марказком бюроси «записка»ни муҳокама қилди. Уша кўнлари Венгрия аксинлиқлобчилари Шандор Петефини байроқ қилиб кўзғолон кўтарган эдилар. Бизнинг айрим сиёсий чайқовчилар Абдулла Қодирий шахсига сиғинишнинг хавфли оқибатлари тўғрисида «қайғуриб» ва пайтдан фойдаланиб қасди бор шахслар Иззат Султондан ва мендан ўч олмоқчи ҳам бўлган эканлар. Ниҳоят бюрода менга сўз берилди.

— Энг кучли партия ўз хатоларини дангал тан олади ва хатосини ошкора тузатади. Бизнинг партиямиз энг кучли партия бўлгани учун 1937 йилги хатосини тан олди ва эл-юрт олдида ошкора тузатди. Халқимиз бундан беҳад хурсанд бўлди, ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирийнинг оқланиши ҳам ана шундай воқеа бўлди. Бунинг учун халқимиз партиямиздан бениҳоя миннатдор! Ана шундай кўтаринки пайтда «Орқага қайт!» деб бўлармиди? Бу чекинишни халқимиз қандай тушунаркин?.. Бундан бизнинг ғолимизга қанчалик ва қандай наф тегаркин?.. — дедим-да, «записка» асосида ҳеч қандай қарор қабул қилинмасин, Иззат Султонга партия жазоси берилмасин, деб тақлиф қилдим.

Разм ташласам, бюро аъзоларининг фикри ижобий томонга ўзгараётгандай кўринди. Мендан кейин, ҳанузгача жим ўтирган бюро аъзоларига номзод, республика Давлат Хавфсизлиги Комитети раиси ўртоқ Бизов сўз олди. Бу одам менга қарши гапириб мени роса тузласа керак, деб кўнгиладан ўтказиб эдим, аксинча бўлди. Бизов ўрнидан туриб, Раҳимов тўғри гапни гапирди. Абдулла Қодирийни тек қўйиш керак. Ўртоқларга жазо ҳам бермаслик керак, деб менинг тақли-

фимни қувватлади. Шундан кейин масала ҳал бўлди, ўртоқ Муҳиддиновнинг якуновчи гапидан сўнг Абдулла Қодирийнинг руҳи маломатдан, Иззат Султон эса жазодан қутилиб қолди.

«Гулистон» журналида ишлаган вақтимида «Темур тузиллари» билан «Чўмилган аёл» қаторида «Доғистоним» муаллифи Расул Ҳамзатов, «Коммунизм билан юзма-юз»ни ёзган Абдулла Орипов, «Ўзбегим»нинг атери Эркин Воҳидовни танқид қилиб, бунга айбдор бўлмиш мени қақир-қақир қила бошладилар. Уларни ҳимоя қилиш учун жонимни жабборга бердим, аммо таланти муаллифларимизга заха тегизмадим, уларга отилган ўқларга кўксимни қалқон қилдим.

— Маълумки, қайта қуриш ва ошқоралик жараёни бадий адабиёт соҳасига ўз муҳрини босмоқда. Ҳозирги пайда адабиётда тасвирий воситалар, услубларгина эмас, воқеликка муносабат, меъёр ва мезонлар ҳам ниҳоятда ранг-баранглашиб кетди. Бадий асарда ҳаётнинг қайси томонида кўпроқ эътибор бериш, қайси проблемаларни кўтариб чиқиш ва қандай талқин қилиш борасида қизғин мунозаралар ҳамда изланишлар давом этмоқда. Шу масалалар, хусусан, адабий жараён, бугунги ўзбек адабиёти тараққиётининг асосий тенденциялари тўғрисида ўз мулоҳазаларингизни билдирсангиз.

— Бадий асарда ҳаётнинг қайси томонларига кўпроқ эътибор бериш ёзувчиларнинг ўз олди-га қўйган бадий вазифаларига боғлиқ. Адабиёт учун ҳаётнинг ҳамма томонлари ҳам бирдай муҳим. Ҳаётнинг қайси проблемаларини кўтариб чиқиш ҳам асарнинг мақсадидан келиб чиқади, уни қандай талқин қилиш эса ёзувчининг маҳоратига боғлиқ. Бинобарин, бу ҳақда мунозара юри-тиш шарт эмас, аммо изланишлар ҳамма вақт ҳам, ҳамма учун ҳам керак. Изланишларсиз бадий адабиёт ривожланмайди.

Ҳозирги ўзбек адабиёти одамни, унинг ички дунёсини таҳлил қилишга ҳаракат қияпти, қола-верса, кўпчилик ёшларимизда яқин ўтмишдаги хатоларни талқин қилишгв уриниш сезияпти. Бу ҳам керак, албатта, чунки олға силжиш учун нимадан нари бўлишни билмоқ керак. Аммо шу атроф-да ўралашиб қолиш хавфидан қутилиш керак. Бизга ҳаётни чиройлик қилиб, қайта қуриб ўзгарти-раётган ижодий қаҳрамонлар жуда ҳам зарур. Қайта қуриш даврида кимдан ибрат олиб, кимларга тенглашиб керак? Адабиёт бунга жавоб бериши лозим.

— Асар устида ишлаш, материал тўплаш, образларни саралаш ва умумлаштириш ҳар бир ёзувчида ҳар хил кечади. Дунёда қанча талант бўлса, уларнинг иш услуби ҳам шунча хилма-хил, ранг-баранг. Сир бўлмаса, ана шу жараён Сизда қандай кечади! Ижодий лабораториянгиз ҳам танишиш ўқувчи учун жуда мароқли бўлиши табиий.

— Ҳар бир ёзувчининг ижодий устахонаси ўзгача, ўзига хос. Достоевский ижодий командир-ровкаларга бормаган, литфонд нималигини билмаган, умрбод қарз узиш билан банд бўлган, қарз-дорлар авахтасида кўп ётиб чиққан, ҳаётнинг ана шу аччиқ томонлари унга бой материал берган. Унинг лабораторияси шундоққина, у ўз қаҳрамонлари ҳаёти билан яшаб, ўз қаҳрамонларининг ҳаракатини картинадай кўз олдида кўриб туриб ўшани стенографисткасиа диктовка қилгвн.

Максим Горький ўзининг ҳаёт университетидан олган билимини қанда қилмай ҳар куни қоғоз-га туширган. Горькийнинг қаттиқ интизоми бор эди. Ҳар куни маълум соатдан маълум вақтгача иш столида ўтириб ижод қилган. Мабодо илҳом келмай, иши юришмаса-да, қоғоз қоралашда да-вом этган. «ёзганман... ёзилмапти, ёзганман» деб қоғоз қоралаб ўтирган ва илҳом келиб қолгач, жиддий ёзувни давом эттирган.

Бальзакнинг ҳам ўз интизоми бўлган. Ҳар куни тирноқ ботмайдиган, тешада чопилмайдиган даражада бир варақдан пишик пухта ижод қилган ва ҳар йили дейлик, 360 варақли роман чиқариб турган. Умрининг охиригача ва энг кўп роман ёзган адиб.

Абдулла Қаҳҳорнинг ижодий лабораторияси мураккаб ва машаққатли эди. Бир варақни этил-тиргунча неча-неча варақни гижимлаб саватчага ташларди. Бисоти сўзга бой бўлса-да, чертиб-чертиб ишлатарди. Шунинг учун Абдулла Қаҳҳор катта ҳажмдаги асарларни кам ёзган.

Менинг лабораториямга тўхталиш жоиз бўлса, менинг ҳам ўз услубим бор. Мен сафарда кўп бўлганман, кўрган-билганларимни ҳаёлимда, кўзим ўнгида сақлашга уринаман, аммо киши хоти-раси денгизу дарё эмас, ҳаммасини сиғдиролмайди. Ҳар бир сафаримга алоҳида блокнот тутаман, мабодо ўша жойга яна боргудай бўлсам, таққослаш учун ўша блокнотни олиб бораман. Бири иккинчисини тўлдириб, материал бут бўлади.

Кўпинча эрталаб ёзаман. Унулли ижодий иш учун ҳар куни икки-уч соат етарли. Қолган вақт ўқиш ва бошқа юмушларга керак бўлади. Бир ўтиришда тўхтамай ёзаман, кейин устидан таҳрир қилиб чиқаман ёки бошқатдан оқ қилиб ёзаман. Ёзувчининг ижодий иши мураккаб иш, асарнинг ҳар бир сатри юрак қони билан ёзилади. Ёзувчи дам олиш куни ҳам, байрамларда ҳам тиним бил-майди. Ёзувчига осон тутадиган одамлар бўлса, шу ҳақиқатни билиб қўйишин.

— Очерк бадий адабиётнинг илғор ва энг фаол жанри бўлиб қолган. Бу ҳаракат очеркчилик тажрибангиздан Сизга яхши маълум. Бир вақтлар «Жонкуярнинг эътирозини», «Зангори кема капитани», «Кўш кечик» асарларингиз билан очеркчилигимиз равангига сезиларли ҳисса қўшгансиз. Эндилликда ўша йиллардаги баъзи очеркларда кўтарилган проблемаларга ва қаҳрамонларга муно-сабат бир мунча ўзгарди. Масалан, машҳур қаҳрамон Турсуной Охунова тўғрисида. [Н. А. Муҳид-диновнинг хотираларида янги фактлар эълон қилинди]. Уларга сизнинг муносабатингиз қандай? Сўнги йилларда адабиётимизда жиддий воқеалар бўладиган очерклар деярли яратилмапти. Ахир очеркчилик қайта қуришнинг кенг қулоч ёйишига катта таъсир кўрсатиши мумкин-ку! Шун-дай бўлгани ҳолда ўзбек адабиётида очеркчилик ривожки сўсайишининг сабаблари нимада экан? Ўзингиз ҳам кам очерк ёзмоқдасиз!

— Юқорида сиз тилга олган очеркларимнинг қаҳрамонлари ҳали ҳам ўз кадр-қимматини йўқотмаган ҳақиқий қаҳрамонлардир. «Жонкуярнинг эътирозини» да чорвачиликдаги кўзбўямачи-ликлар, ўғирликлар ошқора айтилгани учун бу очеркка қарши курашдилар. Уни «чет элликлар» ўқиса шарманда бўламиз-ку» деб қоралаб Марказком бюросида муҳокама қилдилар, афсуски, Р. Абдураҳмоновга ўхшаш найзабозлар қорасида Юсуф Султондай киши ҳам қораловчилик қил-ганди. Очеркни Абдулла Қаҳҳоргина тўғри тушунган эди.

«Кўш кечик» ҳали Н. С. Хрущевнинг партия ва давлат бошида турган вақтида унинг ортиқча устқурмалари ҳаётий ва қонуний эмаслиги фош қилинган эди. Бир областда кўш ҳокимият «саноат ва кишлоқ хўжалиги областлари» тузилгани ғайритабиий эди. Бир областни икки ҳокимият хўжали-

гига бўлишда шаҳар билан қишлоқни улайдиган дарё кўпригини ё sanoat областига ёки қишлоқ областига беролмай, кўприк арасотда қолиб, унинг икки ёнидан иккита кечик қилинганди. (Чапдагиси sanoat областига, ўнгдагиси қишлоқ областига.) Асарнинг қаҳрамони «қишлоқ билан шаҳарни улайдиган, иши билан деҳқонни бирлаштирадиган Ленин қурган кўприк турганда қўшкечик кимга керак, нимага керак?!» дейди.

«Ҳаётда юз берадиган барча янгилик ҳам прогрессив бўлолмайди» деб таърифлайдилар қўшкечик қаҳрамонлари. Шунинг учун у ноҳаётий устқурма ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетди.

Аммо айрим танқидчиларимиз, уларни тан олмай, кўз юмиб ўтыпти, ҳатто инкор этипти. Турсуной тўғрисида мен ҳам «Правда» газетасида «Турсуной ва унинг дугоналари» сарлавҳали очерк ёзганман. Ўз вақтида аёлларни қўл меҳнатидан озод қилиб, пахта теримини машиналаштириш нияти олға сурилганиди.

Уша даврда Охунованинг бошлаган ҳаракатига умид боғланган эди. Аммо кейинчалик бу яхши ниятли ишга ҳам ғирромлик аралашиб қолди. Охуновани ҳам фариштаю аристократга айлантириб юбордилар. Яна бир гап бор. Уша вақтда юзлаб «турсунойчилар» штурвалларга ўтирдилар, ўнлаб ясама қаҳрамонлар «яратилди». Бу ҳавойи қаҳрамонликлар ва қаҳрамонлар ўтган йили на далаларда, на матбуотда кўринди. Тўғриси, яхшироқ очеркка яроқли, манаман, деган одамни учратмадик. Балки ўзимиз ҳам яхшироқ қидирмагандирмиз.

Очеркчилигимизнинг орқада қолаётгани рост. Бунинг сабаби чуқур. Республикамизда юз берган «ноҳушлик»лар адабиётимизга айнақса, очеркчилигимизга зарар келтирди. Очерк қаҳрамонларсиз қолгандай бўлиб кўринмоқда. Илгариги очеркларнинг қаҳрамонлари кўпинча донгдор кишилар, раҳбар ва амалдорлар бўларди, энди уларнинг адреси ўзгариши, оддий меҳнаткаш об-разлари яратилиши мумкин. Бироқ бу ўзгариш — жуда секин, жуда қийин амалга ошяпти...

— Кейинги пайтда ёзувчилар, публицистлар табиат муҳофазаси ва экология, хусусан, Орол денгизи муаммоларига актив муносабат билдирмоқдалар. Лекин фақат масала кўтариш, бу муаммоларни айтиш билан иш битиб қолавермайди. Жиддий, самарали амалий тадбирлар кўриш пайти келди, шекилли!

— Жуда тўғри, ҳақ гапни айтдингиз. Бу масалада эркин мунозараларнинг бориши ҳам катта гап, аммо куриб қолган Оролни гап билан тўлдириб бўлмайди. Бу муаммо энг юқори жойларда, СССР ҳукуматида ҳал бўлиши керак. Йўқса, узоғи билан йиғирма йил ичида бутун бошли халқ фожиага учраши турган гап. Орол тақдири — халқлар тақдири.

— Маълумки, ўзбек адабиётида ҳарбий ватанпарварлик темаси муҳим ўрин тутади. Сизнинг деярли барча йirik асарларингиз шу мавзуда ёзилган. Сўнгги йилларда Сиз бу соҳадаги меҳнатингизни давом эттириб, ўзбек халқининг Улуғ Ватан урушидаги қаҳрамонлигини кенг планда кўрсатиш мақсадига «Генерал Равшанов» романини ёздингиз. Романининг дастлабки китоби эълон қилинди. Мазкур роман ҳақида танқидий фикрлар ҳам билдирилди... Хусусан, танқидчи Озод Шарафидинов «Адабиёт тилдан бошланади» номли мақоласида асарнинг тили ҳақида жиддий мулоҳазалар билдирди. Собир Мирвалиев ҳам бу роман ҳақидаги мулоҳазалари билан матбуотда чиқди. Сиз ҳам жавоб қайтардингиз. «Шарқ юлдузи» журналининг 1987 йилги 6-сонида Матёқуб Қўшқоновнинг ҳозирги романлар ҳақидаги мақоласида ҳам «Генерал Равшанов» романи ҳақида танқидий мулоҳазалар бор. Сиз бу фикрларга қандай қарайсиз? Тўлиқ ҳолда «Генерал Равшанов» романини тугатиш ва мукамаллаштириш мақсадингиз борми? Бу йўлда қандай режалар тузясиз? Шу баҳонада ўзбек танқидчилигининг аҳволи, баҳслар, мунозаралар ҳақидаги мулоҳазаларингиз билан ҳам ўртоқлашсангиз.

— Бу ҳақда нима деб ва қанча ёзилса шунча яхши, ёзишаверсинлар, асарнинг донғи чиқади. Мен жангларда юриб, қўрган-билганларимни халқим учун ёзганман, халқимдан миннатдорман. «Генерал Равшанов» романи ҳақида бир сандиқ мактуб олдим. Хатларнинг кети узилганича йўқ. Сўзсиз, танқидчилигимизда ҳам, адабиётимиз ривожига ҳам ютуқлар кўп. Улар чўнтагимизда. Айрим нуқсонлар ҳақида яхши ният билан айтадиган лўнда гапларим кўйидагича.

Бир қатор танқидий мақолалар ўқидим. Жуда ози эсимда қолди. Кўпчилиги вақтимни ўғирлади. Чунки мақолаларда на фикр, на муаммо ва на таҳлил бор. Асарнинг сюжети баёнидан, библиографиядан нарига ўтмайдиган мақоладан на фойда! Яна бир қатор мақолалар ўқидим. Қолипи «Литературная газета» ёки бирорта Москва журналлариники, ичига тўлдирилган деталаргина ўзбек адабиёти материалларидан олинган бўлади. Қолаверса, ўқувчининг ғашига тегиб энчасини қотирадиганлари шуки, мақолаларда ижобий фактни дўстларидан, салбийсини эса рақибларидан келтирадилар.


— Сўнгги йилларда адабиётнинг деярли барча соҳаларига жуда кўп таланти ёшлар кириб келди. Албатта, уларнинг барча асарлари юксак савияда ёзилган деб бўлмайди. Бу ёшларнинг ичида ҳали изланаётган, ҳар мақомга йўғалаётганлари ҳам бор. Сиз ёшлар ижоди, уларнинг истиқболи тўғрисида қандай фикрдвсиз? Ўзбекистон Ёзувчилар союзи бошланғич партия ташкилотининг секретари сифатида ёшлар ижоди равнақи йўлида амалга оширилаётган тадбирлар Сизни қаноатлантирадими? Бу борада яна нималарга эътибор бериш лозим деб ҳисоблайсиз?

— Ҳақиқатан ҳам адабиётимизга бири биридан жўшқин ёшлар кириб келяпти. Уларнинг бир сўзли, ўткир нафасли гуруҳи китобхонлар қалбига кириб борапти. Албатта ҳали ҳозирча суяги қотмаганлари, бир оз адашиб кирганлари ҳам бор. Биз уларга ҳам меҳрибон, ҳам талабчан бўлиб, бу адабий навақиронларнинг бежирим бўлиб вояга етишларига тўғри йўлдан боришларига кўмаклашувимиз лозим. Бундан бўлак мақсадимиз йўқ. Ҳозирги таланти ёшлардан умидимиз катта, адабиётимизнинг келажаги шуларнинг қўлида. Бироқ яқиндагина Ёзувчилар союзига кириб олиб арзигули бирор ижод қилиб улгурмай боши осмондаю тили бурро, талаби зўр ёшларимиз ҳам йўқ эмас. Улар инсофга киришлари фойдадан холи эмас.

— Сўнгги анъанавий савол: Ижодий режаларингиз!

— Бошлаб қўйган ишларимни давом эттириш, айрим жоҳил шахслар томонидан тўхтатиб қўйилган асарларимни юзага чиқариш ғамидаман.

Суҳбатдош Эркин ХУДОЙБЕРДИЕВ,
филология фанлари кандидати, доцент.



МАҚСУД ШАЙХЗОДАНИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА

ИЛК ДАФТАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА

Устоз шоир Мақсуд Шайхзода 11—14 ёшлик пайтларида битилган илк ижодий машқлари мажмуасини ўзи «Озарбайжон дафтари» деб атаган. «Озарбайжон дафтари»да шоирнинг 120 дан ортиқ шеър, кўшиқ, кичик поэма, ҳикоя, жажжи комедия, масал ва хотиралари жамланган бўлиб, ижодкор уларга «Мақсуд Шейхиев», «Мақсуд Шайхзода Озарий», «Инқилоб ўғли», «Инқилоб фидойиси» ва бир неча ўринда «Эртўғрул» деб имзо чеккан.

«Озарбайжон дафтари»га кирган шеърлар мавзу ва мундарижа жиҳатидан замон руҳи билан йўғрилган бўлиб, уларда инқилобнинг курашчанлик ва сафарбар қилувчилик нидоси, рус ва маҳаллий феодал-буржуазиянинг аксилинқилобий фаолиятини фош этиш, оқ гвардиячилар, мусовотчи ва дашноқларга қарши кураш, жаҳон империализмининг хуружларига қарши ўтли нафрат, Ленин ва большевиклар партиясига садоқат ва самимий фарзандона муҳаббат кўзга ташланиб туради.

«Озарбайжон дафтари»га жамланган асарларнинг яна бир фазилати — мураккаб тарихий шариоитда ижод майдонига қадам қўйган ёш шоирнинг шеърларида сиёсий ўткирлик, ғоявий пухталики ва реал воқеликда рўй бераётган ҳодисаларнинг етакчи тенденциясини тўғри англаш ва талқин қилишга интилишдан иборатдир. Бу жиҳатдан «Озарбайжон дафтари»даги «Фурқалар мунозараси» шеъри шоирнинг ўша давр сиёсий майллари учун муштарак ва муайян характерга эга. Маълумки, инқилобнинг дастлабки йилларида Закавказье халқларининг (озарбайжон, арман ва грузинлар) революцион курашига қарши маҳаллий «мусовотчилар» (Озарбайжон) ва «дашноқлар» (Арманистон) партияси вакиллари аксилинқилобий иш олиб борарди. Улар меҳнаткаш омманинг чинакам жонкуяри ва раҳнамоси «Ҳиммат» (у даврларда Озарбайжонда большевиклар партиясини шундай ном билан атадилар) фуқаросини халқ назарида обрўсизлантириш, оммани тўғри йўлдан чапгиштишга жон-жаҳдлари билан уринмоқда эдилар. Шоир ана шу тарихий воқеани «Фурқалар мунозараси»да ўз ижодий имкониятлари даражасида акс эттиришга интилди.

Мақсуд Шайхзода туғилганига саксон йил тўлиши муносабати билан «Озарбайжон дафтари»га кирган шеърлардан баъзиларини ҳурматли журналхонлар эътиборига ҳавола этаётирмиз. Шу ўринда бир нарсани таъкидламоқчимиз. Эълон қилинаётган шеърлар шоирнинг илк ижодий ва маълум маънода машқий асарларидан иборат, бинобарин, уларга ўша давр андозаси ва савияси жиҳатидан ёндошилса ва баҳоланса. Шеърларни таҳрир қилмай, асл ҳолича берилганлиги боис, уларда баъзан фикрий маҳдудлик, қофия ва вазнларда ғалатилик бўлиш табиий. Аммо уларнинг барчасида ёш юракнинг шеър тили билан сўзлашга зур иштиёқи ва навқирон қалбга хос жўшқинлиги сезилиб туради.

Мухсин ЗОКИРОВ

Ой билан суҳбат

Эй дунёнинг шамъи бўлмиш ғамгин ой,
На бокурсан юкоридан қуйиға?
Йўқдир сенда на бир ғавғо, на жанжал,
Анқов бир хўжайиндай қарайсан?!
Сенга қолса жаҳон зулматга ботса,
Боқма бизга жаҳаннам шайтонидек.
Сенга қолса дарё, тоғлар, денгизлар,
Ўзларидан зулматликни таратса.
Йўқ, бундайин ноинсофлик қилмагин,
Инсонларга лаънат тошин отмагин.
Шафқат қилиб одамият наслига,
Қўлдан келган хизматингни аяма.
Гоҳ кўриниб Шарқу Ғарбни ёритгин,
Гоҳ Шимолга, гоҳ Жанубга нур сочгин.
Анқовлардек сўлгин... боқасан,
На бир ғунча гулнинг бағрин очасан.
На атрофга ҳаёт нурун сочасан?!
Бахил бўлма, буржуйларга ўхшаша,
Ҳей, тунлар шамъи оймўма.


Ватан учун жангда яраланган аскар тилидан

Юрт йўлида кўп жанг қилдим,
Дарёларча қонлар тўқдим,
Ҳақ йўлида яраландим,
Бу сўқишим — Ватан учун,
Азиз жоним — Ватан учун,
Номус-орим Ватан учун!
Афсуски, соғ қололмасман,
Бу дунёдан кўз юмарман.
Аммо руҳим қийналмас ҳеч,
Ватан зикри эртаю кеч,
Тилимдаю ҳам дилимда,
Номим қолар бу элимда.
Шу эл тирик, мен ўлмайман,
Шу юрт озод, мен озодман!
Яша мангу Озарбайжон,
Гулла, яшна Озарбайжон!

Қишлоқда қиш кечаси

Тоғу тўшни қор қоплаган,
Уй томлари қордан оппоқ.
Далаларда кезар шамол,
Оч бўридек увлар шамол.
Уй ичида ўчоқ ёнар,
Яллиғидан юз товланар.
Ёшлар бирга йиғилишиб,
Ўйнар, кулар, чой ичишар.
Ҳар бири ўз дардин куйлар.
Бири дерки: бевафо ёр,
Боқмай, дилга берар озор.
Бири мақтаб гўзал ёрин
Ишқин куйлар вафодорин.
Чақчақлашиб то ярим тун,
Ҳеч чарчамас, бағри бутун.
Иссиқ элтар баъзиларин,
Элтар уйқу баъзиларин.
Интилади кўрпа сари,
Ором олмоқ учун бари.
Шундай ўтар қиш оқшоми,
Қиш бўлса ҳам ўчмас шамъи.

Озар тилидан **Мўҳсин ЗОКИРОВ** таржималари.



Муҳаммад Маматвалиев

ЖАЛОЛИДДИН ҲАҚИҚАТ ИЗЛАЙДИ

Мақсуд Шайхзоданинг «Жалолiddин Мангуберди» драмаси орадан қирқ йилдан ошиқ вақт ўтгач тўла ҳолатда эълон қилинди. Шунга ҳам бир йилдан ўтди. Аммо адабиётшунослик ҳам, танқидчилик ҳам ҳозирги кун руҳи, талабларидан келиб чиқиб унга ўзининг ҳақиқий баҳосини берганича йўқ. Сталинизм ва турғунлик йилларида қўйилган «Драманинг бош қаҳрамони идеаллаштириб юборилган»,— деган «айб» ҳозиргача ўз кучини сақлаб турибди. Ёки драманинг ўзига юқори баҳо берилиб, фақат унинг бош қаҳрамонига нисбатангина қилинган «танқид»ларнинг ҳаммаси тўғрими? Биз бунга дадиллик билан «Йўқ!» деб жавоб берамиз. Жалолiddиннинг ўрта аср муаррихларига (ҳозирги тарихчиларнинг Жалолiddинга нисбатан тугган позицияси алоҳида масала) тегишли китобларда ва «Жалолiddин» драмасида акс эттирилган характери тадқиқ қилиш фикримизни тасдиқлайди.

Мақсуд Шайхзода Жалолiddин характери яратишда уни сарой аъёнларидан ажратиб турувчи бош хусусияти — ватанпарварлигига асосий эътиборни қаратади. Драманинг дастлабки кўринишлариданоқ Жалолiddин ўз ерларини жон-дилдан севувчи, унинг ҳар бир қаричини ҳам душманга раво кўрмайдиган Шаҳзода, «мўғулни қочирган киши» номи билан машҳур бўлган саркарда сифатида кўринади. Унинг характерининг асосини ташкил этувчи бу хусусият гоҳ Хоразмшоҳ ва унинг атрофидагилар билан бўлган зиддиятларда, гоҳ онаси, синглиси, дўстларига нисбатан ҳаяжонли, самимий муносабатида, гоҳ мўғулларга қарши жангларда очилиб, тобора мустаҳкамланиб боради. Драмадаги Жалолiddинга бевосита боғлиқ ўринлар баъзи ўзгаришларни ҳисобга олмаганда тарихий ҳақиқатга бутунлай мос келади. Маълумки, драма тўй воқеаси билан бошланади. Бу бекорга қилинмаган, албатта. Бирданига мўғул элчилари уруш хабарини олиб келишади. Тўй азага айланади. Одамнинг кимлиги қийинчиликда билинади, деган гапга амал қилиб драматург қаҳрамонлар характеридаги дастлабки нуқталарни очиш учун айнан шу вазиятни танлайди. Вазиятни кескинлаштириш учун элчилар кўрқинч қиёфаларда кўрсатилади. Ҳамма таҳликага тушади. Хоразмшоҳ иккиланиб, қалтираб қолади. Айни шу пайтда Жалолiddин мардона совуққонлик билан Хоразмшоҳни жавобга ундайди:

**Жавоб бер, шаҳаншоҳ, кутмасин улар.
Кутдирсак, кўрқишга аломат бўлар!**

Булар ҳаммаси драматург бадиий фантазиясининг маҳсули. Воқеаларнинг кейинги ривожини учун шундай экспозиция керак эди. Шундан кейин воқеалар аста-секин кескинлаша бошлайди. Мўғулларга қарши кураш режасини тузишда ота ва ўғил ўртасида ихтилоф келиб чиқади. Бу икки характернинг зиддиятлари юз бераётган ҳодисаларга муносабатлари асносида воқеаларнинг ҳақиқий ривожини бошланади. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқадики бўлсак Она-юрт ва Ҳақиқат тушунчалари Жалолiddин учун муқаддас эканлиги аввалданоқ бўртиб кўрина бошлайди.

Хўш, Жалолiddин характерининг шу томонларига алоҳида эътибор бериб Шайхзода тўғри йўл тутганми? Бунинг учун унинг ҳақиқий бормиди? Драмани танқид қилган кишилар шундай саволларга салбий жавоб бериб, Жалолiddин идеаллаштириб юборилган, деган фикрни айтишганини олдин эслатиб ўтгандик. Бу фикрлар қанчалик тўғри ёки нотўғрилигини исботлаш учун (чунки уларда исбот йўқ) ҳозир ва кейин ҳам тарихий маълумотларга мурожаат қиламиз.

Тарихдан маълумки, Инолхон Утрорда Чингизхоннинг 450 кишидан иборат қарвонини жосусликда айблаб ўлдиртиради. Шундан сўнг Чингизхон яна Бўғрохон бошчилигидаги элчиларини юбориб, айбдорни ўзига топширишни Хоразмшоҳдан талаб қилади. Бу талабга нисбатан Жалолiddиннинг позицияси ҳақида З. М. Буниёдовнинг «Хоразмшоҳ — Ануштегинлар давлати» китобида қуйидаги фикрлар баён қилинган: «Хоразмшоҳнинг ўғли Жалолiddин Мангуберди Элчи Бўғро билан суҳбатдан сўнг отасига у билан юмшоқроқ муомала қилиш ва Инолхонни Чингизхонга бериш кераклиги, Сирдарё қирғоғидан Суриягача бўлган катта майдонда яшовчи мусулмонларнинг қони тўкилмаслигини олдини олиш учун бир одамнинг қонидан воз кечиш яхшироқ эканлиги ҳақида маслаҳат беради» (Москва. Наука, 1986. стр. 136).

Лекин Хоразмшоҳ бу маслаҳатга қулоқ солмайди. Тўғри, бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Аммо бу ерда биз учун муҳими Жалолiddиннинг сўзлари! У бу сўзларни ҳоқимиятни сақлаб қолиш учун, ортиқча қон тўкилишининг олдини олиш учун, Чингизхон билан бўладиган муқаррар урушда вақтдан ютиш учун айтади. Акс ҳолда Инолхоннинг анча асосли, бироқ бемаврид қилган иши халққа, улкан Хоразмшоҳлар давлатига жуда қимматга тушишини у чуқур ҳис қиларди. Охир оқибатда шундай бўлиб чиқди ҳам!

Чингизхон хизматида бўлган тарихчи Рашидиддин Жўжихон билан бўлган биринчи тўқнашув, Жалолиддин отасини қўтариб қолганлиги ҳақида шундай хабар беради: «Ҳар икки томоннинг ўнг қаноти ўрнидан кўзғолди, мўғулларнинг бир қисми эса марказга ҳужум қилди. Султоннинг (Хоразмшоҳнинг — М. М.) асирга тушиш хавфи туғилди, лекин унинг ўғли Жалолиддин мустаҳкам туриб, тоғ ҳам бардош беролмайдиган бу ҳужумни қайтарди ва отасини ҳалокатли аҳволдан қўтариб қолди». (Рашид-ад-дин. Сборник летописей, том — 1, книга — 2. М.-Л. 1952, стр. 190.)

Демак, юқорида кўриб ўтганимиз кичик бир саҳнадаги воқеалар тарихий мавзунинг ўзгинаси. Бу ерда Хоразмшоҳнинг сўзларини, вазирларнинг, Имомнинг маслаҳатларини ҳам тарихий ҳақиқатга мос келишини исботловчи фактларни келтириб ўтирмадик. Кичик конфликтнинг келиб чиқиши, ривожланиши, ечими ҳам жуда табиий. Бу ўринда фақат ечимгина драматург бадий тўқимасининг натижасидир. Чунки тарихда Жалолиддин валиаҳдликдан маҳрум қилинганлиги, Хоразмшоҳ умрининг сўнги кунларидагина уни валиаҳдликка тайинлаганлиги маълум. Бу вақт-гача эса тахт вориси Ўзлогшоҳ эди. Аслида ўша давр одати бўйича Жалолиддин бўлиши керак. Аммо Хоразмшоҳнинг онаси Туркон-хотун бунга йўл қўймайди. Жалолиддин ва отаси ўртасидаги совуққонликнинг асл сабаби ҳам мана шунда. Шайхзода эса бундан ўзига хос тарзда, моҳирона фойдаланган. Ҳатто у Хоразмшоҳнинг буйруғи бемаънилигини бўрттириб кўрсатиш учун тарихий ҳақиқатни бутунлай «бузади» — Қутбиддин Ўзлогшоҳни йўргакдаги бола сифатида кўрсатади. Бизнингча, бу жуда ўринли қилинган. Чунки у драмага айна шу мақсадда киритилган, асарда уни бошқа учратмаймиз.

Жалолиддиннинг тожни тахт олдига қўйиб, чиқиб кетишида унинг характеридаги мағрурлик, ҳар қандай вазиятда ҳам ҳақиқатга тик қараш, бироз қизиққонлик хислатларини кўраимиз. Юқоридаги ҳолатда Хоразмшоҳ ва атрофидогиларнинг сўзлари Жалолиддинга шундай таъсир қиладики, энди унинг кўзига на валиаҳдлик, на отаси, на аниқ юз бериши мумкин бўлган ўлим хавфи кўринади. Йигитлик ғурури, ўзининг ҳақлигини исботлаш унинг учун ҳамма нарсадан устун.

**Одамлар ўйларки бўлмаса тожим
Қаландар бўлурман, қолмас иложим.
Бечора отамчи, фаҳми шунча кўр!
Билмаски бу билан тахтга қазир гўр...
Отами азиздур ёки салтанат!
Кўп оғир масала... Куфрдир албат —
Отага қарши кўтармоқ исён.
Айём хатарноқдир, бу менга аён.**

Энди Жалолиддин ўзини босиб олган. Қўлиб ўтган воқеаларни фикран таҳлил қилади. У отаси олдидаги бурчини нутумган. Отасига қарши исён кўтариш нияти ҳам йўқ. Уни салтанат тақдири ўйлантиради, отасининг яқинлашиб келаётган фожиани кўролмаётгани қийнайди.

Жалолиддин Ҳазинадордан лашкари учун юз минг динор беришни талаб қилади. У билан Ҳазинадор ўртасида шундай суҳбат бўлиб ўтади.

ХАЗИНАДОР
Буюрғансиз лашкарларга бир юз минг динор!
ЖАЛОЛИДДИН
Қани, қани?
ХАЗИНАДОР
Кечиргайсиз.
ЖАЛОЛИДДИН
Нима арзинг бор?
ХАЗИНАДОР
Валиаҳдлик муҳри керак, у сизда эмас!
ЖАЛОЛИДДИН
(Чакмони остидан қиличини кўрсатиб)
Мана муҳрим... фармонимга шунинг ўзи бас!
(Ҳазинадор таъзим билан қўрқиб чиқади)

Демак, унинг ҳар бир хатти-ҳаракати, ҳар бир сўзи шунчаки эмас. У ўзи ҳақиқат деб билган ҳамма нарсани ўзининг эътиқодига айлантиради. Бу унча-мунча одамнинг қўлидан келмайдиган мушкул иш ҳисобланади. Ўша даврда, яъни Жалолиддин турган вазиятда бу янада қийин эди. Бироқ мардлик ҳамма нарсани енгади. Жалолиддин ҳам ўз эътиқоди учун жонини беришга тайёр. Ҳазинадорга қилич кўрсатиши унинг шу йўлдаги қатъиятининг бир нишонасидир. Шу билан бирга бу ҳаракат киборлик ҳусусияти унинг характерида ҳам мавжудлигини яна бир бор бизга эслатади. Унинг кейинги сўзлари эса бу фикрни тўлдириб, янада ойдинлаштиради.

**Бўлмаса-чи, хазинанинг бор-йўғи, ичи,
Мўҳр билан топилганми дейсан, тарихчи!**

Қилич кўрсатиш эпизоди билан бу сўзларнинг орасидаги ички алоқадорлик сезилиб турибди. Жалолиддин ўзи яшаб турган муҳитда ҳар бир иш, шу жумладан, солиқ тўллаш ҳам зўрлик билан амалга оширилишини билади. Унинг ўзи ҳам шу муҳитнинг фарзанди. Шунинг учун керак пайтда зўрлик қуроли — қиличдан фойдаланади. У ўзининг кимлигини ва шундай бўлишга маҳкумлигини чуқур тушунади. Ўзини ўзи яхши билиши барча ишларида унга қўл келади, бошқа сарой аъёнлари га нисбатан халққа яқин бўлишини таъминлайди, Элборсга ўхшаган дўстлар орттиришида катта роль ўйнайди. Унинг характеридаги бу сифатларни Шайхзода иккинчи парданинг иккинчи кўринишида жуда яхши кўрсатган. Бухорони мўғуллар эгаллаганини эшитган Хоразмшоҳ пойтахтни ташлаб йўлга чиқади. Лекин халқ унинг кетишига изн бермайди. Шоҳдан ҳафсаласи пир бўлган, энди ҳеч нарсадан тоймаслиги аниқ бўлган халқ билан соқчилар ўртасида тўқнашув содир бўлиши муқар-

рар бўлиб турган бир пайтда Жалололиддин келаётганлиги ҳақида хабар тарқалади. Халқ уни: «Кел-япти мўғулни қочирган киши!», «Бахтимизга айлангай дунё гардиши!» хитоблари билан кутиб олади. Умид кўзини унга тикади. Жалололиддин яна бир бор отасини инсофга чақиради. Бироқ рад жавобини олади. Шундан сўнг халққа мурожаат қилади.

**Халойиқ йўл берингиз, жўнасин султон,
Йўлларда бор кўп заҳмат, хатар, биёбон!**

Унинг бундай қарорга келиши осон кечмайди. Қарорга келади-ю, бироқ характеридаги баъзан-баъзан кўриниб қоладиган ўз ишидан шубҳаланиш туйғуси унга тинчлик бермайди. Бутун инсонларга хос бўлган ички эҳтиёж — энг қийин дақиқаларда онани эсга олиш, ундан ёрдам сўраш Жалололиддинда ҳам юзага қалқиб чиқади.

**Она, сўйла, ким ҳақли, отам ёки мен!
Қароримга ишонай, сўйла, токи сен!**

Воқеалар ривожланган сари биз Жалололиддин характерининг янги-янги қирраларини кашф қила-верамиз. Характер эса ўзининг ядросини — драматургнинг асосий мақсадини ҳамisha бизга эсла-тиб туради.

**Онамизнинг онаси бўлган шу Ватан —
Кўрлик афзал бу юртни асир кўрмоқдан.**

«Дўстликни қадрлай билиш Жалололиддиннинг қон қонига сингиб кетган. У доимо дўстларини қўлаб-қувватлайди, уларнинг ишларига етарли баҳо беради, уларга ишонади. Масалан, у Темур Маликни кўрсатиб, халққа шундай дейди.

**Хўжанднинг баҳодирини шу Темур Малик,
Эй, одамлар, севинглар уни менчалик!
Агар чидамасайди Хўжанд мардона
Аллақачон бўлурди Урганч вайрона!**

Элборс бироз ўқисик ҳолда, камтарлик билан «Чўпонларнинг қариси мендурман балки!» деганида, унга «Шер минг кексайса ҳам бўлмайди тулки», деб жавоб беради, кўнглини кўтаради, лекин унинг ўзида ўзгариш юз беради. Бўлиб ўтган воқеалар таъсир қилмасдан қолмайди. Унинг характерида «бўшашиш» аломатлари кўринади. Шу вақтгача ҳеч нарсадан тап тортмай келган Жалололиддин тақдир олдида ўзини ночор сезади. Бунинг учун драматург уни яқинларидан ажратиб, дўстлари даврасида ёлғиз қолдиради. Ҳатто суюкли синглиси Султонбегим ҳам уни мажбуран ташлаб кетади. Жалололиддин бағрини соғинч, армон тирнайди.

Мана шундай қийин дақиқаларда Ватани, халқи ўзи учун нақадар азиз эканлигини у янада чуқурроқ ҳис қилади ва ўзини қўлга олиб, халқни курашга ундайди. Бунга жавобан ўзининг бошига қандай кулфатлар ёғилишини англаб турган, бунга йўл қўймасликнинг йўлини истаган, ўзига битта мард кутган халқ ҳам «Йўқ, биз жангга тайёремиз, эй улуғ сардор!» дея унга ҳамдамлигини билдиради. Драмадаги шундай ўринлар ўз вақтида «Жалололиддин халққа ишонмаган, у Ватан учун курашмаган», деб жуда қаттиқ танқид қилинган. Аммо бу танқидлар ҳеч қандай асосга эга эмас эди.

Тарихчи Насавийнинг маълумотлари драматург ўз қарашларида ҳақ эканлигини тасдиқлайди.

Ҳа, нафақат Жалололиддин халққа ишонган, балки халқ ҳам унга ишонган!

Кўз ўнгида юз бераётган воқеалар Жалололиддинни кўп нарсага ўргатади, характерини мустаҳкамлайди, тафаккурини ўстиради.

**Афсус бадбахт бўлса бир ўлка агар,
Унинг ўғиллари кўр бўлур ё кар.**

Лекин Жалололиддинни шу ҳолатда, шу хислатлар билан узоқ тутиб туриш ўзини оқламади (шундай қилиш ҳам мумкин, бироқ унда баъзи бир танқидчиларга худо бериб қоларди!). Драматург буни яхши тушунади. Шунинг учун вақти-вақти билан Жалололиддин шохлар авлодидан эканлигини, унинг томирларида Муҳаммад Хоразмшоҳнинг қони (!) оқаётганлигини таъкидлашни унутмайди. Мисол учун унинг девона чолга айтган сўзларини олиш мумкин.

**Тиғ уриб, Жалолнинг кўкрагини сен —
Қутқардинг лашкарнинг юрагини сен.**

Драматург Жалололиддин қалбининг нозик томонларига ҳам алоҳида эътибор қаратади. У синглисидек гўзал қизни севишни истаydi. Инсон ҳамisha муҳаббат билан тирик. Севига ташналик, қувноқлик ҳар қанча оғир шароит бўлмасин уни тарк этмайди. Жалололиддин образининг муваффақиятли томонларидан бири шундаки, у шундай туйғудан маҳрум эмас. Унинг, Султонбегим билан қилган суҳбати фикримизнинг далилидир.

Воқеалар тобора ечимга яқинлашган сари Жалололиддин харак геридеги етакчи хислатлар барқарорлашиб боради.

**Мен ҳам Амударёман — ўжар, қасоскор,
Йўлларимда ҳар тўғон бўлур тор-мор.**

Ҳақиқий характер сифатида шаклланганлик натижасида Жалололиддин ўзи билан отаси ўртасидаги муносабатларда орани очиқ қилади. Хоразмшоҳ хоин кувёнин оозд қилишни талаб қилиб унга фармон жўнатади. Бу унинг шундоқ ҳам тўлиб турган сабр қосасини тошириб юборади.

ЖАЛОЛИДДИН

(қатъий)

Модомки, шоҳ жангдан қочар овора,
Фармони ҳам совуқдир, бу бир хатпора.

Муҳаммад Хоразмшоҳ ва унинг ўғли ЖалолIDDIN орасидаги конфликт шу тариқа ниҳоясига етади. Энди ЖалолIDDIN учун битта йўл қолади — душман билан беомон жангга кириб Ватанни озод қилиш, Хоразмшоҳ тахтини эгаллаш. Шу мақсад йўлидаги курашда унинг шахсини белгиловчи хусусиятлардан бири — ҳарбий саркардалик салоҳияти ёрқин намоён бўлади. Шунинг учун драманинг кейинги пардаларида асосан, ЖалолIDDIN ҳарбий фаолиятининг муҳим ўринлари кўрсатилади.

ЖалолIDDIN ва Темур Маликнинг жасоратлари кўпчиликка маълум. Шундай бўлсада яна ҳам ишончлироқ бўлиши учун Насавийдан бир парча келтиришни лозим топдик: «Ўз гарданлари ва юракларига ўқталган найзаларни кўриб, татарлар қочиш учун отларига қараб юришди. Аммо уларнинг жуда оз қисмигина қутулишга улгурди ва қўшиннинг қирилиш манзарасини Чингизхонга етказди.

Ўз сафдошлари ўткир қиличга гўшт ва қасоскор бургутларга ем бўлганини кўргач эса, у саросимага тушиб қолди». (Шихаб-ад-дин Муҳаммад ан-Насавий. Жизнеописание султана Джалалиддина... Баку. 1973, стр. 101)

Мақсуд Шайхзода тарихий материални синчиқлаб ўрганиб чиққан. Шунинг учун драмада Парвона шаҳри яқинида ва Синд дарёси бўйида ЖалолIDDINнинг мўғуллар билан қилган асосий жангларини тасвирлайди. У Парвона жангини тасвирлар экан, душманга нисбатан нафрат алангасида ёнаётган, «бир қанотим синди Темурсиз, Гўё қолди бир кўзим нурсиз», — дея қасос ўтида қоврилаётган ЖалолIDDINнинг ҳаракатларини кўрсатиш билан чекланиб қолмайди. Бизга ЖалолIDDINнинг қўшинининг ғалабасини таъминлаган ўзига хос тактик йўлни (драматург фантазияси — М. М.) ҳам кўрсатади.

Бу жангда ЖалолIDDIN ҳам саркарда, ҳам жангчи сифатида ўзини кўрсатади ва мўғулларга қарши олиб борган бутун кураш тарихида энг йирик ғалабага эришади. Жанг тафсилотини Насавий куйидагича ҳикоя қилади: «ЖалолIDDIN тоғ дарёсидай асов отликлари ва шерюрак жангчилари билан уни (Тулихонни — М. М.) Парвона яқинида кутиб олди. Икки қўшин бир-бирига яқинлашгач эса ўзи биринчи бўлиб Тулихон қўшинининг марказига отилди, унинг жанговар тартибини бузди, мўғуллар байроғини отларнинг туёғи остига ташлади; уларни қочишга ва жанговар позицияларини ташлаб кетишга мажбур қилди...

Бошқача қилиши мумкинмиди? Ахир, улар оға-инилари, отаси, давлати, Ватани, дўстларига, ўзига озмунча мусибат келтиришдими?!» (ўша китоб, 125 б).

Шундай қилиб, воқеалар ўз ривожининг энг юқори нуқтасига етиб келди. ЖалолIDDIN оз сонли лашкарлари билан Чингизхонга қарши тенгсиз жангга киради. Мардонавор жанг қилишларига қарамай, ЖалолIDDINнинг оз сонли қўшини сон-саноксиз мўғуллар томонидан қириб ташланади. Она оқсоч бўлишдан ўлимни афзал билиб, ўзини дарёга ташлайди. Ҳамма нарсадан маҳрум бўлган ЖалолIDDINни алам туйғуси қамаб олади.

**Мудҳиш толе бермушдир Жалолга оллоҳ,
На она бор, на юрт бор, на лашкар, эвоҳ!**

Унинг учун икки йўл қолади: ё охиригача жанг қилиб, ботирларча ўлиш ёки душмандан қасос олиш, Ватанни озод қилиш, яна тахтни эгаллаш учун вақтинча бошқа элларга кетиш. Биз билган ЖалолIDDINнинг биринчи йўлни танлаши мумкин эмасди, чунки у подшо эди, Ватанини, халқини севарди, уни озод кўришни истарди.


**Улуғвор ниятларга қор қилмас ажал,
Ким юртдан ёвни қувса — мендурман ўшал.**

Драма оптимистик руҳда — ЖалолIDDINнинг ғалабага ишончи йўғрилган сўзлари билан яқунланади.

Ўзларини адабиёт ва тарихнинг билимдонлари қилиб кўрсатувчи кишилар Шайхзодага ЖалолIDDINнинг идеаллаштириб юборган, деб айб қўйишди. Лекин улар бу айбни қўйишдан аввал драматургнинг асосий мақсади фақат ЖалолIDDIN ҳаётини тасвирлашмиди? — деган саволни ўйлаб кўришмади. ЖалолIDDIN драматург ниятини амалга оширишдаги бир восита эканлигини унутиб қўйишди.

Мақсуд Шайхзода «ЖалолIDDIN» драмасини ёзди. Бунинг учун қанча азоблар тортди. Бироқ бирор марта нолигани, меҳр-шафқат сўрагани йўқ. Аксинча, умр бўйи ўзининг ҳақлигига ишониб яшади. Ҳаётининг сўнгги йилларида эса ЖалолIDDIN образига яна қайтишга, ўзининг ҳақлигини исботлаш учун тарихни титиб кўришга қатъий аҳд қилди. Аммо бешафқат ўлим унинг бу ниятларини амалга оширишга йўл қўймади. У ўзи ишонган ҳақиқатни тиклолмай армонда кетди.

Ўтганларнинг армонларини рўёбга чиқариш тирикларнинг муқаддас бурчидир!



РАҲМАТ ФАЙЗИЙ 70 ЕШДА



«ЮРТИНГИЗ, УНИНГ КИШИЛАРИДАН СЎЗЛАБ БЕРИНГ»

Раḥмат Файзий хаёлан А. П. Чехов билан мулоқотга кираркан, уни биринчи ўринда тўрувчи ёзувчи деб таърифлайди. Шунда: «Менми, — ўйланиб жавоб берди Антон Павлович, — менинг ўрним тўқсон саккизинчи».

Кулиб юборай дедим-у, ўзимни зўрға босдим. — Мунча ҳам камсуқум одам, — деб ўйладим. — Езганларим ўзимга ёқмайди... — Оҳиста сўзлай бошлади Антон Павлович, — баъзилари бўлса... бўлмағур гаплар... Асарларимни етти йил, борингки, ёрлақаса етти ярим йил ўқишади, кейин унутиб юборишади...»

— Нима деяпсиз, Антон Павлович, — деб юбордим ўзимни тўхтатолмай, — биргина бизнинг Ўзбекистонда қанчадан-қанча китобларингиз бор... Сиз «бўлмағур нарсалар» деган асарларингиз бутун дунёни ҳайратда қолдирыпти-ку. Сиз учирган «Чайка» олам узра парвоз қилиб юрибди-я...

— Тагин кўкка кўтаряпсизми? Қўйинг, акс ҳолда хафа қиласиз мени. Улуғмас, ўртамиёна ёзув-

чи ҳам эмасман. Унутинг... Яхшиси Сиз, юртингиз, унинг кишиларидан сўзлаб беринг, ўзбек оғайним, — дея елкамга қўл ташлади Антон Павлович...»

Бу кўчирма икки жиҳатдан эътиборга молик: Раҳмат Файзий ғоят камтар ижодкор, у кўкраги-га қўл уриб классиклик даъво қилувчилардан эмас, бу нарса мутлақо унинг хаёлидан ўтмаган. Чехов тили орқали дил амрини изҳор этмоқда. Иккинчидан, у ўзининг ёзувчилик бурчи деб юрти ва юртдошлари тўғрисида сўзлаб беришни, уларнинг шуҳратини жаҳонга ёйишни тушунади. Зеро, Раҳмат Файзий жаҳоннинг кўпгина экранларида намоиш қилинган «Сен етим эмассан» кинофильми ва СССР халқлари ва қатор чет мамлакатлар тилларига таржима қилинган «Ҳазрати Инсон» романи билан халқимизнинг инсонга нисбатан меҳр-оқибатга тўла қалбини — чин инсонпарварлик фазилатини тарғиб этди. Ахир турғунлик йиллари бир сиқим юлғичлар ўзбек халқи номига доғ бўлиб тушувчи не-не ишларни қилмадилар. Ёки ҳозирги даврдаги бошқа яна бир проблемани — етим-есирлар сонининг кўпайиб бораётганини эсга олайлик. Тирик етимлар қаердан пайдо бўлмоқда? Инсонларда меҳр-оқибат, инсоннинг ўз ота-оналик бурчига садоқат деган муқаддас туйғуларнинг қасот бўлаётганидан эмасми бу! Тирик қолиш, яъни инсон-хаёти қил устидан турган ва бир бурда нон анқонинг уруғи бўлган ўша Улуғ Ватан уруши йиллари Шоаҳмад ака ва Баҳри опаларга ўхшаган қанчадан-қанча ўзбек оилалари ота-онасидан жудо бўлган минг-минг болаларни иссиқ бағрига олдилар. Бу тарихда кўрилмаган мислсиз қаҳрамонлик эди. Фашизм устидан қозонилган ғалабага халқимиз худди шу иши билан ҳам беқийс катта ҳисса қўшди (халқимизнинг жанг майдонидаги жасоратини ёки қурол-яроғ, хомашё, озиқ-овқат тайёрлаб берганини айтмай қўя қолайлик). Раҳмат Файзий халқимизнинг ана шу оддий, аммо қаҳрамонона ишини ишончи, ҳаётий шаклда акс эттириб берди. Таникли совет ёзувчиси Г. Марков «Ҳазрати инсон» романи хусусида сўзлаб бундай деган эди: «Ҳамма гап шундаки, бу китоб таланти, муваффақиятли чиққан, бу китоб кўп-миллатли совет адабиётининг улкан ютуғидир. Раҳмат Файзий ҳаққоний китоб ёзиб, у ҳаёт оқимининг ўзидан ҳаётий материални йиғиб олишга мушарраф бўлган ва бу улкан материални қалб кўри ва ҳарорати билан иситган. У бу материални салмоқли мазмун билан, ўзининг ҳақиқий ёзувчилик зўр туйғуси билан бойитган».

Романнинг бу даражада чиқиши аввало ёзувчининг шу масалани, унинг бош қаҳрамонлари учун асос бўлган Шоаҳмад акадек темирчилар, оддий ишчилар ҳаётини, болаларнинг руҳий дунёсини яхши билиши, юрак-юракдан ҳис этишига боғлиқ эди. Раҳмат Файзий «Сен етим эмассан» киноқиссаси ва «Ҳазрати Инсон» романидан бошқа асарлар ҳам ёзган. Айтайлик «Чўлга Баҳор келди» қиссаси (1951) ўз вақтида республика ҳаётидаги янги иқтисодий изланишлар қилаётган кишиларни, айниқса ёшларнинг шижоатини кўрсатишга уриниши жиҳатидан эътиборни тортди. Ёзувчи кейинчалик — 1972 йилда уни романга айлантириб нашр эттирди.

«Ижод кишиси — деб мулоҳаза юритади Раҳмат Файзий, — ўз табиати, келиб чиқиши, хулқ-атвори, хатти-ҳаракати муомиласи, энг муҳими, фикр-ўйлари, дунёқарашини орзу-интилишлари билан ўзи кашф этган асарда аллақандай қиёфаси кўриниб туради. Қўлига қалам олиб ёзув столига ўтирар экан, узоқ ўтмишда, бегубор ёшлик йилларида ҳиссиётларини ларзага келтирган, хаёлотда мустаҳкам ўрнашиб, хотирасига бир умрга қўшиб қолган воқеа-ҳодисалар, айрим кишилар тақдири унга тинчлик бермайди. Ёшлиқдаги, ўтмиш кунларидаги айқаш-уйқаш кечинмалар, таассуротлар ёзувчи улғайган сари тиниқлаша боради. Катта ёзувчини беҳаловат қилган тарих, бутун бир давр унинг тасаввурда реал шахслар, реал воқеалар тарзида қайтадан тикланади ва ўз-ўзидан бўлажак асарга кўчади. Чинакам адиб учун ўзи кўрган, шоҳиди бўлган ўтмиш воқеаларини санъат тилига кўчира олишдан мароқлироқ, завқлироқ иш бўлмаса керак».

Раҳмат Файзийнинг отаси қосибчилик қилган, трамвай ҳайдаган, онаси паранжи ташлаб, тикувчилик артелида ишлаган, ўзи эса ўқиш билан бирга токарлик ҳунарини, музыка чалишни ўрганган. Улар Ғафур Ғулум маҳалласида яшаганлари учун Раҳмат Файзий шоирни доим кўриб турар, шеърларини чойхона, мактабларда ўқиб беради. Кейин ўқитувчилик қилди, заводда токарё бўлиб ишлади. Сўнгра Зафар Диёр ёрдамида «Ленин уққони», «Ёш ленинчи» газеталарида фоалият кўрсатди. Ҳарбий хизматга қақирилди, бетоб бўлиб қайтгач, «Фрунзевец» — газетасига ишга кирди. Бу ҳаёт йўли ишчилар турмушини ақиндан билишга, шунингдек болалар руҳиятини ўрганишга кўмак берди. Айниқса, эвакуация қилинган болаларни Тошкент вокзалида қўтиб олинишини кўп марта кузатиб, қаттиқ таъсирланди. Унинг кўз олдида ўша «машаққатли манзара» сира кетмайди.

«Вокзалга катта эшелон кириб келди, — деб эслайди ёзувчи, — Составдаги бирорта вагоннинг ташқи кўриниши тинч даврдаги пассажир вагонларига ўхшамасди. Бирининг ойнаси синган, бири пачақланган, бирининг томидаги тунуқаси кўчиб, қайилиб ётибди. Вагонлар болалар билан лиқ тўла эди. Касаллар, ярадорлар, ярим яланғоч, кийими борларининг эғнидагилари йиртилган... Тетикроқлари вагон деразаларидан қўлларини чиқариб, силкитишарди, парда ўрнида тутиб қўйилган одеяллари олиб ташқарига қараша интилишарди. Тинч давр бўлганда шунча боланинг қий-чуви, бақариб-чақаришлари, кулгилари кўкни қоплаган бўларди, кулоқларни ларзага келтирарди. Бунинг ўрнига ҳозир йғи, инграш, хархаша овозлари эшитиларди».

Эшелон тўхташи билан перронда турганлар вагонларга яқинлашишди. Деразалар тағида туриб болаларга меҳрибонлик қила бошлашди. Шу пайтда перронда Йўлдош ота Охунбобоев пайдо бўлди. Ҳукумат раҳбарлари эшелонга олиб келган ҳарбий врачлар билан алланамалар ҳақида гаплашишди. Шундан кейингина вагонлардаги болалар туширилиб машина, араваларга жойлаштирила бошланди. Перронда Йўлдош ота жажжи бир қизчани қўлига кўтариб, алланамалар деб кулдираётгани ҳамон кўз олдида турибди.

Иккинчи сафар ҳам худди шундай манзарани кўргандим. Булар ҳақида икки оғиз гап билан айтиб бўлмайди. Батафсилроқ айтиш ниятида бўлганим учун қисқа баён қилмоқчиман.

Уша кезлари Ғафур аканинг «Сен етим эмассан» шеъри босилиб чиққан эди. Шеър неча бор радиода ҳам эшиттирилганди. Шеър менга жуда ёқиб қолган, ёд олгандим. Вокзалда кўрганларим, ўпка тўлиб, кўзларим ёшлангани ҳаммаси худди мана шу шеърда эди назаримда».

Кейин у Ғафур Ғулум билан бу шеър ва етим болалар хусусида бир неча бор суҳбатлашади, унинг маслаҳати билан мурғаклар уйига бориб, болалар ҳаётини ўрганади. Айниқса, Раҳмат Файзий Шоаҳмад ака ва Баҳри опа билан суҳбатлашгач, улар ҳақида ёзиш иштиёқи туғилди. Шоаҳмад аканинг «Болалар детдомларда оч-яланғоч қолмайди. Бу тўғри, илло биз, улар ота-она меҳридан

бахра олишармикин, етимликни ҳис этишмасмикин, деймиз-да», деган сўзлари уни тамоман лол қолдирди. Унинг устига «Қизил Узбекистон» газетаси редактори Раҳмат Файзийга Шоаҳмад акалар тўғрисида очерк ёзиб келишликни топширди. Очеркка сиғмаган материал «Воқеа қиссадан саҳифалар» сарлавҳаси остида эълон қилинди. Бу материал чиқиши билан Шоаҳмад акалар оиласи эътиборга тушди, ҳукумат уларга текинга сигир ва бошқа ёрдамлар берди. Раҳмат Файзий «Меҳр» деган қиссиани ёза бошлади, киночилар ажойиб темирчининг фидойилиги билан қизиқиб қолишиб, Раҳмат Файзийдан сценарий ёзиб беришни илтимос қилишди. У ёзилди, кино яратилди, жаҳон экранига чиқди. Бутуниттифоқ кинофестивалида Раҳмат Файзийга «Сен етим эмассан» фильми сценарийи учун фестивал дипломи ва мукофоти берилди (1964). Сценарий Душанбеда бўлиб ўтган Урта Осиё ва Қозоғистон республикалари кинофестивалида ҳам тақдирланган эди.

Шундан тўрт йил ўтгач, «Ҳазрати инсон» романи майдонга келди. Эпик кўлами жиҳатидан роман сценарийдан катта фарқ қилади. Бу ерда бош қаҳрамонлар қалбида меҳр бўлоғининг уйғониш сабаблари, жараёнлари чуқур очилади, уша давр руҳи, муҳит манзараси кенг чизилади, болалар характери, психологияси атрофлича очилади, уруш даври моҳиятини ифодаловчи образлар киритилади, сюжет драматизми кучайтирилади. Киносценарий учун ҳам, роман учун ҳам конкрет тарихий шахслар ҳаёти — Шоаҳмад акалар ва Баҳри опалар, улар боқиб олган турли миллатга мансуб ўн тўрт болалар тақдир асос қилиб олинади. Езувчи Шоаҳмад ака ва Баҳри опа исмларини ўзгартиради, бунда ёзувчи бадий тўқима, фантазиядан керагича фойдаланиб, юртимиздаги ватанпарвар, инсонпарвар одамларимизнинг типик образини гавдалантириб беради.

Кинофильм титрида шундай жумлалар бор:

«Бу киноповесть Улуғ Ватан уруши йилларида фашизм босқинчиларига қарши олиб борилган жангларда ҳалок бўлганларнинг етим қолган болаларидан ўн тўрт норасидан — турли миллат ўғил-қизларини ўз тарбиясига олган тошкентлик Шоаҳмад Шомаҳмудов оиласига бағишланади».

Киноқиссада Шоаҳмад ака исми Маҳкам ака деб, Баҳри опа исми Фотима деб берилади. Романда Маҳкам ака сақланиб қолади. Фотима ўрнига Меҳриниса опа деб берилади. Икки исмга ҳам раэмзийлик сингдирилади.


Халқ орасида баъзан фарзанд кўрмаган одамда болаларга меҳр кам бўлади, деган гапни эшитиб қоласан. Маҳкам ака ва Меҳриниса опа ҳам фарзанд кўрмаганлар. Меҳриниса қўшнилариининг айтишича, «Фарзандсиз сумака тўймас хилидан эди. Зиқна, молпараст, бир тийинни киприги билан қисиб оладиган аёл эди». Езувчи опадаги бу қусурни конкрет лавҳаларга ҳам кўрсатади. Қўшнисининг ўғли Қудрат Меҳринисаларнинг олмасидан олганида «қўлидаги челакини улоқтириб, кесак билан болага отди» ва «олма емай захарни егур қўясанми, йўқми-а», деб ушқиради. Шундай аёл бир эмас ўн тўрт болани бағрига олиб, оналик қилди. Унинг қалбида оналик меҳри инсонга бўлган буюк меҳр бўлоғи уйғониб, қайнаб, ўз қудратини намойиш қилди. Раҳмат Файзий уруш келтирган кулфатни одамларни синовчи — кимлигини намойиш қилувчи бир восита тарзида талқин қилади. Асар қаҳрамонларидан Қодирхўжа «Уруш фронтдаём, мамлакат ичкарисидаям одамларни синовдан ўтказяпти. Бардоқсиям, ор-номусиям, меҳр-оқибатиям, садоқатиям, виждониям, нафсини ҳам синовдан ўтказяпти. Сарагини саракка, пучагини пучакка ажратяпти», дейди.

Езувчи ўз қаҳрамонларини, персонажларини шу мезон, шу тош билан ўлчайди. Асардаги гуманистик нуқта фақат шу ердагина эмас — норасидаларни ота-оналик меҳри билан суюшдагина эмас. Маҳкам ака ва Меҳриниса опа миллат ажратмайди, ҳамма миллат боласига инсон фарзанди сифатида ягона кўз билан қарайди. У етимхонадан бола олгани борганда «Қайси миллат боласи бўлгани маъқул?» деб сўрашганда қаҳр-ғазаби чиқиб кетади: «Ҳамма миллат боласи бир! Ҳаммасини худо яратган! Ҳаммаси одам боласи! Тушундингизми? Одам боласини оқ-қорага ажратманг. Дунёда битта шунақа аблаҳ чиқиб, не кунларни совотти одамлар бошига. Ҳали жазосини тортади. Буларнинг кўз ёши кўр қиладилар...», дейди Маҳкам ака. Унинг бу содда, лекин ғалсафий чуқур мушоҳадаси бу образларга юклатилган катта инсонпарварлик ғоясидан келиб чиққан.

Г. Марков яна роман қаҳрамонлари хусусида сўзлаб, «улар бизни ҳаёт ичига олиб киради, инсоний муносабатларнинг мураккаб оламини тушунтиради, маънавий бойликлардан баҳраманд бўлиш ва уларни қадрлаш имконияти билан қуроллантиради. Бу гаплар янгилик бўлмас-да, уларни яна бир бор тақдорлашга тўғри келади. Социалистик жамият гражданининг маънавий ва эстетик туйғусини тараққиётдан орқада қолган, фикрида нособит инсон намунасини тарбиялаб бўлмайди», дейди. Бу романнинг, бу Маҳкам ака ва Меҳриниса опа образларининг тарбиявий қиммати ҳам шу ерда, ўзбек романчилигидаги ўрни ҳам шу билан белгиланади.

Раҳмат Файзий табиатан дўстлик, меҳр-оқибатни қадрлайдиган одам. Унинг Г. Марков билан дўстлиги ўзбек адабиёти шухратининг ошишига ҳам ёрдам берди. Г. Марков қизи Ольга билан «Ҳазрати Инсон»ни рус тилига таржима қилиб, парвозига йўл очди. Раҳмат Файзий ҳам Г. Марковнинг «Ер мағзи» романини ўзбек тилига ағдарди. Агар Раҳмат Файзийнинг «Дўстлар меҳри» публицистик, адабий-танқидий мақолалари йиғилган китобига назар ташласангиз, унинг Гоголь, Толстой, Чехов, Горький, А. Фадеев, Шолохов, Р. Ҳамзатов, Т. Қаипбергенов, Ф. Фулом, Яшин, Уйғун, С. Азимов, С. Аҳмад, Ҳ. Назир, А. Иброҳимов, Н. Қобул каби ўнлаб ижодкорлар тўғрисида меҳр-муҳаббат билан сўзлаганига гувоҳ бўласиз. Уларнинг кўпини устоз деб, айримларини ҳамдам, дўст ва ҳамфикр қаламкаш деб ҳурмат билан тилга олади. Буларнинг ҳаммасидан нимадир ўргангани, илҳом олади, уларга имтиҳон бераётгандай ҳис этади ўзини. «Меҳр қўйган устозининг руҳи ҳаммавақт мадад бериб туради», дейишарди донолар. «Рост экан», дейди самимият билан. Бир мақола-сида «ҳаёт ҳақиқатини меҳр қўйиб куйлаш» заруриги хусусида сўзлайди, бошқа бир мақоласини «Олтин сўз излаб» деб сарлавҳалайди. У ижод даргоҳига қадам қўйгандан буён шунга интилади, ўз сўзлари билан айтганда, «юзакни, жонсиз, рангсиз, тузсиз» образлар яратишдан қочиб, халқ шайнини улўғловчи ва унга мадад берувчи асарлар яратиш орзуси билан нафас олади.

Салоҳиддин МАМАЖОНОВ,
филология фанлари доктори



ЗУЛМАТДАГИ НУР

Мирмуҳсин. Темур Малик. Роман. Ғафур Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент — 1986

Тарихни ўрганиш, олис ўтмишда кечган ҳодисалар туфайли халқларнинг юксак маданият пиллапояларига кўтарилиши ёки тараққиёт чўққиларидан ногоҳ пастга думалаб, парокандаликка разолат ботқоғига ва таназзулга юз тутиши каби хилма-хил воқеаларни таҳлил қилиш, мағзини чақиш ва улардан бугунги кун учун зарур бўлган ибратли хулосалар чиқариш етук жамиятга хос фазилат ҳисобланади. Айниқса, ҳозирги инқилобий қайта қуриш, жамиятнинг сиёсий асосларини ислоҳ қилиш, покланиш ва ошкоралик даврида тарих сабоқлари амалий ишимизга катта кўмак беради. Шунинг учун ҳам кейинги пайтларда тарихни чуқур ва ҳолис, ҳаққоний ўрганишга даъват этилмоқда, турли халқлар ўз тараққиёт даврида эришган қадриятларни авайлаб сақлаши, эъозлаши зарурлиги ҳақида ошкора айтилмоқда ҳамда бу борада аниқ чора-тадбирлар, амалий иш режалари белгилаб берилмоқда. М. С. Горбачев жаҳон жамоатчилиги вакиллари билан учрашувда сўзлаган нутқида бу масалага алоҳида эътибор берди: «Ҳаёт ва тарих эса бизнинг устозимиз, умумий устозимиздир. Кимнинг қадриятлари кўпроқ қийматга эга эканлигини тарих кўрсатади». Михаил Сергеевич ана шу нутқида — Рус ерида провослав христианликка ўтишнинг минг йиллигини нишонланиши муносабати билан қуйидаги фикрларни алоҳида таъкидлади. «Закавказьедаги ва Урта Осиёдаги халқларимиз илдиэлари эса умуман минг йилликларга бориб тақалади. Наҳотки ана шу халқлар бундай тарихий йўлни босиб ўтиб, машаққатлар билан ўзининг ҳозирги тарихига эришиб, тажриба тўпламаган бўлса, ўзини идрок этиш, ўзининг бугунги кунини тушуниб етиш ва шунга мувофиқ равишда, ўз жамиятини ривожлантириш учун наҳотки, тарихий, илмий маънавий потенциалга эга бўлмасиз?» («Совет Узбекистони», 1988 йил, 5 июнь).

Бу сўзлар ўтмиш мавзуда ёздагилан адибларимиз зиммасига янада катта масъулият юклайди. Зеро, ўтмишдаги ана шу тарихий, илмий, маънавий потенциални рўёбга чиқаришда бадий адабиётнинг роли ниҳоятда катта. Тарихни ҳаққоний ўрганиш, ҳолис баҳолаш ва бадий жиҳатдан тўғри ёритиш каби мезонлар асосида танikli адибимиз Мирмуҳсиннинг «Темур Малик» романини кўздан кечирсак, бир қанча ибратли жиҳатларга дуч келамиз.

Асар тарихимиздаги энг қора кунлардан бири — XIII асрдаги даҳшатли мўғул bosқини, Чингизхон галаларининг ҳужуми давридаги шафқатсиз, кескин қарама-қаршилиқлар, мураккаб-

ликлар тўла фожиали воқеалар таҳлилига бағишланган.

Аввало, бу даврдаги мудҳиш манзаралар бадий адабиёт учун янгилик эмас. Рус совет ёзувчилари В. Яннинг «Чингизхон», И. Калашниковнинг «Ғаддор замон» романларида, ўзбек адиблари Мақсуд Шайхзоданинг «Жалолиддин Манғуберди» драмаси ва Миркарим Осимнинг «Утпор», «Темур Малик» қиссаларида мўғул bosқинчиларининг ёвузликлари, буюк Хоразм давлатининг мағлубияти, давлат арбоблари, саркардалар ўртасидаги зиддиятлар мамлакатни қанчалик емириб ташлагани, ночор аҳволда қолган халқнинг оғир қисмати ўзига хос бадий буюқларда, бетакрор, ранг-баранг образларда чизилгани бизга маълум. Бу ҳолат ёзувчи олдига катта қийинчиликлар ва жиддий масъулият юклагани ҳам табиий. Юқоридаги асарлар ҳамда кўплаб тарихий манбаларни, шарқшуносларнинг йирик тадқиқотларини синчиклаб ўрганган адиб ўзига хос йўлдан бора олган. У бевосита Муҳаммад Хоразмшоҳ, Жалолиддин, Чингизхон образини эмас, бошқа асарларда кам тилга олинган ёки эпизодик тарзда тасвирланган Хўжанд ҳокими, номи афсонага айлиниб кетган Темур Малик тақдирини марказий ўринга чиқаради. Асардаги барча воқеалар, сюжет чизиқлари, турли-туман персонажларнинг талқини бевосита ана шу бош қаҳрамон фаолияти билан боғланади. Шу туфайли ёзувчи аввалги бадий асарлардаги воқеаларни такрорлашдан қутулиб қолган. Давр колоритини ишонарли буюқларда, ҳаётий деталлар, тафсилотлар асосида гавдалантиришда эса адибга Муҳаммад Нисавийнинг «Сирот ас-султон Жалолиддин Менғубурни» тарихий асари (Зиё Бунёдов томонидан рус тилига таржима қилиниб, Боқуда нашр этилган. Қардош озарбайжон олими бу ноёб асарни ўзбек генерали Собир Раҳимов хотирасига бағишлаган — авторлар), академик В. В. Бартольднинг «Мўғуллар bosқини даврида Туркистон» ҳамда Озарбайжон Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси Зиё Бунёдовнинг Хоразмшоҳлар давлати ҳақидаги йирик тадқиқотлари катта кўмак бергани романдаги кўпгина саҳифаларда сезилиб туради.

Мирмуҳсин халқимизнинг фахри-ғурурига айлиниб кетган буюк ватанпарвар, bosқинчиларга қарши мард, толмас курашчи Темур Малик образини тарихан ҳаққоний чизишга интилар экан, бир ёқлама буюқлардан қочади: машҳур саркардани фақат идеаллаштириш йўлидан бормайди. У масалага теран синфий нуқтаи назардан ёндаша олган. Натижанда Мирмуҳсин чизиб берган Темур Малик сиймоси мураккаб шахс сифатида кўз ўнгимизда намоён бўлади. У жангларда чиниққан, тадбиркор, олижаноб, адолатли ҳукмдор, халқ ва Ватан манфаатларини ҳамма нарсадан устун кўядиган мустаҳкам иродали инсон. Айни замонда, у Ватан тақдирини салтанатдан, Хоразмшоҳлар манфаатидан айри холда тасаввур эта олмайди, уларга садоқат билан хизмат қилишни ўз муқаддас бурчи деб ҳисоблайди ва бунга ҳамisha содиқ қолади. Ёзувчи қаҳрамонидаги типик фео-

дал ҳукмдорга хос нуқсонларни ҳам, фазилатларини ҳам маълум меъёردа сақлаб, ишонарли тасвирлашга эришган.

Романни ўқир эканмиз, Темури Маликнинг юксак интизом, мустаҳкам иродаси, Ватан душманларига шафқатсизлигига қойил қоламиз, айни замонда, ундаги инсоний нуқсонлар — хотини Ойчечак, маъшукаси Нигинага муносабатларида кўнгилчанлигига ачинамиз. Ёзувчи қаҳрамон руҳиятидаги ана шундай қарама-қарши кутбларни ёритиб, бу образга ҳаётий жозиба бахш эта олган.

Умуман, роман саҳифалари орқали кўп сонли лашкарга эга бўлса-да, ҳал қилувчи дақиқаларда шиддат ва жасорат кўрсата олмаган Муҳаммад Хоразмшоҳнинг ҳукмронлик даври, салтанатдаги кескин, мураккаб, фожиали вазиятлар, халқ эрки учун қаҳрамонлик кўрсатган Темури Малик ҳаёти ҳақида маълумот оламиз. Бу романининг маърифий қимматини кўрсатади. Асар қаҳрамонларининг руҳий драмаси, қалб туғёнлари, изтироблари, нотинч ўйлари кишини чуқур ўйга толдиради. Она заминимизни мўғуллар истилоси давридаги даҳшатли кунлари, босқинчиларни даф этишга қодир кучлар — Темури Малик, Жалолиддин, Шоҳмурод Кўхистоний, гўзал раққоса Нигина, Аҳсиқат ҳокимининг қизи Қорақўзбека, Муҳаммад Интизом образлари ўзига хос тарзда жонли гавдаланади. Айниқса, Темури Малик қиличи билан ноҳақ равишда ўлдирилган оқ аралаш қора соқолли кекса сарбознинг чанг-тўзон ичида тиржайиб қараб, озини каппа-каппа очаётган калласи саркардани ҳар доим таъкиб этиб юргани, хиёнаткор Ойчечакнинг қирқ газлик баланд девор устидан ерга гурсиллаб қулаб тушиши, олис уфқда гўё рақс тушиб, Темури Маликни ўзига чорлаган гўзал Нигинанинг қиёфаси, чучмома кучоклаган девона Зебонинг кўчаларда тентираб, мурдаларга гул тақдим этиб юриши каби манзаралар китобхон кўз ўнгиде суратдек муҳрланиб қолади.

Асардаги Нигина образи ҳам анча жонли чиққан. Кўпгина саркардалар, давлат арбоблари хиёнат йўлига юз тутган оғир дамларда бу раққоса халқига, Ватанга садоқатда собит туради. Охири нафасини олаётганда ҳам она юртини, севимли қишлоғини, Ворух тоғларини армон билан тилга олади. Мўғул истибдоди остида қолган оталар юрти бир кун эмас, бир кун озод бўлишига, адолат тантанасига ишонади. Ана шу ишонч асардаги барча ижобий қаҳрамонларда, айниқса, кенг халқ оммасида барҳаёт яшайди. Халқ энгилмайди, ҳар қандай истибдод ўткинчи, Ватан учун азиз жонини тиккан фидойи инсонлар ҳеч қачон ўлмайди, унутилмайди! Роман саҳифаларидан келиб чиқадиган кучли ғоявий мазмун ана шу.

Нигина образига тааллуқли яна бир диққатга сазовор фактни айтиб ўтиш керак. Бу тўқима қаҳрамоннинг саргузаштлари ишончли, ҳаётий чиққанлиги учун қардош тожик олимларидан бири Дадахон Эгамов «Нигинайи Ворухи» («Ворухлик Нигина») номли катта мақола ёзиб, «Адабиёт ва санъат» (1986, 6 март) ҳафталик газетасида чоп эттирди. Унда «Темури Малик» романи юксак баҳоланади, тожик қизи Нигина тугилиб ўсган Ворух қишлоғининг тарихий ўтмиши ҳақида, асарда бу қаҳрамон тасвири жонли бўёқларда чизилгани ҳақида батафсил маълумот берилади. Қардош китобхонларнинг бундай самимий дил сўзлари адиб меҳнати, изланишларига муносиб баҳо деб таърифласак, муболаға бўлмас.

Романда яна бир ибратли персонаж бор. Бу — шошлик Абдулқодир мунший — қилқалам. Ўз замонасининг билимдон алломаларидан бирига айланган бу тарихчи олим бутун умрини Хоразмшоҳлар саройида ғафлатда ўтказди. У қариб-қартайган кезларида шафқатсиз шоҳ томонидан

она юрти вайрон этилгани, юртдошлари қатағон қилинганини, бу мудҳиш ҳодиса эса узоқ йиллар ундан яшириб келинганини билиб қолади. Шундан кейин мунший саройда бир лаҳза ҳам қолишни хоҳламайди, ҳукмдорларга хизмат қилиш — умрни беҳуда ўтказиш, елга совириш билан тенг эканини англаб етади. Жони ҳар қадамда хавф таҳлика остида эканини билса-да, бутун оиласи билан она юртига — азиз шаҳрига йўлга чиқади. Юрти тупроғини кўзига суртиб ўлиш қариянинг эзгу армониға айланган.

Ёзувчи бу образ орқали ҳам Ватан муҳаббатининг бекиёслигига алоҳида урғу беради ҳамда зўрлик асосига қурилган салтанатда ҳаммиша адолатсизлик ҳукмрон эканлигини таъкидлайди.

Асарда камчиликлар йўқ эмас, албатта. Воқеалар тасвирида баёнчиликка берилиб кетиш майли адибнинг аввалги романларида ҳам сезилиб турарди. Бу нуқсон Мазкур асарнинг анчагина ўринларида учрайди. Шунингдек, тилда, қаҳрамонлар мулоқотида соддаликдан кўра жўнлик даражасига бориб қолиш ҳолатлари ҳам кўринади. Айрим иккинчи даражали воқеалар, майда-чуйда тафсилотлар, икир-чикирлар ҳам баъзан батафсил сўзланаверади. Ҳолбуки, асарга киритилган ҳар бир парча ёки деталь муҳим ғоявий вазифани бажаришга бўйсундирилиши зарур.

Мирмуҳсин асарга ёзган «Хотима»да «шояд, тупроқ остида, биз тирикларнинг сўзимизга илҳақ ётган ватанпарварлар сиймосини яна ҳам ёрқинроқ тасвирлай олсам, шу тупроқ фарзанди сифатида бурчимни адо этган бўлур эдим», — деган муддаода кўлига қалам олганини эътироф этади. Адиб бу эзгу орзусига ета олган. Утмишда она юрт озодлиги, мустақиллиги йўлида азиз жонларини қурбон қилишдан чўчимаган, босқинчи ёвларга қарши мардона курашган асл халқ фарзандлари хотирасига муносиб обида ярата олган деб бемалол айта оламиз.

**Алижон ЙЎЛДОШЕВ,
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ.**

ОРЗУМАНДЛАР ФОЖИАСИ

Қамчибек Кенжа. Тоғ йўлида бир оқшом. Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент — 1987.

Қамчибек Кенжанинг янги тўпламидан икки қисса ва ҳикоялар жой олган.

Қамчибек биринчи қиссасига «Ўн йилдан сўнг...» деб ном берибди. Бу асар 1982 йилда чиқарилган «Чўққилар чорлайди» тўпламида «Орзумандлар» номи билан эълон қилинган эди. Менга қиссанинг кейинги номидан кўра олдингиси маъқулроққа ўхшаб кўринади. Унда санъаткорнинг ўз қаҳрамонлари хатти-ҳаракатининг ҳаво-йилигига яхшигина ирония — муносабати сезилиб турар эди. Кейинги ном шу фазилатни йўқ қилиб юборибди.

Қамчибек Кенжа «Балиқ ови» ҳикоясидан бошлаб, ҳаёт, одамлар турмушидаги фожиалар ҳақида биринчи шахс қиёфасига кириб фикрлашга мойиллик билдира бошлади. Бу интилиш унинг «Ўн йилдан сўнг...» қиссасида ҳам сезилади.

Қиссанинг бош қаҳрамони учинчи синф ўқув-

чиси Шавкатдир. Автор ҳаётимизнинг моддий ва маънавий муаммоларини мана шу ёш боланинг нигоҳи, қалб кечинмалари, психологик ҳолатларини тасвирлаб бериш орқали ифодаламоқчи бўлади. Шу маънода қиссада қизиқ вазият, саргузаштлар яратилади.

Шавкатнинг адаси Қудрат илмга берилган киши сифатида китобхонда илиқ таассурот қолдиради. У олим бўламан деб катта қийинчиликларга бардош беради. Лекин унинг иши ҳадеганда ўнгидан келавермайди. Диссертацияни энди ёзиб тугатганида бирдан ВАКнинг талаб ва қоидалари ўзгариб қолади. Шунинг учун у бошқа тема олиб янгитдан ишга киришади. Ойига йигирма беш ўттиз сўмдан тўлаб, зах, совуқ квартираларда ҳар хил хонадон эгаларига муте бўлиб яшаб, қийналиб кетади. Унинг ойига оладиган бир юз ўн беш сўми шаҳар шароитида урвоқ ҳам бўлмайди. Ана шундай қийин шароитда улар икки фарзанд кўришади. Бу ҳол уларнинг ҳаётини янада оғирлаштириб юборади.

Оилада иккинчи ўғил — Шавкат туғилиши билан қиссада Қудратнинг ёстиқдоши Ҳабиба характери жонланиб кўринади. Ҳабиба феъл-атвор жиҳатидан Қудратга қараганда кескин фарқланиб туради. Қудрат ҳалол, вазмин, бўш-баёвроқ йигит. Ҳабиба бетга чопар, қаҳри қаттиқ, тили заҳар аёл. Қудрат илм, эзгуликка мойил бўлса, Ҳабиба реал, моддий ҳаёт неъматларига интилади.

Қиссада ҳар иккала қаҳрамоннинг нуқсон ва фазилатлари тахминан баъраҳар қилиб чизилади: Қудрат маънавий ҳаёт — илмга бўлган ихлоси баландлиги туфайли турмуш асосини ташкил этувчи моддий ҳаётнинг қадри ва аҳамиятига етарли баҳо беролмайди. У ўз истеъдодининг кучи, қуввати ҳам танқидий нигоҳ ташлолмайди. Давлат уй берса, диссертацияни ёқлаб олсам, ишимиз юришиб кетади қабилидаги хом хаёл билан яшайди. Иши ўта чўзилиб кетади, бундан бутун оила изтироб чекади. Ҳабиба моддий ҳаёт, яъни маъмур яшашни биринчи ўринга қўйган. Унинг маънавий дунёси яхши ривожланмай қолган. Бу ҳол Қудратга бўлган илк муносабатларидеяёқ сезилади. У Қудратга кўпроқ олий маълумоти бор, ойига икки юз сўм пул олар экан, шаҳар кўриб, кўзи пишган йигит, хўжаликни яхши юрতা олади каби моддий мулоҳазаларга суяниб турмушга чиқади. Шу сабабли дастурхони куруқ оиласига меҳр кўя олмайди. Бундан эса Қудрат ва Шавкатлар қаттиқ маънавий азобда қолади

Моддий ва маънавий, етишмовчилик натижасида эри-хотин ўртасида келиб чиққан бу конфликт улар ўртасида тузатиб бўлмайдиган бир хатони келтириб чиқаради.

Ҳабиба шароитга бардош беролмай, яъни ортиқча қийналишни истамай, уларга давлат то уй бергунга қадар ўз жигарбанди — Шавкатнинг гарбиясидан воз кечади. Улар қақалоқни Андижонда истиқомат қилаётган Ҳабибанинг онаси — Санобар холаникига элтиб топширишади. Шу нуқтадан бошлаб Қудрат ва айниқса Ҳабибадан китобхоннинг кўнгли совидаи.

Шавкат қишлоқда эркин, соғлом, зийрак бола бўлиб ўсади. Адаси, аяси ҳар келганларида уй беришлари билан сени Тошкентга олиб кетамиз, шунда сен, аканг Шухрат ва ҳаммамиз бирга яшаймиз, деганлари учун у уни-ўсган жойига чуқур меҳр қўйгани ва умрбод боғланиб қолгани билмай, балалик тасавури билан шаҳар ҳаётига ҳавасланиб қарайди, ўша кунларнинг тезроқ келишини орзиқиб кутади.

Ниҳоят, орадан ўн йил ўтганда Қудратга бир бинонинг тўққизинчи қаватидан уй тегади. Ваъда бўйича Шавкатни ая, дадалари шаҳарга олиб кетгани келишади. Уша пайтда унинг мурғак қалби-

да кечган қувонч, болаларга хос самимият, шўх ғурур, яна аллақандай исмсиз туйғуларни тасвирлашга тилимиз ожизлик қилади. Шу ўринда Қамчибек Кенжанинг бола психологиясига чуқур кира олувчи, уни ҳаётини, жозибдор қилиб тасвирлай олувчи носир даражасига кўтарилганлигини таъкидлаб ўтишни истар эдим. Унинг мазкур фазилати туфайли китобхон қисса қаҳрамонини ёқтириб қолади, унинг хатти-ҳаракатлари, тутган йўлини қораламайди.

Мана, Шавкат қувончини ичига сиғдиролмай, елиб-югуриб Тойир, Аҳмад каби синфдош дўстлари билан хайрлашаётир. Гўё шамол бўлиб, қанот чиқариб Тошкентга учгиси келади унинг. «Эҳ, тезроқ кун ботсаю...» деб энтикади. Сабаби дадаси, «кун ботганда жўнаймиз», — деган-да.

Шавкатнинг Тошкентга бунчалик ошиқишининг сабаби бор албатта! У бир марта шаҳарда бўлган. У ерда кўрган нарсалари қалбида муҳрланиб қолган.

Шу кундан бошлаб, унинг кутган орзулари амалга ошади, дилини оҳанграбоддай ўзига тортган шаҳар ва ота-онанининг бағрида яшай бошлайди. Лекин зийрак Шавкат янги уйда қилинган илк нонушта пайтидаёқ аясининг совуқ, меҳрсиз характерини пайқайди. Аясининг дастлабки гапидан кейиноқ Шавкатнинг дилида кичик дард, ёзувчининг таъбири билан айтганда «зифирдаккина тугун» пайдо бўлади. Қиссада бундан кейин ана шу митти тугун, яъни конфликт ўз ечими томон аста кучайиб боради.

Қудратга уй теккани, Ҳабиба қаергадир маоши эллик сўмлик ишга киргани билан уларнинг маънавий турмушида ҳеч қандай ўзгариш рўй бермайди. Нимага?..

Бунинг сабаби шундаки, уларнинг оладиган маоши жуда паст. Оила бошига бўлганда қирқ сўмдан ҳам тўғри келмайди. Маънавий ҳаёт ҳаммиша моддий ҳаёт устига қурилиши ва унинг ҳолатига боғлиқ бўлишини турмушдан, қолаверса «Сиёсий иқтисод» кўлланмаларидан биламиз. Шу маънода моддий тараққиётсиз инсон маънавий ҳаёти ҳеч қачон ривожланмайди, У моддий жиҳатдан қамолга етмасдан туриб, маънавий етуқликка эриша олмайди. Одамлар ҳаётнинг мана шу моддий ва маънавий фазолари орасида тинимсиз ҳаракат қилади, машаққат чекади. Баъзилар моддий ҳаётдан маънавий ҳаётга интилса, бошқалари маънавий ҳаётдан моддий ҳаётни афзал кўрадилар. Бутун инсоният ҳаёти мазкур доирада гуллаб, шу доирада сўнади. Қисса қаҳрамонлари мана шу икки тоифанинг кишилари. Тўғри, бунинг Қудрат унчалик ташунмайди. Лекин Ҳабиба ва Қудрат ўртасидаги кўнгилсизлик ва хафагарчиликларни завф оилавий бюджет келтириб чиқараётганини сезгир китобхон пайқаб олади.

Хуллас, Қамчибек ҳозирги илмга ишқивоз ёшлар ҳаётидаги моддий ноҷорлик билан маънавий кемтиклик фожиасини очиб беради.

Лекин ёзувчи асарнинг баъзи нуқталарини бадий қиёмега етказолмаганини ҳам айтиш керак. Назаримда асарда Ҳабибанинг хатти-ҳаракатларини пухта далилловчи қўшимча маълумотлар берилиши керакка ўхшайди. Ҳаёт ҳақида юргизган фикрларига қараб уни олий маълумотли аёл деб ўйлаймиз. Лекин қиссадан англашилишича, у юқори маълумотли эмас. Шу маънода қаҳрамон тили асарда индивидуаллаштириб берилмагани сезилади. Шунингдек, Қудрат образи тасвирида ҳам асосланиши зарур ўринлар бор. Масалан, Қудратнинг илмда раҳбарни ким? Уша кишининг шогирдига муносабати қандай? Қудрат нуқул ўз ҳалоллигини пеш қилади. Агарда у пишиқ, ҳалол ишлаган бўлса ВАКнинг талаблари минг

ўзгаргани билан, диссертациясининг қиймати пайсаёмаслиги керак эди-ку!

Лекин бу камчиликларга қарамай, «Ун йилдан сўнг...» қиссаси ёш ёзувчи ижодида бурилиш ясаган асар сифатида яхши таассурот қолдиради.

Тўпلامдан жой олган «Тоғ йўлида бир оқшом» асари ҳам диққатни тортади. Лекин бу қисса аввалгисидан анча кучсиз кўринади. Ундаги воқеалар тоғда тасодифан адашиб қолган Аҳмад саргузаштларини ҳикоя қилишга асосланган.

Ёзувчи бу ёш ўспириннинг бошига тушган воқеалар тасвири орқали ҳаётимиздаги ичкилик, бепарволик каби ёмон иллатларни қоралайди ва замондошларимизни одамийлик фазилатларини қадрлашга, эзгуликка, табиатни севишга чақиради.

Мазкур қиссада ўзига яраша камчиликлар ҳам бор. Аҳмаднинг амакиваччаси — бригадир тасвирида одамни ишонтирмайдиган ўринлар учрайди. Аҳмаднинг йўқлигини эшитиб, куюнчаклик кўрсатган бу киши манзилга — Жуматовга етиб олгач, болани батамом эсидан чиқариб юборади. Шу сабабданми, бу образ китобхоннинг эсида қолмайди. Ёзувчи хаёллараст Ерқин, ошпаз Боқилар билан бир қаторда Ҳалим, Мели ва бошқа персонажларнинг номларини тилга олади. Мели, Ҳалимлар ким ўзи, уларнинг характери, ички дунёси қандай? Нега улар ичкиликка мойил, одамлар тақдирига бефарқ қарайди? Булар қиссада ёритилмай қолаверади.

Ерқин образи тасвирида ҳар бир нотабийлик кўзга ташланади. У ёр-ёр, қушиқ-кулги, шовқин-сурон авжга чиққан машинада кетаётиб, жилғаларнинг чулдирашини, қалдирғочларнинг хонишини бемалол эшитиб бораверади. Бу тасвир эса кишини ишонтирмайди, албатта.

Лекин бу қиссанинг камчилигидан кўра, фазилати кучлидир.

Тўпلامдаги «Балиқ ови» ҳикояси Қамчибек ёзган асарлар орасида фожиавий ўткирлиги билан ажралиб туради. У шаклининг содда, ихчамлиги, ғоясининг аниқ-равшанлиги билан ўқувчини мафтун қилади.

Ҳикоя воқеаси колхоз мудир хонадонида бўлиб ўтади. Мудирнинг биринчи ва еттинчи синфларда ўқийдиган Комил, Комрон исмли ўғиллари бор. Улар ота сўзини икки қилмайдиган, балиқ тутишга уста, чаққон йигитчалар. Ота таъмагир хўжайин қўл остида лаганбардорлик қилиб кун кечиради. Директор машафта ўч, тез-тез балиқхўрлик қилиб туришга ишқивоз одам. Шунинг учун «балиқхўр» мудир хонадонига кўп меҳмонга келади. Лекин унинг эрта баҳорда, қишнинг ҳали заҳри кетмаган бир пайтда кўзгаган иштаҳаси, бу хонадонга ниҳоятда қимматга тушади.

Умид билан келган меҳмонларни балиқ билан кутолмасам хўжайиним олдида нима деган одам бўламан, деб мудир болаларига зуғум қилади. Онасининг зорланшишга қарамай, Комил чорночор аҳволда укасини эргаштириб, дарё бўйига боради. Кун ҳали совуқ, балиқлар ўрдасидан чиқмагани учун тўрға ҳеч нарса илинмайди. Комил балиқсиз уйга қайтишни, отаси ва унинг хўжайини олдида мулзам бўлишни истамайди. Шунинг учун у балиқ «ини» — ўрдасини мўлжаллаб, бир неча марта муздай совуқ сувга шунғийди. Меҳмонларга етарли балиқ тутгунча баҳор аёзи, зах, совуқ суяк-суягидан ўтиб кетади. Уйга келади-ю, иситмаси чиқиб, кўрпа-тўшак қилиб ётиб олади. Ёш, чиниқмаган организм қаттиқ шамоллаш азобини кўтаролмайди. У икки кун қийналиб, алаҳсираб, жон беради.

Асар сюжети — Комрон тилидан таъсирли ҳикоя қилинади. Комрон нигоҳи, ўй-кечинмалари орқали ёзувчи шу хонадан бошига тушган кул-

фат — таъмагирлик ва хушомадгўйликнинг муд-ҳиш фожиасини маҳорат билан гавдалантириб берган.

Юқоридаги асарлардан кўриниб турибдики, Қамчибек Кенжа насрга ўтиб қалам тебратгандан бери, машаққатли ўсиш жараёнини бошидан кечирмоқда. У ўртача асарлар ёзишдан китобхонлар қалбини тўлқинлантира оладиган «Яшил барг», «Соҳилда», «Балиқ ови» каби бадиий етук ҳикоялар ва салмоқли «Ун йилдан сўнг...» дек қисса яратишгача кўтарилди.

Ёш ёзувчининг бундан кейинги тақдири, ижодий ўсиши ўзига боғлиқ. У ўртамеъна асарлар ёзишдан қочиб, ўз устида тўхтовсиз ишласа, маҳоратини тинимсиз ошириб борса, ундан чинакам яхши асарлар кутиш мумкин.

Тўлабой РЎЗИБОЕВ

«СЎЗНИНГ ЎРНИ — СИР»

Алибек Рустамов. Сўз хусусида сўз.
«Ёш гвардия» нашриёти. Тошкент—1987.

«Тилга эътибор — элга эътибор», дейди халқимиз. Бу бежиз эмас. Кишининг умумий маданияти, унинг маънавий оламига оид кўрсаткич ҳам сўз.

Биз кишиларга баҳо берганимизда дастлаб уларнинг нима деяётгани, сўнг буни қандай айтаётганига алоҳида диққат қиламиз. Аммо нимани, қандай ва қачон айтиш ҳаммага маълумми?

XI асрнинг йирки мутафаккири Юсуф Хос Ҳожиб «Сўзнинг ўрни — сир» дейди. Бошқа бир ўринда эса ҳар бир сўзнинг ўнта ўрни бор, аммо уларнинг тўққизтаси тийиладиган, биттасигина айтиладиган бўлади,— дея ўқтиради. Ёки бино Алишер Навоий «Олдига қўйгани емак — ҳайвоннинг иши, оғзига келгани демак — нодоннинг иши» деб таъкидлайди. Шундай экан, тийиладиган ва айтиладиган сўзни ажрата олиш, нодонлар қаторига қўшилиб қолишдан сақланиш учун нима қилиш керак? Бунинг қандай чора ва усуллари мавжуд?

Ушбу саволларга «Сўз ҳақида сўз» китобчаси қисман жавоб бера олади. Унинг муаллифи таниқли олим, филология фанлари доктори, профессор Алибек Рустамов.

Китобчада ҳозирги ўзбек тилига хос хусусиятлар бир томондан Европа, иккинчи томондан Шарқ филологиясининг энг сўнги ютуқлари асосида таҳлил қилинади. Энг муҳими, сўз ва тил ҳодисаларининг асар қисми қадимий шакллар билан муқоясада келтирилади.

Бизга тил илмига оид жуда кўплаб китоблар маълум. Аммо тилшуносликнинг долзарб масалалари оммабоп тарзда ёритилган асарни қўлга олиш ҳар доим ҳам насиб этавермайди. Ушбу китоб эса худди шу имкониятни беради.

«Сўз ҳақида сўз» тилнинг умумий ва хусусий вазифалари тўғрисида ҳам, айрим сўз ва ибораларнинг амалиётдаги қўлланиш шакллари ва уларнинг маъно товланишлари ҳақида ҳам, баъзи сўзларнинг келиб чиқиш тарихи ва янги сўзларнинг пайдо бўлиши борасида ҳам қизиқарли маълумотларга бой. Алоҳида таъкидлаш жоизки, бу масалаларнинг ҳаммаси ҳам янгича талқин билан музайян қилинган.

Муаллифнинг таҳсинга сазовор хизматларидан бири, тилшуносларимиз эътиборига кам тушаётган муомала одобига алоҳида ургу беришидир. Аслида китоб бошидан охиригача шу масалага бағишланган. Унинг «Одоб нома» серияси остида босилиши ҳам шундан далолат. Зеро, тил шарофати кўрсатилганда, нутқ маҳорати изоҳланганида, сўз далолати келтирилганида, иборалар ҳикояти сўзланганида ҳам, ёхуд маънолар тафовути ёки исмлар хосияти ўқтирилганида ҳам муомала одоби, муомала маданияти муаллиф эътиборидан четда қолмайди.

Китоб тилшуносликнинг бир қатор назарий масалаларини ҳам қамраб олган. Булар орасида тилнинг ижтимоий ҳодиса эканлиги, мамлакатимиздаги тилшунослик сиёсати, тил ва миллий маданият, иккитиллилик ва унинг жамият тараққиётидаги ўрни ва бошқалар бор. Ана шундай мураккаб ҳодисаларнинг содда ва лўнда, айна пайтда ихчам ифодаси ҳар бир саҳифада ўз аксини топган.

Янгиликни тез илғаб олиш олимнинггина эмас, ҳар бир кишининг асосий хусусияти бўлмоғи лозим. А. Рустамов рисоласини ўқиган китобхон шу хулосага келади. Жумладан, унда ҳозирги тилимизга кириб келган ўнлаб янги сўзлар қайд этилган. Қайд этилган дейиш, инсоф юзасидан айтганда, олим меҳнатини камситиш бўлув эди, зеро, унда оддий қайдлар мутлақо учрамайди, аксинча таҳлилга тортилган барча сўз этимологияси, маъно чегаралари, амалиётда қўлланиш хусусиятлари, айрим ўринларда эса уларнинг нотўғри ишлатиш ҳолатларигача кўрсатиб берилган. «Эскичасига айтсак, маъно ва суратини, янгичасига эса мазмун ва шаклини» ўз ҳолича тавсифлаган.

Муаллиф китобида адабиётимизни, хусусан, классик меросимизни ўзига хос тарзда тарғиб этади. Унинг саҳифаларида Юсуф Хос Ҳожиб келтирган осмон жисмларининг туркий атамаларини, форс-тожик классикларининг ахлоқий таълимотларидан парчаларни, Навоий шеърятига хос бўлган фалсафий оҳанглар талқинини кўриш мумкин.

Китобда тўғри ёзиш ва тўғри сўзлашга доир бир қатор жиддий масалалар борасида ҳам мулоҳаза юритилган. Шу ўринда бир кучирма келтирмоқчимиз: «Тил ва уни ёзувда акс эттириш мураккаб ҳодисалардан бўлгани учун унга субъектив аралашув қўтилмаган салбий натижаларни келтириб чиқаради. Буни яхши тушунган рус олимлари мана шунинг учун традицияни бузмайдилар ва ўқувчини қийинчиликини енгилга ўргатадилар. Бошқача қилиб айтганда, саводни саводсиз ўқувчи даражасига тушурмайдилар, балки ўқувчини саводхон даражасига кўтарадилар» (16-бет).

Муаллиф китобни ёшларга мўлжаллаган. Аммо ундан турли-туман касб эгалари, турли ёшдаги кишилар ҳам баҳра топа олади. Жумладан, «Нутқ маҳорати» бўлимида сўздан англашиладиган гўзалликни туйдирмоқ, уни англамоқ учун дастлаб гўзалликнинг ўзи ҳақидаги тасаввурларга изоҳ берилган. Гўзалликнинг мавжудлиги (ёхуд яратилиши) ва ундан завқланиш орасидаги диалектик боғланиш, бунда шахсий эстетик дид тарбиясининг ўрни каби масалалар китобхонни ижодий тафаккур сари ундайди. Мисолларнинг аниқ ва ёрқинлиги, мутлақо ўринли танлангани муаллиф фикрини енгил тушуниш имконини яратган.

Тилдаги айрим кичик элементларнинг нутқ жараёнида ниҳоятда катта ижтимоий-эстетик аҳамият касб этиши муаллиф томонидан китобнинг турли саҳифаларида ўзига хос тарзда кўрсатиб берилди.

Бугина эмас, тил орқали ифодаланадиган айрим тушунчаларнинг лўғавий ҳамда истилоҳий маъно-

ларини очиб айрим маънавий-эстетик қадриятлар моҳиятини тасаввур этишимизга ҳам ижобий таъсир кўрсатади. «Иззати нафс», «нафсалам-бир», «маҳлуқ», «гавҳар», «жавҳар» каби ўнлаб сўзлар изоҳи шу вазифани адо этади. Алоҳида таъкидлаш лозимки, комил инсонларда бўлиши лозим ҳисобланган қатор ахлоқий-маънавий хислатларнинг бундай тарғиби ҳеч шубҳасиз ўз мақсадига эришади.

Китоб ўқувчиларнинг бадиий идрок этиш қобилиятларини ўстиришга қаратилгани билан ҳам муҳим. Унда ўхшатиш, сифатлаш, истиора, муболаға, ҳусни таълил, шунингдек, товуш ва сўз санъатига оид шунчалик кўп факт ва умумлашмалар берилганки, нозиктаб китобхон ундан тегишли хулосалар чиқара олади.

Ҳозирги ёшларимиз классик адабиёт дурдоналарини том маъноси билан идрок этишдан бир қадар узоқлашиб қолишди. Бунинг сабабларни кўп. Ҳозирги матбуотимизда бу сабабларни атрофлича ўрганишга, уларнинг пайдо бўлиш имкониятларини, бу камчиликларни тугатиш ёхуд камайтиришга бўлган уринишлар сезилмоқда. Уша сабаблардан бири, кўп асрлик классик меросимизни атрофлича талқин қилиб берадиган оммабоп нашрларнинг тақчиллиги билан алоқадор. А. Рустамовнинг мазкур китоби шу йўналишга хизмат қилиши эътиборга молик.

Олим классик меросимиз дурдоналарини юзак тушуниш оқибатида уларнинг ҳақиқий маънолари яшириниб қолишидан огоҳлантиради. Натижада шеър-нафосатидан бебаҳра қолиш мумкинлигини жуда ёрқин мисолларда кўрсатиб беради. «Май», «жом», «гул», «соқий», «маърифат», «шароб», «майхона», «паймона» каби сўзлар оддий лўғавий маъносида эмас, балки рамз ўрнида қўлланиб, улардан англашиладиган маънолар талқинини кўрсатиш орқали ўқувчига шу фикр сингдирилади. Булар, биринчидан ўқувчиларни классик меросимизни ўқиб, ундан чиқарадиган янглиш хулосаларнинг олдини олса, иккинчидан, ўша асарлардаги ички маъноларни англаш оқибатида, уларнинг классик меросимизга бўлган қизиқишларини оширади. «Бинобарин, асарни тўғри тушуниш учун унинг маъносига етиб бориш керак». Биз сўзларнинг ҳақиқий маъноларини тўла билишимиз учун уларнинг тарихидан хабардор бўлишимиз шарт. **Одамий, шоир, чинор, перо, масса, компьютер, спиритизм, абстракция, реализация, миссия, абберация, мораторий** каби сўзлар изоҳининг кенглиги ва пухта баёни, шубҳасиз, кўпчиликка манзур бўлади. Булар қаторига **афласофилин, даври қадам, ўн саккиз минг олам, истараси иссиқ, меҳригёси бор, тўрт фазилат...** ибораларига доир изоҳ ва тушунтиришларни ҳам киритиш мумкин.

Хилма-хил мавзуларнинг камалаксимон жило ва комилликда жамлангани китобни ниҳоятда ўқишли қилган. Бу китоб ёшларимизга ҳам, тил илми ва муомала одобига қизиққан ўртоқларга ҳам, лектор ва пропагандистларга ҳам асқотади.

Аммо шунчалар мақбул бу китобни мутлақо нуқсонсиз кўриш истаги ҳам йўқ эмас.

Баъзи ўринларда китобнинг мўлжалланган йўналиши сал ҳаёлдан кўтарилган кўринади. Чунки ундаги тажриб, муфорақа, муодил сингари сўзлар кенг омма учун эмас, кўпчилик филологларга ҳам осонликча «ҳазм» бўлмайди.

Тил одоби, муомала маданиятига оид бир ўрин ниҳоятда ҳайратланарли: «Гўдақликдан рус тилини ўрганиб ўсаётган болалар отасини «папам» онасини «мамам» деб зикр қиладилар. Бу ҳам тил одобига зид бўлмаган (таъкид бизники — Т. Б.) ижобий ҳодисалардан ҳисобланади. (75—76 бетлар.)

Тилшуносликда «асрий хатолар» деган бир тунча мавжуд. Соддароқ қилиб айтганда, бу — тилда кўлланишига кўра асл мантиғи бузилган, бироқ амалиётда ўрнашиб қолганига кўра эътироз туғдирмайдиган сўзлардир. Бир мисол келтираемиз. Аслида исмлар таркибда учрайдиган «бек» амал-мартоба маъноси билдирувчи шу сўз билан алоқадор эмас. Шундай бўлганида кишининг исми Мирзобек, Саидбек, Ҳозбек, Қулбек бўлолмасди. У «маҳкам», «муштаҳкам» ҳамда «ёпиқ», «берк» (шулардан ўсиб чиққан «чидам-ли», «пишиқ») маъносидаги «бек» сўзи билан алоқадор. «Ўзбек»даги «бек» ҳам шундай. Унинг «ўз» қисми «жон»ни англатилишини эсласак, фикримиз яна ойдинлашади. Ҳозирги пайтда қўйилган номларда эса дастлабки маъно тамомила нуқтилган, унинг амал-мартоба маъносигина назарга олинади, холос.

Албатта, бу кичик қайдлар китобнинг умумий савиясига ҳам, унинг аҳамиятига ҳам соя солмайди. Сўзимизни тугатишдан олдин китоб хотамасидан битта кўчирма келтирмоқчимиз:

«Шу билан, азиз китобхон, нутқингизга ҳусну ривож тилаб, хайрлашамиз. Нома тамом. Вассалом!»

Фикримизча, ҳали хайрлашишга эрта кўринади. Қолаверса, бу китоб олимнинг шу йўналишдаги биринчи китоби бўлиб, унинг давом эттирилишини жуда-жуда истардик. Фикримизни қирқ минг нусхали бу нашрни аллақачон сотиб олиб улгурган китобхонларимиз ҳам тасдиқлаб турибди.

Боқижон ТҲУЛИЕВ,
филология фанлари кандидати

БОЛАЛИКНИНГ ТИЙРАК НИГОҲИ

Ҳар доим бўлсин қуёш.
«Юлдузча» нашриёти, Тошкент — 1988

Мана, қўлимизда ҳали босмаҳона бўёқлари хиди анқиб турган янги китоб — ўзбек болалар адабиётининг навбатдаги маҳсули. Фақат унинг бошқа китоблардан бир оз фарқи бор: бу тўплам болаларнинг ўзлари ёзган шеър ва ҳикоялар, эртагу дostonлар, қисса ҳамда болалар чизган расмлардан ташкил топган. Маълумки, «Юлдузча» нашриёти «Ленин учкуну» газетаси билан ҳамкорликда 1986 йили Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишлаб «Ҳар доим бўлсин қуёш» мавзуда адабий конкурс эълон қилган эди. Тўплам ана шу конкурсга келган энг сара асарларнинг йиғиндиси.

«Ҳар доим бўлсин қуёш» тўпламига жамлаган асарлар беш бўлимга ажратилган. Болалар Она Ватан, набототу ҳайвонотдан тортиб ўзларининг мактаб ва уйдаги кундалик юмушларига ҳақ фикр юритганларида ҳам ижодларидан у ёки бу даражада бадиият учкунлари акс этиб туради, уларнинг келажагига умид қилишга қафолат беради.

Биз, албатта бу ёш ижодкорларни идеаллаштириш ниятидан йироқмиз. Бироқ кейинги давр болалар адабиётидаги ютуқларни инкор этмаган ҳолда, болаларнинг ўзлари ёзган ана шу шеър ҳикояларни, эртагу дostonларни профессионал болалар ёзувчилари саналмиш ҳурматли ижод-

корларимиз бир варақлаб чиқсалар фойдадан холи бўлмасди. Эҳтимол ана шунда «болаларнинг ўзлари шундай асарлар битаётган бир пайтда биз ҳам улар даражасида, ҳаттоки улардан бир поғона паст асарлар «яратиш»имиз қандоқ бўларкин?» деган даҳриёна фикр пайдо бўлармиди?!

**Ватан — менинг кичик юрагим,
Қалб тўридан чуқур жой олган.
Шу боисдан қўлимда қалам,
Меҳрим шунга боғланиб қолган. (10-бет.)**

дейди «Она юртим» шеърда вобкентлик Нодира Баратова. Бу сатрлардаги самимият ва ҳарорат тўпламдаги даярли барча катта-кичик асарларда барқ уриб, уфзуриб туради. Ана шу самимият ва ҳарорат келажакка порлоқ ишонч ва масъулият ҳисси билан йўғрилиб кетганлиги эса нур устига нурдир. Зеро, ғиждувонлик Зебунисо Сатторова

**Биз Ватаннинг
Эркасимиз.
Шу диёрнинг
Эртасимиз. (14)**

дер экан, бунини шунчаки гап эмас, балки эртанинг муносиб фарзанди бўлишга интилаётган ёш қалб изҳори деб қабул қилиш керак.

Болаларнинг покиза ва беғубор қалби, тийрак нигоҳи бепоён оламни ўзгача рангларда кўради, унга ҳайрат билан боқади ва ўзича кашф қилади. Зеро, шеър аслида ҳам ҳайратдан пайдо бўлса не тонг?! Бундан ташқари, «бировга кашфиёт деб тақдим қилмоқчи бўлган нарсангни аввало ўзинг учун кашф қилишинг керак. Акс ҳолда шаклбозлигу қофиябозликдан фойда йўқ». Бу гапни болаларнинг севиқли шоири Самуил Мершак айтган эди. Тўпламдаги кўпчилик асарлар ана шу ҳайрат ва кашфиёт руҳи билан диққатни тартади.

**Сталинградда, жангу-жадалда,
Оёғини бериб қайтганлар — Ватан
Освенцимдан ва Бухенвальддан
Тутун бўлиб қайтганлар — Ватан. (10)**

мисраларига дуч келаемиз Н. Баратованинг «Она юртим» шеърда. Бу назаримизда, мағзи тўқ ифода, заррада оламни кўра олиш далолатидир. Бу сатрларда «Ватан» тушунчасининг нақадар кенг ва нақадар аниқлиги яққол акс этган. Бундан ташқари эса озодлигимиз, тинчлигимиз йўлида жон фидо қилганларнинг муборак номи фарзандлар ва келажак авлоднинг дил тўрига бир умр жо бўлганлиги таъкиди ҳам ушбу шеърнинг маънавий-эстетик қиммати белгилочи омилирдандир.

Тошкентдаги кўзи ожизлар мактаб-интернати тарбияланувчиси Уринбой Эрматовнинг «Замин садоси» шеърини ўқигач эса, чуқур сукутга бо-тишингиз аниқ:

**Мавжудотлар ичра ягона
Қулоқ бер, эй қўдратли инсон!
Сенга, барча жонзотга она —
Замин ахир чекмоқда фиғон.
Кунинг битса олар бағрига,
Неки сўрсанг, айлар жо-бажо.
Учрамайин замин қаҳрига,
Тингла, инсон, ер берар садо.
Йўқ, у қаҳр, ғазабдан эмас,
Бу кун замин йиғлар аслида...
Уқсиб йиғлар, силкиниб кетар,
Вулқон бўлиб оқар кўз ёши.**

**Тингла, инсон, разолат етар,
Тугаб борар замин бардоши. (34-35)**

Бу шеър фақат тинчликка ундовчи шеъргина эмас. Унда Она Замин том маънода жонлантирилади. Фақат бугунини ўйловчи, инсоф-адолатни унутиб қўйган, кибру ҳавога берилган ношукр фарзандлари қилмишларидан бўзлаб, оҳ-фигон чекаётган; гоҳ қаҳрига олмоқчи бўлиб тутуни кўкка ўрлаётган, лекин яна оналик меҳри устун келиб аламидан ўқсиб, силкиниб йиғлаётган, кўз ёшлари вулқон бўлиб оқаётган Онаизор кўз ўнгингизда намоён бўлади.

Шеър Она Заминни топтаётган, талон-торож қилаётган, захарлаётган ва унинг ОНАМИЗ эканини унутиб қўйган барча кимсаларга оташин мурожаат ҳамдир. Ижодкор ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларнинг шунчаки томошабини эмас, балки уларга актив муносабат билдирувчи шахс бўлиши кераклиги аниқ. Бу шеър болалар адабиётимизни шуқроналарга, мадҳияларга тўлдириб юборишларига қарши давват ҳамдир. Чунки биз шарқираб оқаётган «оби равон»лар ҳақида жўшиб куйлаймиз, аслида ўша сувлар қани? Орол куйиб ёниб, қуриб битаяпти, биз васф этаётган «оби равон»лар эса шу даражада кимёвий моддаларга тўлиб-тошганки, уни ичиш у ёқда турсин, чўмилиш ҳам хавфли бўлиб қолган.

Боготлик 4-синф ўқувчиси Отажон Полвоновнинг «Оқар сувлар» шеъри ҳам гўё юқоридаги фикрларга ҳамоҳанг:

**Сақлаш керак
Сувни нондек.
Томирларда
Оққан қондек. (51)**

дейди ёш қаламкаш. Сувнинг нондек азизлиги, қондек қадри баландлиги, бу уч тушунчани тенглаштириш нақадар содда бўлса, шунчалар пурмаъно ҳамдир. Чунки биз кўпда «Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ» ҳикматини жўнгина тушуниб қўя қоламиз.

Болалик оламни ҳар дақиқада қайта кашф этишдир, дедик. Қаламлари эндигина тетапоя қилаётган укаларимизнинг тийрак нигоҳлари она табиатнинг ҳар бир заррасини томчида олам акс этишидай ўзларича қайта яратишлари ҳам аслида уларнинг ўзларидай беғубор, пок, том маънода қалб қўридан яралган десак ҳам хато бўлмайди.

**Ташриф этди илҳом дил уммонимга,
Оҳиста бўронлар тирилди қалбда.
Кўзим кўрфазидан тошди дарёлар.
Кўринди эзгулик қомати алпда. (14)**

дейди олтинсойлик Гуландом Тоғаева «Чашма» шеърида. Толиб ишлатилган биргина сўз, ибора, ташбеҳ шеърни ёлқинлантириб, нурлантириб юбориши, уни китобхон қалбига бир умр жо қилиши маълум ҳақиқат. «Кўзим кўрфазидан тошди дарёлар» мисраси шу маънода дарҳақиқат, «қалбда тирилган бўронлар» маҳсули, «чашма»дан оқиб чиққан нурбахш сатрдир. Кўз ёшининг дарёга ўхшатилиши аъъанавий бўлса-да, у кўзнинг кўрфазга қиёсланишига қўшилиб, ҳақиқий топилмага айланган.

Ҳозир қофия, вазн ва бошқа шеърый унсурлар жойидалиги билан ҳеч кимни, ҳатто болаларни ҳам ҳайратга солиб бўлмайди. Фақат мағзи тўқ фикр ва юқоридагилар сингари шеърни нурлантириб, сайқал бериб турган топилмаларгина шоир ўз кўзи билан кўрган оламни ўз сўзи билан тасвирлаши маҳсули сифатида қабул қилинади ва баҳоланади.

Болалик табиатан шўхлик, қувноқлик ва тиниб тинчимаслик давридир. Нозик юмор ва ҳазил-ҳузил асосига қурилган ана шу қувноқлик тўпламдаги кўплаб шеър у ҳикояларда барқ уриб турибди. Иштихонлик 5-синф ўқувчиси Ориф Тўхташевнинг «Қизиқ ўйин» шеъри шу жиҳатдан эътиборга сазовор:

**Нодир, Ботир ва Башар
Қизиқ ўйин ўйнашар.
Учаласи уч ерга
Яшириниб олади.
Уларни топадиган
Айтинг-чи, ким қолади! (87)**

Бир қарашда кичкинагина шеър. Лекин ана шу мўъжаз шеърда учта кичкинагина боланинг феъл-атворидаги кичкинагина қирра — соддалик ишонарли акс этган ва шеър шуниси билан ҳам китобхонга қизиқарлидир. Муқаддас Назарованинг «Камолнинг жавоби» шеъри, Жаҳонгир Наҳановнинг «Парташунос» ва «Тўш» ҳикоялари ҳам худди шундай нозик юмор асосида майдонга келган.

Баҳром Асқаровнинг «Тошбақа» шеърида эса юмор янада янги қирралари билан намоён бўлган:

**«Спорт дўстинг бўлса гар,
Умринг узоқ дейишар.
Ялқов ҳам дангасага
Касал тузоқ дейишар».
Қўшилди тошбақа ҳам
Чигиртка айтган сўзга:
— Тош кўтариб, машқ қилиб,
Кирдим мана уч юзга! (48)**

Шеърдаги кулгу ўйғотадиган ҳолат шундаки, «спорт — узоқ умр гарови» деб насиҳат қилаётган серҳаракат, тиниб-тинчимас чигиртканинг умри аслида бениҳоя қисқа; унинг гапини тасдиқлаётган оғиркарвон «тош кўтарувчи» тошбақа эса ростдан ҳам узоқ яшайди. Ана шу тасдиқ асосига қурилган қаршилантириш эса табиий равишда кулги уйғотади.

Китоблик Асадулла Жўраевнинг «Турналар» достони тўпламдаги энг бакуват асарлардан. Достон ўта жиддийлиги билан китобхонни ҳам ўйлантириб қўяди. Лирик қаҳрамоннинг болалигини эслаши билан бошланган асар «хаёлларнинг тубсиз қаъридан» яралгандай. Муаллиф:

**Мана бугун орзуларимда
Дунёларни тутиб турибман (59)**

дер экан, бу гапнинг самимийлигига ишонгингиз келади. Чунки у сиз билан дилдан сўзлашади, хаёлларининг бепоён оламига сизни ҳам ошно қилади.

**Турнажонлар, турналарим,
Учмай туринг, тўшга йўймай,
Армон бўлмай орзуларим
Дийдорингиз кўриб, тўяй... (60)**

дер экан, сиз ҳам беихтиёр арғимчоқ солиб учётган турналарга ҳамдаму ҳамдард бўлиб, парвоз қилаётган хаёлларингиз уммонига бир лаҳза ғарқ бўлиб қоласиз. Достон хотимасидаги:

**Йўқ, омонат бўлиб қолмаган
Бугунгидай ҳеч қачон
Тинчлик!
Майли, қанот боғласин сўзлар
Буни ҳамма билиши учун,**

То зор бўлиб қолмасин кўзлар Турналарнинг қайтиши учун. (64)

сатрларини ўқир экансиз, турналар рамз — тинчлик тимсоли сифатида талқин қилинган асар гарчи кўнглингизга тинчлик омонат бўлиб қолганлиги ғавғосини солса-да, у аслида тинчликни сақлаб қолиш учун курашга чорловчи ҳаётбахш дoston эканлигига яна бир қарра амин бўласиз.

Тўпламга кўрк бағишлаб турган яна бир асар андижонлик Барно Турсунованинг «Қутилмаган саргузаштлар» эртақ-қиссасидир. Маълумки, болалар табиатан қутилмаган, ғайритабиий саргузаштларга ўч бўлади. Барно Турсунованинг «Қутилмаган саргузаштлар»и шу маънода ҳам болаларга қандай асар битиш кераклигининг яхши намунасидир.

Баланд тепалик устида телба шамолга қарши кўкрак кериб турган яккаю ёлғиз ёнғоқ дарахнинг шамол учириб кетган фарзанди — ёнғоқча саргузаштлари, дарҳақиқат, қанчалик қутилмаган, ғайри-табиий бўлса, шунчалик қизиқарли ва ишонарлидир. Эртақ-қисса саргузаштларининг иштирокчилари — ҳар бири ўзига хослиги билан ажралиб турадиган турли жонивор ва ҳайвонлар, ўйинчоқлару қўғирчоқлар асарга жон бахш этади. Уларнинг ҳар бирига ёш қаламкаш ўзига хос «тўн» кийгиза олгани сабабли турфа рангларга бой оламнинг турли қирралари китобхон кўз ўнгида қарама-қаршиликларию, ранг-баранглиги билан намоён бўлади.

Таниқли кўзбойлағич Игорь Киодан «қайси ёшдаги томошабинни энг сезгир, номерларингизни дарров «фош» қиладиган томошабин деб ҳисоблайсиз?» деб сўраганларида, у: «мен учун энг сезгир томошабин болалардир, чунки улар ҳар бир нарсанинг бош ташқи хусусиятини дарров

англаб етадилар» деб жавоб берган эди. Дарҳақиқат, болалар ҳаётга ҳайрат, кашфиёт кўзи билан қарайдилар, ранг-баранг оламдаги ҳар бир нарса улар наздида аниқ-равшан намоён бўлади. Ана шу бош ташқи хусусиятни бир лаҳзада сеза олишлари, топқирликлари тўпламдаги улар чизган расмларда ҳам ўз аксини топган. Расмларнинг рассомлик техникаси талабларига қай даражада жавоб беришини баҳолашдан ожиз бўлсак-да, ана шу расмлар ҳам болаларнинг тийрак нигоҳидан далолат беришини тасдиқлашимиз мумкин. Ҳаттоки, мўйқалам ушлашга эндигина ўрнаётган болакайлар чизган ана шу рангин расмларни болалар учун чоп этилаётган китоблардаги нурсиз, ғариб тасвирлар билан таққослайдиган бўлсак, бунда ҳам болалар китобларини безовчи сураткаш ўртоқларимиз ҳали ана шу тажрибасиз болакайлардан кўп нарса ўрганишлари кераклигини яна бир қарра қайд этишга мажбур бўламиз...

Хуллас, «Юлдузча» нашриёти ва «Ленин учқуни» газетаси ҳамкорликда ташкил этган адабий конкурс ўзини тўла оқлаган. Болалари қадим-қадимлардан савқи табиийси билан кўпларни ҳайратга солган халқимиз орасида талантлар шу қадар кўплиги дилни қувонтиради, адабиётимиз келажаги бўлмиш ёш қаламкашларни кашф этиш йўлидаги бундай изланишлар ҳеч тугамасин дегингиз келади. Ва ниҳоят, биз тўпламнинг камчиликлари ҳақида оғиз очмаган эканмиз, бу тўпламга жамланган асарлар ҳар қандай камчиликлардан холи дегани эмас. Биз атайлаб камчиликлар ҳақида гапирмадик. Умид қиламизки, ёш қаламкаш дўстларимиз изланиш, бадиият сари интилишнинг илк поғоналарида эканликларини ўзлари англаб етадилар, изланиш-интилиш масъуляти уларнинг қалбига бир умр ошно бўлиб қолади.

Раҳматулла БАРАКАЕВ



Хурматли редакция, «Аванслар ва қарзлар» таржимаси учун сизларга раҳмат!

Мен бу дард ва жасорат билан ёзилган очеркни аслида ҳам ўқиган эдим, албатта. Кўп марта ўқиган эдим. Лекин ўзбекчада ўқигач, энди ўзимни бутун мағзи ва таъми билан тушунгандек, охирига етгандек ҳис этдим. Бу ёрдамингиз учун раҳмат!

Менга Н. Шмелевнинг бор-йўғи битта фикри баҳсли туюлади. У ҳам бўлса назарий-тарихий соҳадаги фикридир. Шмелев, амалдаги хўжалик механизми бошиданоқ— 1927—29 йилданоқ хато бўлган эди. Биз шундан кейинги ҳаёт йўлимизни асосан хато йўлдан — Ленинча бўлмаган йўлдан, Сталинча йўлдан юриб келдик, деб ҳисоблайди. Яна: «бу система (амалдаги система — Ш. Н) социализмга хос эмас, аксинча, нормал шароитларда унга зиддир», — деб ҳисоблайди. Яъни: НЭП нормал шароитда социализмга хос хўжалик механизмидир, деб ҳисоблайди.

Мен ҳозир — айна пайтда мана бундай позицияда турибман: Тўғри, НЭП «шаҳарларда хусусий мулкчиликка маълум эрк бериш»дан иборат элементини ҳисобга олмаганда — нормал шароитда социализмга хос хўжалик механизмидир. Лекин биз нормал шароитга қачон етиб келдик? Менимча, биз нормал шароитга 60-йилларда етиб келган эдик. Қишлоқ хўжалигидаги 1965 йил март пленумидан кейин, яъни 60-йилларнинг охири — 70-йилларнинг бошида етиб келган эдик. Бу — моддий-техникавий потенциал жиҳатдан:

Яна: республикаларнинг моддий-маънавий тенглашуви жиҳатдан:

Яна: халқаро социализм системасининг барпо бўлиши ва мустақамланиши жиҳатдан:

Ана шу уч жиҳат бизга тўла хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш шароитига ўтиш имконини берди. Бу имкониятни амалдаги хўжалик механизми яратди.

Хатомиз — туб иқтисодий ислохотни 10—15 йил кечроқ бошладик. Ҳаракат қилган эдик, албатта. 1965 йил октябрь, март Пленумлари тадбирлариниёқ муҳолифларимиз «капитализмга қайтиш» деб баҳолашганини эсланг. Шундай шароитда «дарҳол туб ислохот»га ўтиш қийин эди. Назарий жиҳатдан бу — хато. Лекин инсоний жиҳатдан тушунарли. Ақл аста-секин киради.

Хуллас, 60-йилларда бозорларимизда «миқдор» масаласи ҳал бўлган, танлаб олиш имконияти юзага келган эди. Харидорнинг танлаб олиш имкониятига, сифатга бўлган инжиқлиги ва ўзгарувчанлигига мос чаққон хўжалик механизми яратолмадик. 10—15 йил кечикиб яратдик. (Ҳали мукамал яратдик, деб ҳисобламаймиз. Кам-кетигини йўл-йўлакай тўғирлаб боравермоқчимиз.) Планлаштириш издан чиққани шундан. У ҳануз «миқдор»ни планлаштириб келди ва касод бўлди.

Хуллас, менимча, 10—15 йилларни, ҳар хил майда-чуйдаларни, субъективизм, волонтаризм оқибатларини, репрессияларни назарга олмаганда, масалага соф иқтисодий нуқтаи назар билан қараганда тараққиёт тўғри ўзандан оқиб келди ва оқмоқда.

НЭП — мамлакатнинг умумий қашшоқлиги вазиятида, айниқса, йирик саноат қашшоқлиги вазиятида ва районлар, регионлар, республикалар имкониятидаги тенгсизлик вазиятида номақбул эди, хусусий қизиқишни уйғотиш учун кўрилган вақтинчалик чора эди. Фавқулодда вазият меваси эди. У пайтда — 27—28—30-йиллардан бошлаб — мамлакат иқтисодий ҳаётини, Н. Шмелев айтган вазиятга — «ўз-ўзидан мослашиш, ўз-ўзини бошқариш ва ўз-ўзини ривожлантириш» вазиятига ташлаб қўйиб бўлмас эди. Агар шундай қилсак, тез орада аграр мамлакатдан индустриалашган мамлакатга айланолмас эдик. Бу айланиш экстенсив бўлса ҳам, ғаллани мажбурий олиш ҳисобига бўлган бўлса ҳам, маъмурий-бюрократик бўлса ҳам ўз тарихий даври учун энг тўғри айланиш эди. Социалистик тузум яратиб берган имкониятдан — планли бошқариш имкониятидан оқилона фойдаланиш эди. Мен Сталиннинг донолигига тан бераман. Унинг репрессияларини оқламасам ҳам, лекин у ҳақда оғзи полвонлик билан бирон-бир гап айтишга уяламан.

Мен КПСС МКнинг Сталинга нисбатан тутган позициясига — Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишланган докладдаги позицияга тўла қўшиламан.

Н. Шмелев: «НЭП, моҳият жиҳатидан, «маъмурий социализм»дан «хўжалик ҳисобидаги социализм»га ўтишдан иборат эди», — деб ёзади. Яъни НЭПга тегмаслик керак эди. У доимий бўлиб қолиши керак эди. Ленин шуни кўзлаган эди, демоқчи бўлади. Ленин эса мана бундай ёзган эди:

«НЭП РОССИЯСИ СОЦИАЛИСТИК РОССИЯГА АЙЛАНАДИ деган ишонч билдириб, сўзимни тамомлашга руҳсат бергайсиз». (ТАТ. 45-том. 350-бет)

Буни қандай тушуниш мумкин? НЭП — вақтинча, ўтиш даврининг механизми, деб тушуниш мумкин эмасми? Унда хусусий мулкчиликка вақтинча эрк бериш элементи бор. Бунга вақтинча таяниб, ўзимизни ростлаб «социалистик Россияга айланамиз». Кейин хўжаликни социалистик юри-тамиз, деган эмасми?

Шокирали НУРАЛИЕВ

«Шарқ юлдузи» журнали 1988 йил арафасида профессор Николай Шмелевнинг «Аванслар ва қарзлар» мақоласини журналхонларга тақдим қилиб, ўзининг янги имкониятларини кўрсатди. Мен мақоланинг қисқача мазмунини такрорламоқчи эмасман, лекин унинг ҳозирда мамлака-

тимизда амалга оширилаётган туб иқтисодий ислохотнинг долзарб масалаларига бағишланганлигини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Олдинги йилларда ўзбек тилида иқтисодий публицистика йўналишларига доир қатор мақоллар эълон қилинганини эслайман. Лекин биз иқтисодчилар бу мақолалардан етарлича қаноатланган эмас эдик. Профессор Шмелевнинг мақоласи ўзининг талаб ва таклифлари жиҳатидан иқтисодий публицистик мақола қандай бўлиши керак деган саволга амалий жавоб беради. Шу билан бирга иқтисодий публицистикани ривожлантиришда фақат ёзувчилар эмас, балки илмий ходимлар ҳам ҳисса қўшишлари лозимлигини исботлайди.

Республикада 500 дан ортик иқтисод фанлари докторлари ва кандидатлари бор, уларнинг кўплари олий ўқув юрталарининг кафедраларида ва илмий-тадқиқот институтларида хизмат қиладилар. Агар ёзувчилар ва журналистлар иқтисодчилар билан ҳамкорликда публицистик мақолалар яратсалар янада натижалари бўлар эди.

«Шарқ юлдузи» журнали бу ташаббусни ривожлантириб, иқтисодий публицистикага доир материалларни таржима шаклида бўлса ҳам навбатдаги сонларда бериб бориши керак.

Ҳ. СОБИРОВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор.

ОШКОРАЛИК МЕВАСИ

Бир ҳақиқатни тан олиш керак, ўзбек совет адабиёти жаҳонга кўз-кўз қиладиган йирик асарларга унча бой эмас. «Бой ила хизматчи», «Ўтган кунлар», «Сароб», «Қутлуғ қон», «Навойи». Шулар ёнига яна бир роман «Кеча ва кундуз» қўшилди. Олтинни яширган ҳамма вақт ҳам жиноятчи эмас, аммо буюк санъат асарини халққа етказмай, босиб ётиш кечирилмас гуноҳдир. «Шарқ юлдузи» журнали ушбу гуноҳимизни оқлади.

Ошкоралик даврининг талабларидан бири шуки, биз ўзимизни кенг тутишимиз, бир масала ҳақида, у ҳатто умумдавлат аҳамиятига эга бўлсада, турли, бир-бирига қарама-қарши фикрлар мавжудлигига кўникишимиз, бунинг ҳеч бир ёмон жойи йўқлигига, аксинча, шусиз тўғри тараққиёт бўлмаслигига ўзимизни қатъий ишонтиришимиз керак. Мустақил фикрлаш ҳуқуқи ҳеч ким тақиқламаган ва тақиқлаш мумкин бўлмаган муқаддас нарсалиги оддий ҳаётини нормага айланиши даркор.

Бу соҳада руслар яхши ўрнак кўрсатишяпти. Шахсга сиғиниш даврида эмас, кечагина 1958 йилда Борис Пастернакни СССР Ёзувчилар союзида чиқариш воқеасини олайлик. Маълумки, Бунинг сабаби Октябрь революцияси ва ундан кейинги воқеаларни объектив, тасвирлаган «Доктор Живаго» романининг чет-эл — Италияда босилиб чиқиши бўлган эди. Яқинда адолат қарор топди, Б. Пастернак союз аъзоллигига тикланди, «антисовет, туҳматомуз роман» деб аталган асар «Новый мир» журналича эълон қилинди. Адабий жамоатчилик рус адабиётининг қонуний бойлиги ўз юртига қайтганлигидан фақат хурсанд бўлди. Бу миллий онгнинг етуқлигидан далолат. Шундай етуқлик бизга ҳам насиб этсин.

Сувон МЕЛИЕВ,
филология фанлари кандидати

ЗУЛМАТДАН ЗИЁГА

Биз шу пайтгача ўзбек романчилиги ҳақида тўла тасаввурга эгамиз, деган фикрда эдик. Бу фикрнинг кемтиклиги ўзимизга ҳам сезилмасдан келарди. Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романининг эълон қилиниши ана шу кемтикликни бирданига ошқор қилди.

Маълум бўлишича, Чўлпоннинг ушбу асарисиз ўзбек романчилигининг тараққиёт йўллари ҳақида, йигирманчи йиллар адабиёти ҳақида фикр юритиш ярим-ёртиликдан бошқа нарса эмас экан.

«Кеча ва кундуз» — ўзбек адабиётининг совет давридаги дастлабки порлоқ дурдоналаридан бири. Бу роман ўзбек адабиётининг тамомила янгича йўлда яратилган меваларидан.

Унда инсоннинг маънавий қиёфаси, унинг жамият, эрк ва виждон олдидаги ҳолатлари жаҳон адабиётининг энг пешқадам санъаткорларига насиб этадиган маҳорат даражасида ўз ифодасини топган. 20—30-йиллар адабиёти Иттифоқ миқёсида ҳам ўзига хос мураккабликлардан холи эмас. Аммо бу нарса ўша давр маданий меросини чоп этишга монелик қилмаслиги лозим. Шу жиҳатдан ҳам «Кеча ва кундуз»ни нашр этган «Шарқ юлдузи» журналичининг бу ташаббуси олқишга лойиқ.

Романнинг чоп этилиши унинг ўзи ҳақида ҳам, роман муаллифи Чўлпон ва умуман 30-йиллар адабиёти ҳақида ҳам тўлиқроқ фикр юритиш имконини беради. Энг муҳими, энди қиёслаш имконига эга бўлди. Ҳақиқат — қиёсларда туғилади деган гап бор. Бу ўринда Чўлпоннинг М. Горькийдан эпиграф сифатида келтирилган қуйидаги фикрларини эслаш жоиз: «Маърифат (билим) чағиштириб кўриш билан ҳосил бўлади, бизнинг ёшлар эса ўз кўрганларини ҳеч нима билан чағиштира олмайдилар: улар кечмишни билмайдилар ва шу учун ҳозирги замоннинг нималигини етарли даражада очик англаёлмайдилар».

Дарҳақиқат, шундай. Бу роман ўзбек адабиётининг янги тафаккур тарзининг кўриниши сифатида беқиёс аҳамиятга молик.

Роман Европача талқиннинг шарқона тасвирлари туфайли ниҳоятда кўркам қиёфа касб этган. Албатта, роман поэтикаси, унинг бадиий структураси, образлар системаси, ёзувчининг тасвирлаш принциплари марксча-ленинча методология асосида махсус тадқиқ этишга муҳтож. Булар адабиётшунослигимиз олдидаги энг муҳим вазифалардир.

Б. ТҲУЛИЕВ,
филология фанлари кандидати

Биз Самарқанд область Каттақўрғон районидаги Ингичка посёлкасида яшаб, меҳнат қилаётган шахтёрлар «Шарқ юлдузи» журналининг 1988 йил 2-сонида босилган «Авлодларга нима деймиз» мақоласини зўр ҳаяжон билан ўқиб чиқдик. Бу мақолада халқимизнинг дилидаги армонлари рўй-рост, лўнда, тушунарли қилиб айтилган. Дарҳақиқат, Орол муаммоси Бутуниттифоқ муаммосидир, у ижобий ҳал этилиши керак. Биз ва биздан кейинги авлодларнинг фаровон ҳаёт кечирмоғи учун Орол яшаши шарт ва зарур. «Орол гўзал ўлим билан ўлаверсин» деганлар чинакам волюнтаристлардир.

Кейинги даврда республикамызда пахта майдонлари кенгайди. Бу демак, ўзбек деҳқонининг елкасидаги юки ҳам ортди. Аммо колхозчиларнинг турмуш шароитига ҳамон кам эътибор берилмоқда. Бу ўринда биринчи навбатда пахтакор меҳнатига тўланадиган ҳақни кўпайтириш масаласи ўйлаб кўрилиши керак.

Ҳозир қишлоқда яшайдиганлар (айниқса ёшлар) шаҳарда яшагга интилишяпти. Бизнинг фикримизча, бунинг асосий сабабларидан бири колхоз ва совхозларда иш вақтининг нормаланмаганлигида ва иш ҳақининг озлигидадир. Бизнингча колхозчиларнинг меҳнат шароити ва иш характери кўриб чиқиб, 7—8 соатлик иш куни белгилаш ва имкониятига қараб меҳнатни икки сменада ташкил этиш пайти келди. Иложи борича аёллар иккинчи сменага кам жалб этилса, уларнинг рўзгор ишлари ва болалар тарбияси билан шуғулланишлари учун қулай бўлар эди. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз миқёсида қайта қуриш ва янгиланиш жараёни давом этаяпти. Партия Ленин кўрсатмаларини тўғри талқин этиб, ҳаётга оғишмай жорий қилаяпти. Ҳеч шубҳа йўқки, қайта қуриш совет кишиларининг ҳаётида ижобий ўзгаришлар ясайди, она диёримиз келгусида янада гўзал ва бой ўлка бўлиб қолади.

Х. УРОЛОВ, Б. АННАҚУЛОВ, Э. ЖУМАЕВ, Ж. БОЙМУРОДОВ, Х. ИРИСОВ ва бошқалар.



Мухтор Худойқулов

МАСАЛЛАР

Улоқчининг дарди

Уни қаранг! Бир суворий улоқ дардида
Минган отин жон-жаҳд ила қамчиларди-да,
«Ол-ҳа, ол-у, чоп-ҳа, чоп», деб ниқтарди ҳар бор,
Қора терга тушганича чопарди тулпор.
Чин улоқчи от раъйига қарайди бир оз,
Ҳовлиқмароқ эди, афсус, бизнинг чавандоз,
Дам бермасдан, совутмасдан тинмай қичарди,
От бечора — тилсиз махлуқ — ночор чидарди,
Пишқирганча суринарди сувлуқ чайнаб у
Ва ниҳоят ҳолдан тойиб шарт қулади-ку!
Чавандоз-чи, жаҳл билан силтарди жилов.
— Эй, отингнинг кунни битди, қара! — дер биров, —
Кўрмайсанми, оқ кўпиги кепти оғзидан?
— Орқа-ўннга қарайди-да, улоқчи деган!
— Бағритошлик эвида-да, — деди аллаким, —
Шундай отни хароб қилиш — гуноҳи азим!
Ким ачиниб «чиқ-чиқ» қилар, ким чайқарди бош,
Бир кўнгли бўш тўкди, ҳатто, аччиқ-аччиқ ёш.
— Э, садқаи чавандоз кет, — деворди кимдир.
— Уни сақлаб қолиш мумкин бўлмаса наҳот?
— Бормикин нажот?!
Даб одамлар отни ўраб тураркан дилгир —
Чавандоз-чи, бир чеккада бузмасди пинак,
Қаранг — ҳамон улоқдайди унинг хаёли.
Табиатнинг қадрига ким етмапти, демак —
Бир кун урар зўравонга унинг уволи.
Агар жуда лозим бўлса бу гапга мисол,
Марҳамат: Орол.

Шайтон ва Ҳасад

Жаннатдан қувилган Шайтони лаин
Ерга атайин —
Келганди одамни йўлдан урмоққа,
Роҳи ҳақдан гуноҳ томон бурмоққа.
Шайтон ўз ишига омилдир хийла,
Фитнаю, фасоду, ёлғону, хийла —
Неки ҳунари бор — кўрсатди роса.
Бир кун қараса —
Минг йилча ишлабди олмай сира дам,
Ҳар йил бир отпуска қиларкан одам.
«Кел-э, — деди шайтон ҳам, — тугармиди иш,
Жуда маза эмиш курортга бориш,
Бир ҳордиқ чиқарсам чиқарибман-да!»
Энди рухсат олиб, кетай деганда

Ұйлаб қолди: «Хўш,
 Қолаверадими менинг ўрним бўш?
 Вақтинча ўрнимга тайинлаш даркор,
 Қўлидан иш келар, қани, ким ҳам бор?»
 Ұйлаб-ўйлаб охир Ҳасадни топди,
 Унга иш топшириб, ҳордиққа чопди.
 Орадан бир муддат ўтгани замон,
 Яна ўз ишига қайтди-ку Шайтон.
 Келиб қарасаки — ишлар зўр, э-ҳа,
 Ҳасад ер юзини эгаллаб опти,
 Кўринган юракка ғулғула сопти,
 Ҳамма бир-бири-ла қирпичок, тавба!..
 Дўст дўстни кўролмас, ҳамкасбни ҳамкасб,
 Қўшни қўшни билан душман, қасдма-қасд.
 Ҳасад қилар, қаранг, устозга шогирд,
 Ёзувчи, шоир-ку — ҳеч сўраманг — ғирт!
 Шайтон буни кўриб хўб қувонибди,
 Елкасига қоқиб Ҳасадга дебди:
 «Яша, оғайни!
 Худди менинг ичим экансан айни.
 Одам зотиники хўб ўйнатибсан —
 Қандингни ур, мендан ўзиб кетибсан!
 То сен бор экансан — энди кўнглим тўқ,
 Ұйлаб кўрсам ерда мен учун иш йўқ»,
 Дея учиб кетмиш яна осмонга.
 Одам қул бўлибди Ҳасад — Шайтонга...

Ўрганган кўнги

— Бўлди бас, керак-да инсоф ҳам, ахир,
 Ушбу кундан бошлаб бизлар ҳам тақир —
 Парранда-дарранда гўштин емаймиз,
 Ким еганин кўрсак — жонвор демаймиз!
 Кечирамиз тамом янгича ҳаёт,
 Ҳалоллик-ла биз ҳам чиқарамиз от! —
 Деб қарор қилишди йиртқишлар бир кун.
 — Қани, кимки рози бўлса бунинг-чун
 Қўл кўтариб берсин рўйи рост овоз:
 Бўри, Тулки, Айиқ ва бошқалар... соз!
 Шу билан тугади бугунги йиғин.
 Ҳамма тарқаб кетди. Шу онда секин —
 Бўри йўртиб қолди қўйхона томон,
 Товуқ излаб кетди аста Тулкихон,

Чалиш қийин эмас мажлисда қарсак,
 Яхшиси — шу қўллар ишини кўрсак...

Холис хизмат

«Тўқайда ҳам мундоқ бўлсин-да тартиб,
 Токай йўл тўсади қуриган шохлар?
 Танобини мундоқ қўйилсин тортиб,
 Симиросин мусаффо ҳаво димоғлар!», —
 Деган кўп бамаъни бўлди фармойиш,
 Жониворлар билдирди бу ишга ройиш.
 Уни бажармоққа ким бўлсин масъул?
 Ұйлашиб, Айиқни кўрилди маъқул.
 Кучли, паҳлавон,
 Чўнг-чўнг дарахтни ҳам эгар бегумон.
 Айиқ ишга тушди енгин шимариб,
 Аммо қуриган шох буёқда қолиб
 Илдиз-пилдизи-ла суғурар полвон,
 Чор атрофни кўпди шовқин, тўполон:
 Хўлу қуруқ қайда, чўнгу ёш қайда?
 Дарахт кўпорарди Айиқ тўқайда...
 Учрар баъзан шундай айиқмижозлар —
 Бўрк ўрнига бошни олар шоввозлар!

Анвар Обиджон

АСПАН АТТОРНИНГ АРИЗАЛАРИ

ҚОП КИЙГАН УҚУВЧИ
ЎКИ БИРИНЧИ АРИЗА

Девонаи Машраб номига қўйилган
средной мактаб тириктирига
собик кашшоф Аспан-барабандан

АРИЗАНОМА

Ит эгасини, мушук божасини танитайдургон, ожизалар наган отиб, эркаклар бола йўргаклай бошлаган ур-тўполон замонлар эди. Бўғоз эшак юрса қорни шилинадургон торгина кўчамиздан икки гала отлик қий-чув билан бир-бирини тирақайлатиб ўтар, Раҳим қоровулнинг кароматига қараганда, улардан бирови шўрочилар, бошқаси контурлар бўлиши керак эди. Томлардаги болакайларга қўшилволиб отликларни ҳай-ҳайлаб тургувчи Саттор жинни эса «ваҳ-ваҳ, иккаласиям ўзимизникилар», деб чапак урарди.

Бир куни Идрис қори сўфиликдан урилиб, маҳалладаги мачит янгича мактабга айланганини айтишгач, ахйри Шўронинг қўли баланд келганини фаҳмладик. Ҳаш-паш дегунча атрофни кашшоф босиб кетди. Раҳматли дадам маниям мактабга судраб бориб, ғилай одамга рўпара қилди. Муаллим шу киши эканлар. У бир кўзида булутга, бир кўзида манга қараб туриб, устимда иштондан бўлак ҳеч вақо йўқлигидан анчайин ичикиб кетди. Ана ундан кейин, ҳукумат вакилининг ҳузурига ёш авлодни шу турхатда еткалаб келасанми, деб дадамга кўп даваралар қилди. Лотинча ўки ўрисча аралаштирган бўлса керак, ўшанда унинг баъзи гапларига тушунмадим.

Дадам жаҳл билан мани яна уйга судради. Тафсилотни эшитгач, жойинг жаннатда бўлгур волидамиз сабздан бўшаган линча қопнинг таги ва икки четидан туйнукчалар очиб, дарҳол ичига киришимни буюрди. Этаги ер супуриши, энги йўқлигини ҳисобга олмаганда, янги қўйлак жуссамга қолипдек ёпишиб, бағоят очилиб кетдим.

Ўқишга-ку йиғи-сиғи билан кириб олдим, аммо кашшофликка ўтишим анчайин мушкул кўчди. Қоровой қўрбоши деганнинг қулоқ қилинган акаси қўйворган бир хотин тоғамнинг келинига хола бўларкан. Келиб-келиб шу нарса таржиман ҳолимга қоракуя туширди. Лоақал ўша келин пошшанинг нусҳасини кўриб, биронта попукли рўмолчасига бурун артган бўлсайдим, бунчалик алам қилмасди.

Бир тасодиф боис, хайриятки ишларим юришиб кетди. Биринчи Мой байрами куни кашшофлар сафга тизилиб, байроқ кўтарганича маҳаллани айланиб чиқадургон бўлишди. Домламизнинг мўлжалига кўра кашшофлардан биттаси саф бошида барабан уриб бориши керак эди. Қарангки, шу ишни эплайдургон бола топилмади.

Мани тоғам номдор карнайчи бўлган. Кўпинча тўй-тўйчиқларда унга эш-қўш юриб ноғора чалардим. Ҳунарим шу тобда асқотди-ю, барабани шартта бўйнимга илиб «қайроқи»га ура кетдим: трра-трак, трака-трак... Мундоқ қарасам, домламизнинг оғзи қулоғида. Завқим келиб, оҳангни «қашқарча»га бурвордим. Қани энди манга пул қистирадургон мард топилса.

Хуллас, шу жойнинг ўзида оқланиб, шу жойнинг ўзида кашшофликка қабул қилиндим. Ўша-ўша мани ҳамма Аспан-барабан деб чақирадургон бўлди.

Ҳайтовур, гапни чўзмай, мақсадга ўта қолайин: равотнинг шундоққина ёнига битта ҳужрача қуришни ният қилиб қўйган бўлсак ҳам, пойдеворга босадургон ашёмиз йўқлигидан хижолат чекиб, бу ишга қўл урмай юрган эдик. Сиз раҳбар бўлган мактабга ўнта гурзовойда куйдирилган ғишт келтирилганини кеча ўз кўзим билан кўриб, бағоят хурсанд бўлдим. Агар малол келмаса, қишлоқдан чиққан дастлабки кашшофлардан эканимни ҳисобга олиб, ўша ғишлардан мингтагинасини совға тарзида ҳовлимга ташитиб

қўйсангиз. Баҳонада ҳашарчи пионерлар билан ўртоқлик учрашуви ўтказиб, илм эгаллашдаги катта тажрибаларим ҳақида уларга эринмай сўзлаб берган бўлардим.
Сиздан ёрдам кутиб: собиқ кашшоф Аспан-барабан.

24 март.

ДАСТЛАБКИ ШАПКАЛИЛАР ЁКИ ИККИНЧИ АРИЗА

**«Қизил кетмон» калхўзининг камсамўллари
ва ўспириллари котиби Жумавой укамизга
собиқ ёш актип Аспан-шапкадан**

АРИЗАНОМА

Тўлан-ташвиқотнинг гапига қараганда, калхўзимиз бублатекасида камсамўллар музейига очиб, дастлабки ёш актиплар иши тўғрисидаги сурату ҳужжатларни ойнадор жовончаларга териб ташлаган эмишсан. Айниқса, қишлоғимизнинг биринчи камсамўли бўлган Урайим-зақўннинг каттакон портрейти хонанинг тўрисидаги илиб қўйилганини эшитиб, бағоят хурсанд бўлдим. Чўнки гўринг обод бўлгур ўша азамат манга жонажон қўшни, товоқдош улфат эди. Қишлоқда биринчи бўлиб у, иккинчи бўлиб ман шапка кийганман.

Ўшанда оёқда чорик, устимда ямоқ тўн, бошда ола шапка билан қўрқмасдан уйга кириб бордим. Дадам аҳволимни кўриб, чайнаб қўйган овқатини ютолмасдан сўррайиб қолди. Волидамиз қўлига оташкурак олиб, аккашни гузаргача қувиб чиқди. Шундан сўнг аламзада Идрис қоригаям эрмак топилиб қолди, афтимни кўрди дегунча, муаллимлигини паққос унутиб, чапанчасига айниб сўка бошларди.

Шу зайл неча кун уйдан қувғин бўлиб юрдим, шаънимга кўп надоматлар орттирдим, лекин культурной револутса йўлида барига чидадим. Ўша йилларда Урайим-зақўндан кам жабр тортган бўлсам, мани қасам урсин, соқолим тўкилиб тушсин.

Ман бу гапим билан суратимни Урайим-зақўннинг портрейтига эш-қўшлаб осиб қўй демоқчи эмасман. Локигин ўзингдан келиб, шундоқ қилган тақдирингдаям сандан бир мири кетмайди.

Воҳ! Чунонам оғир даврлар эди! Биз ёш актиплар камсамўлларга эргашиб даламадала кезиб юрардик, кетмончиларга газет ўқиб берардик, уларни калхўзга киришга ишқардик. Калтак еган пайтларимиз кўп бўлган. Кечқурун ҳаммамиз ячейкага тўпланиб, аввалига «Яша, Шўро»ни хиргойи қилардик, кейин шахматни билганлар дона суришарди, қолганлар пул тикмасдан, тўғрам нон ёки мева қоқига ошиқ отардик.

Бойваччалар кўпинча бизни йўлда пойлаб туришарди, улар билан охирги тишимиз қолгунча ғажисардик. Оқбилақлар ўз йўлига, таассуфки, китоб кўрмаган батракваччалар ҳам улар тарафда туриб бизга мушт отганда жиғи-бийронимиз чиқарди. «Суф санларга, каллаварамлар,— деб қичқирардик уларга,— контурларга сотилганларинг учун эртага ячейкага опкелиб шунақанги боглайликки, токи опаларингни очиққа чиқарадургон бўлинглар».

Ман пакана бўлсам ҳам жуда хунук уришардим. Бир куни Ёдгорбой деганнинг кенжа ўғлига такапўрма қилиб калла қўйган эканман, кўзи тепага битиб, оғзидан оқ кўпик келди. Шунда Урайим-зақўн елкамга уриб: «Қойилман, Аспанчик, сани бемалол камсамўлга қабул қилиш мумкин», деб юборди.

Ҳа, мани албатта камсамўлга олишарди, иш яхши томонга юриб турган вақтда ман гўсхўр қандайдир чайқовчига ўзим билмаган ҳолда ёрдам бериб қўйиб обрўйимни ахлат қилдим. Лодон эканман, ўшанда ҳушёр иш кўриб, камсамўлга текис ўрнашиб олганимда, ҳозир бозорма-бозор бўғриқиб юрмай, камида «Ўзбекбирлашув»нинг биронта идорачасини тебратиб турган бўлардим...

Аптабияграпияни тўхтатиб, асл муддаога ўтайин. Шу десанг, Жумавой ука, равотнинг ёнига битта ҳужрача қуришга киришиб, пойдеворига минг дона куйдирилган ғишт босиб қўйдик. Камхаржу ёлғизқўл бўлганим учун қурилиш шу жойга келганда таққа тўхтаб қолди. Агар малол келмаса, қишлоқдан чиққан дастлабки ўтирак актиплардан эканимни ҳисобга олиб, камсамўлча шанбалик йўли билан манга беш мингтагина гува-лак ётқизиб берсанглар. Баҳонада ҳашарчи камсамўлларга марҳум Урайим-зақўн ҳақидаги хотираларимдан гапириб, уларнинг кўзини мошдек очиб қўйган бўлардим.

Сандан ёрдам кутиб: собиқ ёш актип Аспан-шапка.

15. афрел.

ШУВИТ ЮЗ УЛФАТ ЕКИ УЧИНЧИ АРИЗА

Маҳалламизнинг обрўли оқсоқоли
Сулаймон полвонга
шу маҳалланинг собиқ чойхоначиси
Аспан-самовардан

АРИЗАНОМА

Гузардаги чойхона эсингдами? Беданаларни осмачироққа тоблаб, тонг оттирардик. Жанг кўрган «полвонча»ларнинг тўрқовоғига садаф қадатиб, сувдонига дўлана осиб кўярдик.

Хай-хай-хай! Бедана уриштиришда санга тенг келадургон жирракини учратмаганман, ютсанг — ютганинг, иш чаппа кетаётганини пайқасанг, қилдан қийиқ топиб тўполон чиқарардинг. Ертегирмонда катта олатасирда бир номард кўзингга бигиз санчиб, истаранга путур етказганидан ҳали-ҳали ачиниб юраман. Хотининг ҳам ўшандан кейин сандан кўнгилсиз бўлиб кетиб қолувди. Бунинг устига манам учинчи хотинимни талоқ қўйиб, прастўй-халастўй юрардим. Чойхона бизга ҳам рўзғор, ҳам хотин бўп қолувди. Э садағаси кетай, деб қўяман баъзида, ўша кунларам бир давр экан — кунда беданавозлик, кунда ошхўрлик...

Хай дариг, кейинчалик ўртамизга ола ит оралади. Эркакчасига айтадургон бўлсам, ошначиликнинг бузилишига кўпроқ ўзим айбдорман. Сан ғарибга вафо қилмаган ўша юзсиз хотинга уйланиб нима қилардим ман аҳмоқ? Ўзинг биласан, бу дардисар ҳам аввалгиларидан беш баттар чиқди. Ҳалиям аҳвол шу — тиши тўкилсаям, тили тийилмайди. Тўрқовоққа соп-қўйсанг, манаман деган «тезотар»ингни қочиради хумпар. Шундан зап қутулиб кетгансан-да, ошна.

Омадинг бор экан, кам бўлмадинг. Фарғона каналини қазишда қаёқданам назарга тушиб, кўп ўтмай калхўзга бургадур бўпкетдинг. Пилонинг тўлаворди, сан семиравординг — ошхўрликда ёпилмаган қовурғаларинг бургадурликда ёпилди. Номингни газеталарда кўриб қолсам бағоят қувонардиму бирийўла суратингням қўшиб ёпиштиришмаганидан афсусланардим. Кейин ўйлаб кўриб, суратга тушишдан ўзинг ийманган бўлсанг керак деб тахмин қилдим. Тўғри-да, бир кўзинг ожизлигини эл-юртга ошкор қилиб жинни бўпсанми?

Одамларга аралашиб маъқул иш қилган экансан, калхўз битта сигир етаклатиб сани пенсиега узатди. Мана охири тўйида беш пуд гуруч дамланадургон каттакон бир маҳаллага оқсоқол бўлиб ўтирибсан. Тутун чиққан жой борки, санга атаб алоҳида тугун тугиб қўйилади. Хайрият дейиш керак, маҳалладагилар инсофли, устингдан ёзадургон одам йўқ...

Эски қайсарлигинг кўзиб, «хўш, мақсадинг нима ўзи», деб сўраб қолишинг мумкин. Мақсадини энди айтаман.

Шу десанг, раватнинг ёнига меҳмону мусофирларнинг ҳожатини чиқарадургон бир хужра қуришни кўпдан ният қилиб юрардим. Илло вақти-соати келиб, шу иншоотнинг пойдеворига минг дона куйдирилган ғишт бостириб, беш мингта гувалак юмалаттириб қўйдим. Ёлғизқўллик қурсин, буёғига анчайин қийналиб қолдим.

Дустим Сулаймонжон, агар малол келмаса, узунқовуз атрофида беҳуда савлат тўкиб турган мирзатераклардан бир нечтасини худо йўлига кестириб берсанг. Бу — биринчиси. Иккинчи ўриндаги илтимосим шуки, уста Абдуқаҳҳорни савоб ишга сафарбар этиб, хужранинг ёғоч-чўпини тиклатгач эски кадрдонлик ҳурмати девор ҳашарига ўзинг бош-қош бўлмасанг, маҳаллада мани юз қилиб ҳовлимга қадам босадургон банда йўқ. Баҳонада бу анжумандан фойдаланиб, ҳашарга келган ёш-ялангларга сан забардастнинг калхўз тузишдаги майда-чуйда хизматларингни бўяб-бўрттириб гапириб берган бўлардим.

Сандан ёрдам кутиб: собиқ жонажон улфатинг Аспан-самовар.

19 май.

ШОВВОЗ ИЗВОШЧИ ЕКИ ТЎРТИНЧИ АРИЗА

Қишлоқ ижроқўмининг раисаси
ўртоқ Поччаевага
шу маҳкаманинг собиқ вакили Аспан-извошдан

АРИЗАНОМА

Мугузинг қайилгур. Адовлип Гитлер қизил Масковга лашкар тортмасдан бурун ҳозир сан бошқариб турган ана шу маҳқамада салкам уч йил извош минганман. Бунинг сән

билмайсан, раҳматли отанг биларди буни. У киши ўша пайтларда идорамиз яқинидаги мисгарлик дўконда тирикчилик қиларди. Гоҳида унга извошимни ювдириб, мўмай чойчақа берардим, шунда у «санга мендан қайтмаса, болаларимдан қайтсин», деб дуо қиларди. Фаришталар омин деган экан, мана энди санга ишим тушди.

У вақтларда извош миниш ҳозир шопирлик қилишдан ўн чандон оғир, юз чандон масъулиятли эди. Энди ҳамма йўллар асфол, мошинага ёғини қуйиб, исқўрини тўғри урсанг, айтган жойингга ғувиллатиб элтиб қўяди. Ман извош миниб итнинг кунини кўрмадим, мундоғроқ бўлдим. Байталлар қари, ем-хашак танқис. Бундан ташқари, Маҳрамбойваччадан тортиб олингандан кейин яна ўттиз ташкилотнинг дарвозасини кўрган ман-жалақи извош кунда бир ишқал чиқариб туради дегин. Отбоқарам, ишвошчиём, слесариям ўзим.

Бир куни десанг, қизим, райондан трактўрларнинг катта хўжайини кеп-қолди. Мошинасидан тушди-ю, келинаынгга бор, деб шопирини изига қайтарди. Бошида тўнғизтери шапка, қўлтиғида лўлаболишдек попка, белида наганбоп тасма, оёғида кавалериска хиром. Раисимиз тиззалагудек аҳволда бориб қўш қўлини узатган эди, у бурун жийирганича кўрсаткич бармоғини чўзди. Бошқалар-ку атрофда эмакляб юришибди.

Ана шундай мартабали одам ҳам ман рўливи бўлган извошга чиқиб ўтирди. Ёнида раисимиз. Улардан буйруқ олиб, байталлар бошини «Байнал-минал» калхўзига бурдим. Ўша даврларда йўллар яёв юрганниём ичак-чавоғини аралаштирадургон аҳволда эди. Қирчиндаги туяўрқач йўлдан лўки-лўк бораётганимизда извош хунасанинг орқа филдираги чиқиб кетса бўладими. Ана томоша-ю, мана томоша. Аввал меҳмон ағдарилди, кейин хўжайиним. Хайриятки, раисимиз ўша куни ичмаган экан, хушёрлик қилиб, вақтида бошлиқнинг тагига кириб олди.

Қарасам иш чатоқ. Бошимни суянчиққа уриб қонатдим, чалаўлик одамдай ётавердим. Раис ўрнидан туриб, бурнидан лой қоқди. Катта хўжайин гандираклаганча келиб, ерда ётган филдиракни тепди, «ҳе балонингга фалоним» деб сасиб қўйди. Кўзимни қия очиб барини кўриб турган бўлсам ҳам, ўша сулайганимча миқ этмадим. Шунақа қилмасам бўлмасди, замон нозик эди. Бошлиқлар истаса, янгироқ дўппи кийганиём қулоқ деб сургун қилворишарди...

У даврдаги гапларни гапиравурсанг, жабру жафонинг поёни йўқ. Ҳартугур мақсадга ўтайлик, қизим. Қариганда бошпанага зориқиб, равотнинг шундоққина ёнига тўққиз тўсинли бир хўжрача қурган эдим. Пойдеворига минг дона куйдирилган ғишт босиб, синчига тўрт арава ёғоч, деворларига беш мингта гувалак ҳаржладим. Ёлғизқўллик қурсин, томни ёпишга келганда ҳамёним бужмайиб қолди. Агар малол келмаса, оғир замонларда ижрокўм юмушларига камарбаста турганимни ҳисобга олиб, томимни истандартнўй тунука билан ёпиб берсанг. Баҳонада том ёпадургон усталарга депутатларимизнинг меҳнаткашларга қилаётган одамгарчиликлари ҳақида гапириб, уларни сиёсий томондан анчайин пухталаб қўйган бўлардим.

Сандан ёрдам кутиб: ижрокўмнинг собиқ ходими Аспан-извош.

28 ийюн.

ҚИЗИЛЎРДАДА ЯРАЛАНГАН АСКАР ЕКИ БЕШИНЧИ АРИЗА

Район вааянкаматининг каттақони
патпалкўмник Назарипга
собиқ прантовой саллот Аспан-ярадордан

АРИЗАНОМА

Издравия жилаю, таварриш камандир! Мани танимасалар таниб қўйсинлар — собиқ прантовой саллот, ҳозир маҳаллада ўзига яраша обрў орттирган бир граждандан ўзларига хат жўнатиб турибди.

Ман десангиз уруш бошланган дастлаб кунлардаёқ ижрокўмдаги ишимдан бўшаб олиб, қачон армияга чақиринишаркин деб жоним ҳалак кутиб юрдим. Ҳар куни пўштачининг ёқасини ғижимлайманки, манга повуска борми, деб. Ахири қаторга қўшишмаганидан қаттиқ ўпкалаб, саёҳат қилмасам бўғилиб ўладургон даражага етдим. Кейин билсам, уйдан чиқибман-у, орқамдан повуска келиб ман гўсхўрни доғда қолдирибди.

Саёҳат — ўз йўлига. Очдан ўлмаслик учун йўл-йўлакай мардикорчилик қилишгаям тўғри келди. Шу тариқа йиллар ўтганини билмай қолибман. Бир куни мани Марғилонда тутиб олишиб, сан дизертурсан дейишса бўладими? Ким дизертур, деб улардан баланд сапчиган бўлдим. Сан қўлимга аптамат бер-чи, ман ўша пашистни нима қиларкинман, дедим. Қани, кўраимиз-да, дейишиб аккашни урушга жўнатишди.

Вағўнда кетялману бировнинг қовунпоясига қапа тикқан душмонни ўйлаб зардам қайнайди денг. Отангдан қолган ўрмонда қўзиқоринингни териб юравермайсанми, зоти

паст, деб куюнаман. Тўғри-да, тили бошқа юртда пошшо бўлганингдаям, бари бир сил-киндилигингча қолаверасан.

Ман аламзада қачон пронтга етиб, бўмбабоз самалёт минаркинман деб вагўннинг томида бетоқат боряпганимда хачирдан тарқаган паравўзимиз Қизилўрдада таққа тўхтаганича туриб қолди. Бир темирўлчи мастравойдан: «Что такўй, вей?» деб сўрадим. Мастравой илжайиб қўйиб, «твой уже апаздал», деб ўтиб кетди.

Қаранги, краснўй армия биз кетаётганимиздан беҳабар яна қаттиқ урушга кириб, Гирмоннинг пойтахтини қўққисдан олиб қўйибди. Душмонга осмондан бўмба ташлаш ман шўрликка насиб бўлмади.

Иккинчи томондан, саллотларимиз урушда ютганидан суюндим. Қопчиқдаги ёнғоқларимни вокзалдаги мусофирларга арзонроқ тарқатворақолай деб вагўннинг томидан сакраганимни биламан, шошилишда истрелканинг устига тушиб, оёқни тарашаёриш қилдим. Ҳушимга келиб қарасам, атрофим тўла дўхтир.

Хулласи калом, Адовлип Гитлернинг аҳмоқлиги туфайли соппа-соғ оёғим уч жойидан дарз кетиб, иккинчи грубий инвалит бўлиб қолдим. Аммо бекор ётгим келмай, мана неча йилдирки, бозор-ўчараларга жамоатчилик асосида аралашиб, совет меҳнаткашларининг ҳожатини чиқариб юрибман..

Маили, муддога ўтайлик. Ман нотавон равотнинг шундоққина ёнига тўққиз тўсинли хужра солиб, томига истандартнўй тунука босган эдим. Хужранинг олд томони очик, атрофида дераза йўқлиги туфайли баайни гаражга ўхшаб қолди. Агар малол келмаса, ҳукуматнинг бус-бутунлиги йўлида чап оёғимни пачоқлаганимни ҳисобга олиб, ман вантанпарварга битта «Запорожиз» деган лўккавой мошинани раҳматнома қилиб беришингизни сўрайман. Баҳонада ана шу машина билан бошқа районлардаги бозорларгаям етиб бориб, давлатимизнинг пронтовойларга кўрсатаётган катта ғамхўрликлари тўғрисида даллолу харидорларга гапириб берган бўлардим.

Сиздан ёрдам кутиб: собиқ прантовой саллот Аспан-ярадор.

4 август.

РАЙСОБЕСГА ПЎПИСА ЕКИ ОЛТИНЧИ АРИЗА

Райсабзининг бошлиғи
Алайдин Салайдининга
ҳукумат учун катта хизматлар қипқўйган
Аспан-ветерондан

АРИЗАНОМА

Ман ким — қишлоқда биринчи кашшоф, биринчи камсамўл бўлиб юриб, кейинчалик «Қизил чойхона»га мудирлик қилиб, ундан сўғин қишлоқ ижроқўмига масъул ишга ўтиб, охири Гирмон урушидан фахрий чўлоқ бўлиб қайтган юртпарвар инсондурман.

Замон ўзгариб, домлалар қўлига гаврон олмайдургон бўлгандан кейин ҳам талай батракваччалар мактабга боришдан безиллаб юраверди. Шўрога зеҳни ўткир, китоб кўрган кадрлар зарурлигини қишлоқда биринчи бўлиб ман тушундим. Кўйлагим йўқлигини баҳона қилиб ўтирмай, эгнимга ўз ихтиёрим билан қоп кийиб ўқишга қатнай бошладим, кашшоф бўлдим. Ана ундан сўғин бошқа болалар мандан ўрнак олишди.

Ман камсамўл бўлган пайтларимдаям давр бежо эди, иштонбоғингдаги попуқ қизғишроқ бўлса, сани болшибекка чиқариб уйингга ўт қўядургонлар топиларди. Қўйнидаги носқовоқни юрак дегувчилар ўзича ғўдайиб юраверсин, гапни мандан эшит, ука: мана санларга културной ревалутся дедиму қишлоқда биринчи бўлиб шапка кийдим. Энди бошга тушган кўргиликлардан сўрасанг, онам оқ қилмадя мундоғроқ бўлди, Идрис қори нималар деб сўкканини очик ёзадургон бўлсам, уятдан қоғоз қизаради.

«Қизил чойхона»га мудирлик қилган вақтимда давлатга янада кўп фойдам тегди. Орқамиздан ола боқиб, пинҳон жағ силаб юрган контурлар ҳалиям топилиб туришига қарамай, Маркс бобойнинг жўрнолдан қирқилган суратини чойхонанинг тўрисиға илиб қўйишдан кўрқмадим. Бундан ташқари ҳар хил газетларни хонтахталарга ёйиб, ташвиқот ишларини авж олдиридим.

Кейинчалик мани қишлоқ ижроқўмига масъул ишга ўтказишди. Ижроқўм раиси иккаламиз извошга чиқиб олиб, кечани кеча, кундузни кундуз демай калхўзма-калхўз изғиб юрардик. Пахтани ўтга бостирган ялқовлар билан ўша жойнинг ўзида ёқалашиб қолардик. Чунончи, бундайларга ҳайфсан бериш учун мажлис чақириб ўтиришга вақтимиз йўқ эди.

Тобора обрўйим ортиб бораётган бир пайтда Гирмон пашистларининг лашқари карнай-сурнай билан устимизга ёпирилиб келаётганини эшитиб, уларни бағоят ёмон кўриб қолдим. Белни қирқ жойдан тугиб, ишимдан шартта жавоб олдим. Э, пашист, санки ўзинг ёмонлиқни бошлабсан, энди мандан хафа бўлма, деб дабраволиска бўлиб урушга кетдим. Оёғим синсаям юрагим бутун қолиб, енгилмасдан қайтдим.

Сан нимани кўрибсан, ука? Омадинг бор экан, яхши замонда туғилиб, бахмал кўрпада катта бўлдинг. Мактабдаям, институтдаям сани текин ўқитиб, тагингга пуржинали курси бериб қўйган экан, давлатимизга раҳмат дегин. Ана шундай одамшаванда давлатни қуришга жонини тикканлардан биттаси ман бўламан...

Муддаога ўтадургон бўлсак, кўриб турганингдек эл-юртга кўп фидойиликлар қилган рустамзодаларданман. Йўқса, манга бепилиска гараж қуришиб, бунинг устига ғойибдан «Запорожиз» мошинасини бериб қўйшмасди. Сан ана шуларни ҳисобга олиб, манга бериладургон пенсиёни ошириш чорасини кўр. Ҳозирча область аҳамиятига молик деб расмийлаштирсанг ҳам майли, республиканикени кейинроқ гаплашамиз.

Сандан ўн кун ичида жавоб олмасам, устингдан тепароққа ёзишга тўғри келади. Пухта ўйлаб ол, ука.

Сандан жавоб кутиб: ҳукумат учун катта хизматлар қилқўйган Аспан-ветерон.

30 декабур.

Самандар Воҳидов

Мулоқот

[Баъзи адабий давра «бахс»ларидаги
пинҳон хулоса]

Биз минбарда.
Ҳақ ҳам биз томон...
Тузган чоғи турфа мулоқот,
Қўлимизда қаламмас — камон,
Ҳимоясиз сайдга биз сайёд.

Шер, арслонга ўқиймиз таҳсин,
(Биз ҳам одам — ширин, ахир, жон).
Қилиб бўлмас қоплонга ҳазил,
Мўлжалимиз — оҳу, олмахон.
«Баҳс»имиздан қизитсак бозор,
Харидорлар четда боқар лол.
Тополмасак бирор талабгор,
Молимизга ўзимиз даллол.

Биз истасак: булбуллар — қарға,
Биз истасак: кўлмак — шўх дарё.
Писта пўчоқ — кема, биз — дарға,
Биздай даҳо кўрмаган дунё.

Гоҳ гулобни атаймиз айрон,
Шароб деймиз чучмал қимизни.
Уқувчилар тутар гирибон,
Англай олмай кимлигимизни.

Худбинликнинг жангоҳи бу «бахс»,
Ўқ этамиз йўқ фикримизни.
Ҳамкор қўлдан чиқарганча «қарс»,
Фош этамиз... ўз сиримизни.

Мундарижа

ШЕЪРИЯТ	
Эркин Воҳидов. Биздан кейин ҳеч бир авлод қайта қурмасин	3
Юсуф Жумаев. Сени хаёлимдан юлолмайди вақт	71
Олимжон Холдор. Сочпуклар фаслига ҳамиша интизорман	139
Ҳаёт Неъматов. Йўлимни ёритар бир нур	141
Одил Икромов. Ерни ёриб чиқар тоқатлар туби	151
Гулистон Матёқубова. Нафасимиз қолган тоза боғларда	155
НАСР	
Саид Аҳмад. Жимжитлик. Роман.	10
Пиримкул Қодиров. Авлодлар довоғи. Роман	74
Абдулқосим Мамарасулов. Телба муҳаббат. Ҳикоя	143
ОЧЕРК	
Отаёр. Сурхон соҳилларида	156
БОЛАЛАР ДУНЕСИ	
Пўлат Мўмин. Гул экман сизлар билан	164
ҲАМЗАХОНЛИК	
Тўхтамурод Зуфаров. Келажак меросдан бошланади	167
ИЖОДХОНАДА БИР СОАТ	
Иброҳим Раҳим, Эркин Худойбердиев. Ҳаёт чорраҳаларида	172
ДАФТАРЛАРДА ҚОЛГАН САТРЛАР	
Муҳсин Зокиров. Илк дафтарни варақлаганда.	
Шайхзода. Шеърлар	178
МАҲОРАТ МАКТАБИ	
Муҳаммад Маматвалиев. «Жалолиддин» ҳақиқат излайди	180
ЮБИЛЯРЛАРИМИЗ	
Салоҳиддин Мамажонов. «Юртингиз, унинг одамларидан сўзлаб беринг...»	184
ТАҚРИЗЛАР	
Алижон Йўлдошев. Ортиқбой Абдуллаев. Зулматдаги нур	187
Тўлабой Рўзиев. Орзумандлар фожиаси	188
Боқижон Тўхлиев. «Сўзнинг ўрни — сир»	190
Раҳматулла Баракаев. Болалиқнинг теран нигоҳи	192
АКС-САДО	
	195
ГУЛҚАЙЧИ	
Мухтор Худойқулов. Масаллар	198
Анвар Обиджон. Аспан атторнинг аризалари	200
Самандар Воҳидов. Мулоқот	205

Министерство связи СССР
„Союзпечать“

АБОНЕМЕНТ на газету **75458**
журнал
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» (индекс издания)

(наименование издания)										Количество комплектов	
на 1989 год по месяцам:											
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Куда _____
(почтовый индекс) _____ (адрес)

Кому _____
(фамилия, инициалы)

ДОСТАВОЧНАЯ КАРТОЧКА

п. в.	место	на газету 75458 журнал «ШАРҚ ЮЛДУЗИ» (индекс издания)
(наименование издания)		

Стоимость	подписки	руб. ____ коп.	Количество комплектов
	пере-адресовки	— руб. ____ коп.	

на 1989 год по месяцам:

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Куда _____
(почтовый индекс) _____ (адрес)

Кому _____
(фамилия, инициалы)

ҚАДРЛИ ЖУРНАЛХОНЛАР!

1989 йил учун газета ва журналларга обуна давом этмоқда. Шу йил охиригача ва келгуси йилда республикамиз ҳамда мамлакатимизнинг энг яхши адиблари томонидан яратилган романлар, дostonлар, қиссалар, шеърий туркумларни ёритиб бориш ниятидамиз. Йил давомида эълон қилинган қайси асарлар сизларга ёқди, қайсилари маъқул бўлмади? Бу ҳақдаги фикрларингизни ёзиб юборсангиз, «Акс садо» рубрикаси остида ёритамиз. Сиз қайси адибларнинг асарларини ўқишни исташингизни ҳам билгимиз келади. Шунингдек, журналда кўпчиликни ҳаяжонга солаётган жиддий муаммолар мунтазам ёритилади. Юқоридаги бланкани қирқиб олиб, тўлдиришингиз, алоқа бўлимларида ёки иш, ўқиш жойингиздиги «Союзпечать»нинг жамоатчи вакиллари орқали обунани расмийлаштиришингиз мумкин. «Шарқ юлдузи»га обуна **ЧЕКЛАНМАГАН** миқдорда қабул қилинади.

ПРОВЕРЬТЕ ПРАВИЛЬНОСТЬ ОФОРМЛЕНИЯ АБОНЕМЕНТА!

На абонементе должен быть проставлен оттиск кассовой машины.

При оформлении подписки (переадресовки) без кассовой машины на абонементе проставляется оттиск календарного штемпеля отделения связи. В этом случае абонемент выдается подписчику с квитанцией об оплате стоимости подписки (переадресовки).

Для оформления подписки на газету или журнал, а также для переадресования издания бланк абонемента с доставочной карточкой заполняется подписчиком чернилами, разборчиво, без сокращений, в соответствии с условиями, изложенными в каталогах Союзпечати.

Заполнение месячных клеток при переадресовании издания, а также клетки «ПВ—МЕСТО» производится работниками предприятий связи и Союзпечати.

Зак. 254—15.000.000—81 г.

На узбекском языке
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»
(Звезда Востока)
№ 10

Орган Союза писателей Узбекской ССР
Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства
ЦК КП Узбекистана, Ташкент — 1988

Техник редактор **А. Ҳайдаров.**

Рассом **Ғ. Алимов**

Корректор **М. Имомов.**

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар авторларига қайтарилмайди.
Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларни қабул қилади.

Теришга берилди 11.08.88 й. Босишга рухсат этилди 22.09.88 й. Қоғоз формати 70×108¹/₁₆.
Р-17682 Фотонабор. Офсет босма усули. Босма листи 13. Шартли босма листи 18,55. Нашриёт
ҳисоб листи 20,2. Тиражи 169132. Буюртма 4081.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени
босмаҳонаси. Тошкент — П, Ленин проспекти, 41